**Насриддин НАЗАРОВ**

# ЛАҚАЙЛАР: диалектология ва фразеология

Тошкент-2010

*Илмий-оммабоп китоб*
*Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри*

Ушбу тадқиқотда фанимизда кам ўрганилган лақай элати шевасида мавжуд бўлган айрим сўзлар ва ибораларнинг диалектологик ва фразеологик мазмунлари жонли мисоллар орқали берилганлиги билан эътиборлидир. Асар фанимиз равнақида муайян ўринни эгаллаб, ушбу соҳага қизиқувчилар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир: Фалсафа фанлари доктори,
профессор Қўчқор Хоназаров

Т А Қ Р И З Ч И Л А Р:

Мирзоқулов Т. – филология фанлари доктори, профессор.
Эназаров Т. - филология фанлари доктори.
Қаландаров М. – филология фанлари номзоди, доцент.
Шералиев Э. – филология фанлари номзоди, доцент.

# I. Диалектология

*Эл устозим, мен эса толиб,*
*Сўз гавҳарин термоқдир ишим.*
*Одамларнинг ўзидан олиб*
*Ўзларига бермоқдир ишим.*
*Эркин Воҳидов*

Маълумки, лақай диалекти ўзбек тилининг қипчоқ гуруҳига мансуб бўлиб, элат лексикасида «же»лаш фаол ўрин тутади. Шевада ишлатиладиган баъзи сўзлар ўзбек адабий тилида ҳам айнан ушбу шаклда ишлатилмаслиги ҳамда шеванинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, шунингдек, айрим сўзлар бугунги шароитда элатнинг жонли сўзлашув тилидан чиқиб кетаётганлиги, келажак авлод учун аждодларининг маънавий-маданий ёдгорликларини ўрганиб, асраб-авайлашлари учун ушбу сўзларни йиғиб, кенг китобхонларга унинг мазмунини талқин этишга жазм этилди. Шу билан биргаликда:

1. Сўзларнинг диалектологик мазмуни деб номланишининг маъноси сўз ва атамаларнинг шевадаги мазмуни ва моҳиятини назарда тутишдир. Айрим сўзлар ўзбек адабий тилида ёки бошқа диалектларда учраши мумкин, лекин шакл бир бўлишига қарамасдан маъно жиҳатидан фарқ ҳам қилиши мумкин.

2. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки ушбу сўзликдаги сўзлар фақатгина лақайларга хос бўлмасдан, айрим сўзлар лақайлар билан ёнма-ён яшаётган ўзбек миллатининг тоз, қатаған, қўнғирот, марқа, семиз, кесемир ва бошқа шева ва лаҳжаларда ҳам учрайди. Лекин ушбу сўзларнинг аксарияти

мавзуга алоқадорлиги, тадқиқот объектимизнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда ушбу сўзларнинг элат ижтимоий-маданий ҳаётида фаол қўлланилаётганлиги боис, асарни шундай номладик.

3. Лақай лингвистикаси ижтимоий қирраларининг бошқа жиҳатлари билан бир қаторда илмий давралар томонидан деярли мақсадли равишда ўрганилмаганлиги сабабли бугунги кунда шевада учрайдиган сўзларнинг диалектал луғатини тузиш муҳимдир.

4. Лақай шевасида учрайдиган сўзларни йиғиш ҳамда ушбу сўзларни мумтоз сўзликлар луғатлари[1] билан таққослаш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, қадимги туркий тилларда учрайдиган сўзлар бугунги лақай шевасида ҳам фаол қўлланилиб (масалан Девону луғотут-турк: ушик – 1 том, 102-бет; ағил – 1-том, 103 бет; ажриқ- 1-том, 136-бет; айт- 1-том, 184-бет; айран- 1-том, 142-бет; англа – 1-том, 185-бет; балчиқ – 1-том, 434-бет; бақир-3-том, 202-бет; жангшатти – 1 том, 414-бет; балдиз – 1-том, 426-бет; бохча-3-том, 140-бет; симир-2-том, 90-бет; талқан – 1-том, 412-бет; туйнек – 2-том, 28-бет; қолтиқ –1-том, 440-бет), мазмун ва шакл жиҳатидан ўзаро ҳамоҳангдирлар.

5. Бундай ҳамоҳанглик лақайлар ҳозирги компакт яшаётган ҳудудларда илгаридан яшаб, ижтимоий-тарихий жараёнлар ривожида атрофида қўшни яшаётган туркий тили миллатлар, ўзбек миллатини таркибидаги баъзи элатлар ҳамда тожик миллати билан ўзаро биргаликда яхши қўшничилик ҳамда ўзаро дўстлик ва биродарлик асосида яшаётганлиги ҳамда бундай ҳамжиҳатлик натижасида ўзаро

[1] Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари ҳамда Алишер Навоий асарлари.

маданий ва маънавий қирралар конвергенцияси фаол кўзга ташланади.

6. Шундай маънавий-маданий конвергенциялар ҳосиласи сифатида тожик тилидаги дуғоба (доғаба, доғаби), обхўрак (авхўрек), хушомад (хўшемет), ҳамсоя (ҳамсая), хушруй (хўширей) ва ҳоказо, ўзбек тилидан тожик тилига ойлик, қайсингил (қайнисингил), оқсоқол (совчи), бузбала (бўзбола), қалин (келинга бериладиган қалин), арғиш (ирғиш сўзининг ўзгарган шакли), жонвар (жанувар), қирғин, иртиш (марҳумнинг жаноза ўқилиши олдин майитнинг устига йиғилган мато ва пулларни иштирокчилар орасида мавқеига қараб тақсимлаш, жиртиш), қишлоқ (илгари қиш мавсумида қўниладиган жой), ҳайда (ҳайдовга юрадиган жонли мол) ва ҳоказо сўзлари муомала тилларида фаол қўлланилмоқда.

Ушбу сўзликда биз сўзларнинг этимологиясига[2] махсус эътибор қаратмадик, бу алоҳида тадқиқотни талаб этади. Шу билан биргаликда ушбу бошланғич тадқиқот лақай диалектида учрайдиган барча сўзларни қамраб олган бўлмай, фақатгина айрим сўзлардир. Сўзликни тузишда амалдаги алифбе тартибига қатъий риоя қилиниб, шеванинг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзбек алифбесида учрамайдиган “нг” товушининг юмшоқ формаси “ң”, баъзи ҳолатларда «и» товушининг қаттиқ формаси «ы» қўлланилди. Биз янгилик яратмасдан, мавжуд ҳарфларнинг товушларга мос шаклини қўллашга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, Ҳисор лақайлари билан Балжувон (бугунги Кўлоб) лақайлари орасида баъзи товушларда бир оз фарқ бўлиб, биз ҳар икки гуруҳнинг вакили (ота томондан Бадрахли – Катте Мерген - Алимбачче, она томондан

[2] Этимология – сўзларнинг келиб чиқиш маъноси, моҳияти демакдир.

Байрам – Давет) сифатида оралиқ йўлни топишга ҳаракат қилдик. Лекин, баъзи сўзлардаги фарқлар сақланиб қолди, чунончи, баъзи ҳудуддаги элатдошларимиз «ў» товушини «о» сифатида, «о» товушини эса «а» сифатида талаффуз қилишадики, ушбу асарни ўқиш жараёнида ушбу элатдошларимизда асардаги камчилик сифатида кўзга ташланса, элатдошларимизнинг аксарият қисмида ўз ҳолича талаффуз қилинади. Тадқиқотда шеванинг бой имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилиниб, элда мавжуд жонли сўз ўйинларига ҳам эътибор қаратилдики, бундан мақсад элимизда мавжуд ибораларни тарғиб этиш билан бир қаторда лаҳжанинг бетакрор диалектологик ва фразеологик имкониятларини очиб беришдир. Китобхонлар ана шу жиҳатларни ҳам тушуниб, эътиборга оладилар, деган умиддамиз!

# А

А – [A] – туркий сўз. Ол. *Айнаңниң кисесиден пул а.*

Абадан - [Abadan] – арабча сўз. Ободчилик, мол-кўлчилик. *Журт абаданчилиқ еди, уруш расва қилди, бир қапча буғдай, бир сийирман барабар бӧлди.*

Абайлав – [Abaylav] – туркий сўз. эҳтиёт қилмоқ. *Чайнекти абайла, тушип кетип синмасин. Абайлаған кўзге чўп тушер.*

Абат – [Abat] – арабча сўз. 1. Барча шароитлар мавжуд. *Қишлақ абат, ҳамме нерсе табилади. 2.* Уйланиш, тўқчилик, мўлчилик. *Паланчиниң уйи бузилибеди, абат бӧлдима?*

Абдасте, ягдасте, авхўрек – форсий сўз. [Abdaste, yagdaste, avkho'rek] – форсий сўз. Сув ичиш ва қўлга сув қуйишга мўлжалланган идиш. *Абдастени апке, бир тӧйип сув ичейик.*

Абеш – [Abesh] – архаик сўз. Афт-башараси ювилмаган бола. *Мына абеш укенгди чӧмилдирип кийимнерини кийгизип қӧй, пешинде духтур бабаси келип қӧлини ҳалаллайди!*

Абжил – [Abjil] – туркий сўз. Чаққон, ғайратли. *Шу жигит расаям абжилда, бир ахшамда Ҳами дайрадан вўтип, сурув-сурув жилқиларди алдиға салип, яна бу яқа вўтип келеди.*

Абзел – [Abzel] – туркий сўз. 1. Эгар, жабдуқ. *Аттиң абзеллерини ичкериге киргиз аяқ астида қамасин. 2.* Безайдиган воситалар. *Басмачилиқ заманида қизил аскерлер енемниң тилла абзеллерини талап кетген.*

Абзеллев – [Abzellev] - туркий сўз. Эгар-жабдуқни боғламоқ, тузамоқ. *Атиңди абзелле, жўнеймиз. Ҳамсаям неберели бӧған екен, бешик абзеллеп қизиникиге кетти.*

Абигер – [Abiger] – форсий сўз. Абгор, қашшоқ. *Вөниң ери бегўр чихти, тақа сийириниям сатип қартаға урди, уйи абигер.*

Абийир – [Abiyir] – форсий сўз. Қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор, мартаба. *Абийир арттириш учун вөн жил керек бөса, абийирди тўгиш учун бир кун бас! Абийирди жашдан, хатинди баштан.*

Абисин – [Abisin] – туркий сўз. Ака-укалар ва амакиваччаларнинг хотинлари бир-бирига абисин (овсин) бўлади. *Ағайин саз бөса баш кўбеер, абисин саз бөса аш кўбеер. Абисин ағариб алдиңа тушмесин, қарайип кейниңдеем қамасин.*

Абисин-ажин – [Abisin-ajin] – туркий сўз. Ака-укалар ва амакиваччаларнинг хотинларининг кўплик формаси (ажин-узоқроқ овсин). *Абисин-ажинлердиң бари жийилишип, мал-ҳалди қайнелериге тайлап вўзлери тöйға кеттилер. Абисиним ажиним, кўрсем келер ғижиним.*

Абөриген, афтөхтөн – [Aborigen, aftokhton] – лотинча сўз. Муқим, илгаридан яшаб келган, доимий. *Лақайлар шу ердиң абөриген халқи.*

Ав – [Av] – туркий сўз. Ов. *Авчи кечиксе суюн, арақхөр кечиксе куюн.*

Авдан – [Avdan] – форсий сўз. Сув идиш. *Авданиңди апке, бир төйип сув ичей!*

Авдарма етик – [Avdarma yetik] – туркий сўз. Ғунажин терисидан ағдарма қилиб тикилган этик. *Улақа е такеки етик кий, е авдарма етик кий, башқаси жарамайди.*

Авзу куйув – [Avzu kuyuv] – туркий сўз. 1. Иссиқ нарсадан оғзи куймоқ. *Қайнақ чайди, чайнектиң чумегидек ҳөплап, авзимди куйдириб алдим!* 2. Бирор нарсадан зада бўлиб, эҳтиёткор бўлмоқ. *Буламиқтан авзи куйген адам,*

*қатихтиям пуфлеб ичеди! Мен вӧға насаҳат қила-қила авзум куйген, инсапти вўзиге берсин!*

Авлақ – [Avlaq] – туркий сўз. Одам йўқ, чет, пана жой. *Келинчегиңди авлақа жетелемей, тӧйда пичи хизмет қисаңар бӧйма?!*

Авлед, авлет – [Avled, avlet] – арабча сўз. Бир бободан тарқаган кишилар гуруҳи. *Суенсең, авледиңе - бареке қӧшилар давлетиңе! Аш қисаң авледиңди чақир, авледиңнен артти башқани чақир.*

Авма – [Avma] – туркий сўз. Оғма, бир фикрда тура олмайдиган киши. *Қирғини кесин, вӧ дӧсиң авма, бугун мениң габимди мақулласа, ертен сениң габиңди мақуллайди.*

Авра – [Avra] – туркий сўз. Кўнглини топ, ишонтир. *Дӧс, ериңди ахшам аврап пул ал, ертен базарға чиғамиз!*

Аврув – [Avruv] – туркий сўз. Оғриқ, касаллик. *Аврувам жанға тийди, гўдеклердиң бири қӧйип екинчиси аврийди. Авруwди жаширсаң вўлесен.*

Авсул – [Avsul] – туркий сўз. Сигирларда учрайдиган касалликнинг тури. *Сари зати сийирим авсул бӧпти, вӧт жеялмайди.*

Авув – [Avuv] – туркий сўз. 1. Тенг эмас, бир томони босим, оғир. *Ешшегиңниң тӧхими авупти, сазла!* 2. Фикрини ўзгартирмоқ, айнимоқ. *Амекиң пикриден авмай турип пулини берип байталини алип келип қӧтанға байла, балам!*

Авузбав – [Avuzbav] – туркий сўз. Қанор, қоп ва қопчаларни боғлайдиган ип. *Авузбавди курмеп байла, ешшеке артқанда гуруч тўгилмесин!*

Авузлантурув – [Avuzlanturuv] – туркий сўз. Молларнинг янги туғилган болаларининг онасини эмиб кетишига кўмаклашув. *Байтал тувипти, ағилға кирип қулинди*

*авузлантир.*

Авул – [Avul] – туркий сўз. Аҳолининг тўпланиб яшайдиган жойи, қишлоқ. *Атқа минда, авулға барип, елге хабер бер, туш бӧмай жетип кесиннер!*

Авулдаш – [Avuldash] – туркий сўз. Қишлоқдош. *Тўрт табақ нан қилип авулдашлардан дува ал, кейин тўрт тарефиң қибла! Авулдаштиң авзи сассиқ. Авулдаштиң қизи вӧсирақ, вӧсирағам бӧса бейирақ.*

Авураяқ – [Avurayaq] – туркий сўз. Оғир оёқ, ҳомиладор. *Илгери қизларди ижап қиғаннан сӧң бир-еки жил атасиникеде турар еди. Куеви куевлеп қанниғ вӧйнап кетереди. Қизларди авураяқ бӧғанда, я балали бӧғанда узатаредилер. Келинчегиң авураяқ, жеңил жукти кўтерсе-кўтерсин, неки авур жукти кўтермесин!*

Авурсинув – [Avursinuv] – туркий сўз. Оғирсинмоқ, беришни истамаслик. *Айнам кўк қӧшқарди бер десеем, чечем авурсинип берди.*

Ада бӧлув – [Ada boluv] – туркий сўз. Тугамоқ, тамом бўлмоқ. *Шуларди деп пулимам ада бӧлди, вўмиримем ада бӧлди.*

Адақ, адағи – [Adaq, adag'i] – туркий сўз. Қуйи, пастки, оёқ қисми. *Мактеп қишлахтиң адағида.*

Адип – [Adip] – туркий сўз. Кийим ёки кўрпанинг устки қисми ва астарининг четига тикиладиган энсиз мато, мағиз. *Бахмал кўрпениң адиби қара сланнан бӧса еди, чирайли бӧғичеди.*

Адира, адирақағир – [Adira, adiraqag'ir] – туркий сўз. Адирда қолгур, егасиз қолгур, буюрмагур. *Келинчектиң уйхуси ачилғинча адира қағир қара ийнек бузавуға емизипти.*

Ажар – [Ajar] – туркий сўз. Мадор, куч. *Табистан тавдан писте теремен деп ажаримам қамади.*

Ажебтавур, ажебилде, аллетавур – [Ajebtavur, ajebilde, alletavur] – арабча сўз. Ажойиб, ақлга сиғмайдиган. *Ажебилде пейлиң бар, нанға чақирди наз қимай барабермейсеме?!*

Ажик – [Ajik] – туркий сўз. Томири шифобахш ўсимлик. *Ажикти дутетсең зиян-заҳмет қачади!*

Азар – [Azar] – форсий сўз. Хўрлик.

*Азар кўрген келинниң, чихмас тили чиғади,*

*Тилини ништер қилип қайнесиге тиғади.*

*Азар кўргич келинниң тили гапке шайланар,*

*Азар кўрмес келинниң бар тилием байланар.*

Аззенчиге – [Azzenchige] – туркий сўз. Роса, керагидан ҳам ортиқ. *Қалампирди аззенчиге табақа езип ашти ичсең, тумавиң жӧғалади.*

Азип-тӧзув – [Azip-tozuv] – туркий сўз. Озмоқ, тўзмоқ. *Буғдай вӧраман, шалиға пал тартаман деп байқуш хатиннарам азип-тӧзип кеттилер.*

Азмейиште – [Azmeyishte] – форсий сўз. Иззат-икромда, эъзозда. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Сабъаи сайёр» достонида «озмойиш» сўзини «синамоқ», «имтиҳон қилмоқ» маъносида беради:

Кўп киши қилди озмойиш анга,

Айтгандек эди намойиш анга, - дейди. Давр ўтиши билан сўзлар трансформациялашиб, янгича мазмун касб этиши мумкин.

*Қайнеси алти қабат кўрпечениң устиде, азмейиште!*

Азғана – [Azg’ana] – туркий сўз. Камгина, озгина. *Қазанда авқат азғана қапти, авқат қимасаң жетмейди.*

Азғин – [Azg’in] – туркий сўз. Озиб кетмоқ, териси суягига ёпишмоқ. *Атим азғин, улақа жарамайди.*

Айдаҳар – [Aydahar] – форсий сўз. Улкан илон, аждаҳор.

*Ғардиң ичига какуликтиң баласини ушлаймиз деп барибек, катте айдаҳар кўрдик, фишиллап бизди қувибеди қаштиқ!*

Айдик, суйдик – [Aydik, suydik] – туркий сўз. Севимли хотин. *Уч ахшам айдигиңниң алдида, бир ахшам тӧқалиңниң алдида жатмай, екевигеем бир кўз минен қара! Айдикке атирмен айна, тӧқалға тӧрба дегендей қимай, қилғилихти қиған сӧң каттесини устин кўр!*

Айил, ешшегайил – [Ayil, yeshshegayil] – туркий сўз. Пахта ва жунни аралаштириб эшиб, шардаз билан тикилиб, эшакниң тўқимини мустаҳкам ушлаб туриши учун белидан, тўшидан, думининг тагидан ўтқазиб тортиб боғланадиган йўғон энли ип.

*Ешшегиңниң айилини яхшилап тарт, бӧшқа вӧхшайди.*

*Айилман тартиб жиберсем, жиландай жайиласан!*

Айлап-жиллап – [Aylap-jillap] – туркий сўз. Ойлаб, йиллаб. *Байқуш бӧзбалалар Рассияда ишлеймиз деп, айлап-жиллаб уйлерини кўрмейдилер.*

Айна – [Ayna] – туркий сўз. Ака, ёки ҳурмат маъносида қўлланиладиган сўз.

*Шапталиниң шахини ийиб аған дӧсиме,*

*Айнам-айнам  деп жирип тийиб аған дӧсиме.*

*Айна, жӧғариға вўт, жеңгең жашмич жанчипти бир авуз ал!*

*«Даңғараға бардим, Тӧлабайдикиде тӧхтадим,*
*Дамулланикиде дам алдим, Жалтиркапеде жаттим,*
*Сӧң айнамдикиге жеттим»!*[3]

Айна кўрсетер – [Ayna ko'rseter] – туркий сўз. Никоҳ маросидаги қаделардан бири бўлиб, куёв ва келин чимилдиққа киргач келин томондаги аёллардан бири

[3] Ушбу қофияли ўхшатишни йигирманчи асрнинг эллигинчи йиллари Тавашарлик Хонумой чече Тавашар-Данғара йўналиши бўйлаб эшакда йўлга чиқиб ўз саёҳатини баён этган эканлар.

каттароқ ойнани олиб келиб, тутиши ва келин-куёв ойнага баравар қараб бир-бирларини ойнада кўришлари лозим. Бунда куёв томон ойна кўрсатган аёлга пул бериб рози қилишлари лозим. *Айна кўрсеткич чече айнаңизди тўғри ушлаң, тишиңиз шахшайип айнаңизда вўзиңизден башқа кўринмеятир, куев айнада сизди кўрип чимилдихтан чиғип қачмасин тағин, куевди елене-елене апкелдик вўзи!*

Айналайин – [Aynalayin] – туркий сўз. 1. Айланайин, ҳурмат маъносида. *Айналайин ешенбабам дува бериң, сийирим егиз тувса биреви Сизики!*

*«Айналайин астана, башим саңа дастан-а,*

*Ул бермесең қиз бергин, атасини тез бергин!»*

*(Сўвчи келмай ўтириб қўлган қизлар тилидан)*

*2.* Кесатиш маъносида. *Я айналайин-ей, вўн кила деп берген жаву тўққиз килаям чихмайди.*

Айналип-уйрилув – [Aynalip-uyriluv] – туркий сўз. Мулозамат кўрсатмоқ, эркаламоқ. 1. *Айналип-уйрилип қудағийларға хизмет қип жири. 2. Шунча айналип-уйрилсемем бу балаң ел бўмайди.*

Айналма чий – [Aynalma chiy] – туркий сўз. Ўтовни ўрнатишда керегенинг ташқарисидан ўрнатиладиган тўсин. *Айналма чийди айналтирип қўйиңар, сўң кийизди жабамиз!*

Айнахалта – [Aynakhalta] – туркий сўз. Келинларнинг ойна, тароқ ва шунга ўхшаш нарсаларини солиб қўйиш учун турли нақшлар солиб тикиладиган халта. *Келинчек айнахалтасиниям жўрмелеп тиккен екен.*

Айни(йди)пти, айнув – [Ayni(ydi)pti, aynuv] – туркий сўз. Ниятидан, сўзидан қайтмоқ. *Қайнағаң атини бизге сатмахчи еди, айнипти шекилли, минип улақа жўнеди!*

Айран – [Ayran] – туркий сўз. Ёғини олиш учун мол сутидан тайёрланган қатиқнинг кувида суюлтирилган

шакли, суюқ ичимлик. Айран сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотут турк” асарида ҳам учрайди (Том 1. – Б. 142). *Чўпанниң айрани кўп, бекардиң байрами кўп. Айран турип ақ кусеген, қавун турип қақ кусеген… Қаймахман қатиқа нан булаб жедим, айрани қағанда сеники дедим.*

Айрантабақ – [Ayrantabaq] – туркий сўз. Тортилиб тайёрланган айронни қуйиб, меҳмонлар дастурхонига қўйиладиган улкан идиш. *Айранди айрантабақа қуйип қўйдим, мейманнардиң алдиға апарип чиникаселермен шапирип-шапирип мейманнарға узатабериң, вўзлерием тал туште журеклери куйип кегендилер!*

Айранхалта - [Ayrankhalta] – туркий сўз. Айронни қуйиб сариқ сувини оқизишга мўлжалланган халта. *Айранхалтани баленрекке ил, ийт тишлеп халтани жарип, айранди ҳаррамлап тўгип тайламасин!*

Айранчалап – [Ayranchalap] – туркий+форсий сўз. Сал қуюқлашган айроннинг сув қуйиб суюлтирилган шакли. *Мейманнар аттан тушкинче халтадағи айранчакепке сув қўшип айранчалап таярла!*

Айранчакеп – [Ayranchakep] – туркий сўз. Айроннинг халталарга қуйилиб, суви оқизилиб қуюлтирилган шакли. *Ҳамсаяниң маззаси жўқ, бир табақа айранчакеп жибер, келиннери жулма аш қилип береди.*

Айриплан – [Ayriplan] – русча сўз. Илгари самолётни шундай аташганлар. *Бир заманнар Қўрғаннан Қизилмазарғаям, Жарипқўлғаям айриплан учқичеди, уч сўмман Жарипқўл жеткичек!*

Айти, айтўт, айтўти - [Ayti, aytot, aytoti] – туркий сўзлар. Илгари қизларни эркалаш учун «кичкина қиз» маъносида ишлатиб, айрим ҳолатларда қизларга ном сифатида қўйилган. *Айтўт қизға айна ап келиң!*

Айтмақчи – [Aytmaqchi] – туркий сўз. Айтмоқчи, айтгандек, унутилаёзган гап. *Айтмақчи, паланчабайдиң ули Рассиядан ишлеп кепти, қуллибӧсинға барип, небереміздием сӧрап қайтайиқ, кампир!*

Айтувли - [Aytuvli] – туркий сўз. Номи чиққан (салбий маънода). *Абисиниң вўшеке айтувлиғана! Дӧсиң айтувли шатте!*

Айув - [Ayuv] – туркий сўз. Айиқ. *Мерген айувди аңниса, айув мергенди аңнипти.*

Айқаш – [Ayqash] – туркий сўз. Аралаш –қуралаш. *Туште тўшеги жийувсиз, уйи айқаш-уйқаш бӧп жатир, ким айтади жаш хатин деп!*

Айқашув – [Ayqashuv] – туркий сўз. Аралаш-қуралаш бўлмоқ. *Улим жуваш екен жиламайди деп куевиңмен айқашип жатқиниңча бирди-ярим балаңнан хабер амайсама, чӧчағи сумектен чиғип кетип бешикжавупларигачей ҳўллеп, вўзием ҳўлдиң ичиде қапти!*

Айғир – [Ayg'ir] – туркий сўз. От. *Айғир атиңди жабувлап баққиниңча улақа сал!*

Акешек – [Akeshek] – туркий сўз. Қўл-оёқларнинг тортишиб қолиш касаллиги. *Акешек чалғир айнаң жавчи қӧяман деб, жавчиям қӧймади.*

Акс – [Aks] – форсий сўз. Гапга кўнмас, тўполончи. *Қайнатаң бир акс адам бӧса, вӧға гап тушунтирип бӧлама?!*

Ала сала – [Ala sala] – туркий сўз. Олган заҳоти. *Пулди ала сала Ташрабатқа базарға кетти.*

Алабақан – [Alabaqan] – туркий сўз. Ўтовнинг ичига кўндаланг осиб қўйилган ёғоч. *Жайнамаз жерде жатмасин, алабақанға асип қӧй!*

Алай бӧсин – [Alay bosin] – туркий сўз. Қутлуғ

бўлсиннинг жавоби. – *Чече, небере қулли бӧсин?! – Алай бӧсин, алай бӧсин. Сизге қулли бӧсин, бабаси?! – ӧмин, вўмири узақ бӧлип, айналариға жӧлдаш бӧсин. Ата-енеси раҳатини кўрсин!*

Аламан – [Alaman] – туркий сўз. 1. Бухоро амирлиги шароитида оддий аскар (нафар, оломон). *Ҳисар беги аламанға аскер алиб, ғайратли, абжирлерини вӧнбаши қип қӧяятқан екен.* 2. Онгсиз тўда, кароқчилар тўдаси. *Аламанға қӧшилсаң қилич вўлтирмесеем, қарғиш вўлтиреди!*

Аламан пайке – [Alaman payke] – туркий сўз. Илгарида мусобақанинг тури, от мусобақаси. *Кечкечей аламан пайкеде ат чаптирғинча, атиңди сувут, ертен улақа керек бӧлади!*

Алаңлав – [Alanglav] – туркий сўз. Тинчсизланиб атрофга қараш. *Алаңлама, уккағар, шу журегиңмен бизге иргешип жирипсеме?!*

Аларман – [Alarman] – туркий сўз. Олувчи. *Аларманға алтав аз, берерменге бирев кўп.*

Алахан бӧлув – [Alakhan boluv] – туркий сўз. Хавотирланмоқ. *Бирен жақа барсаң уйдегилериңе айтип кет, алахан бӧмасиннар!*

Алача – [Alacha] – туркий сўз. Турли рангдаги ипаклар воситасида қўлдан тўқилган мато. *Алачадан бешикжабув бӧлама, бешикжабувди пахмалдан қил. Алачани жиртип чалиңа пайтаба қип бер!*

Алақан – [Alabaqan] – туркий сўз. 1. Чалма, салланинг алақани, узун шалпилдоғи. *Чалмаңниң алақанини кўп узун қима!* 2. Қўлнинг юмиладиган жойи, шапалоқ. *Қӧлиңди бер, алақаниңдағи чизихларға қарап палиңди ачаман!* 3. Кийимнинг олд қисми. *Алақаниңди кең жайиб бапиржа вӧтир, авқат пишишиге ҳали вахт бар.* 4. Қамчи ўримининг

қамчи дастаси билан бириккан жойи, шапалоқ қисми. *Хамчим алақанидан узилип кетти, жаңасини амасам бӧмайди!*

Алағарақ – [Alag'araq] – туркий сўз. Ишониб бўлмайдиган, кўзлари ўйнаган, шошқалоқ, иши пухта эмас. *Бу баланиң қарашлари алағарақ, буға ишенип бӧмайди!*

Алағуйин – [Alag'uyin] – туркий сўз. Чанғит, олақуйин шамол. *Алағуйин шамал есиб, Қӧшқудуқа жеткинче тилешкениң устиде кўзимизди ачалмадиқ.*

Алағурт – [Alag'urt] – туркий сўз. Каштанинг оқ-қора қуртга ўхшатиб солинган йўли. *Чапаниңдағи ана алағурткеште ийнекештеме е бигизкештеме?*

Алем-жахли – [Alem-jakhli] – арабча+туркий сўз.1. Улғайган. *Ули алем-жахли бӧп қапти.* 2. Олис. *Пиядаға Дӧңизадир алем-жахли жӧл!*

Алем-жаҳан – [Alem-jahan] – арабча+форсий сўз. Жуда кўп. *Алем-жаҳан пахта терибем, юз киллаям чихмапти!*

Алим – [Alim] – арабча сўз. Олим. *Алим бӧлип не бӧлар,*

*Билгенини жутқан сӧң.*

*Ами бӧлип баш бӧлар*

*Ешиткенин айтқан сӧң.*

Алис – [Alis] – туркий сўз. Узоқ, олис. *Алисдағи хишиң хиш емес, жувихдағи ҳамсаяң хиш!*

Алислав – [Alislav] – туркий сўз. Узоқлашмоқ, олислашмоқ. *Жашлар алислап кетти, биз ҳассемизге суенип кейин қалабердик.*

Алишув – [Alishuv] – туркий сўз. Курашмоқ. Илгари курашлар кундузи билан бир қаторда кечаси тонг отгунча давом этиб, қоронғи кечаларда алиш, тўй-тантана ва маросимларда жувоздан чиққан кунжут, зиғир ва чигитнинг кунжорасини қурнинг бир-неча жойларида ёқиб, аланга

ёрдамида ёруғликни таъминлаб турганлар. *Палваннар алишиштиң вӧрнига бир-бирини жанаятқан вӧттиң устиге судреп салишип кеттилер, бекевул айирип. екевинием давреден чиғарип жиберди.*

Алле – [Alle] – туркий сўз. 1. Ёш болани бешикда аллаламоқ. *Мен буға алле айтайин десем, кўзи чахчайип вӧл маңа алле айтип жатир!* 2. Ёки. *Жездең жузикти Жузигайдиң қӧлиға алле никеде саған, алле чимилдихта саған.*

Алле маҳал – [Alle mahal] – арабча сўз. Жуда кеч, туннинг ярми. *Алле маҳалде вўзиң тақа қайтип келдиң?!*

Аллебешик – [Allebeshik] – туркий сўз. Бешиктебратар. *Аллебешикти вўлтирме, вӧбал бӧлади!*

Аллекимдей – [Allekimdey] – туркий сўз. Бегонадек, билмайдигандек. *Аллекимдей қисир сийириңди жӧғари-қуйи жетелегиниңче, бийкеңдикиге патаҳа тӧй кегеннигини билесен, шибаңнап кеп вўзлериң қип, вўзлериң жейтиғансаңар!*

Аллетавур, тавур, аллетасим – [Alletavur, tavur, alletasim] – туркий сўз. Ажабтовур, аллақандай, бошқаларга ўхшамайдиган (салбий маънода). *Бу балаң аллетавур, гап амас, чаккемсав бӧпти!*

Алмас – [Almas] – юнонча сўз. Ўткир нарса. *Магезиннен алмас ап кеп сақалимди амасам, сақалиңизди алиң деп чечең вўртеб жатир!*

Алмурут – [Almurut] – туркий сўз. Олмурут, нокнинг бир тури. *Чалатаңа алмурут апар, иштаҳасини ачади.*

Алп – [Alp] – туркий сўз. Алп, баҳодир, ботир қўрбоши, мерган. Алп сўзи “Девону луғотит турк” асарида ҳам учрайди (Том 1. – Б. 77). *Басмачи заманда ел алпдай жигитлериден айрилди!*

Алтиаяқ, алтаяқ – [Altiayaq, altayaq] – туркий сўз. 1. Керегесиз, увиқ билан шангирақ ёрдамида қурилган ўтов. *Алтаяқти қуриңар, шу ер вӧтли, ҳам сувдиң леби екен, бир-еки кун қаламиз.*

Алчаңлав – [Alchanglav] – туркий сўз. Тез юрувчи, чаққон кишига нисбатан ижобий маънода қўлланилади. «*Алчаңлаған айнама, Жең тайлаған қиз керек». («Лақай ӧвӧзи» дан).*

Алчи – [Alchi] – туркий сўз. Олчи, қўй ёки кийикнинг ошиғини ташлаганда ёки уриштирганда ўнг туриши. *Пулиң кўп бӧса, ашиғиң алчи, пулиң бӧмаса, авқатиңам аччи.*

Алқинди – [Alqindi] – туркий сўз. Совуннинг қолдиғи. *Алқиндини тайлама, башқа сабин жӧқ.*

Алғав-далғав – [Alg'av-dalg'av] – туркий сўз. Нотинчлик. *Алғав-далғав заман бӧлди, ел титилип кетти: Биреви Ташкентге, биреви Бешкентге, биреви баҳерде кетти, биреви шаҳарге кетти.*

Алғашув, алғаш ешитув – [Alg'ashuv, alg'ash yeshituv] – туркий сўз. Янглишмоқ, нотўғри эшитмоқ. *Тағайиңниң тӧйи базар кун екен, мен ишамби кун деп алғаш ешитиппен!*

Алғир – [Alg'ir] – туркий сўз. Зийрак, овчи ит ёки қуш. *Ийтим алғир, паслеб учқан қушлардиям авлайди.*

Алғуйди – [Alg'uydi] – туркий сўз. Ағдар-тўнтар қилгувчи. *Ҳали алғуйди дӧсиң кесе, сениңем қабириңди қазади, мениңем қабримди қазади!*

Амат – [Amat] – туркий сўз. Ёғочларни боғлаб, дарёдан сузиб ўтиш учун ясалган мослама. *Жуклерди аматқа артиңар!*

Амач – [Amach] – туркий сўз. Ерни шудгорлаш учун ҳўккиз ёки йилқининг бўйнига боғлаб тортиладиган қурол, омоч. *Ҳўккизиңди бер, амач тарттирайиқ!*

Амеки – [Ameki] – арабча сўз. Ака-укаларнинг, ёки яқин эркак қариндошларнинг болалари. *Қўшқудуқдағи амекилердикке барип бир дам алип кесем, кейин шу ишимди башлағичем.*

Амири қавун – [Amiri qavun] – арабча+туркий сўз. Пўчоғи ва эти кўк бўлган, эрта пишар қовуннинг нави. *Мейман Жарипқўлдан кеген, амири қавуннариңнан апкеп сўй!*

Амре – [Amre] – форсий сўз. Йўлдош, шерик, ҳамроҳ. *Рассияға пайизман жўнеген бўсаң, амреӊ ким? Амреӊ тузув бўса, жўлда зерикмейсен.*

Анав – [Anav] – туркий сўз. 1. Ана у (кўрсатиш олмоши). *Чачыни чаппа тарап сўппайған анавдиӊ ати кимеди?* 2. Баъзи аёллар бошқаларга эри ҳақида гапирганда ишлатилинадиган сўз. *Анав базарға кетибеди кемеятир! Анавдиӊ иштен келишиге манту қип қўйибем.*

Анав-минав – [Anav-minav] – туркий сўз. Баҳона изламоқ. *Анав-минав демей атинди егерле, куевлеп баратиппан куев жўлдаш бўласан, мен саӊа тўрт кун чимилдихта куевжўлдаш бўламан деп жаӊа чапаним қайнатаӊниӊ қишлағиниӊ ийтлериге улақ бўлип вўзим ҳилле қутилибем!.*

Андава – [Andava] – форсий сўз. Томнинг устини совоншувоқ қилиш. *Андавани жугиртирмей қалинрақ қиӊар, ҳашерлериӊе чечелериӊ қазандиям қўйув қип қайнатаятир!*

Андеш – [Andesh] – форсий сўз. Фикрламоқ, ўйламоқ. *Андеш аке, узахти вўйлавчи яхши ада еди.*

Андиз – [Andiz] – туркий сўз. Фойдали, гули сариқ, ранги кўк доривор ўсимлик бўлиб, илгари лақайларда отнинг емлаши, иссиғи чиқиши, қорин оғриши каби касалликларини андизни чайнатиш ёки едириш орқали

даволаганлар. *Андиз аврувға ажел, пичисини чайиб ичсең, аврувиң сен кўр, мен кўр бўп кетеди. Атиңниң сувлиғиға андиз байласаң, иссиғи тушеди. Андиз бўса ат вўлмес!*

Анжем – [Anjem] – форсий сўз. Нарса, анжом. *Малдиң қишқи жемишини кузекте анжемлеп қўйиш керек!*

Аңирайув – [Angirayuv] – туркий сўз. Бирор нарсанинг таъсирида оғзи очилмоқ, анграймоқ. *Шаҳерде жийирма қабат уйлерди кўрип, турли хилда машинлерди кўрип авзум аңрайи-и-п қапти.*

Аңлав – [Anglav] – туркий сўз. Маъносини тушунмоқ, англамоқ. *Вўмирдиң сувдай ағип вўтишин қирхтан ашқаннан сўң аңладим!*

Аңнув – [Angnuv] – туркий сўз. Пойламоқ. *Мерген айувди аңниса, айув мергенди аңнипти.Алисдағи душманнан,*

*Аңнип жирген дўс жаман.*

Аңсиз - [Angsiz] – туркий сўз. Фикри бошқа жойда бўлган, тўсатдан, ногаҳон. *Аңсиз турған гўдектиң қулағиға бақирма, сескенеди.*

Антайув – [Antayuv] – туркий сўз. Бир нарсага егудек бўлиб, ҳирс билан тикилмоқ. *Тиливзирге антаймай, алдин чайиңди ичиб ал!*

Антаңлав – [Antanglav] – туркий сўз. У ёқ, бу ёққа қарамоқ. *Антаңламай авқатиңди же, афтўбус кетип қалади!*

Анқав – [Anqav] – туркий сўз. Оғзи очиқ, шалпайган. *Анқавға вўхшамай, қудухтан сувди тезрек тартсаң вўлесеме!*

Аңқайув – [Angqayuv] - туркий сўз. Оғзини очиб тикилмоқ. *Сенимен базар баришқаям адам уялади, нимени кўрсең аңқайип қаласан!*

Аңғарув – [Angg'aruv] – туркий сўз. Мазмунини

тушунмоқ, англамоқ, эшитмоқ. *Бачче, ишлеб жатқан екенсиз ҳайбарекелле бердим, анғардиңизма-анғармадиңизма каллеңиздием кўтермедиңиз?!*

Апай – [Apay] – туркий сўз. Ёши улуғ ва ёши катта аёлларга нисбатан айтилади. *Кўкташқа барипсиз, апайдиям кўрдиңизме, апай даявма?*

Ап-асант, аппа-асант, асантқана – [Ap-asant, appa-asant, asantqana] – форсий сўз. Қийин эмас, жуда осон, ўнғай. *Самолётқа билет асаң, Рассияға бариш аппа-асант. Бу баласини асантқана тапти.*

Апил-тапил – [Apil-tapil] – туркий сўз. Тез, шошилинч. *Байқуш балам мактептен кеп апил-тапил авқатини жеп пахтаға кетеди!*

Апер - [Aper] – туркий сўз. Тўймас. *Апер бўп кет-е, уч табақ ғалминдини баш кўтермей урдиң!*

Апке – [Apke] – туркий сўз. Олиб кел. *Пулди апке, вўзим пўмбахти Пахрабаттан аламан!*

Апперув – [Apperuv] – туркий сўз. Олиб берув. «*Ата бадириң, хатин аппериң*», *Бу даңгесеге хатин апперибем қутулмадим, малларди сатип бир машинем аппериң деятир.*

Араз урув – [Araz uruv] – форсий+туркий сўз. Хафа бўлиш. *Араз жаман, араз урсаң рисқиң камееди. Араз урғанниң аши талли.*

Арасатта қалув – [Arasatta qaluv] – туркий сўз. Ора йўлда қолмоқ. *Саңа ишенип, Жалтиркапеге жеталмей арасатта қалдим!*

Арахчин – [Arakhchin] – форсий сўз. Енгил бош кийими, қулоқчин. *Бабаңа арахчин тигип берибем, қайта-қайта дува берди.*

Арбав – [Arbav] – туркий сўз. 1. Бир нарсага сеҳрлаб, алдаб кўндириш. *Билмеймен ниме деди, арбаб-арбаб ахири*

*алдиға саб алип кетди.* 2. Уйида қайнона-қайнотаси бирор жойга вақтинча кетганда ёки ёш аёлнинг эри уйида бўлмаган кечаси қўшни аёллар бориб, ёш келинчакка зиёфат қилдириб еб келишлари, ҳамда кечаси ёш аёлга ҳамроҳлик қилишлари. *Хатиннарди айт, ахшам барип паланчана арбаймиз, ери Ешмеге тӧйға кеткен!*

Арбайув – [Arƅayuv] – туркий сўз. Оёқларини кенг ёзиб қўпол ўтириш. *Арбаймай тузув вӧтир, башқаларам вӧтирсин!*

Ардақлав – [Ardaqlav] – туркий сўз. Мақтов, ҳурмат-иззат. *Келинди ардақласаң алтмиш жил хизметиңди қилади, жаманласаң жетти айам хизмет қимайди. Бул мамалардан қаған мақал.*

Арекет – [Areket] – арабча сўз. Киши танасининг давомли оғриқ ҳис этиши. *Сеники арекеттен, ешан бабаға вӧқитсаң аттай бӧп кетесен.*

Аристан – [Aristan] – русча сўз. Қамоқ, тутқун. *Бабам беш жил Сибирде аристан бӧп аяғини сувиқ алдирған.*

Ариқ – [Ariq] – туркий сўз. 1. Ариқ, сув оқиш йўли. *Баҳар келаятир, ариқларди тазала.* 2. Озғин. *Сениң ариқ хасхӧр маллариңди ким алади, авел бир-еки ай жемге ал!*

Арпа кўже – [Arpa ko'je] – туркий сўз. Илгари қимматчилик йиллари арпадан қилинган гўжа. *Арпа кўжени-ху ичип кебек, шибирки тухумниң униниям жедик, баш аман бӧса, адамзат кўрмегенини кўребереди-екен!*

Арувлав – [Aruvlav] – туркий сўз. 1. Касал ётган уйнинг ҳавосини алмаштириш. *Уйди бир арувламадиңар, ҳаваси авур бӧп кетипти.* 2. Ўлган одамни ювиб, тозаламоқ. *Арувлаңар, савап бӧлади!*

*Арқа жузи – [Arqa juzi] – туркий сўз. Орқа томони.* Чираз тӧқисаң пичахтиң арқа жузимен тӧқи алди вўткир жиплериңди кесип-қийратип тайлайди!

*Арқав – [Arqav] - туркий сўз. Тўқиладиган буюмларнинг ички қисми.* Еришиге жибеклериң жетсе вўрмекти вӧрнатайиқ, арқавиға кейинем табилабереди.

*Арқав-ажари қамапти – [Arqav-ajari qamapti] – туркий сўз. Астарлаб тикилган кийим ёки кўрпа-тўшакнинг йиртилиб кетиши.* Бу чапаниңниң арқав-ажари қамапти, бӧйдақсан тузуврек кийиниб жирмейсеме?!

Арқав-ериш – [Arqav-erish] - туркий сўз. Асосан тўқиладиган буюмларнинг устки ва пастки қисмлари, жумладан ўрмак тўқишда ҳам фаол ишлатилиб, устки ва пастки қисмлари тушунилади. *Вўрмек тӧқишда қиличти бир текис урсаң арқав-ериши бир хил келеди!*

Арқайин – [Arqayin] – туркий сўз. Эмин-эркин, бепарво. *Менем вӧниң ешшегиге ишенип, арқайин жиребериппен, кейин ешитсем ешшегини жандар жеген екен.*

Арқалав – [Arqalav] – туркий сўз. Орқасига ортмоқ. *Писте вӧтинди арқалап келатибем, лесник ушлаб алди.*

Арқан тартув, алдини алув – [Arqan tartuv, aldini aluv] – туркий сўз. Куёв томонидан келинникига олиб борилаётган никоҳ тўйининг келиннинг қишлоғидаги йигитлар томонидан йўлга арқон тортиб, тўсиб асосан шавулақ (улоқ) олинадиган маросим. Бу маросим қозоқ ва қорақалпоқлардаям бўлиб, унда пул тортиқ қилинади.

Арқанлав – [Arqanlav] – туркий сўз. Молларнинг ўтлаши учун узун арқонда боғлаб қўйиш. *Танани тез-тез арқанлап, жилдирип тур, семирсин, айнаң Рассиядан кесе, уйлентирсек тӧйида сӧямиз! Жийренди башқа жайлавларға арқаннамаңки, бегана жайлавдиң жандари жаман!*

Арғиш барув – [Arg'ish baruv] – туркий сўз. Ўйинга тушмоқ. *Айнаңниң тӧйида сен арғиш бармасаң, ким арғиш баради!*

Асав – [Asav] – туркий сўз. Минувга ўргатилмаган, минилмаган от (той). *Атиң асав екен, чечеме айт, жўрмелеп бир бастирма тақия тигип берсе, атиңди минги қип беремен.*

Асбап – [Asbap] – арабча сўз. Асбоб, қурол. *Асбабиң ишлемесе авда ниме қарайсан, авел асбабиңди сазла?!*

Аскербаши – [Askerbashi] – туркий сўз. Йирик аскарий қисм бошлиғи, аскарбоши, Иброҳимбек армиясидаги бош қўмондондан кейинги ҳарбий лавозим. *Асадуллабек зўр аскербаши бӧған. Егемберди батир Авғанистандаям, бу яқа вўткеннен кейинем аскербаши еди.*

Ассин – [Assin] – туркий сўз. Енгил койимоқ. *Ассин шӧ чечеңди, бир аяқ қатиқ бералмадима?!*

Астар – [Astar] – форсий сўз. Кийимнинг ичидан, ёки кўрпанинг тагидан тикиладиган қавати. *Куев чапанға читтан астар саласама, галли!*

Асқар – [Asqar] – арабча сўз. Нисбатан кичик. Асосан тоғларга нисбатан ишлатилади. *Ҳазир кийиклерем камейип қалди, бариям асқар тавлардиң тўбесиде.*

Ат – [At] – туркий сўз. 1. От, йилқининг эркаги. От – олти ойгача қулун, бир яшаргача тай, бир яшардан ошди – калтетай, икки яшари – ғўнен, уч яшари -дўнен ва ҳоказо. Отнинг ранги ҳам турлича номланади. Ақ ат; ала ат; ақ бӧз ат; бӧз ат; бӧз тарлан ат; бурул ат; тӧри – қизил қаравут; тӧри-самен ат; аччи тӧри (бақувват, чидамли от); буйра – қизил малле-жингелек; самен қаражал – жали қара, вўзи сари; жийрен ат (сариқ от); жийрен қашқа – жали сари, ранги қизил; жийрен-тӧри ат; қара ат; қара-тори – қара,

жунлери қизғиш; қара-қизил ат; самен ат; сари-самен – жунием сари, жалиям сари; самен жазити – вўзи сари, жали ва думи қизил; сари-қаражал ат; жийрен тори – вўзи сари, жаллари қизғиш; тарлан – аппақ от; қизил от; қўла ат (яғрини кенг, узоқ йўлга чидамли от); салт ат (миниб юриладиган от); айғир ат (уйур айғири).

*Ат башиға иш тушсе, сувлиғиман сув ичер,*

Ер башиға иш тушсе, етигимен сув кечер.

*Ақ аттиң қараси, Қаратавдан қарайип кўринаятир!*

*2.Ном, исм.* Чалатаң, бўбеке ат қўйип, қулағиға азан айтса, шу чапанди кийгиземиз, улим!

1. *Отмоқ*. Жандарди кўзден қачирмай, милтихти ат!

Ат авуз – [At avuz] – туркий сўз. Омбур. *Ана ат авузди апке, мына мыхти суғурайин!*

Ат сайис, сайис – [At sayis, sayis] – туркий сўз. Отни боқиб, мураккаб жараёнларга тайёрловчи киши. *Ат сайислер, пақат атбағар емес едилер, атти ат қилувчи кишилер еди.*

Ат салув – [At saluv] – туркий сўз. Устига от чоптирмоқ. *Яхши иш қимапти, пияда адамниң устиге ат сап хамчилапти.*

Ат тўрба – [At torba] – туркий сўз. Ем беришга мўлжалланган отнинг тўрваси. *Тўрбаларға жем сап атларға бер, бамдатти вўқип Қизилбулақа жўнеймиз!*

Ат чаптирим – [At chaptirim] – туркий сўз. Кўп узоқ эмас, яқинроқ. *Ҳулкер минен таразы, ат чаптирим араси. Қишлақдан ат чаптирим жерде бир дамерденең қўши бар.*

Ата – [Ata] – туркий сўз. Ота. *Мениң атам бир вўмир биргат бўп вўткен, шўниң учун пахта кўзиме яхши кўринеди.*

Ата макен, ата журт – [Ata maken, ata jurt] – туркий сўз.

Ватан, ота юрти. *Жигиттиң тамири ата журтиға тартади.*

Атадаш – [Atadash] – туркий+форсий сўз. Бир отанинг фарзандлари. *Атадашқа ат миндир, енедешке ешшек!*

Атала – [Atala] – форсий сўз. Ун ёки бошқа нарса солиб тайёрланадиган суюқ овқат. *Атала қимадиңма, жавли авқатиңам жанға тийди.*

Атали – [Atali] – туркий сўз. Отаси бор. *Тўрегеңер, атали алти тӧйди, енели жетти тӧйди, сенер ҳалием ухлап жатипсаңар!*

Аталиқ – [Ataliq] – туркий сўз. Бухоро амирлигида парвоначидан кейинги энг юқори ҳарбий унвон. Тахминан генерал-полковник унвонига тенг. *Аталиқ кегенде атам жийрен жорғани тартиқ қилди.*

Атамнан нари – [Atamnan nari] – туркий сўз. Менга барибир, йўқолсин. *Улимди уч марте жиберип тӧйға чақиртирдим, кемесе атамнан нари!*

Аташтирув, бешиккетти – [Atashtiruv, beshikketti] – туркий сўз. Бола ва қизни ёшлигидан бошини боғлап, ота-оналари томонидан ваъдалашип қўймоқ. *Булар жашлиғидан аташтирип, бешиккетти қилип қӧйилған.*

Атақусур – [Ataqusur] – туркий сўз. Лаънатламоқ, отанга лаънат. *Атақусурдиң баласи сийирини сабзиме арқаннапти.*

Атешек урув – [Ateshek uruv] – форсий+туркий сўз. Офтоб урмоқ. Асосан, меваларнинг суви қочиб, қуёш уриб чўтир бўлиб қолиши. *Бу йил зардалини атешек урди.*

Атлав – [Atlav] – туркий сўз. Сакрамоқ. *Лақайларда келинчекти узатип кегенде, вӧттан атлатип уйге киргизедилер.*

Атланув – [Atlanuv] – туркий сўз. Отланмоқ, жўнамоқ. 1. *Чабандазлар улақа атландилар. 2. Жигитлер буғдайди*

*вӧрип, Рассияға атланмахчилар.*

Аттаба – [Attaba] – форсий сўз. Офтоба. *Аттабаға жили сув қуй, бабаң таҳарет қилади.*

Аттабияр – [Attabiyar] – форсий сўз. Қуёш нури тегиб турадиган жой. *Аттабиярға тўшенчи тайла, бир жамбашлап чайхӧрлиқ қилайиқ!*

Аттай – [Attay] – туркий сўз. 1. Отга ўхшаш. *Вӧ кишиниң қара ҳангиси аттай бар.* 2. Зўр, соғ, бақувват. *Тавди урса талқан қилатиған аттай жигит, барип қайнатасиниң иргесиге тиғилип вӧтири, бенамис.*

Атташ – [Attash] – туркий сўз. Номлари бир хил, адаш. *Атташима айт, чихсин аттапта вӧтирайиқ!*

Аттесигет – [Attesiget] – туркий сўз. Афсус. *Аттесигет, атти сатиб жиберип, жалидан қирқиб амаппан!*

Аттиң абзеллери – [Atting abzelleri] – туркий+форсий сўз. Отнинг устига ёпиш ва эгарлаш воситалари. Отнинг абзаллари қуйидагилар: Эгар. Эгар ўз навбатда тагидаги ёғоч тахталар – ўнг оёқ, чап оёқдан, ўнг қўл ва чап қўлдан, ёнбошидаги қўшимча ёғочлардан, устидаги – қош, ўтирадиган жойи – қабдалдан иборат. Шунингдек, эгарни боғлаш учун отнинг яланғоч баданига терлеге, терлегенинг устидан кўпчик, эгар отнинг баданига ботиб кетмаслиги учун тагидан жаҳанник солиниб эгар тўшайил билан боғланиб, қайишли қуйишқон билан мустаҳкамланади. Эгарнинг устидан пуштанг, гуллама кўпчик, эгарнинг кичикроқ ёпинчиғи – жабув, қаттароғи жабдиқ дейилади. *Бир қӧшқарди сатсаң атиңа абзел – тўшайил, чирги, жаҳанниқ, жул, узенгием алип, қағаниға кампириңе кўйлегем аласан!*

Аттиң жеми – [Atting jemi] – туркий сўз. Отнинг еми, арпа.

*Атти хамчиман ҳайдама, жеммен ҳайда!*

Атқулақ – [Atqulaq] – туркий сўз. Отқулоқ, барги отнинг қулоғига ўхшаган ўсимлик. *Қулағиң атқулақа вӧхшамай, ана уйге кирип ухласаң вўлесеме, бизиңем вўзимизге яраша гуриңимиз бар!*

Ахлав – [Akhlav] – туркий сўз. Ишлатилган пахтани янгидан оқартув, эски пахтани титув. *Шу бийил кузек пахталарди ахлатип, кўрпелерди жаңалатмасақ, қиш қатти келатиғанға вӧхшайди.*

Ахлиқ – [Akhliq] – туркий сўз. 1. Сутти ачитиш учун қўшиладиган қатиқ. *Сен сутти пиширип ахлиқ сал, мен урчуғимди ийирейин.* 2. Тўй маросимлари ҳамда хурсандчиликларда иштирокчиларга, шунингдек, – «тӧғиз тузеш», «хамир қориш»да аёлларнинг билагига, мол сўйишда эркакларнинг билагига боғланадиган рўмол. *Мал сӧйғичларға ахлиқ апке, чегелдек ешкич аялларам қамасин, кампир!*

Ахта – [Akhta] – мўғулча сўз. Бичилган, эркаклиги йўқ одам ёки ҳайвон. *Бурунғи заман қулларди малдай қип ахта қилар екенннер.*

Ахун – [Akhun] – туркий сўз. Охун, диний уламо, мударрис, диннинг хизматкори. *Хударамети Барат ахун баба яхши адам еди.*

Аченек – [Achenek] – туркий сўз. Очофат. *Аченек ашнаң кегинче жеб ал, кесе тартиб ап уриб қӧяди!*

Ач-жалаңач – [Ach-jalangach] – туркий сўз. Оч-яланғоч, камбағал, еб-ичиши ва кийиниши фақирларча. *Ач-жалаңач, дени савлиқ!*

Ачил – [Achil] – туркий сўз. Очил. *Бир гул ачилип сӧлийди, бир гул жабилип сӧлийди.*

Ачинқирав, ачирқанув – [Achinqirav, achirqanuv] – туркий

сўз. 1. Очроқ бўлмоқ, оч қоринга. *Қойдиң қуйруқ жавидан қилинған палавди ачинқирап жесең, палав жегендей боласан.* 2. Соғиниб, роса кутиб. *Байқуш бўлең уйли боған соң вон жил бепарзент жирип ачирқанип улли бобеди, улиям қадриге жетмеди!*

Ачувдаш – [Achuvdash] – туркий сўз. Даволовчи хусусиятга эга бўлган аччиқ тош. *Ачувиңа ачувдаш. Мамаңа барда, енемниң мазаси қачипти, ачувдаш тавуп бересиз екен, де!*

Аччи – [Achchi] – туркий сўз. Аччиқ. *Қалампир аччи екен, кўп ишилама!*

Ачқуч – [Achquch] – туркий сўз. Омбур. *Ачқучти алда, мына михти суғур.*

Аш-ҳалал – [Ash-halal] – туркий+арабча сўз. Чўпонларнинг аҳолидан йиғиб оладиган оши-ҳалол овқати. *Дамерде аш-ҳалал деб бақираятир, еки нанди алиб чиқ!«Бу дунйениң абийири –*

*тил, тафаккур, малимиз,*
*Шулар боса сўзлер буррö,*
*ҳам кўрмекли ҳалимиз,*
*Насибемиз қолимизда –*
*ризқи, аш-ҳалалимиз,*
*Эй Худайим, Елге берип*
*шу хислеттен айирма»!*

Ашиғиш – [Ashig'ish] – туркий сўз. Шошилув, қистов. *Чечеңди ашиғишлама, байқуш авқатини жесин.*

Аширма гапли – [Ashirma gapli] – туркий сўз. Гапни кўпиртириб, ошириб гапирувчи. *Жездең аширма гапли боғаниман, ичиде кири жоқ яхши киши еди!*

Аширув – [Ashiruv] – туркий сўз. Жўнатмоқ. *Зияпатти табах-табах хишлариңа аширмай, бу яқаям қараш!*

Ашиқ – [Ashiq] – арабча сўз. 1. Ошиқ, севган киши. *Атаң енеңе ашиқ бөлиб абеди.* 2. Қўйнинг, молнинг, кийикнинг ёки эчкининг ошиғи. *Уйдиң ичиде ашиғ вөйнама, чишқан кўбееди.* Ошиқнинг турлари: сақа – йирик ошиқ; гавез – бузоқнинг ошиғи; ган, ген – одий ошиқ; хит, пит – четлари едирилган ошиқ.

Ашиқ бөлув – [Ashiq boluv] – арабча+туркий сўз. Ошиқ бўлмоқ. *Бу мамаң жашлиғида чалиға ашиқ бөп тийген, шўйтип қарисеем атқа, чалиниң арқасиға мингешип жиреди.*

Ашиқ вөйин, ашиқ өйин – [Ashiq voyin, ashiq oyin] – туркий сўз. Ошиқ ёрдамида турли ўйинларни ўйнамоқ. Ошиқ ўйин турлари: *сасиди, тўрегеб вўлди, шахшул, каттерхат, жеди, вўлди.*

Ашиғиш – [Ashig'ish] – туркий сўз. Тез, шошилинч. *Ашиғич бөсаң белиңе нан туйиб ал, жөлда жутап қаласан! Чечең ашиғишлап жөғари қарап жөрғалади, айнаң базардан қайтқанға вөхшайди!*

Ашлав – [Ashlav] – туркий сўз. Мол терисини ошламоқ, пишитиб-юмшатмоқ. *Кийиктиң терисини ашлап кампириме масси тиктирмесем, келиннер нан пиширди дегинче қайнелериниң еки аяғини тандирдиң ичиден табасан!*

Ашна – [Ashna] – туркий сўз. Ошна, дўст, ўртоқ. *Ашна, кисеңдеги миң дөлләриңди бер, мен шу машинди алай!*

Ашқар, асқар – [Ashqar, asqar] – арабча сўз. Улкан, буюк, йирик. *Сениң ашқар айнаңди, мениң чөлақ ешшегим қайтип кўтереди?!*

Ашқардай, асқардай – [Ashqarday, asqarday] – арабча сўз. Улкан, девдай. *Ашқардай атаң бар, ач қамайсаңар, биревден тартиб алибам сенерди төйдиради!*

Ашқатиқ, ашке қатиқ – [Ashqatiq, ashke qatiq] – туркий

сўз. 1. Озиқ-овқат, емиш. *Табистанниң туршеги, қиштиң ашқатиғи.* 2. Суюқ ошга аралаштириладиган қатиқ. *Аш сал дамини асин, аш қатиғиңди кейин самасақ, қатихти иритип тайлайди.* 3. Ҳар-бир ишга бурнини суқиб, тезда аралашиб кетадиган киши. *Вӧни айтсаң, ҳамме жерде ашке қатиқ бӧп жиреди!*

Ая – [Aya] – туркий сўз. 1. Қўл ва кўзнинг маркази. Ая сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам учрайди (Том 1. – Б. 113). *Қӧлимниң аяси қичиятир, пул аламан шекилде.* 2. Эҳтиёт қил. *Укеңди ая, ҳали бувини қатқан жӧқ!*

Аязлатув – [Ayazlatuv] – туркий сўз. Совуқ тушиши. *Қиш кесе ҳава аязлатип асманда жулдизларам кўринмей қалади.*

Аямажиз, аямавиз – [Ayamajiz, ayamaviz] – туркий сўз. Қишнинг изғаринли ҳафтаси. *Аямавиз алти кун, алти ай қиштан қатти кун.*

Аяқ – [Ayaq] – туркий сўз. 1. Тирик мавжудот ва предметни кўтариб турувчи қисми, оёғи. Аяқ сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотут турк” асарида ҳам учрайди (Том 1. – Б. 112). *Сандалдиң аяғини сазла, бугун бир аяқларди жилитмасақ, улақ чабамиз деп сувухда ушук урдирмайиқ.* 2. Коса. Бу сўз А.Навоийнинг “Хазойинул-маоний” асарида аёқ, аёғ сифатида учрайди:

Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.[4]

*Куевлеп журегим қизип уйге кесем, чечем куби тартатқан екен, алти аяқ айран ичиппен.*

Аяқ басар – [Ayaq basar] – туркий сўз. Никоҳ

[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т. I. – Ўзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983. – Б. 47.

маросимидаги қаделардан бири бўлиб, чимилдиқнинг ичида куёв-келиннинг ёки келин-куёвнинг оёғини босиши лозим. Ким биринчи бўлиб босса рўзғорда ўша устунлик мақомига эга бўлади деган ақида ҳам мавжуд. *Аяқ басарда келинчектиң аяғини басип-басип ал екен, узатип кегеннен кейин кўзиң қиймай қалади!*

Аяқбав, аяхбав – [Ayaqbav, ayaxbav] – туркий сўз. Бешикда чақалоқ ёки ёш боланинг оёқ суяклари тўғри ўсиши учун тортиб боғланадиган боғли юшмоқ мато. *Башиңнан қасин байлағаниң, улиңниң қўлбавуниям, аяқбавуниям қандейин байлапсан, балаң бир қўл, бир аяғини суғурип, сумегини алип, авзиға салип най қип чалип жатир!*

Аяқланув, аяхланув – [Ayaqlanuv, ayakhlanuv] – туркий сўз. Молларнинг янги туғилган болаларининг юриб кетиши. *Сийириң тувипти деб ешиттим, қулли бўсин! Бузави аяқландима?!*

Аяқлатув, аяхлатув, адахлатув – [Ayaqlatuv, ayakhlatuv, adakhlatuv] – туркий сўз. Охирига еткизмоқ. *Пыс-пысламай, былай-былай ишлеп, кун қизмастан ишинди аяхлат!*

Аяқчи – [Ayaqchi] – туркий сўз. Илгари косаларда май, бода тарқатувчи, соқийларга нисбатан қўлланилган. А.Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асарида қуйидагича ишлатилган.

Аёқчи маҳвашу, май дилкашу аҳли тараб сархуш,
Қадаҳ келтурки, қилмоқ порсолиқ йўқтур имконим.[5]

Аяғасти – [Ayag'asti] – туркий сўз. Ерга тўкмоқ, обруйини тўкмоқ, увол қилмоқ. *Нанди аяғасти қимаңар, вўбал бўлади!*

Аяғи жазилув – [Ayag'i jaziluv] – туркий сўз. Юриб,

[5] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т. I. – Ўзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983. – Б. 48.

оёғини ёзмоқ. *Қойларди қорадан чиғар, аяғи пичи жазилсин.*

Ақаба – [Aqaba] – туркий сўз. Оқава сув, йиғинди сув. *Ақабаң ариқа тушмесин, турбе қойиб забирға ҳайда.*

Ақ байтал – [Aq baytal]– туркий сўз. Қиш кунидаги бўронли қордан кейинги куртик қор. *Ақ байтал башланди, тез тохтайди, қорқмасаям болади.*

Ақ вотав, ақ уй – [Aq botav, aq uy] – туркий сўз. Илгари оқ кийиз билан бекитилиб ясалган ўтов.

*Қундуз сақи байдиң ақ вотавида уч кечею-кундуз дастан айтти!*

Ақбат, қарабат, қизилбат – [Aqbat, qarabat, qizilbat] – туркий сўз. Ич кетиш касаллигининг турлари. *Ҳаммесиге бузғинч дари!*

Ақнабат – [Aqnabat] – туркий+арабча сўз. Қовуннинг мазали тури. *Қайнилериң Қошқудухтан қидирип кепти, Доңизадирдан апкеп жаширған ақнабатлариңди апке, соййиқ, кампир!*

Ақсанқирав – [Aqsanqirav] – туркий сўз. Оқсоқланув. *Тори байтал уюрден ақсанқирап келди, Сапар айнаңа айт, шониң аяғини бир кўрсин.*

Ақсақал – [Aqsaqal] – туркий сўз. Ёши улуғ, оқ соқолли киши. *Елге той беришиңнен алдин қишлақтиң кўпти кўрген ақсақалларини жийип маслаҳатлеш.*

Ақсуйек – [Aqsuyek] – туркий сўз. Оқсуяк, аристократ, ҳукмрон гуруҳ.

Ақлгўй, ақилек – [Aqlgo’y, aqilek] – арабча+форсча сўз. Ақл ўргатувчи, маслаҳат берувчи, донишманд. Илгари ҳарбир уруғда кўпни кўрган донишманд кишилар бўлган. Иши юришмай қолган кишилар донишманднинг олдига маслаҳатга келишиб, доно фикр ва фойдали маслаҳатлар олишган. Ривоят қилишларича илгари ёш бир оиланинг куни

ўтмасдан, қишлоғида донишманднинг олдига келишиб, қандай қилиб кун ўтказиш ҳақида маслаҳат сўрашган. Донишманд ёш эру-хотинга маслаҳат бериб, катта йўлда тўкилган пахта ва жунларни териб, ип, арғамчи, қўзи ва улоқларни кўгенлаш учун мосламалар тайёрлашни буюради ва тез орада бу оила қишлоқдаги бардам оилаларнинг бирига айланади. *Ақилеклик қимай, барип ағилди куре! Ақлгўйим сен бёсаң, авзим ашсиз қалади.*

Акчайир - [Aqchayir] – туркий сўз. Баҳор пайти ёш кавракнинг учига тиғ солиб олинадиган шираси. Ошқозон ва юрак касалликларига даво ҳисобланиб, туйиб оғзига солиб истеъмол қилинади. *Ақчайирди чайнамай ички, аччилиғига чидашиң гуман.*

Ақ-қуба – [Aq-quba] – туркий сўз. Оқдан келган. *Ҳударамети чалатаң ақ-қубадан кеген киши еди. Ақ-қубадан кеген еки киши, атлариниң жилавини бизиң ҳавлимизге қараб бурди, жавчиларға вёхшайди.*

Ақ қулақ – [Aq qulaq]– туркий сўз. Майда молда бўладиган қўтир. *Ечкилер ақ қулақ бёпти, салидёр жақ.*

Аға - [Ag'a] – туркий сўз. Туғишган, ёки яқин ака. *Хачир ешшектиң е ағаси бёлади, е тағаси бёлади.*

Аға-ини – [Ag'a-ini] – туркий сўз. Туғишган, ёки яқин қариндошларнинг болалари.

Ағайин – [Ag'ayin] – туркий сўз. Ўзаро туғишган, ёки ота-боболари туғишган кишилар. *Алимбаччелер бари бир атадан тарқаған, бари ағайин!*

Ағил – [Ag'il] – туркий сўз. Усти ёпилган атрофи девор молхона. Ағил сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асари (1 том, - Б. 103)да ҳам учрайди. *Қёйларди ағилға қамағин, буваз қёйларға сувуқ тасир қимасин!*

Аҳари тўгилмеген, аҳари учмаған – [Ahari to'gilmegen, ahari uchmag'an] – арабча+туркий сўз. Ишлатилмаган, янги, асл ҳолатини йўқотмаган. *Қайнисиңним, аҳари учмаған кўйлегимди тойға кийип бариб, кирге батирип кепти!Тавухларам баҳари,*
*Жумуртқаси аҳари.*
*Тухум раҳатин кўрсин*
*Гавжумқишлақ базари».*

**Б**

Баба – [Baba] – форсий сўз. 1. Бобо, ёши улуғ, оқсоқол. *Баба, мен ҳар куни массиңизди тартсам, пенсия асаңиз пул бересизме?* 2. Ўзининг отасидан ёши бўйича бир ой бўлсаям катта бўлган яқин эркак қариндош ва амакилари. *Баба, сийиримиз тувибеди, сизлерге далемей ап келдим.*

Бабай – [Babay] – форсий сўз. Ёши улуғ, оқ соқолли киши. *Дам алиң бабай-е, катменди жашларға бериң, ишлешти уйренсинлер!*

Бабатав – [Babatav] – форсий+туркий сўз. Қадимий ва улуғ тоғ. *Илгери бальшевик басқанда бабаларимиз Бабатавдиң бавурида жан сақлаған!*

Бабағўри – [Babag'o'ri] – туркий сўз. Қадимий мунчоқнинг тури. Айтишларига қараганда қайси аёлда бабағўри мунчоғи бўлса, эри унинг устига хотин ололмас эмиш. *Бабағўри мөнчағим бар еди сандиғимнан жөғалди! Бабағўри балдирмас,*
*Устиге хатин алдирмас.*
*Устиге хатин асаям,*
*Вөни хатин қилдирмас!*

Бавлиқ – [Bavliq] – туркий сўз. Боғлаш учун

ишлатиладиган нарса. *Урғачи қамишларди бўлек вөрип қөй бавлиқ қиламиз, еркек қамишлардиң кўзини қөй шөлар вөйсин!*

Бавур – [Bavur] - туркий сўз. Жигар, бағир. *Кўб вөтирип бавурим шишипти, бир таманимди басип жаталмаяппан.*

Бавурсақ – [Bavursaq] – туркий сўз. Хамирдан ишланиб, ёққа қовуриладиган пишириқ, бўғирсоқ. *Айналайин Айнахал бир табақ бавурсақ пиширип келип дастарханди абат қилди. Яна бавурсақтай ул тувсин деп дува бердик.*

Бадиклев – [Badiklev] – туркий сўз. Аласламоқ. *Илгери духтур жөғ еди, баш аврусаям, аяқ аврусаям бахши-қушначларға жугириб бадиклетер екеннер.*

Бадрапхана – [Badrapkhana] – форсий сўз. Ҳожатхона. *Бадрапханаға кессек қөйиңар.*

Бажа – [Baja] – туркий сўз. Туғишган опа-сингиллар, ёки яқин аёл қариндошларнинг эрлари бир-бирига божа бўлади. *Уйленгеннен сөң бажаң қарип хишиң бөлади. Бажа бажани қумсайди, сийир кунжарани!*

Бажи – [Baji] – туркий сўз. Ҳозирги турк тилида опа-сингиллар бажи дейилади. Балки, опа-сингилларнинг эрларининг ўзаро божа бўлишлари шундандир.

Базар – [Bazar] – форсий сўз. 1. Савдогар ва харидор орасидаги муносабат майдони, савдо-сотиқ амалга ошириладиган жой, бозор. *Ҳамме бекар, елдиң бариси базарчи. Чаршемби кун Ақгазеде базар, шамби кун Бағарада базар, базар кун Ташрабатман Гулистанда базар. Базарға барда бахтиңнан кўр. Атаң базар, енең базар. Базарға барип базини кўрдим, қулағи узун тазини кўрдим. Базар кўрген ечкиден қөрқ.* 2. Ёш болани эркалаш маъносида. *Чөчах базариңнан пичи бер, өҳ-ҳө талли екен. Чөчах базарға атаң қачан төй қилади, е балтаман кескич бөғинча шуйтип*

*жирибересеме?!*

Базаржай – [Bazarjay] – форсий сўз. Бозор бўладиган жой. *Бир сурув қўйди ахшам базаржайға апкеп қамадилар, ичиде Ҳисари қўшқарларам бар еди.*

Базарчи – [Bazarchi] – форсий+туркий сўз. Бозорда олди-сотти жараёнида бевосита иштирок этувчи шахс. *Супани шипирип, тўшенчи салип қўй, базарчилар ҳали замат қайтади.*

Бай – [Bay] – туркий сўз. 1. Мол-мулк эгаси, бой. *Бай бўсаң давлетинди елге бер, елге бермесең селге бер!* 2. Хўжайин, аёлнинг эри. *Байиң иссиғ уйде жамбашлап жатмай, Рассияға барип бир жил ишлесе ҳам улиңа тўй бўлади, ҳам қўтаниңа қўй бўлади.* 3. Фарзанди кўп киши. *Парзентем байлиқ, давлет. Ертен балалариң катте бўп қўлиңнан ишинди аса, сенен вўтер бай бўмайди, муритиңди балта кесмейди.*

Байбиче – [Baybiche] – туркий сўз. Илгари кундошларнинг каттаси, биринчи хотинга нисбатан ишлатилган. Сўнгра бой аёлларга нисбатан ишлатилган бўлса, ҳозир эркалаш маъносида ҳам ишлатилади. *Байбиче, ярим кече бўлди, шуйтип вўтирамизма, маслаҳатмен енди бир иш қилайиқ!*

Байир – [Bayir] – туркий сўз. Тепалик, баландлик. *Ешеке тўхимди байир қип байлапсан, авуп кетмесе яхши еди.*

Байир ат – [Bayir at] – туркий сўз. Келбатли, яғринли от. *Аттан ат сайлағинча вўзимиздиң байир атлардан қамайиқ.*

Байлавли – [Baylavli] – туркий сўз. Боғланган, тугилган, чандилган. *Бузав байлавли еди, ҳаррам вўлгир енесини қайтип емипти?! Шў мўлла зўр мўлла екен, бир тумарман байланғанлардиң бахтини ачади екен.*

Байли – [Bayli] – туркий сўз. Бойўғли. *Байлиға вӧхшап тўбемде турмай бариб атларди сувғар!*

Байтал – [Baytal] – туркий сўз. Йилқининг урғочиси, олти ойгача – қулун, бир ёшгача – тай байтал, икки яшари – ғунажин байтал, уч яшари – дўнежин байтал, ундан сўнг бариси байтал деб аталади. *Палван байтал минип уялмайсизма?! Байталди уюрге қӧшиң баҳерде қулуннайди. Сизге миниш учун яхши атти мен беремен. «Замананиң азғани, аттан байтал вӧзғани».*

Байталдай – [Baytalday] – туркий сўз. Байталга ўхшаган, гавдали. *Хатин асаң байталдай, ул тувади абдалдай. Байталға вӧхшамай, тувсаң тезрек тувмайсама, сени деп Рассияға барғич шериклеримнен қап кеттим!*

Байқуш – [Bayqush] – туркий сўз. Бечора, ғариб. *Байқуштиң шу бийил баши каселден чихмади, бир маҳал савған сутиңди шӧға жибер!*

Бала – [Bala] – туркий сўз. 1. Фарзанд, ёш бола. *Илгери чала тувилған балани халтаға салип керегеге илдирип қӧяр екеннер. Байқуш нан пиширсинме, авқат қисинма, сийирларди савсунма, чарс баласини жубатсинма?!* 2. Авлод, ҳаётнинг давомчилари. *Ата-енени тепкилеп кўмиш балаға мерас! Ене қум, бала таш.* 3. Бало, офат. *Сен вўзиңди вӧйла, вӧни балаям урмайди, тийирманнан тири чиғади.*

Балақ – [Balaq] – туркий сўз. Иштон, шим ва шалварларнинг тиззадан пастки қисми, поча. *Балағинди судремей, иштаниңди сал кўтериб жир!*

Балақчираз – [Balaqchiraz] – туркий сўз. Қиз, аёллар лозимининг почасига тикиладиган гулли чироз. *Бағараниң базаридан бир-екита балақчираз апкең!*

Балдақ – [Baldaq] – туркий сўз. 1. Даста, сирғанинг юқори бўлаги, сирғанинг асосий қисми билан қулоқни боғлаб

турувчи бўлаги. *Қулағиңниң қизарип турғаниға сирғаңниң балдағи жаман симнан қилинған екен десем, куевиң кеген екенда, савғатидан бу яқаям чӧз!* 2. Банд. *Қавун пишсе балдағидан узиледи.*

Балдиз – [Baldiz] – туркий сўз. Илгари эркак киши томонидан ўз хотинининг кичик синглисига нисбатан қўлланилган бўлса, бугунги кунда трансформациялашиб, ҳурмат маъносида хотиннинг барча сингиллари ва ҳатто яқин қиз қариндошларига нисбатан ҳам қўлланилади. Балдиз сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари (Том 1. –Б. 426) да ҳам учрайди. *Кангурттиң базаридан балдизима жувалдиз ап келдим.*

Балдир – [Baldir] – туркий сўз. Оёқнинг тизза ва тўпиқ оралиғидаги гўштли қисми. *Сениң атаңниң балдири жуван бу етик сиймайди!*

Бал татув – [Bal tatuv] – туркий сўз. Асалнинг таъми келмоқ. *Қайнең авзидан бал татиған аял!*

Бант салув – [Bant saluv] – форсий+туркий сўз. Тугун қилмоқ, ҳалқа қилмоқ. *Жипке бант сасаң сал, гапке бант сама!*

Барағай – [Barag’ay] – туркий сўз. Борақол. *Қишлақа барсаң, араз уриб жирмей жеңгеңдикигеем барағай!*

Баргек сирға – [Bargek sirg’a] – форсий+туркий сўз. Барг тарзида ишланган сирға. *Баргек сирғамди алиштирмайман, вӧл каттенемнен қаған таберрик!*

Барди – [Bardi] – туркий сўз. 1. Борди, феълнинг ўтган замони. - *Улим ахшам қишлахлариңа куевлеп барди! – Шўйтип, таңатарда қишлахтиң ийтлери бир атлиниң арқасидан ҳабалап қалди, куев-куевлеп қайтқан екенда!* 2. Эҳтимол бордир, бўлиши мумкин маъносида. *Кийиз вӧрағич палетке ҳамсаядан сӧраңар, ҳамсаяда барди!*

Барек – [Barek] – туркий сўз. Чучвара. *Илгери ел, жумурқа барек, картишке барек деп қип жатқиведи, енди вӧ авқатлар жӧғалди.*

Барекелле – [Barekelle] – форсий сўз. Мақтов, меҳнатга ундаш. *Барекелле, барекелле, Ташкентгеем жайлашип қалдиң. Бӧзбалалар, ҳай барекелле-я бӧшаштирмаңар, ат қӧйиңар-а, андаваниңам ками қалди.*

Барзеңги – [Barzenggi] – форсча-арабча сўзлар йиғиндиси. Йирик, гавдали, бесўнақай. *Мина барзеңги дарахти қирқсаң уч жил вӧтин бӧлади. Машинге бир барзеңги вӧтирибеди, машиннинг бир тамани вӧтирип қалди!*

Барлав – [Barlav] – туркий сўз. Эҳтиёт бўлмоқ, авайламоқ, чамаламоқ. *Авзуңди барлаб гапир, мениң атамниң Рассияда хатини жӧқ, ишлегели кеткен, кузекте келеди. Бир гапти айтсаң барлаб айт, дувалдиң чишқани, чишқанниң қулағи бар.*

Бармақ – [Barmaq] – туркий сўз. Нарса ёки предметни ушлаш учун хизмат қилувчи асосий аъзо, бармоқ. *Бабаларимиз беш бармаққа шундай тариф берген екен: Баш бармақ, балали буйрек, вӧртанғи терек, чулдир чумек, кичене бўбек!*

Барс – [Bars] – туркий сўз. Йўлбарс. *Жылың барс бӧса, меннен бир мучел майда екенсен!*

Бас дегинче – [Bas deginche] – форсий+туркий сўз. Роса. *Мейманниң вўзием акс екен, ешшеги вўзиден вўткен акс екен, ешшеги жирмебеди, бас дегинче тушип халлемен ешшегини тўбелебеди ешшеги жатиб абеди, ешшегиге жем қарап тийишти.*

Бас келув – [Bas keluv] – форсий+туркий сўз. Тенг келмоқ. *Вӧ дадарға айнаң бас кемесе, сен бас келалмайсан!*

Басим, басимирақ – [Basim, basimiraq] – туркий сўз. Миқдор ва ҳажми жиҳатидан нисбатан кўп. *Авғанлар басим бөсада Ибрайимбектиң лашкериге тең келалмай, тавға қаштилар. Қудағийлар басим келдилер, алле вөн, алле вөн еки.*

Басмачи – [Basmachi] – туркий сўз. Бошқа юртдан босиб келган қуролли тўда, душман. *Қизил аскерлерге қарши урушқан бабаларимизди бальшевиклер «басмачи» деб атай башладилар.*

Бастирма – [Bastirma] – туркий сўз. Ўтиришга ёки яшашга мўлжалланиб, турт тарафи ёки муайян тарафи очиқ бўлиб, устига қамиш ҳамда бошқа қурилиш ашёлари билан бостириб ёпилган кичик иморат, ёхуд иморатнинг бир бўлаги. *Кампир, ахшам бастирмаға жай сал, бир раҳат қилип жатайиқ.*

Бастирма тақия – [Bastirma taqiya] – туркий сўз. Майдалаб бостириб тикиладиган бош кийим. *Куевге бастирма тақия сал, төрлама тақиялариңди сепке сал, куевге төрлама тақия уят бөлади!*

Басқинчи – [Basqinchi] – туркий сўз. Босиб келувчилар, босқинчилар. *Қизил аскерлер басқинчилиқ қилиб журтти таладиi, сөң бабаларимиз Авғанистан вўтишге мажбур бөлдилар.*

Батини – [Batini] – туркий сўз. Ёшлар ўйнайдиган ўйин тури. *Батини, батини шуннан қөйдим шатини, ким гапирсе Алдаркўсениң хатини!*

Батинув – [Batinuv] – туркий сўз. Ҳаракат қилмоқ, интилмоқ. *Вөлам Ташкентге апарайин демеди, менем батинип апар деялмадим.*

Батир – [Batir] – мўғулча сўз. Довюрак, қўрқмас, ботир. *Егемберди батир аттиң устиде аяғини узенгиден чиғарса*

*жерге тийереди. Батир елдиң насибеси, вўрдек кўлдиң насибеси.*

Батман, қадақ, мисқал – [Batman, qadaq, misqal] – форсий+арабча сўз. Инқилобгача ишлатилган оғирлик ўлчовлари. Бир ботмон юз қадоқ, бир қадоқ юз мисқол. Бир мисқол тахминан беш граммга тенг. *Бурунғи заманда бизиң бабаларимиз бай бөлип ҳасилиниң капсениге батман-батман буғдай береди екен! Бабамиздан атама юз мисқал тилла қалип Авғанистанға вўтиште алдирған екен!*

Бахши – [Bakhshi] – санскрип тилидан «бҳикшу» - дуохон дегани. Тузалмас касалларни даволовчи, фол очувчи киши. *Ақғазедеги Абдулаҳат бахши зөр киши еди, Ўзбекистанлардан адамлар келип даваланип кетер едилер.*

Баччехўрек – [Bachchekho'rek] – форсий сўз. Ёш болалар ейишига яроқли бўлган ярим пишиқ мевалар. *Жузимлер баччехўрек бөпти, балалариңди жибер, бир төйип кетсиннер.*

Баччеғар - [Bachcheg'ar] – форсий сўз. Салбий сўз, никоҳсиз, ғар аёлдан туғилган бола. *Атасиниң тайини жөқ, баччеғардиң габиге қара, дамиге думбил пишеди.*

Баш – [Bash] – туркий сўз. 1. Жонли мавжудотнинг энг юқори қисми, шунингдек одамларнинг асосий мучаси, бош. *Башиң екев бөмай, малиң екев бөмайди. Ат башиға иш тушсе, сувлиғиман сув ичер.*

*Башима сағани бир ен дакене,*

*Ярим деб жиргеним намарт екен-е!*

2. Мучаларнинг бош қисми. *Баш бармағим қайтып кетти.* 3. Ўсимлик ва предметларнинг бош қисми. *Қайтмасқараниң дарахтиң башиға чиғиб алип тут қаққаниға қара. Ахшам тавдиң башида жатқиниңча, уйге келип хатиниңниң қашида жатсаң, бөйма?! Айнам ариқтиң*

*башида дам алиб вӧтири.* 4. Саноқ сон ўрнида. *Қизиниӊ қарасиға вӧн еки баш қӧй сапти, бермеймен дегенида.* 5. Иштирок этиш, ташкиллаштириш, маслаҳат бериш маъносида. *Ҳашерден баш тартма, сенем баш қӧш! Укелериӊе баш бӧлип худайини вўткез.* 6. Қайғу-ғам, қийинчилик маъносида. *Сенем башима питкен бала бӧлдиӊ!* 7. Раҳбар, йўл кўрсатувчи. *Башлиғимиздиӊ баши аврупти. Миӊ қӧшчиға бир башчи.*

Бақирғичем – [Baqirg'ichem] – туркий сўз. Барқирардим, дод солардим. *Мен чӧпан бӧғанимда падаға жандар араласа қишлақа қарап бақирғичем!*

Бағана – [Bag'ana] – туркий сўз. Ҳозирги пайтдан сал илгарироқ, яқин ўтган вақт. - *Бағана жавун жаватибеди, яна аттап чиғипти. – Бундай ҳавада тулкилер дўӊге чиғип вӧйнайдилар. Шуниӊ учун буни «тулки тӧйи» дейдилер.*

Бағанағи – [Bag'anag'i] – туркий сўз. Илгариги, олдинги. *Бағанағи кеген адамлар ким бӧлди екен, хишларимиз десем, хишқа вӧхшамайди, жавчилар десем, хӧржиннари хали, хӧржиннари хали бӧсаям худа енди жавчилар бӧсин!*

Бағиш – [Bag'ish] – туркий сўз. Кереге ва қошкерегеларни ўзаро боғлайдиган жунли ип, жунли ипдан тўқилган мато, шунингдек ўтов ичига осиладиган жунли ипдан нақшланган узунчоқ тикув безаклари. *Бағишларди асиӊар, сақи баба бугун бизикиге қӧнади!*

Бағиш гилем – [Bag'ish gilem] – туркий сўз. Жундан тўқилган гилам. *Илгери келинчеклерге енелери бағиш гилемем тӧқиғичеди, енди жатип кетти.*

Бағишлав – [Bag'ishlav] – туркий сўз. Бағишламоқ, рози бўлмоқ. *Сениӊ атаӊман мениӊ атам узенги жӧлдаш едилер. Шӧлардиӊ арвейиниӊ хатири шу неберемди небереӊе пақи-пейил бағишладим!*

Баҳане – [Bahane] – форсий сўз. Важ кўрсатмоқ, баҳона. *Уккағардиң қизи баҳане қимай жайди сал, бир саҳат алдин саппа-сав едиң!*

Баҳас – [Bahas] – форсий сўз. Гап тортишмоқ, баҳс, келишолмаслик. *Айнаңман баҳаслешме, вӧл сеннен катте!*

Беабийир – [Beabiyir] – форсий сўз. Ҳурмат-иззатсиз, обрўйсиз. *Жанжал қилип вўзинди беабийир қип жатма, ат айналип қазиғини табади. Вӧл беабийир бӧлди, сен беабийир бӧма!*

Бегана – [Begana] – форсий сўз. Ўзиники эмас, ўзга, бегона. *Хатириңди жам қил, султан суегимди сирқиратип, саңа бегана елден хатин ап бермеймен, бегана елден ағаннар, я елиден адашади, я жӧлидан адашади, хатин вўз елиден бӧса, адашқан ерди апкеп елиге қӧшади! Бегананиң айрани ачимас!*

Бедев ат – [Bedev at] – туркий сўз. Йилқининг, отнинг жуйриги, югурувчи от. *Бедев атти бедемен, жилқини жӧнғишқаман баққаниңминан, та жем жемесе жуйрук бӧмайди!*

Бедеге – [Bedege] – туркий сўз. Отни чивиндан қўриш учун отнинг бағрига боғланадиган қалинроқ мато. *Улим, тарланниң бавуридан бедегемен белликлеп қӧй, чибин таламасин!*

Бежал – [Bejal] – форсий+туркий сўз. 1. Шўх, тинмас. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 373)да «бажал» сифатида берилиб, эрлар, аёллар ва ҳамма ҳайвонларнинг кучлироқ, маҳкамроқ, пишиқроғи сифатида талқин этилган. *Сениң бу бежал балаң текти-қӧйди билмейди.* 2. Ёлсиз от ёки эшак. *Бежал атиңди жем бериб бағабермей, улақа сал!*

Бежағим – [Bejag'im] – форсий+туркий сўз. Ёқимсиз.

*Шеригиң бежағим балаға вӧхшайди! Бежағим авқат жедим шекилли, маззам қачаятир.*

Безбент – [Bezbent] – форсий сўз. Туморнинг улкан шакли. *Мӧлладан бир безбент амасам, чечеңниң башиям қахшайди, кўңнием вӧхшийди, қатти қӧрққанғаям вӧхшайди.*

Безенув – [Bezenuv] – туркий сўз. Ясанмоқ, безанмоқ. *Намашамда бунча безенипсен, куевиң куевлеп келеме, нимепбала! Бу кампир бунча безенгинче, чалиниң чалмасини жувса, бӧйма!*

Беззат, безат – [Bezzat, bezat] – форсий сўз. Зоти паст, уруғи паст.

*Беззаттан батир чихса,*

*Капесига қарап ат салади.*

Безрейув – [Bezreyuv] – туркий сўз. Бирор гуноҳ қилиб, без бўлиб қараб турмоқ. *Дарсти тайярлап кегендей маңа қарап мунча безрейесен!*

Безув – [Bezuv] – туркий сўз. Юрак олдирмоқ, хафа бўлмоқ. *Чечеси тушмегир, ҳар кегенде бетиге салип гапиреберибеди, байқуш безип кемей қӧйди.*

Бейбақ – [Beybaq] – форсий сўз. Бебахт. *Бейбақ Рассияға қарз алип кетип, ишлейелмай, касел бӧп қайтип кепти! Билмей ашиқ бӧлиппан, енеси жӧқ бейбақа.*

Бек – [Bek] – туркий сўз. Йирик амалдор, ҳоким. *Бектиң жайи белгили. Вўзиңнен чиққан бек бӧсин! Бек вӧтирған давреде тек вӧтир!*

Бекевул – [Bekevul] – туркий сўз. Тўй ва томошаларда даврани бошқарувчи эркак киши. Хизмат аро бор эди бир қул анга,

Пояи хизматда баковул анга.

(А.Навоий «Хамса», Т.6.Ҳайратул-аброр, - Т.1965. – Б.

263.

*Бекевул буйруқ бермесе, қурға аш тартилмайди!*

Белбев – [Belbev] – туркий сўз. Белга боғланадиган каштали рўмол, белбоғ. *Уйленген жигитлер, жибектен тӧқилған материалди белбев қип жирселер, беллери бақувват бӧлади. Жиберген белбевим сизге жеттиме,*

*Е, меннен башқаға кӯңил кеттиме?!*

Белбевбайлав – [Belbevbaylav] – туркий сўз. Илгари машҳур соқилар шогирдлари барча достонларни ёдлаб, соқилик ҳунарини эгаллагандан сўнг шогирднинг қариндошлари ва оқсоқоллар иштирокида ўтказиладиган расмий маросим. Ушбу расмий маросим асосан шогирднинг ота-онасиникида ўтказилиб, элга зиёфат берилади, зиёфат давомида устод шогирдининг белига белбев боғлаб, оқ фотиҳа беради. Устознинг ижозати билан шогирд маросим иштирокчиларига ўз билим ва ҳунарини намойиш этади. Иштирокчилар устод ва шогирд фаолиятига шу тариқа баҳо беради.

Белбувар – [Belbuvar] – туркий сўз. Белнинг белбоғ боғланадиган жойи, тананинг ўрта қисми, киндик атрофи. *Чақалақтиң белбуваридан қуймағанини жили сув минан кунига жувип туриш керек! Бӧмаса, чақаниң чатларини сийдик уради!*

Белдев – [Beldev] – туркий сўз. Илгари лақайларда ўтов қуриб, ўтовнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун керегенинг сиртидан тортиб боғланадиган арқон. *Ҳазирги жашлар кӯрмеген бӧса, вӧтавди ниме биледи, керегени, белдевди қаерден биледилер. Вӧниң барисини бурунғилар билгичедилер.*

Белдеме – [Beldeme] - туркий сўз. 1. Олдинги ва орқа ёғочни кўтариб турадиган ёки бириктириб турадиған йўғон

ёғоч. *Тамниӊ белдемеси бақувват бӧса, устиге ат чиғарип буғдай жанчтирсаӊам кўтереди.* 2. Оёқ суякларни ва бел суякларни бирлаштириб турувчи ўмиртқа. *Авур кўтерме, белдемеӊе зӧр келеди.*

Белдерге – [Belderge] – туркий сўз. Қопларнинг белидан боғланадиган ингичкароқ ип, ингичка арқон. *Белдермеӊе белдерге байлағинча, бир қайиш амайсама?! Бир белдерге вӧт, бир сийирға бир вах тайлағали бӧлади.*

Белдерме – [Belderme] – туркий сўз. Шим ва шараварнинғ қайиш, иштоннинг иштонбоғ боғланадиган жойи. *Балағиӊ жерди шипирмай, белдермеӊди кўтерсеӊ, вўлесеме!*

Белини қатирув – [Belini qatiruv] – туркий сўз. Чилласи чиқмаган аёлнинг мижози совуқ нарсаларни еб белининг бўшаб қолганида мустаҳкамлаши. *Буниӊ тамағи жаман, чиллеси чихмай қавунман-тарбизларди уреберип, белини бӧшатип тайлади, енди зиркти қайнатип ичип белини қатирмаса, ертен маӊа зӧр келеди!*

Бенарх кетув – [Benarkh ketuv] – форсий+арабча+туркий сўз. Ёш урғочи молнинг муддатидан олдин буғоз бўлиши. *Буқадев падада жирип, буқаға бенарх кетти.*

Бергисиз – [Bergisiz] – туркий сўз. Алиштириб бўлмайдиган, тенг эмас, қимматбаҳо, қадрли. *Тарлан тайиӊ жуйрик атқа бергисиз! Кузектиӊ қатиғини куевге бергисиз!*

Берданка милтиқ – [Berdanka miltiq] – русча+туркий сўз. XIX-аср ўрталарида америкалик офицер Х.Бердан томонидан ихтиро қилинган бир отар милтиқ. *Ибрайимбектиӊ қӧшинида берданка милтиқ кўп еди.*

Берегирек – [Beregirek] – туркий сўз. Яқинроқ, берироқ. *Қӧрхма, берегирек ке, жеп қӧймайман, қараӊада ким кўреди, кўрген кўреберсин патаҳа тӧйиӊди бердимқу?!*

Берермен – [Berermen] – туркий сўз. Берувчи, харажат қилувчи. *Айна, башимиздан вўткен, берерменник жаман, кичене улимниң келинчегини туширгинче қўтанимда қўтир ечким қамади. Аларманға алтав аз, берерменге бешев кўп.*

Береси – [Beresi] – туркий сўз. Берувчи, бермоқчи. *Вўл береси бўған тўри атти бул амади, бул аласи бўған қашқа жийренди вўл бермеди, шуйтип қури қўл қайтабердик!*

Беркиш – [Berkish] – туркий сўз. Ёпишмоқ, жойлашмоқ, ўрнашмоқ, бирикиб кетмоқ.

Бермен, бермаған – [Bermen, bermag'an] – туркий сўз. Бу томонга, бу ёққа. *Кампир, бермен қара, бир маслаҳат, Қизилмазардағи иссиқ сувдиң белге пайдаси бар дейдилер, чари қўшқарди сатип иссиқ сувға бариб даваланип кемесек, сениңем маззаң жўқ, мениңем маззам жўқ! Тамири тарттида, кўпчиликтиң ичиде бизди кўрип бермағанға қарап имтилаберди.*

Бесар – [Besar] – форсий сўз. Гап уқмас, шўх. *Балалари тинмас, бесар, текти-қўйди билмейди!*

Бесаҳат – [Besahat] – форсий сўз. Қулайсиз, ноўрин, галварс. *Бесаҳаттиң бир қилиғи зияти. Сен вўзи бесаҳат кун тувулғанға вўхшайсан, ҳар куни бир пияла набат чайди тўгесен. Бесаҳаттен ҳамме безар! Бесаҳатке баш бўма, тийирманға таш бўма.*

Бесўлекет – [Beso'leket] – форсий+туркий сўз. Эпсиз, уқувсиз, беўхшов. *Еркектиң бесўлекетини енди кўрдим, бузавға нўхта тағалмайди, ахшам нўхтали бузавди қўйберип башима бала бўлади.*

Бет – [Bet] – туркий сўз. 1. Юз. *Жавчилардан бетиңди жашир!* 2. Юза. *Сувдиң бетиде алма ағип кетаятир!* 3. Томон. *Нарғи беттиң жигитлери берги беттиң қизларини аңнийди! Уй бетке барсаң таяқ ал, қапқир ийтлер қаппасин.*

4. Энишроқ бўлган текислик. *Қўзиларди бетке қарап ҳайдаңар!*

Бетап – [Betap] – форсий сўз. Касал, оғриқ, бетоб. *Қиштағи бетапчилихтиң баши, табистан сув кечип шали егиштен! Бетапқа биламиқ бер, кескен аштиң жели бар! Бетаптиң бетиге қарап вётирмай, тавепке бар!*

Беткей – [Betkey] – туркий сўз. Бирор нарсанинг кузатувчи кишига ёки бирор нарсага қараган юза қисми, офтоб тегадиган тепалик. *Бир сурув қўй ана беткейде жайилиб жири.*

Бетлев – [Betlev] – туркий сўз. Ғайрат қилиб юзига гапирмоқ, юзма-юз бўлмоқ, бас келмоқ. *Райисге бирев бетлеп гапиралмайди. Бу палванға бирев бетлеп чиғалмади.*

Бешатар – [Beshatar] – туркий сўз. 1. Бешотар милтиқ, ўқдонига беш патрон жойлаштириладиган, беш зарядли милтиқ. *Илгери бешатарим бар еди, авдан қури қайтмағичем.* 2. Кўп гапирувчи, эзма. *Бешатарға вӧхшамай, бир гаптен қасаң, жер жутама?!*

Бешик – [Beshik] – туркий сўз. Чақалоқ ва ёш болаларнинг эркин ухлаб, тўғри ўсиши учун мўлжаллаб тахтадан ясалган нарса, бешик. *Балани бешикте суй, хатинди тўшекте. Балани жерге уйретме, даррев бешике бўле. Вўзиң пишиллап ухла, ериң бешик тербетсин, уялмаған бенамис!*

Бешиккетти – [Beshikketti] – туркий сўз. Қиз болани ёшлигида ўз тенгқурига атаб қўйиш, икки томоннинг ўзаро келишуви. *Вӧл бешиккетти қилинған.*

Бешике салар – [Beshike salar] – туркий сўз. Чақалоқни бешикка солиш жараёни. *Бугун айнаңдикиде бешикесалар, бешике енең салиб, чақалахти чишти-сийди қилади, бариңар чачала тересеңер!*

Бешикжабув – [Beshikjabuv] – туркий сўз. Бешикка ёпиш учун қалин матодан, асосан бахмалдан мўлжаллаб тикилган ёпинғич. *Қӧлбавуни бӧш байлапсан, балаң бешикжабувини ачип тайлапти, шамалласа куниңди кўресен!*

Беғарез – [Beg'arez] – форсий сўз. Бефарқ, аралашмаслик. *Сен аралашма, беғарез бӧп жиребер, вўзлери биледи!*

Биби – [Bibi] – туркий сўз. Илгари оқсуяк ва уруғ оқсоқолларининг аёли, диний маросимларни бошқариб борадиган аёл. *Бибим кеген екен, Бибимушкулди бибим вӧқисин.*

Бие – [Biye] – туркий сўз. Урғочи от, йилқи. *Қулунли биеден ... артмас!*

*Бижилек – [Bijilek] – туркий сўз. Иссиқ жойда сақланган пиёзнинг кўкарганлари.* Мина бижилеклерди тигип тайласаңар ҳадемей барглери авқатқа сағидай бӧп қалади.

Бижнав – [Bijnav] – туркий сўз. Ҳисобсиз молга эга бўлмоқ, тўлиб-тошиб кетмоқ, бижнамоқ. *Қудаң бижнаған бай бӧла турип, небересиге бир буқадев енчи бералмадима, сийир қисаңар?*

Бижғиған – [Bijg'ig'an] – туркий сўз. Ачиган. *Хамириң бижғип кетипти. Тағайиң бижғиған бай, бир тайини тиле, жӧх демейди.*

Бийделев – [Biydelev] – туркий сўз. Гап ўргатмоқ, йўлдан урмоқ. *Бийделеп ерини ағайинға қӧшмай қӧйди. Бийкең бийделеп-бийделер қайне-келинди ийтли-пишек қип қӧйди!*

Бийке – [Biyke] – туркий сўз. Эру-хотиннинг туғишган ёки яқин қариндош опалари бир-бирига бийке бўлади. *Бийкенди байлаб бақ, бажаңди айлаб бақ. Иң қарип хиш шӧлар. Башқа хишлар вўз куниге бар бӧсин!*

Бийке қаде – [Biyke qade] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куёв томонидан келиннинг опасига бериладиган

сарпо. *Бийке қадеси кўйлек-лата бўғичеди, режени бузмаңар, камини сиңниңдикиге қидирип барғанда киесен!*

Бийт – [Biyt] – туркий сўз. Бундай қил. *Куевлеп кегениңизде ийт ҳабалап қоймаса, бийтиң: тўрткене суекти белбевиңизге байлапқана кеп ийтке тайласаңиз, сизди ийттиң вўзи егертип меймаханаға киргизеди, жеген авуз уялади, деген гап бар!*

Билайирақ – [Bilayiraq] – туркий сўз. Нисбатан яхшироқ. *Бу қиздиң раңи вӧ қизға қараганда билайирақ екен, енди гап парасатида.*

Биламиқ – [Bilamiq] – туркий сўз. Сутга ун аралаштириб пиширилган суюқ овқат. *Тувипсама биламиқ ичип, биламихти тувған хатин ичеди, сен палав жегин!*

Билдирав – [Bildirav] – туркий сўз. Ёш болаларнинг кўп гапириши. *Тӧйханада кўп билдирамай вӧтир, қайсиниң суқи кирмесин, кўкейимди кессең!*

Биле – [Bile] – туркий сўз. Бирга. *Авқатти жеңгер, сӧң мактепке биле барасаңар!*

Билезик – [Bilezik] – туркий сўз. Қиз ва аёллар билагига тақиладиган тақинчоқ, билакузук. *Ахшам куевлеп барғанимда харжиға вӧрап бир жузикмен бир билезик апарибем қайнем жӧл берди. Келинчектиң тилладан жузигимен билезиги бӧмаса бӧмасин, журегиде қизиғи бӧсин!*

Билтир, билтирғи – [Biltir, biltirg'i] – туркий сўз. Бу йил эмас, ўтган йил, ўтган йилги. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асарида:

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро,
Сиз киби бултурғи гуллардин бири пайдо эмас, - дейди.[6]

---

[6] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т. I. – Ўзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983. – Б. 293.

*Билтир шали яхши бӧлди, бийилғиға худа патша! Билтирғи қавуnнниң ахириман бийилғи қавунниң алдини қӧштим. Асип қӧйсаң туребереди екен.*

Бир алым – [Bir alim] – туркий сўз. Салгина, унча узоқ бўлмаган масофа. *Хатинниң хишидан бир алим алис вӧтир! Ағайинниң ағайиннан бир алым узахрақ вӧтирғани маъқул.*

Бир жахли – [Bir jakhli] – туркий сўз. Бир томонга, четга, халақит бермайдиган жойга.

- *Кампир кавушиңди бир жахли қӧймаған екенсен ахшам қараңада сурينип жиғилип, вўкчеси қабағимди кўгертти!*

- *Бетим айдиң жариғи, енди қайтемен чалбай, қирғини кесин шӧ кавуштиң, вӧттиз жилдан бери судреп, табаним кўгерип, кўкейим кесилди, сиз суринип қабағиңиз кўгере ҳалек, мен қишлахта жаш бачелердиң сийдигини тилеп шӧрпахта қип баса ҳалек, шу ай пенсия ап бир милайимғана иринка апперсеңиз, суринип жиғилсаңизам башиңизға балиш бӧлади!*

Бирбавур – [Birbavur] – туркий сўз. Биргаликда, ҳамжиҳат. *Ағайин бирбавур бӧса, қӧтаниға жандар аралаялмайди. «Эзгулик ва тақвӧ йўлида бирбӧвур бўлинг» («Лақай ӧвӧзи» ҳафтанӧмасининг шиӧри).*

Бирди-ярим – [Birdi-yarim] – туркий сўз. Баъзи, айрим, ҳисобли, кам миқдорда. *Қайнатамниң қавунлари бирди-ярим пишмеген бӧса, ҳаммесием хам.*

Бирев, биревгене – [Birev, birevgene] – туркий сўз. 1. Номаълум киши, биров. *Бирев айтқан екен: «Тилеб аған еримди, ечки тевип вўлтирди», - деп.* 2. Ёлғизгина, биттагина. *Чечең биревгене, шӧниң учун абайлайман-да. Башқаларға вӧхшаб қӧша-қӧша бӧса еди, парве қимағичем.*

Бир майдан – [Bir maydan] – туркий+форсий сўз. 1. Муайян ҳудуд, тепа. *Сенем буғдайиңди бир майданға*

*чиғарип, галегев қип жанчиб ал.* 2. Сал, кўп эмас, бир пас. *Кел ашна, бир майдан вӧтирип гуруң бер, писте бӧса сӧңам теребересен.*

Бир сидира, бир сидирама – [Bir sidira, bir sidirama] – туркий сўз. Бир қатор. *Балаларимниң барисиге бир сидирамадан кийим алип бердим, баҳар бӧлишиман яна Рассияға кетемен!*

Бирсугун, бурсугун – [Birsugun, bursugun] – туркий сўз. Эртадан кейин. *Шуниман бир сугун хуптамда келемен, миявласам қулайлап, ҳаммени ухлатип чиққин, тӧғри келе берейин десем, харжим жӧқ енең жӧл бермейди.*

Бирте-бирте – [Birte-birte] – туркий сўз. Шошилмасдан, секин-секин, битта-битта. *Майизди бирте-бирте же, қӧшивучлаб авзуңа тихма, ачкемер, бувилип қаласан!*

Бир қӧшувич – [Bir qoshuvich] – туркий сўз. Қўш қўллаб ўлчанган нарса, миқдор. *Қизиң жаңа кўйлегини кийип пайғӧзиға кеген екен, етегиге тўрт қӧшувич писте салдим. Кисем жиртиқ екен бир қӧшувич қурмач тўгилип кетипти.*

Бир ҳисаптен – [Bir hisapten] – туркий+арабча сўз. Бир томондан. *Бир ҳисаптен буниңам айтқанида жан бар, аввел авқатланип сӧң атланайиқ, ашнаңниң уйиде алле тайяр авқати бар, алле жӧқ.*

Битлев – [Bitlev]  – туркий сўз. Битнинг кўпайуви, битламоқ.

*Енели жетимниң башида тарақминен қӧл вӧйнар,*
*Атали жетимниң башида сирке минен бит вӧйнар.*

*Бихмаслиқ – [Bikhmasliq] – туркий сўз. Таъсир қилмаслик, фойда қилмаслик.* Мӧллаға вӧқитибеди, бихмапти.

Бихтирув – [Bikhtiruv] – туркий сўз. Бекитиб ёпмоқ, дам бермоқ. *Ашти бихтирдим, мейманнардиң қӧлиға сув ал!*

Бифип қалув - [Big'ip qaluv] – туркий сўз. Онанинг қорнида ҳомиланинг ривожланмай турғун ҳолатда қолиши. *Буваз хатин қорхса қарнида баласи бифип қалади.*

Блай-блай – [Blay-blay] – туркий сўз. Тез-тез. *Манавсирамай авқатиңди блай-блай же, сувип қалади. Хамириңди былай-былай иле, тандир сувип қалади.*

Бӧ – [Bo] – туркий сўз. Бўл. *Тез бӧ, айнаңалар кетип қалади.*

Бӧзарув – [Bozaruv] – туркий сўз. Ранги қизармоқ, бўзармоқ. *Ҳе, бӧзармай кет, бӧзбала емес-семе, енеңди ишлетип, вўзиң ешшектей бӧп, ешшек минип жиребер.*

Бӧзбала – [Bozbala] – туркий сўз. Бўйдоқ, эндигина кучга тўлиб келаётган, боши очиқ, хом, уйланмаган, ҳали жиловланмаган ўсмир, бўз бола. - *Бӧзбалалифам давур екен, бӧзбалалифимда шу арихтан бир чӧрчиб вўтип кеткигем.* - *Вўтирик айтмаң, вӧндаям шу гўр едиңиз, арихтан вўталмай дайим катте кўпирден айналип кеп, ачувиңизди меннен афичеңиз!*

Бӧйдақ – [Boydaq] – туркий сўз. Уйланмаган, бўйдоқ. *Бӧйдахтиң кўзимен қиз ама, пияданиң кўзимен ат ама. Бӧйдахтиң кўзиге қизил кийген қиз бӧп кўринебереди.Бӧйдақ жигит жугеннneген атдай,*

*Қизди кўрсе лавуллаған вӧтдай.*

Бӧй жетув – [Boy jetuv] – туркий сўз. Ўсиб камолга етмоқ, балоғат ёшига тўлмоқ. *Қизиң бӧй жеткинче, тўрт сандифиңдиям тӧлдирмасаң, кейин шашип қаласан!*

Бӧйинтириқ, мӧйинтириқ – [Boyintiriq, moyintiriq] – туркий сўз. Омоч тортишда ҳўккиз ёки йилқининг бўйнига осиладиган айлана восита. *Ҳўккиздиң бӧйинтирифини байла, чифина тарттирамиз!*

Бӧйиға бӧлув – [Boyig'a boluv] – туркий сўз. Ҳомилали

бўлмоқ. *Келинининң бойиға боғанға авур ишлерди қилдирмаятир.*

Бойма (бомайма сўзининг қисқарган шакли) – [Boyma, bomayma] – туркий сўз. Бўлмайдими. *Войнаб жиргинињче, атаңа ярдам берсең бойма?*

Бойра – [Boyra] – туркий сўз. Йирик қамишдан тўқилиб, илгари қиш ойларида гилам ва кийизнинг тагидан тўшалган. Баъзи ҳудудларда айни пайтда қурилиш материали сифатида фойдаланилади. *Гилемнињ астидан бойра тўшесең, қишта сувуқ вўтмейди. Биз вўмиримизди бойранињ устиде жатип вўткезиппиз, ендиги жашлар диванда жатаман дейди.*

Болағай – [Bolag'ay] – туркий сўз. Тугатиб қўй. *Ишињди болағай енди, балаң бешикте бувилип қалди.*

Ботай – [Botay] – туркий сўз. Ақл-фаросат. *Вўзинињ ботайида бомаса, мињ айтқанињ бепайда!*

Борбай – [Borbay] – туркий сўз. Оёқнинг тизза билан тўпиқнинг оралиғи, тақим, болдир. *Шали егемен деп борбайларињди лайға батирип кепсең, жили сувға жувиб жибер! Балахларињди чарихтинњ ичиге салип борбайини чилбирман яхшилап байла, кечқурун кечегидей балахларињди судреп лайға батирип қайтма! Бир жилан кўрдим, борбайимнанам жуван.*

*Ҳар борбай – ҳайбар борбай!(Тез айтиш)*

Бордақи – [Bordaqi] – туркий сўз. Боқилган думбали қўй. *Бордақиға бағилған қойларињди Гулистаннинњ базариға алип чихсаң яхши кетеди.*

Борлақ – [Borlaq] – туркий сўз. Оҳакли майдон, оқ тошли ҳудуд. *Маллар борлахтан ашип, қишлақа жетаязди!*

Босаға – [Bosag'a] – туркий сўз. Эшикдан уйга киришдаги дастлабки қисми, остона. *Келиним хизметкер, ҳамсаялар чақирмаса, босаға атлаб кўчеге чихмайди.*

Бöти – [Boti] – русча сўз. Ёш ва ўсмир болаларнинг резина этиги. *Бöтиңди чаппа кийдиң, чеч вўзим қайтадан кийгизейин.*

Бöхтар – [Bokhtar] – ғарб, ғарб томон. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асарида:Бохтарға солдинг ўт, эй офтоби ховари,

Истасангким бохтар тингғай, маҳи ховарни ёп, - дейди.[7]

Бöхча – [Bokhcha] – туркий сўз. Кийим-кечак ўраладиган каттароқ тугун. *Магерем бöхчаңди ешшеке артип, вўзиң атқа – чалиңниң арқасиға мингешсең!*

Бöхча қайтарар – [Bokhcha qaytarar] – туркий сўз. Фотиҳа ва никоҳ маросимларида куёв томондан келин томонга сарпо ва тўғизлар солиниб жўнатилган бохчаларнинг қайтарилиши. Бунда фотиҳада қайтарилган бохчада келин томонидан тикилган арахчин, бастирма тақия, гуллеме тақия, белбев ва қолворамаллар солиниб қайтарилади, бу сеплар ўз навбатида куёв томонидан яқин қариндошлари ва қўшнилари орасида тақсимланади. Никоҳ маросимда сарпо ва тоғизлар ўралган бохчани қайтаришда куёв томонга яқин қариндошларининг миқдорига қараб турли хил сарпо (ата сарпай, ене сарпай, чалата сарпай, каттене сарпай, айна сарпай, чече сарпай ва ҳоказо)лар солиниб қайтарилади. Баъзи ҳолатларда бохча куёв томонидан тўйни олиб борган қудалар томонидан қайтарилса, баъзан келин томонидан икки аёлдан жўнатиш одати ҳам мавжуд. *Елден-ереки қип еки хатинди тўрт баласиман жўнетмей, берермеңе авур қиғинча шö бöхчани қудалардиң вўзиден қайтарсаям бöғичеди!*

Бöчалав – [Bochalav] – туркий сўз. Урғочи ҳайвонларнинг

[7] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т. I. – Ўзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983. – Б. 319

туғиш олдидаги ҳолати, тўлғоқ тутмоғи. *Қари қара қӧйиң бӧчалапти, такит бӧңар тувади.*

Бӧғақ – [Bog’aq] – туркий сўз. Семизлик. *Катекен чилле кичене чиллеге айтқан екен:*

*«Бай қизда бӧғақ қалди, бай тӧхлида жирғақ қалди,*

*Буяғини саңа тапширдим, таредиси жӧхтиң парини қӧқит»!*

Бӧғжама – [Bog’jama] – туркий+форсий сўз. Қимматбаҳо қалин матодан тўрт бурчига боғ тикилиб, ичига кийим кечак ва сарполарни солишга мўлжалланган улкан тугун. *Бӧғжаманиң бавуни байлап, башима қӧйип жатмасам, бар байлиғим шуниң ичиде!*

Бӧғмеки – [Bog’meki] – туркий сўз. Ажириққа ўхшаб ўсувчи томири шифобахш ўсимлик. Томири ернинг тагидан олиниб, қуритилиб, қорин дамласа, жиғилдон қайнаса, ошқозон касалликларига кичик бўлаги чойга ивитилиб ичилади. *Бӧғмекини чайиб ичсең, кирнением қирқади, ашқазаниңаям дава, журегавуриңам шай бӧлади.*

Брауниң – [Brauning] – русча сўз. Америкалик конструктор Ж.Браунинг томонидан ихтиро қилинган автоматик тўпонча ёки пулемёт. *Ибрайимбек таслим бӧғанда Брауниң писталетинием ҳўкиметке тапширди!*

Буваз – [Buvaz] – туркий сўз. Тирик мавжудотнинг бўғоз бўлиши, ҳомиладорлик. *Сийириң қарнини жалаб жатир бувазға вӧхшайди, вўзини бўлек байла, сийирлар шахламасин. Хатиниң буваз, айи-куни қариплешкен, бемаҳал жиришиңди бас қилип, уйде бӧл!*

Бувин – [Buvin] - туркий сўз. Инсон вак бошқа жонли мавжудотлар суякларининг бир-бирига қўшилган жойи. *Шапкели адамларди кўрип, милисе екен деп, бувинннарим бӧшап қалди.*

Бувнав – [Buvnav] – туркий сўз. Таъкидламоқ, айтишга ёки айтмасликка мажбурламоқ. *Қайнеси бувнади шекилли, айтаман деген габием ичиде қалди.*

Бувув – [Buvuv] – туркий сўз. 1. Томоғидан бўғмоқ. *Тамағимнан бувма уккағар, алишсаң ҳалал алиш!* 2. Боғлаш. *Писте салинған қаптиң авзини бувиштан алдин пичи туз аралаштир, мителемесин!*

Бугулув – [Buguluv] – туркий сўз. Энкаймоқ, букилмоқ. *Қайнатаңниң алдида кўп бугилеберме, белиң букри бўп қалади.*

Бужир – [Bujir] – туркий сўз. Нотекис башара. *Бужир қайнатаңа айт, вўчип жирсин, бўмаса кўкейини қуритаман!*

Бузрук – [Buzruk] – форсий сўз. Азиз-авлиё. *Рассиядан есан-аман қайтсам бузруклердиң ҳақига бир мал сўйип елге нан беремен!*

Бузруквўр – [Buzrukvor] – форсий сўз. Азиз-авлиёлар қадамжолари. *Бузруквўрларди зиярат қип кебеди, келинчегиниң бўйиға бўлди.*

Бузғинч – [Buzg'inch] – туркий сўз. Писта дарахти баргида ўсадиган аччиқ-шифобахш восита. *Ичи авруған бўса, жумурқани чўққа кўмип, сарисини ап тайлап бузғунчти севип бер, сен кўр, мен кўр бўп кетеди.*

Бук – [Buk] – туркий сўз. Шамол юрмасдан куннинг исиб кетиши, ҳавонинг айланмаслиги. *Кун бук бўлди, арихтиң башиға жай сал!*

Булақ – [Bulaq] – туркий сўз. Сувнинг сизиб чиқадиган жойи, булоқ. *Қизилбулақтиң яхши булағи барда, табистандаям суви камеймейди. Жузейбулақтиң сувиям жизип ағип жатади. Қизилмазардағи Тавашардиң улағиниң суви жилдан-жилға камейип бараятир.*

Булғанчиқ – [Bulg'anchiq] – туркий сўз. Тоза эмас,

ифлосроқ. *Пахтаға сув қөйип кегеңе вөхшайсиз, аяғиңиз булғанчиқ екен, тўрди тепкилемей супаниң чеккесиге чөнқайсаңизам сизики вўрел!*

Буралув – [Buraluv] – туркий сўз. Буралмоқ. *Вөйинчиям раса буралип, қаши-кўзини қағип, бөзбалалардиң киселеринием қахти.*

Бураңлав – [Burangglav] – туркий сўз. Чўлоқланмоқ, қийшангламоқ. *Калишиң аяғиңа сиймаса, бураңламай жалаңаяқ жир.*

Бурге – [Burge] – туркий сўз. 1. Қанотсиз сакраб юрадиган чақувчи майда ҳашарот. *Жөғат шу кийизиңди, бургениң кани.* 2. Кичкинагина. *Вўзи бўргедей, тамағи турбедей. Бургедей бөп, буниң жилағаниға қара, намазимди бизаяздим.*

Бурме кўйлек – [Burme ko'ylek] – туркий сўз. Асосан қизлар ва ёш аёллар кийиб, кўкрагини бурмалаб тикиладиган кўйлак. *Бурме кўйлек кийип, лати тағипсан, жарашмапти.Бурме кўйлегиңди пичкели келдим,*

*Бир пияла чайиңди ичкели келдим.*

*Меннен вўткен бөса – кечир сулув қиз*

*Сеннен вўткеннерди кечкели келдим.*

Бурсугун – [Bursugun] - туркий сўз. Эртадан кейин. *Бурмекўйлекмен безенип бурсугун Бурмадағи бешикесаларға бараман!*

Бурум – [Burum] – туркий сўз. Соч ўрими. *Чачиңди еки бурум қип, чачбав тағип қөй!*

Буруңғи – [Burung'i] – туркий сўз. Илгариги, олдинги. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 379)да «бурун» сифатида берилиб, илгари, олдин сифатида талқин этилган. *Буруңғилардиң устахани пөлат бөлади екен, атам төхсанға кирип жанғахти тишимен*

*чаққичеди, мен еллике бармай тишим тўгилди.*

Бурчақ – [Burchaq] – туркий, архаик сўз. Дўл. *Баҳерде бурчақ жавубеди, жер зардалиниң ғўрасиға кўрпе бўлди.*

Бурчуклев – [Burchuklev] – туркий сўз. Куртакламоқ. *Дарахларам бурчуклеп қапти, вўлмеген қул кўреберер екен!*

Буқадев – [Buqadev] – туркий+форсий сўз. 2-3 яшар урғочи мол. *Буқадевиңди сатма, жузиктиң кўзидей сийир бўлади!*

Бўбек – [Bo'bek] - туркий сўз. Чақалоқ. *Бўбектиң чўчағини сумек сўрмасин, гирдиге пахта қўй!*

*Айналайин жаш бўбек, бешигиңде жат бўбек,*

*Атаң келе бермесе, сумегиңди ат бўбек!*

Бўгем – [Bo'gem] – туркий сўз. 1. Бешикнинг устидаги ушлаб тебратадиган ёғочи. *Балаң бешигиниң бўгемиден ушлап тўрегелемен деб имтилиб жатир. Бешигиңниң бўгеми, қўзилардиң кўгени.* 2. Молнинг йўғон ичаги. *Бўгем жўргем бўмайди, жишке ичеклер жўргем бўлади.*

Бўз, жавуз – [Bo'z, javuz] – туркий сўз. 1. Ҳали сув чиқарилмаган, экин экилмаган, лекин экин эгишга яроқли, экилмай ётган, ҳали ўзлаштирилмаган текислик, дашт. Бўзбола сўзи ҳам боши очиқ, ҳали уйланмаган, жиловланмаган ўсмирга нисбатан ишлатилади. *Бўз жергерге сув чиғип, ел тавдан ендирди.* 2. Пахтанинг ипидан тўқилган мато. *Уккағардиң ули, қайнатам бай деп пайтабани шайидан қипсаң, бўзден пайтаба қимайсама, шайи пайтаба бўлама?!*

Бўксе – [Bo'kse] – туркий сўз. Одам ёки ҳайвонларнинг белидан пасроғи, орқа томони, қуйруғининг юқорироқ қисми. *Духтур укалди бўкседен уради екен, урдирмадим.*

Бўле – [Bo'le] – туркий сўз. Туғишган ёки яқин қариндош опа-сингилларнинг болалари бир-бирига бўле, холавачча

бўлади. *Жетти бўлени бир сайда жандар жепти. Бўлелер сирлашмайди, сирлашсаям бирлешмейди.*

Бўлев – [Bo'lev] – туркий сўз. Чақалоқ ёки ёш болани бешикка ётқизмоқ. *Балаңди ертерек бўле, ҳазир тўй қилип, ҳамме жахти билғатади.*

Бўлек – [Bo'lek] – туркий сўз. Алоҳида. - *Кампир, бугун жайди бўлек сал, шаҳарден чарчап кегенмен. – Чарчасаңизам бирге жатамиз, жай бўлек бўса кўнгилем бўлинеди, кўнгил яна шаҳарди тусеп қалади.*

Бўлек-салақ – [Bo'lek-salaq] – туркий сўз. Майда-чуйда. *Бўлек-салақ нанларди жуғундиқ сатилге сал, қўйиң жесе семиреди, сийириң жесе сут береди.*

## В

Вакил – [Vakil] – арабча сўз. 1. Ишончли, расмий одам. *Райаннан вакил кеп майлис қип кетти.* 2. Масъулиятли киши. *Вакил енең аҳвелиңнен хабер ап туриши керек, тувған енеден вакил енениң вазипеси авур!*

Вакил ата, вўкил ата – [Vakil ata, vo'kil ata] – арабча+туркий сўз. Олис қишлоққа турмушга чиқаётган қизнинг аҳволидан хабардор бўлиш масъулиятини зиммасига олувчи тутинган ота. *Келинчегиңниң вакил атасиям қамасин, айтқиниң.*

Вакил ене, вўкил ене - [Vakil yene, vo'kil yene] – арабча+туркий сўз. Олис қишлоққа турмушга чиқаётган қизнинг аҳволидан хабардор бўлиш масъулиятини зиммасига олувчи тутинган она. *Вўкил енеңниң уйиге ешигилувсиз кирме.*

Вакилет – [Vakilet] – арабча сўз. Куёвга чиқаётган қизнинг тоғасига берадиган вакили. *Вакилетке валасапит*

*ағинча, пулини ап базардан бахмал асаңиз, балаларға кўрпе бөғичеди!*

Валлемет – [Vallemet] – арабча сўз. Бағри кенг, сахий. *Қайнатаң валлемет адам, жөл вўткинчини чақириб ап нан береди.*

Васкарт,васкат – [Vaskart, vaskat] – русча сўз. Аёлларнинг енгсиз камзулчаси. *Васкартиңди кийиб амасаң, ешик шамал.*

Вахти хөш – [Vaxti-kho'sh] – арабча+форсча сўз. Хурсанд бўлмоқ. *Апайға бир кўйлек тигип кийгиздим, вахти хөш бөлиб, дува берди.*

Вахти хөшлиқ – [Vakhti khoshliq] – арабча+форсча сўз. Хурсандлик. *Вахтихөшлиқа ниме жетсин?!*

Вашет – [Vashet] – арабча сўз. Ваҳшат. *Ешик вашет қар, етигиңди киймей ешике чихма!*

Вөдирайув – [Vodirayuv] – туркий сўз. Кўзини олайтириб қарамоқ. *Вөға вөдрайғиниңча вөтирип вөрамалиңди вөра!*

Вөйиб алув, вөймишлав – [Voyib aluv, voymishlav] – туркий сўз. Қаттиқ чимчиламоқ. *Кўрпениң астида вөймишламай, е нарағ жатиң, е берек жатиң!*

Вөйилув, өйилув – [Voyiluv, oyiluv] – туркий сўз. Тешилмоқ, ўпирилмоқ. *Айнам агеретке сув қөйғанға жўеклер гўре бөп вөйилип қапти.*

Вөйин, өйин – [Voyin, oyin] – туркий сўз. Кўнгилни кўтариш учун қилинадиган ҳаракат, эрмак, ўйин. *Тушкече вөйин вөйнағиңча тийирман тарттирип кесең, патир пишкичеди, неберем!*

Вөйиқ, өйиқ – [Voyiq, oyiq] – туркий сўз. Тешик, чуқур. *Ешшегиңниң бир кўзи кўр екен, сайдиң вөйиқ жайиға тушип кетмесин.*

Вөйма (өйма) кўрпече, балыш – [Voyma (oyma) ko'rpeche,

balish] – туркий+туркий+форсий сўз. Матонинг устига бошқа матонинг гулларини ўйиб, қирқиб олиб тикиладиган рўзғор анжомлари. *Катапа, вӧйма кӯрпечени кӯрип неберең̧изге вӯзиң̧из баҳа бериң̧!*

Вӧймақ, ӧймақ – [Voymaq, oymaq] – туркий сўз. Кашта тикканда бармоққа кийиладиган восита, ангишвона. *Вӯзимниң̧ вӧймағимди вӧтиришта вӧғирлатип, чечемниң̧ вӧймағини чап бармағидан чечиб алдим!*

Вӧйнақлав, ӧйнақлав – [Voynaqlav, oynaqlav] – туркий сўз. Сакраб-югургилаб юрмоқ. *Ҳали замат баҳар бӧп, кун жадирап қӧзичақлар вӧйнақлап қаладилар.*

Вӧйнақи, ӧйнақи – [Voynaqi, oynaqi] – туркий сўз. Ўйинчи. *Вӧйнақи кийикчең̧ди чақир, неберем вӧйинини тамаша қисин.*

Вӧйув, ӧйув – [Voyuv, oyuv] – туркий сўз. Қаттиқ чимчиламоқ. *Ниме дардиң̧из бар, ҳар куни бир жеримди вӧйип кӯгертесиз?!*

Вӧйувли, ӧйувли – [Voyuvli, oyuvli] – туркий сўз. Тешилган, ўйиб олинган. *Жилбашиға вӧчахлар вӧйувли, малларам сӧйувли, буяғини кайвӯнилердиң̧ ҳӯнери биледи.*

Вӧл – [Vol] – туркий сўз. У. *Вӧл вӧтирип қалди, биз турдиқ. Бизимен қӧшилип вӧлам барди.*

Вӧмақан, ӧмақан, тӧмақан – [Vomaqan, omaqan, tomaqan] – туркий сўз. Думалаш, боши билан айланиб йиқилиш. *Улахта ат суринип, чабандаз ихтирилип кетти, ат вӧмақан ашип вӧтирип қалди.*

Вӧмирав, ӧмирав – [Vomirav, omirav] – туркий сўз. Кўкрак. *Вӧмрав барда, бӯксе жӧқ! Кӯчма маънӧда: Ғайрат бӧрда, қувват (пул) йӯқ!*

Вӧмиравли, ӧмиравли – [Vomiravli, omiravli] – туркий сўз. Кўкраги кең̧. *Палван акең̧ жашлиғида вӧмрави кең̧*

*бөзбала еди.*

Вөңақай, өңақай – [Vongaqay, ongaqay ] – туркий сўз. Асосан ўнг қўли билан ишловчи киши. *Вўзи вөңақай, чали чапақай.*

Вөнбаши – [Vonbashi] – туркий сўз. Бухоро амирлигидаги ҳар ўн аскарнинг бошлиғи, тахминан ефрейтор ёки кичик сержант унвонига тенг. *Айнам аламанға вөнбаши деб махтанма, мениң чалатам мирахур бөған.*

Вөңланув, өңланув – [Vongg'lanuv, onglanuv] – туркий сўз. Оғриқдан тузалмоқ ёки бирор мушкил ишдан чиқиб кетмоқ. *Неберем, вөңланип кеттиңме, вўзием хийли жаттиң, жатмастан жиребер аттабам давалайди.*

Вөңғайлав, өңғайлав – [Vongg'aylav, ongg'aylav] – туркий сўз. Қулайламоқ. *Қудаң уйиделигини вөңғайлап барсаң яхши бөлади.*

Вөңғарув – [Vongg'aruv] – туркий сўз. Тескари эмас ўнг қўймоқ. *Нанди вөнғарип қөй, вөбал бөлади.*

Вөраза – [Voraza] – форсий сўз. Рўза. *Төй қиғичлар шу вөразаниң ичиде қиб алади, қимағани еки ай асманға қарап ай пайлайди.*

Вөржайув – [Vorjayuv] – туркий сўз. Қовоғини солиб, қовоғидан қор ёғиб юриш. *Вўмириңди вөржайувман вўткезмей, сенем адамларға вөхшап қабағиңди сал ач!* Вортан, вортанғи – ўртадаги, марказий.

Вөришлав – [Vorishlav] – туркий сўз. Ўт-ўланларни юлмоқ, тозаламоқ. *Ҳаятани вөришлаңар, савзи ексек вөт басади.*

Вөртан бел – [Vortan bel] – туркий сўз. Умуртқанинг ўрта қисми. *Кампир сөйилған қөйдиң вөртан белиден қувур, белди бақувват қилади.*

Вөртан жилик – [Vortan jilik] – туркий сўз. Молнинг ўрта

жилиги. *Вӧртан жиликтиӊ гӯши маззали келеди!*

Вӧсип алув – [Vosip aluv] – туркий сӯз. Қириб олмоқ. *Гӯшти суектен вӧсип ал, манти қиламиз.*

Вӧсма, вӯсма – [Vosma, vo'sma] – туркий сӯз. Ӯсма. Лақай диалектида ишлатиладиган ушбу сӯз. А.Навоийда ҳам худди шу шаклда ишлатилиб, «Ғаройибус-сиғар» асарининг 42-бетида «Вӯсма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза, Жилвагар бӯлғон икки товус эрур гулзор аро» шаклида берилган.

Вӧсув, ӧсув – [Vosuv, osuv] – туркий сӯз. 1. Тирнамоқ, яраламоқ. *Байқуш бетағдир, тавдан жиғилип тенесини тас вӧсип кетипти.* 2. Бирор нарсани қириб кесмоқ. *Баба тишиӊиз вӯтмесе мина чапқиман жиликтиӊ тенесиден гӯшти вӧсип алип жеӊ, тенеӊизге дарман бӧлади.*

Вӧт вӧчақ, ӧт ӧчақ – [Vot vochaq, ot ochaq] – Олов ёқиш учун мӯлжалланган ӯчоқ. Илгари қиш мавсумида иззатли меҳмон ӯтирган уйни тутатмаслик учун оловни бошқа хона (ӯтов)да ёқиб, чӯғини меҳмон ӯтирган хона(ӯтов)га олиб келиб солиш анъана бӯлган. Ёки жапсарсиз кичик ӯтовларда ҳам ӯт ёқилмасдан бошқа ӯчоқларга ӯт ёқилиб чӯғини бу ӯчоққа солганлар. *Чечеӊе айт, вӧт вӧчақа вӧт жахсин, чӧғини мейманханадағи вӧчақа саламиз.*

Вӧт жағар – [Vot jag'ar] – туркий сӯз. Келинни куёвникига узатиб келингач уйга киришдан олдин олов ёқилиб, келин унинг устидан сакраб ӯтиши ва бунда келинни таъқиб қилиб келган инсу-жинслардан халос бӯлиш қадеси. Бунда куёв томон аёлларидан бири томонидан ӯт ёқилиб, келин томондан кӯйлак-рӯмол сарпо ташланади. *Вӧт жағариға кӯйлек-лата сағичеди, кунус қудағийиӊ еки митир тетрӧн сапти!*

Вӧтав, ӧтав – [Votav, otav] – туркий сӯз. Илгари кийиз

ёпиб, кўчиришга қулай бўлган ёғоч уй, қора уй, ўтов. Ўтовни ташкил этувчи бирликлар: кереге, увуқ, шанграқ, басқур, тизме, жанбав ёки белбав, мангнайча, кийиз ва ҳ.к. *Илгери жайлавда байлардиң вўттизталап вўтаву бўғичеди.*

Вўтжағар, ўтжағар – [Votjag'ar, otjag'ar] – туркий сўз. Никоҳ маросимида ҳамда келинни куёвнинг уйига узатиб келганда ўтказиладиган удумлардан бири. *Вўтжағариға кўйлек-лата бўлади, елдиң қадесиден аширма!*

Вўхим – [Vokhim] – туркий сўз. Мулла ёки эшонга қатнаб, ўзини ўқитадиган киши. *Вўл вўзи ешан бабаға вўхим, ҳар алти айда вўзини бир вўқитип туради.*

Вўхлав, ўқлав – [Vokhlav, oqlav] – туркий сўз. 1. Милтиқни ўқлаш. *Милтиғиңди вўхлап аңниб жатсаң вўлжең шу ғардан чиғиб келеди. Милтиғиңди жавлаб жир, авда вўқ жемей қаса шарменде бўласан.* 2. Хамирни ёйиш учун ишлатиладиган ошхона анжоми, ўқлов. *Вўхлавди бер, хамирди жайиб жулма аш қимасам, кескен аштиң жели бар, жўтелге ажел! Вўчахтиң башида вўтирибем, вўлгир вўңечимнен вўйиб алди, вўхлавман қўйиб жиберибем, қайтип қарасини кўрсетмеди.*

Вў чен – [Vo chen] – туркий сўз. Ўша пайт. *Вў чен бўзбала едик, жетти-саккиз тав ашип куевлегичек, енди намашамнан нармаған уйден чиғишқа журек қимайман!*

Вўчақ – [Vochaq] – туркий сўз. Ўчоқ. Вочақ- вот жақ, яъни ўт ёқиш учун мослаштирилган ўрадир. *Вўчахта чўх жўғ екен, кўмеч кулде кўгерип, пишмей пишивсиз қағир, хамрақ бўп жездеңниң ичини дамлеткен екен, ахшам ешикти ачип жатибек, бир бегана пишек кирип қувурилған гўшти бас дегинче жеп кетипти!*

Вўяв, ўяв – [Voyav, oyav] – туркий сўз. Ухламаган, уйғоқ. *Енең вўчахтиң башида вўяв жирген екен харжисиз кебем*

*жӧл бермейди деб, ухлағинча палекти паналап вӧтиребердим.*

Вӧяпаяр – [Voyapayar] – туркий сўз. Кўриниб турадиган жой. *Ашиң ҳалал бӧса вӧяпаярда жесеңем вўрел, ҳалал бӧмаса қараңа ағилдаям найи!*

Вӧқариқ, ӧқариқ – [Voqariq, oqariq] – туркий сўз. Экинни суғориш учун бош ариқдан тортилган йўғон тўғри, тик ариқ. *Вӧқарихтан сув ичме, суви лай!*

Вуйум – [Vuyum] – туркий сўз. Тозалаш асбоби. *Хирманда буғдайди вуйум минен тазаладиқ!*

Вўгейсинув, ўгейсинув – [Vo'geysinuv, o'geysinuv] – туркий сўз. Ётсирамоқ, бегонасирамоқ. *Армиеде вўгейсинип вӧрисларға қӧшилалмай жириберме, ашналашип қӧшилип кетебер!*

Вўгейсиретув, ўгейсиретув – [Vo'geysiretuv, o'geysiretuv] – туркий сўз. Ётсиратмоқ, бегонасиратмоқ. *Вўгейсиретип, балалардиям нарақ-нарақ қип тайлади.*

Вўгейсирев, ўгейсирев – [Vo'geysirev, o'geysirev] – туркий сўз. Ўзини четга тормоқ. *Еки қӧй вўгейсиреп ечкилерге қӧшилалмаятир.*

Вўгейсив, ўгейсив – [Vo'geysiv, o'geysiv] – туркий сўз. Ётлашмоқ, бегоналашмоқ. *Вўгейсип, барди-келдини узип, узақлашип кеттилер.*

Вўз хӧши - [Vo'z khoshi] – туркий+форсий сўз. Ўз ихтиёри. *Башқушти вўз хӧшиға қӧйиңар, кимди хӧшласа шӧни асин!*

Вўзалдиға, вўзалдиғаннан – [Vo'zaldig'a, vo'zaldig'annan] – туркий сўз. Бирданига, ўзидан-ўзи, бекордан-бекорга. *Вўшекти айтқанам вўзи, вўзалдиға жилап чиғипкеткенем вўзи. Я тӧвба, сени бирев урған бӧмаса, вўзалдиғаннан жатип жилаб жатипсан!*

Вўзек – [Vo'zek] – туркий сўз. Ўзак, асосий қисми, жойи. *Вўз балаңниң вўзегиге тепсеңем кетмейди!*

Вўй деме, ўй деме – [Vo'y deme, o'y deme] – туркий сўз. Ундай дема. *Вўй деме, вўшек айтса вўзиге жаман, сениң гунайиң тўгиледи.*

Вўйтип, ўйтип – [Vo'ytip, o'ytip] – туркий сўз. Ундай қилип. *Вўйтип гапиребeрсең келиниңниңем бети ачилади, ҳазирги жашларди махтап ишлет.*

Вўксик, ўксик – [Vo'ksik, o'ksik] – туркий сўз. Йиғлаган, кўнгли ярим.

*«Кимки бир кўнгли бузуқ (вўксик-Н.Н.)нинг хўтирин шўд айлағай,*

*ўнча бўрким Каъба вайрўн бўлса ўбўд айлағай» (А.Навўий).*

Вўксув, ўксув – [Vo'ksuv, o'ksuv] – туркий сўз. Алам билан йиғламоқ. *Улғанасиниң бетини-бетиге қўйип, вўксип-вўксип жилағаниға вўтирғаннардиң бари жилаб жиберди.*

Вўкче, ўкче – [Vo'kche, o'kche] – туркий сўз. Пошна. *Бизиң тентек тўйда жер тевип вўйнайман деп вўкчесиден айрилди. Ахшам куеви куевлеп кеген екен, таңатарда куевиниң арқасидан калиш кийип чихмай туфлиминен чиққан екен, вўкчеси шалипаяда тушип қап, ийт ап кетиппе, таң атқаннан бери байқуш қарайди, таппайди.*

Вўлердей, ўлердей – [Vo'lerdey, o'lerdey] – туркий сўз. Жудда қаттиқ, учига чиққан. *Вў ашнаң вўлердей вўғри, жанашқан жерини қийратип кетеди.*

Вўлеси, ўлеси – [Vo'lesi, o'lesi] – туркий сўз. 1. Ўладиган. *Хўраз вўлеси, сўймасаң бўмайди.* 2. Жуда қаттиқ. *Вўлесилик қимай, пулиң бар тўйип жирмейсеме!*

Вўмир, ўмир – [Vo'mir, o'mir] – арабча сўз. Яшаш жараёни давомидаги муддат, умр. *Вўмириң узақ бўсин, бавуң*

*маккем бӧсин.*

Вўңерилув, ўңерилув – [Vo’ngeriluv, o’ngeriluv] – туркий сўз. Қулайланмоқ. *Ешшеке вўңерилип вӧтирсаң вӧтирғандай бӧласан, бӧмаса тақимиң талип қалади.*

Вўңерув, ўңерув – [Vo’ngeruv, o’ngeruv] – туркий сўз. От, эшак ёки мотоцикл устидаги одам ўз олдига бирор нарсани ўнғайлаб ушлаши. *Қапчани алдиңа вўңерип асаң тиззеңем талимайди, ешшегиңем бӧйним деб налимайди.*

Вўңир, ӧңир – [Vo’ngir, o’ngir] – туркий сўз. Чопон ёки тўннинг этак қисми. *Вўңиримди қайирип белбевиме қистирдимда, қайнатамниң қара қӧшқарини қурбанниқа сӧйдим.*

Вўр – [Vo’r] – туркий сўз. Тепалик. *Зӧрдиң таши вўрге жумалайди!*

Вўре бастирғали қӧймаслиқ – [Vo’re bastirg’ali qoymasliq] – туркий сўз. Қимирлашга қўймаслик, бирор жойга боришга қўймайсан. *Вўзиңди бўбек қип тайлап, етегиме жабишип вўре бастирғали қӧймайсан!*

Вўрел – [Vo’rel] – туркий сўз. Мумкин, таъқиқланмаган. *Тайхар тӧхимсиз жирсеем вўрел! (Ёш бӧла кийим киймай юрсаям уят эмас). Каттелер тўрде вӧтирса вўрел, жашларға найи!*

Вўрлев, вўрге – [Vo’rlev, vo’rge] – туркий сўз. Тепага кўтарилмоқ. *Базардан чиғип атқа минип вўрлеп кеттиңер, Қизилбулақ бардиңарма е Қӧшқудухтан қайттиңарма?*

Вўрмек, ўрмек – [Vo’rmek, o’rmek] – туркий сўз. Ўрмоқ, тўқимоқ. *Жаш келинчек ериге иргешип уйге кирип кетмесден, бариб бийкесиниң вўрмегини тӧқишса жаман бӧлама?!*

*Вўрмек қурув – [Vo’rmek quruv] - ийирилган пахта ёки жун ипни тўқиб, гилам ҳолига келтиришга*

*қулайлаштирилган восита.* Чечеңдикиде аяллар вўрмек қуратир, бир табақ авқат жибер.

Вўрмек (ўрмек) жип – [Vo’rmek (o’rmek) jip] – туркий сўз. Ўрмак тўқиш учун махсус бўялган иплар. *Вўрмек жиплериңди тайярла, жетсе вөрмек қөяйиқ.*

Вўрмек, ўрмек төқув – [Vo’rmek, o’rmek toquv] – туркий сўз. Қурилган ўрмакни тўқимоқ. *Илгери қишлахта бирев вўрмек қурса аяллар навбетмен барип төқишар экенннер. Жаш келинчеклер авқат апкеп, ҳайбарекелле берип: «Минген атиңиз жуйрик бөсин», десе, хатиннар: «Қөшқардай улли бөғин» деб дува берер екеннер.*

Вўрмек (ўрмек)яғач – [Vo’rmek (o’rmek) yag’ach] – туркий сўз. Ўрмак қуриш учун ишлатиладиган асбоблар. *Қишлахтан вўрмек яғачларди ертерек жий, таярла, тағин вө қаллағидай биренте апкетмесин, ишимиз арқаға қаса.*

Вўртев, ўртев – [Vo’rtev, o’rtev] – туркий сўз. Жонига тегмоқ. *Жилай-жилай вўртедиң, сийир сут ağан бөса, саңа қаймахти қаерден табай?!*

Вўтирик, ўтирик – [Vo’tirik, o’tirik] – туркий сўз. Ёлғон. Ўтрик сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 127)да ҳам учрайди. *Ешиткениңниң бари вўтирик, мен кўзиммен кўрип, гаплешип келдим.*

Вўтув – [Vo’tuv] – туркий сўз. 1. Сакраб ўтмоқ. *Арихтан вўтсең, вөяғи вўзиңниң ватаниң!* 2. Муддатнинг ўтиши. *Бу куннер вўтер-кетер, кампир… чирахтиң пилтесини кўтер, вўзиңди яхшилап кўрейин, жарихта қара едиң, қана, қарангада ағарипсама! Ийт итлигини қисаям куни вўтеди, ийтлигини қимасаям куни вўтеди, бариб айтиңар, яхшиси шө ийтлигини қимасин!*

Вўшек, ўшек – [Vo’shek, o’shek] – туркий сўз. Ғийбат. *Вўшек айтқич дузахда вөттиз жил вөтта жанади.*

# Г

Гавдирек, гавдирчек – [Gavdirek, gavdirchek] – туркий сўз. Яхши пишиб, қаттиқроқ шаклни олган пишириқ ёки ноннинг орқа томони. *Буғдайдан дейинме, тийирманнан дейинме, нан пиширгич кайвениден дейинме зувалалар ағип, байбичениӊ билеги куйип, нанниӊ баригенеси гавдирек бөпти, буларди айнаӊниӊ келинчеги жемесе шөниӊ баши гавдирчекке қараӊа еди, чалман-кампир талқан қип жаламаса, тишлери вўтмейди!*

Гавзамбур – [Gavzambur] – форсий сўз. Қовоқ ари. *Гўштиӊ устини жап, гавзамбур гўшке вўч бөлади.*

Гаврен – [Gavren] – форсий сўз. Йўғон таёқ. *Мина гавреннерди жахмаӊар, жөнип катмендасте қиламиз!*

Гагирдек – [Gagirdek] – туркий сўз. Томоқнинг овқат ўтув йўли, какирдак. *Хөраздиӊ гагирдегиден қисма, ҳаррам вўлтиресен.*

Гаж – [Gaj] – форсий сўз. Акс, қийшиқ. *Гаж екенсен, габиме кўнмедиӊ.*

Газе – [Gaze] – туркий сўз. Тепаликка кўтарилувчи йўл, кўтал, довон. *Ақ газениӊ газесиде милисе турған екен, машинди төхтатти. Газеден тушген жайда базар бөп жатқан екен машиннен тушип тамашаладиқ.*

Газер – [Gazer] – туркий сўз. Довюрак, ғайратли, епчил, жасур. *Чалатаӊ газер чабандаз еди, аттаӊ аттан-ат сайлап мингичеди, сен кимге вөхшапсан ешшек миналмайсан?*

Газзек – [Gazzek] – туркий сўз. Яра ёки жароҳатнинг совуқдан сув олиши, шишиши. А.Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин (-Б. 707)» да газак яранинг совўқ тегиб

қизариши, газак олиши сифатида берилган.

*Жараң газзек ап кетипти, пахтани таплап басабер.*

Галбарс – [Galbars] – туркий сўз. Кўнглида кири йўқ, ичида сири йўқ, барчанинг гапига ишонувчи содда одам. *Шӧ галбарс жездеңе айт қӧшқарларға пичи кунжара жиберсин!*

Гале – [Gale] – форсий сўз. 1. Пода, уюр. *Жилқиңди галеге қӧшсаң баҳерде қулуннайди!* 2. Тўда. *Қишлахтиң галле баччеси жӧғарилап кеттилер.*

Галебан – [Galeban] – форсий сўз. Йилқиларни боқувчи киши. *Галебан жилқиларди кузешке ҳайдап келди!*

Галегев – [Galegev] – форсий сўз. От, ҳўккиз, эшакларни қўшиб, донли маҳсулотларнинг устидан айлантириб тепкилатиб бошоғидан ажратиб олиш, шунингдек териб келинган ҳул пистани ишчи ҳайвонлар ёрдамида қавиғидан ажратиб олиш жараёни. *Ешшеклерди жий, буғдайди галегев қиламиз!*

Галлетув, галлев – [Galletuv, gallev] – туркий сўз. Алдамоқ. *Ҳаммени галлетмей, тӧғрисини айт, бирев тушунмесе қағани тушунеди.*

Галли – [Galli] – туркий сўз. Ушбу сўз нейтраль феномен бўлиб, салбий маъноси билан бир қаторда эркалаш, фахрланиш маъносига ҳам эга бўлиб, содда, оққўнгил ботирларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу сўз кўпинча бўйдоқ йигитларга нисбатан қўлланилади. *Вӧ галли майданға чиғип бегана палванлардиң барисини терди!*

Галлитап – [Gallitap] – туркий сўз. Босиқ эмас, кўтарма, анқов. *Ана, галлатап айнаң қайсиман жағалашип кетмесин.*

Гаңгитув – [Ganggituv] – туркий сўз. Бошини айлантирмоқ. *Чалди гаңитип атини алти қапча буғдайға ап кетипти!*

Гаңглев – [Gangglev] – туркий сўз. Кана. *Қўйлар гаңлепти, дус тавуп себиңер.*

Гапчиназ – [Gapchinaz] – форсий сўз. Кўп гапли, майда гапли. *Мейман гапчиназ адам екен, давредегилердиң биревиге гап бермеди!*

Гарди – [Gardi] – форсий сўз. Юпқа қизил гулли рўмоллик мато. *Қайнеңниң сандиғидан еки кўз гарди табилмадима, табистанда жуншал жамилип жирипсен?!*

Гарең – [Gareng] – туркий сўз. Довдир, гаранг. *Ҳе, гарең, вўзиңниң такең қалип, бегана чибичти алдиңа сап ҳайдап кенсең?!*

Гармада – [Garmada] – форсий сўз. Қориннинг бураб оғриши. *Гармадаси бар деп грелкаларди қиздирип қарниға бассам, вӧ қирғини бас дегинче ичиб кеген екен!*

Гарттей – [Garttey] – форсий+туркий сўз. Салгина, гартдек. *Чайнеке яна гарттей чай самасаң чайи чихмай жатир. Чақалақ гарттей бӧп кўзиниң чахчайғаниға қара!*

Гачче – [Gachche] – форсий сўз. Содда, нодон. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 327)да бу сўзни «качча» тарзида ишлатиб:

Навоий ул юзу лаб шавқидин ногаҳ наво чекса,

Дам урмас булбулу тўти, ки будур качча, ул билтак, - дейди.

*Гачче бӧмасаң, бирев сени тайлап енең кетип қалди, деб галлетсе, жилаб жиресеме?!*

Гашир – [Gashir] – туркий, архаик сўз. Сабзи. *Илгери*

*гашир дегичек, енди заман айналип сабзи дейтиған бöлдиқ.*

Гаштек – [Gashtek] – форсий сўз. Гап, гурунг, навбат. Тенгқурлик, жўрачилик, улфатчилик, анъанавий ёки замонавий умумийликка асосланган бирдамлик тури бўлиб, бунда умумий келишув, маслаҳат, қарор ҳамда муаммолар ечими зиёфат атрофида йиғилган ҳолда ҳал этилади. Гаштак, гап дастлаб ибтидоий жамиятда эркаклар иттифоқи, уларга хос муаммоларни ечиш йўлида муайян қарорга келиш учун вужудга келган бўлсада, кейинчалик аёлларнинг ҳам йиғини сифатидаги моҳият касб эта борган. *Илгери синфдашлардиң гаштеги бöғичеди, бачелер Рассия кетип, вö адетлерем жатип кетти.*

Гидир – [Gidir] – туркий сўз. Шубҳа, кўнгил тўлмаслик. *Кўңниңде гидириң барма, бизге қöшилмаяпсан!*

Гизала – [Gizala] – Жаҳлдор. *Ана гизаланиң ачувини туттирмаңар.*

Гилалев, гилагўйлик – [Gilalev, gilago'ylik] – форсий сўз. Гила қилмоқ, гилалашмоқ. *Айнам улини уйлентирди, баралмебем чечем хийли гила қилди.*

Гирди-гўше – [Girdi-go'she] – форсий сўз. Теварак-атроф. *Гирди-гўшени тазалаңар, газеден еки атли енди, жавчилар бöмасин тағин, кулип кетселер!*

Гириллек, гириллевик – [Girillek, girillevik] – форсий сўз. Айлана, юмалоқ. *Гириллеккене тағара тапик(даппи)лериңнен бир-еки араба жибермесең, қишта қайнең жаврайди!*

Гириллек тақия – [Girillek taqiya] – форсий+туркий сўз. Учини шиш қилмасдан қаттиқ қилиб тикиладиган аёлларнинг бош кийими. *Сен гириллек тақия тигесен екен деп китаплерим қабиғидан айрилди!*

Гир-гирлев – [Gir-girlev] – форсий+туркий сўз. Атрофида

айланмоқ. *Улиңиз бӧзбала бӧпти, тӧйханада мейман қизлардиң гирдиде гир-гирлепкене гап берип жири!*

Гувиллек, гувиллевик – [Guvillek, guvillevik] – туркий сўз. Сал аччиқроқ, нордонроқ. *Гувиллевик сӧрма қантиңнан саккиз килла сал айна!*

Гудик – [Gudik] – туркий сўз. Гумон, ишончсизлик, армон. *Қурбан намазда қишлақа баралмағаним кўңлимде гудик бӧп қалди!*

Гузер – [Guzer] – форсий сўз. Ҳудуд, ўтиладиган жой, одамлар тўпланадиган майдон. А.Навоий “Хамса” асарининг “Фарҳод ва Ширин” достони (-Б. 46)даГузар айлаб бурунғи равза сори,

Шаҳу шаҳзода-у дастур бори, - дейди.

*Атти айнаңниң гузериге арқаннамасаң, биз жӧңишқаға сув қӧйғанмиз!*

Гул урув – [Gul uruv] – форсий+туркий сўз. Яхши келдирилмаган хамирни тандирга ёпгандан сўнг, пишган ноннинг юзида доғларнинг пайдо бўлиб қолиши. *Хамириң кемеген екен, наннариң гул урипти.*

Гулдирмама – [Guldirmama] – туркий сўз. Осмоннинг гулдираши, момақалдироқ. *Гулдирмама гулдирататир, тўшенчини тамға тўшеме, жалама, жавунма, жавади.*

Гуллеме арахчин – [Gulleme arakhchin] – форсий сўз. Гуллаб тикиладиган эркакларнинг енгил бош кийими. *Чалатаңа бир гуллеме арахчин гуллеп бер, мачитке барғанда кийип баради!*

Гуллеме тақия – [Gulleme taqiya] – форсий+туркий сўз. Гуллаб тикиладиган ёш ўғил болаларнинг қаттиқроқ бош кийими. *Гуллеме тақияңди кийип катапаңнан барип пайғӧзи сӧра!*

Гулижуван – [Gulijuvan] – форсий сўз. Томоқнинг ичидан

чиқадиган яра. *Гулижуван бӧса тили кўгереди!*

Гуман – [Guman] – форсий сўз. Гумон. *Гуман ийманнан айиради.*

Гунгала – [Gungala] – форсий сўз. Асосан ёш болаларнинг тиш ёриш арафасида, тишларнинг енгил чиқиши учун буғдойни келида туйиб, нўхот, қўйнинг қорини, жўргемланган ичаклари ва сийрақлари солиниб пишириладиган суюқ овқат. *Улиң тиш жарипти, атаси бир қӧйди сӧйсин, гуңала қилип бир табахтан ҳамсаяларға бўл.*

Гуңгурт – [Gunggurt] – туркий сўз. Қўнғир, қора ва сариқнинг аралашиб хира ҳолатга келгани. *Жибеклериңниң раңи жаман екен, чиразиңди гуңгурт қип тайлапти.*

Гунди – [Gundi] – туркий сўз. Буғдойнинг кепагидан хамир қориб чўққа кўмиб пишириб мол ёки итга берилади. *Вӧ сағире қӧзини бир ай гунди бериб бахсаң, назиндай тӧхли бӧп қалади!*

Гупиш – [Gupish] – туркий сўз. Ўсал. *Жӧғал гупиш, тӧйғаям жиртиқ чапан минан келеме?!*

Гуппи – [Guppi] – туркий сўз. Илгари ичига пахта ёки жун солиб, тиззагача қилиб тикиладиган иссиқ кийим. *Гуппиңди гупиллетип қахмасаң, қашип қӧйғаниңман қағилама?!*

Гупсар – [Gupsar] – туркий сўз. Сувдан сузиб ўтиш учун мосланган ичига ҳаво тўлдирилган меш. *Бальшевиклердиң басқинида ел Авғанистан вўтиш учун гупсар тайярлаймиз деп ишлери мал сӧйиш бӧлди!*

Гуржи ит – [Gurji it] – грузинча сўз. Итнинг кичикроқ тури. *Гуржиниң қулағиға давир жетсе бас, вавиллап алдиңди алади.*

Гуриң, гуриңлешув - [Guring, guringleshuv] – форсий сўз. Суҳбат, суҳбатлашмоқ, гуринглашмоқ. *Гуриңлешувде*

*гуриллеме, елге нан берувде дириллеме!*

Гурке – [Gurke] – туркий сўз. Тез хафа бўлувчи, бепарво эмас. *Бу қизиң ана қизиңдай емес, буниң гурке, мениң бетиме қарап, бақрайғаниға қара!*

Гурум – [Gurum] – туркий сўз. Чуқур. *Ариқ гурум, сузалмасаң чўмилма!*

Гўдек – [Go'dek] – форсий сўз. Ёш бола. *Гўдеке иш буюр, арқасидан вўзиң жугир!*

Гўже – [Go'je] – туркий сўз. Жўхорини туйиб, тайёрланадиган суюқ овқат. *Гўжени ичиб, кейин жўлға тушсеңер, жўлда журеклериңе қувват бўлади!*

Гўл – [Go'l] – форсий сўз. Содда. *Вўзиңди гўлликке сама, ҳамме баладан хабериң бар!*

Гўмелек – [Go'melek] – туркий сўз. Капалак. *Гўмелек вўлтирмеңер вўбал бўлади!*

Гўре – [Go're] – туркий сўз. Қўриқ ва бўз ерларда сувнинг тупроқ тагига сингиб, чуқурликлар ҳосил қилиши. *Белиңе таяқ байлап пахтаға сув қўй, ҳамме жақ гўре бўп жатир! Сувиңа қарамайсама, ҳамме жахти гўре қип тайлади!*

Гўштенели, гавшенели – [Go'shteneli, gavsheneli] – форсий сўз. Гавдали, тўла, семиз. *Бир гўштенели адам ариққана ешшеке вўзи миниб ағани жетмегендей, арқасиға ашқардай бўған хатининиям миндирмекчи, е ешшектиң бели узиледи, е шў гўштенели гуппимештиң инсапиниң жели узиледи!*

## Д

Дабир – [Dabir] – туркий сўз. Оёқ товуши, сас. *Қараңада ешикте бир дабир бўғандай бўлди, чиғайин десем журегим*

*жарилаязди. Таң атқанда турип қарасам тӧри тарланниң тӧрбаси жӧқ!*

*Дав – [Dav] – форсий сўз. 1. Ишнинг ўнгидан келиши, омад.* Жигиттиң дави кепти, худа берсин! Ағайин жавға керек, мал давге керек! *2. Афсонавий улкан махлуқ, дев.* Журегим давдиң жерегидей екен деп намашамнан нармаған жанани чаңитип жире берме!

Дав тайлав – [Dav taylav] – форсий+туркий сўз. Ўсимликларнинг ўсишга, ривожланишга бўлган интилиш, ҳаракат. *Қавунпалеклер дав тайлапти пуштасини танг апсан, тарбизпалеклер сустрақ.*

Дав урмаслиқ – [Dav urmasliq] – форсий+туркий сўз. Ҳеч қандай воқеа юз бермаслик, дев таъсир қилмаслик. *Айнаңман қӧшилип шали вӧрсаң дав урмағичеди!*

Давпир – [Davpir] – архаик сўз. Навбат. *Мениң давпирим қачан келеди, кечкечей вӧтираманма?*

Давре – [Davre] – арабча сўз. Қур, давра. *Узахтан бӧйниңди ичиңе тартмай, келинчегиң вӧйнаятқанда сенем давреге чиғип вӧйнамайсама?!*

Давре қилув – [Davre qiluv] – арабча+туркча сўз. Марҳумни жаноза қилишдан олдин, унинг устига тушган ҳамда оиласидан тушган мол ва маблағларни бир жойга тўплаб, қатнашувчилар орасида мавқеига қараб тақсимланиши, улар ўз навбатда жанозадан сўнг марҳумнинг ҳақига икки раккат намоз ўқиб, гуноҳини яратгандан сўрайдилар.

Даври – [Davri] – арабча сўз. Қизлар ва келинларнинг безаклаб тикиб деворга осадиган гиламсимон рўзғор буюми. *Намаз вўтсе давриңди жийип қӧйсаңам бӧлади, кир бӧп қалади!*

Давул – [Davul] – туркий сўз. Кучли шамол. *Давул турди,*

*терезени жап, урип синдиради!*

Давур – [Davur] – туркий сўз. Гача. *Тушке давур ухлап, турип каттелик қиласиз!*

Дагдени – [Dagdeni] – туркий сўз. Қидиравуқ, дайди сўзининг ижобий шакли. *Кампир, тавдан-тавға ашип, қидирип, тӧйлап еки ҳаптадан бери дагдениликти бӧйниңа алдиңку!*

Дадар – [Dadar] – туркий сўз. Бемаза гапларни кўп гапирувчи эзма. *Вӧ дадардиң габиге қулах сап вӧтирасаңарма, турип тез-тез ишлеңер!*

Дакитув – [Dakituv] – туркий сўз. Ҳуркитмоқ, қўрқитмоқ. *Чўжелерге қара, ийт дакитмесин!*

Даккене, дакене – [Dakkene, dakene] – инглизча сўз. Аёллар рўмолининг тагидан бошига боғлайдиган асосан докадан қилинадиган кичик рўмол. *Мамаңниң даккенесини жувип қӧй, тӧйға барса башини байлайди.*

*«Дувагуй ата-ене, каттенең бе даккене.*

*Керек бӧса каттене, дӧллар жўнет неберем»!*

Далайир, далайил – [Dalayir, dalayil] – арабча сўз. Эшон боболарга мурид қилиб белгиланган уруғ ёки қавмлар ёзилиб, амирлик даврида қозилар томонидан тасдиқланиб, муҳрланган далолатнома, ҳужжат. *Ешан бабада далайир бар, лақайлар минан қӧңиратлардиңам бир хил уруғлари пирдаш.*

Далан – [Dalan] – форсий сўз. Ичкари уйга киришдаги биринчи уй. *Даланда бурге талайди, тўшекти тамға сал, тамда таламайди.*

Далбаңлав – [Dalbanglav] – туркий сўз. Гандираклаб юрмоқ. *Пахрабаттиң винӧсидан бир аяқ симирсең тақимиңнан алип далбаңлатип тайлайди!*

Далбе – [Dalbe] – туркий сўз. Содда, галварс, тавакалчи

одамга нисбатан айтилади. *Вӧйчиниӊ вӧйи питкинче далбениӊ иши питеди!*

Далдемас – [Daldemas] – форсий сўз. Ишёқмас, дангаса. *Сениӊ ериӊем бир далдемас, бӧмаса тавди урса талқан қилатиған кучи бар, пичи вӧтин жарса, вўлеме!*

Далемей – [Dalemey] – туркий сўз. Сигир туққанда дастлабки сутидан шопириб тайёрланадиган овқат. *Далемей қиған бӧсаӊ, бир аяқа жеӊгеӊеем жибер!*

Далув – [Daluv] – туркий сўз. Уйдан безиб қидириб юрмоқ, дайдиламоқ. *Далиб-далиб келип дустемен жатиб дастан вӧқиғиниӊизча ағиллларди куреп тайласаӊиз, бӧйма?!*

Дамегўй – [Dameg'o'y] – туркий+форсий сўз. Хафа, аламли. *Вӧл меннен дамегўй бӧп жири!*

Дамерде – [Damerde] – форсий сўз. Чўпон. *Қӧйди дамердеге қӧшибек, жайлав ап кетипти, кўбееме, камееме вӧяғини дамердениӊ инсапи биледи!*

Дами қайтув – [Dami qaytuv] – форсий+туркий сўз. Нафаси қайтмоқ. *Тар машиңе тöда аламанди тиғипсан, елдиң дами қайтадиям демейсен!*

Дамкўте – [Damko'te] – форсий сўз. Тез-тез нафас олиш, ҳансираш. *Байқуш кампирем дамкўте бöп қапти.*

Дамлемек – [Damlemek] – форсий+туркий сўз. 1. Ошни дамламоқ. *Ашти дамледим, мейманди гапке алип туриң!* 2. Қовоғини солиб, индамай туриш. *Қизиңди дöхлабем, дамлеп қалди.* 3. Сигир, қўй ва эчкиларнинг аччиқ, пишмаган ўтларни еб, қорнининг дамлаб кетиши. *Сийириң дамлепти, авзуға туз сап жетеле!*

Даң – [Dang] – туркий сўз. Анқов, зийрак эмас. А.Навоий «Лисонут-тайр» асари (-Б. 115) да:Бир қаландар бор эди мабҳути данг,

Субҳу-шом онинг ғизоси эрди банг, - дейди.

*Балам, даң бачче бöпсан, авға барса кийикти тири ушлап келатиған ҳушяр бöзбала бöмайсама?!*

Данекер – [Daneker] – форсий сўз. 1. Тўғри маслаҳат бериб, аразлашган икки томонни бирлаштирувчи, насиҳат қилувчи. *Мамамиз данекер еди, вöлам кетип қалди. Биревиң гунаҳкер бöсаң, биревиң данекер бöл!* 2. Синган суякларнинг бирикишини тезлаштирувчи шифобахш гиёҳ. *Улақта аттан жиғилип қöли синған бöса, данекер ичкиз, аттай бöп кетеди.*

Даңғара – [Dangg'ara] – туркий сўз. Бош-адоғи йўқ кенглик. *Даңғарадан даңғарадай жер ап жай сасам, жетти пуштима жетеди!*

Даңғарадай – [Dangg'araday] – туркий сўз. Улкан, кенг. *Вўзлериң навхана бöсаңар, даңғарадай уй қурип, ичини ниме минен тöлдирасаңар?*

Даңғира – [Dangg'ira] – туркий сўз. Қўл билан

чалинганда темирлари шилдираб овоз берадиган, доира шаклидаги пардали мусиқий асбоб. *Тӧйға артислер келди шекилде, даби-даңғиранiң давуши чиғаятир!*

Дап – [Dap] – арабча сӯз. Дойра, чилдирма. *Қизлар дап чалишип вӧйнап қалдилар.*

Дап бӧлув – [Dap boluv] – арабча+туркий сӯз. Қорасини кўрсатмаслик. *Кемесе, дап бӧсин, кӯзиме кӯринмесин!*

Дапсен – [Dapsen] – туркий сӯз. 1. Шамол тегадиган, елвизак тепалик. *Дапсенге жай сал, жазилип вӧтирайиқ.* 2. Суғориладиган ер билан туташ сув чиқмас баландлик. *Айнаң ана дапсенге буғдай чачибеди, жавун жавмай буғдаям бӧмади.*

Дар қалув – [Dar qaluv] – туркий сӯз. Гап ёки ҳаракати билан кимгадир ёки нимагадир ўч бўлмоқ. *Байқуш хӧразға бугун мунча дар қалдиң, шӧ бейбахти вӯз ҳалиге қӧй!*

Дарбече – [Darbeche] – форсий сӯз. Дераза. *Дарбечени жавуп жатиңар, дайди пишек кирсе пишегимизге кун бермейди.*

Дарвешана, дарбишана – [Darveshana, darbishana] – форсий сӯз. Дарвешона. Ушбу маросим йилнинг оғир келиб, қишлоқда касаллик ва ўлим кўпайса, табиий офатлар юз берса аҳоли ўзаро келишган ҳолда масалликлар ёки пул йиғиб, аҳолига хуруж қилаётган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун қилинадиган тадбир. Бунда асосан буғдой келиларда туйилиб, ҳосил бўлган ёрмани қўй, ечки ёки мол гўштида билан қайнатилиб, тайёр бўлган суюқрок овқат билан илгари дастлаб дарвешларни тўйдириб, ундан сўнг етим-есир ва қишлоқ аҳлига тортилиб, уларнинг дуосини олишганлиги учун дарвешона дейилган. Ушбу маросим қишлоқ ҳудудларида айни пайтда ҳам мавжуд. *Қишлағеки дарвешанаға атағаниңди бер, деп кеселер,*

*кулраң саркени бериңер!*

Дардисер – [Dardiser] – форсий сўз. Бош оғриқ. *Қолидан қазан қайнатишам кемейди, булам бизге дардисер! Айнаңа дардисер бöп жатмай, чиғип чабиқ чап!*

Дареви – [Darevi] – форсий сўз. Эски, йиртиқ-ямоқ чопон. Илгари асосан ўроқ ўримида кийиладиган устки узун эски кийим. *Даревиңди кийда тағайиңниң буғдайини вöришқа ярдамлаш. Даревиңди ахтарип тийиштиң, бугун пада навбетиң шекилде!*

Дарезек – [Darezek] – форсий сўз. Узун кўрпача. *Дарезекти салиңар, еки атли шу яқа қарап келаятир, жавчилар шекилли.*

Дариди – [Daridi] – форсий сўз. Қорасини кўрсатди, келди. *Уч ай жöғалип сöң дариди.*

Даримаслиқ – [Darimasliq] – форсий сўз. Оёқ қўймаслик, гумдон бўлмоқ. *Куев бöмиш ертен-ахшам бизиң қишлахтан чихмағичеди, келинчегини узатиб кетгеннен кейин дар урмай қалди!*

Дасевўл – [Dasevo'l] – форсий сўз. Дастлабки, даставвал. *Дасевўл ҳўкимет кегенде бир вöрис уста келип кўприк қурип берибеди!*

Дасмал – [Dasmal] – форсий сўз. 1. Қўл артадиган латта, сочиқ. *Бирен дасмал бер, қöл суртейик!* 2. Дастурхон. *Дасмалди жаз, чечең авқат сасин жеңгер!*

Дасмая – [Dasmaya] – форсий сўз. Ишлаш учун керакли асбоблар, яшаш воситаси. *Ишлеп бöған бöсаңиз дўкан-дасмаяңизди қöқитип жайратмай жийип жаширип қöйиң, ҳали замат яна керек бöлади!*

Дастар – [Dastar] – форсий сўз. Салла.

*Катапам чалиға тўрт теңге берип айтқан екен:* - *Чал, базар барсаңиз:*

*Ай қизға айна, сулув қизға сурме,*

*Қараханға қалпақ, Тўреханға телпек,*

*Вўзиңизге дастар, кўрпемизге астар алиб қағанини қайтариб келиң!*

Даступек – [Dastupek] – форсий+туркий сўз. Қўл рўмолчаси. *Айнам ахшам куевлегенге вӧхшайди, кисесиден жаңа даступек чихти!*

Дасқал – [Dasqal] – туркий сўз. Бир ҳовлида ўсган икки ёки бир неча оғайиннинг тенгдош болалари. *Булар бир ҳавлиде дасқал бӧп вўсип, биревиниң кийимини биреви кийип кетебергичеди!*

Датиғана, даттиғана – [Datig'ana, dattig'ana] – туркий сўз. Яхшигина, истараси иссиқ. *Тағайиңниң қизиям датиғана қиз, шӧни келин қип қӧяйиқ!*

Датха – [Datkha] – туркий сўз. Бухоро амирлигида тўқсабо ва парвоначи унвонлари орасидаги ҳарбий унвон. Тахминан генерал-майор унвонига тенг. *Елдиң дадиға датхани жиберипти.*

Дах салув, дағ салув – [Dakh saluv, dag' saluv] – туркий сўз. Қўл урмоқ, белги (доғ) солмоқ. *Бу улбазардиң чалатаси келип мал бермесеем, чачиға дах сап берсееди, қағанини вўзимиз ағичек!*

Дағдаға – [Dag'dag'a] – арабча сўз. Шовқин, воҳима. *Вўзи бир қариш, дағдағаси тавдан ашади.*

Даҳана – [Dahana] – форсий сўз. Дарвоза, кириш жой, оғиз. *Даҳанеден Даңғарағачей жӧрға атти жӧрттирип кепти!*

Даш, дашт – [Dash, dasht] – форсий сўз. 1. Сувсиз қақраб ётган даштлик. *Синакӧстиң адағи ҳаммеси даш бӧп жатир.* 2. Дала. *Байқуш даште ишлеймен деп қарайип кетипти.* 3. Ташқарига чиқиб шамолламоқ, енгиллашмоқ. *Дашлеп келда,*

*жайиңа кириб жат!*

Даяв, дайав – [Dayav] – туркий сўз. Тетик, қувватли. *Кампир апай даявма?*

Дени савлиқ – [Deni savliq] – арабча+туркий сўз. Тан сиҳатлик. *Дени савлиқ-ерен байлиқ! (Дени савлиқ елдиң буюк байлиғи!)*

Дениң савма? – [Dening savma?] – арабча+туркий сўз. Танинг сиҳатми?

- *Баба, дениңиз савма, кўринмей қалдиңиз?*
- *Мениң денимку давамғидай, мамаңниң дени дарманимди қуритип жатир! Мамаңман тавға писте тергели барип, жугиргилеп терип тўрт қапча песе писте қибек, мамаң кесерткиден қорқип пистеден жиғилип майип болди. Мамаңди давалатаман деп терген пистемизге қошип ақ қошқаримдиям сатип жибердим.*

Депара – [Depara] – русча сўз. Ўтган асрнинг биринчи чорагидаги ҳудудий бирлик номи. *Қўрғонтепа депарасиниң Қабодиён беклиги, Қўрғонтепа беклиги.*

Десияр, десьяр – [Desiyar, desyar] – форсий сўз. Хизматкор, дастёр. *Еки жилдинг сиртиминан укегенелериң десияр боп, жамбашиңда ярдамчи боладилар. Вониң қоли узун, қишин-жазин ҳавлисиде десияр ишлетеди!*

Дим – [Dim] – туркий сўз. Мутлақо, тамоман, роса. *Ҳава дим иссиқ.*

Димиғув – [Dimig'uv] – туркий сўз. Нафаси қайтмоқ, ҳаво етишмаслик. *Тар уйдиң ичиде димиғип қалдиқ, кең ҳавлиге жай тайла, кампир! Каллеңди кўрпеге ворама, димиғип қаласан!*

Диңгиретув - [Dinggiretuv] – туркий сўз. Юмалатмоқ. *Той қилип, бир табақ аштиң теңи қимаған боса, менем барип қазанимди диңгиретип ап келемен!*

Диризи, дризи, тризи – [Dirizi, drizi, trizi] – туркий сўз. Ориқ, суяги чиқиб ётган мол. *Сениң шӧ диризи ечкиң еллик саманға кеткен бӧса, мениң мина ечкимниң вўлиги саксен саманға кетеди!*

Дириллев, дирдирев – [Dirillev, dirdirev] – туркий сўз. Дирилламоқ, совуқ қотмоқ. *Кампир жай сал, дириллейтиған вахтим бӧлатир, шу марте малериядан қутулсам, қизил хӧраз баш-кўзимнен садақа! Дириллемей, чапаниңди кийип чихсаң, бӧйма?!*

Диқилав – [Diqilav] – туркий сўз. Қитиқламоқ. *Укеңди диқилап кўп кулдирме, ахшам ухламай жилап чиғади!*

Диқиллав – [Diqillav] – туркий сўз. Тинмай меҳнат қилмоқ, тиниб-тинчимаслик. *Байқуш диқиллап, уй қилди, жай қилди, улларини вӧқитти, уйли қилди, қаригенде уллари қадриге жетмедилер!*

Дӧлап – [Dolap] – туркий сўз. Гавжум жой, сахий, саховатли.

*Гап гапирей дӧлаптан, журт каттеси Кӧлаптан.*

Дӧмбал - [Dombal] – туркий сўз. Чипқон. *Газедеги шайитке дӧмбал қип тайласаң дӧмбалдан қутиласан.*

Дӧхлав – [Dokhlav] – туркий сўз. Койимоқ, дўқ урмоқ. *Тӧйға барипсан деп, айнам дӧхлади.*

Дӧққи – [Doqqi] – туркий сўз. Нотекис йўл. *Машинди дӧққидан ҳайдама, дӧқиллатип вўртедиңку, е тушип қалайихма?*

Дӧғаби, дӧғаба – [Dog’abi, dog’aba] – форсий сўз. Чинни коса. *Дӧғабиңниң чалабиға чал тӧймаса, бӧзбала тӧяма?! Жигитлерге чалапти табақа ез!*

Дӧғдана, дўғдана – [Dog’dana, do’g’dana] – туркий+форсий сўз. Меваси дўланадан кичикроқ бўлиб, тоғларда ўсадиган ёввойи шифобахш дарахт. Унинг

шохчаларидан кичикроқ қилиб кесилиб, ёш болаларни кўз ва сухдан ҳимоялаш учун кийимларига, бешикка ёки уйнинг шифтига осиб қўйишади. *Дўғданадан кесип улиңниң бешигиниң дастесига байла, жаман кўзлерден асрайди! Зати сийирдиң бўйниға дўғдана байлабем, қайси кўз саппа, дўғдана жарилип кетипти!*

Дўғдырыш – [Dog'dirish] – туркий сўз. Ғадир-будур, текис эмас. *Жўллар дўғдириш екен, барғинча машинем қийналди, ичидегилерем кийналдилар.*

Дувайи-салем – [Duvayi-salem] – арабча сўз. Эсон-омонликни, саломни еткизмоқ. *Барсаң, катапаңа дувайи-салем айт, жездеңниң вўзи қана, десе, жездем жўлдашиман жили жерде жатир, ҳазир кегидей пули жўқ, пул жиберсең қарисе қайтади де!*

Дукарт – [Dukart] – форсий сўз. Соқол ва мўйловни текислаш учун мўлжалланган кичкина қайчи. *Дукартмен сақалтарахти бер кампир, сақалди текислеп синфдашларимман учрашувға барайин.*

Дукур – [Dukur] – немисча сўз. (Duker, яъни дюкер - ўтказмоқ). Насос ёрдамида сувнинг муайян цемент ҳовузда тўпланиб, напорли трубалар ёрдамида турли йўналишларга тақсимланадиган жой, сувни тўплаб тақсимлаш жойи, напорли гидроиншоот. *Насўсти жиргизиңер, дукурге сув тўлсин, паски қарталарға сув аламиз! Жаш балалар дукирде чўмилмасиннар! Катапаңди атиңа миңештирип дукиргечей апарсаң, вўяғиға такси кўп, чалиниң пенсия пулиға минип кетебереди. Дукирге тузув дарахам екмейдилер, табистанда ел саясида вўтирип дува қиса!*

Дулдул – [Duldul] – арабча сўз. 1. Чопқир от. *Дулдулди қараңа ағилда бахмай, улаққа сал!* 2. Умуман чарчамайдиган афсонавий чопқир от.

*Астиңдағи дулдулиң,*
*Қőйниңдағи булбулиң,*
*Ҳали ачилмай гулиң,*
*Жигит, сен davриңди сур!*

Думбез – [Dumbez] – туркий сўз. Ҳали пишмаган. *Думбез қавуннарди нимеге жулдиңар, яна бир ҳапта қőймадиңарма, яхшилап пишсе?!*

Думнез – [Dumnez] – туркий сўз. Мўътадил, таркибида иссиқлик ва совуқлик миқдори тенг бўлган егулик маҳсулотларига нисбатан ишлатилади. *Саркениң гўши думнез бőлади, чалатаңа қувурибам, қайнатибам жегизебер!*

Думбил – [Dumbil] – туркий сўз. 1. Пишиш арафасида. *Қаралиң енди думбил бőп, таъмге кираятир.* 2. Пишмаган, ҳали хомроқ бўлган жўхори. *Думбил териңер, қайнатип беремен. Маккейиң думбил бőпти, қőримасаңар, бачелер терип вőғирлап кетедилер!*

Думрев – [Dumrev] – форсий сўз. Анқов, ким қаерга борса эргашувчи. *Сениң шő думрев ашнаң кегинче, пиядалап тав ашамиз!*

Думға – [Dumg'a] – архаик сўз. Ёнғоқ. *Думға бизде яхши бőмайди, жайлавда кўп бőлади.*

Дурбаш – [Durbash] – форсий+туркий сўз. Боши дурдан бўлиб, соғ-омон юриши ва эли учун хизмат қилиб ардоқли бўлишига ишора. *Бу жигиттиң каллеси катте, чачиям қőйувғана екен, ати Дурбаш бőсин!*

Дуркун - [Durkun] – туркий сўз. Қади қоматли, гавдаси ўзига ярашган. *Шу қиз келин қилатиған дуркунгене қиз екен.*

Дурре - [Durre] – форсий сўз. Рўмол, ёки матодан қамчига ўхшатиб ўрилиб, қишнинг узун тунлари ёшлар йиғилишиб, бирор-бир ўйин ташкиллаштирилиб, (масалан,

подшо-вазир) ютқизган ўйинчини уриш учун ясалган асбоб. *Ана дармансизди дурремен тўбелегинче, буни басип тўбеле. Буни тӧхсан дурре урсаңам давуш чиғармайди, бул давдей.*

Дустемен – [Dustemen] – туркий сўз. Юзини пастга қаратиб ётиш. *Дустемен жатма, жаман туш кўресен! Дустемен жатип жилама, дастиғиң ҳўл бӧлади! Бизди чалқараман жатқизип, вўзиңиз дустемен жатип уйренип қапсиз, шекилде!*

Душманкўзи қилув – [Dushmanko'zi qiluv] – форсий+туркий сўз. Кўз-кўз қилмоқ, обруйини кўтармоқ. *Тӧйима мал қӧшмасаңам душманкўзи қилип қайнатаңниң бир қӧшқарини алип ҳавлиме апкеп байламадиңма, тӧй вўткеннен сӧң вўзим апарипқана бергичем!*

Дўлек – [Do'lek] – туркий сўз. Ғўлек отиш учун ёки бошқа мақсадлар учун лойдан қилинган кичкина юмалоқ шакл. *Дўлек тайярла, чимчиқ атамиз. Шейитке барип дўлек қип тайла, суелиң жӧғалади.*

Дўлте – [Do'lte] – туркий сўз. Бўрисимон, кўрган нарсасини инига ташувчи махлуқ, сиртлон. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достони (-Б. 193)да бу сўзни «дўлту» тарзида ишлатиб:

Макр ила саводи анбаролуд,
Дўлту тўшугига солибон дуд, - дейди.

*Дўлтеге вӧхшап ташиғаниңиз ташиған, бир кун иштен қури қайтқаниңгизди кўрмедикда!*

*Назиндай бар савлетиң, Дўлтеден бай давлетиң…*
*Мениң чалим дўлтеден бай бир банде,*
*Бир сирғаям апбермейди шарменде!*

Дўмелек – [Do'melek] – туркий сўз. Думалоқ, семиз. *Айнаң бӧзбалалиғида семизгене еди, чечелери Дўмелек деп ат қӧйибедилер!*

Дўмсек – [Do’msek] – туркий сўз. Тепалик, қиялик. *Дўнен дўмсекте жири, ҳайгип кетмесин!*

Дўң – [Do’ng] – туркий сўз. 1. Нисбатан пастроқ тепалик. *«Ҳар жили биринчи майда акем дўңиге чиғип, дўмбра чалип, паске-бизиң жўлимизға қарап вўтирғичеди. Берги сайдан машинниң давуши чиғаберсе, айнаңалар кетаятир деп улларини, қизларини, неберелерини чақирабергичеди. Қизилбулақа ҳар барғанда шў дўғе чихсам акемди кўргендей бўламан!»* (Отамнинг суҳбатларидан) 2. Кўтармоқ, баланд қилмоқ. *Неберем, радиеңниң давушини дўң қиғиниңки, қулағим авур!*

Дўңгек – [Do’nggek] – Кунда. *Ҳалеле дўңгек, базарда жанғақ.*

Дўңсе – [Do’ngse] – туркий сўз. Кичкина тепалик. *Нан пишириште жеңсе чўққа тийибеди, сувға батирасап аттабияр деп дўңсеге чиғип жайип қўйдим.*

Дўнен – [Do’nen] – мўғулча сўз. Тўрт яшар эркак от. *Дамердениң дўненини давем урмайди, дайим адирда!*

## Е

Еби жўқ – [Yebi joq] – туркий сўз. Уқуви йўқ, тажрибаси йўқ. *Қизиңниң жўрме тигишке еби жўғ екен, уйренсе вўзиге пайда!*

Ебий – [Yebiy] – туркий сўз. Иби, ажаб. *Ебий, қаймахти пишек жалап кетипти. Ебий, дўсима жавчи кепти.*

Егев – [Yegev] – туркий сўз. 1. Нарсаларни эговлаб қисқартиришга мўлжалланган хўжалик асбоби. *Егевмен егевлейберсең, пўлатам парчаланади.* 2. Қисқартириш маъносида. *Сенер мениң вўмримди егевледиңер!*

Егер – [Yeger] – туркий сўз. Отга минганда қулай ўтириб,

отни бошқаришга мўлжалланган ўриндиқ, эгар. *Аттан тушсеем, егерден тушмейди.*

Егерлев – [Yegerlev] – туркий сўз. Эгарламоқ. *Атти егерлейин, миңгешип атаңдикке барамиз!*

Егертув – [Yegertuv] – туркий сўз. Олиб юрмоқ, эргаштирмоқ. *Базардаям тӧйдаям ийтиңди егертип жиргениңе кўнибек, енди бу ергеем егертип келдиңме?!*

Егерчин – [Yegerchin] – туркий сўз. Эргашиб келган, отаси бошқа. *Егерчин улиям алем жахли бӧп қапти, ҳадемей мал-ҳалге жарап қалади!*

Егечи – [Yegechi] – туркий сўз. Бир онадан туғилган қизларнинг улканроғи ёшига ёки ёшларига нисбатан ишлатиладиган сўз, катта опа. А.Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асари (-Б. 115)да: Ва булар улуғни – «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар, - дейди. *Егечим ерге тийди, ешшеги маңа қалди.*

Езме – [Yezme] – туркий сўз. Кўп гапирувчи, эзма. *Кўп гапирсең, елге езме бӧласан, Кўп қидирсаң елге жезде бӧласан.*

Езув – [Yezuv] – туркий сўз. 1. Оғизнинг икки чети, лабнинг икки томондаги туташган жойи. *Сувлиқ аттиң езувини жара қипти. Езувлериңди тазала, авқат жеп, авзиңди суртмепсен.* 2. Бирор нарсани эзмоқ, суюқлаштирмоқ, аралаштирмоқ. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 377)да:

Бу базм аҳли нифоқидин ториқмиш кўнглум, эй соқий,
Эзиб беҳуш дору тут манга етганда давронинг, - дейди.

*Вӧсмани қӧлдиң аясиминан езсең, яхши езиледи.* 3. Гапни айлантирмоқ. *Гаптием езип, езмелеп гап бӧғанигаям пушайман қилдиң!*

Екев ара, учев ара – [Yekev ara, uchev ara] – туркий сўз.

Икки, уч киши жуфтлашиб бирор нарсани ўртага қуйиб бўлмоқ ёки тавақ, лаган атрофида бирлашиб овқатланмоқ. *Қошқар сойип, қудағийларға қувурмани екев ара тартти. Аштиң арқаси мол, екев ара-екев ара ала бериңизлер!*

Ел – [Yel] – туркий сўз. 1. Халқ, эл, қишлоқдош, қуни-қўшни.

*Елге берсең ашиңди,*
*Ерлер силар башиңди.*
*Ел жемесе ашиңди*
*Ийтлер талар лашиңди.*

*Елдиң атаси бомасаңам ағасисан, елге маслаҳат бер, тоғри жол кўрсет! Журтқа тулки, елге кулки бомасдан, сенем Рассияға бариб ишлеп келип вўзиңе уй сал, мениң иргеме қанча тиғиласан?! Есиңниң барида елиңди тани!* 2. Ватан, мамлакат. *Қуш кўлини сағинса, ер елини сағинар.*

Елет – [Yelet] – туркий сўз. Эл, элат. *Жирип –жирип елетиге қайтмаған жигит – жигитме?!*

Ели – [Yeli] – туркий сўз. 1. Уруғдошлари, элати. *Ҳамме вўзиниң елиге тайлатадида!* 2. Бир бармоқ энига тенг ўлчов бирлиги. *Яна уч қаришу тўрт ели беқасам боса, чапанниң жеңием питеди!*

Елликбаши – [Yellikbashi] – туркий сўз. Бухоро амирлигида эллик аскар ёки эллик кишининг бошлиғи, тахминан лейтенант ҳарбий унвонига тенг. *Елликбаши вонбашиларди жийип буйруқ берди.*

Елу-журт – [Yelu-jurt] – туркий сўз. Халқ, турфа кишилар истиқомат қилувчи макон. *Елу-журттиң ичиде шарменде қима, худайим!*

Елчилик – [Yelchilik] – туркий сўз. Кўпчилик, элчилик. *Енди ашна, малал бомайсан, елчилик, воғрисиям болади, тоғрисиям болади.*

Емгеклев – [Yemgeklev] – туркий сўз. Кўкрагини ерга тираб судралмоқ. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 228)да:

Ҳар замон кўздин ёшим эмгаклаган бир ёшдек,

Майл этар туфроққа, ваҳ, ўлтургуси бу эмгаким, - дейди.

*Ули емгеклегич бўпти, енди гирдиден кеталмайди.*

Емчекдеш – [Yemchekdesh] – туркий сўз. Бир онадан туғилган ака-ука, опа-сингиллар. *Сенерди емчекдеш ағайинниң баласи деп ким айтади?! Талашип емчек емишкен уллар, бугун ҳанги ешшекдей тебишсе, ел кулип, ешшек ҳаңрамайма?!*

Ен – [Yen] – туркий сўз. 1. Предмет ва нарсаларнинг кўндалангига нисбатан кенглиги, йўғонлиги, бир бармоқ ҳажми. *Тўй берип, қўй берген қудам бир ен жибини аяди. Чалиң қаригениге ениге қарап вўсип кетаятир.* 2. Чорва молларининг қулоғини кесиб, солинадиган белги.

*Шайкелди-я,Шайкелди,*

*Қўтан тўлип қўй келди.*

*Ен сағаниң сеники*

*Ен самағаниң меники.*

Еңгизув, ендирув – [Yenggizuv, endiruv] – туркий сўз. Тепароқдан пастликка эндирмоқ. *Малларди Жузейбулаққа еңизип, суғарип, сўң қайтадилар.*

Еңсе – [Yengse] – туркий сўз. Орқа кўкрак. *Чапанди еңсеңе тайлап чиқ, вўзиң жўтелип жатирсан.*

Ене – [Yene] – туркий сўз. Туққан онаси. *Ене, дува бериң, мен етектен пул ишлеп кеп Сизди ҳажге апараман!*

Енеғар – [Yeneg’ar] – туркий+форсий сўз. Ёмон сўкиш, онасининг оёғи бузуқ, ғар, маъносида. *Намарт, енеғар, жетмиш ечкимди жайлавға апарип, қирқ ечки қип қайтарди.*

Ениш – [Yenish] – туркий сўз. Пастлик, қиялик. *Машинди енриштен ендирип бер, вӧяғиға вўзим ҳайдайман.*

Еңкейув – [Yengkeyuv] – туркий сўз. Бошини пасайтирмоқ, энкаймоқ, таъзим қилмоқ.

*Енкейгенге енкейгин каллең жерге тийгинче,*

*Кеккейгенге кеккейгин, башиң кўкке жеткинче.*

Енчейин – [Yencheyin] – туркий сўз. Баъзан. *Енчейинде хӧши тутип, ағил куреп, ешшектиң жемигечей берип қалади, енчейинде судреп уйден чиғаралмайсан.*

Енчи – [Yenchi] – туркий сўз. Отанинг қиз ва ўғилдан туғилган невараларига молидан берадиган ҳисса, улуш. *Енчисиге егиз қӧзиниң сиңарини бер, бӧр тӧхлини берме, вӧни бӧрдақиға бағамиз! Хӧраз енчи бӧмайди, хӧразди ана тавуқларға енчи қил, кулге авнаб жирипти, савапларини аласан!*

Еплев – [Yeplev] – туркий сўз. Эпламоқ. *Еплеген тавди ендирсеем, ҳалали бӧсин!*

*Еплегени гўш жесин,*

*Қуйруқ, бавур, тўш жесин.*

Епли – [Yepli] – туркий сўз. Уқувли, ҳунари бор, эпли. *Шу қизиң еплигене, ишти қиса тазза қилади. Епли-епсиздиң барисини жийиб кепсең, булар саңа лай тепкилеп ағилман ашхана салалайма?!*

Ер – [Yer] – туркий сўз. 1. Аёлнинг умр йўлдоши, эри. *Ериңе айт, ертен еки ечкини егесиге тапширсин, бӧмаса башқача бӧлади!* 2. Еркак, мард, гапи ўткир, ботир. *Ерди ер қилатиғанам хатин, қара жер қилатиғанам хатин. Ер елини танимаса, етекте ермек бӧп жиребереди! ... Ер башиға иш тушсе, етигимен сув кечер.*

Ер жетув - [Yer jetuv] – туркий сўз. Бўзболанинг балоғатга етуви. *Улғанаң ер жетипти, бӧхчаңда бир*

*кийимнигем бахмалиң жӧқ, қизлариңа қӧшқабат кийгизмей, тӧғиз жийсаң жер жутама?!*

Ергенек – [Yergenek] – туркий сўз. Ўтовнинг эшиги. *Ергенекти жавуп қӧй, табахта қувурилған гўш бар, ийисини алип ийт кирмесин!*

Еревленув – [Yerevlenuv] – туркий сўз. Алаҳсирамоқ. *Гўдек қизип кетип еревленеятир, махсум бабасини чақир, бир-еки ушкирсин!*

Ерен – [Yeren] – туркий сўз. Қадимги туркий тилда эр бирликда эран кўпликда қўлланилиб, эл тушунчасига синоним сифатида ҳам ишлатилган. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 105)да ҳам учрайди. А.Навоий «Назмул-жавоҳир» асари (-Б. 22)да:

Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар бил,
Алқисса эранларга адаб зевар бил,, - дейди.

*Дени савлиқ – ерен байлиқ (элнинг бойлиги)!*

Еринчек – [Yerinchek] – туркий сўз. Ишёқмас, дангаса, ялқов, эринчоқ. *Бу еринчек ахшами уйхуни урип, таң атқанда туриң десем, кўрпени башиға тартип, мени қашиға тартади.*

Ериш – [Yerish] - туркий сўз. Тўқиладиган нарсаларнинг асосий устки қисми. *Вӧ жибеклериң арқав тугул еришигеем жетмейди.*

Ерке – [Yerke] – туркий сўз. Ўзидан катталарни орқа қилип, ишламайдиган бола. *Кенже ул ерке бӧлади, саркеге сув бер десем, сув бергиси кемейди.*

Ермек – [Yermek] – туркий сўз. 1. Вақтни ўтказиш учун бирор нарса билан банд бўлиш. *Бекар вӧтирмай, гўш пишкинче пистени ермек қип вӧтириңар! Пешкениң кўтиде пахтани ермек қип чигитлеп вӧтираман.* 2. Масқара қилув,

мазах қилув. *Кундузи кун мени ермек қиласиз, ахшами вўзиңизди ермек қилатиған адам жөқ, бир ухласаңиз вөятқинча кўкейим қурийди!*

Ертели-кеч – [Yerteli-kech] – туркий сўз. Эртами-кечми, барибир. *Қуймағи вўткен, ертели-кеч вўзиники, қөй гаплешеберсиннер. Ертели-кеч бересен, бер бератиғаниңди, менем таредимди кўрей!*

Ерув – [Yeruv] – туркий сўз. 1. Муайян нарсанинг иссиқда эриши. *Қар еригенде қөйлар қөзиласа қийналмаймиз. Жиениңе жав еритип жалатсаң жўтели жөғалади. Жатип жав жаламай, турип тав айналсаң төрбаң төлади.*

2. Қилинган хизмат ва яхшиликка жавобан зиёфат бермоқ. *Ерисең тузув ери, еки шише арағам еришме?!*

Еси енув – [Yesi yenuv] – туркий сўз. Ақлга кирмоқ, улғаймоқ. *Ҳали еси енсе, яхши ул бөлади!*

Еснев – [Yesnev] – туркий сўз. Эснамоқ. А.Навоий “Хазойинул-маоний” асари (-Б. 148) да:Неча оҳ урсам бўлур куздин бағир хуноби фош,

Эснамак бу эрса, кўзда не ажаб ул навъ ёш, - дейди.

*Кирне кўтеремен деп, есней-есней есим кетти.*

*«Еснеген екев екен, есиз мениң хатиним!»*

Етек – [Yetek] – туркий сўз. 1. Кўйлакнинг пастки қисми. *Неберең жаңа кўйлек кийипти, етегини төлдирип пайғөзи бер, кампир!* 2. Олис, ўзга юрт. *Айнам етектен есен-аман кесе, еки қөшқар садақа!*

*Сандиғимда жўмелек,*
*Қазанимда сумелек.*
*Енем аврудим дейди*
*Мен етекте бедарек.*

Етене – [Yetene] – туркий сўз. Тиришқоқ. *Вўзиң майда*

*бӧсаңам етене екенсен, еки гектар ғаллани бир кунде вӧрипсан, мен тӧққиз гектарди вӧн тӧққиз кун дегенде вӧрип бӧлдим.*

Ети тириң – [Yeti tiring] – туркий сӯз. Ғайратли, чаққон. *Шу бӧзбаланиң ети тириң екен, тарбиелеш керек!*

Етпетлев – [Yetpetlev] – туркий сӯз. Суринмоқ. *Жугирип келаятип етпетлеп тӧмақан ашип кетти.*

Ечки-улақ – [Yechki-ulaq] – туркий сӯз. 1. Эчки-улоқ, ёшларига қараб ҳар қайсисининг ӯз номи бор. Масалан: олти ойлик эркаги – шишек, урғочиси – чибич, бир ёшдан ошса эркаги – таке, чари, панжи; ахтаси – сарке, урғочиси бари ечки дейилади. *Ечки-улағи алле саксен, алле тӧхсан. Ечки кӯрсе қӧй деген, Худайини тӧй деген, вӧсал бул!* 2. Кӯчма маънода ёш болаларга ярим ҳазил-ярим чин: *Пешанамда вӧтирип ечки-улағиңди жайлавда жайғандай жаймай, жиртиғиңди жаматтмайсама?!*

Еш – [Yesh] – туркий сӯз. Ҳомила йӯлдоши. *Еши туштиме?*

Ешик илув – [Yeshik iluv] – туркий сӯз. Асосан, янги тушган келинлар эрининг яқин қариндошларининг уйига биринчи марта меҳмонга борганда уйга киришдан олдин, эшигига илинадиган сарпо. *Бийкеңниң уйиге ешигилувсиз қайтип киресен, ериңе айт, ешигилув апкесин, сӧң қидириңар!*

Ешик-чалпинчақ – [Yeshik-chalpinchaq] – туркий сӯз. Ӯтов эшигига осиладиган парда. *Чалпинчақти асмасаңар, ешик ачилди дегинче изғирин вӯзини ичкериге уради.*

Ешшек – [Yeshshek] – туркий сӯз. 1. Отдан бӯйи паст бӯлган ишчи ҳайвон. *Эшшектиң тӧрбасини тӧлдириб жем сама нӧхуна бӧлади. Ешшегим егиз тувса бир хӯтиги сеники. Ешшектин кучи ҳалал, ети ҳаррам!* 2. Масхара қилмоқ,

устидан кулмоқ. *Ҳаңги ешшеке вўхшап ҳаңирама. Ешшеке етик апберсемем, еркеленеди. Ешшекеем сақичма?! Ешшектей бўп жатмай жўғалип жўнғишқани вўр!* 2. Дўмбиранинг зийларини кўтариб турувчи ёғоч (тиек). *Дўмбирама бир ешшек жўнип бермесенг, алдинғи ешшектиң бели жаман жиңишке еди, синип кетти.*

Ешшек жеми – [Yeshshek jemi] – туркий сўз. 1. Эшакка бериладиган ем. *Ешшеке жем бермесең авур ишке жарамайди.* 2. Одамларнинг танасига қичитиб чиқадиган тери касаллиги. *Ешшек жеми чиққан бўса, тақияңа жем ап ешшеке бер, еми шўл.*

Ешшек жўл – [Yeshshek jol] – туркий сўз. Ёлғизоёқ йўл. *Машин жўлди кесип, шу ешшек жўлман тўғри кетеберсеңиз Қўшқарбулақа жетесиз!*

Ешшек улақ – [Yeshshek ulaq] – туркий сўз. Йигитчаларнинг эшшак минип улоқ, яъни кўпкари ўйнашлари. *Ешшектей бўп етигиңди улақ қип ешшек улақ чапқинча, улсан улдай бўп улақ сўйип ат минип улақ чап, бирев айтсин барекелле!*

## Ж

Жабағи – [Jabag'i] – туркий сўз. 1. Қирчанғи от, кеч туғилган бўйи пастроқ от. *Жабағи атиңди жўрттирип жиргиниңче, енеңниң ечкисини бахсаң, шўл пайда.* 2. Ҳаммага эргашиб юрувчи бола. *Бу жабағи енесиге иргешип жаман уйренген.*

Жабдиқ – [Jabdiq] – туркий сўз. Отни пашшадан ва совуқдан сақлаш учун ёпиладиган ёпинчиқ. *Аттиң жабдиғини жаппасаң, сийирчибин кўбейипти, талап тайлайди!*

Жабишув – [Jabishuv] – туркий сўз. Бирикмоқ, ёпишмоқ, елимланмоқ. *Желимге жатипсан, жавурниҷа желим жабишипти. Жаврасаҷиз, жамбашима жақиннашип, жигиттей жанашип жанима жабишип жатиҷ жилийсиз.*

Жабы, ябу – [Jabi, yabu] – туркий сўз. От тури. Йирик бўлмаган, юк ташувчи тиғиз ва кучли от. *Лақайи атлар жабы ат, 180 кила жук минен суткелеп жиреди.*

Жабув – [Jabuv] – туркий сўз. 1. Қишнинг аёзли кунларида уй ҳайвонларига совуқ таъсир қилмаслиги учун махсус ёпиб қўйиладиган ёпинғич. *Аттиҷ жабувини жаппасаҷ, асман аяз, жаврайди.* 2. Бекитмоқ, ёпмоқ. *Ешикти жап, енеҷ кўрмесин.* 3. Сийламоқ, сарпайламоқ. *Қудаси небересиниҷ чачиға дағ сап тай енчи берибеди, қудасиға чиразланған чирайли беқасам тӧн жапти.* 4. Жараённи ёпмоқ, ҳаракатни тўхтатмоқ. *Райис майлисти жабиштан алдин мени махтади. Сувдиҷ алдини жавуп шалиға бур!* 5. Уялмаслик, обру-эътиборини сақлаб қолиш. *Уятли мейманнар еди, жавдиҷ ичиге жашириб қӧйған тўрт туйур гўш абийиримиди жапти.*

Жав-жавлав - [Jav-javlav] – туркий сўз. 1. Тилёғламалик, хушомадгўйлик қилиш. *Қудағийиҷ келинини туширип ағинча жав-жавлағичеди, енди тумшуғи кўтерилип қапти.* 2. Гуржи кучукнинг вовиллаши. *Мына кучугиҷди жав-жавлатмай бир суек тавуп тайла, давуши вўчсин.*

Жава – [Java] – туркий, архаик сўз. Паншаха. *Қӧйдиҷ сийрағини жаваға тиғип куйдир.*

Жавдираш – [Javdirash] – туркий сўз. Бир нарсани сўрамоқчи бўлгандек, илтижоли қарамоқ. *Кўзлериҷди жавдиратмай барини жеҷгер, жӧғини ертен жӧнамиз!*

Жавзек – [Javzek] – туркий, архаик сўз. Кичик арикча. *Ҳаятаҷди сувғарғали минерден бир жавзек амасаҷ,*

*сувғаралмайсан.*

Жавлама – [Javlama] – туркий сўз. Ёғлиқ, аҳори учмаган. *Аяқ жавлама екен барип жувип кел! Жаңа хатин жавлама, кўне хатин қаплама!*

Жаврав – [Javrav] – туркий сўз. 1. Жағини чарчатип, кўп гапирмоқ. *Кўп жаврамай жаламани жала, сувип қалади. Қудағийди қизи қиздирди шекилли, жаврап-жаврап жўғалди. Сийирди савуңар деп, жаврай-жаврай есим кетти, намашам бўлди, енди сийирдиң сутини учиндирип қачан савасаңар, ҳе башлариңнан қасин шў киналериң!* 2. Совуқда қотмоқ, дирилламоқ. *Жийрен атти қарайман деп, жаврадиң балам!*

Жавуз – [Javuz] – туркий сўз. Қўриқ ер. *Айнаң жавузға жай салди, сув чиғарғинича еси кетеди!*

Жавун – [Javun] – туркий сўз. Ёмғир. *Жалтиркапеде жавун жавуп жатир, жуншалиңди жамилип жир! Жавунди жав-жав десең жавмайди, жавма десең, жавади. Қишлақа жавун жавса, жайлавға қар жавади!*

*Жаз жавуни жамбашдан вўтеди,*
*Қиш жавуни уст-башдан вўтеди.*
*Ҳаптасиға бир базар,*
*Вўниям жавун-қар бузар.*

Жавур – [Javur] – туркий сўз. Бирор нарсанинг, асосан егарнинг ёки тўқимнинг ботиб кетишидан ишчи ҳайвоннинг баданида пайдо бўлган яра. *Жилқиниң тўшиге тўшайил батипти шекилде, жавур бўпти.*

Жавурни – [Javurni] – туркий сўз. Тананинг бўйиндан ёмбош суяккача бўлган оралиғи, икки елка оралиғидаги орқа қисм. *Жавурниңди жавласаң тамири жазилади! Еркектиң жавурниға жабишқақ желим жабиштирсаң, жўғари-қуйи жўрғалап жўғалмай жамбашиңда айналиб жиребереди!*

*Жавурниси қара тахта ешикдей,*
*Қарни чайла, тамақ тöймас – тешикдей.*

Жавчи – [Javchi] – туркий сўз. Йигит томондан қизга келган совчи, куёв томондан қиз томонга юборилган элчи, хабарлар элтувчи вакил. Савчи сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк» асари (Т.3. – Б. 169)да ҳам учраб, сав сўзининг беш хил маънога эга эканлиги, жумладан унинг бир маъноси келин ва куёвлар орасида бир-бирига хат-хабарлар етказувчи сифатида талқин этилган. *Елчиминен жавчиға вўлим жöқ! Жавчи кеген уйге париштелер қöнади! Сениң жабириңнен жöлдан ешшекли чалларам вўталмайди, қайсини кўрсең бизикиге жавчи келаятир деп жамаага жар сап чиғасан. Чидасаң, жавчиям келеди, тöям келеди, қöям келеди, тўшегем келеди, арқасидан машин-машин вўшегем келеди!*

Жавчилиқ – [Javchiliq] – туркий сўз. Совчилик қилмоқ. *Жавчилиғам қип кўрдим, мениң қöлимнан жавчилиқ кемейди екен.*

Жавқур – [Javqur] – туркий сўз. Жасур, баҳодир. *Журтти қизиллар басқанда жавқур жигитлер қöлиға қурал алип майданға чихтилар.*

Жавған шöрпа – [Javg'an shorpa] – туркий сўз. Ёғини камроқ солиб қайнатилган шўрва. *Жашмич бар жайда жавған шöрпаға ким қöйипти!*

Жавғашин – [Javg'ashin] – туркий сўз. 1. Лола гулининг томир-пиёзи. *Тавда жавғашин териб жедик. Қöйдиң гўши қöрғашин, сийирдики жавғашин!* 2. Қизғалдоқ гул. *Бетлерден жавғашин териңер, тавдан савғат бöлади.*

Жавҳарек – [Javharek] – Чумчуқнинг бир тури. *Лайди дўлек қип, ғулекмен жавҳарек аттим.*

Жади – [Jadi] – форсий сўз. 1. Иссиқлик қилиб едирмоқ.

*Байқушга жади тушип бахти ачилмай жатир.* 2. Ўт турайдиган мослама. *Мина макейилерди, жадида турап малларға самасаң, яхши жемейдилер.*

Жадид – [Jadid] – арабча сўз. Ўтган асрнинг 30-йилларида европача кийиниб, янгича мактабларда ишлаган ўқитувчилар. *Жадид айнам атли Қизилмазарға барип дарс берип кегичеди!*

Жадирав – [Jadirav] – туркий сўз. Очилиб, ярқираб. *Аттап жадирап чиққанда ағилларда куреп тайла, балам.*

Жадиратув – [Jadiratuv] – туркий сўз. Ярқиратмоқ, чиройли қилмоқ. *Келинчек аттапқа курпечелерини жайип қишлақти жадиратип тайлапти.*

Жазилишув – [Jazilishuv] – туркий сўз. Ўзаро очилишиб, яйраб-кулиб ўтирмоқ. *Бемалал, вўз уйлериңиздей жазилишип вўтирабериңизлер!*

Жазилув – [Jaziluv] – туркий сўз. 1. Қоғозга ёзилмоқ. *Рўйхатқа жазилсаң жав аласан.*2. Касалдан тузалмоқ. *Касел бўлдим деп кўп вўйланма, жазилип кетесен жиен! Биламиқ ичсең, башиң жазилади балам!* 3. Бўшанмоқ, енгиллашмоқ. *Жазилғиң кесе, жўлда вўтирмай панаға вўт!*

Жай – [Jay] – форсий сўз. 1. Том, иморат, уй. *Тўрт ханали қип жаңа жай самасаң, келинди қайси уйге туширемиз?!* 2. Ўрин, макон, ҳудуд. *Бу жайлар бизиң уруғлардиң жайи, ата-бабамиздиң киндигиниң қани шу қишлақа тамған.*

Жайдақ – [Jaydaq] – туркий сўз. 1. Егарсиз, тўқимсиз, яланғоч. *Жайдақ жўрғаға минип қараңада қаерге жўнедиң?* 2. Уйланмаган, боши очиқ. *Жайдақ жирип жўғари-қуйи жўртмастан, сенем Рассияда ишлеп келип, уйленсең бўмайма?!*

Жайилма – [Jayilma] – туркий сўз. Дарёнинг сув ёйилиб оқадиган жойи. *Жайилмадан кечиб вўтсеңер сув жиғитип*

*кетмейди.*

Жайилув, жайув – [Jayiluv, jayuv] – туркий сўз. 1. Кенг қулоч отди, ҳамма эшитди. *Бу гап алти авулға жайилип бўлди. Ешиткениң жайида қасин, елге жайма!* 2. Ювилган кирни торга осмоқ. *Жимпириңди жувип жайсаң жай, жаймасаң жамилип жат.* 3. Кенгликда молларнинг ўтлаши. *Жайилиб жирген малլариңа қараб, қўшатарди вўхлап жир, жайлавда жандар кўп! Жўмелегиңди жаширмай жайиб жирсең жарашади!*

Жайлав – [Jaylav] – туркий сўз. Чорва-молларнинг ёзги ўтлоғи. *Жайлавда жандар кўп бўлади, қўшавузиңди ал. «Жайлавда жар уй екен,*

*Вўз яриңди суй екен».*

2. Бирор нарсани жойламоқ. *Пулди яхшилап жайла, жўлда қарахчи кўп.*

Жайлавчай – [Jaylavchay] – туркий сўз. Тоғ ўтлари, асосан кийикўти ва бўтакўз ўсимликларидан дамланиб тайёрланган чой. *Кампир, бир жайлавчай дамле, раҳат қип ичейик!*

Жайма – [Jayma] – туркий, архаик сўз. Юпқа кўрпа. *Жаймани жамилиб жат, таңатарда сувуқ бўлади.*

Жайнав – [Jaynav] – туркий сўз. Яйрамоқ. *Арпа берсең атқа бер,*

*Дукур-дукур чайнасин.*

*Қизди берсең, жашқа бер*

*Қизғалдахтай жайнасин.*

*Кулге чавдеш қўйдилар, қайнамасин дедилер,*

*Мени чалға бердилер, жайнамасин дедилер.*

Жайнатув – [Jaynatuv] – туркий сўз. Яйратув. *Ҳе, атаң саңа кўйлек ап кеп, тазза жайнатипти-ку!*

Жайрав – [Jayrav] – туркий сўз. 1. Яйрамоқ, кўнглини

ёзмоқ. *Тӧйда таҭ атқинча ухламай хишлариҭман жайрап гуруҭнештиҭер.* 2. Ўлмоқ, қирилмоқ. *Катеке тулки кирип тавухларди жайратип тайлапти. Қӧшавузди вӧхлап жат, қӧшқа жандар аралап қӧйларди жайратип тайламасин тағин.* 3. Йиғиштирилмаган, тартибга солинмаган, қўқиб ётмоқ. *Тушкечей тўшеги жийилмай жайраб жатир. Қӧйдиҭ тутилген жунини қӧқитип жайратмай жиймайсама?!*

Жайран – [Jayran] – туркий сўз. Тоғ эчкининг бир тури. *Бу таўларда жайран жӧқ, жайраннар алислап кеткен!*

Жайқар – [Jayqar] – туркий сўз. Чеҳраси очиқ, гурунглашишга мойил, бегонасиратмасдан ҳаммага талпинадиган ёш бола, чақалоқ. *Улиҭ жайқар, ҳанқиллап ҳаммеге тайлатип, амағаннариға қӧймайди.*

Жал – [Jal] – туркий сўз. 1. От, эшак, хачир ва йўлбарсларнинг бўйнининг устки томонида, яъни бош ва елкаси оралиғида ўсиб чиққан қўйиув қиллар. *Аттан жиғилсаҭ жалини тўшейди, ешектен жиғилсаҭ туяғини тўшейди.* 2. Ором олиш, роҳат, суянчиқ бўлиш. *Қараҭада Қирмадан қайтқиниҭча жаним жал таппади, балам. Бу тирбизегиҭ жигит бӧлип жанима жал бӧғинча хӧш вўмир!*

Жала – [Jala] – форсий сўз. 1. Жала, дўл ёғмоқ. *Жала жавсаям жеткиниҭ, жавмасаям жеткиниҭки, жандар сурувди қийратади!* 2. Яламоқ. *Табақ жалағанниҭ жайи пейиште! Жеп тӧймаған жалап тӧяма?! Қуртабаға тӧймасаҭ, жатиб табахти жала!*

Жалаб-жухлап – [Jalab-jukhlap] – туркий сўз. Ялаб-тозаламоқ. *Жесеҭ жалаб-жухлап же, жемесеҭ жаманнан жарти авуз қалди, қима!*

Жалама – [Jalama] – туркий сўз. 1. Гуручдан тайёрланиб, қўлни ялаб ейиладиган овқат, шавла. *Чече, жалама қисаҭиз жарти нан бар, нанимиз жетеди. Қудағийғаям жалама*

*қўяма, қудағийға қувурма қўяди.* 2. Бирор нарсани ялаш мумкин эмас, деган маънода. *Қалампир ушладиң, қўлиңди жалама, жилаб вўртейсен.*

Жалаң – [Jalang] – туркий сўз. Очиқ, ҳеч нарсасиз. 1. Жалаңаяқ – ялангоёқ. *Жалаңаяқ жирме, табаниң тешиледи!* 2. Жалаңбаш – бошяланг. *Ташкентте жалаңбаш намаз вўқисаңам, қишлахта вўқиялмайсан!* 3. Жалаңқия – ҳеч нарса ўсмайдиган қиялик, тепалик. *Жалаңқия тўбеде жамбашлап жатқинча, пичи писте терсең, савғат қиласан!*

Жалаңач – [Jalangach] – туркий сўз.  Кийимсиз, яланғоч. *Қуйруқ жавди симирип қишда жалаңач жирсеңем, дав урмайди!*

Жалаңашлав – [Jalangashlav] – туркий сўз.  Ечинмоқ, ечинтирмоқ, бирор нарсани қоплаб турган қопламани юлиб олмоқ. *Устиңди жалаңашлама, жаврайсан! Жузимди кўп жалаңашлама, қурийди! Табистанда қўйларди жалаңашлап, вўхшатипсан!*

Жалаңлав – [Jalanglav] – туркий сўз.  Тез ҳаракат қилмоқ (салбий маънога яқин). *Қарни ач екен, ана мына дегинче, жалаңлап табахти жалаб-жухлап қўйди, биз қўлимизди суртип, авзумиз ачилип қалаберди!*

Жалаңтўш – [Jalangto'sh] – туркий сўз.  Кўнгли очиқ одам. *Жездеңем бўса, шундай жалаңтўш бўса!*

Жалаңқия – [Jalangqiya] – туркий сўз.  Ҳеч нарса ўсмайдиган тошли қиялик. *Байталлариң жалаңқия тўбениң адағидағи сайда вўтлап жирипти.*

Жалақ – [Jalaq] – туркий сўз. Итга овқат солинадиган идиш. *Ийттиң жалағиға жашмич сабем, жемепти, шуни айтадида ийтке сари жав жахмас, деп!*

Жалбиратув – [Jalbiratuv] – туркий сўз.  Йиртилип, осилип турмоқ. *Жандеңди жалбиратип жайралардиң*

*башини жеп капеден қайттиңма?*

Жалендер – [Jalender] – туркий сўз. Алдамчи, ўз манфаати йўлида устаси фаранг, қассами. *Жӧлдашиң жалендер бӧса узақа бармайсан! Жалендерге жӧлдаш бӧсаң абийириңнан айрилип, аштан вўлесен, қалендерге қурдаш бӧсаң байип кетмесеңем, абийириң пайдаңа қалади!*

Жалинув – [Jalinuv] – туркий сўз. Тавба-тазарру қилмоқ, ялинмоқ. *Жаманға жалинғинча жатип жаниңди қарма!*

Жалланув – [Jallanuv] – туркий сўз. Фойда қилмоқ, наф кўрмоқ. *Пахтаниң жайиға буғдай егилип райисем жалланип қалди!*

Жалмав – [Jalmav] – туркий сўз. Егуликларни оғзига солиб, тил ва тишлар ёрдамида чайнаш. *Касел ийнектиң иштаҳаси ачилди шекилли, сабанди жалмайберди. Вӧларман ҳазиллешме, вӧлар вӧнча-мунчани жалмамай жутатиғаннардан.*

Жалмавуз – [Jalmavuz] – туркий сўз. Эртакларда учрайдиган олдидан чиққан нарсасини ямлаб ютадиган очкўз, ялмоғиз. *Жалмавузға вӧхшап жалмамай жута берме, авқат қазанда кўп!*

Жалмаңлав – [Jalmanglav] – туркий сўз. Атрофдаги нарсани иширiб-йиғиб ўзиники қилмоқ. *Жалмаңлап жўегимниң бир тарефиниң пахтасини терип кетипти! Ел жийилғинча дастархандағи бар нерсени жалмаңлап жутмай, сал чидасаңар бӧйма?!*

Жалпайтув – [Jalpaytuv] – туркий сўз. Оғир нарса билан уриб, ёки устига чиқиб текисламоқ, ялпайтмоқ. *Бу темир қалин екен, устаханаға апарсаң уриб-жалпайтип береди. Устиден бассаң жалпаяди, астидан кўтерип қӧйсаң кўпшийди, пахта деген шундейин нерсе!*

Жалпаңлав – [Jalpanglav] – туркий сўз. Бегонасиратиб,

нимадандир ҳадиксираб қарамоқ. *Мейманбаччениң кўзини жалпаңлатмай, вёяқ-буяқа егертиңер!*

Жалтаңлав – [Jaltanglav] – туркий сўз. Тез-тез қарамоқ, алангламоқ. *Алдиңа қара, жалтаңлама, жалтаңласаң сеннен гумансирайдилар.*

Жалт-жулт – [Jalt-jult] – туркий сўз. Ялт-юлт. *Тилла тишлериңди жалт-жулт еткизип махтанмай, камрек кулсең, бёмайма?! Уйге кирип даррев таниди шекилли, бетиме жалт етип қаради.*

Жалтир – [Jaltir] – туркий сўз. Ялтираган, тап-тақир. *Ана жалтирбашти жёғат, кечкечей иши ухлаш.*

Жалтирав, жилтиллав – [Jaltirav, jaltillav] – туркий сўз. Ялт-ялт этмоқ, ялтираб ётмоқ. *Жалтиркапениң жёлида бир жуван жилан жилтиллап жатир.*

Жалтирбаш – [Jaltirbash] – туркий сўз. Тепакал киши. *Жалтирбаш жездең кисесини кавлегинче кун туш бёлади!*

Жалчув – [Jalchuv] – туркий сўз. Ялчимоқ. *Бу дунйе шундейин дунйе: бирев хатинға жалчимайди, бирев атқа жалчимайди, биревдиң қарни бир авуз нанға жалчимайди. Вёл бир бесайип сағире еди, байдиң қизини алип, байқуштиң жаңа қарни нанға, кисеси пулға жалчиди.*

Жалқав – [Jalqav] – туркий сўз. Дангаса, ялқов. *Жалқавлиқ қимай ишке жабишсаң, жалли-жалли жейсен, жабишмасаң ийттей бёп ач жатабересен!*

Жалқи – [Jalqi] – туркий сўз. Эгиз эмас, битта, тоқ. *Жилда егиз тувғич ечким, бу йил жалқи тувипти. Жалқи сийирдиң сути бёлама, гўдеклерден артмайди. Жалқи жилқи қанча жуйрик бёсаям, барибир жалқи!* (Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқсаям, донғи чиқмас).

Жалғав – [Jalg'av] – туркий сўз. 1. Калта ёки узилган бирор нарсанинг учларини туташтириб боғлаш. *Еки*

*арғамчини байлада, ақ байталди арқанна!* 2. Мазмун жиҳатидан бир-бирига боғлаш, туташтириш. *Гай вўй дейсен, гай бий дейсен, габиңди бир-бириге жалғаб гапир!*

Жалғама – [Jalg'ama] – туркий сўз. 1. Уланган нарса. *Сениң бу жалғама жибиң арқанға жарайма?!* 2. Тўғридан-тўғри эмас, бирор киши воситасида айтилган гап ёки бажарилган иш. *Жалғама чақирувға кемейдилер, қишлахтан адам барип чақирған маъқул!*

Жалғаш – [Jalg'ash] – туркий сўз. Эркак кишининг исми. Асосан олдинги фарзанди турмаган аёллар кейинги туғилган ўғил болага умри узун бўлиб, ҳаётга боғланиб, туташип кетсин деган ниятда қўйилади. *Уйде жатқиниңча Жалғаш айнаңа қўшилип Бағарадан жер ап тарбиз қисаң, қўтаниң қўйға тўлғичеди!*

Жалғашув – [Jalg'ashuv] – туркий сўз. Аралашув, қўшилув. *Адирға чиғип мал қилип мали малға жалғашип кетти.*

Жалғиз – [Jalg'iz] – туркий сўз. Якка, ёлғиз. *Жалғиз атқа жем қайғи!*

Жамав – [Jamav] – туркий сўз. 1. Йиртилган, ўйилган ёки тешилган нарсанинг устига қўшимча мато тикиш. *Қурбан намазда жамавли чапан кийипсен, уйге жеткинче жамавиңди жашириp жир!*

Жамалув – [Jamaluv] – туркий сўз. Қўшилмоқ, кўпаймоқ. *Сен апкесең қўш таке, айнаң апкесе қўш сарке, дўс-душманниң ичиде инилериңниң қўтаниниң жиртиғи жамалип қалади, балам! Жарға ж-а-а-р десең, давушиң жар бўйи жамалади.*

Жаман атли – [Jaman atli] – туркий сўз. Обруйини тўкмоқ, ёмон отлиқ. *Жамаҳаге жар салип мени жаман атли қимай, кеген буғдайдиң ярмисини елге бер!*

Жаман бўлув – [Jaman boluv] – туркий сўз. Урф-одатга, одобга, мусулмончиликка тўғри келмаслик. *Нанди исирип қима, жаман болади! Қиблаға аяғ узатма, жаман болади!*

Жаманлав – [Jamanlav] – туркий сўз. Бир ёки бир неча киши ҳақида салбий фикр билдирув. *Жаманласа жаманлайберсин, гунайим тўгиледи!*

Жамбаш – [Jambash] – туркий сўз. Ён, ёнбош. *Жаманниң жамбашидан вўтсең, жукли бўлдим беп жағаңнан ушлайди, вўни, е алип қутуласан, е вўлип қутуласан, е бар дунйеңди қўйниға салип қутуласан!*

Жамбашлав – [Jambashlav] – туркий сўз. Ёнбошлаб ётмоқ. *Жартинўхатқа вўхшап жамбашлап жатқиниңизча, салқинда сийирларди сувғарип, исихта ичкериде айран ичип, жамбашлайсизма, жатасизма, е билеме гап қатасизма, жарашқичеди!*

Жамбиз – [Jambiz] – туркий сўз. Тақим, тиззанинг букиладиган жойи. *Кампир, жай самасаң, жамбизиңнан вўйиб аламан, вай-вайлап вўтирип қаласан!*

*Куеви куевлеп кеткеннен кейин қиз енесиге:* - *Енежаним жанбизим,* -*десе, енеси:* - *Ниме дейсен, жан қизим….*

Жамилдирув – [Jamildiruv] – туркий сўз. Ўрантирмоқ, ёпинтирмоқ. *Келинчеке майда милайим мамиш вўрамал жамилтириңар, катте жуншаллар мўдадан қаған!*

Жамилув – [Jamiluv] – туркий сўз. Устига бирор нарса ёпмоқ, ёпинмоқ, ўранмоқ, бурканмоқ. *Жуншалди жамилсаң жамил, жамилмасаң жўғалип жарти гардини жамил! Вўрамалиңа вўранмастан кўрпени жамилип жатмасаң, жаврайсан. Жегдеңди башиңа жамилмасаң, матасеклдиң арқасида чаңға батип қаласан.*

Жан – [Jan] – форсий сўз. 1. Инсонни, жумладан тирик жонзотларни ҳаракатга келтирувчи вужуддаги руҳ. *Жаниң*

*чиққинча тилден калимең тушмесин!* 2. Юракнинг уриши. *Журеги уратир, жани бар екен, қӧл-аяғини қимиллат!* 3. Тақдир. *Кемеге тушкеннинң жани бир!* 4. Нафас олувчи жонзот. *Қишлақ ҳувиллап қалди, бирен жанзат қамади.* 5. Энг яқин кишига нисбатан. *Мениң жан дӧсим сенсен, сиримди саңа айтмай, кимге айтайин?!* 6. Вафот этган кишига нисбатан. *Жумаҳа кирместен жаратқанға жанини тапширди!* 7. Меҳрибонлик қилганда. *Жанимди жаниға қӧйсамам жамбашимда қамай, хишлариға кетти.* 8. Аччиғи чиққанда. *Шу қилиғиңман жанимаям тийдиң-ку. Жанимаям тӧйдирдиңиз, жатқали қӧясизма-қӧймайсизма?!*

Жана – [Jana] – туркий сӯз. Дӯнглик, тепалик ва пастликдан иборат бӯлган дала. *Жананиң пахтаси аппақ бӧп ачилипти. Пақир адам панада, жатар жери жанада.*

Жанашув – [Janashuv] – туркий сӯз. Яқин келмоқ, яқинлашмоқ. *Қазанға жанашсаң қараси жуғади. Жаниңнан тӧйған бӧсаң, жанаш!*

Жанақ – [Janaq] – туркий сӯз. От эгарининг қоши. *Душманман қиличлашқанда егердиң жанағи жулинип кетипти.*

Жанақи алма – [Janaqi alma] – туркий сӯз. Қизил рангли эртапишар хушбӯй олма. *Тағайимниң жанақи алмалари пишипти, барип алма жеп келейик!*

Жаңартув – [Jangartuv] – туркий сӯз. Илгаридагига нисбатан яхшиламоқ, янгиламоқ. *Атти жаңарттим, алдинғиси қарип улақа жарамай қалди! Жездеңди жаңартиңма, вӯткен базар жезде деп башқаниң арқасидан иргешип жирибең, бу базар башқани жезде деп иргешип жирипсен.*

Жаңил – [Jangil] – туркий сӯз. Аёлларнинг исми. 1. Ӯғил туғилади деб тахмин қилиниб, қиз туғилганда янглишдик, ӯз

номи ўзи билан деб қўйилган. 2. Кетма-кет қиз туғилавергач, янглишсин, кейингилари ўғил бўлсин деб шу ном қуйилган. 3. Олдин бир-неча фарзанди турмаган аёллар ажални адаштириш мақсадида ирим билан ҳам шу ном қўйилган. *Жаңилай чечеңниң уйиде қулқунтайдиң уяси бар еди, айсаң береди, вӧ чечеңниң қӧли ачиқ.*

Жаңилув, жаңилиш – [Jangiluv, jangilish] – туркий сўз. Адашмоқ, янглишмоқ. *Суpувди сана десем, жетти марте жаңилишти! Жӧлда жаңилишсаң, адашип Арпабулақа кетесен!*

Жаңшатув, жаңшатти – [Jangshatuv, jangshatti] - туркий сўз. Қулоқни қоматга келтирмоқ, нанғиллаб бошни оғритмоқ. Жаңшатти эски туркий сўз бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асари(1 том, 414 бет)да ҳам учрайди.

*Миннан қуйи Машатти,*[8]
*Мерген вӧғин жаңшатти,*
*Ана, дарвӧзани қизлар бӧшатти.*
*(«Авезханнинг Гирбаб кўлиге сафар қилиши» дӧстӧнидан)*

Жандар – [Jandar] – форсий сўз. Йиртқич ҳайвон, бўри. *Жайлавда жандар жилқиларғаям жанашипти! Қӧтанға қамалған жандар қачса, қӧрадағи қӧйиңниң шӧри қурийди!*

Жанди, жанмади – [Jandi, janmadi] – туркий сўз. 1. Олов ён(ма)ди. *Жарған вӧтиниң қуриғана екен салеркесизем яхшиғана жанди.* 2. *Жанмади.* Меҳнатим амалга ошмади, ҳаракатларим зое кетти. *Қараңа қишларда уйхуларди жийиштирип касел бахтим меҳнеткенем жанмади (касал тузалмади).*

Жандирув – [Jandiruv] – туркий сўз. Ёндирмоқ. *Вӧчақа*

[8] Эроннинг Машҳад шаҳри назарда тутилмоқда.

*вӧт сап жандиребер, қайнатма шӧрпа қиламиз! Тандириңа қарағайди сап жандирсам, чӧғиға я чидайсан, я чидамайсан!*

Жаниди – [Janidi] – туркий сўз. Дўқ-пўписа қилди. *Райис ишлемепсеңер деп баримизди жаниди.*

Жанниқ – [Janniq] – форсий+туркий сўз. Қурбонлик ва садақа учун аталган майда мол, қўй ва эчки. *Вўзиңниң хишиңа жанниқ сӧйип, мениң хишимди сувшакереппен жўнетебер! Жаннихларди жайлавға ҳайдайиқ, жазилип-жайилсиннар!*

Жантақ – [Jantaq] – туркий сўз. Ёнтоқ. *Жазда жантақ жийсаң, қишда қӧйларға раҳат! Жантахлидан жантақ жийда, тав ашип Тавашарға туш!*

*Жар башида жантахти, жаннан кечкен нар жейди.*

Жанувар - [Januvar] – форсий сўз. Ҳайвонларга нисбатан ишлатиладиган сўз. *Жануварға бир-еки сатил сув тут, кечеден бери сувсиз! Чу жанивар, чу, Ешмеге еки газ қалди!*

Жаңаспирин – [Jangaspirin] – туркий сўз. Ёш, ўспирин. *Бу жаңаспириннер жатип жеймен дейди, кўнеспириннердиң жани пӧлат, ишлемесе туралмайдилар.*

Жаңағи – [Jangag'i] – туркий сўз. Ҳозирги. *Жаңағи қиз кимниң қизи еди, келин қилаятқан қиз екен!*

Жаңғириқ (жани қирқ) – [Janggʼiriq (jani qirq)] – туркий сўз. Кичик кунда, гўштни майдалаш ва ўтин чопишда ишлатиладиган кунда, тўнка. *Жанғирихти жувип ке, мына суекли гўшти чавуп тайлайин.*

Жап-жалаңач, тиржалаңач – [Jap-jalangach, tirjalangach] – туркий сўз. Қип яланғоч. *Жетти жашар бӧзбала, жап-жалаңач бӧп жиреберемекен!*

Жапсар – [Japsar] – туркий сўз. Ўтовнинг тепасидаги қуёш кириши учун очиладиган туйнуги.*Мениң бабам Ақсари,*

*Ақ уйиниң жапсари.*
*Жапсар ачип қарасам*
*Чаркитаптей сап-сари.*

Жапсек - [Japsek] – форсий сўз. Эшик ва деразаларнинг четига уриладиган тахта, ёғоч. *Жапсек қахмасаң тешиктен жӧл кўриниб жатабереди!*

Жараштабақ – [Jarashtabaq] – туркий сўз. Жанжаллашган ёки аразлашганларнинг ўзаро ярашув оши. *Бир жараш табақ қилип ашнамди чақирмасам димағи хийли куйгенге вӧхшайди!*

Жарашиқ – [Jarashiq] – туркий сўз. Ярашган нарса. *Кийим асаң жарашиғиман ал! Жарашиғиңман жардан жумаласаңам, жарашади!*

Жарақ – [Jaraq] – туркий сўз. Отув қуроли, яроқ. *Жарағинди жаширма, алиб авға барсақ насибеге бирен нерсе жӧлиғар!*

Жардай – [Jarday] – туркий сўз. Жуда улкан, йирик, жарга ўхшаш. *Жардай келебетли дев тушиме кирипти.*

Жарие – [Jariye] – арабча сўз. Очиқчасига. *Сениң журегиңдеги гапти ким билипти, дардиңди жарие айтмайсама?!*

Жаримаслиқ – [Jarimasliq] – туркий сўз. Насиб қилмаслик, тўкис эмас. *Байқуш бахттан жаримади.*

Жариқ – [Jariq] – туркий сўз. 1. Ёруғ. *Кунниң жариғида қӧйларди қама, қараңада тугеннешиң қийин бӧлади. Жарашсаң жариқ жузмен кўришесен!* 2. Ёрилган, тилинган. *Жариқ тарбизиңди жайралар жесин, маңа путиниден бер. Меники азрақ жариқ бӧса, сеники кўбрек жариқ, бу дунйеде путин нерсениң вўзи жӧқ!*

Жарма – [Jarma] – туркий сўз. 1. Донли экинларнинг синдирилгани, ярмиси, шунингдек, ҳали тўлиқ очилиб

етилмаган пахта. *Жарма терме, биргат киллаңнен қайтаради!* 2. Қўл учида ковланган ўра. *Қишлахтан милисе кеткинче терген пистелериңди жарма қазип кўмип тайлаңар!*

Жарти – [Jarti] – туркий сўз. Ярим. *Жарти нӧхаттай жумаламай, асте жирсең бӧмайма?!*

*Жархата, жарқата – [Jarkhata, jarqata] – туркий сўз. Деворини қушлар тешиб, уя қурган жарликлар ёки оддий жарликлар.* Жарға жилан аралаппа, жархатаниң қушлари чийиллашип, жарди башлариға кўтерип жатирлар! Мына жархатаниң алдини шихласаң намдарғана малхана бӧлади.

*Жарқинчақ – [Jarqinchaq] – туркий сўз. Қўл тегирмон.* Пичи буғдайи бар екен, жарқинчахта жанчип, патир қилип, қатих шакереп қилди, ҳаммемиз дува бердик!

*Жарқиравуқ – [Jarqiravuq] – туркий сўз. Ярқираган, юлдуз.* Жарқиравуқ тувғинча жатта, сӧң турип атларға жем бер, таң атмастан жӧлға тушемиз! Жутаған жӧрғаңизди жайиға жаширип, жетекен жарқиравуқ жалтиллап-жаришқинча жазалап, жиратқан жӧлларидаги жиңичке жиплерини жалғап, жабувлап, жуллиғини жавуп, жуқа жамилғичиңизди жамилип, желегиңизмен желпинип, жамбашимда жимғана жӧғаридаги жумбақли жулдузлардиң жайлавдаги жанниқлардай жайилип-жайнап жиришини жирахтан жамлеп, жадирап жатиң!

Жарғақ – [Jarg'aq] - туркий сўз. 1. Гўшт чопиш учун кесилган тўнка. Жарғақа кўзли томардинг қайишқоқ жойи танланади. *Жарғақти жув, гўш майдалаймиз!* 2. Кўз очган дўмбал ёки яра. 3. Илгари қўзи ёки улоқнинг терисидан тикилган уст кийим. *Чепкенниң астидан жарғақтиям кийибалки, қарам қутирди, жаврайсан!* 4. Жуни қирилип, қўлдан иланган қўй ёки эчкининг териси. *Шуниң каллесига*

*чач чихса, жарғақаям жун чиғади!*

Жарғичақ – [Jarg’ichaq] – туркий сўз. Илгари камроқ буғдойни уй шароитида тортиш учун ишлатиладиган мослама, қўл тегирмони. *Мамаларимиз бабаларимизди тийирманға жибермей, вўзлери жарғичақда буғдай тартар екеннер.*

Жасқанчақ – [Jasqanchaq] – туркий сўз. Қўрқоқ. *Жасқанчақ бӧсаң жардиң башида ниме қарайсан!*

Жаталахлав – [Jatalakhlav] – туркий сўз. Оғриқ туфайли ётишга мойиллик. *Кечкечей жаталахлап чихтиң маззаң қаштима?!*

Жатарда – [Jatarda] – туркий сўз. Ётадиган паллада. *Жатарда жанғақ жесең, белиң бақувват бӧлади!*

Жатағжай – [Jatag’jay] – туркий+форсий сўз. Ётиш учун жой, ётоқхона. *Бегана шаҳарде жатағжайиң бӧмаса кун пешиннен ашеберди туяғиңди шиқиллатабергениң маъқул!*

Жатув – [Jatuv] – туркий сўз. Ётмоқ. *Жатсаң жат, жатмасаң вўзим жатқизаман!*

Жахтирув – [Jakhtiruv] – туркий сўз. Яхши кўрмоқ, ёқтирмоқ, эгаллашга интилиш. *Шу қизди жахтирған бӧсаң, жавчи қӧяйиқ! Шу тӧри тарланди жахтирдиң шекилли, қайта-қайта жанашаяпсан!*

Жашилдари – [Jashildari] – туркий+форсий сўз. Ярага суркайдиган спиртли яшил суюқлик, зелёнка. *Жашилдариң бӧса берип тур, жиениңниң қулағиниң арқасидағи тӧғайға жағайин.*

Жашинбавуқ – [Jashinbavuq] – туркий сўз. Бир томон яширинадиган, иккинчи томон излаб топадиган ўйиннинг тури. *Асманға ай чихса тўбеге жийилиңар, жашинбавуқ вӧйнаймиз!*

Жаширув – [Jashiruv] – туркий сўз. Яширмоқ. *Жӧлда*

*пуллариңди жаширмасаң кўргени қағиб алади!*

Жашмич – [Jashmich] – туркий сўз. Тандирдан чиққан иссиқ патирни сариёғда янчиб ейиладиган овқат.*Жашмич жанчтим табақа,*

*Қой ҳайдадим қабақа.*

*Билмей ашиқ бөлиппан,*

*Енеси жөқ бейбақа.*

Жаялиқ – [Jayaliq] – туркий сўз. Чақалоқни ётқизганда тагига тўшаладиган мато ёки эскироқ кўрпача. *Жаялихти жувип жай, бўбек вөянғинча қурисин.*

Жақ – тараф, томон. *Вөң жағиңда вөттиз париште, чап жағиңда төққиз париште ҳар кунник саваппан гуналариңди жазиб жиреди! Шаҳардеги уйиңди сатип маъқул қипсаң, бир жахли бөғаниң яхши, қаннайберип есиңем кетти!*

Жақин – [Jaqin] – туркий сўз. Узоқ эмас, яқин. *Жақинда Жиланлитавға чиғип, инқилап жиллари қизил аскерлер таманидан шайит қилинған бабаларимиздиң башиға мал сөйип дува қип қайттиқ.*

Жаққуч – [Jaqquch] – туркий сўз. Электр жиҳозларини ёқувчи мослама, включатель. *Жиенқул жаққучти жақ, жариқ жерде жамбашлап жатайиқ!*

Жаға – [Jag'a] – туркий сўз. 1. Кийимнинг юқори қисмидаги бўйинни ўраб турадиган бўлаги, ёқа. *Вөриси жаға қимай, вўзбеки жаға қисаң, вўлесеме! Я пакесем парвердигар, жағам қаерде деп, қөш қөллап жағамди ушлаппан! Жаманға жақиннашсаң жағалашип жағаңди жиртади.* 2. Сувнинг бўйи. *Жувазханада жўтелип-жутинип жатқинча жарихтиң барида арихтиң жағасиға жай салиб жамбашлап жатсақ, жаманма?!* 3. Бирор нарсанинг чети, бўйи. *Жар жағалап жирмеки, аяғин якке тайип кетеди!*

Жағалав – [Jag'alav] – туркий сўз. Ёқаси бўйлаб юрмоқ. *Жӧл жағалап жанғақ терме, тӯгилгени мусапирдики! Тав жағалап жиреберсең, Табахчи тавдиң тӯбесиден тайлариңди табасан!*

Жағалам – [Jag'alam] – туркий сўз. Кўталли текислик. *Жилқилар жаңа ҳий ана жағаламда жирибеди!*

Жағалашув – [Jag'alashuv] – туркий сўз. Ёқасидан ушламоқ, уришмоқ, ёқалашмоқ. *Жағалашсаң жағалашип Жарипқӧлға жӧғатаман, жағалашмай жарашип жантахларди жулип жахсаң, жамбашимнан жай беремен!*

Жағалатув – [Jag'alatuv] – туркий сўз. Ёқаси бўйлаб юргизмоқ. *Арихти жағалатип маллариңди арқаннасаң, ҳам ажириқ камиреди, ҳам сув ичеди.*

Жағ-жақ – [Jag'-jaq] – туркий сўз. Кўп гапирувчи, эзма. *Жағ-жақти жағиллатмай, габини мақуллап қӧйиңар, вӯчсин!*

Жағжағлав – [Jag'jag'lav] – туркий сўз. Кўп гапирмоқ, ёмонламоқ. *Жағжағламай чирақа жержав қуй.*

Жағ уриштурув – [Jag' urishturuv] – туркий сўз. Суҳбатлашмоқ, тортишмоқ, бир-бирини инкор қилмоқ. *Чечеңмен жағ уриштирип вӧтирғинча айнахалтаңди тиксең ҳали бӧғичең!*

Жағиллав, жағиллатув – [Jag'illav, jag'illatuv] – туркий сўз. Бир нарсани қилишга қайта-қайта ундаб, кўп такрорламоқ. *Кампир, сенем жағилладиңда, шӧ ағилди бугун куремесем ертен куреймен, шӧғаям жағиллашма, қӧй мына кинани кӯрейин! Жағиллап-жағиллап жағиңди тӧздирғинча вӧннан вӯзиң ат қӧйсаң, шу ваққачей вӯзимиздики тугул, ҳамсаялардиңам ағилини куреп бӧғичең!*

Жағимли, жағимсиз – [Jag'imli, jag'imsiz] – туркий сўз. Ёқимли, ёқимсиз. *Жаламани жағимли қисаң жездең*

*жаманламай жейди, жағимсиз қисаң жесеем жаманлайди.*

Жағув, жағилув – [Jag’uv, jag’iluv] – туркий сўз. Ёқмоқ, ёқилмоқ. *Вётти жахсаң вётжағар аласан. Вётиниң ҳўл, алле жағилади, алле жағилмайди.*

Жегде – [Jegde] – туркий сўз. Эркаклар ва аёлларнинг ипакдан кашталаб тикилган кўйлакнинг устидан кийиб юрадиган енги узун кийими. *Жегдемди бер, асирге азан айтилди, мачитке барайин. Жегдесини башиға жамилған атли еки аял келаятир!*

Жеди – [Jedi] – туркий сўз. 1. Бирор нарсани емоқ (ўтган замон). *Сийир жуғундихти жеди, вёт тайламаңар!* 2. Ошиқ ўйиннинг тури. *Яна, жеди вёйнап ашихлариңди жуттирип келдиңме?*

Жежаным – [Jejanim] – туркий+форсий сўз. Зиёфат. *Бугун жежаным екенда!*

Жезде – [Jezde] – туркий сўз. Туғишган ёки яқин қариндош опанинг эри, язна, почча. *Ҳар жетти кунде жездем желим апкегичеди, апамди узатибек апама қўшилип жездемем жўғалди, жездеме қўшилип желимем жўғалди.*

Жел – [Jel] – туркий сўз. Ёқмайдиган, қоринни дамлатадиган нарса. *Гуруч авқат жеме, жели бар!*

Желек – [Jelek] – туркий сўз. Асосан эркаклар киядиган астарсиз, пахтасиз юпқа чопон. *Илгери қишлақта ким намаз вёқимаса аксақаллар жийилишип шўға бир желекмен бир жайнамаз алип береди екен, кейин вё адам уялишидан намазди башлайди екен, енди вё адетлер жўғалип кетти, желегиң бёса тартиб аладилар.*

Желим – [Jelim] – туркий сўз. Қайишқоқ, ёпишқоқ нарса, елим, сақич. *Желимди чапиллатип чайнамай, тузув чайна!*

Желин – [Jelin] – туркий сўз. Сут эмизувчиларнинг сут

безлари. *Сари савлихтиӊ желини тӧлипти, тувади. Сийириӊ желин сапти, такит бӧл!*

Желке – [Jelke] – туркий сўз. Бўйиндан пастки қисм. *Кап катте балани желкеӊизге миндирип еркелетмей, жерге тушširип етигиӊизди тарттириӊ!*

Желмен – [Jelmen] – туркий сўз. Бўшанг, тепса тебралмас. *Желмен қизмедим, бир иштанди жетти кун тигип!*

Желпиғуч – [Jelpig'uch] – туркий сўз. Елпиғич. *Желпиғучмен катапаӊди желпи.*

Жем – [Jem] – туркий сўз. Ҳайвонларга бериладиган озиқ-овқат, ем. *Аттиӊ тӧрбасиға жем сасаӊ, атиӊ улақа жарайди, сабанға бағилған ат минишгеем жарамайди.*

Жемлев – [Jemlev] – туркий сўз. Ҳайвонларга емни кўп берилиши натижасида касалланиши. *Қара қӧшқар жемлепти, пичақти қайра.*

Жеӊ – [Jeng] – туркий сўз. 1. Овқат ёки бирор нарсани олиб енг, маъносида. *Жезде жашмичтен жеӊ.* 2. Тананинг чиначақай ва бармоқлар оралиғини ёпиб турадиган кийимнинг қисми. *Жеӊиӊ желпиллеп қӧлиӊнан алдин табақа кирип кетти, авқат жейиште жий! Вўӊиримме, жеӊиммме, шулам мениӊ теӊимме?!*

Жеӊге – [Jengge] – туркий сўз. Эрининг туғишган ё яқин қариндош акасининг хотини, янга сўзининг шевадаги талаффузи. *Жеӊгеӊ жӧл жирип кеген, зияпатти қӧйув қил, кампир!*

Жеӊге қаде – [Jengge qade] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куёв томонидан келиннинг янгасига бериладиган сарпо. *Жеӊге қадени катте чече ағичеди, ниме бала бӧлди, кичене келин вўзимдики деп каттесини нарақ-нарақ қилабересеме?!*

Жеңсе – [Jengse] – туркий сўз. Нон ёпишда ёки қайнаган сувни қуйишда қумғонни ушлаш учун қўлини куйдирмаслик учун билак ва қўлни ёпиб турувчи махсус тикилган нарса. Ўрта асрларда аждодларимиз қиличбозликда ҳам билакни муҳофаза қилиш учун махсус металлардан тайёрланган женгселарни ишлатишганлар. *Жеңсени тап, тандирға нан жабаман.*

Жеңуч – [Jenguch] – туркий сўз. Илгари қиз ва аёллар куйлаги енгининг гулланган қисми. *Жеңучиңди гуллеп, чиразласаң чирайли чиғади.*

Жеп кетер – [Jep keter] – туркий сўз. 1. Томошаси, яъни концерт, улоқ ёки кураш берилмайдиган тўй. *Тӧйи жеп кетер екен даррев тарқади.* 2. Охирида оят тиловат қилинмаган зиёфатларга нисбатан ҳам ишлатилади. Же*п кетер қип кетеберместен вўткеннердиң ҳақиға Қуран вӧқилса, савап бӧса бӧладики, зиян қимайди!*

Жер вӧчақ, жер ӧчақ – [Jer vochaq, jer ochaq] – туркий сўз. Ерни қазиб, қилинган ўчоқ. *Жер вӧчақ қип қӧйиңар, жарқиравуқ тувишиминан қишлақа қайтамиз!*

Жер тебув – [Jer tebuv] – туркий сўз. 1. Ерни ағдармоқ. *Қаған жердием тевуп тайла улим, пияз севип тайлайиқ.* 2. Ёш боланинг ер тепиб йиғлаши. *Балаң пичин деп, жер тевип жилаб жатир!*

Жербағар – [Jerbag'ar] – туркий сўз. Илгари чорвадор бойларнинг яйлов ерларини қўриқлаш учун ёлланган хизматкор. Йирик бойлар ўн иккитагача жербағарлар ёллашган. *Бай бабаңа бир жил жербағар бӧп ишлесең вўзи уйлентирип қӧяди!*

Жербуқа – [Jerbuqa] – туркий сўз. Бузоқбоши. *Памедурдиң наҳалини жербуқа кесип тайлаятир!*

Жержав – [Jerjav] – туркий сўз. Керосин. *Магезиннен*

*пичи жер жав апкемесең, чирахтиң жави ада бӧп қапти.*

Жерик – [Jerik] – туркий сўз. Ҳомилали аёлларнинг бирор нарсани ейишга интиғуви, бошқоронғилик. *Бир хил хатиннардиң жериги жаман бӧлади!*

Жеркув – [Jerkuv] – туркий сўз. Терс гапирмоқ, гапга тескари жавоб бермоқ. *Бирен жерге жавчилиқа барайиқ деп акемниң алдиға барсам, ағайиннарда қиз турип қаерден келин қарайсан деп жеркип берди. Ағайиннарда қиз барекен деп уйге қайтип кесем, ағайиннариңниң пайи канде деп хатин жеркип берди. Енди улимниң жӧлиға қарап туриппан, гап хатин ағич жигитте!*

Жертут – [Jertut] – туркий сўз. Қулупнай. *Жертут жегениңди жаширма.*

Жертўле – [Jerto'le] – туркий сўз. Ердан қазилган уй, ер тўла (землянка). *Еллигинчи жиллари адамлар шу қишлақа кўчип кегеннериде, бир жил қишти жертўледе вўткезгеннер, сӧнғи жили чӧптара сап, чиғип кеткеннер!*

Жесир – [Jesir] – арабча сўз. Эри ўлган ёш аёл. *Садақаң бӧса, жетим-жесирге бер!*

Жетекен жулдиз – [Jeteken juldiz] – туркий сўз. Ярим кечада яркираб чиқадиган юлдуз. *Жетекен жулдизди жетти марте санаса, сӧраса саваб емиш!*

Жетелев – [Jetelev] – туркий сўз. Одамни қўлидан, молларни ипидан ушлаб етакламоқ. *Жетелеген ийт, авға жарамайди!*

Жетелешув – [Jeteleshuv] – туркий сўз. Қўл ушлашиб етаклашмоқ. *Ерли-хатин табистанда базарма-базар жетелешип жиргинче ел қатари шали ексеңер, бугун жегенниң авзуға … … қараб вӧтирмағичеңер!*

Жибек – [Jibek] – туркий сўз. Асосан пилла толасидан тайёрланадиган ипак. *Жибегай апам пичи жибек жиберсе,*

*айнахалтам питеди.*

*Жибекти асраялмаған жун қилади,*

*Ерди асраялмаған гуң қилади.*

Жибирлав – [Jibirlav] – туркий сўз. Ниманингдир ҳаракат қилиши, қимиллаши. *Уйиңде бурге барға вӧхшайди, тенем жибирлап, қаеримди қашишимди билмей, шашип қалдим.*

Жибитув – [Jibituv] – туркий сўз. Бирор нарсани ивитмоқ. *Тӧхлиларға жемди жибитип бермесең, ҳал қилалмайдилар.*

Жибув – [Jibuv] – туркий сўз. Ёмғирда ивимоқ. *Жавунда жибипсен, жийен!*

Живачи, жевачи – [Jivachi, jevachi] – туркий сўз. Бухоро амирлигидаги юзбоши ва қаровулбеги ҳарбий унвонлари орасидаги унвон. Тахминан катта лейтенант ёки капитан унвонларига тенг. *Живачи кеп, елди жийип аскерлике аламан сӧради.*

Жиг, жик – [Jig, jik] – туркий сўз. Мол мучаларининг бир-бирига қўшилган жойи. *Жан жигит жигиден! Гўш турасаң, саз тура, жиг-жигиден айирғин!*

Жигит – [Jigit] – туркий сўз. Ёш эркак, йигит. *Жигиттиң башидан не-не савдалар вўтмейди!*

Жизиллавуқ – [Jizillavuq] – туркий сўз. Ниначи. *Жизиллавуқа қара, верталётқа вӧхшап учади.*

Жизиқ, жижиқ – [Jiziq, jijiq] – туркий сўз. Қўйнинг қуйруғининг эритилганидан қолган қисми, жизза. *Жездем жесин жизихти,*

*Сӧң қизинда қизихти.*

Жизу-биз – [Jizu-biz] – туркий сўз. Ўтда куйиб жизиллаш, қозонда ниманидир қовуриш. А.Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 211)да:

Ваҳки, юз очқач ул оташ пора рағмимга менинг,

Элга андоқ солди ўтким, чиқти мендин жизубиз, -

дейилган.

*Бӧйдақа қимиз яхши,*
*Сӧң бир сулув қиз яхши.*
*Мейманға сизу-бизден –*
*Бирте жизу-биз яхши.*

Жийен – [Jiyen] – туркий сўз. Эркакларнинг туғишган ёки яқин қариндош опаси ёки синглисининг болалари. *Жийен, бугун жатип дамиңди ал, таң атти қӧлиңа белди берип кандик тебишге саламан. Уруш-жанжалда жиен сўзи устун келеди!*

Жийи – [Jiyi] – туркий сўз. Қалин, тиғис, зич. *Сепкен пиязиң жийи чиғипти, сийреклет.*

Жийин – [Jiyin] – туркий сўз. 1. Муайян мақсадда таклиф этилган ёки чақирилган одамлар гуруҳи. *Катапаң қизини узатаятир, жийинға жаш балаңди апарма, кўзигеди!* 2. Оломон, тўда. *Арихтиң баши жийин, бир тӧда адамлар жийилишип турիптилар, бар қана ниме гап екен!*

Жийирма – [Jiyirma] – туркий сўз. Ўн тўққиздан кейинги саноқ сон, йигирма. *Жийирма сӧмӧнға жийирма қавун абем, жийирма кунгеем жетмеди! Жийирма жил жамбашимда жатсаңизам, жутаған жуйрик жийренди жӧғари-қуйи жетелегениңиз қамади-да!*

Жийнавчи – [Jiynavchi] – туркий сўз. Фаррош. *Вӧқувчи қӧтита ҳалек, жийнавчи жия ҳалек.*

Жийрен – [Jiyren] – туркий сўз. Йилқининг қизғиш-малла рангли тури. *Жиеннен жийренди жўнетиң жезде, ертеге улақа салай!*

Жийрен қашқа - [Jiyren qashqa] – туркий сўз. Қизғиш-малла рангли қашқа от.*Кишнейди жийрен қашқа,*
*Чабади таву-ташқа.*
*Аҳ, вӧ лақай атиниң –*

*Теңи жӧғеди, ашна!*

Жийув, жийнав – [Jiyuv, jiynav] – туркий сўз. Бир жойга тўпламоқ, жамламоқ. *Мен сабаған жунди қӧқитмай бир жайға жий, қана қанча бӧлади?!*

Жийувли, жийувсиз – [Jiyuvli, jiyuvsiz] – туркий сўз. Йиғиштирилган, йиғилган, тахланган, йиғилмаган, ифлос. *Жук жийувли. Жийувсиз хатинға вӧхшамай вӧтиратиған жериңди тазалап вӧтирмайсама?!*

Жик - [Jik] – туркий сўз. Бўғин, пай, асосан молларнинг бўғинига нисбатан ишлатилади. *Жан жигит жигиден! Қӧшқардиң суеклерини жик-жик қип тураңар, мейманнардан уят бӧлади.*

Жилав – [Jilav] – туркий сўз. 1. Отни миниб бошқариш учун, унинг оғиз қисми темирдан ишланган қайишли жугеннинг чармли тизгини, жилов. *Атман хатинниң жилавини бӧш қӧйсаң, жӧлға жирмейди, жӧлға жирсеем, сениң жӧлиңа жирмейди.* 2. Йиғламоқ. *Башшиңнан қасин, сениң шӧ еккен шалиң, келип емизип кетмейсеме, балаң ач қағаннан жилаб-жилаб ухлап қалди, яна еки марте шўйтип жилатсаң, балаңди бир бала қип аласан!*

Жилаңқи – [Jilangqi] – туркий сўз. Йиғлоқи. *Жилаңқини жубатиңарки, ҳариллап журтти бузади.*

Жилап-сихтав – [Jilap-sikhtav] – туркий сўз. Ҳаддан ортиқ давомли йиғламоқ. Бу сўз Навоийда: *Ул ӧйки кула-кула йиғлатди мени,*

*Йиглатди мени демайки, сиқтатди мени* -

тарзида берилган.

*Ули Рассиядан кемеди, байқуш кампир жилап-сихтап кўзден қалди.*

Жилбаши – [Jilbashi] – туркий сўз. Навруз байрами. Аҳоли томонидан 21-мартдан 10-апрелгача ўтказиладиган

байрам намойишлари. Жилбашида муайян қишлоқ аҳолиси томонидан ёки пул йиғишиб умумий қозон осишади ёки қишлоқ аҳли бир майдонга тўпланишиб ҳар-бир оила қозон осиб ташриф буюрганларга овқат тортишади. *Базар кун хирманда жилбаши екен, ақсақал атланип елди хабер қип чихти!*

Жилдиң-жили – [Jilding-jili] – туркий сўз. Ҳар йили. *Жилдиң жили башимди айналтирип, бир қўшқаримди апкетесен, ҳа деб апкетебермей, сенем бирте апке, қана!*

Жилдирув – [Jildiruv] – туркий сўз. Арқонланган молни бошқа жойга боғламоқ, жойидан жилдирмоқ. *Сийирға сув берип, жилдир!*

Жили, жилимчи – [Jili, jilimchi] – туркий сўз. Совуқ эмас, илиқ. *Куннер жылып қалди, қавун егиштием башлайберсек бўлади. Мениң уйим миздай, сеники жилиғана екен, шу ерде вўтирип урчуғимди ийириб алайинки, жаврадим! Бир аттабаға жилимчи сув бер, пешинге таарет қип келей!*

Жили жай – [Jili jay] – туркий+форсий сўз. Иссиқ жой. *Кампир, жилижайға жай самасаң, ахшам сен кўрпени жулип кетип мен байқуш қаришим қаппан!*

Жилик – [Jilik] - туркий сўз. 1. Кишилардаги қўл ва оёқда бўладиган ўн икки мучадан бири. *Ашиқ жилик, тўхмақ жилик. Қарувли жесең, жилигиңниң жаву тўлади.* 2. Катта ва майда молнинг ўн икки мучасидан бири. *Қўйди сўйип, жиликлеп егесиге тапширдим.*

Жилимчи – [Jilimchi] – туркий сўз. Илиқ суюқликка нисбатан ишлатилади. *Жавчилардиң алдиға жилимчи чай қўйма, уят бўлади! Жилимчи шўрпани шўрғалатип симиргинче, нанди турап, езип, қарувли-қарувли жемейсизме, қарувлиғана ишлесеңиз!*

Жилитма – [Jilitma] – туркий сўз. 1. Қолган овқатнинг

иситилгани. *Шӧрпани жилитип апке, кампир, тӧйға ачқана барип, ачқана келдик!* 2. Совуқ қотган кишини иситмаслик, иситишнинг мумкин эмаслиги. *Қӧйиң жилитмаң, вӱткен ахшам жилитаман деп, жавраттиңиз, бу ахшамам жилитаман деп, кейин ниетиңиз айнип қалади!*

Жилқи – [Jilqi] – туркий сўз. Ишчи ҳайвон, от. *Илгери байлардиң уюр-уюр жилқилари бӧлип, Самарқанд, Бухара, Балхтиң базарларини абат қилар екен!*

Жилға – [Jilg'a] – туркий сўз. Булоқ ёки қудуқдан ошиб оқаётган сув. *Бу йил сув кӱп, қудуқдан ашқан сув, жилға бӧп сайға ағип кетиб жатир.*

Жин-жибир – [Jin-jibir] – арабча сўз. Ривоятларга кўра одамларга ёмонлик қилувчи кўзга кўринмас ёвуз нарсалар. *Қараңада жар жағалап жирме, жин-жибирлар чалип кетмесин!*

Жиңишке – [Jingishke] – туркий сўз. Йўғон эмас, ингичка. *Жуван жулинғинча жиңишке узиледи. Мӧлла бабам дам салип, жиңишке жиптиң жетти жайидан туйип берди.*

Жиндар – [Jindar] – арабча+форсий сўз. Жинни. *Жиндарға вӧхшамай тузув қилиқ қимайсама?!*

Жинтиқ – [Jintiq] – туркий сўз. Ҳол, дармон. *Кампир, жӧл жирип жинтиғим қуриған, қағанини сен қуритмахчисама, қӧй шӧ пистең бӧса, ертен калтеклеп беременда!*

Жип – [Jip] – туркий сўз. Пахта толасидан, кандирдан, жуннан ва бошқа хом ашёлардан эшиб тайёрланиб, хўжаликка ишлатиладиган нарса, ип. *Қанардиң жамалған жериден жип байла, бақувват бӧлади!*

Жипсе – [Jipse] – туркий сўз. 1. Ултаннинг тагидаги иккинчи ултан. *Массиге ултан қӧйибем, жейилеберибеди, устиге жипсе қӧйдирдим.* 2. Эшик, дарвозанинг

тахталарини ушлаб туриш учун кўндаланг қоқилган тахта, ёғоч. *Жипсе мустаҳкам бӧса, тахтайлардиям ушлайди.*

Жипсиз байлаш – [Jipsiz baylash] – туркий сўз. Битта ёки бир неча кишини узоқ вақт бир жойда куттириб қўйиш ёки муайян жойдан кетолмаслик. *Бу уккағар, пулимизда алип, бизди жипсиз байлап кетти-ку! Енди шӧға жипсиз байландң, қана башқа жақа кетибем кўр-чи!*

Жирақ – [Jiraq] – туркий сўз. Узоқ, олис. *Жирахтағи хишиңнан қариптеги ҳамсаяң яхши. Жирахта жиресеме, қайтип ке, шу қишлахтаям ҳич ким ачтан вўлген жӧқ! Жирахтағи жавли жашмичтен, қариптеги қавун қақ яхши! Жаманнан жар бӧйи жирақ жир!*

Жир – [Jir] – туркий сўз. 1. Юр. *Жир, Жиланлитавдан жӧлбарс авлаймиз.* 2. Ёғ, семизлик. *Тенеңе жир питти шекилли, башқаларға кун бермей қалдиң.*

Жиринди – [Jirindi] – туркий сўз. Кичик жилға. *Жириндиниң алдини қайтар, камем бӧса буғдайди ҳўллеб алайиқ.*

Жириқ – [Jiriq] – туркий сўз. Бир туташ нарсанинг кемтик жойи. Буриннинг кемтиги, лабнинг кемтиги. *Сатилиң жириқ екен, қуйған сувимниң ярми тўгилди!*

Жиркенув – [Jirkenuv] – туркий сўз. Бирор нарсани ёмон кўрмоқ, жирканмоқ. *Жиркенсең жуғади, жиркенмесең жухмайди.*

Жиркув – [Jirkuv] – туркий сўз. Гапини тезлик билан қайтариб ташлаш. *Баҳане қилатибеди жеңгем жиркип тайлади.*

Жирмач – [Jirmach] – туркий сўз. Тўн этагининг икки ёнидан учбурчак шаклида қийилган жойи. *Тишин жарса - қурмач тӧй,*

*Бидирласа – тилмач тӧй,*

*Қӧш ҳайдаса – амач тӧй,*
*Чапан пичсе – жирмач тӧй*
*Атам саған хас капе.*

Жирна – [Jirna] – туркий сўз. Сел ёки сувнинг йўли, жилға. *Жирнаниң жӧлини тазалап қӧйиңар, сел келип, егинди жувип кетмесин!*

Жиртаңлав – [Jirtanglav] – туркий сўз. Ўринли-ўринсиз ҳар нарсани айтиб, кулмоқ. *Кўп жиртаңламай, жағаңди ушлап, тӧвба де!*

Жиртиш – [Jirtish] – туркий сўз. Жаноза ўқилишидан олдин майитнинг устига йиғилган нарсаларни иштирокчилар орасида тақсимлаш. Бундан мақсад, йиртиш олган киши, уйига боргач, марҳумнинг ҳақига икки ракаат намоз ўқиб, марҳумнинг гуноҳини кечиб, ётган жойини обод қилишини яратгандан сўраш.

Жирғақ – [Jirg'aq] – туркий сўз. Тирик молнинг баданидаги ёғи. *Қудалар бир қӧшқар апкепти тенесиде жирғағи жӧқ. Қурбанниқ қисаң, сӧйған малиңниң жирғағи бӧсин!*

Житирим жӧл – [Jitirim jol] – туркий сўз. Узоқ, олис йўл. *Апкеген ийтиңиз вўзимиздиң тавуқларға ат қӧйиб жатир, жӧғатип житирим жӧлға жӧқ қип кең.*

Житирув – [Jitiruv] – туркий сўз. Дом-дараксиз йўқотмоқ, олисга жўнатмоқ. *Ийтти-қу житирдиңиз, шу чишқан амағич пишектием житирим жӧлға житирсеңиз яхши бӧғичеди. Қудам ишини питирип, қарасини житирди!*

Житув, житип кетув – [Jituv, jitip ketuv] – туркий сўз. Йўқолмоқ. *Сабрсиз вўз аяғидан житеди.*

Жиға – [Jig'a] – туркий сўз. Бош кийимга қистириб қўйиладиган белги, қушларнинг пати ёки баъзи ҳайвонларнинг аъзоси. *Қизлар тӧйға тавустиң патиден*

*башларига жига тагип кептилер.*

Жӧйув – [Joyuv] – туркий сӯз. 1. Ясамоқ, пайдо қилмоқ. *Жӧгалган жугенди қаерден табай, жӧяйинма?! Жӧхти жӧяйинма, е сениӊ кӯзиӊди вӧяйинма?!* 2. Ўхшатмоқ, қиёс этмоқ. *Бизиӊ гуруӊди вӯшеке жӧймаӊар, тагин!* 3. Баъзи ҳудудларда бор нарсани йўқ қилмоқ маъносида ҳам қўлланилади. *Ҳамсаяларди қирип-жӧйгиниӊча вӯзиӊе вӯмир тиле! Бу жездеӊ атини сатип, пулини жӧймаса тинмайди!*

Жӧйтув – [Joytuv] – туркий сӯз. Исроф қилмоқ, йўқ қилмоқ, харж этмоқ. *Байқуш чал жаш хатин аламан деп бар давлетинием жӧйтип жиберди.*

Жӧл берув – [Jol beruv] – туркий сӯз. 1. Куёвга кечаси куёвлаб қолишга ижозат бермоқ. *Қиргини қайнеӊ харжисиз келдиӊ деп жӧл бермедиме?!* 2. Йўлни очиқ қилмоқ. *Бир мартеге жавчилиқа барайиқ, қизини берсе береди, бермесе жӧлди береди!*

Жӧл машин – [Jol mashin] – туркий+русча сӯз. Йўлда учрайдиган мошина. *Қайнеӊди жӧл машинмен жӯнетебер, сен вӧга таксини қаерден табасан, мен саӊа такси пулини қаерден табаман, ҳар кегенде кӯӊни такси тусеп каттелиги кадиге сиймайди, ешшекмен кеп ешшекмен кетеберсин, вӯзи бир хӧразимниӊ башини жеп кетаятир, шӧл жетмейме?!*

Жӧлап – [Jolap] – туркий сӯз. Пайпоқ, носки. *Жӧлабиӊди чечип жат.*

Жӧлдаш – [Joldash] – туркий сӯз. 1. Йўлда, ҳаётдаги шерик. *Жаманга жӧлдаш бӧгинча, жатип жаниӊди қарма!* 2. Эш, туғилаётган чақалоқнинг йўлдоши.

Жӧлиғув – [Jolig’uv] – туркий сӯз. Учрашмоқ, дуч келмоқ, йўлиқмоқ. *Уккагардиӊ қарахчисига Жиланлитавдиӊ жӧлида жӧлигип, атима миӊештирибем, жазиламан деп жерге тушсем атти хамчилап ап-қачип кетти.*

*Жөлихмағир қаерден жөлихти, еринием елиден ажратип ҳайиктирп кетти. Шө бейбақ, жөлиққанға вөхшайди, кечгече жерге қарап жөғари-қуйи жиргени-жирген.*

Жөлға салув – [Jolg'a saluv] – туркий сўз. 1. Йўл кўрсатмоқ. *Айна, уйге кирип вөтирип туриң, мен мина мейманнарди жөлға сап келей.* 2. Насиҳат қилмоқ. *Хатиниңди жөлға самасаң, кечеден бери тувлап, биз минен авқат жемейди, е сением вўзиниң диниге салиб амасин!*

Жөңишқа – [Jongishqa] – туркий сўз. Чорва моллари учун экиладиган бир йиллик ва кўп йилик ўсимлик. *Ҳўл жөңишқа қөйғаям, сийирғаям бөмайди, даррев дамлетеди. Жийрен жибини узсе, жөңишқапаяңди жазир қилади!*

Жөнув – [Jonuv] – туркий сўз. Бирор-бир асбобнинг ёрдами билан ёғоч ёки метални йўнмоқ. *Терегимизди кесип табақ жөнғич жўгилерге берибек, жөғалдилар.*

Жөра – [Jora] – форсий сўз. Тенгдош, қурдош, ўртоқ. *Бабаңман жашлиғимизда жөралашип жиргичек, қартайғанға кемей қөйди.*

Жөрлав – [Jorlav] – туркий сўз. 1. Дўмбиранинг торларини тортиб, овозини мувофиқлаштирув. *Сақибаба дөмбирасини жөрлаятир, ҳазир Гўрөғлини башлайди!* 2. Ҳаракатга тайёрланмоқ. *Атиңди жөрлаяпсан Жантахлиға қарап жөрғалатасан шекилли!*

Жөртув – [Jortuv] – туркий сўз. Катта қадам ташлаб, тез ҳаракатланмоқ. *Атти жөрттирип, қаерге шашасан?! Саңа қөшилип жөртип жиремен деп журегим куйип кетти! Бу тирбизек, жөртқанға жөлдаш, қайтқанға қариндаш!*

Жөрға – [Jorg'a] – туркий сўз. 1. Оёқларини тенг босип, чайқалип, ирғалиб, нисбатан майдароқ қадам ташлаб тез ҳаракат қилувчи от ёки эшак.

*«Жөрғалағич жөрға ат, тиктим саңа төрба, ат,*

Мени журтқа жеткизгин, ғамларимди кеткизгин»,

(Афғонистонлик лақайлар оғзаки ижодидан). *2. Бешиктинг жорғаси – бешикнинг бир маромда тебраниши учун олди ва орқа оёқларига ўрнатилган ёғоч мослама.* Бешиктиң жорғаси бошапти, шиқиллап гўдекти ухлатмайди.

Жорғалав, жорғалатув – [Jorg'alav, jorg'alatuv] - туркий сўз. Тез юриш. *Бу хоратдиң тавуқлардиң гирдиде жорғалашиға қара, бирен бегана хоразди кўрди, шекилли! Таң атмастан жорғалаб жўнепсиз, жол босин, ҳамсая! Жийренди кўп жорғалатмаң куйигип қалади, қараңа ағилға қамап тайлаң, дам асин!*

Жохлав, жоқлав – [Jokhlav, joqlav] – туркий сўз. Вафот этган кишини товуш чикариб эсламоқ, қайғуриб йиғламоқ. Илгари лақайларда марҳумнинг отини абзаллаб, егарнинг устига баъзи кийимларини осиб, эгар қошига салласи ёки тақиясини кийгизиб яқин қариндошлари томонидан отни айланиб, марсия қўшиқларини айтиб йиғлашлар ҳам расм бўлган. Бу одат 1960-йилларгача давом этиб, собиқ тизим шароитидаги «отлар қатағони» йилларидан сўнг барҳам топган. *Илгери чечен аяллар қарип хиши жох боса, қошиқ қилип жохлағичеди, енди во адетлем жатип кетти.*

Жохчилиқ – [Jokhchiliq] – туркий сўз. Етишмаслик, камбағаллик. *Жохчилиғам жаман, адамди бойни бош қилип, саяңа салем бератиған қип тайлайди.*

Жоқ жердеги – [Joq jerdegi] – туркий сўз. Бўлмаган. *Жох жердеги гаплерди қаерден тавуп гапиресен?!*

Жоғал – [Jog'al] – туркий сўз. Кўзимга кўринма, йўқол. *Жоғал, қараңди кўрмейин! Ишле десем ишлемесең, жоғал десем жоғалмасаң, жамбашима жашинип жанғағимди жеп жиребересеме?! Жоғалип жирип-жирип аш пишкенде*

*жетип келеди.*

Жӧғалув – [Jog’aluv] – туркий сўз. Йўқолмоқ, топилмаслик, ўғирланмоқ. *Жӧғалған пичахтиң саби алтин. Улақа барип, чепкенимди жӧғаттим!*

Жӧғари – [Jog’ari] – туркий сўз. Юқори. *Ақсақал, жӧғари вўтиң! Бекар жӧғари-қуйи жиргиниңче, қавунниң кандигини теп!*

Жӧғарғи – [Jog’arg’i] - туркий сўз. Юқоридаги. *Паски капениң адағи жантахзар бӧсаям, жӧғарғи уйдиң жамбашидағи жантахларди жулип тайлаң, мейман қӧнса ҳайран қамасин! Жӧғарғи қӧтанға жандар аралапти.*

Жув-жувлашув – [Juv-juvlashuv] – туркий сўз. Ўзаро гурунг, суҳбатнинг ҳазил шаклидаги ифодаси. *Хатиннардиң жув-жувлашқаниға кулақ саламан деп асиримем қаза бӧп кетти!*

Жува – [Juva] – туркий, архаик сўз. Кичик ўқлоқ. *Жувани алип хамирди жай, жулма аш қилайиқ.*

Жуваз – [Juvaz] – форсий сўз. Илгари йилқи, ҳўккиз ва сувнинг кучи билан, эндиликда асосан светнинг кучи билан айлантирилиб кандир, кунжит, зиғир, чигит ва бошқа ёғли донларни янчиб, ёғини чиқарадиган асбоб. *Свет келип жуваз ишлесе, анжемханадан еки қапча қавунниң уруғини апариб, жав қип ке! Жуваздиң жави жавғашиндай жағади.*

Жувалдиз – [Juvaldiz] – форсий сўз. Қоп ва қанорларни тикадиган катта игна. *Жеңге, жуван жувалдизимди жӧғаттим, жаширған жувалдизиңизди жарихта жибериң, Жузейбулақтан желим жиберген жездемниң жардан жумалап жамбашлари жара, жӧрға жийрениниң жабдиғини жамайин!*

Жуван - [Juvan] – туркий сўз. Йўғон. *Кампиримниң бели жуван, бир кўз гарди белбевем бӧмайди.*

Жувана - [Juvana] – форсий сўз. 2-3 яшар эркак мол. *Буқадев кўзини сузмесе, жувана жибини узмейди!*

Жувармек – [Juvarmek] – форсий сўз. Йигит ёшида, қирғиллаган ёшида ўлмоқ, ёш кетмоқ. *Уруши қурисин, кўп жигитлер жувармек бўлди! Жувармек вўлгирлер жайлавда жуванамди вўғирлапти.*

Жувындихўр – [Juv'indikhor] – туркий+форсий сўз. 1. Одамларнинг ёки бирор кишининг ҳовлисида одамлардан қолган-қутганларни еб кун кўрувчи одам. *Буниң атаси мениң бабамниң ҳавлисиде жувиндихўр еди, бугун буниң габиге қара!* 2. Овқатларнинг қолдиғини еб, семирган чорва. *Жувиндихўр тўхлиң яхшиғана бўп семирипти, шуни Қурбанниқ қисаңар бўлади.*

Жувма – [Juvma] – туркий, архаик сўз. Супра қилинадиган мол териси. *Мына жувма яхши супра бўлади.*

Жувунув – [Juvunuv] – туркий сўз. Ювинмоқ. А.Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 590)да:

Даҳр боғида нечук васл гули бутсунким,

Ҳажр ўқидур ёғини, ашк сувидур жувуни, - дейилган.

Жувуқ – [Juvuq] – туркий сўз. 1. Олис эмас, яқин. *Бир жугирсең жетесен, катапаңниң уйи жувуққана. Жувух жермен қуда бўсаң тилиңди тий, алис жермен қуда бўсаң напсиңди тий!* 2. Ювилган, тоза. *Табақ жувуқ, тўнкерилген.*

Жуген – [Jugen] – туркий сўз. Тизгини узилмас қайиш-теридан ишланиб, асосий нуқтасига сувлиқ ўрнатилган, отни минганда бошқаришга мўлжалланган восита. *Жугенди тарт, жарға жақинлаштиң! Жугенсиз атқа вўхшап ҳар жақа ҳайгимей, мамаңнан маслаҳат сўрамайсама?!*

Жугиргилев – [Jugirgilev] – туркий сўз. Енгил югурмоқ, тез ҳаракат қилмоқ. *Жездең келаятир, жугиргилеп барип алдиға чиғип атиниң жилавидан ушлап қайтиң деп*

*манзирет қимасаң, димағидан дим сасип кетсе, апағанаңниң шӧри-да!*

Жуз алув – [Juz aluv] – туркий сӯз. Хамирнинг дам олиши. *Зувалаң жуз амаған бӧса, даррев гул уради.*

Жузгир – [Juzgir] – туркий+форсий сӯз. Айёр, тилёғлама, лаганбардор, иккиюзлама. *Илгери мундай емес едиң, шӧға қӧшилип жузгир бӧп кетипсен!*

Жузгирлик қилув – [Juzgirlik qiluv] – туркий+форсий+туркий сӯз. Айёрлик қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ. *Жузгирлик қима, саңа жарашмайди!*

Жузи – [Juzi] – туркий сӯз. 1. Саҳни, юзаси. *Жер жузиде адамлар сани алти миллиарддан аштi. Сувдиң жузиде бир яғач қалқип ағип кетаятир* 2. Вафот этган киши юз кунлиги, худойиси. *Бир қӧшқарди апарип бабаңниң жузини бериңер.* 3. Ӯткир томонли предметларнинг юзаси. *Катмениңниң жузи қайтип қапти, вӯткирлеп кел.*

Жузик – [Juzik] – туркий сӯз. Бармоққа солиш учун олтиндан, кумушдан ёки бошқа металдан безалиб ишланган буюм. *Қӧлима жездең саған жузике жабишмай, сенем куевиңниң кӯңнини тапсаң, жузик тағасан!*

Жузлик – [Juzlik] – туркий сӯз. Юзига (юзага) тортадиган восита. *Маңа жузлик бӧлип уйиме бирге бармасаң ашна, чечең кеч келдиң деп яна жанжалди башлайди.*

Жузӧймақ, вӧймақ – [Juzoymaq, voymaq] – туркий сӯз. Бармоққа тақиб, кашта тикиш анжоми, ангишвона. *Жеңгемниң жузӧймағини жӧғаттим.*

Жузув, сузув – [Juzuv, suzuv] – туркий сӯз. 1. Қулочлаб сувдан сузиб ӯтиш. *Жузишти билмесең, дайрада чӧмилма.* 2. Дарёдан бирор нарса воситасида сузиб ӯтиш. *Авғанистанға вӯтиште еркеклер атларға минишип, аяллардa гупсарларға миндирип Ҳами дайрадан жузип вӯттилер.*

*Ичимниң вөтиға тандир қизади,*

*Кўзимниң жашиға вўрдек сузеди.*

Жузум – [Juzum] – туркий сўз. Узум. *Анар ексең кўлге ек, Жузум ексең чўлге ек!*

Жуйрик – [Juyrik] – туркий сўз. 1. Тез юрувчи, ҳаракатчан, чопқир. *Жөңишқали жайлавда жөғалип жирген, жемхөр жуйрик жийренди жөрттириб-жетелемей, жанивар жалмаңлап жутап жемтөрбани жиртмасидан жугенлең!* 2. Гапнинг мазмунини тез илғаб оладиган, ўткир фикрли, ҳушёр одам. *Хударамети бабаң, кўп жуйрик, ҳазиржавап киши еди.*

Жук – [Juk] – туркий сўз. 1. Бир жойдан иккинчи жойга олиб бориладиган ёки олиб келинадиган юк. *Жукти апарип хирманға туширда, мениң алдима қайт.* 2. Уйда сандиқ ёки бошқа нарсанинг устига йиғиладиган кўрпа-тўшак. *Ертеге намаз, бугун жукти туширип, қайтадан жийиңар.* 3. Халқ орасида ирим-сирим натижасида бирортадан ўтган касаллик. *Жугиң авур екен яхшилап қахтирип, кўк ечки ап келип чирақ жахтирмасаң қайтадан жатип қаласан!*

Жук аяқ, жук асти – [Juk ayaq, juk asti] – туркий сўз. Кўрпа-тўшакларни йиғиш учун қўйиладиган сандиқ ва мапремечларнинг тагига қўйиладиган мослама. *Келинчектиң жук аяғиниң аяғи узун екен!*

Жук бети – [Juk beti] - туркий сўз. Келинлар жўрмалаб тикиб юкнинг юза қисмига осадиган зийнат асбоби. *Жук бетиңди тигип қөй, мина жаман айчихса қудалар басип келип тилеб вўртейди!*

Жук чариғич – [Juk charig'ich] – туркий сўз. Келинлар жўрмалаб тикиб юкка осадиган зийнат асбоби. *Келинчек жукчариғичини хўширейлеп тигипти!*

Жукли – [Jukli] – туркий сўз. 1. Ҳомилали. *Вўзинг жукли*

*хатин бӧла турип, авур жукти жамбашиңа кӯтермей, жукти жилқиға артип кемедиңме?!* 2. Бирор нарсага ортилган юк. *Ешшек ҳаңираятир, қара қана жукли келдиме, жуксиз келдиме?!*

Жул – [Jul] – туркий сӯз. От ёки эшакнинг устига ёпиладиган ёпинчиқ. А.Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асари (-Б. 112)да:

Хирқаи тақвони қилиб итга жул,

Руқъаларни ҳар сари жул узра гул, - дейди.

Жулақ – [Julaq] – туркий, архаик сӯз. Семиз. *Ана жулақти жӧғат, тарбуз теришге жарамайди.*

Жулге – [Julge] – туркий сӯз. Воҳа, кӯкаламзор, ўтлоқ. А.Навоий «Садди Искандарий» асари (-Б. 342)да:

Чу еттилар, эрмас эди ул дара,

Очуқ жулгае эрди хӯбу сара, - дейди.

*Бу жулгеде вӧт қамади, малларди нарғи жулгеге ҳайдаңар. Ҳазир сақилар шӧ Қизилмазар жулгесиде бӧмаса, буяхларда жӧқ.*

Жулиқ – [Juliq] – туркий сӯз. 1. Олдинги молу-дунё, молдан қолган белги. *Атиң яхши ат, сатсаң жалидан пичи жулиқ қирқип ап қӧй!* 2. Эски нарсаниң бўлаги. *Кийиздиң жулиғини тӯше, мина саяда пичи вӧтираяйиқ!* 3. Пайтава. *Мына жулиғиңди саситмай, етигиңниң ичиге сал.*

Жулма аш – [Julma ash] – туркий сӯз. Хамир қориб, ўқловда ёйиб, сўнг қозонга юлиб солиниб, тайёрланадиган суюқ овқат. *Кескен аштиң жели бар, тамақ аврувға жулма аш яхши, паримли.*

Жулқилав – [Julqilav] – туркий сӯз. Қайта-қайта тортмоқ, тортқиламоқ. *Бир-бирлериңниң чачлариңди жулқиламай, тузув вӧйнамайсаңарма?!*

Жумалақ – [Jumalaq] – туркий сӯз. Юмалоқ.

*Жумалаққана хатиниңди базарма-базар егертип, вёға алти митр қимбати матириялға пул тавуп, ариққана енеңе еки митр читқа пул таппадиңма?!*

Жумбақ – [Jumbaq] – туркий сўз. Топишмоқ. *Жумбақ айтаман, тапсаң тапқаниң, таппасаң тайяргарлигинди кўр!*

Жумур – [Jumur] – туркий сўз. 1. Томоқ, кекирдак. *Қах патириң қатти екен, жумурима тиғилди. Қувурған еки жумурқа, жумурима жуғам бөмади. Нанди сувға батирип, бөшатип же, жумуриңа тиғилмасин!* 2. Оқиб ўтадиган марказий қисм. *Турбениң жумурини жувуп турмасаң, жабилип қалади.*

Жумурқа, жумуртқа – [Jumurqa, jumurtqa] – туркий сўз. Товуқнинг тухуми. *Жумурқани жесеңиз жең, жемесеңиз жаширайин, жатарда жесеңиз жилигиңиз жавланип, жутамаған жөрғадай жанбизимнан жилитип жамбашқанамда жатасиз! Жумуртқаға туз салип қайнатмайди галбарс, арчиғаннан сөң туз севип жейди!*

Жуп-жуплав – [Jup-juplav] – туркий сўз. Гап еткизмоқ, гап ташимоқ, оғизни гапга тайёрламоқ. *Вөниң леби жуп-жуплап хишти-хишқа қөшмайди!*

Жупқа – [Jupqa] – туркий сўз. Хамирни ўқловда юпқа қилиниб, қозонда икки томонини ағдариб ёки қиздирилган ёғда пиширилган юпқа пишириқ.

- *Кампир, жупқа қимасаң, мына таштай наниңа тишим вўтмеди!*
- *Вўткен жил беш кунник патирди памедурдей қип ғарчиллатип чайнағаниңизда мениң ғашим кегичеди, бу йил ниме бала бөлди, е мен тилла тиш қөйғанима сизем еркеленаяпсизма?!*

Журекли – [Jurekli] – туркий сўз. Қўрқмас, ботир. *Жиениң*

*журекли екен, ҳич ким бас кемеген, шӧ барзеңимен алишти. Журекли жигит, елдиң насибеси.*

Журт – [Jurt] – туркий сӯз. Муайян ҳудуд, юрт. *Ҳар кимге вӯзиниң журти яхши. Биревдиң журтидан е илим уйрен, е ҳӯнер уйрен, е ишлеп пул тапта, жийғаннариңди барип вӯзиңниң журтиңа ишлет! Март жигит ата журтиға имтилади!*

Жут – [Jut] – туркий сӯз. Қишнинг чиқишида баҳорнинг киришидаги қаттиқ совуқчилик, ерни муз қоплаши натижасидаги чорва очарчилиги, офат. *Сабаханаңди тӧлдир, ертен жуттием вӧйла!Ҳутмен, яхши кесем,*

*Кади-кади сутмен.*

*Жаман кесем жутмен,*

*Керегеде путман*

*(Сӧвуқда чӧрванингқирилиши натижасида девӧрдаги қӧзиқларгача гӯштларнинг мучаланиб ӧсиб қӯйилиши).*

Жутав – [Jutav] – туркий сӯз. Очарчиликка учрамоқ, оч қолмоқ. *Ел жутап, шибиркиниң уруғини тийирманнан вӯткезип нан қип жеген заманнардиям кӯрдик! Авқат пишкинче чидамай, тӯрт жумурқани жаширип қӧйибем, жутағир хамнайиға туз севип жутип қӧйипти!*

Жутим – [Jutim] – туркий сӯз. 1. Ютим, озиқ-овқат. *Уйиде бир жутим нани жӧқ, каттелиги кадиге сиймайди!* 2. Овқатнинг оддий шакли, қорин тӯйдирар. *Кампир ачман, бирен жутимиң барма?*

Жуттирув – [Jutturuv] – туркий сӯз. 1. Овқатни ёки суюқ нарсани юттирмоқ, томоғидан ӯтқиздирмоқ. *Балаң қизған бӧса, мина қизма дарини жуттир!* 2. Ютқазмоқ. *Ериң, қарта вӧйнап пулини жуттирғинча, бир қапча ун аса бӧйма?!*

Жуқ – [Juq] – туркий сӯз. 1. Қолган қолдиғи. *Табахта*

*жавдиң жуғини жала.* 2. Ярим ҳам бўлмаслик. *Қойған авқатиңиз жиғилданима жуғам бӧмади. Бу апкеген гуручиңиз, вӧ қазанға жуғам бӧмайди!*

Жуқа – [Juqa] – туркий сўз. 1. Қалин эмас, юпқа. *Сабзи турашқа жуқа пичақ яхши, барип пичағиңди апке.* 2. Нарсаси камроқ. *Қудасиға тана берейин десе, қӧли жуқа, шуниң учун шахли қӧшқарини берди.*

Жуғув, жуғушув – [Jug'uv, jug'ushuv] – туркий сўз. 1. Бир нарсанинг ранги иккинчи нарсага ўтиши. *Кўк жӧлаптиң раңи ақ майкеге жуғипти.* 2. Касалнинг юқиши. *Сари касел екен, касесини бўлек қил, жуғишмасин!* 3. Фойда, насип қилиш. *Биревдиң мали биревге жухмайди.*

Жуғумли – [Jug'umli] – туркий сўз. 1. Ўтадиган, юқумли. *Синғанман чиққаннан башқа, ҳамме касел жуғумли.* 2. Киришиб кетувчи, ҳамманинг кўнглини топувчи. *Жуғумли бӧсаң жайлашасан, жуғимсиз бӧсаң жӧғаласан! Жуғимли жигиттиң ашиғи алчи, жуғимсиз жаманниң ғабием аччи!*

Жуғундиқ – [Jug'undiq] – туркий сўз. Овқат қолдиғи ҳамда қозон-товоқларнинг ювиндиси. *Жуғиндиқти ийтлер жалап кетмесден сийирға бериңер, жесин! Елдиң жуғиндиғини жалап адам бӧғаннар, енди елди аяғиниң учиман кўрсетеди.*

Жўге – [Jo'ge] – туркий сўз. Бузоқ. *Жатасама, сийириң жўге тувипти. Жўге-жўгелерди енелериге қӧшип, сийирларди савайин, саңа ширбинич қип беремен!*

Жўги – [Jo'gi] – форсий сўз. Тиланиб юрадиган кишилар гуруҳи, махсус эл, элат, йога таълимотига амал қилувчи асли келиб чиқиши Ҳиндистонлик бўлган киши, лўли. А.Навоий «Садди Искандарий» асари (-Б. 272)да:

Филотунға юзланди ул ерга иш,
Ки жўгидин ўлғай анга сарзаниш, - дейди.

*Жўгиге вӧхшап арқаңа тӧрба кўтерместен, айнаңниң атини алда харжини хӧржинға сап барип, қудағийға айт, айнам ахшам куевлеп келеди жӧл бересиз екен де! Ҳазирги шароитда алма пиш, авзума туш деп уйде жатеберсең аштан вўлесен, белиңниң беш жайидан бувип Жўгиабатам бӧса барип, жўгиниң ешшегини сувғарда пулини ал! Жўгилер ҳавлиге кирди, қара, енеңди аллап, бӧхчасини халитип кетмесиннер!*

Жўйек – [Jo’yek] – форсий сўз. Сувни тўғирлаб тараш учун олинган қатор. *Қӧйған сувиң жўеке киргинче, мениң пиллем мўеке киреди.*

Жўкей – [Jo’key] – туркий, архаик сўз. Олифтачилик, каттачилик. *Бу ерге жўкейлик қима, жўкейлигиңди қишлағиңда қиласан.*

Жўмелек – [Jo’melek] – туркий сўз. Қизлар сочини ўриб, учига боғлайдиган мунчоқли соч боғи. *Жўмелек тағипсан, тағайиңдикке тӧйға барасама?*

Жўргек – [Jo’rgek] – туркий сўз. Чақалоқни ўрайдиган юмшоқ мато. *Чақалахти қатайғинча жўргеклеп кўтер. Униң жиланқилиғи жўргекликтен жабишқан адет.*

Жўргемлев – [Jo’rgemlev] – туркий сўз. Тўқимоқ, ўрмоқ. *Қӧшқардиң ичеклерини тазалап қӧйдим, қаринман қӧшип жўргемнеңер, қайнатип буғдай аш қилип берейин!*

Жўрме – [Jo’rme] - туркий сўз. Каштаниң игна билан майдалаб, нақш солиб тикиладиган махсус шакли. *Илгери илме тиккичеди, ҳазир илмени ҳич қим тикмейди, ҳазир қизлар жўрме тигедилер.*

Жўрме тақия – [Jo’rme taqiya] – туркий+форсий сўз. Гуллари жўрмалаб тикиладиган эркакларнинг бош кийими. *Жўрме тақияларди кийип тағайиңдикке жӧргалап қалдиң десем балдизи кеген екенда!*

Жўрте, жўртеге – [Jo’rte, jo’rtege] – туркий сўз. Ҳазиллашиб, ёлғондан. *Чимилдихтиң арқасида жўртеге вўзимди уйхуға салиб жаттим, куев қизди таң атқинча ухлатмади, кейинги ахшам мен жатмайман, ким жатмаса, шўл жатсин! Жўртеге ҳуңиремей, жиласаң тузув жила!*

Жўткирув, жўткиринув – [Jo’tkiruv, jo’tkirinuv] – туркий сўз. Онда-сонда йўталиб қўйиш. *Қатти жўтелме, ийт ҳабалайди, жўткирип қўйсаң, ешитип бирентаси чиғади. Вўзиң яхшилап гаплеш, шу мартеем жўл бериң, кейиңи марте харжиси қўйув бўлади, деб айтабер!*

## З

Зав – [Zav] – туркий сўз. Чуқурлик, жарлик. *Мына завдиң ичиге сав адам кирмейди.*

Зада бўлув – [Zada boluv] – форсий+туркий сўз. Юрак олдирмоқ. *Байқуш балам қайне таяқ жейе-жейе, шў уйге баришдан зада бўпти.*

Зайип – [Zayip] – арабча сўз. Аёл, заиф. *Алимтайдағи амеки зайибиман кеген екен, қўшқар сўйип зияпатти қўйув қип жўнеттик. Буниң вўзи вўтирикти сўғип, зайибини зағара нанға байлаған, дадар даңгесе!*

Закет – [Zaket] – арабча сўз. Ислом дини асосларида беш фарздан бири сифатидаги молу-мулк солиғи. Бухоро амирлиги шароитида чорва молларидан олинадиган солиқ. Закоти савойим – ҳар бош чорва молларидан олинадиган солиқ, закоти чакана – бозорга олиб чиқиб сотилаётган чорва молларидан бозорнинг ўзида олинадиган солиқ. *Баҳар келди дегинче закетчием пайда бўлади.*

Замат – [Zamat] – форсий сўз. Пайт, заҳот, замон. *Шу замат қизди кўрип ашиқ бўп қапти.*

Замбил – [Zambil] – арабча сўз. Замбил, носилка. *Вöттиз замбил тöпрақ тўшесең ҳавлиң текис бöлип қалади.*

Замбыр – [Zambir] – форсий сўз. Ари. *Вўзиңем замбырдиң инини қöзғап тайлапсан!*

Заминиге қалув – [Zaminige qaluv] – форсий+туркий сўз. Уволига қолмоқ. *Балдизини бир чалға берип, шӧғананиң заминиге қалди!*

Заргарени, заргарен – [Zargareni, zargaren] – форсий сўз. Рўмолнинг тури. *Заргарени вöрамалиңди жамилмасаң, сиңниңе сарпай қиб жибер!*

Зардали, залдари – [Zardali, zaldari] – форсий сўз. Ўрик. *Зардали пишипти, алдини мачитке териб жибер.*

Зарде бöлув – [Zarde boluv] – форсий+туркий сўз. Ошқозоннинг қайнаши. *Нанниң куйигини жеме, зарде қилади.*

Зардувал – [Zarduval] – форсий сўз. Деворга осиладиган нақшли мато. *Келинчектиң зардували жöғ екен.*

Зареӊ касе, зареӊ аяқ – [Zareng kase, zareng ayaq] – форсий+туркий сўз. Ёғочдан ишланган гулли коса. *Кампир, зареӊ аяқа чалап қуйип бер!*

Зарлиқ – [Zarliq] – форсий+туркий сўз. Муҳтожлик. *Вўзлери ҳар кимниң ешигиде зарлихман кун кўрип, қаригенлериде уллари табарман бöп, аталарыны атқа, енелерини ешшеке миндирип қöйғанлар!*

Зариллав – [Zarillav] – туркий сўз. Қаттиқ илтимос, илтижо, эланмоқ. *Зариллап-зариллап чечемнен бир табақ ун алдим!*

Зарчўбидей ишлев – [Zarcho'bidey ishlev] – форсий+туркий сўз. Тер тўкиб меҳнат қилмоқ, сарғайиб ишламоқ. *Мўекти жибек қиғинча зарчўбидей ишлеш керек!*

Зат-зурят – [Zat-zuryat] – Авлод-аждод. *Рассияда*

*жиребересеме, элга бар, зати-зурятиңди тани!*

Зая – [Zaya] – арабча сўз. Исроф, увол. *Шу пўмбахти зая қип, кўрпече қимай, каттенеме кўйлек қип берейик, тўйларда кийип, бизге дува берип жирсин!*

Заҳар-заққум – [Zahar-zaqqum] – форсий сўз. Оғу, заҳарнинг энг кучлиси. *Меннен жулиб жегениң заҳар-заққумиң бўсин!*

Зағара нан – [Zag'ara nan] – туркий+форсий сўз. Маккажўхори унидан ёпилган нон.

*Ишлеб жеген зағара, қарниңа жавдай жағара,*

*Ишлемей жеген зағара, зардап бўлиб ағара.*

Зебигарден – [Zebigarden] – форсий сўз. Олтин ёки кумушдан ясалиб, қиз-аёллар бўйнига тақадиган тақинчоқ. *Зебигардениңди уста қиғанма, е жўгилерден ағансаңарма?*

Зейил – [Zeyil] – форсий сўз. Раҳмсиз. *Зейил пейлиң бар, бир нерсе десем, жизиллап тармашасан.*

Зинжир, занжир – [Zinjir, zanjir] – форсий сўз. Занжир, темирдан қилинган ҳалқали арқон. *Буқаға зинжир байламасаңар бўшалип кетеди.*

Зиярат – [Ziyarat] – арабча сўз. 1. Ўтган авлиёлар ва яқин кишиларнинг қабрларини зиёрат қилиш. *Саңтўдаға барип, ҳазрети Имам Аскерени зиярат қимаған бўсаң, бекар барип, бўш кепсен!* 2. Яқин кишиларини кўриш, дийдорлашиш. *Қизилмазарға кебем, Тавашарғаям қайтип, Сизлердием бир зиярат қип кетей, дедим-да тағa!*

Зық бўлув – [Ziq boluv] – туркий сўз. Зерикмоқ. *Жата берип зық бўлдим, бир ағайиннардикини айналайин.*

Зўм – [Zom] – туркий сўз. Ўз билганидан қолмайдиган, бошқанинг фикрини инобатга олмайдиган, қўрс. *Зўмниқ қимай вўзиңнен каттениң габиге жирсең еди, жўрға ешшекти жандарға жегизмегичең!*

Зув-зув, зувиллав – [Zuv-zuv, zuvullav] – туркий сўз. Зув-зув югурмоқ, зувилламоқ. *Илгери чилик-дангел вӧйнап, қишлахтиң башидан адағиғачей зувиллағичек.*

Зувала – [Zuvala] – форсий сўз. Хамир қориб, нон ясашга тайёрлаш. *Хамириң кеген бӧса, зувала қил, жуз асин, бӧмаса гул уради.*

Зувуллатар – [Zuvullatar] – туркий сўз. Чилик ўйинида ютқазган ўйинчини зувиллатиб югуртиш ўйини. *Илгери тулувзир бӧмаса, бӧзбалалар ярим кечегечей қишлахти башиға кўтерип зувуллатар вӧйнағичедилер!*

Зувуна, зибина – [Zuvuna, zibina] – русча сўз. XX-асрнинг 50-60-йилларида звеновой бўлиб ишлаган киши. *Зувуна бабаңдиям чақир, уйимизге мейман кепти де!*

Зулп – [Zulp] – форсий сўз. 1. Зулф. *Зулпи кажек яриң бӧса, башқалар садқаи сариң бӧса!* 2. Туморчага осиб қўйиладиган узун мунчоқ. *Тумариңа асқан зулп чирайли екен.*

Зулпек – [Zulpek] – форсий сўз. Эшикнинг илгаги. *Кампир, зулпекти илдирдиңме, ярим кече бӧлди, жатип дамимизди алайиқ.*

Зураҳат – [Zurahat] – арабча сўз. Уруғ, авлод, ўзаро қариндошлик алоқаларига эга бўлмоқ. *Зураҳатта, авур куниңде қӧллап турди.*

## И

Иддаҳа – [Iddaha] – арабча сўз. Дўқ, пўписа, зарда. *Маңа иддаҳа қима, уйлентирген бӧсаң иниңди уйлентирипсен.*

Идде – [Idde] – арабча сўз. Муддат, аёллар учун (ажрашса 130 кун, эри ўлган бўлса – 100 кун). *Талақ сасаям идде вӧтирув керек, бӧйида ул гўдек бӧса талақ тушмейди!*

Идде байлатув – [Idde baylatuv] – арабча+туркий сўз. Бирор касаллик ёки яранинг тарқалиб кетмаслик мақсадида олдини олиш учун дуохон муллалар томонидан эм қилиш. *Ешан бабаға барип идде байлат, маларияям буға уйрениш бӧп қалди!*

Идирав, идрап кетув – [Idirav, idrap ketuv] – туркий сўз. Бирор нарсанинг тўзуви, титилиб кетиши. *Чапаниңиз идирап қапти, беқасам апкең, тигип берейин.*

Идиш, идиш аяқ, идиш табақ – [Idish, idish ayaq, idish tabaq] – туркий сўз. Муайян нарсаларни солишга, овқат тайёрлаб сузишга мўлжалланган хўжалик буюмлари. *Идишларди сувға тӧлдириб ал, ертен сув е келеди, е кемейди.*

Ижап, ижеп – [Ijap, ijep] – арабча сўз. Тасдиқлаш, розилик билдириш,  керакли нарса, никоҳ. «Ийжоб» аслида арабча сўз бўлиб, қиз томоннинг розилиги ва куёв томоннинг барча мажбуриятларни ўз зиммасига олиб, «қабул қилиши». *Улиңа айт, ижап қиғинча келинчегимен учрашмай турсин! Қуймағини берсек еди, сӧң ижапқа тайяргарлик кўргичек.*

Избыр – [Izbir] – русча сўз. Зовур, дренаж. *Бабаң избырдиң башиға қӧй ҳайдап кетти.*

Изейлев, изерлев, ийелев, бийделев – [Izeylev, izerlev, iyelev, biydelev] – туркий сўз. Бирор нарса деп йўлдан урмоқ ёки йўлга солмоқ. *Хатини ерини изейлеп-изейлеп алдиға сап атасиникиге ап кетти. Кўп ийелеме, барибир кўйлек алишиңа пул бермеймен. Хатини жалмавуз екен, бийделеп ерини ағайинға қӧшмай қӧйди.*

Иззи-чув – [Izzi-chuv] – туркий сўз. Шовқин-сурон. *Таңатарда қишлақ иззи-чув бӧп кетти, жандар араладима?!*

Изғип – [Izg'ip] – туркий сўз. Айланиб юриб. *Изғиб-изғиб яна қайтип атасиникиге келди.*

Ийек – [Iyek] – туркий сўз. Икки жағнинг пастки қўшилган қисми. *Малим уришса, мен жерге қарасам, малим ийегимнен кўтерип қойғичеди, кўзим саңа тушип кулип жиберсем, малим тўбелеп тийишкичеди!*

Ийек қағув – [Iyek qag'uv] – туркий сўз. Имламоқ, ёки бошқанинг гапини боши билан тасдиқламоқ. *Ким ниме десе, иегиңди қағип тасдиқламай, вўзиңем бирен-нерсе де!*

Ийек суйев – [Iyek suyev] – туркий сўз. Бошқага ишонмоқ, орқа қилмоқ, ёрдамини кутмоқ. *Айнаңа ийек суемей, куректи алда ағилди куре!*

Ийеклев – [Iyeklev] – туркий сўз. Жони узилган одамнинг иягини боғлап қўймоқ.

Ийзев, ийзелев – [Iyzev, iyzelev] – туркий сўз. Мижғиламоқ, эзмоқ, у ёқ, бу ёққа қимиллатмоқ, силкитмоқ. *Салгене песе пистени қолиңманам ийзелеп, тазалап аласан. Ат башини ийзелеп жугенди сағали қоймади.*

Ийин, ийни – [Iyin, iyni] – туркий сўз. Елка. *Қапти ийниңе кўтериб ал!*

Ийинтирмишлав – [Iyintirmishlav] – туркий сўз. Елкасида ниманидир кўтармоқ. *Айнаң ийинтирмишлап бир қапчани ап ҳавлиден чиғибеди, тийирманға кетти шекилли.*

Ийирим, ийиримли – [Iyirim, iyirimli] – туркий сўз. Оқар сувнинг энг чуқўр айлана(ли) жойи, гирдоб. *Дайраниң гурум жайи ийирим болади. Ийиримде чомилма, тартип кетеди! Каллең ийиримли екен, еки хатин аласама, ниме бала?!*

Ийис – [Iyis] – туркий сўз. 1. Ҳид. -*Келинчеклигиңде жаңа пишген ҳанделектиң ийисидей, ийискенең бар еди, кампир?! – Вонда ағил куремегичем, тапик қимағичем, сизге тийип бар ийислеримем исқатиға кетти, чал!* 2.

Марҳумларниң руҳини эслаб, қилинадиган садақа. *Бугун қишлақта тўрт жерде ийис бар, биз ертен қилайиқ!*

Ийық – [Iyiq] – туркий сўз. Эгарнинг бўйинга яқин қисми. *Илгери ийыққа нақш вөйилғичеди.*

Ийықлав – [Iyiqlav] – туркий сўз. Эшакнинг бўйнига хала-таёқни ниқтамоқ. *Ешегиңди ийықлаб ҳайдамасаң Ҳасенабатқа намашамғачей жеталмаймиз.*

Ийлев – [Iylev] – туркий сўз. Терини ошламоқ. *Териниң тешиги жөғ екен, яхшилап ийлесең, масси тигип беремен.*

Ийменув – [Iymenuv] – туркий сўз. Тортинмоқ, уялмоқ. *Ҳавлиде ийменип турмай, уйге кирип қайне-қайнатаңман кўриш!*

Ийне вўткезер – [Iyne vo’tkezer] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куев томонидан аёлларнинг бири куёвнинг тўнига орқа томонидан ипли игнани ушбу жараёнда душман тутинган томондан килиниши эҳтимол тутинган иримларни кесиш учун ўтказиб туради. *Ийне вўткезерди куевдинг апаси е сиңниси қилиши керек!*

Ийнек, инек – [Iynek, inek] – туркий сўз. Сигир. *Ийнекти савсаң сав, савмасаң бузавуни қөшиб ал!* Ушбу сўз умумтуркий бўлиб, Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида, (Малов, 1951, 381, Айдаров, 1971, 358, Маҳмуд Қошғарийнинг Девону-луғотит-турк асарининг 3-том, 100 бетида, шунингдек, А.Навоий асарларида учрайди.

Ийрим – [Iyrim] – туркий сўз. Оқар сувниң чуқур ери, айланаси, гирдоб. *Дайраға чөмилсаңарам ийримға қарап сузмеңер!*

Ийтерув – [Iyteruv] – туркий сўз. Силжитмоқ, қўзғатмоқ, итармоқ. *Авур нерсени кўп ийтерме, майип бөласан! Ийтергилемей саз жатиң, дувалға тиғилип қалдим!*

Ийт жалақ – [Iyt jalaq] – туркий сўз. Ит овқатланадиган

идиш. *Ийт жалағидаги жуғиндиқа қанаат қимай, кўмген суеклерини чиғарип камирип жатир!*

Ийт ириллар, ийт қабар – [Iyt irillar, iyt qabar] – туркий сўз. Никоҳ маросимида келин томондан бир бола, ириллаб куёвни келин ўтирган уйга киргани қўймайди. Шунда куёв томондан тайёрланган махсус сарпо-қадени бергандан сўнг, йўл берилади. *Ийт ириллар қадесини бермесеңер, ириллап сенерди киргели қөймайди, рази қилип кейин кириңер!*

Ийт кўйлек – [Iyt ko'ylek] – туркий сўз. Янги туғилган чақалоққа кийгизиладиган дастлабки кўйлак. *Ийт кўйлекти тигип бөған бөсаң, аввел вузимизниң алапар ийттинг башиға уч марте, сөң авур ташқа уч марте кийгизиб апке, сөң чақалақа кийгизейик!*

Ийув – [Iyuv] – туркий сўз. 1. Қишшайтмоқ, майиштирмоқ. *Алчаниң шахини кўп иймеңер, синдирасаңар!* 2. Бошни эгмоқ. *Душманға башиңди ийсең, бөйниңнан қилич салади!* 3. Кўнгли очилмоқ, эримоқ. *Чечең ийип кетиптику, бир нан десем, еки нанман, бир табақ авқат жиберипти!* 4. Соғиладиган ҳайвонларнинг ийиши учун, боласини қўшип, кейин соғишда кўп сут бериши. *Алдин бузавди қөш, сөң сийир ийеди!*

Илаң, лаң – [Ilang, lang] – туркий сўз. Оммавий тарқалган юқумли касаллик, эпидемия. *Қишлахта илаң бар, ҳамме тумав, чақалағиңди такит қил!*

Илаҳиде, илаҳикиде – [Ilahide, ilahikide] – арабча+туркий сўз. Яратгандан қилган гуноҳлари учун бировга ёмонлик тилаш. *Илаҳиде, шө вөғириниң уйи куйип, вөғирлаған қөйи вузиге қирқ худайи бөсин!*

Илгек – [Ilgek] – туркий сўз. Тўғноғич, қистиргич, игнақадоқ. *Илгекти жағаңа илмесең, кўкрегиң кўринип жатир.*

Илгич – [Ilgich] – туркий сўз. Илгари рўзғорнинг ичига бирор нарса солиб қўйиладиган буюми, ҳозир келинлар уйининг безаги. *Илгичлерди асип, чайди чайхалтаға, идиш-аяхти табақлавға салип қўйиңар!*

Илев – [Ilev] – туркий сўз. 1. Унга сув, сут ёки ёғ қушип қоримоқ. *Кештеңди қойда, хамир илеп патир қил, табада пиширип аламиз.* 2. Терини юмшатиш учун қатиқ, айрон ва бошқа ачитқилар воситасида иламоқ. *Шу буқаниң терисини илеп супра қимасам, супрам кўнерди! Яхши хатин илесе, тери ултан бўлади, ери султан бўлади, жаман хатин илесе, териниң тиззеси жиртиқ, ериниң кисеси жиртиқ бўлади!*

Иллети – [Illeti] – арабча сўз. Касалга чалинган. *Иллети сийириңди базар апарип бир мусурманди қахшатқиниңча, сўйип сат!*

Илмек – [Ilmek] – туркий сўз. Йўғон ип ёки арғамчини илиш ёки боғлаш учун учини айлана қилиб тугиш. *Жибиңниң учини илмек қисаң, кўртуйун бўмайди.*

Илувли – [Iluvli] – туркий сўз. Осилган. *Қазиқа илувли куев чапаниңди алип қағатипсан, бугун ахшам куевлейсеме, балам!*

Илҳақ бўлув – [Ilhaq boluv] – арабча+туркий сўз. Кўзлари тўрт бўлиб кутмоқ, умид қилмоқ. *Улим Рассиядан келеди деп, улиға илҳақ бўлди байқуш кампир!*

Имдат – [Imdat] – арабча сўз. Ишора, буйруқ. *Ериден имдат бўлди шекилде, ашиғишлап ериниң алдиға кирип кетти!*

Имлав – [Imlav] – туркий сўз. Айтмоқчи бўлган гапини овоз чиқармасдан имо-ишора билан тушунтирмоқ ёки имо-ишора билан ёнига чақирмоқ. *Дўси имлап жамбашиға чақириб алди, мен қап кеттим.*

Имтилув – [Imtiluv] – туркий сўз. Илгари ҳаракат қилмоқ,

интилмоқ. *Имтилғанда тай вӧзар, чиннашқанда ат вӧзар.*

Иңиллав – [Ingillav] – туркий сўз. Йиғлоқилик, ором оломаслик, асосан ёш болаларга нисбатан ишлатилади. *Бешике бўлебем иңиллап ухлади, бирен жайи авриймa?!*

Ини – [Ini] – туркий сўз. Ука. *Кичене иниң, тӧри тарланима ашиқ, базарға чиғариштан алдин бир алдидан вўтейин дебем.*

Индемес – [Indemes] – туркий сўз. Жим юрадиган, камгап киши. *Индемес айнаңа вӧхшамай, даврени кулдирип вӧтирмайсама?!*

Иппадрӧм – [Ippadrom] – юнонча сўз. Отларнинг машқ ўтказиши ва от пойгалари учун мўлжалланган майдон. *Лақайи атлар Ташкенту Маскванинг иппадрӧмларидағи мусабақаларда қатнашип, алдинғи вӧриннарди аған.*

Ирақи тақия – [Iraqi taqiya] – арача+форсий сўз. Дўппи тикишнинг ироқи тури. *Иргеңде ирғалип жатмай, ирақи тақияңди кий, тӧйға барип қулли бӧсин қип келейик!*

Ирге – [Irge] – туркий сўз. Бўсаға, уй. *Ағайин турғанда башиңди бегананиң иргесиге урма!*

Ирге кўтерер – [Irge ko'terer] – туркий сўз. Қизни узатиш маросими. Илгари лақайларда фарзанд уйлантириш маросимлари тўрт босқичдан (фотиҳа, никоҳ, чимилдиқ, ирге кўтерер) иборат эди. Йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларидан сўнг ушбу маросим икки босқичли (фотиҳа, никоҳ) шаклда мустаҳкам қарор топди. *Илгери ирге кўтереригеем ҳам тӧй, ҳам қӧй бергичеди!*

Иргейли – [Irgeyli] – туркий, архаик сўз. Пакана. *Мейман иргейли екен, атқа кўтерип миндирдилер.*

Ирев, рев – [Irev, rev] – туркий сўз. Сутумлар устига ёки деворлар устига ётқизиладиган йўғон ёғоч, тахта. *Ашхананиңг иреви енкейипти, ҳаччемен кўтерип вӧртаға*

*сутум қőйиңгар!*

Иржайув – [Irjayuv] – туркий сўз. Кинояли кулимсираш. *Иржайма, иржайтирип қőяман!*

Иржаңлав – [Irganglav] – туркий сўз. Ҳаёсизларча кулмоқ. *Иржаңлаб уялмайсама, бизди ҳурмет қимасаңам, вўзиңди ҳурмет қил!*

Ирзалашув – [Irzalashuv] – форсий+туркий сўз. Розилашмоқ, касал одам билан видолашмоқ. *Апайман ирзалаштим, ийман ата қисин, байқуш чарчап қапти.*

Ирик – [Irik] – туркий сўз. 1. Ҳўл нарсанинг айниши, ириши. *Сўкирчектиң астидағи қавун ирип қапти.* 2. Катта, йирик. *Мейманнарға шапталиниң ирик-иригиден тер! Ирик-ирик набатларди лагенге майдалап сал!*

Ирим – [Irim] – туркий сўз. Нимадир бўлишини сезиб, олдини олиш мақсадида қилинадиган ҳаракат, ёки кўриладиган чора, ўзини тийиш. Илгари лақайларда аёл бола туўиш жараёнида қийналса, эркак томонидан уч марта осмонга милтиқ отиш ирими бўлиб, бу билан ёвуз руҳлар қўрқитилган. Шунингдек, оилада ўғил туғилса, милтиқ отиб, қиз туғилса дойра чалиб, элга маълум қилишганлар. *Вőл бугун ирим қип, мағзаба тўкмейди. Ирим қип, тавуқ сőйип чирақ жахтирип жири!*

Иримсилав – [Irimsilav] – туркий сўз. Илгари чақалоққа иткўйлак қилиниб, бу кўйлакни бошқа оилалардан, яъни боласи турмайдиган оилалардан сўраб келишса, иримсилаб беришмаган. Бундай иримсиламоқ айни пайтдаям учрайди.

Ириң – [Iring] – туркий сўз. 1. Яранинг чириши натижасида пайдо бўладиган оқ суюқлик. *Ириңини чиғар, жараң қатсин тез тузеледи.* 2. Йиғлоқи бола. *Ириң екенсен, кўзиңнен ириңиң ағип дайим жилаб жиресен.*

Иритки – [Iritki] – туркий сўз. Ачитқи. *Иритки қатиқ*

*сутти иритип, қатиқ қиғанидай, иритки хатин ерди иритиб, вўз жўлиға сап кетеди!*

Иркиллев – [Irkillev] – туркий сўз. Семириб суяги кўринмаслик, сезилмаслик. *Қўтанда ҳар сийир жатир, иркиллейди!*

Ирғав, ирғатув – [Irg'av, irg'atuv] – туркий сўз. Секин тебратмоқ, майин қимирлатмоқ. А.Навоий "Хамса" асаридаги "Сабъаи сайёр" достони (-Б. 38) да:Анда Ануширвон керак боққай,

Бошини ирғатиб овуч қоққай, деб ишлатган.

*Енең сийир савғинча бешикти ирғап тур! Укең жилаятир, бешигини ирғап вӧтир, мен сийирди савуп келейин.*

Ирғай – [Irg'ay] – туркий сўз. Ингичка бақувват қизил қобиқли дарахтсимон ўсимлик.

*Ирғай асӧларга айланди гарчи,*
*Ёвқур йигитларинг қўлидаги туғ.*
*Лақай, тулпӧрларинг кишнайди мангу*
*Ҳисӧр тӧғларидек, мангудир бу руҳ (Асқар Маҳкам).*

Ирғалаб урув – [Irg'ilab uruv] – туркий сўз. Ниқтаб урмоқ.

*Ати келди жӧрғалап,*
*Қани келди шӧрғалап.*
*Қайси душман урипти*
*Найза минан ирғалап.*
*(Афғӧнистӧнлик лақайлар термаларидан)*

Ирғалув – [Irg'aluv] – туркий сўз. Майин тебранмоқ. *Қайнеси қувурмани урип, тўрт қабат кўрпечениң устиде ирғалипқана вӧтири.*

Ирғишлав – [Irg'ishlav] – туркий сўз. Сакраб ўйнамоқ. *Ирғишламай саз тур!*

Ирғув – [Irg'uv] – туркий сўз. Сакрамоқ. *Кўп ирғима,*

*чарчап қаласан, ирғишам еби минен-да!*

Исирип – [Isirip] – арабча сўз. Исроф. *Ишлеген пулиниям бир айди исирип қилип, чайип чатиға урип, булгап путиға урип тамамлади.*

Искев – [Iskev] – туркий сўз. Ҳидламоқ. Искади сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотут турк” асари (Т.1. – Б. 281)да ҳам мавжуд. *Жийдениң гулини кўп искеме, ийисиден мас бөлип, башқа гуллерди искеялмай қаласан!*

Испент – [Ispent] – форсий сўз. Исириқ. *Чалиңа тумав тийген бөса, ешик-тешикти жапта қөйув қип испент дутет!*

Исперек – [Isperek] – туркий сўз. Қалампиргул.

*Уйдиң арти исперек,*
*Испереке сув керек.*
*Алчаңнаған айнама –*
*Жең тайлаған қиз керек.*

Иссихлиқ чиғув – [Issikhliq chig'uv] – туркий сўз. Баданнинг қаттиқ терлаб шамоллаганда танада пайдо бўладиган қичималар. *Тенеңди иссихлиқ басип кетипти, таң атқинча қөш қөллап тирнап чихтиң.*

Иссихлиқ қилув – [Issikhliq qiluv] – туркий сўз. Мижози иссиқлик килмоқ. *Ул баланиң мижези иссих бөлади, табистанда қөй жавди кўп бепеберме, иссихлиқ қимасин!*

Исқат – [Isqat] – арабча сўз. Марҳумнинг гуноҳининг кечирилишини яратгандан сўраш учун жаноза маросимида тарқатиладиган пул, нарса, мато. *Исқатиға атаған пулиға ули Истамбул учип кетипти.*

Ичкери – [Ichkeri] – туркий сўз. Уйнинг ичкари қисми. *Кампир, ичкериге кир, ишим бар!*

Ичкирне – [Ichkirne] – туркий сўз. Сир бермайдиган, барча гап-сўзни ичида сақлайдиган, арзимас нарсага ҳам

хафа бўлувчи киши. *Ашнаң ичкирне екен, пишегини пиш дебем, димағи шишип, салем берсем алик амайди!*

Ичкуйер – [Ichkuyer] – туркий сўз. Жонкуяр, ичи ачишувчи. *Бу ерде буниң баши авруғанда жулма аш қип бергидей ичкуйери бӧмаса! Қаригенде адамниң бир ичкуери бӧмаса бекар екен.*

Иширув – [Ishiruv] – туркий сўз. 1. Тўпламоқ. *Чӧхти ишир, чапетиниң жузи қизарсин. Биревдиң қӧлиминан вӧт иширувчи бӧма!* 2. Жўнатмоқ, оширмоқ. *Келинниң қӧли қалп екен, ҳапта сайин жемишти туйуннеп атасиникиге иширеди.*

Иштареп – [Ishtarep] – русча сўз. Жарима, штраф. *Калхӧздиң жӧңишқапаясиға қӧй бахмаңар, иштареп қилади.*

Иштириқ – [Ishtiriq] – туркий сўз. Шалвар ёки иштоннинг белга қапишип турадиган, боғланадиган жойи. *Ашихлариңди иштириғиңа жашириб, қӧйларди ағилға қамап, кечкечей қаерде ашиқ вӧйин вӧйнап жирипсен?*

Ишқирув – [Ishqiruv] – туркий сўз. Бармоқлари ёрдамида ёки ҳеч нарсасиз ҳуштак чалмоқ. *Атим уйретилген, ишқирсам қаерде бӧса келеди!*

Иқ – [Iq] – туркий сўз. Шамол тегмайдиган диққинафас жой. *Иққа тўшенчи самаңар, талдиң астиға сал, шамалда жадирап вӧтирайиқ.*

## К

Каврекленув –[Kavreklenuv] – туркий сўз. Бир хил ҳолатга келмоқ, озиб узунчоқ бўлмоқ, руҳи тушмоқ. *Тағайиңам авруп вўзиге келалмай каврекленип қапти!*

Кавуш – [Kavush] – форсий сўз. Туфли, ковуш. *Атаң Рассиядан кесе, базарға апарип баш-башиңа кавуш ап*

*береди.*

Каврек – [Kavrek] – туркий сўз. Тоғ ва адирларда ўсадиган ичи ковак йўғон ўсимлик. *Каврек терип келиңер, қўйларға қўра қилайиқ.*

Каврек капе – [Kavrek kape] – туркий сўз. Атрофи ва устига каврак териб қилинган капа. *Амекиниң каврек капесиде вўтирип гўш жедик.*

Кавул – [Kavul] – туркий сўз. Тоғ ва адирда ўсиб, дастлаб чиққанда еса бўладиган ўсимлик, каврекнинг бошланғич ҳолати. *Ким кавул жеп кеп, уйди саситип тайлади?!*

Кавшев – [Kavshev] – туркий сўз. Кавш қайтармоқ. *Аттиң авзидан сувлиғини ал, кавшуп жатсин жанувар!*

Кайвўни – [Kayvo'ni] – форсий сўз. Ақлли, фаросатли, ҳамма иш қўлидан келадиган, даврани бошқарувчи уддабурон аёл. *Хатиниң кайвўни бўса, жамбашлап, қаринди қашип жеб-жатасан, дангесе бўса агер, бириң-еки бўмай, шўриң қурийди!*

Какеш – [Kakesh] – туркий сўз. Тили чучук. *Бараман де, баяман десең, ҳамме сени какеш екен деп куледи!*

Какирик – [Kakirik] – туркий сўз. Ошқозондан бўлиниб, оғиз орқали ичдан чиқадиган ҳаво. *Кўп какирме, башқалардиң иштаҳасини бувасан!*

Какирув – [Kakiruv] – туркий сўз. Оғиз орқали ошқозондан чиқадиган ҳаво. *Ашқазаниниң мазаси жўқ адам кўп какиреди.*

Какул, какулли – [Kakul, kakulli] – форсий сўз. Ёш болаларнинг бошининг тепа қисми ёки бўйнига қўйиладиган бир тутам соч, какул. *Атаси Рассиядан кесе, бабалари жийилса неберемди Чилучўр чашмаға апариб, аталған бир жаннихти сўйип, какулини алдирғичем! Мина какулли қизчаниң какуллери чирайли екен!*

Калеке – [Kaleke] – туркий сўз. Масхара. *Елге калеке бўмасдан, авзуңа қарап гапирсең бўйма?!*

Калимегуй – [Kalimeguy] – арабча+форсча сўз. Жони чиқаётган одамнинг калимасини айтиб турувчи киши. *Самарқанттиң сатини,*

*Басип тиктим четини.*

*Калимегуйге самасин –*

*Ашихлихтиң бетини.*

Калле-пая – [Kalle-paya] – форсий сўз. Тинимсиз ҳаракатда бўлмоқ, шошмоқ. *Айнаң келин туширемен деп калле-пая, печкениң кўтиде жамбашлап жатмай бир желкесиден кўтерсеңер, ағайиндики ағайинға куймейди!*

Каллеклев - [Kalleklev] – форсий сўз. Дарахтларнинг шохларини тагиден кесмоқ, бутамоқ. *Пиллеге барг керек бўса, тутларди каллеклеп кесиңер.*

Каллиграф – [Kalligraf] – юнонча сўз. Чиройли ёзув устаси. *Ҳабибулла аке Қуръанди бир-нече марте чирайли кўчирген, лақайдан чиққан зўр каллиграф-да!*

Калпең – [Kalpeng] – туркий сўз. Анқов. *Ана калпеңге вўзиң тушунтир.*

Калтежўтел – [Kaltejo'tel] – форсий+туркий сўз. Тез-тез йўталиб турмоқ. *Буниң калтежўтели қишта яна кўбееди!*

Калтече – [Kalteche] – форсий сўз. Кўйлакнинг устидан кийиладиган енги йўқ, пахтали енгил, калта кийим, жикет. *Калтечеңди кий, ешик шамал!*

Камер – [Kamer] – форсий сўз. Сойнинг ингичка жойи, икки тепалик орасидаги қисқа жой, тепалик ёки тоғнинг бели. *Салқин-салқинда қўйларди камерге қамап, ушлап жунини алабермесеңер, иссихта куйип қаладилар!*

Камзул – [Kamzul] – русча сўз. Асосан аёлларнинг қалинроқ матодан тикилган устки кийими. *Илгери бахмал*

*камзуллер бўғичеди кийип қишларда намазлағичек, ҳазир вўндейинди қизлар киймейди!*

Ками-тум – [Kamitum] – форсий сўз. Бир оз, кам-кўст. *Ками-тум буғдайи бар екен, шўни еплеп вўтирилар.*

Кампир авуз – [Kampir avuz] – форсий+туркий сўз. Бир гапни эзип-чайнаб, бир-неча марта такрорлайдиган киши. *Кампир авуз екенсен, бир гаптиң арқасидан суриб жиресеме, айтти – кеттида!*

Кампир вўлди – [Kampir vo'ldi] – форсий+туркий сўз. Никоҳ маросимида келин томондан бир кампир ўзини чўзиб, куёв томондан аталган сапро – қадесини олгунча ётиб, сўнг сарпо берилиб рози қилингач «тирилиб», икки ёшга дуо беради. *Кампир вўлдисиге бир кийимлик матириял минан, бир вўрамал сасаңар бўлади, тириле бермесе бир-еки сўм пулам бересеңер!*

Кампир харжи – [Kampir kharji] – форсий сўз. Никоҳ маросимида иштирокчи кампирларга тақсимлаб бериладиган мато. *Кампир харжидан кемеген кампирлердиңем ҳақларини қўйиңар, ертен жиберсек дува бередилер!*

Кандик – [Kandik] – форсий сўз. Қовун, тарвуз, узум ва бошқа дарахтларни суғориш учун чуқуррок қилиб қазилган арик, хандақ. *Қавунниң кандигини теппесең, ҳадемей палеклеп кетсе, кандик тевип бўмайди.*

Кандир, ташкандир – [Kandir, tashkandir] – туркий сўз. Қобиғидан ип эшилиб, мато тўқиладиган ўсимлик. *Кандирден сабақ ешип, масси тиктим. Кандирден тўқилган шайи ташкандир бўпти, адрани жиртип бўмайди.*

Канедей – [Kanedey] – форсий+туркий сўз. Кичкина, канага ўхшаб ёпишқоқ. *Вўзи канедейгене бўп, сутти кўрсе канедей жабышады! Канедей бўп жабышмай, кун бериң!*

Канеп – [Kanep] – лотинча сўз. Бир йиллик ўсимлик бўлиб, поясидан ип олинади. *Канеп жиппен хӧржиниңиздиң жиртиғини тигип бермесем, маңа аталған харжи Ақгазениң кўтелиде, қулағини ушлап қалип кете бермесин!*

Канширик – [Kanshirik] – туркий сўз. Мол нўхтасининг бурун устида турувчи қисми. *Нӧхтаниң канширигини милайим қип тикмесем, бузавимнинг бурнини қийип тайлайди!*

Капе – [Kape] – туркий сўз. Атрофи ва усти қамиш ва ўт-ўланлардан ёпилган уй. *Қавуннинг башиға капе қуриңар, қавунға жайра тайлатаятир!* Капелар бир-неча хил бўлади. 1. Чўмкапе. Қамишдан қилинган айлана капа. 2. Каврек капе. Атрофи каврак билан қуршалган капа. 3. Қиршав. Чўмкапенинг устки қисми.

Капелев – [Kapelev] – туркий сўз. Қуюқ овқат ёки емишни тагидан олиб ёки тагидан тумшуғини тиқиб ейиш, овқатни паққос тушириш. *Ҳазиргене ат жемини капелеп жеятибеди! Ел жийилғинча ашти капелеп урип қӧйипсаңар-ку!*

Капер иссиқ – [Kaper issiq] – туркий сўз. Мижози жуда иссиқ. *Умач аш капер иссиқ бӧлади, ичме жахмай турмасин яна!*

Капер сувуқ – [Kaper suvuq] – туркий сўз. Роса, жуда совуқ. *Маш капер сувуқ бӧлади.*

Капсен – [Kapsen] – форсий сўз. Деҳқончиликдан йиғилган ҳосилнинг кичик бир қисмини хирмон бошига келган кишига ёки муҳтож оилаларга садақа сифатида бериш. *Амеки, шалидан капсен бӧлама, я билтирғи буғдайдан капсен қулағини ушлап башқаларға кетип қалама?!*

Кар салув – [Kar saluv] – форсий+туркий сўз. Эшитиб

эшитмасликка олмоқ. *Кар самай бир айтқан гапти салқинда қимайсама, тал туште сам-самнамай жиргинче!*

Караҳат – [Karahat] – форсий сўз. Фойда. *Каселге қувурмаям караҳат қимайди!*

Карбӧс – [Karbos] – форсий сўз. Зиғирдан тўқилип, кандирга ўхшаш мато. *Атам базардан шайи карбӧс ап кебеди, пайтаба қиса аяғида турмапти, мен алип қурчағима кўйлек қилдим.*

Карде – [Karde] – туркий сўз. Қизга бериладиган қалин. *Кардесини берип бӧған бӧсаң, келиниңди тилейбер, анамина дегинче ай тӧлишади.*

Каревут, манжа – [Karevut, manja] – русча+туркий сўз. Ердан кўтариб қилинган тахта супа. *Мейманнарға манжаға жай самасаң, уй иссиқ, пашша талайди.*

Кармек – [Karmek] – туркий сўз. Бодомнинг томири, ранги қаровут-қизил бўлиб, этик, масси, мўкки ва бошқа нарсалар тайёрлаш учун хом терини ошлаш воситаси.

Карсентабақ – [Karsentabaq] – туркий сўз. Одатдаги тавақлардан улканроқ бўлган ёғоч, алюмин ёки сирли товоқ. *Карсентабақти ҳамсая ап кетибеди, апкеп тезрек хамирди иле, пиширип ағинингча кун кеч бӧлади!*

Касе-пара – [Kase-para] – форсий сўз. Идиш-товоқларнинг тартибсиз ётиши, синиши. *Келини махтағидай емес, қачан барсаң идиш-аяқлари касе-пара бӧп жатади.*

Касегул – [Kasegul] – форсий сўз. Дастурхонни бошқарувчи киши. *Касегул сўз бермесе қайтип гапирейик.*

Касирет – [Kasiret] – арабча сўз. Ёмон одамнинг салбий хислати, қозонга яқин юрсанг куяси юқади, маъносида. *Хуб адамман шерик бӧпсан, вӧ касапаттиң касиретиге учип уйиңниң жӧлини табалмай қама, тағин!*

Катапа, каттапа – [Katapa, kattapa] – туркий сўз. Хола,

амма. *Катапаңдикке барип, келини апке, буйдай туйип, буғдай аш қип ачейик!*

Катекен – [Kateken] – туркий сўз. Катта, ёши улкан. *Катапамниң катекен ули Куйкенектен жер алип кади тиккен екен бир қаби-хўржин жиберипти, бал татийди!*

Кателек – [Katelek] – туркий сўз. Ичи чуқур, асосан сув ичишга мўлжалланган хўжалик буюми (кателок). *Бир кателек ях сув апке, ичейин!*

Кателектей уй – [Katelektey uy] – туркий сўз. Кичкина уй. *Кателектей уйимниң қаериге келин тушрей, авел уй сасиннар, келинди кейин тилесиннер!*

Каттеене – [Katteene]– туркий сўз. Ота ёки онанинг онаси, момо. *Каттеенең берген хумкадини айран тартқич куби қип, тавға кўчкенде тағайиңниң тайиға артибек, тай тавдан жумалап вўлди, куби синди, набити тай, кубиме ичим куеди!*

Каттерхат – [Katterkhat] – туркий+арабча сўз. 1. Бир чизиқли дафтар. *Бир каттерхат бер, мен саңа бир майдахат беремен!* 2. Ошиқ ўйиннинг бир тури. *Мен жеди вўйнамайман, каттерхат вўйнайман.*

Каш-кашлев – [Kash-kashlev] – форсий+туркий сўз. Тортишмоқ, тортқиламоқ. *Куев жўлдашлар паяндазди каш-кашлеп қавун палеклердием тепкилеп тайладилар. Қизи тушмегир каш-кашлеп вўрамалимди туширип, жеңгелердиң алдида жалаңбашлап тайлади.*

Кашер – [Kasher] – туркий сўз. Чорва молларининг қишлаши учун шароит яратилган жой. *Илгери кашерлерди дарилегичеди, маллар канелемегичеди, енди дари камейгенге канелерге худа берди!*

Кейин – [Keyin] – туркий сўз. Сўнг. *Авел ауқат жейик, қаған ишти қараңа тушкендеем, қилаберсек, бўлади.*

*Жийреңе сал дам берейик, кейин жўнеймиз, жийрен қараңадаям жӧлини табади!*

Кейинирек – [Keyinirek] – туркий сўз. 1. Сал сўнгроқ. *Бу ишти кейинирек яна давам етемиз!* 2. Сал орқада. *Бирге келатибек, алле бизиң атлар вӧзди, алле вӧлардикиниң туяғи тӧзди, келинчегимен пичирлашип кейиниректе қалдилар!*

Кейинчеклеп жирув – [Keyincheklep jiruv] – туркий сўз. Орқаси билан юрмоқ. *Бекке қуллиқ қилип, кейинчеклеп жирип чиғип кетти!*

Кек алув – [Kek aluv] – туркий сўз. Олдинги аламлари учун ҳисобни тенглаштирмоқ. *Қайнеӊ кек алип тӧйда байқушти талади!*

Кекешув – [Kekeshuv] – туркий сўз. Бировга нисбатан баҳсини, норозилигини ўз ҳаракатлари билан ифода этмоқ, кек сақламоқ, акслик қилмоқ. *Маңа кекешип пиялани майдаласа, саңа кекешип чайнекти майдаласа, ниме бала, вӧға бир авуз гап гапирип бӧлама, е бӧмайма?!*

Кеккейув – [Kekkeyuv] – туркий сўз. Аразлаш, писанд қилмаслик. *Кеккейдигул, кеккеймей вӧчақа вӧтти ишир, чечеӊ ертерек сутти пиширсин!*

Келағай – [Kelag'ay] – туркий сўз. Келақол. *Намашам бӧлди, келағай енди!*

Келбет, келбетли – [Kelbet, kelbetli] – форсий+туркий сўз. Тузилиш, гавда, кўринишли. *Бир адамман жӧлдаш бӧғинки, келбети вўзиңе вӧхшасаям, ақли маңа вӧхшасин! Палван келбетли бир бӧзбала ат чаптирип вўтип кетти!*

Келгинди – [Kelgindi] – туркий сўз. Бу ерлик эмас, қаердандир келип қолган. *Ватани бар адам, вўз ватанида куни вўтсе, биревдиң журтида келгинди бӧп яшамағани маъқул.*

Кели – [Keli] – туркий сўз. Турли донларни янчиш,

туйиш учун бўйи 15 см.,дан 70 см.,гача бўлган рўзғор буюми, ўғир. *Ҳамсаяниң келисини апкеп, пичи буғдай туйип, гўш салип буғдай аш қил, кечқурун мачитке жибермесек, ахшам чалатаң тушиме кирипти!*

Кели сап – [Keli sap] – туркий сўз. Асосан металдан бўлиб, узунлиги 25 см., дан бир метргача бўлган келига солинган донни янчиш, майдалаш асбоби. *Келиниң сабини маккем ушла, аяғиға тушип кетеди!*

Келим-кетим – [Kelim-ketim] – туркий сўз. Келиб-кетувчилар, меҳмонлар. *Бариб апаңа бир-еки кун ярдам бер, вўзи авураяқли, келим-кетими кўп.*

Келин – [Kelin] – туркий сўз. Ўғлининг ёки укасининг хотини. *Айна, машиниңмен мениң келинимди апкеп бермесең, келин қидирип кеткеннен бери улимниң қабағи ачилмай қалди!*

Келин-кепчик – [Kelin-kepchik] – туркий сўз. Ёш аёллар, келинлар, овсинлар. *Чече, тўйға келин-кепчиклердиң барини апариң, ағайиннарман танишип келедилер, каттениң вазипеси бир апарип таништириш. Инсапсиз, қудағий қип, келин-кепчигиниң барини сағани жетмегендей, кўрпе-тўшек артқан машинниң арқасидан еки ийтием иргешип кепти!*

Келин шибиртки – [Kelin shibirtki] – туркий сўз. Тоғ ва адирликларда ғов бўлиб ўсадиган яшил ўсимлик. *Келиниңе аттап таъсир қиған бўса, келин шибирткини терип келип қайнатип жувинсин, пайда қилади!*

Келинчек – [Kelinchek] – туркий сўз. Яқинда узатилиб келинган аёл, ёш аёл. *Жаш келинчекти тақа қўйма, қаерге барса, бирге кирип, бирге чиққин!*

*Бувин-бувин бувинчақ,туйин-туйин туйинчек,*
*Жетти қиздиң енеси, ҳалием бўса келинчек.*

Кемтик – [Kemtik] – туркий сўз. Камчилик,

етишмаганлик. *Қудалар келин сӧрап кеген екеннер, ишиниң кемтиги кўп деп қайтардим.*

Кең – [Keng] – туркий сўз. Тор эмас, кең. *Тирилигиңде тўриң кең бӧсин, вўлгеннен сӧң гўриң кең бӧсин! Булам жаңалиғида тарғана калиш еди, вўзиңиз кийип кеңейтип, кўнертип мени уришасизма?!*

Кенемек – [Kenemek] – туркий сўз. Киноя қилмоқ. *Габиңниң бариси кенеме!*

Кеңиш – [Kengish] – туркий сўз. Кенг. *Ҳавлиси кеңиш екен, балалар жадирап вӧйнадилар.*

Кепин – [Kepin] – арабча сўз. Кафан. *Куйиқап кеткен келеди, кепин кийген кемейди.*

Керагаз – [Keragaz] – русча сўз. Керосин қуйип керосин буғи асосида ёнадиган, овқат ва чой қайнатадиган примусга ўхшаш хўжалик буюми. *Келин керагазди жағип, қайнатаң апкегин гўшти қувур, кеч бӧлди куевиңем кеп қалади.*

Керги – [Kergi] – туркий сўз. Ўтовда увиқнинг икки томонидаги тиргаги. *Керги маккем бӧса, увиғам маккем бӧлади.*

Керги халта – [Kergi khalta] – туркий+форсий сўз. Илгари тўрт бурчакли қилип, қалин мато ёки тўқилган гиламдан тикилиб, уйнинг кергисига осиб қуйиб, ичида идиш-товоқ, қошиқ ва чўмичларни солиб қўйиладиган халта. *Катапа, бӧғжама тӧқип, бизиң кампиргеем бир керги халта қип берсеңиз, бир семиз тӧхлимди бергичем!*

Кереге – [Kerege] – туркий сўз. Тол ёки ирғайнинг ингичкароқ шохларидан қилиниб, мол терисидан қилинган тасмалар билан мустаҳкам боғланиб, илгариги юрта ёки ўтовларнинг атрофига териб қўйиладиган тўсин, решетка.

*Керегеси кумуштен, яғачлари химичтан, уйлер саңа, келинчек,*

*Сақилар дастан айтқан, еки жашқа аталған, жайлар саңа келинчек.*

*Қөш сийирлар сөйилип, саккиз вӧчақ вӧйилип, қувурмалар қӧйилип,*

*Жашлар чачала терген, сӧң елге улақ берген, тӧйлар саңа келинчек!*

Керигув – [Keriguv]– туркий сўз. Қанотини ёзмоқ, гавдасини кермоқ. *Чӧчағини жегир, улимниң қӧлбавларини печ, керигип қанатларини жазсин!*

Керилув – [Keriluv] – туркий сўз. Бўйини чўзмоқ, сўзилмоқ, гердаймоқ. *Кўп керилместен енкейип жӧңишқани вӧр! Махтанғанниң уйиге бар, керилгенниң тӧйиға бар!*

Керув – [Keruv] – туркий сўз. 1. Қисқа муддатга бўйини чўзмоқ ёки мушаклар орасини ёзмоқ. *Бӧйиңди керме, кўр бӧйимди, бер тӧйимди деп.* 2. Қошини кермоқ. *Улиң бӧзбала бӧпти, тӧйда қашларини керип, қизларман яхшиғана арғиш барди.* 3. Қулочини кермоқ. *Садағай бӧғир, улимниң қӧлбавуни печ, қулачини керсин.* 4. Кўкрагини кермоқ. *Чалиңиз майлисде кўкрегини керип гапирди.*

Кесев – [Kesev] – туркий сўз. Ўчоқ ёки тандирга ўт ёққанда оловнинг яхши ёниши учун ковлаб туриш учун қўлланиладиган узун таёқ, кесов. *Кесевиң узун бӧса, қӧлиң куймейди. Кесевиң узун бӧса қӧлиң куймейди, ақлиң узун бӧса тилиң куймейди.*

Кесевдей – [Kesevdey] – туркий сўз. Кесовга ўхшаган. *Қӧй, шӧ ериңди, бурнини кесевдей қип нимесини махтайсан, келеберсе вўзиден алдин бурни кўринеди.*

Кесертки – [Kesertki] – туркий сўз. Калтакесак. *Кесертки кўбейипти, бирен дари апкеп себиңер, жӧғалсиннар!*

Кескен аш – [Kesken ash] - туркий сўз. Хамир қориб, ўқловда ёйиб, сўнг лағмон шаклида узунчоқ қилиб кесиб

қозонга солиниб, тайёрланадиган суюқ овқат. *Келинчек қиличек салип намдарғана кескен аш қиған екен уч киши қалампир езип тўрт табақ аш ичиппиз!*

Кестирув – [Kestiruv] – туркий сўз. 1. Ўғил болаларни ёшлигида суннат қилиш. *Майдалиғида улингнинг тўйини қилип, чўчағини кестирип тайла, катте бўлди уялади.* 2. Бирор нарсани кесдирмоқ. *Қўчқардинг шахини кестирмесенг, қайрилип вўсип каллесиге кирип кетаятир.*

Кечелик – [Kechelik] – туркий сўз. Кечаси. *Қирқи чихмаған куев кечелик вўзи тақа жирмейди.*

Кеште – [Keshte] – форсий сўз. Матога ипактан ва пахта ипидан ҳар-хил нақшлар тўқув, тикув. *Чимилдиғи чим кеште,*

*Аған яри вӧн беште.*

*Кележегин сӧрасаң*

*Вӧ дунйеде пейиште.*

Кештели жаға – [Keshteli jag'a] – форсий+туркий сўз. Кашталаб гул солиб тикилган аёллар кўйлагининг ёқаси. *Катапам кештели жағали кўйлегини кийип жӧғари-қуйи жӧрғалаб жири десем жездем Рассиядан кеген екенда!*

Кештели чираз, кеште чираз – [Keshteli chiraz, keshte chiraz] – форсий+туркий сўз. Кашталаб гул солиб тикиладиган чироз. *Кештели чиразиң енни кепти, чалиңниң чапаниға айтмайди, вўзиңниң чапаниңа тутда, қағанини улиңниң чимилдиғиниң қулағиға тикиб қӧй!*

Кийиз – [Kiyiz] – туркий сўз. Қўйнинг жунидан ранг бериб, уйга тўшаш ёки илгари қиш мавсумида ўтовларни ёпиш учун ишланган қалин гулли гилам. *Қизға еки кийиз қимасаң, найи!*

Кийиз басув – [Kiyiz basuv] – туркий сўз. Кийизни тайёрлаб, қўлда босиш усули. *Кечқурунға қишлақтиң*

*билекли бöзбаларини жий, биз кийиз қöямиз, сенер кийиз басасаңар.*

Кийик – [Kiyik] – туркий сўз. Шохли, ювош тоғ эчкисининг бир тури. *Дўмелек акеңе айт, бир кегенде кийиктиң вўтини апкемесе, маззам жöқ.*

Кийик вöти – [Kiyik voti] – туркий сўз. Тоғларда ўсувчи йўнғичқага ўхшаш кийиклар ейдиган ўт. *Кийик вöтини дамлеп чай қип ичсең, яхши дава.*

Кийик вўти – [Kiyik vo'ti] – туркий сўз. Кийик танасидаги ўт. *Маззаси қачқан бöса кийиктиң вўтини чайип ичир, турип вöйнап кетеди!*

Ким туртти – [Kim turtti] – туркий сўз. 1. Ким қўлини тегизди. *Сени ким туртти, бурниңнан балент ҳич ким гапирмесе, уйиңе кирип жилағаниң жилаған.* 2. Турттирмоқ, урдирмоқ. *Байқуш гўдекти ким туртти қип, жуғиндиқа тушген чўжедей, жасқанчақ бöп қапти.*

Кинара – [Kinara] – форсий сўз. Оёқ кам босиладиган, чет жой. *Мағзабани кинара тўк, гудек-чўдек жиреди.*

Киндик кесув – [Kindik kesuv] – туркий сўз. Она қорнидаги бола она организмидан озиқланиши учун мўлжалланган ичакни кесмоқ. *Сениң киндигиңди шу মамаң кескен, шу марте айлиқ асаң бир кўйлек қилишиң керек,*

Киркира кади – [Kirkira kadi] – туркий+форсий сўз. Сув олиб келишга мўлжалланган йирикроқ кади. *Жил қимбатчилик, бари-будумиз бир киркира кади еди, бир кун қудухтан киркира кадиде сув ап келаятибем, аяғим тайип, жарға жумалап кеттим, набити вўзим, киркира кадим чил-чил бöлди, шö кун уйге баралмай катапамниң уйиге қачип кеттим, ертениге енем келип мени қучахлап жилади-жилади, маңа ичи куйип жилаб жатир десем киркира кадини жöхлап жилап жатқан екен!*

Кирне – [Kirne] – туркий сўз. Суқ, кинна. *Саңа қатти кирне кирген екен, кирне кўтерип кечеден бери есней-есней есим кетти!*

Кирпич – [Kirpich] – туркий сўз. Кирпич, ғишт. Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарида бу сўзнинг туркий эканлигини айтиб ўтади. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 271)да:

Тўлса паймонинг, Навоий, дайр аро май бирла юб,

Бошининг хум кирпичин хишти мазоринг айлайин, - дейди.

Кирпичечен – [Kirpichechen] – туркий сўз. Боши ва оёқ қўлларини ичига тортиб оладиган, сирти тиканли кичкина ҳайвон, типратикан. *Сениң каселиңниң даваси кирпичеченниң гўши, еки марте қайнатип гўшини жеп, шўрпасини ичсең, аттай бўп кетесен.*

Кирчин – [Kirchin] – туркий+форсий сўз. Эркакларнинг салла ёки тақия тагидан киядиган ҳамда кечаси ётишда киядиган матодан қилинган юпқа бош кийими. *Кирчинди жувғин, кир бўп қапти.*

Кисе – [Kise] – форсий сўз. Кийимга тикиладиган халтача, чўнтак.

*Қатарда нариң бўмасаям,*

*Астиңда атиң бўмасаям,*

*Қўйниңда хатин бўмасаям*

*Кисеңде пулиң бўса, пул деген жўхти жўяди,*

*Пули бўмаса бек тек бўлади, пули бўса камбағал бек бўлади!*

Кичене – [Kichene] – туркий сўз. Майда, ёш, кичкина. *Дасқал бўп вўсип, бўйи сўзим бўғаниминан бул анавдан еки ай кичене. Кичене тағайим трактирини триллататир Ташрабаттан ташиған тарбизларини туширип бўпти,*

*шекилде!*

Кичене чилле – [Kichene chille] – туркий+форсий сўз. Қиш ойидаги *«катте чилле» (25 декабрь 4 февраль)*дан сўнгги йигирма кунлик, яъни 5 февралдан 25 февралгача давом этиб, бу давр ўта совуқлиги ва чорва моллари учун захираларнинг ккамайиб қолганлиги билан характерланиб, «*кичене чилле – хийра чилле*» тарзида ифодаланиб, жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. *Кичене чилледе сувуқ урмаса, ахиреттеем урмайди!*

Кичкуев – [Kichkuyev] – туркий сўз. Ичкуёв, уйлангандан сўнг, қизнинг ота-онасиникида қолиб, яшаётган куёв. *Қарин тӧйдираман деп, уйме-уй далип жиргиниңче, кич куев бӧп, қайнатаңниң давлетини майдалап жемейсеме?!*

Кишен, кишенлев – [Kishen, kishenlev] – туркий сўз. 1. Ҳайвонларнинг ўғрилардан ҳимоялаш учун олдинги оёқларига солинадиган темир тушов. *Жил жаман, вӧғри кўбейген атти кишеннеп кел.* 2. Баъзи маҳбусларнинг ва жиноятчиларнинг қочиб кетмасликлари учун қўлларига кишан солиш. *Милиселер кўчеден биревди ушлап, қӧларини кишеннеп ап кеттилер.*

Киши – [Kishi] – туркий сўз. 1. Одам, инсон. *Еки киши бир табақ бӧп алабериңизлер.* 2. Бегона, биров, ўзга одам. *Булар қӧй сӧйип кишиге сир бермейди.*

Кишнев – [Kishnev] – туркий сўз. Йилқиларнинг товуш чиқариши, кишнаши. *Ат кишнеятир, ағилдағи аттан бир хабер алайиқ. Ат сезгир бӧлади екен, Бабатавда Ибрайимбектиң ати қатти-қатти кишнедида, кўзидан жаш ағаберди. Булар бир кўрпениң астида кишнейип, тебишип вўскен дасқал балалар.*

Кӧлбар – [Kolbar] – туркий сўз. Улкан. *Жиланлитавда*

*кӧлбар жиланнар кўп.*

Кӧрмана – [Kormana] – туркий сўз. 1. Келинни узатиб келгач, эртасига «чимбати» олиниб, кўришиш жараёнида куёвнинг қариндошлари томонидан келинга бериладиган совға бўлиб «келин кўрмана» дейилади. *Катте мамаси екенсиз, кўрманасиниқалин бериң!* 2. Чақалоқни қирқи чиққач ташриф буюрган қариндошларига кўрсатишда қариндошлар томонидан бериладиган ҳадя бўлиб «чақалақ кўрмана» дейилади. *Неберниң кўрманасиға бир қӧй!*

Кувшев – [Kuvshev] – туркий сўз. Чайнамоқ, кавш қайтармоқ. *Ат кувшеп жатир. Кўрпениң астида нимени кувшеп жатирсан?*

Куди – [Kudi] – туркий, архаик сўз. Янчилмаган буғдой ғарами. *Қараңар, кудиге қайси вӧт қӧйиб жибермесин.*

Куе – [Kuye] – туркий сўз. 1. Чала ёнган ўтиннинг, кесовнинг ёки қозоннинг қора доғи. *Қазанға қарип жирсенг куеси жуғади.* 2. Озиқ-овқат, дон маҳсулотлари ва жун матоларга тушадиган зарарли микроб. *Бӧғжаманиң ичидеги улима жийған жуншалларди куе жепти, қирғини кесин!*

Куев – [Kuyev] – туркий сўз. 1. Ёш аёлнинг эри. *Куевиң Кўкташқа кеткен бӧса, гўдеклердиң биревини апар, кегинче жӧлдаш бӧлади.* 2. Уйланаётган бўз бола. *Куевди кўрейик десек, атини чаптирип кетип қалди.* 3. Турмушга чиққан ёки чиқаётган қизнинг эри. *Куевиңиз харжи ап келдиме, я бу мартеем бехаржи жӧл бердиңизме?*

Куев жӧлдаш – [Kuyev joldash] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куёвга ҳамроҳлик қилувчи шериклари, тенгдошлари. *Куев жӧлдашлар мард екен, куев табақларам тӧлип чихти, айна кўрсетер, чирақ айналтирарғаям яхшилап тайладилар, қиз берсеңем ана шӧ қишлақа бер екен!*

Куев табақ – [Kuyev tabaq] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куёв ва унинг шериклари ўтирган даврага бериладиган зиёфат. Куёв ва унинг шерикларига бериладиган зиёфатда овқатларнинг тури камида тўртта (шўрва, ош, манти, қовурма) бўлади. Куёвнинг шериклари томонидан табақлар бўш қайтарилмасдан пул солиб чиқарилади. *Жавли табахларға пул салип бөлама, бирен тазза лагенем жибериңер!*

Куев харжи – [Kuyev kharji] – туркий+арабча сўз. Илгари никоҳ маросимидан сўнг куёвнинг келиннинг олдига куевлеп борганда олиб бориладиган совғаси. *Ахшам ийт ҳабалабеди чиғип қарасам бир атли ҳамсаяникке қарап енип кетти, куеви куевлеп келди шекилде, куев харжи жегели барайиқ!*

Куевлев – [Kuyevlev] – туркий сўз. Яқин ўтмишда никоҳдан сўнг қиз ота-онасиникида маълум вақт қолар, куёв эса нарсалар олиб, келип-кетар эди, ҳозир булар ётип кетган. *Илгери бир қишлақта бир куев чапан бөлип, ким куевлесе шуни кийип куевлегичеди. Лақайдиң куев бөғани бек бөғани, куев жөлдашлар навкердей бөп вөртаға алип, куевлетип келедилер!*

*Куевлешге харжиң жөх деп, жөл бермейди,*
*Кўрмей қара кўзимди,*
*Қара кўз деп, лайлар кечдим –*
*Ийтлер қапти вўзимди.*

Куес, куйес – [Kuyes] – туркий сўз. Бир томонга йўналтирилган пастлик, нишаблик, ясси текислик. *Вөниң уйи ҳий ана куесте! Уйиңниң тамини куес қип жапсаң қишта тамчи таммайди!*

Кузев – [Kuzev] – туркий сўз. Чорва моллари дум ва ёлларини ҳамда ўсимликларни бир текис қилиб кесмоқ.

*Баҳар кепти, дарахларди кузе. Галебанға айт атлардиң жалиман думини кузесин!*

*Узун-узун узун сай,*

*Вўйнап кесин қулун-тай.*

*Қулун-тайди кузеңер*

*Жан айнамди тузеңер.*

Куйдирги – [Kuydirgi] – туркий сўз. Баданга чиқадиган яра. *Куйдирги чиққан бөса, темирди қиздирип бас!*

Куйи Қап – [Kuyi Qap] – форсий-арабча сўз. Афсонавий баланд тоғ номи. Алишер Навоий «Лисонут-тайр» достони (-Б. 57)да:

Бу узун йўлдин мени тутқил маоф,

Мен киму Симурғ бирла Кўҳи Қоф, - дейди.

*... Келемен дегенге ана тавдиң арқаси,*

*Кемеймен дегенге Куйи Қаптанам нари,*

*Жанима тийди бари!*

Куйкенек – [Kuykenek] – туркий сўз. 1. Чўл жойларда ов қиладиган ранги тўқ-сариқ товуқсимон қуш. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 56)да Куйканак сўзини шунқор, лочин сифатида ишлатади:Уқобу куйканакни қилсалар сайд,

Қачон қилғай анинг сайдини бу сайд.

2. Ёвойи қушлар макони бўлган жазирама, чўл. *Қаерде куйкенек бөса, лақай барип куйкенекти жөғатип абат қилади, сув чиғаради, пахта қилади, абат қиғаннан сөң яна башқа куйкенеклерди қарап жөлға тушеди.*

Куймеңнев – [Kuymengnev] – туркий сўз. Асосан ўчоқ ёки тандир бошида нима биландир шуғулланиб юрмоқ, нимадир пиширмоқ. *Катапам ниме куймеңнеп жири десем, калле-пачче куйдиратқан екенсизда!*

Куликлев – [Kuliklev] – туркий сўз. Молларни сўйиш

олдидан ёки жунини қирқиш жараёнида ётқизиб, икки ёки тўрт оёғини бирлаштириб боғлаш. *Қиррайиб жирген қудағий қадесимен қидирип кепти, сен қөшқарди ушлап куликлейбер, мен пичахти қайрайин!*

Кулимсирев, езивуни тартув – [Kulimsirev, yezivuni tartuv] – туркий сўз.  Кулимсирамоқ, табассум қилмоқ. *Хударамети Ҳажи Раҳманберди баба, жузиден нур жавулип, кулимсиреп жиргичеди.*

Кулинкирев – [Kulinkirev] – туркий сўз.  Маълум муддадга кулимсирамоқ, вақтинчалик табассум. *Шу атти аламан дебем, айнам кулинкиреди-да, бөйдахтиң кўзимен хатин ама, пияданиң кўзимен ат ама, деди! Яхши ниетлер минен палав қибем, бир ахшамам жөлдашлиқа жарамиңиз,* - *деди кулинкиреп кампири.*

Кулче – [Kulche] – форсий сўз. Ноннинг кичикроқ, сут ва ёғ қўшиб пиширилган шакли. *Чече акемди жавли кулчемен бир ҳапта бахсаңиз, хийли вўзиге келип қалади!*

Кулче жумалатув, кулче диңиретув – [Kulche jumalatuv, kulche dingiretuv] – форсий+туркий сўз. Ёш болаларниң оёғи чиқиб, юриб кетиш арафасида тезроқ югуриб кетиши учун юмалоқ кулчалар қилиб, боланинг тика қуйиб, оёқлари орасидан юмалатиш маросими. Бунда бола иттек дардсиз бўлиб, югуриб юриши учун биринчи кулча итга берилади, қолганларини қишлоқнинг болалари териб олиб ейишадилар. *Улиңниң кулче жумалатувини тезрек қил, жугиргилеп ашналариға қөшилишип кетсин!*

Кулчетай – [Kulchetay] – форсий+туркий сўз. Хамирдан қилинадиган овқат. *Кечқурун мейманнарға кулчетай қилиңар!*

Кумуш – [Kumush] – туркий сўз. Кўкимтир рангли қимматбаҳо тош. *Кумушайға атаси кумуш кўзли сирға ап*

*кепти!*

Кундеги – [Kundegi] – туркий сўз. Одатдаги, ҳар кунги. *Кундеги қалашан шўрпангди жейе-жейе уйренгенмиз, апкелебер кампир, бариға бареке!*

Кундеш – [Kundesh] – туркий сўз. Бир эркакнинг хотинлари бир-бирига кундош бўлади. *Кундештиң кунием кундеш, кулием кундеш! Кундешлерди е ериниң хамчиси жараштиради, е ериниң вўлиги жараштиради! Кундештиң кўби ерди вўлтиреди, сувдиң кўби жерди вўлтиреди.*

Куннен-кунге – [Kunne-kunge] – туркий сўз. Кундан-кунга. *Ери кебеди, куннен кунге жан алип, бетиге қизил жугирип қалди.*

Кунус – [Kunus] – туркий сўз. Бировга бирор нарса қиймайдиган, қаттиқ одам. *Шӧ кунус қайнең бир кўне гилемем бералмадима?*

Курмев – [Kurmev] – туркий сўз. Арқон, ип ёки боғловчи воситаларни ечишга осон қилиб махсус боғлаш усули. *Калте жип курмевге кемейди. Курмеп байласаң чечишиң асан бӧлади. Кампир, кўртуйин қимай курмеп байламайсама, чечемен деп ярим кечеде есим кетти-ку!*

Курмекшав – [Kurmekshav] – туркий сўз. Гуручдан курмагини айириш учун гуручни каттароқ идишга солиб ювиш жараёни. Бунда курмаклар сувнинг юзасига қалқиб чиқиб, гуручдан ажралади ва сувни тўкиб ташлаш орқали гуруч курмакдан тозаланади. *Курмекти биртелеп термей, катте табақа сап устиден сувди қуйип, бир курмекшав қилиб жибериңер гуруч тазза бӧп қалади!*

Курмелев – [Kurmelev] – туркий сўз. Қаттиқ майда нарсани ялаб емоқ. *Талқан тушип каттенеңниң алдиға қӧй, байқуштиң тиши бӧмаса курмелепкене жейди!*

Курте – [Kurte] – форсий сўз. Аёллар ва кампирларнинг

кўйлагининг устидан кийиладиган каштали юпқа устки кийим. *Куртеңизди кийиң қудағийдикке барип, чебереңизди қулли бөсин қип келейик!*

Кусев, кусеген – [Kusev, kusegen] – туркий сўз. Интиқ(қан)моқ, соғин(ган)моқ. Бу сўз Рабғузийда ҳам учрайди. *Улиң атасини кусепти, суретини қөлидан туширмейди.*

*Ат уюрин кусесе, аяғини қағинар,*

*Ер елини сағинса, белбевини тағинар.*

Кутийен – [Kutiyen] – туркий сўз. Доннинг тушишини мувофиқлаштириб турувчи тегирмоннинг қисми. *Кутийенди сазла, дан гай кўп кетип, гай кетмаятир!*

Кушен – [Kushen] – туркий сўз. Ишчи ҳайвонларни арава ёки қўшга қўшиш учун бўйнига солинадиган айлана асбоб. *Бабаңниң арабасиман кушенини апкелип атқа қөш, тийирманға барип келейик!*

Кўбирек – [Ko'birek] – туркий сўз. Мўлроқ, зиёдроқ, кўпроқ. *Гўңди кўбирек самасаң қавунпалеклериңниң маззаси жөқ. Кўбирек ишлеп пулдиям кўбирек апкемесеңиз қийналип қалдиқ.*

Кўгейил – [Ko'geyil] – туркий сўз. Майса, кўкатлар. *Жавли авқат баткеем урди, кўгейил терип шакереп қил, кампир, яғач табақа нан турап жанчип жейик!*

Кўген, кўгеннев – [Ko'gen, ko'gennev] – туркий сўз. Қўзи ва улоқларни онасига эмдириш, қўй ҳамда эчкиларни соғиб олиш учун қатор қилиб боғлашга мосланган тизма, чилвир. *Қөзи, улахларди кўгенне, енелерини савуп аламиз!*

Кўгимтил – [Ko'gimtil] – туркий сўз. Кўкка мойил ранг. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 276)да:

Жисмим узра бор янги бутган кўкумтул доғдек,

Сўзи ҳажрингдинки урдум ғуссадин ҳар ерга неш, -

дейди.

*Чиразиңда гулдиң баргиге кўгимтил жибекти ишлет, чирайли чиғади.*

Кўз – [Ko'z] – туркий сўз. 1. Одамларнинг, жумладан тирик жонзотларнинг кўриш мучаси. *Кўзиң шамаллапти, абайла.* 2. Булоқнинг сув оқадиган жойи, кўзи. *Қазип сув чиғарибек, вўер булақтиң кўзи емесекен, сув қачип кетти.* 3. Метал ёки ёғоч буюмларнинг тешиги. *Керегениң кўзиге пул жаширибем, кўрмедиңме? Ийнениң кўзиден сабақ вўткезалмасаң, қарипсен кампир.* 4. Қуёш нури. *Куннің кўзи тўбеңе келди, жатасама ҳалием?!* 5. Йўлини топиш. *Иштиң вўзини билгинче, кўзини бил.* 6. Суқланиш. *Чақалақ кўзигипти, мўллаға бир ушкиртип кўзтумар ал.* 7. Тўймаслик. *Ач кўзлик қимай, шунисиға шукур қил!.* 8. Алдаш, хиёнат қилиш. *Ишеңен шеригиң кўзиңе чўп сап кетти.* 9. Бир лаҳзада. *Кўз ачип жумғинча жўғалди.* 10. Бирор нарсани беришга қийналмоқ. *Данекийике бараман деп, айнамнан атини сўрабем кўзи қиймади.*

Кўз кўре – [Ko'z ko're] – туркий сўз.  Қўриб турип, бир-бирига кўзи тушишига қарамасдан. *Ағайинчилихти вўйламай, кўз кўре шу ишти қилди-я!*

Кўзе – [Ko'ze] – туркий сўз. Илгари сополдан қилиниб, бир дастали, оғзи торроқ бўлади. Асосан, сув, ва ёғ сақлаш учун ишлатилган.

*«Алла ҳуй, талқан туй,*
*Кўзеде сув, бетиңди жув».*

Кўзенек – [Ko'zenek] – туркий сўз.  Керегенинг ясси, тўртбурчак шаклдаги кўзлари. *Кўзинг керегениң кўзенеклериге вўхшамай жат ухла, ҳали атаңдиям ухлатишим керек!*

Кўзечек – [Ko'zechek] – туркий сўз.  Сополдан ясалиб,

кўзага нисбатан кичикроқ бўлиб, бўйни узун, бир дастали, асосан сув учун ишлатилган. *Кўзечектен авхўреке сув қуй!*

Кўзиңче – [Ko'zingche] – туркий сўз. Кўз олдингда. *Кўзиңче пулди санап қөлиңа бердим, вўзиңем санаб алдиң, вөяғини хатиниңнан сөра, куниге турли хил қип жаңа кўйлек киеди, жегени қаймақ, қайнем қайтип жатирам демейди, балам ҳамме айип вўзгенегнен, башидан хатинниң жилавини бөш қөйдиң, бу яғини маккем ушла, рамети атаңниң атиниң егеримен хөржинини айнаңа берибем, хатинғанаси тавға барсаям, завға барсаям жамбашида, хөржинға сап қидиртип жири, хамчисимен жугенини саңа берейин, уйге барда меним қөлим емес, рамети атамниң қөли дегинда патипаниңди балент қөйип хатиниңди жугеннеп хамчила!*

Кўйлекчең – [Ko'ylekcheng] – туркий сўз. Кўйлакда, фақатгина кўйлак кийган. *Қараңа қишда Қирмадағи катапаңдикке кўйлекчең қидирма қаришип қаласан!*

Кўкей – [Ko'key] – туркий сўз. Тақдир, ҳол, дармон. *Шу жигит арқамнан иргеше-иргеше кўкейимдием кести, ҳа дейин десем, уят бөса, жөқ дейин десем, тағин жөғалип кетип қаса, яхшиси қадесини қилип бир қөл вөрамал берсем, тушинип жавчи жиберсе керек! Ешшегиңниң баласини алип қап бердиң, Жузейбулақа жеткинче халлелей-халлелей кўкейим қуриди, қишлақа қайтишта шундай жөрға бөлдики, нөхтасини тартип иш-ишлей кўкейим қуриди, адира қасин екинчи минмеймен, вўзимниң чөлақ ешшегимнен қамайин, их десем Терекли тавдиң учиға учип чиғаради, иш деген жайимда уч саҳат төхтап туради, тушип саясида бир мизғибам аламан, ма ал жөғат, мал егесиге вөхшамаса, ҳарам вўледи деп, ким айтсаям төғри айтипти!*

Кўкенек – [Ko'kenek] – туркий сўз. Кўген – арқон, кўкенек-кўрмаслик учун кўзга боғлайдиган кичик боғлоғич,

арқонча. *Кўзиңе кўкенек, қолиңа тикенек!*

Кўкжўтел – [Ko'kjo'tel] – туркий сўз. Ёш болаларда учрайдиган йўталнинг давомли тури. *Гўдек кўкжўтел бопти кўкқарахтиң патини қайнатип бер, я қурчақ қилип, жарға апарип тайлап емини қил.*

Кўкирек, кўкрек – [Ko'kirek, ko'krek] – туркий сўз. 1. Гавданинг олдинги қисми, кўкрак. *Кўкирегиңди ачиб жирме, шамаллап қаласан.* 2. Юрак. *Жиениң кўкрекли жигит екен, жетти палванди жиғитип, яна бир девдей боғаниға чихти!* 3. Аёлларнинг эмчаги. *Балаңа кўкрегиңди тут, жилап-жилап тамағиям қах болди!*

Кўклев – [Ko'klev] – туркий сўз. 1. Баҳор келип ўт-ўланларнинг ўса бошлаши. *Дарахлар кўклеп, жами жанибар нерсе қимирлап қапти, баҳарден бедарек айиқдай бөп ухлап жатабересизме, вōянип тиричиликтиң арқасидан бомайсизма?!* 2. Кийимнинг йиртилган жойини каттароқ қилиб тикмоқ. *Кўйлегиңди кўклеб ал, тигишиден қақрапти.* 3. Ўтовнинг керегеларини туташтирип боғлаш. *Керегени кўклеп, бақувват арғамчиман байла!*

Кўкмек – [Ko'kmek] – туркий сўз. Кўм-кўк. *Адирға чиғип тамаша қиңар, ҳаммежақ кўкмек! Билегиңнен чечең чимчидима, кўкмек боп кетипти!*

Кўкче – [Ko'kche] – туркий сўз. Ранги кўк лекин маззаси ширин қовуннинг тури. *Кўкче қавун пишипти, бир нан қилип, алдини қишлахтиң ақсақалларига сояйиқ.*

Кўкқарақ – [Ko'kqaraq] – туркий сўз. Беданага ўхшаган қуш бўлиб, қони юрак касалига фойдали. *Кўкқарахтиң қани қимбат, кўкқарахтиң қаниданам адамниң жани қимбат.*

Кўлденең, кўнделең – [Ko'ldeneng, ko'ndeleng] – туркий сўз. 1. Тўғри эмас, қия, бўйига эмас-энига. *Куевдиң кўрпесини кўлденең қабимай, тоғри қаби, тоғриғана*

*жирсин!* 2. Тескари. *Кўлденең гапирмей тӧғри-тӧғри гапир! Тӧғри гапирсең тав ашасан, кўлденег гапирсең куниңди кўресен!*

Кўлем - [Ko'lem] – туркий, архаик сўз. Жарлик. *Кўлемниң ичиге тавуқ жумурқа тувипти.*

Кўли – [Ko'li] – туркий сўз. Донни сақлаш учун қазилган махсус ўра. *Кўли қазиңар, буғдайларди кўмейик.*

Кўллетув – [Ko'lletuv] – туркий сўз. 1. Сувни кўп ҳайдамоқ ёки тўкмоқ. *Сувди кўллетип, пиязди пияз қипсама, ҳаммеси сувдиң бетиде сузип жири!* 2. Тагини кўпроқ ҳўлламоқ. *Қайси ахмақ намашамда сийирға сув береди, ағилди кўллетип тайлапти. Балаңа тарбизди берип, мениң алдима сапсан астини кўллетип, устимди бенамаз қипти.*

Кўмеч – [Ko'mech] – туркий сўз. Чўққа кўмиб пишириладиган нон. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 341)да бу сўз берилган. А.Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асари(-Б. 116)да:

Яна тутмоч ва умоч ва кумоч ва толғонни ҳам туркча айтурлар, - дейди.*Кўмечиңди тезрек пишир, таң атти жайлавға жўнеймиз.*

Кўнари – [Ko'nari] – туркий сўз. 1. Кўкнор истеъмол қиладиган киши. *Вӧл кўнари, вӧға қӧшилма!* 2. Чойхўр киши.

- *Мама, тал туште вӧчахтиң башида куймеңнеп бир нерсе қилаятирсиз?*

- *Кўнари бабаң саккиз чайнек чайди урип, яна чай апке дер ҳўким қилиб вӧтири, шу чавдештием қайнатип апарайинда, тӧймаса, чайнек-чавдешимен қӧшип исқатиға берейин!*

- *Вўй демең мама, бабам кўнари бӧсаям жамбашиңизда, исқатиға беришден алдин неберелеримен қӧшип еки ай Рассияға жибериң, кўремен ҳалиңизди!*

Кўнеспирин – [Ko'nespirin] – туркий сўз. Кекса авлод, оқсоқоллар. *Кўнеспириннер кўпти кўрген, шўлардиң дувасини ап жириңер!*

Кўнигув – [Ko'niguv] – туркий сўз. Ўрганмоқ, одат қилмоқ. *Адамзат Сибирдиң сувуғиғаям, чўлдиң иссиғиғаям кўнигеди. Ала пўстекти астиңа тўшесе алиб атқичең, енди Рассияниң бетённарида чўзилип, етиклериңди балиш қилип, кўнигипкене қапсанку, иним!*

Кўнке – [Ko'nke] – русча сўз. Илгари от қўшиб судраладиган вагон (трамвай)ни айтишган. *Кўнкең бизиң кўтелге жарайма, жарамайма, е яна тушиб ийтеремизме?*

Кўнув – [Ko'nuv] – туркий сўз. Кўнмоқ, рози бўлмоқ, бўйсунмоқ. *Бизиң габимизге кўнмей жатибеди, ериниң гапиге кўнди, ниме дедики, хайр-хўшам қимай, туйинини кўтерип алдиға тушипкене кетеберди.*

Кўпир – [Ko'pir] – туркий сўз. Кўприк. *Тахта кўпирден вўзиң вўтмесең, буяқа мен вўталмайман қараңада ийтиң қабади. Шу ариқа кўпир қимасаңиз, сизку чўрчип уйренип кеткенсиз, мен қайтемен?! Ешиектиң ахмағи кўпирде таяқ жейди!*

Кўпкен нан – [Kopken nan] – туркий+форсий сўз. Товада ёки чўғда кўпшитиб пиширилган нон. *Таба таштиң кўпкен нани бўса, жесең!*

Кўпшитув – [Ko'pshituv] – туркий сўз. Жонсиз предметларни сунний семиртирмоқ, кўпшитмоқ. *Хамиртурушти яхшилап қўш, хамирди кўпшитеди.*

Кўр дут, кўр туман – [Ko'r dut, ko'r tuman] – туркий сўз. Дуд ёки туманнинг атрофни кўриб бўлмайдиган даражадаги қуюқлиги. *Жўл кўр туман, жирип бўмайди, машинди қўйип, атли бараберейик!*

Кўргенсиз - [Ko'rgensiz] – туркий сўз. Очкўз, нафси ёмон.

*Кўргенсизге вӧхшамай, вӧтирип жесең кўзиң вӧйилама?! – Кўргенсизлик қимаң, шу ишиңизди уйдеем қилеберисиз! – Ашиң ҳалал бӧса кўчеде же деген, кампир!*

Кўресин – [Ko’resin] – туркий сўз. Умр, ҳаёт. *Чалдиң енди кўресини питкеңе вӧхшайди, журек уриши пасеятир!*

Кўриңкирев, кўриниңкирев – [Ko’ringkirev, ko’riningkirev] – туркий сўз. Узоқдан қорасини кўрсатмоқ. *Катапа, ҳали саяда вӧтириң, аптӧбиз кўриниңкиресин кейин жӧлдиң нариғи бетиге вўтемиз!*

Кўрмана – [Ko’rmana] – туркий сўз. Келин ёки янги туғилган чақалоқни кўриш учун бериладиган сийлиқ, ширинлик, мато, пул ёки бошқа нарса. *Аке суйинчи бериң, улли бӧлдиңиз, кўрманасиниям берсеңиз улиңизди апкеп кўрсетемен!*

Кўрмекли – [Ko’rmekli] – туркий сўз. Келишган, қаду-қоматли, гўзал. *Шу жигит кўрмекли екен, Худа жӧлини ачса, давреде елдиң бетжувари бӧлади.*

Кўрпе-тўшек – [Ko’rpe-to’shek] – туркий сўз. Хўжаликнинг ётиш, ўтириш ва ёпиниш учун ишлатиладиган анжомлари. *Алти қатар кўрпе-тўшегиңниң раҳатини чишқаннар кўрмей, шуни еки қатар қисаңам, бӧғичеди!*

*«Ҳава чим-чим жавади,*
*Чечем ийнек савади.*
*Айнам кеген ахшами*
*Абир кўрпе жабади» (Афғӧнистӧнлик лақайлар термаларидан).*

Кўрпече – [Ko’rpeche] – форсий сўз. Хўжаликнинг ўтириш учун ишлатиладиган анжоми. *Кўрпечени қалин сал, мейман кўтерип кетмейди!*

Кўрсавда – [Ko’rsavda] – туркий сўз. Бозор қилишни эплаёлмайдиган, савдони билмайдиган киши. *Атаң*

*кўрсавда, нархиға қарамай, нимени кўрсе кўтерип келебереди.*

Кўрсеқизар – [Ko’rseqizar] – туркий сўз. Пулни аямасдан сарф қилувчи. *Атаң кўрсеқизар, читти кўрсе тӧбиман, қантти кўрсе қабиман алади.*

Кўртуйин – ечилиши қийин бўлган тугун. *Жипти кўртуйин қип тайлапсан, буни чечип бӧлама?!*

Кўсе – [Ko’se] – форсий сўз. Соқол-мўйлови камроқ чиққан эркак киши. *Мӧлламиз кўсе екен деп, жашлариң алмиштан ашип сақал қӧймай жиребересеңерме?*

Кўтел – [Ko’tel] – туркий сўз. Довон. *Кўтелде ешшектен тушмесең, жарамайди.*

Кўтере – [Ko’tere] – туркий сўз. Яхлит, барчаси. *Базарда кўтере савдадан сази жӧқ.*

Кўтереӊ – [Ko’tereng] – туркий сўз. Кучсиз, мадорсиз, туролмайдиган, белини кўтара олмайдиган, радикулит. *Жеммен бахмасаң атиң улақа жарамай кўтереӊ бӧп қалади! Қирғини куев кўтереӊ бӧп қаған екен, вӧятишқа шунча ҳарекет қисамам таң атқинча каллесини кўтермей хӧриллап уйхуни урип, таң атқаннан сӧң иш питирген батирдай чапанини башиға жавуп жӧрғалап жўнеди!*

Кўчменчи – [Ko’chmenchi] – туркий сўз. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрувчи, кўчманчи. *Чарвадар ел кўчменчи бӧлади, малиниң туяғиға иргешип кетебереди.*

Кўчирув – [Ko’chiruv] – туркий сўз. 1. Бирор нарсани кўчириб ёзмоқ. *Китабиңнен намазлиқти кўчирип бер, менем ятлайин.* 2. Бир жойдан икинчи жойга қўзғамоқ, кўчирмоқ. *Пахта қиламиз деп, елди чўлге кўчирди, чалатаңлар Чалтавда едилер, шӧнда кеп қағаннар!*

Кўчув – [Ko’chuv] – туркий сўз. Кўчмоқ. *Балалари адам бӧбеди, ағайиннариға қӧшайин деп, кампир Арпабулақа*

*кўчип кетти.*

Кўҳари – [Ko’hari] – форсий сўз. Ҳеч кимга қўшилмайдиган, якка махов. *Кўҳариге вӧхшамай авқатиңди елмен қӧшилип жемейсеме?!*

## Л

Лавент – [Lavent] – форсий сўз. Анқайган, бўшанг, лапашанг, дангаса, фаросатсиз. А.Навоий «Маҳбубул-қулуб» асари (-Б. 145)да: Ўргануридин қочқан лаванд ва юзига ҳиял ва баҳона эшигин очқан тананд, - дейди.*Миндейин лавент жигит бӧмада, лавент екен деп ҳич ким қизини бермейди.*

Лавзе – [Lavze] – форсий сўз. Бемаъни гапларни гапириб ўтирувчи, эзма. *Шӧ лавзе жездеңниң гуруңини ешитемен деп, ешшегиңди жандарға жегизип келдиңме?!*

Ладан – [Ladan] – форсий сўз. Ақлсиз, нодон, ҳали анча ёш. *Ертен қараңа қишта ладан балалар кимниң ешигиден нан тилеп баради?!*

Лажиллев – [Lajillev] – туркий сўз. Эзмаланмоқ, ҳар хил гапларни қайта-қайта такрорламоқ. *Сениң вӧ ашнаң бир аяқ айранди кўбрек ичсе лажиллеп қағичеди, вӧға арақ берген бӧсаң, Қӧрғаннан кегинче куниңди бир тутам қиғандир!*

Лазиманде – [Lazimande] – форсий сўз. Зарур иш, керак бўлганда. *Бир қӧйди ап кет, сатип лазимандеңде ишлетесен.*

Лайгар – [Laygar] – форсий сўз. Лой тепкилаб, девор кўтарадиган усталар, мардикор. *Лайгарлериң авқат жедилер, бир чайнеке арқаларидан чай апар!*

Лайқа – [Layqa] – форсий+туркий сўз. 1. Лойқа сув, суви лойқа жой, ботқоқлик. *Илгери ел лайқа жерлерди абад*

*қилип, пахта еккенлер!* 2. Ёвон жулгесидаги аҳоли яшаш пункти. *Лайқадағи катапам келин туширсе, кўрмана алип тӧдайлашип барамиз!*

Лак-лак – [Lak-lak] – форсий сўз. Юз минг, жуда кўп. *Атаңниң лак-лак пули бар, бир машин ап бермейме?!*

Лалеп – [Lalep] – арабча сўз. Ранг. *Лалеппуруш кесе, маңа хабер қилиңар, берген лалеплеримен лебини бӧяп жўнетейин, пахта лалеп сӧрасам, жун лалеп берипти!*

Лас – [Las] – форсий сўз. Усти ярим ялтироқ сатин мато. *Ласден кўрпече қима, қишда вӧтирған мейман яхлайди.*

Лата – [Lata] – форсий сўз. 1. Латта, мато. *Ана латании алда айналарди суртип чиқ, ертен жавчилар келеди.* 2. Енгил рўмол. *Жавчи кегидей қиз бӧпсан, латаңди жамилиб жир.* 3. Илгари дераза ва эшик пардаларини айтишган. *Ешиктиң латасини тутиңар, аз бӧсаям сувухти қайтаради.*

Латачайнар – [Latachaynar] – форсий+туркий сўз. Бўшбаёв, гапини эплаб гапиролмайдиган, мижғов одам. *Латачайнар бӧсаң бирен қиз саңа тиймейди, тўрт ечкиңниң арқасидан судрелип жиребересен!*

Лати – [Lati] – туркий сўз. Бурунга тақиладиган тақинчоқ. *Илгери бир хил келинчеклер тӧйларда бурниға лати тағип жиргичедилер. Бир тилла латиниң нархи бир аттиң пулиман тең бӧған!*

Лачира – [Lachira] – туркий сўз. Пиёз солиб пиширилган ёғли нон. *Лачира пишириңер жавчилар келеди.*

Лачиқ – [Lachiq] – туркий сўз. 1. Ўтовнинг оддий, ибтидоий шакли, кичик ўтов. 2. Тўлиқ қурилмаган, фақатгина устига ўт-ўланлар ёпилган капа, чайла. Бу сўз А.Навоий “Садди Искандарий” достонида алочуқ, алочуғ (чодир, капа) сифатида берилган.

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард,

Ики-уч алочуқ аро етти фард.[9]

*Лачиқ қурип қӧйиңар, бу селгеде кӯп бӧмаймиз, сувли жерге кӯчемиз! Жар башида жарти лачиқ, ҳабалайди қапқир қанчиқ.*

Лаш бӧлув – [Lash boluv] – форсий+туркий сӯз. Тугамоқ. *Пахта лаш бӧғанда, сен теримчи бӧлдиңма?!*

Лаш-луш – [Lash-lush] – форсий сӯз. Кӯрпа-тӯшак. *Лаш-лушиңди жийда ешшеке арт, капеге чихмасаң, палекти бу яғи жайра, бу яғи маллар қӧқитип кетаятирлар.*

Лашек – [Lashek] – форсий сӯз. Қовун-тарвузнинг қолган қутганлари. *Лашеклерди терип, анжемханаға сап қӧйиңар, гӯдеклер камиредилер.*

Лашет – [Lashet] – туркий сӯз. Фалокат. *Ули дарахтан жиғилип лашет тавуп аяғи лат жепти.*

Лашкер – [Lashker] – форсий сӯз. Йирик қуролли гуруҳ, лашкар.

*Амир айнам Авғанда,*
*Елдиң беги Рангенде.*
*Бек айнамниң лашкери*
*Байсуну Балжуванда.*

Лашкербаши – [Lashkerbashi] – форсий+туркий сӯз. йирик қуролли қӯшин қӯмондони. *Ибрайимбек лашкербаши еди!*

Лашлав – [Lashlav] – туркий сӯз. Тӯқилган ипни текисламоқ. *Жибек ийирип лашламасаң, айнахалтаңа жибегиң жетмейди.*

Лақиллав – [Laqillav] – туркий сӯз. Билиб-билмасдан гапирмоқ. *Билмесең билемен деб лақиллама, кӯргенлер қалип кӯрмегенлердиң керрейгениге куемен-да!*

---

[9] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тӯрт томлик. Т. I. – Ӯзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983. – Б. 81.

Лағар, лағари – [Lag'ar, lag'ari] – озиб кетган, қавирғаси саналиб ётган. *Лағари атман улақа кирип бөлама, қайси ат атиңди тепкилеп кетеди!*

Лаҳас бөлув – [Lahas boluv ] - арабча+форсий сўз. Бўшашмоқ, тананинг ланж бўлиши. *Тумавдан кейин лаҳас бөп вўзиме келалмай жатиппан.*

Ликап, ликөп – [Likap, likop] – туркий сўз. Илгари Бухоро амири қўшинига навкарликка олиш. *Илгери камбағал, бесайип жигитлерди Бухараға ликапка апкетип, вөн жиллап хизмет қиғичедилер!*

Линче, лиңче, илинче – [Linche, lingche, ilinche] – туркий сўз. Қопнинг кичик шакли, қопча. Илгари асосан деворга осиб, ичига ошхона анжомларини солиб қўйишган. Шу сабабли «илинче» дейилиб, талаффузда биринче унли тушириб қолдирилган. *Чўмичмен табахтиям керегеде асилған илинчеге сап қөй, тайин туради. Линчени бер, базардан гуручем ап кемесем, гўдеклердиң палав жемегенигеем хийли бөлди.*

Лөкет, лөкет ер, (лөқатер) – [Loket, loket yer (loqater] – архаик сўз. Ярамас, ношуд эркакларга нисбатан қўлланиладиган салбий сўз. *Вөниң ери лөқатер даңгесе, байқуш хатин башиман тийирманғаям вўзи жугиреди, буғдайиниям вўзи егип, вўзи балағаналариман вөради, шалиниң палини тартип, шалисини егеди, яна елге пал тартип берип, пулиға ериге винөям ап береди.*

Лөхшув – [Lokhshuv] – туркий сўз. Юракнинг айниши. *Чечең журегим лөхшиятир дебеди, байқуштиң баши қараңа бөса керек!*

Лөқиллатув – [Loqillatuv] – туркий сўз. 1. Бирор таркибдан ниманидир ажратиб олиш. *Қатиқа сув қөшип лөқиллатаберсең, маске жави ажралиб қалади.* 2. Бирор

нарсани қаттиқ уриб аралаштирмоқ. *Жӧлляриӊ дӧққи екен, машинди ичимиз лӧқиллап қалди.*

Лӧғар – [Log'ar] – форсий сўз. Ишдан чиққан, тепса-табралмас, ишёқмас, дабдала, тўзган. *Шу лӧғар атиӊман Султанабат бармахчисама?!*

Лувчи – [Luvchi] – туркий, архаик сўз. Кесов.

*Жӧлдашиӊ дўлте бӧса - жӧлиӊ куеди,*

*лувчиӊ калте бӧса - қӧлиӊ куеди.*

## М

Маву – [Mavu] – туркий сўз. Мовий, ҳаворанг. *Иштен қачма, балаӊниӊ кўзи е кўк бӧлади, е маву бӧлади!*

Магерем – [Magerem] – форсий сўз. Ҳар эҳтимолга қарши. *Атти егерле, жавчилиқа магерем вўзим барсам.*

Мазарат – [Mazarat] – арабча сўз. Қабристон, мозорлар. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 710)да:

Қубур тавфи намозу ниёз боисидур,

Бу важҳдинки мазорот ўлур ибодатгоҳ, - дейди.

*Ҳайит намазини вӧқип, мазаратқа барип дува қил!*

Маззеӊ – [Mazzeng] – форсий сўз. Бир нарсани билиб, ўзини билмаганликка олиб, бошқа нарсани гапирмоқ, айёрликнинг янада салбийроқ шакли,. Илмий маълумотларга кўра лўлилар мазанглар деб ҳам аталган. «Кўп асрлар давомида турли йўллар орқали Ўрта Осиёга кириб келган лўли ва лўлисифат гуруҳлар маҳаллий аҳоли орасида лўли, жўги, мўлтони, мазанг, тавақтарош, косатарош, соғутарош, оғача ва ҳоказо номлар билан маълум» («Ўзбекистон тарихи» журнали. 2005. №1. 49-бет).. *Маззеӊник қима, сен бари балани билесен! Айнаӊди танимайман деп кўп маззеӊник қима, сен тиккен*

*қўлвўрамалчани айнамниң кисесиде кўрдим!*

Майип – [Mayip] – арабча сўз. Бирор мучасида камчилиги бор ёки бирор мучаси оғриган киши. *Байқуш бабаң қаригенде суринип аяғини майип қипти, барип кўрип келейик.*

Майишув – [Mayishuv] – туркий сўз. Эгилмоқ, бугилмоқ. *Атимдиху беремен, алдинғи мартегидей саккиз қапча буғдай артип атимниң белини майиштирма тағин!*

Майхўрек – [Maykho'rek] – форсий сўз. Намдан темирнинг занглаши. *Катменди ишлетип, жувмай лайиман тайламаңар, майхўрек жеп тайлайди!*

Мазгил, мезгил, манзил – [Mazgil, mezgil, manzil] – арабча сўз. 1. Жой, макон, манзил. *Ертерек жўне, қараңа тушместен баратқат манзилиңе жет.* 2. Вақт. *Мазгили кесе қавун балдағидан узиледи!*

Макиен – [Makiyen] – форсий сўз. Товуқ. *Макиеннериң жумурқаға кирсе, қазаниң абат бўп қалади. Макиеннериң назланип тувмаятқан бўса, хўразиңди сўй, бехўраз қалип пичи кўзлери вўйилсин! Калим-калим какиен, калте тавуқ макиен.*

Мал – [Mal] – форсий сўз. 1. Йилқи, сигир, қўй-эчки. *Мал аласи сиртида, адам аласи ичиде.* 2. Мол-дунё, молу-мулк. *Мал егеси жўлбарсди, алдирғани қўймасди.*

Мала – [Mala] – туркий сўз. Шудгорланган ерни майдалаб, текислаш учун ҳўккиз ёки йилқининг бўйнига боғлаб тортиладиган асбоб, мола.

Малле – [Malle] – туркий сўз. Жигарранг. *Чачи малле мавукўз хатиниң тилди билмесе, сийир савалмаса, нан пиширалмаса, вўз елиңнен асаң бўймеди!*

Малы – [Mali] – туркий сўз. Яйловларда ўсадиган ўсимлик, маллачой. *Жавлаб барсаң маңа малы терип ке,*

*чайи раҳат бӧлади.*

Мамиле – [Mamile] – арабча сўз. 1. Келишиш, муомала. *Қудаңху ҳар мамилеге кўнеди, қиррайған қудағийиң тӧғизларди титкилеп кўкейимизди кеседи.* 2. Мато, газлама. *Базардан бир-еки кийимлик мамиле алип ке, айнаң ахшам куевлесе харжи қилади.*

Манавсирав – [Manavsirav] – туркий сўз. Дадил айтмаслик, уйқу аралаш гапирмоқ. *Уйиге мейман кеген бӧса, «Бизикиде тӧй бар екен, е бар екен, е барма екен» қип ярим кечеде «кемейсизлерме» деп манавсирамай саҳал илгери айтмаймаки, жийилишип барип бир гурунг сӧғип қайтсақ! Манавсирамай уйхуңди ачиб гапир, мен ниме деймен, қӧбизим ниме дейди!*

Маңқа – [Mangqa] – туркий сўз. Бурни пучуқ. *Бурни манқа бӧсаям, ақли вўткир.*

Манжа – [Manja] – туркий сўз. Тахтадан қилинган сўри, ёғоч кроват. *Манжаға чиғип мизғиб алиң, пешин бӧса вӧятаман.*

Маңқа – [Mangqa] – туркий сўз. Димоғда гапирувчи киши. *Маңқаға кулме, маймулға кул.*

Маңқай-шанқай – [Mangqay-shanqay] – туркий сўз. Бурни пучуқ бола. *Ана, манқай-шанқайиңаям кўйлек алип бердингме, е вӧға амадингма?*

Мапремеч, напремеч – [Mapremech, napremech] – туркий сўз. Келинларнинг юзаси жўрмалаб нақшланган сандиқ шаклидаги юк остидан қўйиладиган анжоми. *Илгери қизлар екитаден мапремеч тиккичеди, ендигилер биревинием еплеп тигалмайдилар!*

Мардан – [Mardan] – туркий сўз. Қамишдан мустаҳкам қилиб тўқилган буйралардан иборат буғдой ёки арпа солишга мўлжалланган катта идиш. *Марданниң буғдайиям*

*пасге енип кетаятир, кўлиниң буғдайиданам тийирманма тарттирабериңер!*

Мардек – [Mardek] – форсий сўз. Эркак киши, мард. *Уйхусирамай, мардекдей бöп ишлемейсизме?! Мардек, муритиңизди тавлап ухлағинча куч-қуватиңиздиң барида ишлеб алиң, ертен раҳатини кўресиз!*

Мардикер – [Mardiker] – форсий сўз. Хизматчи, мардикор. *Кучиңиз жетмесе, мардикер салиң, вўзи белиңиз мертик.*

Мареке – [Mareke] – арабча сўз. Йиғин, тўй, жаноза, худойи, хуллас одамларнинг йиғилган жойи. *Арақ ичип бир мусурманниң марекесини бизғинча намаз вöқип атангниң ҳақиға беш қöлдинг дувасини қимайсама, намарт!*

*«Ахман, шöхман, марекеде жöхман,*

*Сариман, қараман, марекеге бараман».*

Мат бöлув – [Mat boluv] – арабча+туркий сўз. Енгилмоқ, мот бўлмоқ. *Хатиниңнан мат бöп вöтирипсан, еркек деген сал қарувли вöйнамайма?!*

Мачча – [Machcha] – форсий сўз. Эшакнинг урғочиси. *Мачча ешшек буваз, вöни кўп ишлетмеңер.*

Машава – [Mashava] – форсий сўз. Мошни қайнатиб, тайёрланадиган овқат, мошхўрда. *Машиң ташли екен, машаваң вöхшамапти. Машаваниң машиям бöлади, ичиде мушдай ташиям бöлади.*

Машлақ – [Mashlaq] – туркий сўз. Ифлос, йиғувсиз (асосан йиғувсиз аёлларга нисбатан қўлланилади). *Балаңниң жаяллихларини аттапқа жай, табахларди жийиштир, кеген адам келини машлақ екен деп кулип кетмесин!*

Машшақ – [Mashshaq] – туркий сўз. Бошоқ, донли экинлар йиғилгандан сўнг далада қолган қолдиғи. *Илгери аяллар машшақ терип, адирдаям тувип кетебергеннер.*

Мағзаба – [Mag'zaba] – форсий сўз. Ювилган кирдан қолган совунли сув. *Мағзабани жузимниң астиға тўкме, қуритади.*

Мағиз – [Mag'iz] – форсий сўз. Тўннинг, ёки кўрпа - тўшакнинг устки қисми ва астарини бирлаштириш учун тикилган ингичка мато, адип. *Кўрпечени сен мағизлайбер, мен пахтасини саламан!*

Мегажин – [Megajin] – мўғулча сўз. Тўнғизнинг урғочиси, қанчиқ – итнинг урғочиси, мачча – эшакнинг урғочиси, байтал – йилқининг урғочиси.

Менгни, менгли – [Mengni, mengli] – туркий сўз. Хол. *Илгери тувилған чақалахтиң хали бöса, вўз ати вўзи минен деп, шу атти қöйғичедилер!*

Мендöруқ – [Mendoruq] – туркий сўз. Илгари имконияти бор одамлар буғдойдан қирқ хил овқат тайёрлатиб, умр бўйи бир марта халққа бериладиган зиёфат, худойи.

Мерген – [Mergen] – мўғулча сўз. Ўқни нишонга тўғри урувчи киши, овчи. *Алимбаччениң баш бабаси Катте мерген бöғани учун Алимбаччеден мерген кўп. Авғанистандаям мергенчиликте Алимбаччелердиң алдиға ҳич ким тушалмас екен. Бермес бергенминен ғаш, айув мергенминен ғаш. Мерген айувди аңниса, айув мергенди аңнипти.*

Мертик – [Mertik] – туркий сўз. Оғир нарса кўтаришдан ёки йиқилиб белнинг лат ейиши. *Байқуштиң бели мертилип балинседе жатир.*

Мертилув, мертигув – [Mertiluv, mertiguv] – туркий сўз. Белидан лат емоқ, мертик бўлмоқ. *Бели мертилген бабайдай тöнқаңламай, тузув жирмейсеме?! Кундузи иш десе бели мертилгендей касел, ахшам кўрпениң астида арсланди вўлтиргендей вöйинға ажел.*

Мечел - [Mechel] – туркий сўз. Юра олмайдиган, рахит касалига йўлиққан, ёрдамга муҳтож одам. *Ёшлиқда ажелге, қаригенде мечел(касаллик)ге жўлиқтирма!*

Мечкей, мешкей – [Mechkey, meshkey] – форсий сўз. Кўп еб, тўймайдиган одам. *Иш десе иштаҳаси жўқ, авқатқа мечкей, тўрт табақа тўйдим демейди.*

Меш – [Mesh] – форсий сўз. 1. Сув ёки айрон қуйиш учун молнинг терисидан ёки брезентдан ишланган идиш. *Мешке сув қуйип шамалға илип қўйсаң, яхлап туради.* 2. Семиз ёки тўймас одамни мешга ўхшатиш. *Қарни мештей адам қўлимдағи қаракулчени жулиб ап, жеп қўйди.*

Мижинг – [Mijing] – туркий сўз. Бир гапни айлантирип, тушунарсиз тарзда эзиб такрорлайдиган эзма, сергап. *Мижиңламай гаптинг дангелини гапиребер!*

Мижув, мижғилав – [Mijuv, mijg'ilav] – туркий сўз. 1. Бир нарсани қайта-қайта қўл билан эзмоқ, майдаламоқ. *Гўдеке иш буйир, арқасидан вўзиң жугир, дегендей, памедурди турап пиязман аралаштир десем, мижғилап сувини чиғарип тайлади.* 2. Бир гапни эзип такрорламоқ. *Гаптием мижғилап майип қип жибердиң.*

Мизир – [Mizir] – туркий сўз. Акс таъсир этувчи, ўтакетган. *Малария бўсаң – писте, жанғақ, жумурқа жеме – мизир!*

Мийқи – [Miyqi] – туркий сўз. Чўлоқ, оқсоқ. *Сениң шу мийқи қўйинг юз саманиғаям кетсе хурсан бўлабер!*

Милладар бўлув – [Milladar boluv] – форсий+туркий сўз. Миннатдор бўлмоқ. *Бир хамирлиқ ун берибем мамам милладар бўп қалди.*

Милжинглав – [Miljinglav] – туркий сўз. Бемаъни нарсаларни айтиб кўп гапирмоқ. *Вўниң милжиңлағаниға қулақ саламиз деп пешиндием қаза қип жибердик.*

Милтиқ – [Miltiq] – туркий сўз. Қўлга ушлаб отадиган қурол. *Тақа авуз милтиқ, Қӧшавуз милтиқ, Бешатар милтиқ, Қуш милтиқ.*

Мынав – [Minav] – туркий сўз. Мана у (кўрсатиш олмоши). *Мынав Ташрабаттан Тайланабатқа ериниӊ матасекилиге мингешип кепти.*

Миӊгешув – [Minggeshuv] – туркий сўз. Битта от, эшак ёки техникага биргалашиб минмоқ. *Пияда жиресеме, ешшеке чалиӊниӊ арқасиға мингеш. Ешшекти тувлатип ҳайдап кампириӊди жӧлда жиғитма. Сенем чалиӊа жабишиб ал, жиғилсаӊарам бирге жиғилсаӊар, аврисаӊарам билинмейди. Матесекилге мингеш-мингеш дейсиз, мингешсем матесекил қизип кетти дам берейик деп, ҳар сайда кўкейимди қуритасиз.*

Миӊги – [Minggi] – туркий сўз. От ёки эшакни минишга ўргатмоқ. *Шу тарланди минги қип берсеӊ бир улақ беремен.*

Минда (ке) – [Minda (ke)] – туркий сўз. 1. Бу ерга кел. *Минда ке улим, бир нерсе берей.* 2. Бирор нарсага миниш учун буйруқ. *Атқа минда, айранхалтадағи айранди апаӊдикке апар, жездеӊ айранниӊ устиде жиғилип қалип, жатип симиреди.*

Минез, мижез – [Minez, mijez] – арабча сўз. Инсон организмидаги руҳий ўзгаришлар. *Вӧниӊ минези жеӊил, жахмаған авқатти жесе, аврийди.*

Минғирлав – [Ming'irlav] – туркий сўз. Бирор нарсани тушуниксиз қилиб айтиш. *Айнам атти апкет дебеди, барсам милайимхунук чечем минғирлап қӧйди, тарбизим қӧлтиғимнан тушип қайтип келебердим.*

Мирахур – [Mirakhur] – арабча+форсий сўз. 1. Бухоро амирлигида қаровулбеги ва тўқсабо ҳарбий унвонлари оралиғидаги унвон. Тахминан подполковник унвонига тенг.

*Амир Алимхан давриде лақайдан мирахур кўп вўткен.* 2. Хонлик ва амирлик даврида қўшинда отлар таъминотига мутасадди ҳарбий мансабдор шахс. *Мирахурларға хабер берип, қўшинди атлар минан таъминлетти.* 3. Отбоқар, йилқичи. *Райис, мирахурға буюриң, бир тузув ат бермесе, мынав иссиқа жарамай қалди.*

Мисқал – [Misqal] – арабча сўз. Илгариги ўлчов бирлиги бўлиб, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумушлар мисқоллаб ўлчанган. Бир мисқол юз дона буғдой ёки арпа дони оғирлигига тенглаштирилиб, бу беш граммга яқинлашган. Туғилган чақалоқларга қимматбаҳо восита сифатида қаралиб, қизларга Мисқолой деб ном қўйилган. *Мисқалайға тағайси жийирма мисқал кумуш ишлетип тамахмўнчақ жасатти.*

Мўйин, бўйин – [Moyin, boyin] – туркий сўз. Тананинг бошни гавда билан туташтирувчи қисми, бўйин. *Куевиң куевлеп кегенде мўйниңа маржан мўнчағиңди тағип чихсаң, еркектинг кўзи башқа нерсеге жабишмасаям, жалтиллавуқа жабишип, жайдақ жўрғасини ҳар уч кунде жўрғалатип, хўржин-хўржин харжиман жамбашиңда пайда бўлади.*

Мўйинтириқ – [Moyintiriq] – туркий сўз. Ишчи ҳайвонларни аравага ёки қўшга қушганда бўйнига солинадиган юмалоқ ёғоч асбоб. *Мўйинтирихтиң гирдиге кийиз вўрамасаң, ҳўккиздинг мўйнини қийип кетеди.*

Мўлла жаға – [Molla jag'a] – арабча+туркий сўз. Эркаклар кўйлагининг ёқасини бўйиндан эмас, елкадан очиш. *Таребиге мўлла жаға кўйлек тигип бер, кампир!*

Мўнча – [Moncha] – туркий, архаик сўз. Ҳаммом. *Мўнчаға вўт саңар, жилиса жувинаман.*

Мўри – [Mori] – туркий сўз. Эшакни минганда ўтириш

қулай бўлиши учун тўқимлашда ишлатиладиган болишга ўхшаган жуфтлик. *Ешшегиңде мөриң жөқ екен, Шөрбулақа жеткиниңче тақимиң қизарип шөриң қурийди!*

Мөрт – [Mort] – туркий сўз. Бекуввват, эгилмасдан синувчи. *Хурманиң шахчаси мөрт бөлади.*

Мужавир – [Mujavir] – арабча сўз. Хизматчи, матасадди, суҳбатдош. *Мужаввирлик қилиш ҳам савап бөлади.*

Мужмел – [Mujmel] – арабча сўз. Ноаниқ, тайин эмас. *Атаси қизини бергичме, бермегичме бийкеңниң габи ҳали мужмел.*

Мужуқ – [Mujuq] – туркий сўз. Озғин, суяги чиққан, пучуқ. *Бу қизчаниң бурни мужуқ екен! Бу мужуқ балаң қачан жан алади?!*

Мулгув – [Mulguv] – туркий сўз. Қалғимоқ, мудрамоқ. *Мамам мулгип вөтирибеди, бабамниң ешшеги ҳаңрап, уйхусини қачирди, сөнг мамам ачувланип бабамниң массисимен ешшектиң қарнига қөйиб жиберди.*

Мумсик – [Mumsik] – туркий сўз. Зиқна, бахил, хасис. *Айда-жилда бир базар ап кепсиз, мумсиклик қимай бир шашлик алинг жейик! Сен ахшамлари қандай мумсиклик қисаң, бизем базарда шундай мумсиклик қиламиз!*

Мунгниқ – [Mungniq] – туркий сўз. Муштипар. *Мунгниқ апаңнанам хабер алиб тур!*

Мунисек, минусек – [Munisek, minusek] – туркий сўз. Келинчакни узатганда ёпинадиган ёки аёллар киядиган юпқа чопон. *Минусегиңди жўрме чираз ачипти, алдинғи бигиз чиразиң гуңгурт еди.*

Мункир келув – [Munkir keluv] – арабча+туркий сўз. Ваъдасида турмаслик, бўйнига олмаслик. *Мункир кемең, таң атсин кўйлек апперемен деб, вўз авзиңизман ваъдени берибеңиз!*

Мурут – [Murut] – туркий сўз. Мўйлов. *Тағайиңниң тўрт ули Рассияда ишлеп муритини балта чаппайди.*

Мурут – [Murut] – арабча сўз. Шогирд, эргашувчи, издош. *Муритлари ешан бабадан дува ағали бариптилар.*

Мурх – [Murkh] – туркий сўз. Уйнинг шифти. *Китап уйдинг мурхида!*

Муте – [Mute] – туркий сўз. Қарам. *Биревге муте бўғинча, чиразға туте бўғаниң мақул.*

Мухпар, мыхпар – [Mukhpar, mikhpar] - форсий сўз. Зувалани ясаб, устига урадиган михли асбоб, нонпар. *Базар барсаңиз, мыхпар апкең.*

Муче – [Muche] – туркий сўз. Одам ва ҳайвон мучалари. *Тўрт мучең (аяқ, қўл, кўз, қулақ) аман бўса, башқаси бўлабереди!*

Мучел – [Muchel] – туркий сўз. Мучал. *Мучелиңди билсең, савап бўлади!*

Мучелев – [Muchelev] – туркий сўз. Сўйилган молнинг гўштини мучалаб, бўлиш. *Қўйди сўйда алти мучеге бўлип қўй, башқасиман ишиң бўмасин.*

Муштай, мушдай – [Mushtay, mushday] – форсий сўз. Муштдек, кичкина. *Мушдай бўйиңман, вўзиңнен каттелерге кун бермейсен!*

Муштек – [Mushtek] – туркий сўз. Ун. *Супрадағи муштекти кескенаш қиңар.*

Муштипар – [Mushtipar] – форсий сўз. Бировнинг измидаги, муҳтож, мустар. *Қиз деген муштипар бўлади, айналари вўниң ҳалини сўрап туриши керек.*

Мўек – [Mo'ek] – туркий сўз. Маяк, яъни тухум сўзидан олинган бўлиб, пилланинг тухумсимон шаклига айтилади. *Қуртлар мўеке чиғипти, шибақ апкеп тайла, шибақа яхши жугиреди.*

Мўйрек – [Mo'yrek] – туркий сўз. Заң. *Ешике тайлама, жавунниң астида қаса мўйрек жеп тайлайди!*

Мўкки – [Mo'kki] – туркий сўз. Таканинг терисини ошлаб, уч қисмини қайириб тикиладиган оёқ кийими. Мўкки кундалик турмуш шароитида, тўй ва тантаналарда кийилиб, юқори қисми чилвир билан маҳкам боғланган. *Мўккиге такениң терисием бөлабереди, мўккини кийип амач тартмасаң!*

## Н

Набада – [Nabada] – форсий сўз. Мабодо. *Набада төйға бармахчи бөсаң, маңаям хабер қил қаллама пиширей.*

Набит – [Nabit] – форсий сўз. 1. Майли, ғам ема. *Набит, бир қөйиңди жандар жесе жепти, шөни вөйлаб, уйхунгди қачирип вөйиңа жетмей жатасама, жандардиң насибеси екен жепти.* 2. Нобуд бўлмоқ. *Дарахлардиям қишта вөтин қип жағип набит қилдиң, яхшиям чалатаңнан қаған чөптараниң сутумларини суғурип жахмапсан, ғаре хийли ақллисан, жиен!*

Нава, навшарапа, шарапа – [Nava, navsharapa, sharapa] – форсий сўз. Томнинг устидан ёмғирнинг сувини муайян йўналишга йўналтириш учун қўйилган тунука, ёғоч ёки пластмасс мослама. *Навшарапа қөйип асаңар, қар-жавунниң сувиға идишлариңди төлдирип, қараңа қишта сув қарап жирмейсеңер.*

Навкер – [Navker] – форсий сўз. Бухоро амирлиги шароитида регуляр ҳарбий аскар. *Қишлахтиң бозбалалариниң түрт-бештесини навкерге ап кетибеди, яна қарачириқа адам бериңер деп кепти.*

Навурзек – [Navurzek] – форсий сўз. Навруз байрами

арафасида тоғларда очиладиган гулнинг тури, бойчечак. *Дӯңе чиғип, навурзек тердик.*

Нажинс – [Najins] – форсий сӯз. Зоти паст, гавдаси паст. *Шу нажинс ийнеклериңди сатмадиңар, сатмадиңарда!*

Назибай, назбай – [Nazibay, nazbay] – туркий сӯз. Райҳон. *Жавун жавғанға назбайлариң назиндай бӧп қапти.*

Назиндай – [Nazinday] – форсий сӯз. Дурустгина, тупа-тузук, ҳавас қилгудек. *Тағайиңниң назиндай қизи бар, шӧл қӧлдан кетмесин!*

Назр – [Nazr] – арабча сӯз. Худо йӯлига бағишланган садақа, хайр-эҳсон. *Пирге бир қӧй назр қисаң савап бӧлади.*

Назырқанув – [Nazrqanuv] – туркий сӯз. Кӯнгли тӯлмаслик, қаноатланмаслик, жирканиш. *Қудағий қӧйған авқатимдиям назирқанип жеди, саған сарпайимдиям назирқанип алди, алле ичи уйиде шишип келди, алле шу ерде шишти, ишқилип яхшилиқа бӧсин!*

Найи қилув – [Nayi qiluv] – арабча+туркий сӯз. Айбга санамоқ, танқид қилмоқ. *Қувурма тартмабеди, қудағийлар найи қип кеттилер!*

Наймит – [Naymit] – форсий сӯз. Салбий сӯз, ҳийлакор, паст одам. *Вӧ наймит тӧйдирғанниң сақалиға деп наймитлиқ қилип вӯз башини вӯзи жеди.*

Намазигер – [Namaziger] – форсий сӯз. Куннинг ботишидан олдин, аср. *Мейманнар намазигарде келдилер, мал сӧйғинча қараңа бӧп қап, авқатам кечка қап кетти.*

Намазлав – [Namazlav] – форсий+туркий сӯз. Ҳайитламоқ. *Илгери намазда катте-катте қизлар тӧда-тӧда бӧлишип қишлахма-қишлақ намазлағичедилер.*

Намдар, намдарғана – [Namdar, namdarg'ana] – форсий сӯз. Яхши, маъқул, мос. *Қудам кегенде намдарғана ширбаз тӧхлимди сӧйдим, қудағийим кегенде қирқ тавуғимниң*

*уйини бизип, дадайлатип, жөлбарсдай бөған хөразди сөйдим, мен барғанда жанниқ сөйиш вөяхта турсин, тўрт ели даккениң теңи қимади, кунус адамнар екен!*

Намдардай бөлув – [Namdarday boluv] – форсий+туркий сўз. Яхши бўлмоқ, мос бўлмоқ. *Бир хатинди тавуп келди, намдардай бөп хизметини қип жирибеди, бир кун ҳа нимедейсен, шө хатин сандихтиң авзуни синдирип ачип улиға жийған төғизларди алип кетипти, қирғини кесин, заман бузилдима, адамнардиң ниети бузилдима, ийт егесиге вапа қимай қалди!*

Намхөш, нимхөш – [Namkhosh, nimkhosh] – форсий сўз. Ҳўлроқ, ҳали яхши қуримаган. *Кийимлер нимхөш екен, қөй яхши қурисин!*

Нанпар – [Nanpar] – форсий сўз. Зувалани ясаб, устига урадиган мухли асбоб, нонпар. *Нанпарман рапидени апке.*

Нантабақ – [Nantabaq] – форсий+туркий сўз. Илгари нон пиширилгач, совутиб нонлар солиниб қўйиладиган карсон товоқ. *Нантабақти қара, нече нанимиз қапти, мейман кесе, уялип вөтирмайиқ.*

Нантерит – [Nanterit] – форсий+туркий сўз. Нонни ҳўлламоқ, суюқ нарсага ботириб юмшатмоқ. *Кампир, тўреге ҳич бөмаса қалашан қил, нантерит қип жейик!*

Нанхўрек – [Nankho'rek] – форсий сўз. Қишлоқ уйларида кўп учрайдиган, суваракка ўхшаш, нонларни камириб кетувчи ҳашарот. *Наннариңди вөрап қөй, нанхўрек жеп кетеди!*

Напарман – [Naparman] – форсий сўз. Мижозига ёқмайдиган, кўнглига ўтирмайдиган нарса. *Напарман нерсе жедиме е биревдиң кирнеси кирдиме төйға барғандаям бөмай кечкечей жаталахлап чихти.*

Наркалле – [Narkalle] – туркий+форсий сўз. Калласи

бошқаларникига нисбатан каттароқ ёки ақли бошқаларникига нистатан устунроқ эркак киши. *Елдиң наркаллелери жийилип маслаҳат бермеселер, мен ниме деймен!*

Нарман – [Narman] – туркий сўз. Бу ердан нари, узоқ. *Вӧчақтиң башидан нарман тур, вўртедиң, гўш пишсе жейсен, жутағир! Қишлахтиң падаси нармандағи газеден ашип кетти. Нарман-е, кундуз куни биревдиң кўзи тушедием демейсиз-а?!*

Нармаған – [Narmag'an] – туркий сўз. Янада узоқроқ, нарироқ, олисроқ. *Сийирлар Жузейбулақтан сув ичиб, нармағандағи сайда саялаб жатирлар.*

Насибе – [Nasibe] – арабча сўз. Аталган озиқ-овқат, мол-мулк. *Нечи авлеттен қаған тиллалар шӧниң насибеси екен, басип жеп жатир, уккағардиң ули! Улим зиқ бӧма, насибең кўтерилген бӧса, Рассияға барасан, насибең кўтерилмеген бӧса, ҳар ҳапта бир малди сатип Душамбиниң жӧлида ҳаллеп қайтип келебересен!*

Нах – [Nakh] – туркий сўз. Ғалтакнинг ипи. *Чираз тӧқиймиз деп, тутелердиң нахиниң башиға жетиптилер.*

Нашейиште – [Nasheyishte] – форсий сўз. Буғдойни бир-ҳафта, ўн кун сувини алмаштириб ивитиб, буғдойни кўкартирмасдан эзиб турилиб, кейин сутга солиб қайнатилиб, устига бир қошиқдан қўй ёғи солиб ейиладиган овқат. *Нашейиште саған бӧсаң, сутимен қӧй жави бизден, тайяр бӧса қайнатип жеп бир раҳат қилайиқ!*

Наҳал – [Nahal] – арабча сўз. Отнинг, эшакнинг оёғига ва оёқ кийимларнинг пошнасига қоқиладиган темир. *Атиңа наҳал қахтирсаң, туяғи бақувват бӧлади. Ҳадеб атиңниң аяғиға наҳал қахтирғинча хатиниңниң тилигеем наҳал қахтир, вўчсин! Туяхлилар туяғиға наҳал қахтирса,*

*қурбақаям наҳал қақ деп устаниң алдиға барған екен!*

Нике – [Nike] – арабча сӯз. Никоҳ. *Ашна, никеңде куев жӧлдаш бӧламан деп, еллик дӧлларди майдалап, чечеңниң бӧғжамасиға жаширип қӧйғанман, тӧйиңди тезрек қисаң қил, қимасаң уйимизде чишқан кӯп, пулдиң ийисини аса, турап тайлайди.*

Нике қийув – [Nike qiyuv] – арабча+туркий сӯз. Никоҳ хутбасини ӯқиш, никоҳни шариат йӯли билан расмийлаштириш. *Илгери яхши еди, бир ахшамда ҳам нике қийғичеди, ҳам қаделерини вӯткезгичеди, кеген тӧйчи тамаша кӯргичеди, билмеймен бу тамилди ким чиғарди, бир хил жерде тӧйдан бир ҳапта алдин, бир хил жерде уч кун алдин нике қийип қӧядилар.*

Никесиге салув – [Nikesige saluv] – арабча+туркий сӯз. Қизни ёки аёлни эркакнинг никоҳига солиш. *Куев қарием бӧса бай деп, байқушти мажбурлеп шӧниң никесиға салдилар.*

Нимдаш – [Nimdash] – форсий сӯз. Оҳори тӯкилган, ишлатилган. *Тӧйда нимдаш кӯйлек кийместен, жаңасини кийсең, бӧмайма?!*

Нимкала – [Nimkala] – форсий сӯз. Ярим жон, тӯлиқ эмас. *Байқуш мамаңам нимкала бӧп қапти.*

Нимхӧш – [Nimkhosh] – форсий сӯз. Тӯлиқ қуримаган, намроқ. *Жувған кӯйлегиң ҳали қуримапти, нимхӧш екен, аттаптиң кӯзиге асдим!*

Нихтав, ниқтав – [Nikhtav, niqtav] – туркий сӯз. Босмоқ, тирамоқ, тиқмоқ. *Халлени ниқтаб ҳайдамасаң ешшегиң жирмейди.*

Нишеп – [Nishep] – форсий сӯз. Пастлик, қиялик, эниш. *Машинди нишепке қӧйма, жирип кетеди!*

Нӧхта – [Nokhta] – туркий сӯз. Ин ёки қайишдан

қилиниб, ҳайвонларнинг бошига солинадиган хўжалик буюми. *Бузавуңди нөхталамасаң, саңа бөйим бермей, енесини емип қөяди. Ериңди бир нөхталаб асаң, ихтиярини саңа тапширип базарма-базар арқаңнан иргешип жиребереди.*

Нөхуна – [Nokhuna] – форсий сўз. Молларда, асосан отларда кўп учрайдиган бурнида пайдо бўлувчи ўсимта, касаллик. *Ат нөхуна бөппа, асманға қараб бурнини жийириб жатир.*

Нура – [Nura] – туркий сўз. Тоғнинг тик этаги, қия пастлик. *Нурадан матесекилди тик ҳайдап тавдиң учиға чихсаң бир қөйди мен сөяман!*

Нушқирт, нушхурт – [Nushqirt, nushkhurt] – форсий сўз. Молларнинг овқатининг қолдиғи. *Алдинғи сийирим яхши еди, ниме тайласам, жалмаңлап-жалап нушқирт қалдирмағичеди, буниси қирғини кесин чумсетамақ, жөңишқа тайласамам жашини айириб жейди.*

## Ö

өббө – [Obbo] – туркий сўз. Таажжуб. *өббө, ешшек яна қазиғини жулип сабзини тепкилепти.*

## П

Пада – [Pada] – форсий сўз. Сигирлар тўдаси. *Пада навбетем келаятир, базарға төғри кесе мениң навбетимди сен бақ, сеникини мен бағай.*

Паенек, маенек, маек – [Paenek, maenek, maek] – туркий сўз. Товуқнинг босип туғиши учун қўйиладиган қўшимча тухум. *Тавуқа паенек қөймапсан, жайини авуштирипти,*

*енди арқасидан аңнимасаң туватиған жайини таппайсан.*

Пай – [Pay] – форсий сўз. Молларда туёқ билан этнинг қўшилган жойи.

Пай тушув – [Pay tushuv] – форсий+туркий сўз. Кўзикмоқ, бегонанинг кўзи тушмоқ, назари кетмоқ. *Қизилчаниң устиге адам киргизме, пай тушеди!*

Пайке жай – [Payke jay] – форсий сўз. Спорт билан шуғулланиладиган майдон. *Бачелер паке жайда, бугунем бирен тамаша бөлади.*

Пайкел – [Paykel] – туркий сўз. Алоҳида ажратилган экин майдони, асосан полиз экинлари экилган майдон. *Пайкелиң пишкендей қавунди исрап қип жеб жатипсан! Вўзимиздиң пайкелден бир кўкче апке, мейманға сөяйиқ! Атаңниң пайкели пишиппе қавун деп мунча ҳариллайсан!*

Пайса - [Paysa] – форсий сўз. Илгари ўлчов бирлиги, бир пайса эллик граммдан ортиқроқ. Афғонистон, Эрон ва Покистонда истиқомат қилувчи лақайлар томонидан айни пайтда ҳам ишлатилиб, кўпинча пул бирлиги, яъни тангаларга нисбат берилади. *Жийирма пайсаға желим асаң келинчегиң бир ҳапта чайнайди.*

Пайсалға салув – [Paysalg'a saluv] – туркий сўз. Орқага ташламоқ. *Бу ишти пайсалға самаки, улиңниң вўмири вўтип кетаятир!*

Пайтаба – [Paytaba] – форсий сўз. Этик ёки маҳси кийишда оёқ ва болдирга ўраладиган мато. *Пайтабамниң бир пайи бар, бир пайи жөқ, кампир тавуп бермесең е неберең вөйнап қурчақ қип кўтерип кеткен е кучик судреп кеткен.*

Пайхас, пайқас қилув – [Paykhas, payqas qiluv] – туркий сўз. Сезмоқ, пайқамоқ. *Палеке сийир киргенини пайхас қимаппан! Э, сизем шу ердемедиңиз, пайхас қимаппан.*

- *Кампир, пайхас қилдиңма, қимадиңма ахшам хийли гуруң бердим?!*

- *Э чали қурғур, пайхас қисамам парве қимай жатабердим!*

Пайғӧзи – [Payg'ozi] – туркий сўз. Бирор янгилик учун, ёки янги кийилган кийим, олинган нарса учун бериладиган совға. *Жаңа кўйлегиңди кийда, чечеңе бар пайғӧзи берсин. Қайниң машин апти, кампир пайғӧзиңди чиғар.*

Пакар – [Pakar] – архаик сўз. Ярим маст, ширакайф. *Пахрабаттиң винӧсидан еки касе симирсең тақимиңнан ап пакар қип тайлайди!*

Паки – [Paki] – форсий сўз. Соч, соқол оладиган ўткир асбоб. *Пакингди қайрап сақалимди ал, ахшам куевлешим керек.*

Пал – [Pal] – форсий сўз. Экин учун тайёрланган майдон. *Пал тартип пияз севип тайласаң, ҳадемей чиғип қалади. Шалиға пал тартип берсең, пулини беремен.*

Палав – [Palav] – туркий сўз. Гуручдан тайёрланадиган овқат. *Палавам бадке урди, гуруч кўп екен деп, қаерге барсаң палав. Бир шӧрпаям жейик, ашқазаннарам дам асин!*

Палахман – [Palakhman] – форсий сўз. Тошни солиб айлантириб отадиган қурол. *Ул давлеттиң баши, қиз палахманниң таши, қаяқа атип жиберсең, шӧяқа атилип кетеди.*

Палван сияқ – [Palvan siyaq] – форсий+туркий сўз. Келбатли, полвонсифат, полвонга ўхшаган. *Небереси жавурни супадай бӧған палван сияқ бӧзбала бӧпти.*

Палван суек – [Palvan suek] – форсий+туркий сўз. 1. Полвонларнинг авлодидан. *Вӧл палван суек, ҳали вўсип тӧлишади.* 2. Ини билан кўкракни бирлаштириб турувчи суяк, ўмров суяги. *Ахшам палван суегим қахшап аврип*

*чихти.*

Палван яғач – [Palvan yag'ach] – форсий+туркий сўз. Қўш ҳайдашда бўйинтуруқни ушлаб турадиган йўғон ёғоч. *Палван яғачти мӧйинтириққа қайишман яхшилап байламасаң, арғамчиң узилип кетеди!*

Палек – [Palek] – форсий сўз. Полиз экинлари ўсимлиги. *Қавун палеке шире тушипти, дари апкеп сеппесем бӧмайди!*

*Бир сулув келаятир палекти басип,*

*Еки чаккесиге жийде-гул асип.*

Палчи – [Palchi] – форсий+туркий сўз. Фолбин. *Палчиға ишенмеем, бепалчи турмаям – бу вўткеннерден қаған гап!*

Палғар – [Palg'ar] – туркий сўз. Қиш ойларида қорнинг узлуксиз эриш кунлари ва тунлари ёки ҳавонинг хўмрайиб булутланиши. *Ахшам палғар бӧлди, таң атқинча қарлар ериди! Ҳава палғар, ғӧзапаяларыңди териб аңар жавун жавуши мумкин!*

Памил чай – [Pamil chay] – инглизча+хитойча сўз. Қора чой. Фомил сўзининг этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, чойга нисбатан бу сўз XIX асрнинг иккинчи ярмида Москва шаҳрида Вайзан фамилияли бир яҳудий бойнинг чойни қадоқлаш фабрикаси бўлган. Фабрикада қора чой ва кўк чойларни ажратиш мақсадида қора чой пачкаларига Вайзан фамилияси ёзилган этикеткаларни ёпиштириб сотувга чиқарган. Шундан бошлаб, қора чойлар фамил чой сифатида машҳур бўлиб кетган. *Памил чаем жанға тийди, қишлақа барип тӧйип бир кўкчай ичейин!*

Пана қағув – [Pana qag'uv] – форсий+туркий сўз. Тешилган нарсани ёки сув тўлдирилган меш ёки балоннинг оғзини ёпиш учун қоқиладиган мослама-ёғоч. *Баланниң панасини яхшилап қахмаған екен ешшек кўтелден чиғаятқанда панаси тушип суви тўгилип қалди. Турбе*

*тешилип суви асманға атилип жатир, пана қахмасаңар гирди-гўшени ғар қип тайлайди.*

Панже – [Panje] – форсий сўз. Бир қўл ёки оёқ бармоқларининг йиғиндисига нисбатан ишлатилади. *Бу улди супраниң башидан аңар, панжелерини унға суғиб алди. Терекли тавда илгери жөлбарсдиң панже излери кўп бөғичеди.*

Паниет – [Paniet] – русча сўз. Сабоқ. *Вөни вўткен қалла аллағани паниет бөмаптида, яна шөға пул берипти!*

Пара-шара – [Para-shara] – туркий сўз. Исроф. *Вөн қавунди пара-шара қимай, қөйиңар кечкечей жетсин!*

Параха – [Parakha] – туркий сўз. Тахта ёки ёғочнинг кичкина бўлаги. *Аяғима параха кирип, ириңлеп кетипти.*

Пардаз – [Pardaz] – форсий сўз. Пардоз. *Енеңди атаңа бепардаз кўрсетме!*

Паренжи, пареже – [Parenji, pareje] – арабча сўз. Илгари аёллар ёпинадиган ёпинчиқ. *Илгери келинчеклерге чимбат минан парежеем қиғичедилер!*

Пареӊ – [Pareng] – французча сўз. Дастлаб, Францияда ишлаб чиқарилган ипак мато. *Пареӊ кўйлегиңди тöйға кий, уйге читам бöлади.*

Пареӊ милтиқ – [Paren miltiq] – француз+туркий сўз. Француз милтиғи.

Паримли – [Parimli] – форсий сўз. Фойдали, ёқимли. *Қишта қөй жав паримли бöлади. Тавуқ шöрпа каселге парийди.*

Парип – [Parip] – форсий сўз. Гўнг. *Дарахларға парип сал.*

Парваначи, парманачи – [Parvanachi, parmanachi] – форсий+туркий сўз. 1. Бухоро амирлигида дотхо ва оталиқ унвонлари орасидаги ҳарбий унвон. Тахминан генерал-лейтенант унвонига тенг. *Парваначининг пармани минан*

*мирахурлар елден ат жийип башлади.* 2. Ҳукмдор фармонини халққа еткизувчи юқори мансаб соҳиби. *Қайим Парманачи куеви Ибрайимбекти аскербаши қип тайиннади.*

Парса – [Parsa] – туркий сўз. Уйнинг шифти. *Милтихти парсаға асип қўй, қўйға жандар тайланса, тайин турсин.*

Пасил – [Pasil] – арабча сўз. Бир пас. *Пасилден сўң мейманнар жўнейдилер, атларини егерле! Пасил чидасаңиз, намашам сиңеди!*

Пасире – [Pasire] – форсий сўз. Йиғилган ҳосилнинг дастлабки уюми. *Буғдайлариңниң пасиресиге такит бўлиңар, гирдиде гўдеклер вўт жахмасиннар!*

Пата, пўта – [Pata, pota] – форсий сўз. Оғир юк кўтариш жараёнида бел мертилмаслиги учун ёки бел оғриганда боғланадиган камарсимон энли ипак матодан тайёрланган мослама. *Кампир патани апке, белиме байлаб алайинки, кундуз-ку кундуз, ахшамам белге қувват екен!*

Паталав – [Patalav] – туркий сўз. Эзмалаб қарғанмоқ. *Кўп паталамай пайтабамди тап, паски қишлақа – палчиға барип пал ачирай табилип қалар шў елегиң!*

Патас – [Patas] – форсий сўз. 1. Чанг, тўзон, хас-хашаклар қолдиғи. *Патасти шипирип ап тайлаңар, қўқип жатмасин!* 2. Жанжал чиқарадиган гап. *Патас габиңди давреде гапирме!*

Патек – [Patek] – форсий сўз. Оёқ кийимининг ичига солинадиган юмшоқ мато. *Ахшам куевиң кебедиме, калишимди кийип патегини катектиң арқасиға туширип тайлапсан екен, таң атқаннан сўң тавуб алдим.*

Патир – [Patir] – арабча сўз. Хамирни ачитмасдан, кўпшитмасдан юпқароқ қилип пиширилган нон. *Ечкини қўтир жўяди, унди патир жўяди.*

Патмечимчиқ – [Patmechimchiq] – арабча+туркий сўз.

Сўфитўрғай, тўрғай. *Баҳар бөғанға патмечимчиқлар сайрашип қалди.*

Пахал – [Pakhal] – туркий сўз. Шоли ва зиғирнинг сомони. *Зиғирдиң пахалиниям сийир яхши жейди!*

Пачечек – [Pachechek] – туркий сўз. Бойчечак. *Баҳар бөпти, тавларда пачечеклер ачилип қапти!Навурзектей турли бөсин,*

*Пачечектей гулли бөсин.*

*Келеси жил шу палле*

*Қөш какулли улли бөсин!*

*(Никөҳ марөсимида келин ва куёвга бериладиган дуө)*

Пашшайи – [Pashshayi] – форсий сўз. Илгари, подшолик даврларида бўладиган нақшли ипак газлама. *Илгери бөзбалар милайим бөлади деп қимбатам бөса пашшайидан кийим тиктириб кийгичедилер, ендиги яшлар арзан деп капрөнға қизиғадилар.*

Паянап – [Payanap] – форсий сўз. Оқова. *Қараңар, ҳамсаяниң паянаби агеретке урмасин.*

Паяндаз – [Payandaz] – форсий сўз. Келин, куёв ёки қадрли меҳмон пойига тўшаладиган мато. *Куевге пахмалдан паяндаз тўшең, катапа, куевжөлдашлар пичи паяндаз тартишсиннар.*

Пақир – [Paqir] – арабча сўз. Оддий. *Қудаңиз пақир, яхши адам екен!*

Пақу-пейил – [Paqu-peyil] – туркий сўз. Тамоман, гапсўзсиз. *Бабаң небересини пақу-пейил мениң небереме берген!*

Периште – [Perishte] – форсий сўз. Фаришта. *Адамниң вөң желкесидеем, чап желкесидеем париштелер вөтирип, қиған гунаҳ-савапларини язип барадилар!*

Периштедей – [Perishtedey] – форсий+туркий сўз. Фариштага ўхшаган. *Ахшам фариштедей бөган ах кийимли*

*адам тушиме кирип, маңа дува бериб жатир.*

Периштели – [Perishteli] – форсий+туркий сўз. Юзидан нур ёғувчи. *Мӧлла бабаң периштели киши еди, дайим кулимсирепкене жиргичеди.*

Песе (ала песе) – [Pese (ala pese)] – туркий сўз. Пистанинг дарахтда пишиб, етилиб, ҳали қобиғидан ажралмаган шакли. Бунда писта мевасини ўраб турган кўк қобиқ, оқчил рангга кира бошлайди. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 167)да бу сўзни «олачипор» маъносида беради.

Аждаредур ҳалқа урган песа кавкаб холидин,

Жуз ажал заҳрини ком ондин топа олмас мазоқ, - дейди.

*Бугун қаби-хӧржин песе терип келип, тушкече туйиб алдим.*

Песке – [Peske] – олмос (лезвия). *Айна пескеңиз барма, бир пачке песке бериң!*

Пидайи – [Pidayi] – туркий сўз. Рўмол. *Чечеңе никеде бир жун пидайи салдиқ, чимилдихта бир жун пидайи салдиқ.*

Пикка, чикка, алчи (гилжи), тага (таҳа) – [Pikka, chikka, alchi (gilji), taga (taha)] – туркий сўз. Ошиқнинг турли шаклларда туриши. *Худа де ашиғиң алчи турсин, чикка турса вўлесен!*

Пилик – [Pilik] – туркий сўз. Пилтенинг ялпоқ шакли. *Магезинде пилик кўп, чирақа пилте ешип жиресизме?!*

Пилислетув – [Pilisletuv] – Моғорлатмоқ. *Наннарди вӧрап қӧйип пилислетип тайлабсаңар.*

Пилте – [Pilte] – форсий сўз. Пахтадан чийратип қилинган ингичка ип. *Пилте чирахтиң пилтеси ичиге тушип кетипти, мамаңа бар пичи пилте ешип берсин. Пилте еш, тақияларди пилтегечлейик!*

Пилтегеч – [Piltegech] – форсий сўз. Тикилган тақия, ёки чопоннинг ёқасидаги кашталар четига пахтадан эшилган

ипни ёки узун қоғозни ўтказиш, яъни пилтелаш асбоби. Пилтегеч узун сим бўлиб, пахтани ўраб, шу сим ёрдамида тақия кашталарининг четига тиқиб кетилаверади. *Тавға барсаң Дўмелек айнаңа айт, маңа бир пилтегеч қип жиберсин, тақияларди пилтелеялмай жатиппан.*

Пилтелев – [Piltelev] – форсий+туркий сўз. Пахтадан эшилган ингичка ип ёки ингичка оқ қоғозни пилтегеч ёрдамида тақиянинг тепчигига ёки чопоннинг ёқасидаги тўқилган жойга тиқиб чиқиш, сув тортиш. *Чиразиңниң чеккесини пилтелесең, чирайли чиғади.*

Пилте милтиқ – [Pilte miltiq] – форсий+туркий сўз. Пилта ёрдамида ўқ ейдиган милтиқ. *Кийикти атман суремен деп милтиғимниң пилтеси тушип қапти.*

Пилте тақия, пилтели тақия – [Pilte taqiya, pilteli taqiya] – форсий сўз. Четлари пилталанган каштали дўппи. *Куевге бастирма тақия, куев жӧлдашларға биртеден пилтели тақия бериңер, қури кетмесиннер.*

Пилте чирақ – [Pilte chiraq] – форсий+туркий сўз. Пилиги тутаб ёнувчи шишасиз қорачироқ. *Пилтечирақти жахмаңар, уйди дут қип жибереди.*

Пыңги – [P’inggi] – Бурни билан гапирувчи одам.

Пыңңа – [Pingnga] – туркий, архаик сўз. Пакана одам.

Пир – [Pir] – форсий сўз. Устоз, муршид, раҳнамо. А.Навоий «Лисонут-тайр» асари (-Б. 86)да:Шайхким пир эрдию, сизлар мурид,

Барчаға иршодидин беҳбуд умид, - дейди.

*Пирге бир қӧй берип дува алди.*

Пирари – [Pirari] – форсий сўз. Қочоқ, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки ҳарбий воқеалар таъсирида ватанни тарк этувчилар. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Садди Искандарий» достони (-Б. 140)да:

Ки, шаҳ савлатидин фирорийдурур,

Фалон қалъа ичра ҳисорийдурур, - дейди.

*Қизил аскерлер басип кегенде елдиң бариси пирари бӧп Авғанистан вўтип кеттилер!*

Пирхана - [Pirkhana] – форсий сўз. Муршид, яъни устознинг қадамжойи, пирнинг назари тушган муқаддас макон. *Бу қишлақ пирхана, пиримиз жирген кўчелер, шунинг учун бу қишлақа кўп келемен!*

Пис-пис – [Pis-pis] – туркий сўз. Асосан семизларга ва секин ишловчиларга нисбатан қўлланилади. *Шӧ пис-писқа иш буюрсаң, кечкеге манавсирап, қиған ишиниң маънисием бӧмайди.*

Пистақи, устақи – [Pistaqi, ustaqi] – туркий сўз. Илгари сартарошлар ёш болаларнинг сочини олиб, уста ҳақи сифатида бошига енгилроқ уриб қўйганлар. *Пистақини чач ағич уста ағичеди, сенер тӧдайлашип жаш гўдекти тўбелемеңер!*

Писте – [Piste] – форсий сўз. Тоғда ўсадиган кўп йиллик мевали ўсимлик. *Пистени терсең пул бӧладида, термесең қаери пул бӧсин.*

Пит, хит, хитлев - [Pit, khit, khitlev] - туркий сўз. Четлари едирилган ошиқ, ошиқнинг четларини едирмоқ. *Хит ашихти вӧйинға қӧшмаймиз!*

Питев – [Pitev] – туркий сўз. Ўтиш жойини ёки тешикни беркитмоқ. *Турбени питесең сув сабзиге қарап кетеди.*

Пичи – [Pichi] – туркий сўз. Сал, бир оз. *Авқатиңа пичи туз самасаң, тузи кам. Чӧчабазариңнан пичи бабаңа бер, кўрсин қана, таллимекен е аччимекен?! (Ёш бӧлаларни эркалаб айтиладиган гап).*

Пичигене – [Pichigene] – туркий сўз. Салгина, бир озгина. *Небереңниң етегиге пичигене қурмач сал, жесин!*

Пичче – [Pichche] – туркий сўз. Чакка соч. *Пиччеңди қулағиңниң арқасиға жибер.*

Пичче вўрим – [Pichche vo'rim] – туркий сўз. Ёш қизчаларнинг чакка сочини ўриб, қулоқ ёнидаги сочларга қўшиш. *Қизиңниң чачини пичче вўрим қип вўребер, чачи вўссин!*

Пишинув – [Pishinuv] – туркий сўз. Сувнинг тагига шўнғимоқ. *Чапқим дукирге тушип кетибеди пишинип бас дегинче қарадим табалмадим.*

Пишек – [Pishek] – туркий сўз. Мушук. *Қудағийдиң алдида пишегиңди пиш, ешшегиңди иш деме, тийип кетеди.*

Пишкек – [Pishkek] – туркий сўз. Кубининг ичидаги қатиқни уриб пишириб, ёғини олиш учун ишлатиладиган йўғон ёғочи. *Пишкегим синди, базардан бир пишкек амасам, қатихлар қатип кетатир.*

Пишкеклев – [Pishkeklev] – туркий сўз. Кубидеги қатиқни пишкек билан уриб пиширмоқ. *Кубидеги қатихти пичи пишкеклеңер, жави ажралсин, жашмич жанчип жейик.*

Пиява – [Piyava] – форсий сўз. Ичида масаллиқлари кам бўлиб, асосан пиёзнинг қайнатмасидан иборат бўлган гўштсиз суюқ овқат, шилдирим шўрва. *Ҳар куни пиява қимай, палавам қиңар! Кунде пиява берип байқуш куевди кўтереқ қип тайлама!*

Пӧла – [Pola] – туркий сўз. Палағда. *Жумурқа пӧла екен, тайлағин.*

Пӧстин – [Postin] – форсий сўз. Жунли теридан тикилган тўн. *Жайлавға пӧстиниңдиям ал, кийсеқ киесен, киймесеқ кўрпе қип жамилиб жатасан!*

Пӧчақ – [Pochaq] – туркий сўз. Меваларнинг ёки полиз экинларининг пўчоғи. *Қавун пӧчахларди сийирға тайласаңам, тарбиз пӧчахларди тайлама, жеялмайди.*

*Пистениң пӯчағини шипирип печкеге сал.*

Пучча – [Puchcha] – форсий сӯз. Қулоғининг бир қисми йӯқ, ёки умуман қулоғи йӯқ. *Пучча қӧй қадеге вӯтмейди. Пучча плагиңди ешшеке артип бӧлама?!*

Пултергич – [Pultergich] – форсий+туркий сӯз. Солиқ йиғувчи. *Пултергич ҳар ай келип, елдиң кӯкейини қуритади.*

Пучқи – [Puchqi] – туркий, архаик сӯз. Кичик арра. *Пучқини алда, тахталарди арралап тайла.*

Пушт – [Pusht] – форсий сӯз. Авлод, генеалогия, аждод, насаб. *Ҳар бир киши жетти пуштини билуви шарт! Пушти тазза, келин қисақ бӧлади!*

Пушта – [Pushta] – форсий сӯз. Қовун, тарвуз, бодиринг ва бошқа экинлар агатларининг орасидаги кичик тепалик. А.Навоий “Хамса” асарининг “Фарҳод ва Ширин” достони (- Б. 98)да “пушта” сӯзини “тепа”, “тепалик”, “баландлик” маъносида беради:

Қаю бир пуштаким ҳар пуштаси тоғ,
Не тоғким суйидин кӯк атласи доғ.

*Қавунниң пуштасини кеӊ ал, жер жаӊа, палеклер дав тайлайди.*

Пуштаӊ – [Pushtang] – туркий сӯз. От тӯшайилининг устидан эҳтиёт учун тортиладиган қӯшимча айил, қоринбоғ. *Пуштаӊди яхшилап тартки жугиӊ авур!*

Пушти – [Pushti] – форсий сӯз. Авлодида бор маъносида. *Палванниқ буларға пушти, қӧй алишаберсин!*

Пушқақ – [Pushqaq] – туркий сӯз. Оёқнинг тиззадан пастки қисми. *Шу бугун балаӊниӊ аяқ-пушқағи тинмади, кӯчеден уйге кирмеди.*

Пут – [Put] – туркий сӯз. 1. Икки оёқнинг бӯксадан пастки қисми, йӯғон сонлар. *Пути-путиға тиймей пириллап учип кетатир, таӊ атмай ким чақирди екен!* 2. 16 кг.,га

тенг оғирлик ўлчови. *Бир пута сатилди апке, гуручиңди вўлчейик.*

Пўкке – [Po’kke] – туркий сўз. Жеркиб гапирувчи. *Шӧ пўккеге бир нерсе деп бӧлама, насаҳат қилайин десең бетиңнен алади.*

Пўпек – [Po’pek] – туркий сўз. Каштачиликда сочоқлар бошини бириктириб турувчи бош қисми. *Тирезе пардениң пўпегини кўклеп қӧйибем, яхшилап машинеге жугиртирмесең чачахлари асилип хунук бӧп тури!*

Пўпеленув – [Po’pelenuv] – туркий сўз. Тўқилган мато ва кашталар ипларининг чиқиб қолиши. *Чалиң махтап-махтап апкеген кўйлек бир жувғаниңнан пўпеленип қапти!*

Пўпенек басув – [Po’penek basuv] – туркий сўз. Озиқ-овқат маҳсулотларининг мағорланиши. *Нанларди шамаллатип тур, пўпенек басмасин!*

Пўстек – [Po’stek] – форсий сўз. Эчки ёки қўйнинг пўстини ишлов бериб, ўтиш ва ётишга мўлжаллаб қилинган хўжалик буюми. *Баҳар кесе бўлемен, жули-пўстеклериңди кўтерип, шӧ чалатаңнан қаған уйди абат қилебериңер!*

Пўстирме – [Po’stirme] – форсий сўз. Бўрдоқи қуйнинг ёғли териси, пўстдумба. *Пўстирмени вӧтқа таплаңар, маззали бӧлади!*

## Р

Равшек – [Ravshek] – туркий сўз. Тоғда ўсадиган доривор ўсимлик. *Тавдан равшек терип кесең, аш қип беремен ичесен.*

Райиш – [Rayish] – форсий сўз. Майл, истак. *Рассия кетемен дебеди, атаси райиш бермеди.*

Рапиде – [Rapide] – форсий сўз. Тандирга нон ёпиш учун

ишлатиладиган рўзғор анжоми. *Енеңе айт, бир рапиде қип жиберсин, рапидеме чӧх тушип вӧртаси вӧйилип қалди.*

Раҳа қилув – [Raha qiluv] – форсий+туркий сўз. Раҳмини емоқ. *Айнаң сени раҳа қилади, бӧмаса бир шапалақ урса, еки саҳат жерди тевип ҳаңграйсан!*

Реже – [Reje] – форсий сўз. Қоида, тартиб. *Елдиң режесиден чихмаңар, елде алти тӧғизма, сенердикием алтавдан ашмасин. Елдиң режеси бир танама- бир тана, екев қип режени бизма!*

Рендек, ирендек – [Rendek, irendek] – туркий сўз. Хира, ёпишқоқ. *Рендек екенсенқу, жабишмай нарах тур, шӧ пулиң бӧса, қӧшқарди сатай беремен.*

Рейиш – [Reyish] – форсий сўз. Розилик. *Қайнеси рейиш бермеди шекилли, таппа-таяр еди, бармай қалди.*

Реш, ирешь – [Resh, iresh] – туркий сўз. Ариқнинг икки лаби, ёқасидаги тупроқ уюлган қисми, экиннинг четки қисми. *Арихтиң ирешидеги вӧтларди вӧраман деп бир жузик таптим, кимниң жузиги бӧса?! Пахтани тепкилемей рештен жирсеңер, бӧйма?!*

*Сулув минан чихтим сувдиң решиге,*
*Қайил қалип жаратқанниң ишиге.*

Руйхуш – [Ruykhush] – форсий сўз. Розилик. *Қайнеси руйхуш бермебеди, байқуш бармай қалди!*

## С

*Са – [Sa] – туркий сўз. Сол.* Пулди алда, кисеңе са, чечең кўрмесин.

*Саб, сап – [Sab, Sap] – туркий сўз. Бирор нарсанинг бошидаи тўқмоғи.* Урчиғиңниң сабини бура, чиғип кетсе, урчиғиң тувади.

*Хӧшмӧмин тав ғулама,*
*Урчиқ сабиң бурама.*
*Чих-чих десем чихмайсан*
*Сени енең урама?!*

Саба – [Saba] – туркий сўз. 1. Савала, ур. *Ешшек габиңе жирмесе, хамчини алда сабала!* 2. Сигир, ҳўкиз ёки от терисига ишлов берилиб, мешдан сал каттароқ қилиниб, асосан илгари қимизни ачитиш ва сақлаш учун мослаштирилган нарса, идиш. *Иниңиз вӧтавға кирип кетибеди, сабаниң қимизини қӧтарип чиғипти!* 3. Кичик ёстиқча. *Сабаларди мейманханаға апке, мейманнар кесе жамбашлайдилар.*

Сабав – [Sabav] – туркий сўз. 1. Жун, пахта ёки похолни текислаб юмшатиш учун ишлатилинадиган ингичка қўша таёқ, савағич чўп. *Пахтани сабавла, кўрпеге саламиз.* 2. Саваламоқ, урмоқ. *Ушлаб алда, талдиң химичиман паччесига яхшилап сабаласаң, екинчи қимайди, шӧ қилиғини.*

Сабанқавуз, сабанқувус – [Sabanqavuz, sabanquvus] – форсий+туркий сўз. Чақалоқларнинг бешик анжомлари. *Сабанқавузди тиктен қимадиңма, бўзден қипсан сабаннари туртип чиғип жатир!*

Сабақлав – [Sabaqlav] – туркий сўз. Ипни игнанинг кўзидан ўтказмоқ. *Ийне сабақлаялмайдиған хатин, кеште тигалайма?! Сабағиң ийнениң кўзиден вўтмей қаған бӧса, ҳўллеп вўткез.*

Сабзек – [Sabzek] – форсий сўз. Қалампирни қуритиб туйилган талқони. *Қалампир бӧмаса сабзек апкеңер!*

Сабил – [Sabil] – арабча сўз. Эгасиз. *Вўзи вўлгеннен кейин, маллариям сабил қалди. Сабил қағир сари сийириң сабзимди жеп кетти, байласаң бӧмайма?!*

Савди – [Savdi] – туркий сўз. 1. Соғди. *Чечем ийнекти*

*савди.* 2. Чўнтакни бўшатмоқ. *Никеде табақ айналтирған бийкеӊ абжил екен, табахти айналтиреберип куев жӧлдашларди раса савди.* 3. Соғин мол. *Савди ийнекти бугун пададан ап қал! Биелерди савдиға айир, райис қимиз қиӊар сатамиз деди!*

Савир, савриси – [Savir, savrisi] – туркий сўз. Қуйруқ билан белнинг оралиғи, бўкседан сал пастроқ. *Аттиӊ саврисиге хамчини басибем, шамалдай учип, улақа жеткизди. Саврисиден сув ағип, атлар терге чӧмилди.*

Савлет – [Savlet] – Салобат, ҳайбат, улуғворлик.

*Назиндай бар савлетиӊ,*

*Дўлтеден бай давлетиӊ.*

*Ағайинди жаманлап –*

*Қурисинда адетиӊ.*

Савлиқ – [Savliq] – туркий сўз. 1. Уч ёшдан ошган урғочи қўй. *Базардан алти савлиқ абем, алтавиям буваз чихти.* 2. Соғлиқ. *Дени савлиқ-ерен байлиқ. Дениӊ сав бӧса жегениӊ парийди, дениӊ сав бӧмаса, журегиӊ тез қарийди.*

Савур – [Savur] – арабча сўз. Момақалдироқ. *Савур гулдуресе, шӧр жавун бӧлади.*

Савғат – [Savg'at] – туркий сўз. Бирор кишига ёки бирор жойга қилинадиган тортиқ. *Савғатли мейман – савлетли мейман!*

Сагелдек – [Sageldek] – форсий сўз. Дайди. *Сагелдеклик қиғинча сабзини вӧта, қишта палав деп вўртейсен!*

Садаға – [Sadag'a] – арабча сўз. Фидо. *Садағаси кетей бу гўдеклердиӊ, сут берсем жемептилер, раҳатини ийтмен-пишек кўриб жатир.*

Саза – [Saza] – арабча сўз. 1. Жазо. *Жуваш аттиӊ қадриге жетмегичеӊ, сениӊ сазаӊди шӧ тувлағич ешшек берсин.* 2. Талаб, илтимос. *Сенем, майли, бир қапча буғдай*

*ал, сениңем сазаң вўлмесин!*

Сазарув – [Sazaruv] – арабча сўз. Уялмоқ, жазосини тортмоқ, уятдан бўзармоқ. *Елдиң ичиде қизарип-сазарип жиргиниңче, шӧ бемаъни ашнаңнан кеч!*

Сай – [Say] – туркий сўз. Тоғлар орасидаги текислик (сой сўзи ўзбек тилининг бошқа диалектларида адирликдаги сув оқадиган арикча маъносини ифодалаш учун фаол қўлланилади). *Сайда вӧтлап жирген сурув кимдики? Ана сайға бариңар қақи кўп екен. Сайди жағалап, хӧржинди арқалап жўнеди.*

*Қулуннар бар, тайлар бар,*
*Хизир кўрген байлар бар.*
*Жулдузлар бар, айлар бар*
*Қизғалдақли сайлар бар.*

Сай-сай – [Say-say] – туркий сўз. Бўлак-бўлак, тарам-тарам. *Қӧйған сувиң сай-сай бӧп гўрелеп қачип кетаятир. Қабирғалари сай-сай бӧп саналип жатқан атиңди улақа самахчисама?!*

Сайис – [Sayis] – туркий сўз. От боқар, йўрға отлар етиштирувчи киши. *Заман айналип райислер сайис бӧп, сайислер райис бӧп кетти.*

Сайлав – [Saylav] – туркий сўз. 1. Кўпчиликнинг орасидан кимнидир вазифага сайламоқ. *Кече, тағайимди биргат қип сайладиқ.* 2. Бир-нечадан бирини танламоқ. *Сайлап тийген ерини кўрдик, бурни нас кадидей екен.*

Сакел – [Sakel] – туркий сўз. Ўтмас, юзи қайтган. *Катмениң сакел екен, чархламасаң ажирихли жерге вўтмейди.*

Сакиртек – [Sakirtek] – туркий ибора. Юриш мураккаб бўлган тошли йўл. *Жаманқияниң жӧли сакиртек, хӧржиннарди тўшеп актларди вўткезмесеңер, тайип*

*жиғилип е жарға кетеди, е дайраға кетеди.*

Сала - [Sala] – туркий сўз. Нарса, шароит.

*Жаңа емес кўнесен, ҳар салаға кўнесен.*

Салим – [Salim] – туркий сўз. 1. Курашда, улоқ(кўпкари)да ғолибга бериладиган тортиқ. *Улақдаги баш салим бир туйе бўлди.* 2. Амирлик замонидаги солиқ.

Салмақлав – [Salmaqlav] – туркий сўз. Кўз билан ўлчамоқ. *Кўпчиликтиң ичиде гапиргеннен кейин ҳар-бир сўзди таразиниң ташидай салмақлап гапирген маъқул.*

Салқи – [Salqi] – туркий сўз. Таранг тортилмасдан узайган, бўш, ўртаси осилган. *Кир жайғич жибиңе гилем асип салқи қип тайлапсан, тартип тареӊ қимасаң, кирлериң тушип кетеди!*

Сам-сам – [Sam-sam] – туркий сўз. Гапининг тузи камроқ киши. *Шў сам-самди сам-самлатмай, мапремечиңди тезрек тик, жаңа ай чихти дегинче, қудалар жалмаңлашип келин тилеп кеседилер.*

Самен ат – [Samen at] – туркий сўз. Оч малла, сариқ, сомон рангли от. *Самен атқа хамчини сермелесем, қанат чиғарип учқичеди.*

Самен тўри – [Samen tori] – туркий сўз. Малла, қўнғир от. *Самен тўриқ улақа жарамай қалди, ат амасам бўмайди!*

Самсирав, самсамлав – [Samsirav, samsamlav] – туркий сўз. 1. Гапи-гапига уланмаслик. *Самсирамай тузув гапир!* 2. Тентирамоқ. *Қараңада қаерде самсирап жирибең?*

Санати – [Sanati] – арабча сўз. Масхара. *Ана санатиға қара ешшеке чаппа минип ешшектиң думини дўмбра қип чертип баратир!*

Санач – [Sanach] – туркий сўз. Мол терисидан қилинган мешнинг йирикроқ шакли. *Саначларға қимиз ачитип тайлапти, қайнатаңниң каттерек зияпати бар шекилли!*

Саңирав – [Sangirav] – туркий сўз. Гаранг, қулоғи оғир. *Саңиравға салем берсең, сўкти деп арқаңнан таш атади.*

Саңлақ, саңлах – [Sanglaq, sanglakh] – форсий сўз. Тошли майдон. *Саңлахта ечки бағиб жиргенимде, жуван жилан кўрдим.*

Сандал – [Sandal] – форсий сўз. Хонанинг бурчагига ўрнатилиб, қишда тагига чўғ солиб, оёқларни тиқиб исинадиган столсимон буюм. Сандал лақайларда деярли учрамайди. Лақайлар туркий элатларга хос илгари уйнинг бурчагига ўчоқ қазишиб, олов ёқишиб ёки чўғ солиб, очиқ ўчоқда исинишган. *Аяғиңиз қахшаса майда уйдиң бурчегиге чуқур қазип сандал қилиң, сандал дегени еру-хатинға раҳат бөлади, екевгенемиз аяққаналаримизди тиғип аяғуруштирар қип вөтирамиз – ҳамме дарттиң даваси шөл! Сандалдиң ҳузурини башқаға айтма!*

Сандалвөчақ, сандалөчақ – [Sandalvochaq, sandalochaq] – форсий+туркий сўз. Сандалнинг тагидаги чўғ солинадиган чуқурлик. *Сандалөчақа чөх сал, чачалаң аяғини салади!*

Сандирахлав – [Sandirakhlav] – туркий сўз. 1. Эсини билмасдан касал ётган кишининг тушунарсиз гаплари. *Байқуш бабай, есини жөғатип сандирахлап қапти.* 2. Уйқуда ётган одамнинг уйқусираб сўзлаши. *Сандирахламай, турда жайиңа жат.*

Санжап – [Sanjap] – туркий сўз. Одамларнинг гавжум эмас, камроқ бўлиши, тинч жой. *Тийирманға буғдайиңди тайлап, адамлар санжап бөғанда кесең, тартип беремен!*

Санкем – [Sankem] – туркий сўз. Уят, элга кулки. *Елге санкем бөп қишлахтан чиғип кетти.*

Санқи – [Sanqi] – туркий сўз. Дайди, тинмай изғувчи. *Тал туштеем санқи ийттей вөйнаб жиресеме, уйге кирип дамиңди асаң бөмайма?! Вөл бир санқи, бугун бу қишлахта,*

*ертен башқа қишлахта.*

Сапара – [Sapara] – туркий сўз. Буғдой ўрилган дала. *Малларда жайиб аңар, ҳа демей сапараға вöт қöядилар!*

Саргарден – [Sargarden] – форсий сўз. Овора. *Байқуш балам саргарден бöп барди, таппади.*

Саресиме – [Saresime] – форсий сўз. Шошилиш, довдираш. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 88)да:

Эшикларни очиб қолмай қарори,

Саросима югурди кўзгу сори, - дейди.

*Саресиме бöма, пайиз ҳали кеч жўнейди.*

Саржин – [Sarjin] – форсий сўз. Миқдор, бош. *Беш саржин сийир апарип сатип, пулиға бир машин ап қайтти!*

Саржиға, сержиға – [Sarjig'a, serjig'a] – форсий+туркий сўз. Илгари пайтдаги бош кийимдаги белги.

Сарибареӊ – [Saribareng] – туркий+форсий сўз. Оқ-сариқ, сарғишдан келган. *Вö киши сарибареӊ киши еди.*

Сари сув – [Sari suv] – туркий сўз. Қатиқ ёки айроннинг суви. *Сари суви аққан айранчакеп бöса, пичи жаласам, иштаҳамди ачармеди?!*

Саркарде – [Sarkarde] – форсий сўз. Бошлиқ. *Саркардеси абийирли бöған елде вўсиш бöлади.*

Сарпай – [Sarpay] – форсий сўз. Сийлап берилган совға. *Сарпайди қöйув сал, мейман уятли.*

Сарпанже – [Sarpanje] – форсий сўз. Қўл панжаси, чангал. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 72)да:

Қилич нўги била даврини ёрғил,

Солиб сарпанжа ўрнидин қўнқорғил, - дейди.

*Қöшқарди сöйип, сарпанжесини катапаңдикиге жибер!*

Сарт – [Sart] – туркий сўз. Савдогар. Сарт сўзи Маҳмуд

Қошғарийнинг «Девони луғотут турк» асари(Т.1. – Б. 328)да ҳам мавжуд. *Хўш, дегениңизден билсек, сарт екенсиз!*

Сарқит – [Sarqit] – туркий сўз. Бирор нарсанинг ёки овқатнинг бошқадан қолган қолдиғи. *Биревдиң сарқитини башима ураманма?! Елдиң сарқитини жеп адам бөп, бугун елди танимайди!*

Сарғайув – [Sarg'ayuv] – туркий сўз. 1. Сариқ рангга кириш. *Зардалиниң гули сарғайипти.* 2. Сўлғинланмоқ, касалланмоқ. *Қайнеси залимме, ери залимме байқуш алдинғидай емес, раңлери сарғайип кетипти.* 3. Кутиш. *Жөлға қарап, сарғайип вөтирасама, уйге кир, кесе сөрап сени тавуб алади.*

Сарғилт, сарғулт – [Sarg'ilt, sarg'ult] – туркий сўз. Сариққа ўхшаш. *Сарғилт жибекмен тиксең чиразиң ачилғичеди.*

Сарғиш – [Sarg'ish] – туркий сўз. Сарғилт, сариққа бўялган. *Сарғиш вөрамалиңди вөрап вөйнасаң, жарашади.*

Сатарман – [Satarman] – туркий сўз. Сотувчи. *Сатарман аяғини тиреп туребереди, гап аларманда, аларман савдалашип туширеди!*

Сатил – [Satil] – форсий сўз. Пақир, челак. *Сут сатилди сув сатил қимаңар.*

Саясланиб кўринув – [Sayaslanib ko'rinuv] – туркий сўз. Қоронғида ғира-шира кўзга ташланмоқ. *Намашамнан нармаған саясланиб жирме!*

Сақ – [Saq] – туркий сўз. Ҳушёр, зирак, эрамиздан олдинги 8-7 асрларда туркий халқлар этноними бўлган «Саклар»га ишора. *Сақтиң изи қалади, далбениң каллеси!*

Сақа – [Saqa] – туркий сўз. Молларнинг орқа оёғида бўладиган ошиқнинг йириги. *Сақаңди гилжи(өлчи)лет, мина чиккани мен вўлтиремен.*

Сақи – [Saqi] – туркий сўз. Дўмбира билан терма ва достонларни айтувчи киши, бахши. *Лақайда сақилардиң баш бабаси Қундузсақи, вённан кейин Ҳайбатсақи. Ҳазир лақайда кўзге кўринген сақи – Жарипқӧлдағи Бӧран сақи.*

Сақилиқ – [Saqiliq] – туркий сўз. Терма ва достон айтиш билан шуғулланиш. *Сақилиғам савап иш, елдиң вахтини хӧш қилип, дувасини ап жиреди.*

Сақит – [Saqit] – туркий сўз. Туман. *Асман сақит, машиниңда ҳайдап чихма, бугун баратиған жағиңа ат минип бар!*

Сағал – [Sag'al] – форсий сўз. Молнинг гўштли илик-суяги. *Сағалли шӧрпа жегендей қайқаймай, тузув жирсең вўлесеме?!*

Сағанақ – [Sag'anaq] – туркий сўз. Керегенинг ёғочи.

Сағир, сағире – [Sag'ir, sag'ire] – арабча сўз. Етим. *Сағирге берсең, савап бӧлади. Сағирдиң ҳақи ҳалалма?!*

Саҳатли – [Sahatli] – арабча сўз. 1. Ақлли, фаросатли. *Дӧс-душманниң ичиде саҳатли бӧп жириңер!* 2. Қулай кун. Лақайларда душанбе, пайшанбе ва шанбе кунлари саҳатли кунлар ҳисобланган. *Бирев ишамбини саҳатли кун дейди, бирев душамдини саҳатли кун дейди, маңа худаниң ҳамме куни саҳатли.*

Саҳатсиз, бесаҳат – [Sahatsiz, besahat] – арабча сўз. Бефаросат, дилозор. *Вӧниң улиям бесаҳат бӧп, ата-енесиниң шӧри бӧлди.*

Себелев – [Sebelev] – туркий сўз. Сувнинг ёки ёмғирнинг майдалаб сепилиши. *Себелеп жавған жавунниң егинге пайдаси бар.*

Селаба – [Selaba] – арабча+форсий сўз. Узун, йирик, қўпол нарса. *Бу селаба аяғиңа вӧн екинчи калишем сиймайди!*

Селге – [Selge] – арабча+форсий сўз. Баҳор мавсумида сел ювиб, тақир ҳолатга келтирилган текислик, йўл. *Синакöстиң селгесимен жöлға чихсаң кун батмай Қöшқудуқа жетесен!*

Селеңлев – [Selenglev] – туркий сўз. Беҳуда кўча чанғитмоқ. *Жöғари-қуйи селеңлеп жиргинче Ташрабатқа барип тағайиңа кандик тебишмедиңме, ертен уйленсең бир жағиңнан кўтергичеди!*

Селкиллев, селк-селк етув – [Selkillev, selk-selk etuv] – туркий сўз. Гавдасини силкитиб юрмоқ. *Сари жуванаң, гавдесини алдиға тайлап, селкиллепкене келаятир, яна биревдиң палегиге кирип қавунини қахшатқанға вöхшайди!*

Селтеңлев – [Seltenglev] – туркий сўз. Бекор, бемақсад юқори-қуйи юрмоқ. *Селтеңлеп жиргинче, қöйларди бахсаң қöшқарчаң қурбанниқа семиргичеди.*

Сеп – [Sep] – туркий сўз. 1. Қизга солинган сеп. *Бöхчани ач, келиниңниң себини кўрейик, бирен тақия бизгеем тиеме?! Илгери келинчектиң себиге тамахмöнчақ дейсеме, тилла баргек дейсеме, ақ урпуеден қиған жузук дейсеме, жўмелек, чашбав дейсеме ҳаммесиден сағичеди. Епли келин тилесең – епли келин аласан, сепли келин тилесең – сепли келин аласан.* 2. Бирор уруғни сепмоқ. *Асман булут, буғдайди сеп, жавун жавса, лайман аралашип кетеди.*

Сепкил – [Sepkil] – туркий сўз. Тана ва юздаги кичкина холлар. *Сепкилли қизлар рисқили бöлади.*

Сер салув – [Ser saluv] – туркий сўз. Диққат қилмоқ, кузатмоқ, эътибор қаратмоқ. *Катеке сер сал, хöраз қиғиллағандай бöлди, тулки кирмесин, тағин. Бешикте жатқан балаңниң гапке сер сағаниға қара!*

Сергув – [Serguv] – туркий сўз. 1. Нами қочмоқ, қуримоқ. *Сабзиниң жўеги сергипти, кирип вöтайберсеңер*

*бўлади.* 2. Сийраклашмоқ. *Адамлар жийин, пичи сергисин кейин барамиз.*

Сере – [Sere] – туркий сўз. Бир қаричнинг 60-70 фоизи. *Вўн беш қаришу сере бўса, маңа кўйлек чиғади, бўмаса тарлиқ қилади.*

Серек – [Serek] – форсий сўз. Буғдойнинг далага тўкилган бошоғи. *Жир серек тергели барамиз!*

Серке, сарке – [Serke, sarke] – туркий сўз. Бичилган, ахталанган эркак эчки, ахталанган така. *Серкең семиз екену, неки қари екен, арзанрақ берсең вўзим аламан! Саксен саркели байға бир сарке – қавун сўйғандай гапда.*

Сермев – [Sermev] – туркий сўз. Силтов. *Таяғин узун екен сермеме, бирентаге тиеди.*

Сермелев – [Sermelev] – туркий сўз. Бирор нарсани ирғитмоқ, силтамоқ, сермалаб отмоқ. *Илгери алимбаччениң баш бабаси мерген вўтип, ирғай таяқти сермелеп атип, кийик авлар екен!*

Сермелув – [Sermeluv] – туркий сўз. Силтанмоқ.

*Ешикти ачтим, сермелип қачтим.*

Серпе – [Serpe] – туркий сўз. Келинчакларнинг кўрпа-тўшакнинг икки четидан ўраладиган жукчариғичнинг ўртасига осиладиган безаги. Серпе жўрмелеб тикилиб, қуббе-шабекилер ёрдамида безатилади, ҳамда ики томондан жукчариғичлар ўраб туради. *Серпени силкиллетип тўшеке асиңар, қишлахтиң қизлари уй кўргели келаятирлар! Серпеге қуббе, шабеки керек емес, тупек тўгип байласаң бўлади!*

Серрейув – [Serreyuv] – туркий сўз. Жонсиздай бир жойда қимилламай туриш. *Қарахчиға вўхшап серреймей, сийирди сувғаврип арқанна, сутини ичесен.*

Сес – [Ses] – туркий сўз. Товуш, овоз, сос. *Шунча гап вўткен бўсаям, сесини чиғармайдилар. Ахшам сесини*

*чиғармай ашханасиға басип тайлади. Пулиң бар шекилли сесиң чихмайди.*

Сескенув – [Seskenuv] – туркий сўз.  Қўрқмоқ. *Ахшам қараңада кеп сескенипти, лебини учуқ басип уйде жатир.*

Сетахта – [Setakhta] – форсий сўз. Келинчаклар сандиқ ёки мапремечнинг устига йиғадиган уч тахтали гилам. *Келинчектиң қарала гилеми хунук бөсаям, сетахтаси чирайли төқилған екен!*

Сибизиқ – [Sibiziq] – туркий сўз.  Ёш болалар оғзига солиб, чаладиган асбоб. *Атам сибизиқ ап берди деп, ашналариңди танимай қапсан!*

Сидирилип қачув (чиғув) – [Sidirilip qachuv (chig'uv)] – туркий сўз. Шипирилиб қочмоқ. *Иш бар дебем төдадан сидирилип чиғип қачип башқа қарасиниям кўрсетмеди!*

Сидирғи – [Sidirg'i] – туркий сўз.  Тинч, оғир-босиқ, текис. *Сидирғи вөтир, бөмаса ешике ҳайдап жиберемен! Жибеклериң будур-будур екен, лашлап сидирғи қимасаң, қийналасан!*

Сидра, сидрама – [Sidra, sidrama] – туркий сўз.  Бир қатор, бир бутунликни ташкил этувчи тўлиқ тўплам. *Ери Рассиядан кегенде базар апарип бир сидра кийим аппергени жетмегендей, қайнатаси буқани сата сағаннан маңа бир кўйлек апперисиз деп ҳаллигини ашрип турди, шереметтиң баласи!*

Сижиң – [Sijing] – туркий сўз.  Қовуғи бўш, кўп сиядиган, асосан тагини ҳўллаб ётувчи ёш болаларга нисбатан айтилади. *Улиң сижиң екен, таң атқинча кўрпениєм, кўрпечениєм, балиш-дастиқлардиям ҳўллеп чиғипти!*

Сизиллавуқ, сизлавуқ – [Sizillavuq, sizlavuq] – туркий сўз. Шишиб, иринглайдиган яра. *Сизиллавуқ чиққан бөса, салидөр ишила!*

Сизув, сызув – [Sizuv, szuv] – туркий сўз. Ёзмоқ, чизмоқ. *Айнаңа хат сизғинда, пул жибериң, намазға кийим аламиз де!*

Сий – [Siy] – туркий сўз. Ҳурмат-иззат.*Сийлағанниң сақалиға!*

*Сут савулип ақ бӧлар,*
*Қавун пишип қақ бӧлар.*
*Вӧз сийиңди таппасаң*
*Хишдан кӧңил ях бӧлар.*

Сийинув – [Siyinuv] – туркий сўз. Сиғинмоқ. *Ихлас минан сийинсаң арвелерем қӧллайди!*

Сийир – [Siyir] – туркий сўз. Молнинг урғочиси, соғилмайдиган мол. *Жайлавдағи сийирдиң шахиға урсаң, уйдеги сийирдиң шахи зирқирайди!*

Сийирув – [Siyiruv] – туркий сўз. Сўйилган молнинг терисини гўштидан, гўштини суягидан ажратмоқ. *Пичағиң жаман вўткир екен, вўтмесирек пичахман сийирсаң терини кесмейсен!*

Сийлав – [Siylav] – туркий сўз. 1. Бир томоннинг ҳурматлаши, қадрлаши. *Қудаңди сийла, қудаң яхши адам! Сийласаң сийлайман, сийламасаң, менем сени қара лайға аззенчиге билайман!* 2. Совға. *Мейман жўнеймен деятир, сийлавини тайярлап қӧйиңар.*

Сийлашув – [Siylashuv] – туркий сўз. Ўзаро ҳурмат-иззат этмоқ, қадрламоқ. *Қуда бӧғинча жетти авледини сӧрашқин, қуда бӧғаннан сӧң қул бӧсаям сийлашқин!*

Сийли – [Siyli] – туркий сўз. Ҳурматли, қадрли. *Вӧ киши, ҳазир елдиң сийли адамларидан бири.*

Сийлиқ – [Siyliq] – туркий сўз. Ҳурматли кишиларга бериладиган нарса, совға. *Чалатаңа сийлиқ деп бир желекмен, бир арахчин бердим.*

Сийпалав – [Siypalav] – туркий сўз. Қўли билан сийпаламоқ. *Чач сийпатарда куев келинчектиӊ чачини сийпайман деб, жўмелегини жулиб алди. Мениӊ маӊнайимда муритиӊди сийпаламай, вӧтирип вӧрахти қайрада, кун қизғинча вӧрақ вӧр!*

Сийпур – [Siypur] – форсий сўз. Ойнинг тугаши, ўттиз кун тўлиши. *Ай сийпур бӧпти, ҳадемей-вӧраза!*

Сийрақ – [Siypaq] – туркий сўз. Оёқнинг тиззадан пастки қисми, болдир. *Сийрағиӊа қарап бӧмайди, темиретки басип кетипти, кам чӧмилсаӊ бӧйма?! Қӧйдиӊ сийрағини куйдирип тазала, ертен бир буғдай аш қип берей.*

Сийрек – [Siyrek] – туркий сўз. Гавжум эмас. *Сабзиӊди сийреклетмесеӊ, сабзи бӧлама, бузавуӊа беш бав вӧттан башқа ҳич нерсе бӧмайди!*

Сийқақ – [Siyqaq] – туркий сўз. Қиргич. *Сийқақти ап кадини қир, кади манти қилайиқ.*

Силанув – [Silanuv] – туркий сўз. Пардозланмоқ, ясанмоқ. *Ярим кечеде сулувлардай силанмасаӊам, бератиған харжим бар, кампир!*

Силав – [Silav] – туркий сўз. Силамоқ, сийпамоқ. *Шӧғаналарди вўзиниӊ баласидай қип, силап-сийпаб вўстирди.*

Силкиллев, иркиллев – [Silkillev, irkillev] – туркий сўз. Тўлишип-таранг турмоқ. *Адирда вӧт кўпта, сийирлардиӊ желини иркиллеп қайтатир.*

Силкинув – [Silkinuv] – туркий сўз. 1. Қаттиқ қўзғалмоқ. *Қатти гапти ешитмеген екен, силкинип ат қӧйип кетти.* 2. Аччиқланув, қаттиқ жеркув. *Бир табақ унға барибем, қайнеси силкинип берди.*

Силкув – [Silkuv] – туркий сўз. Қаттиқ қўзғатмоқ. *Силкитип-силкитип жатиб атар қип атип жиберди,*

*давреniң вўртасиға чалқараман тушти.*

Силле – [Sille] – туркий сўз. 1. Дармон, куч. *Силлеем яшта бӧсин, адам қариди силлеем салле кийип мункейип қалади.* 2. Оғир касалликдан кейинги ҳолат. *Уч ай жатип, байқуштиң қури силлеси қапти.*

Силлеси қурув – [Sillesi quruv] – туркий сўз. Дармони қочмоқ, мадорсизланмоқ. *Вӧ ешшекти вӧнча тўбелеме, уч куннен бери буғдайиңди жанчаман деп, силлеси қурип қалди.*

Силтев – [Siltev] – туркий сўз. Улоқтирмоқ. *Вӧ палван зӧр екен, силтеп ҳич кимди вўзиге жақинлаштирмади.*

Симбат, сумбат – [Simbat, sumbat] – туркий сўз. Кўриниш, савлат, кўрк. *Симбати сувдан вўтти,*

*Таърифи Қӧқан жетти.*

Бу ерда сумбати, яъни унинг жамолининг чиройлилиги Амударёнинг нариги томонига-Афғонистонга ҳам ўтти, бу томондан унинг таърифи Қўқонгача етти, дейилган.

Симбатли – [Simbatli] – туркий сўз. Кўркли, савлатли, келбатли.

*Қирқ атлиниң ичиде,*

*Бизиң куев симбатли.*

Симирув – [Simiruv] – туркий сўз. Бир кўтаришда ичмоқ. *Байқуш журеги куйип кеген екен, аттан тушмей бир табақ айранди симирип қӧйди.*

Син, синчи. – [Sin, sinchi] – туркий сўз. 1. Чамалаш, текшириш, хулосалаш. *Акең синчи, апкеп сийириңди кўрсет, буваз-қисирлиғини айтип береди.*

Син тағув – [Sin tag’uv] - туркий сўз. Айб, камчилик ахтармоқ, масхара қилмоқ. *Сен ниме биревге син тағип, вўзиңди ҳаммеден жӧғари қӧясан!*

Синасап – [Sinasap] – туркий сўз. Мавсумнинг тугаши, одамларнинг гавжум эмас, камроқ миқдори. *Жуваз*

*тартқали бамдатти вўқийсап кесең, синасап бўлади!*

Синашта – [Sinashta] – туркий сўз. Синалган, ишонарли. *Атиңди сатсаң, шў палванға сат, синашта адам!*

Сиңар – [Singar] – туркий сўз. Ёлғиз, икковнинг бири. *Қурбанник қиған қўшқарчамиз егиздиң сиңари еди.*

Сиңув – [Singuv] – туркий сўз. 1. Аралашиб кетмоқ. *Қудағий, қизима ене бўлип, билмегенини уйретеберсеңиз, шу рузғарға сиңип кетеди.* 2. Топилмайдиган даражада аралашиб кетиш. *Жузик сувдиң астиға сиңип кетти, қаерден табасан?!*

Синжав – [Sinjav] – туркий сўз. Ҳамма нарсага тумшуқ уриб юрадиган този ит. *Ийтиң синжав екен, жўғат бу ийтти!*

Синиқчи – [Siniqchi] – туркий сўз. Синган ва чиққан суякларни даволайдиган уста. *Уста Аман лақайдан чиққан яхши синиқчи уста.*

Синсила – [Sinsila] – арабча сўз. Қизларнинг дўпписи атрофига боғланадиган баргакли тақинчоқ. *Келинчектиң қасабасиям бар, синсиласиям!*

Синчи – [Sinchi] – туркий сўз. Зийрак, фаҳм-фаросатли. *Қайнатаң синчи адам, пулға кегенимизди айтмасағам билди.*

Сирт – [Sirt] – туркий сўз. Бирор нарсанинг ташқи томони. *Табахлариң ашханадан сиртта қапти, ийт-пийт искеп кеткендир, яхшилап жувиб аңар!*

Сиртлан – [Sirtlan] – туркий сўз. 1. Қашқир. *Жайлавда сиртлан кўп, ач бўса сурувге ат қўяди.* 2. Оёқ панжаларида қўшимча белгиси бор ит.

*Ийт асрасаң сиртланнан,*
*Қўй бермейди қўтаннан.*

Сирттан – [Sirttan] – туркий сўз. Бошқа томондан. *Вўғри*

*сирттан кемейди, вӧғри шу қишлахтиң вӯзиден чиғади.*

Сирқирав – [Sirqirav] – туркий сӯз. Тананинг қақшаб оғриши. *Буйилғи тумавлари қурисин, бувиннаримди сирқиратип тайлади.*

Сирға – [Sirg’a] – туркий сӯз. Зирак. *Ахшам жездем куевлеп келдиме, ниме бала, қулағиңда жаңа сирға пайда бӧпти.*

Сирғитув – [Sirg’ituv] – туркий сӯз. Сувини оқизмоқ. *Сирғитип сувини тӯк, памедурини сӧң қайнатамиз.*

Ситилув – [Sitiluv] – туркий сӯз. Сӯкилмоқ, қочмоқ. *Гуруң тузув бӧмаятибеди, мен ситилип ҳайдадим!*

Сияқ – [Siyaq] – туркий сӯз. Ўхшаш, кӯриниш. *Палвансияқ улиңди жибер, падани сувғарип кесин!*

Сӧзанча – [Sozancha] – туркий сӯз. Узун кӯрпача. *Сӧзанчани тайла, бабаң вӧтирсин.*

Сӧзилув – [Soziluv] – туркий сӯз. 1. Чӯзилув. *Минерге кӯрпече тайла, пичи сӧзилмасам, башим сӧлқиллап бараятир.* 2. Шошилмасдан, секин-секин. *Сенер сӧзилип кегинче қувурма қалама, қувурмани қишлағеки урип қӧйди.*

Сӧзув – [Sozuv] – туркий сӯз. 1. Бир нарсани чӯзиб узайтирмоқ. *Узайтираман деп сӧзма, узиб аласан.* 2. Товушини чӯзув. *Давушиңди сӧзип, жумуртқа жемегиниңче жилайбересеме?!*

Сӧйлақ – [Soylaq] – туркий сӯз. Олдинги тиши сиртга қараб қийшайиб ўсган киши. *Куевдиң бӧйи келишкен екенда, тиши сӧйлақ екен.*

Сӧлима, сӧлаңпар – [Solima, solangpar] – туркий сӯз. Ивирсип юрадиган, секин қимирлайдиган киши, ландавур. *Сӧлаңпар ашнаңа айт, тезрек қимирласин!*

Сӧлиқ – [Soliq] – туркий сӯз. Бӯш-баёв, лапашанг. *Миндейин сӧлиқ бала бӧмада, сӧлиқ бӧсаң адирда*

*авзиңдағини алдириб жиресен.*

Сөлув – [Soluv] – туркий сўз. 1. Ўсимликларнинг бужмайиши, сўлиши. *Наҳаллерге сув бермепсеңер, сөлип қапти.* 2. Ғам чекиб, қайғуланиш. *Куеви Рассияда, куевини сағиниппа, раңи сөлип қапти.*

Сөлқиллав – [Solqillav] – туркий сўз. Зирқилламоқ. *Бағанадан бери башим сөлқиллап жатир, кирне кирди шекилли.*

Сөм – [Som] – туркий сўз. Салобатли, қийматли, қадрли.

*Сөм-сөм тилла, сөм тилла,*

*Сувға сасаң батмайди.*

*Худа берген бу давлет –*

*Тепкилесең кетмейди.*

Сөңғи – [Songg'i] – туркий сўз. кейинги, охирги. *Арабаниң алдинғи чархи, қайси жөлман жирсе, сөңғи чархиям шө жөлман жиреди.*

*Вөңини вөңла, сөңини сөңла.*

Сөпи – [Sopi] – арабча сўз. Сўфи, ислом динидаги суфизм, тассаввуф таълимотига амал қилувчи шахс. *Сөпи жезде келбетли, яхши киши еди.*

Сөппайув – [Soppayuv] – туркий сўз. Узайип, чўзилип. *Еки чаккең сөппайип, кечкече ач жиребердиңме?*

Сөқир – [Soqir] – туркий сўз. Кўзи кўр, кўрмайдиган киши. *Алемлиниң астиға, сөқирдиң қөлиға тушме, екевиденем асанлихман қутилмайсан.*

Сөғим – [Sog'im] – туркий сўз. Боқилган семиз мол. *Сөғимниң баригенеси иркиллейди, базарға чиғараберсек бөлади. Малиңниң биревгенесини сөғимға байлап, жемге алип сөйсаң, қараңа қишта қазаниңниң абийири бөлади!*

Субай – [Subay] – туркий сўз. Боласини эмизишдан айирган сигир. *Субай сийириң ҳамсаяниң агеретини аралап*

*жири!*

Сув алув – [Suv aluv] – туркий сўз. Соғиладиган молнинг сути қочиши, соғилиш мавсумининг тугаши. *Ала сийир сув алди, енди сутти ҳисабимен ичесеңер!*

Сувлиқ, авузлиқ – [Suvliq, avuzliq] – туркий сўз. Отнинг оғзига солиниб, миниш жараёнида бошқариладиган темир. *Атти сувлиғиман сувғармайди, сувлиғини ағаннан сөң сувғаради.*

*Ат башиға иш тушсе, сувлиғиман сув ичер,*
*Ер башиға иш тушса, етигимен сув кечер.*

Сувсин – [Suvsin] – туркий сўз. Суюқликка, ташналикка бўлган эҳтиёж. *Чарчап кепсен, чалапти ич, сувсиниңди қандиради.*

Сувутув – [Suvutuv] – туркий сўз. Отни емга олиб, аввал рацион миқдорини кўпайтириб, сўнг камайтира бориб, отни чиниқтирадиган ҳолат. *Сувутилмаған ат улақаям жарамайди, узақаям жарамайди, куйиб жарилиб вўледи!*

Сувухлиқ қилув - [Suvukhliq qiluv] – туркий сўз. Мижози сувуқлик қилмоқ. *Памедур шакерепти кўп жеме, саңа сувухлиқ қилади!*

Суенув – [Suenuv] – туркий сўз. 1. Бирор нарсага орқасини тираб, суянмоқ. *Мейман суенип вөтиребериң авқат ҳали пешинде пишеди.* 2. Бировни орқа қилмоқ. *Ҳазирги заманда сийинғаниңнан суенгениң кучли бөсин! Намартке ишенме, сувға суенме, екевидеем алланасан!*

Сужурек – [Sujurek] – туркий сўз. Қўрқоқ. *Сужурек бөсаң Рассияда ишлеялмайсан!*

Сузилув – [Suziluv] – туркий сўз. Нозланмоқ.

*…Кампир айнаға қарап*
*Зулпини тараш бөсин.*
*Чали таман сузилип*

*Асте жӧрғалаш бӧсин…*

Сузме – [Suzme] – туркий сўз. Ёғи олинган қатиқ. *Сув қӧшқан сузмеңди вўзиң ичда, маңа қатиқ тавуп ке!*

Суйел, суел – [Suyel, suel] – туркий сўз. Қўл ва оёққа чиқувчи қаттиқ яра, сўгал. *Ақгазениң газесидеги шейитке чаршемби кун барип дўлек қип тайласаң, суелиң жӧғалади.*

Суйинчи – [Suyinchi] – туркий сўз. Хушхабар учун бериладиган совға. *Суйинчиме сийир берсеңем кам, хатиниң егиз ул тувди!*

Сулув – [Suluv] – туркий сўз. Чиройли, гўзал. *Сулув-сулув емес, суйгениң сулув. Елеке барған сулувдиң еллик авуз габи бар.*

*«Бӧйдақа қимиз яхши,*
*Сӧң бир сулув қиз яхши…».*
*«Жӧлда жатқан теримен,*
*Сулув қииздиң еримен».*

Сумеклев – [Sumeklev] – туркий сўз. Бешикдаги болага сумак солув. *Улиңди сумекле, чӧчағини семек сӧради деп ахшам сумеклемепсен, қӧлбав, аяхбавларини ҳўллеп тайлапти!*

Сумелек – [Sumelek] – форсий сўз. Баҳор таоми, сумалак. Айрим тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича сумалак табиий омиллар таъсири вужудга келган бўлиб, кейинчалик мақсадли моҳият касб этган. Яъни, илгари ғалла ўрага кўмилган, ёки махсус ғаллахонларда тўкиб сақланган. Баҳорнинг илк кунларида ер қизий бошлаб, ғаллахоналардаги баъзи буғдойлар ҳам томир отиб кўкара бошлаган. Буғдойларнинг охири кўриниб қолган бундай пайтда кўкарган буғдойларни ун қилишга уриниб, ширин бир емишни кашф этганлар. Шу тариқа сумалак оммалашиб,

мақсадли кўкартишга ўтилган.[10] *Енең сумелек саса, мением қөшсин, унминан жавди мен қөшаман!*

Сумеңлев – [Sumenglev] – туркий сўз. Дайдимоқ. *Қазаниңниң қапқағини яхшилап жап, сумеңнеген итлер жалап кетмесин!*

Супа – [Supa] – арабча сўз. Ўтириш, ётиш учун тупроқ билан ердан баландроқ қилиб кўтарилган ўрин. *Кампир ахшам супаға жай самасаң, тар уйиңде бурге талаб вўлтиреди.*

Супайи, сипайи (чилиқ) – [Supayi, sipayi (chiliq)] – форсий сўз. 1. Амалдор. *Супайини хөш кепсиз деп жўнеткеннен сази жөқ. Батирға шарапат, супайиға сиясат жарашади.* 2. Чиройли муомала, одоб-икром. *Райисге супайичилиқ қилип жериңе яна пичи жер қөшиб амадиңма?!*

Супланув – [Suplanuv] – туркий сўз. Ясанмоқ. *Сулув суплангинча төй тарқайди!*

Супра – [Supra] – форсий сўз. Хамир қориш учун асосан терилан қилинган хўжалик буюми. *Супрани қақ, бир зувала ун бөсаям, илеп жулма аш қимасаң, иштаҳам жөқ.*

Супта – [Supta] – туркий сўз. Текис. *Мына тахтани супталасаң сабзитурағич бөлади.*

Сутпалав – [Suptalav] – туркий сўз. 1. Ниманидир текисламоқ. *Андавани жайиб, суптала.* 2. Муносабатларни яхшилаш, салбий моҳият касб этаётган ўзаро суҳбатни тўғри йўналишга солиш. *Яхши бөлди, екевиниң арасиға кирип гаплерини супталап жараштирдиң, бөмаса еки ағайин жуз кўрмес бөп кеткичеди!*

Сурап – [Surap] – туркий сўз. 1. Интилиш, кўникма, тажриба, ҳунар. *Байқуштиң ишлегидей сураби бөмаса*

---

[10] Бу ҳақда қаранг: Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. –Казань, 1886.- С. 126.

*қайтип ишлесин!* 2. Ўхшаш, кўриниш, шакл. *Вӧ ашнаң галлисурап, жавчилиққа жарамайди, питатиған иштием житиреди! Бу калиштиң киятиған сураби жӧқ.*

Сургин – [Surgin] – туркий сўз. Ўз маконидан бошқа жойга мажбурий кўчириш. *Бай деп лақайдиң кўбини сургун қиб жиберген!*

Сурув – [Suruv] – туркий сўз. 1. Ёйилиб ўтлаб юрган кўплаб қўй, сигир, эчки ва йилқилар тўдаси, йилқиларнинг бир-неча уюри бир сурувни ташкил этади. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 300)да бу тушунчани «сурук» сифатида ифодалайди:

Зулфи занжириға аҳли ишқ кўнглин тортибон,

Яхши қилди бир сурук девонаи расвони забт.

*Сурувиңди ҳайда, бу ерлер бизиң жеримиз!* 2. Ниманидир сурмоқ, ҳайдамоқ. *Сур жӧғат шӧ чӧлақ ечкини, дарахларди камирип қуритип тайлайди!*

Сус, суст – [Sus, sust] – форсий сўз. 1. Ҳайбати, сиёсати. *Қайнатамниң сусти басип, айтаман деген гаплеримем есимнен чиғип кетти.* 2. Ғайратсиз, ҳаракатсиз. *Улиң суст, вӧқишиниң ҳич маззаси жӧқ.*

Сут алув – [Sut aluv] – туркий сўз. 1. Сутни қаердандир олмоқ. *Сут асаң, қаймахли сут ал, сув қӧшқанидан ама!* 2. Сигирнинг сут бермай қўюви, соғиш муддати тугаганлиги. *Сийириң сут аған бӧса, мениң бир сийиримди апкеп, савуп ичип туриңар.*

Сутум – [Sutum] – форсий сўз. Тиргак. *Ағилдиң сутумини алиштирмасақ, асти чирипти. Сутумлиқ яғачиң барма, бир бастирма қилайиқ.*

Сухланув, суқланув – [Sukhlanuv, suqlanuv] – туркий сўз. 1. Диққат билан, алоҳида эътибор билан. *Шӧ хатин улима сухланип қаради, кўзиге кўкенек…* . 2. Кўзикиб касалланмоқ.

*Давреде дөмбра чаламан деп, сухланипсан балам, мөллани чақирайиқ, вөқип жиберсин.*

Сухсур – [Sukhsur] - туркий сўз. Узунчоқ, чиройли қуш.

*Сухсур деген қуш бөлар,*

*Тартсам пати бөш бөлар.*

*Жили-жили гапирсең*

*Қиздиң кўңни хуш бөлар.*

Сухсурдай – [Sukhsurday] – туркий сўз. Сухсурга ўхшаш маъносида бўйи узун чиройли йигит ва қизларга нисбатан ишлатилади. Сухсур қуши бўйни узун бўлган патли чиройли қуш. *Тағайиңниң қизи сухсурдай қиз бөпти, шөни амасаң кимди аласан?!*

Суюнчи – [Suyunchi] – туркий сўз. Хурсандчилик учун бериладиган ёки сўраб олинадиган мол, маблағ, сарпо. *Чечем улли бөлди деп айнамнан суюнчи абем веласапит ап берди. Мамам неберели бөлдим деп суюнчисиге ечки сөйип елге нан берген.*

Суюртки қақи – [Suyurtki qaqi] – туркий сўз. Юмшоқ тупроқда қуйруғи оппоқ бўлиб ўсган қоқи. *Нариғи камерде суюртки қақи кўп еди, шөннан терип кемедиңерме?!*

Суқ, суқубақа – [Suq, suqubaqa] – туркий сўз. Бировнинг насибасига кўз олайтирувчи ёки бировга ёмон кўз билан қаровчи кишига нисбатан ишлатилади.

- *Қирғини шө кампир келип, сутиң жавли екен, мениң келинимниң улидан сениң улиң семиз деп суқубақасини сап кеткеннен бери улим ухламай жилап чиғип, сутимем жөғалип қалди!*

- *Кўзиге кўкенек, арқаңа тикенек демедиңме?!*

Суғанақ – [Sug'anaq] – туркий сўз. 1. Ҳамма нарсага бурнини суқадиган киши. *Сен суғанақламай индемей вөтир.* 2. Бирор нарсани ижозатсиз олиш. *Табахти ал, суғанақ*

*кучигиң жалап кетеди!*

Суғурув – [Sug'uruv] – туркий сўз. 1. Бирор нарсани жойидан суғуриб олмоқ. *Қазихти қахтим деп қайқайип жиребересизме, суғуриң қазиғиңизди, вӧ қаққаниңиз бӧмайди.* 2. Маҳсулотни шамолга суғурип тозалаш. *Шамал бӧлатир, буғдайди суғур!*

Сўгув – [So'g'uv] – туркий сўз. 1. Ҳақорат қилмоқ, сўкмоқ. *Сўкме, яна сўксең сатилмен сӧғаман!* 2. Тикишдан қақратмоқ. *Еки жағидағи жиплердиң учидан тартеберсең, тез сўгиледи.*

Сўзенек – [So'zenek] – форсий сўз. Игнақадоқ. *Сўзенегиңди ал, кўкрегиңе шамал тийсин!*

Сўкирчек – [So'kirchek] – туркий сўз. Сандиқ ва мапремечларнинг тагига қўйиладиган узун тахта сўри. *Келинчектиң сўкирчеги жӧғ екен, мапремечлерини жерге қӧйип, устиге жук жийиптилар!*

Сўлекет – [So'leket] – туркий сўз. Кўриниш, шакл, қобилият. *Сўлекетиң сийирға вӧхшамай, сенем кеп елге қӧшил.*

Сўңгек – [So'nggek] – туркий сўз. Гавда, суяк. А.Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асари (-Б. 116)да: Аммо орқани ва ошуғлиғ иликни ва ён сўнгакни ва қобурғани ва иликни ва ўрта илик ва бўғузлағучни туркча айтурлар, - дейди. *Ескиниң адаминиң сўңгеги пӧлатдан!*

Сўтув – [So'tuv] – туркий сўз. Тикилган нарсанинг чокидан ипларини узмоқ, юлмоқ, йиртмоқ. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Лайли ва Мажнун» достони (-Б. 82)да бу тушунчани «сўкув» сифатида беради:

Кўксум ярасини сўкма мунча,
Бағрим қонини тўкма мунча.

*Кўрпечелерди сўт, айнаң пахтасини ахлатип келеди.*

## Т

Таба – [Taba] – форсий сўз. 1. Нон пиширишга мўлжалланган юпқа, юмалоқ тош. *Таба таштиң кўпкен нани жеб жирген, тандирдиң нанига уйренелмайди.* 2. Бировнинг камчилигини айтиш ёки миннат қилиш. *Бир авуз берген наниңди бетиге таба қиғинча, беш вахт намазиңди вөқип төвба қил!*

Табаат, табаҳати тартув (тартмаслиқ) – [Tabaat, tabahati tartuv (tartmasliq)] – арабча сўз. Кўнгли, иштаҳаси тортмоқ (тортмаслиқ), табиатига тўғри келув (келмаслик). *Табаҳати тартса, қөйиңар шө хатинди алаберсин! Жувисиз табақа авқат сап келди, қарним ач бөсаям табаҳатим тартмади!*

Табан – [Taban] – форсий сўз. Оёқнинг тўпиқдан пастки, юрганда ерга тегадиган қисми. *Сенерге жетейин деп, жире-жире табаним төзди.*

Табахлав – [Tabakhlav] – туркий сўз. Мол терисидан ошланиб, ёки қалин матодан тикилиб, идиш-товоқ солинадиган восита. *Табахлавдан қашихларди алип жув, чечең кескенашти табахларға салаятир!*

Табақ – [Tabaq] – туркий сўз. Ёғочдан ёки тунукадан ясалган катта идиш. *Табақа қөй жавди сап нанди турайбер, сув қайнаса қуйсақ, буннан маззали авқат бөмайди!Тавға чихтим таш алип,*

*Қөш табақа аш алип.*
*Муҳтажлиғи қурисин –*
*Айнам кетти баш алип*
*(Ерим кетти бөшалип).*

Табеги нан, табеки нан – [Tabegi nan, tabeki nan] – форсий сўз. Товада, яъни юпқа айлана тошни қиздирип пиширилган

нон. *Табеги нанди жемепсен, бу дунйеге кемепсен!*

Табин – [Tabin] – туркий сўз. Қарашли, тааллуқли. «Тапинмақ» сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «бўйсунувчи», «тобе», «хизматкор» маъноларида келган. *Бу жилқилар мина байға табин, ана сурувлер ана байға табин.*

Табишув – [Tabishuv] – туркий сўз. Узоқ айриликдан кейинги учрашув. *Дўслар яна табишти, қўш сарпайлар жабишти.*

Тав – [Tav] – туркий сўз. Ер юзасининг анча тепаликдаги қисми, тоғ. *Тавда қулун кишнейди, ат бўлдим деб, яр-яр. Тавдиң тўбесиге чихсаң, қишлақ кўринеди.*

Тав беги – [Tav begi] – туркий сўз. Тоғнинг хўжайини. *Тав бегиден қағаз алип, бир машин писте вўтин артип келдим.*

Тавеккел – [Tavekkel] – арабча сўз. Тайсалламай ҳаракат этмоқ. *Вўйчиниң вўйи питкинче, тавеккелчиниң иши питеди.*

Тавур – [Tavur] – арабча сўз. Дуруст, ёмон эмас. *Тавур кийимди тайлапсаңар.*

Таден – [Taden] – форсий сўз. Келиб чиқиши маълум бўлган нарса. *Базардан ат ағиниңча, вўзимиздиң қишлахтан шу таден атти алип қўй!*

Тази ийт – [Tazi iyt] – форсий+туркий сўз. 1. Оёқлари ва тумшуғи ингичка бўлиб, тез югурувчи, овчи ит. *Ертен авға чиғамиз, тазиңдиям егерт.* 2. Ҳовлима-ҳовли юриб, овқат излаб, қозон-тавақларни ялаб юрувчи ит. *Тазияним барида таза еди табағим,*

*Тазияним жўғида ачилмади қабағим.*

*Қиз қарисе қази бўлади,*

*Ийт қарисе тази бўлади.*

Тай – [Tay] – туркий сўз. 1. Йилқининг бир ёш билан

икки ёш орасидаги боласи. *Атқа мингенниң тайға тақими тӧлмайди. Беғананиң ати вӧзғинча, авулдаштиң тайи вӧзсин! Тай тепкисини тай кўтереди.* 2. Яхшилаб босилган боғлам. *Илгери келинге тўрт тай пахта сағичеди, ҳазир еки тайиям зият.*

Тайлақ – [Taylaq] – туркий сўз. Дастлаб лақайларда кичкина тойга нисбатан ишлатилиб, ҳозир баъзи ҳудудларда бузоққа нисбатан ҳам ишлатилинади.

*Пари кўчти айлақа,*
*Жугини артди тайлақа.*
*Тайлағи чарчап қалип,*
*Наңини салди бӧйдақа.*
*(Афғӧнистӧнлик лақайлар термаларидан)*

Тайминчақ – [Tayminchaq] – туркий сўз. Сирпанчиқ. *Жӧллар мызлап тайминчақ бӧпти, катапаңа бир ҳассетаяқ бер, суенип жирсин.*

Тайпақ – [Taypaq] – туркий сўз. Унчалик чуқур бўлмаган, текис, ялпоқ нарса. *Мина таш тайпаққана екен, ал керек бӧлади. Палавди тайпақ табахларға сал!*

Тай-тай – [Tay-tay] – хитой тилидан. Чақалоқнинг икки қулидан ушлап, етаклап юришга ўргатиш. *Тай-тай қип каш-кашлегинче тай-тай кулче қип жумалатиңар жугирип кетеди.*

Тайтабақ – [Taytabaq] – форсий+туркий сўз. Табақнинг тагида қолган овқат, ёши улуғ оқсоқоллардан ёки обруйли кишилардан қолган овқат. *Ешенбабам таберрик қип тайтабақ қалдирипти, тартиниб вӧтирмай талашип жемейсеңерме?!*

Тайхар – [Taykhar] – туркий+форсий сўз. Икки ёшли эшак. *Тайхарман тавда писте терип бӧлама, магерем тайхариңди жетелеб жирсең!*

Тайғанчик – [Tayg'anchiq] – туркий сўз. Тойиб йиқилиш эҳтимоли юқори бўлган жой, йўл. *Жоллар музлап тайғанчиқ бопти, катапаңниң қолиға бир ҳассе бериңер.*

Таке – [Take] – туркий сўз. Эчкининг эркаги. *Ана такени жоғат, буваз ечкилерге кун бермей жири!*

Такеки – [Takeki] – туркий сўз. Ошланган, пиширилган тери. *Тери – ашленмегени, такеки – ашленгени.*

Такеки етик – [Takeki etik] – туркий сўз. Мол терисини сарғиш бўлиши учун кармек (кўп йиллик ўсимликнинг томири) ёрдамида ошлаб, тикилиб, тиззагача кийиладиган этик. Такеки этик пошнали бўлиб, асосан улоқ чопишда чавандозлар томонидан кийилиб, унинг узун пошнаси улоқ чопиш жараёнида оёқ (этик)ни узангига тиқиш учун мос бўлиб, чавандоз отдан йиқилганда ҳам от судрап кетмасдан, узангидан тез чиқиб кетиш учун мослаштирилиб тикилган. *Такеки етикти атаң улақа кийгичеди, сен вўкчесини бир қариш қилип куевлеп кегениңде кийип кепсен!*

Такиелев – [Takielev] – туркий сўз. Суянмоқ. *Такиелесең тавға такиеле, жарға жиғилмайсан!*

*Жигиттиң бир хили, вўзиниң кучиге такиелесе,*

*Бир хили хатининиң хишиға такиелейди!*

Таккен, такен – [Takken, taken] – туркий сўз. Чаққон, епчил, ҳушёр. *Ашнаң такен жигит екен, чомилишта дайраниң бу бетиде берген топиғиңди сорабең «ма» деб чиғарип берди!*

Тал туш – [Tal tush] – туркий сўз. Ёзда қуёшнинг қиздирган палласи, туш пайти. *Илгери бир хурмача қатихти ичип тал тушкече ворақ ворғичек!*

Талли – [Talli] – туркий сўз. Тотли, ширин. *Тарбиз талли екен, яна биревини сой!*

Талмавсирав – [Talmavsirav] – туркий сўз. Чарчаб

ҳолсизланиб, гапиришга эриниш. *Ишлеп чарчадиңиз шекилли, талмавсираяпсиз, ухлап дамиңизди алиң, кейин габиңизди айтебересиз!*

Талув – [Taluv] – туркий сўз. Ҳолсизланмоқ, чарчамоқ. *Ма, катменди ал, қолим талип қалди.* Атти кўрип, арабаниң бели талди.

Талқан – [Talqan] – туркий сўз. Ниманидир майдаламоқ, эзиб ташламоқ, Буғдойни қовуриб, кели (ҳавонча)да туйилгани ёки нон, пишириқлар, айрим меваларнинг қуритилиб тегирмон ёки келида майдаланган шаклини ҳам толқон дейишади. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 517)да:Тутуб жулду олур ёрмоққа қолқон,

Дегилким айламишлар тоғни толқон, - дейди.

*Урсаң тавди талқан қиласан, уйде жатишиңа қара-ю!*

*Талқан тапсаң калемиштей курмелейсен.*

Там – [Tam] – туркий сўз. Лойдан ёки ғиштдан солинган уй. *Вўн бир тамда там салдим, ҳаятаси кең, тарбиз қилайин десем тухум таппадим, қавун қилай десем қайнатам қоймади, қайнем кади ек дейди, шоға сизге кади уруқа келдим. Бирев байиса там сағиси келеди, бирев байиса хатин ағиси келеди, бу шундейин дунйеда!*

Тамақмончақ, тамахмончақ – [Tamaqmonchaq, tamakhmonchaq] – туркий сўз. Илгари асосан олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ялтироқ металлардан тайёрланиб, қиз ва аёлларнинг бўйнига осадиган бир-неча жуфт узун баргакли тақинчоқ. *Тойға тамахмончағиңди тағип бар!*

Тамақсав – [Tamaqsav] – туркий сўз. Томоғи ёмон, очкўз. *Тамақсав бала бомай, тойған қозидай боп жирмейсеме?!*

Тамбе, тамбелев – [Tambe, tambelev] – туркий сўз. Эшикни ичидан ёғоч тираб беркитув. *Кампир жай сал,*

*дарвӧзани тамбелеп келей, бугун ертерек жатайиқки, саҳатли ахшамниң савабидан қамайиқ!*

Тамил – [Tamil] – арабча сӯз. Урф-одат, расм-русум, тартиб, таомил. *Бизиң тамилде келинчек бийкелеримен жеңгелериниң уйиге ешигилувсиз кирмейди. Бизиң тамилде чақалахтиң устиге қирқи чиққинча кирмейдилер.*

Тамири тартув – [Tamiri tartuv] – туркий сӯз. Қариндошларига талпиниш. *Тамири тартти шекилли, ағайиннарига қӧшилип кетти.*

Тамчи – [Tamchi] – туркий сӯз. 1. Ёмғирнинг, қорнинг ёки суюқ нарсанинг томчиси. *Тамчи тамаятир, навани бӯчкеге тӧғирлап қӧй.* 2. Тераклитоғ бағридаги қишлоқ. *Тағамниң тарланида Тамчиға жеткинимче, тамчи тамчилап, асманниң қабағи ачилмади!*

Тамшанув – [Tamshanuv] – туркий сӯз. Иштаҳаси очилиб чайналмоқ. *Сийир тамшанатир пичи вӧт тайла!*

Тана – [Tana] – туркий сӯз. Сигирнинг бир ёшга тӯлган боласи. *Бир тана алип бир жил бақсаң бир барабар пул тайлайди!*

Танав – [Tanav] – туркий сӯз. Буруннинг нафас оладиган тешиги. *Ухлағанда танавлари трактирдиң дут чиққичидай бӧп хуриллайди.*

Танабана – [Tanabana] – туркий+форсий сӯз. Бухоро амирлиги шароитида боғ ва узум етиштирувчи деҳқонларга ҳар таноб ерига нисбатан олинадиган солиқ. *Амирликден кеп елден закети савайим деб жийип кетти, лақайлар танабана бермейди, волар чарвадар малдан закет береди.*

Таңатарға, таңатағар – [Tangatarg'a, tangatag'ar] – туркий сӯз. Ёш оилада ӯғил туғилиб, биринчи марта бозорга олиб борганда ёки бошқа ҳолатларда таниш ва қӯшнилар томонидан ӯғилнинг отасидан талаб қилинадиган зиёфат.

*Улиңди базар апарған бөсаң, бизге таңатағар қип бер!*

Танделев – [Tandelev] – туркий сўз. Бирор нарсани чиройли қилиб, устма-уст қўйиш. *Вөтиннарди танделеп қөйсаңар, вўзлериң суринмейсеңер!*

Танедес – [Tanedes] – туркий сўз. Ёрдам берувчиси йўқ, фарзандлари ҳали ёш. *Танедес адамниң ишием вўнмейди.*

Тандир – [Tandir] – туркий сўз. Нон ёпишга мўлжалланган ўчоқ. *Тандирға вөт сал, ҳадемей хамирам келеди, мен кулче илейберемен!*

Таңлай, таңнай – [Tanglay, tangnay] – туркий сўз. Тилнинг устидаги том. *Бўбектиң таңнайиға сари жав ишилаб қөй, таңнайини жалайди.*

Таңув – [Tanguv] – туркий сўз. Ниманидир мажбурлаб бермоқ, мажбурлаб бўйнига осиш. *Гулдей бөған жигитке, гап кўтермес, зөм қизини мажбурлеп таңди. Биргат ажирихли жўеклердиң чабиғини шө байқушқа таңди!*

Таңқа – [Tangqa] – туркий сўз. Афғонистон лақайларида пора, сийлов маъноларида қўлланилади. *Жаман хатин ағинча,*

*Хас капени сағинча,*

*Арбабқа таңқа бергинче*

*Бөйдах жиргин вўгинче.*

Тапақа – [Tapaqa] – арабча сўз. Эшик ёки деразанинг иккинчи жуфти. *Еки тапақали гулли ешик абем, хатинима жахмади.*

Тапик, даппи – [Tapik, dappi] – туркий сўз. Чорва гўнгидан қуритиб тайёрланадиган ёқилғи. *Табистанниң куни тапикти қапчалап тандирға самаңар, ертен қараңа қишта ниме жағамиз?!*

Таплав – [Taplav] – туркий сўз. Бирор нарсани оловга тобламоқ. *Нанди печкеге таплап кемесең, қатти екен*

*тишим вўтмейди. Пахтани таплап лебиңе бас, жараң тез тузеледи.*

Тараша – [Tapasha] – форсий сўз. Қари, қуриган дарахтнинг қаттиқ пўсти. *Қуриған таллардиң тарашасини жулип ке, жағип жилинайиқ! Байқуш қаригенге бетлери тараша бӧп қапти!*

Тарашлав – [Tarashlav] – форсий+туркий сўз. Қириб олмоқ. *Уста баба, чачимди тарашлаб алиң.*

Тарбаңлав – [Tarbanglav] – туркий сўз. Ёш бола ёки бўйи паст одамнинг ишни тез битириш учун ҳаракат этиши. *Вӧниң бӧйини пас қип ниме қиласан, бӧйи пасем бӧса тарбаңлап тўрт арқа жӧңишқа апкелди.*

Тареди - [Taredi] – арабча сўз. Тайёргарлик.

- *Етеке жўнепсен тарediң барма?*

- *Чегелдек пиширтирип, гўшмен қурмач қувуртирип алдим!*

Тариғув – [Tarig'uv] – туркий сўз. Юраги эзилмоқ, сиқилмоқ. *Дунйениң ташвишиден тариғип кеттим, уйге кесем ун жӧқ, ишге барсам пул жӧқ.*

Тарлан ат – [Tarlan at] – туркий сўз. Ола-тарғил от. *Тарлан атти сувитип улақа сал!*

Тарчи – [Tarchi] – туркий сўз. Чумчуқ. *Пишегиң алғир екен, еки тарчини алди.*

Тарғил ат – [Targ'il at] – туркий сўз. Тўшининг устида оқ-қора ёки сарғиш-қорамтир доғлари бўлган сепкилли от. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 446)да ҳам учрайди. *Тарғил атиңди хамчилап Тавашар жўнедиңме?!*

Тасир аттап – [Tasir attap] – арабча+форсий сўз. Қуёш тегип турган иссиғи. *Тасир аттапта вӧтирғинча, чайла қип устини жаппайсаңарма?!*

Тасирайув – [Tasirayuv] – туркий сўз. Киприк қоқмасдан қадала қараб тураверии, бақраймоқ. *Енең иш буюрса, тасрайип туребересеме, жугиргилеп қимайсама?!*

Таталав – [Tatalav] – туркий сўз. Бўлмаган нарсани айтиб вақтни олиш. *Жийинда таталап ҳаммени авзиға қаратти.*

Татил – [Tatil] – туркий сўз. Нонушта. *Улим келип татил қиб ал, кейин ишлейсен.*

Татув – [Tatuv] – туркий сўз. Маза, таъм. *Габиниң татуви жӧқ.*

Тахта ишилағич – [Takhta ishilag'ich] – форсий+туркий сўз. Ранда. *Ана тахта ишилағичти алип мына тахтани ишила тахтай қилайиқ.*

Тахтай – [Takhtay] – форсий сўз. Ощтахта. *Тахтайди алда, хамирди жай.*

Тахтек – [Takhtek] – туркий сўз. Арпага ўхшаган, арпа ва буғдойдан олдин пишадиган ёввойи донли ўсимлик. *Ачарчилиқ жиллари ел тахтек терип жеди! Есиңдеме ач қағаниң,*

*Айлап беқурмач қағаниң.*
*Буғдай пишмей тахтек терип,*
*Бир қап унға тана берип,*
*Қара жавға сабзи салип*
*Шӧрпа бӧл деп хуп қайнатип,*
*Кебек нанди тураганиң,*
*Жеп қарниңди қураганиң.*

Ташлақ – [Tashlaq] – туркий сўз. Тошли майдон, тоши кўп ҳудуд. *Уйде келинчегиңниң қашини тергиниңче, ташлақтиң ташини тер, ҳайдаб ҳаята қилип, қавун егейик.*

Ташнап – [Tashnap] – форсий сўз. Чўмиладиган жой, ташнов. *Ташнаптиям тазалап қӧйиңар, мейманнар уятли.*

Ташрабат – [Tashrabat] – туркий сўз. Тошдан қурилган

робот, қаъла. Шайбонийлар даврида тошдан работлар қуриш анъанага айланган. Шу боис, ўша давр руҳини мужассам этган тўртлик ҳам сақланиб қолган:

*Абдуллахан қурдиң миң рабат,*
*Питмей қалди Ташрабат.*
*Таш қӧйған ташини асин –*
*Ғиш қӧйған ғишини асин.*

(Хушбахт Абдуназаров. Эл фарзанди. Қўрғонтепа, 1999. – Б. 203).

Таътил қилув – [Tatil qiluv] – туркий сўз. Нонушта қилмоқ. *Кел, таътил қилиб ал, айнаң атти егерлесе буғдай вӧримға жўнейсеңер!*

Таяхлав, калтеклев – [Tayakhlav, kalteklev] – туркий сўз. Бирор нарсани калтак билан урмоқ. *Маккейиниң сӧтасини қапчаға сап таяхласаң, тез тўгиледи.*

Таяхлашув – [Tayakhlashuv] – туркий сўз. Таёқ билан уришмоқ. *Вӧлар таяхлашип уйренген, бугун таяхлашадилар, ертен кўрмеген-билмегендей бӧп табағиниң башида вӧтирип нанини жейбереди.*

Тақим – [Taqim] – туркий сўз. Тиззанинг букиладиган жойи. *Улақ ана шӧ чабандаздиң тақимида кетти!*

Тақимини жазув – [Taqimini jazuv] – туркий сўз. Отга миниб, айланув. *Атқа минип, айналип тақимимди жазип келдим.*

Тақимлав – [Taqimlav] – туркий сўз. Тақимга олув, тақимга босув. *Кўрген нерсеңди тақимлап, вўзиңдики қип аласан!*

Тақир – [Taqir] – туркий сўз. Ҳеч нарса ўсмайдиган, қуруқ, жазирама. *Тақир башда бит ниме қарайди, битем абат жайға имтилади! Тақир Куйкенекти абат қиған ел бир мачит қуралмайма?! Тақир аттапта жӧлға тушмей,*

*қой, куннинң шашти пичи қайтсин!*

Тақия – [Taqiya] – арабча сўз. Кашталап тикилган бош кийим. Тақиялар турли хил (арахчин, гириллек тақия, пилтели тақия, тор тақия, бастирма тақия, гуллеме тақия, жўрме тақия) бўлади. *Тақияңа беш кетемен ашна, чечем маңаям тигип берсин!*

Тақиятеппе – [Taqiyaterpe] – арабча+туркий сўз. Қишлоқ болаларининг эски дўппини топиб олиб, ким баландроқ ва узоқроқ тепиш ўйини. *Тақиятеппе вӧйнасаң каллең кал бӧлади!*

Тағин – [Tag'in] – туркий сўз. Яна. *Тағин бир мал сӧйсаң, қудағийларға бемалал жетеди.*

Тағинахшам, ертенахшам – [Tag'inakhsham, yertenakhsham] – туркий+форсий сўз. Эртага кечаси. *Бугун Жузейбулақтан ешшекли жӧлға чихсаң, тағинахшам Жарипқӧлға жетип барасан.*

Теззек – [Tezzek] – форсий сўз. Ўт ёқиш учун фойдаланиладиган молнинг гўнги, қийи. *Теззек терип ке, тарбизди қайнатип ширини қиламиз. Тең-теңи минен, теззек қаби минан.*

Тезлев – [Tezlev] – форсий+туркий сўз. Қарши қайрамоқ. *Дӧсиңди мунча тезлеме, ери-хатинди уриштирип ниме пайда табасан?!*

Тек – [Tek] – туркий сўз. Тинчи, жим бўл, тегинма. А.Навоий «Лисонут-тайр» асари (-Б. 174)да:Ҳолатим махфий этай ё фош этай,

Сўз дейин ё тек турай – билмам нетай, - дейди.

*Тек, сидирғи вӧтир, бӧмаса уйлериңе ҳайдаб жиберемен! Тек вӧтиралмайсизма, тектурмас қӧлиңиз дайим жугиргилеп жиреди! Уялған адам тек турмас.*

Тектурмас – [Tekturmas] – туркий сўз. Тиниб-тинчимас,

серҳаракат. *Адам чал бўғаннан сўң тектурмас бўп қалади екен, бекар жатса тез касел бўлади, шуниң учун қимиллап турған мақул.*

Тел берув – [Tel beruv] – туркий сўз. Далда бермоқ, мақтамоқ.

*Тентеке тел бер, еки қўлиға бел бер.*

Телмирув – [Telmiruv] – туркий сўз. Кўз узмай тикилип кутмоқ. *Телмирип вўзиңдием чарчатма, кўзиңдием чарчатма, худа инсап берсе, келип қалади.*

Темиретки – [Temiretki] – туркий сўз. Одамлар ва ҳайвонларда учрайдиган тери касаллиги. *Темиреткиңе ечкиниң сутини ишила, жўғалмаса мениң алдима ке!*

Темир тикен – [Temir tiken] – туркий сўз. Қаттиқ тиканли ўсимлик тури. *Адирға чихсаң, аяғиңа етик кийип чиқ, темир тикен кўп.*

Тең – [Teng] – туркий сўз. 1. Катта миқдордаги юк. *Алти қатар теңди машинге арттиқ.* 2. Баробар. *Хўржинниң еки кўзиниң авурлиғи тең бўсинки, жўлда қийналмайин.*

Тенге чачув – [Tenge chachuv] – туркий сўз. 1. Келин-куёвнинг устига танга сочмоқ. *Айнаңди куевлетип устиге тенге чачсаң, айнаңниң ули сенем куевлегениңде устиңе тенге чачади, бу шундейин қариз дунйе!* 2. Ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган қарияларнинг устига танга сочиш. *Бабаң теберик, бабаңниң жашиға жетип небере-чебере уйлентирген қайда бар, устиге тенге чачип, манзилиге жўнетиңер!*

Теңселув – [Tengseluv] – туркий сўз. Чайқалув. *Жугиң теңселип бараятир, чаңға авнамасин, ешшекти тўхтатип яхшилап байла.*

Тентек – [Tentek] – туркий сўз. Ҳовлиқма. *Тентеке тел бер, еки қўлиға бел бер. Тентектен тувған сав бўмайди,*

*тавушқан атсаң ав бӧмайди.*

Тентирев – [Tentirev] – туркий сўз. Кун ўтказиш учун қишлоқма-қишлоқ юриш. *Рассияға барип бир ай иш табалмай тентиреп жирдик.*

Теңқур, теңғур – [Tengqur, tengg’ur] – туркий сўз. Тенгдош, қурдош. *Ул бӧзбала бӧса теңғурлариман улақ чабади.*

Тепкилев – [Tepkilev] – туркий сўз. Оёқ ёрдамида тепкиламоқ. *Терген пистең песе екен, тепкилеп бер, тазалап, мейманнарға савғат салайиқ.*

Тепсинув, депсинув – [Tepsinuv, depsinuv] – туркий сўз. Бир жойда турип оёқни кўтариб силкитмоқ. *Сийир тепсинип савдурмади, сути учунипти шекилли, пичи испент дутет.*

Тер – [Ter] – туркий сўз. Танадаги айрим безлар ёрдамида чиқадиган сув. *Ким терлеп чабиғини чапқан бӧса, ғӧзапаясиям шӧники.*

Тербелув – [Terbeluv] – туркий сўз. Ирғалмоқ. *Туттиң саясида тербелип вўзини желпиб вӧтири, биз бӧса вўлип шали егип жириппиз.*

Терекли – [Terkli] – туркий сўз. Тераги кўп. *Терекли тавдиң терекли жериде, чалатам бир хум тилла кўмген екен, шӧни тавуп қазиб алай десем, Терекли тавдиң тереклери кесилип кеткен екен.*

Теркеш – [Terkesh] – туркий сўз. Чойнакнинг ғилофи, мослаштириб тикилиб, устига кийгизиладиган қалин нарса. *Теркешти жап, чайиң сувип қалади!*

Терс – [Ters] – туркий сўз. 1. Тескари. *Нанди терс қип қӧйма, вӧбал бӧлади.* 2. Гаж, қайсар. *Шӧ терс тағаңа бир нерсе деп бӧлама, даррев бир нерсе деп кўңилди хирра қилади.*

Терс гапирув – [Ters gapiruv] – туркий+форсий сўз.

Киноя қилмоқ. *Терс гапирмей, турра-турра гапир!*

Терскей – [Terskey] – туркий сўз. Тоғнинг ёки тоғ ён бағрининг қуёш тегмайдиган қисми. *Терскей бетте тимирскиленгинче, аттапли таманда жазилип жатмайсама?! Терскей бетте бир жилан вўлиб жатир.*

Терскен – [Tersken] – туркий сўз. Асосан кўзнинг атрофига чиқадиган донача яра. *Кўзиңе терскен чиққан бўса, емиң-темиң шул деп, вўрамалиңа ийнени вўткезип терскенниң устиден шалпиллат.*

Тибити чалма – [Tabiti chalma] – туркий сўз. Афғонистон лақайлари лексиконида учраб, эчки жунини эшиб, тўқиб қилинган салла. *Чалатаң тибити чалмасини кийип ҳавлиге чихти, тез барип атти егерлеки, жума намаздан кеч қалади.*

Тизгин – [Tizgin] – туркий сўз. 1. Шода. *Базардан бир тизгин мўнчақ абем, уч қизима мўнчақ бўлди.* 2. Жиловнинг тасмаси. *Жилавиңниң тизгинини маккем байла!*

Тийме – [Tiyme] – туркий сўз. Тегинма. *Вўйнаб жирген гўдеке тийме, вўз ҳалиге қўй!*

Тийув – [Tiyuv] – туркий сўз. Тегмоқ.

*Шапталиниң шахини ийиб аған дўсим-е,*

*Айнам-айнам деп жирип тийиб аған дўсим-е.*

Тыйув – [Ti’yuv] – туркий сўз. Тергамоқ, олдини қайтармоқ.

*Қизға қирқ уйден тыйув.*

Тийрев – [Tiyrev] – туркий сўз. Санчмоқ. *Бирев шахани сийирдиң қарниға тийреп апти, салидўр жағип байлаңар, бўмаса сўяйиқ!*

Тийтаңлав – [Tiytanglav] – туркий сўз. Ёш бола ёки бўйи паст кишининг тез-тез юриши. *Вўни тийтаңлапқана гап жеткизишге қўйса!*

Тигув – [Tiguv] – туркий сўз. 1. Игна билан ёки тикув машинада тикмоқ. *Кўйлегимди тигип берсең, улли бөл деб дува беремен!* 2. Бирор экинни экмоқ, кўчат ўтқизмоқ. *Айнаң базардан хурма дарах ап кепти, кеч бөмай тигип тайла! Сувдиң барида памедур наҳаллериңди тик!*

Тикирейув – [Tikireyuv] – туркий сўз. Бегонасиратип қараб турмоқ. *Тикрейип туребересеме, катапаңман кеп кўриш.*

Тикке – [Tikke] – туркий сўз. 1. Тўппа-тўғри ўсган дарахт. *Тикке вўскен тереклерди кесип, улима уй салдим.* 2. Оёғида юрган. *Тикке жирген адамниң жатип қалиши жаман бөлади.* 3. Турғизиб қўйиш. *Тикке қөйма, қайси суринип жиғилади.*

Тикме – [Tikme] – туркий сўз. Тўн ёки чопоннинг ёқасидаги кашта атрофига тикилган тикма. *Тикмесини бигизмен тиксеңем бөлади, сариси ачих бөса, чирайли кўринеди!*

Тилазар – [Tilazar] – форсий сўз. Гап қайтарувчи бола. *Тилазарлик қип гап қайтармастан, хөп деп индемей кетебер!*

Тиленув – [Tilenuv] – туркий сўз. Ўз ихтиёри билан элдан у-бу нарса тиламоқ. *Сениң бабаң тиленчи вўткен бөмаса, атаң тиленчи вўткен бөмаса, вўзиң тавди урсаң талқан қилатиған жигитсен тиленип жегинче, ишлеп жесең вўлесеме?!*

Тилев – [Tilev] – туркий сўз. 1. Бирор нарсани ўтиниб сўрамоқ. *Бирев бир нерсени тилеп кесе, жетмиш еки тамирини бөшатип, бөйнини ийип келеди, сөң вөға жөх деп бөлама?!* 2. Тилак. *Яхши тилев тиле, чин ихлас минан биедей тилев қисаң, туедей қип береди, ихлас қимай туедей тилев қисаң, ийнедеем бермейди!*

Тили курмелув – [Tili kurmeluv] – туркий сўз. Тили гапга келмаслик. *Кече арағ ичкенге вӧхшайсиз, дабдирамайғана кесеңизем бешиктеги улиңизди тилиңиз курмелип-курмелип суйдиңиз, каняк ичсеңиз дабдирасаңизам тилиңиз курмелмейди!*

Тиллақаш – [Tillaqash] – форсий+туркий сўз. Қиз ва аёларнинг пешонасига тақилиб, тилла суви югуртирилган тақинчоқ. *Тӧйға тиллақашиңди алип чиқ, тағип вӧйнаймиз!*

Тилув – [Tiluv] – туркий сўз. Ўткир нарса билан бирор нарсани тилмоқ. А.Навоий «Хазойинул-маоний» асари (-Б. 117)да:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,

Ташлаб итларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз, - дейди.

*Қавунди қиз тилик қип тил, қизлар жесиннер.*

Тимирскиленув – [Timirskilenuv] – туркий сўз. Ивирсиланиб ниманидир изламоқ, ахтармоқ. *Ашханада тимирскиленип нимени қараб жирисен?*

Тимсирайув – [Timsirayuv] – туркий сўз. Бегонасиратиб кузатмоқ. *Тимсирайип турмай келип катапаңман кўришмейсеме?!*

Тиндирув – [Tindiruv] – туркий сўз. Қўлидан келмоқ, қойиллатип бажармоқ. *Рассияда ишлештием ҳамсаяниң ули тиндиради, бизиң балалар буяхтанам кетишде қарз алип кетеди, вӧяхтанам қайтишда қарз алип қайтадилар!*

Тинкеси қурув – [Tinkesi quruv] – туркий сўз. Чарчап қолмоқ. *Бариб қӧлидан вӧрахти ал, байқуштиң тинкеси қурип қалди. Балаңди емиз, жилап тинкеси қуриди.*

Тирбаңлав – [Tirbanglav] – туркий сўз. Ёш боланиң баландликка тирмашип чиқиши. *Сен тирбаңлап тўбеде ниме қарайсан?!*

Тиризи – [Tirizi] – туркий сўз. Қилтириқ. *Вӧниң укеси*

*тиризи бөсаям, ишке бала!*

Тиркев, тирев – [Tirkev, tirev] – туркий сўз. Бир ёғочнинг иккинчисига қувват бўлиши учун тиркамоқ, тиргак. *Минавди тиркемесең, анавдиң вўзи майишади.*

*Ата-енең қартайса, тирев бөғич ул бөғин,*

*Ел намисин кўтергич, ирев бөғич ул бөғин!*

Тирмашув – [Tirmashuv] – туркий сўз. Ёпишиб ўрмаламоқ. *Тирмашсаң Терекли тавға чиғасан, тирмашмасаң хатиниңниң бешигиниң кўтиде жатасан!*

Тирсек – [Tirsek] – туркий сўз. Қўл ва тиззанинг ички томони, букиладиган жойи. *Тирсеклериңниң кири беш қариш, сабиннап жув.*

Титирев – [Titirev] – туркий сўз. Аччиқланганда ёки қўрққанда қалтирамоқ. *Титиреп жағалашип кетти, вўзим қөрқип кеттим.*

Тишлеғуч – [Tishleg'uch] – туркий сўз. Омбур. *Тишдеғучмен тишлетип тартмайсама?!*

Төбиқ, төпиқ – [Tobiq, topiq] – туркий сўз. Оёқнинг илиги билан товонни боғлаб турадиган катта суяк. *Апкеген қатти калишиңиз төбиғимниң кўзини жара қипти. Дунйени сув бассаям, вөниң төбиғиға чихмайди.*

Төда шайит – [To'da shayit] – форсий+арабча сўз. Шаҳидларнинг умумий қабристони. Большевиклар босқини шароитида жангчилар ҳамда тинч аҳоли вакилларини оммавий шаҳид этиш ҳоллари юз берган. «Төда шайит» қабристонлари Фахробод ва Ёвон жулгесининг Эшма қишлоқларида мавжуд бўлиб, аҳоли томонидан зиёрат қилинади. *Етеке жўнештен алдин «Төда шайит»ге бариб дува қисаң, гунаҳсиз кеткен шайитлердиң арвейием қөллайди!*

Төдайлашув – [To'daylashuv] – форсий+туркий сўз.

Биргалашмоқ.

*Тӧдайлашип урдилар,*

*Сӧң ҳаммеси турдилар.*

Тӧзув – [Tozuv] – туркий сўз. Эскирмоқ. *Кўйлегиң тӧзипти кампир, шу қалла Рассияға барип ишлеп кесем, пулимниң алдиға саңа Мадӧнна кўйлек, вӧннан қаса енеме қалинғана чит кўйлек ап беремен, қайнели-келин раҳат қип киесеңер!*

Тӧй – [Toy] – туркий сўз. Хурсандчилик, тантана, зиёфат (Бешик тўйи, Суннат тўйи, Никоҳ тўйи, Пайғамбар ёшини нишонлаш тўйи, 50-60-70 ва ҳоказо ёшларини нишонлаш юбилей тўйлари ва бошқалар). *Ав атлиники, тӧй тӧнлиники. Тӧйға барсаң тӧйип бар, хатинди уйге қӧйип бар!*

*Жаш қизларға тӧй кесин,*

*Сурув-сурув қӧй кесин.*

Тӧйим – [Toyim] – туркий сўз. 1. Ўзимнинг тўйим. *Тӧйимиз табистанда бӧп, келин-куев тасир аттапта тушкечей тикке турибек.* 2. Қаноат. *Саңа тӧйим барма вўзи, айналиб жейсен, уйрилиб жейсен сени худа тӧйдирмаса, бандеси тӧйдиралмайди!*

Тӧйлав – [Toylav] – туркий сўз. Тўйда юрмоқ. *Атаң тӧйлап кеген, атаңа аччи чай дамлеп ке!*

Тӧйхана – [Toykhana] – туркий+форсий сўз. Тўй бўлиб ўтадиган жой. *Аялларди тӧйханаға, еркеклерди қӧшханаға тарт!*

Тӧйчи – [Toychi] – туркий сўз. Тўй иштирокчилари. *Тӧйчилар тарқағаннан сӧң, Қарамендидеги катапам келди.*

Тӧлишув – [Tolishuv] – туркий сўз. 1. Семирмоқ. *Танаң тӧлишипти, базарға чиғараберсең бӧлади.* 2. Балоғатга етмоқ. *Қизи тӧлишип бӧй жетипти, жавчиларди жибереберсек бӧлади.*

Тӧлғав – [Tolg'av] – туркий сўз. Силкитмоқ. *Машинге минип, қӧлини тӧлғап Қӧрған кетти!*

Тӧмар, тӧхмар – [Tomar, toxmar] – туркий сўз. Дарахт кундасининг қаттиқ кўзли қисми. *Тӧмарли кундени жариш қийин бӧлади.*

Тӧмақан ашув – [Tomaqan ashuv] – туркий сўз. Ўмбалоқ ошмоқ. *Қатти жерге тӧмақан ашма мӧйниң қайрилип кетеди!*

Тӧмгет – [Tomget] – туркий, архаик сўз. Камар. *Илгери жигитлер тӧмгет тағип жиргичедилер.*

Тӧмен – [Tomen] – туркий, архаик сўз. Игнанинг йириги, жуволдўз. *Тӧменди алди, қанарди кўкле.*

Тӧңлав, тӧңнав – [Tonglav, tongnav] – туркий сўз. Совуқдан қотиб қолмоқ. *Жав еритибем тӧңлап қалди, турмайсама ертерек, қанниғ вӧйнаған куевдей уйхуңди ачалмайсан!*

Тӧңқаңлав – [Tongqanglav] – туркий сўз. Бағрини ерга тегизмасдан, бошини пасайтип юриш. *Тар тавух катекте тӧңқаңлап тухум қарағинча, тавухлариңди бақ тувсин!*

Тӧп – [Top] – туркий сўз. 1. Тўда. *Талдиң саясида бир тӧп адам трактирди тириллатип тамаша қилатирлар.* 2. Уюм, ўрам. *Астарлиқа еки тӧп чит бердим, шӧлам жетмепти.* 3. Замбарак. *Урушда фашистлердиң самӧлётини тӧппан урип туширгенмен, бу медалди шӧға берген!* 4. Ёш болалар ўйнайдиган оддий тўп. *Тӧпти теппе, тирезениң айнасини синдирасан!*

Тӧпалаң – [Topalang] – туркий сўз. Шовқин, тартипсизлик. *Тӧпалаң қима, тӧп бӧса вўзим аппеpемен.*

Тӧпан – [Topan] – туркий сўз. Нўхатнинг похоли. *Нӧхатти тӧпаннан айириб ап, тӧпанини қишта малларға берсең кавзепкене жейди.*

Тӧпичақ – [To'pichaq] – туркий сўз. От тури. Йирик чиройли от тури бўлиб, туркман ва араб отларига нисбатан ишлатилади. *Тӧпичақ аттиң харидариям кӧп бӧлади.*

Тӧпиқ – [Topiq] – туркий сўз. Оёқларнинг тепа қисми, болдир суягининг пастки қисмидаги бўртиб чиққан юмалоқ суяк. *Тӧпиғиңнан лайға батип, пияда келдиңме, балам! Тӧпиғидан тӧпрақ кечип қавун қибеди, қақ чилледе сув жетишмей, палеги қурип қалди!*

Тӧппас – [Toppas] – туркий сўз. Важоҳатли, гавдали семиз ҳайвон, қўтос. *Тӧппасдай бӧп жӧлабиңди жувалмайсан, яна ақилеклик қиласан!*

Тӧри – [Tori] – туркий сўз. Сарғиш қўнғир тус. *Тӧри тулпарди жалаңашлап жувип тӧрбасиға жем сап қӧй!*

Тӧрлав – [Torlav] – туркий сўз. 1. Торлама тақияни торлаб тикмоқ. *Тақияни сен тӧрлағин, мен пилтелеймен.* 2. Қовуннинг тўрлаб пишиши. *Қавуннариң тӧрлапти, алдини аксақалларга сӧйип берип, дуваларини алайиқ!*

Тӧрлама – [Torlama] – туркий сўз. 1. Торлама (тор) тақия. *Тӧрлама тақияни тӧрлап, пилтелеп, гул бастирип вахтиңди кеткизгиниңче, гуллеме арахчин қип қӧй бӧлади.* 2. Торлама қавун. *Қайнатаңниң ҳаятасида тӧрлама қавуннар, тӧрлап пишип жатир.*

*Тӧрламаси тӧр бӧсин,*
*Палегием зӧр бӧсин.*
*Шу қавуннан татқаннар*
*Хишларға ғамхӧр бӧсин.*

Тӧрпақ – [Torpaq] – туркий сўз. Тупроқ. *Тӧрпақ апкеп, чечеңе тандир қип бер!*

Тöрта – [Torta] – туркий сўз. Сариёғни куйдирганда идишнинг тагида қолган қолдиқ. *Тöртасини даккеге сап сöрсаң сöрғидай.*

Тöст – [Tost] – инглизча+лотинча сўз. Яхши тилак. *Тöст айт, тöғиштирайиқ!*

Тöсув – [Tosuv] – туркий сўз. Ёш болани, чақалоқни енгиллатиш. *Балаңди тöс, устимди бенамаз қип қöймасин.*

Тöхим – [Tokhim] – туркий сўз. Эшакнинг тўқими. Тохим жаптиқ, мора, айил ва ҳоказолардан иборат бўлади. *Ешшекти тöхимлап, буғдайди тағайиңниң тийирманиға тарттирип кел.*

Тöхли, еркек тöхли, урғачи тöхли – [Tokhli, erkek tokhli, urg'achi tokhli] – туркий сўз. Тўққиз ойдан бир ярим ёшгача бўлган қўзи. *Сöйилған семиз тöхлиниң гўши бир катте карсен табақ бöлди.*

Тöхсаба – [Tokhsaba] – туркий сўз. 1. Бухоро амирлигидаги мирохур ва дотхо оралиғидаги ҳарбий унвон. Тахминан полковник унвонига тенг. *Тöхсабалар тöдайлашип Ибрайимбекке маслаҳатке кептилер.* 2. Туркий амирлик ва хонликларида мавжуд бўлган ҳарбий мансаб ва шу мансабга эга бўлган шахсга нисбатан ишлатиладиган сўз. *Елди жийип маслаҳатлешиш учун тöхсаба кепти.*

Тöқал – [Toqal] – туркий сўз. Биринчи аёлнинг устига олинган иккинчи аёл. *Бу кампир тағайимниң тöқал хатини еди.*

Тöқмақ, тöхмақ – [Toqmaq, tokhmaq] – туркий сўз. Бирор нарсани уриш учун мўлжаллаб қилинган йўғон ёғоч. *Тöхмағи кучли бöса, бöш қазиғам бöчалап қатти жерге қадалип кирип кетеди.*

Тöға – [Tog'a] – туркий сўз. Қайиш, айил ёки бошқа нарсаларни боғлаш учун бир учига ўрнатилган темир ҳалқа,

айлана хамут. *Ҳадеп ешшеке жук артқинча, айилдиң тӧғасини яхшилап тарт, айил ишқаланип жара қип тайлайди.*

Тӧғай – [Tog'ay] – туркий сӯз. 1. Қалин ўрмон. *Ел аралаған синчи бӧлади, тӧғай аралаған вӧтинчи бӧлади.* 2. Дарё ўртасидаги кичик орол, тўқай. *Дайрадан вўтсек тӧғайда дам аламиз.* 3. Одамларда ва умуртқали ҳайвонлар организмидаги бириктирувчи эластик тўқима. *Бӧрбайимдағи тӧғайди ушласам авруйди.* 4. Ёш болаларда қулоқ орқасидан чиқувчи яра, қўтир. *Қулағиңниң арқасидағи тӧғайиңа жашилдари жахсам шай бӧлади.*

Тӧғанақ – [Tog'anaq] – туркий сӯз. Нарсаларни буғиб боғлаш учун арқоннинг бир учига боғланган ўртаси очиқ ёғоч. *Жиптиң бир учини тӧғанақтан вўткезип байсалаң, ҳич ким асантлихман ачалмайди.*

Тӧғара – [Tog'ara] – туркий сӯз. Қамишни тизиб, ҳовлини тўсилган девор. *Жӧл шаппет екен, дувал қиғиннариңча тӧғара қип қӧйсаңар жатишлариң бар, туришлариң бар, пана бӧлади!*

Тӧғиз – [Tog'iz] – туркий сӯз. Келинга солинадиган тўққиз кийимлик матодан иборат бирлик. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Садди Искандарий» достони (-Б. 280)да: Матоъ анда ҳарнеки ашё келиб,

Тўқуз-тўқуз андин муҳайё келиб, - дейди.

*Елдиң қадеси е тўрт тӧғиз, е алти тӧғиз, вӧннан зияти зият.*

*Баққан қӧзим - қӧйиң бӧсин,*
*Жийған тӧғиз – тӧйиң бӧсин.*
*Чимилдиқта пул чачайин –*
*Терекдейин бӧйиң бӧсин.*

Тӧғин – [Tog'in] – туркий сӯз. Керегенинг шериги.

Тувар – [Tuvar] – туркий сўз. 1. Тувар мал - урғочи мол. *Тувар малдан алле жийирма төққиста санадим, алле вөттиста санадим.* 2. Тувар ай – кейинги ой. *Айтип бариң бизиң ярға, келағайсин тувар айға.*

Тувишқан, тувған – [Tuvishqan, tuvg'an] – туркий сўз. Ота-онаси бир. *Вөл бегана емес, тувған иниси бөлади.*

Тувлав – [Tuvlav] – туркий сўз. Орқа оёқларини сакратиб ўйноқламоқ, тепинсирамоқ. *Сийир тувлап савдирмади. Тай тувлап, уйириден айрилмайди.*

Тугел – [Tugel] - туркий сўз. Камитмасдан, тўлиқ, бирга. *Тўртта ул тугел бөса, енмегенди ендирер, Алти ул ала бөса, авзидағини алдирар.*

Тугеллев, тугеннев – [Tugellev, tugennev] – туркий сўз. Молларнинг ҳисобини чиқариш. *Малларди тугеннеңер, тувип адирда қамасиннар.*

Тугул – [Tugul] – туркий сўз. Ҳатто, ташқари, бошқа. *Сен тугул, сеннен каттелерем бу дайрада чөмилалмайдилар, суви раса тез ағади! Хатин тугул байқуштиң астиға тўшеп вөтирғали тўшенчисием жөқ!*

Тузенув – [Tuzenuv] – туркий сўз. Ясанмоқ. *Чече, акемди алдиңизға салип, тузенип төйға жўнедиңизме?*

Тузлиқ – [Tuzliq] – туркий сўз. Туздон. *Тузини жеп, тузлиғиға тукирме.*

Тузқант – [Tuzqant] – туркий+арабча сўз. Баъзи тоғли ҳудудларда новвотни шундай аташади. *Ҳазирче шакерден сап ичип тур, атаң паске енсе, базардан тузқант ап келеди!*

Туйилув – [Tuyiluv] – туркий сўз. Овқатнинг томоқдан қийинчилик билан ўтиши. *Нанға туйилсең сувға жугир, сувға туйилсең гўрге жугир!*

Туйин – [Tuyin] – туркий сўз. 1. Тугилип боғланган кичкина бўхча. *Катапа, туйиниңизди бериң кўтерей.* 2.

Тугилган тугун. *Жиптиң туйинини чеч.*

Туйир – [Tuyir] – туркий сўз. 1. Гўштнинг кичкина бўлаги, кесилган бурдаси. *Еки туйир гўшти тапла, жейин.* 2. Мазза, таъм. *Тузув гапирмейсеме, габиңниң туйири жӧқ.*

Туйме – [Tuyme] – туркий сўз. Тугма. *Туедей бӧй берип, туймедей ақл бермепти.*

Туйнек – [Tuynek] – туркий сўз. Ҳали хом, пишмаган қовун ёки тарвуз, сапча. *Қавунниң туйнегини жегинче, бадриң жулип жеңгер, бадриңниң таъми бар. Қарамапсаңар туйнеклерди ийнеклер жеп кетипти!*

Туйнеклев – [Tuyneklev] – туркий сўз. Қовун ва тарвузнинг ҳосилга кириши. *Тарбизлар туйнеклепти, мал кирип қийратмасин!*

Туйрев, туйрелув – [Tuyrev, tuyreluv] – туркий сўз. Учли бир нарсани иккинчисига санчмоқ, санчилмоқ. *Бигизди вўйтип қӧйма, қайсиниң тенесиге туйрелип кетеди.*

Туйтик – [Taytiq] – туркий сўз. Сув қуйилиб, ичиладиган мослама.

*Атажаним биргенем,*
*Ата, десем, жан дедиң,*
*Жану-дилим сен дедиң*
*Жилик жарип жав бердиң.*
*Туйнуктен ай кўрсеттиң,*
*Туйтиктен сув ичкиздиң.*

Туйунчек – [Tuyunchek] – туркий сўз. Кичкина тугун. *Тӧйдан туйунчек.*

Туксинув, туксейув – [Tuksinuv, tukseyuv] – туркий сўз. Молнинг касал бўлишининг дастлабки ҳолати. *Қара қӧшқар туксинип турипти, жемлеппе, ниме бала?!*

Тулкиқуйруқ, сийирқуйруқ – [Tulkiquyruq, ciyirquyruq] – туркий сўз. Адирда ўсадиган боши тулкини қуйруғига

ўхшаш ўсимлик. *Тулки қуйрухларди ҳўллигиде жемесе, қуриғаннан кейин маллар жемейди.*

Тулпар – [Tulpar] – туркий сўз. Учқур от. *Қувса жететиған, қачса қутилатиған жуйрик тулпар Авғанистанда вөққа учти!*

Тулум, тӧлум – [Tulum, to'lum] – туркий сўз. Майда молнинг терисини жундан ажратиб, ошланмасдан тайёрланган идиш, бунда илгари асосан қатиқ сақланиб, бир-неча кун турсаям сифати бузилмаган. *Кампир, керегеде асилған тӧлимнен қатиқ апке, жанбашлап бир симирей!*

Тумав – [Tumav] – туркий сўз. Бошга ва нафас йўлларига совуқ таъсир қилиши натижасида бошни оғритиб, буриндан сув, кўздан ёш оқизадиган ифлос касаллик, грипп. *Тумавдиң ажели хамшӧрпа!*

Тумалақ, жумалақ – [Tumalaq, jumalaq] – туркий сўз. Юмалоқ. *Тарбиз деген тумалақ бөғичеди, сӧзағини биринчи кўришим!*

Тумарча – [Tumarcha] – арабча сўз. 1. Кичикроқ тумор. *Улиңниң тумарчасини желкесиге тағип қӧй.* 2. Қизлар дўпписининг икки четида осилиб турувчи мунчоқ. *Тақияңниң тумарчаси чирайли екен.*

Тумшуқ – [Tumshuq] – туркий сўз. 1. Жағнинг пастки қисми, ияк. *Вўтирик айтсаң, тумшуғиңа тартип жиберемен!* 2. Тепалик, дўнглик. *Қӧзилариң ҳазир ана тумшухта вӧтлаб жирибеди!*

Тунев кун, тунегун – [Tunev kun, tunegun] – туркий сўз. Кечадан олдинги кун, тунов кун. *Тунегун Ташрабатқа барип, тарбиз ап кебем, гўдеклер жеп қӧйиптилар.*

Туңулув – [Tunguluv] – туркий сўз. Кўз узмасдан қарамоқ. *Қадала қатип туңилип тиккен мапремечиңди сатип ериңди баққинча, вўзини ишлетсең, кўзи вӧйилама?!*

Тупек – [Tupek] – туркий сўз. Келинлик анжомларни безаш учун тўқиб осиладиган нарса. *Тупеклериңниң раңи гуңирт екен, ачиғрақ лалеп таппадиңма?*

Тупек тўгув – [Tupek to'guv] – туркий сўз. Тупакни махсус мосламада тўқимоқ. *Сен ҳали тупек тўккен жӧхсан, қудалар қизиңди сӧраятирлар!*

Турленув – [Turlenuv] – туркий сўз. Турли рангда ўзгармоқ, яшнамоқ. *Балдизиң тӧйда турленип турли хил кўйлек кийиб вӧйнади.*

Туртув, турткилев – [Turtuv, turtkilev] – туркий сўз. Қўл ёки бошқа нарсанинг учи билан қайта-қайта ниқиб, итармоқ. *Вӧтти турткилесең вўчеди, ҳамсаяни турткилесең кўчеди.*

Турчин – [Turchin] – туркий, архаик сўз. Иғвогар, ярамас одам. *Турчинға сириңди айтма, сириңди айтсаңам чинини айтма.*

Туршек – [Turshek] – туркий сўз. 1. Қовунни қайнатип, қотириб олинган қора кулча. *Қавун туршеклериңнен пичи самасаң, уйге барсам, жездең қулағимди жейди.* 2. Шўр меваларни тухуми билан қуритиб олингани. *Қаралини қуритип туршек қип асаң, қишда балағаналариң талашип жейдилер!*

Турра кўйлек, кампир кўйлек – [Turra ko'ylek, kampir ko'ylek] – туркий сўз. Асосан ўрта яшар аёллар ва кампирлар кийиб, бурмасиз тикиладиган кўйлак. *Турра кўйлегиңизди кийип, устиден куртеңизди кийиб аң, кузекте жуқа кийиммен кепти деп, қудағийлар кулмесин, яна!*

Тус – [Tus] – туркий сўз. Тур, келбат, ранг. *Тусси сувуқ жиланди қӧйниға сап жири. Жӧғалған жӧлаптиң тусси қизил еди.*

Тусақ – [Tusaq] – туркий сўз. Қисир қўй ёки эчки. *Тусақ қӧйди сӧйибеди, семизгене екен, хийли жав чихти.*

Тусев – [Tusev] – туркий сўз. Кўнгли тортмоқ, истамоқ. *Катапамниң кўңни қишта тарбиз, табистан туршек тусейди! Улима кўңни тусеген авқатти қип бер!*

Тусмал, тусмаллав – [Tusmal, tusmallav] – туркий сўз. Тахмин, таваккал, гумон. *Билмесең тусмаллама!*

Туставуқ – [Tustavuq] – туркий сўз. Қирғовул. *Кийиктиң кўзиден урип, туставуқтиң патини жулмаған авчи авчи емес!*

Тутала – [Tutala] – туркий сўз. Дудуқ. *Тутала екен деп назирқасаң гуңге жӧлиғасан!*

Тутам – [Tutam] – туркий сўз. 1. Қўлнинг аясига сиғадиган ўлчов. *Вӧниң қизлихтағи чачи беш тутам еди, ерге тийип чачи тўгилди. Вўтириктиң қуйруғи бир тутам, даррев вўтириги чиғади.* 2. Аҳволи танг, бош қашишга вақти йўқ. *Изғирин сувухта вӧниң қӧйлари қӧзилап жатир, куни бир тутам.*

Тутандириқ – [Tutandiriq] – туркий сўз. Оловни ёндириш ёки алангалантириш учун ишлатиладиган енгил ёнувчи нарсалар. *Тутандириқ тавуп ке, вӧтти туташтирайин!*

Туташ – [Tutash] – туркий сўз. Тўлиқ. *Аған пулиңди туташ қип апке!*

Туташтирув – [Tutashtiruv] – туркий сўз. 1. Оловни алангалантирмоқ. *Тандирдиң вӧтини туташтир, хамир келди!* 2. Икки нарсани бириктирмоқ. *Еки ҳаччени туташтирип жалға!*

Туте – [Tute] – туркий сўз. Ғалтак, ингичка ипнинг ўрами, ёғоч ўрам (катушка). *Базарға барсаңиз ақ туте жиптиң алти хилидан ап келиң! Ҳазирги тутелердиң нахи тутмейди.*

Тутмейди – [Tutmeydi] – туркий сўз. Тез тугайди. *Рузғарға на гугурт тутеди, на чай тутеди.*

Тутув – [Tutuv] – туркий сўз. Жун ёки пахтани сўзиб юмшатмоқ. *Пичи жунди мен тутейин сен саба, екевмизге пайтаба!*

Тутуруқ – [Tuturuq] – туркий сўз. Гапга нисбатан мазмун. *Габиңниң тутуруғиям жөғ екен.*

Тутуқ – [Tutuq] – туркий сўз. Балиқ тутиш учун ишлатиладиган тўр. *Тутукти таярла, балиқ авиға барамиз.*

Тутқуч, тутқич – [Tutquch, tutqich] – туркий сўз. Қайнаган чойгум ва иссиқ нарсаларни ушлаш учун мослаштириб тикилган ошхона буюми, ушлайдиган нарса. *Тутқичти ушлап чайди қуймасанг, қөлиң куйип, дадайлап қаласан.*

Тушав, тушавлав – [Tushav, tushavlav] – туркий сўз. От, эшакнинг узоқлаб кетмаслиги учун олдинги икки оёғига боғланадиган қайиш ёки ип. *Ешшегиңди тушавла, нарғи сайда ешшеклер кўп, тағин куевлеп кетип қамасин, қараб жирсең. Ҳей, бермен ке, чақан жир, аяғиң тушавланғанма, мунча имиллайсан?!*

Тушкирув, тушкирик – [Tushkiruv, tushkirik] – туркий сўз. Ҳавони бурундан пишқирип чиқариш, акса урмоқ. *Бай тушкирсе-пир бөлиң, камбағал тушкирсе-жөғал тумавуң жуғади!*

Тўбе – [To'be] – туркий сўз. 1. Дўнг тепалик, ёки тупроқни уюб қилинган тепа. *Қизилбулақа барсаң бабаңниң тўбесини зиярат қип қайт! Ҳар жил биринчи майда бабаң дөмбрасини алип, инилерим келеди деп, кечкече шу тўбеде жатади, екен!* 2. Бирор нарсанинг энг баланд жойи, тепа қисми. *Дарахтиң тўбесиге чихта тут қақ. Тўбе чачини тикке қип, вўткеннердиң арвесини азарлантирип уришип жиргиннериңче, арвелердиң ҳақиға еки табақ нан қилиңар!*

Тўбелешув – [To'beleshuv] – туркий сўз. Ёқалашиб уришмоқ, калтаклашмоқ. *Төдайлашип жерге талашип, елге*

*тамаша бӧп, тўбелешип калле жарғинча, каллени ишлетип, тӧдайлашип жерди ишлетиңер!*

Тўл – [To’l] – туркий сўз. 1. Молнинг боласи. *Тўлини ап, сутини ичмесең қисир сийирди бағип ниме қиласан.* 2. Фарзанд, авлод. *Вӧ кишиниңем тўли кенжелепти (фарзандлари ёш экан).*

Тўллев – [To’llek] – туркий сўз. Молларнинг туғиш жараёни, қўйиларнинг қўзилаши. *Катапаңниң маллари тўллеп, куни бир тутам бӧп жатир!*

Тўлўм – [To’lo’m] – туркий сўз. Ишлов берилмаган мол терисидан тайёрланган идиш бўлиб, илгари унга асосан қатиқ солинган. *Тўлўм паске илинген екен, аңгел, тўлўмди жиртип, қатиғини тўгип кетипти!*

Тўнкерув – [To’nkeruv] – туркий сўз. 1. Бирор нарсанинг устини остига қаратип ағдарип қўйиш. *Табахти тўнкерип қӧй, тазза туради.* 2. Айбини бошқага ёпмоқ. *Сутти вўзиң тўктиң, гунайиңди вӧға тўңкерме!*

Тўппе аш – [To’ppe ash] – туркий сўз. Хамирни тўртбурчак шаклида кесиб тайёрланадиган овқат. *Сениң бу тўппе ашиң чамбилге чирағжавам бӧмади, гўш-пўш қувурип кемесең авур ишлерге жарамай қаламан кампир!*

Тўр – [To’r] – туркий сўз. Уйнинг ёки ўтирган жойнинг юқори қисми. *Баба, тўрге вўтиң! Касел тўрде, сав гўрде.*

Тўрлев – [To’rlev] – туркий сўз. Юқори чиқмоқ. *Тағайим тўрлең, бу ер бӧзбалалардиң жайи!*

Тўш – [To’sh] – туркий сўз. Тананинг кўкракдан юқорироқ қисми.

*Авқатиң гўшли бӧсин, думбели тўшли бӧсин,*
*Келиннериң хизметкер, ақлли-ҳушли бӧсин!*

Тўшайил – [To’shail] – туркий сўз. Пахтани игириб тўқиб, эгарлаганда отнинг тўшидан тортиб боғланадиган йўғон

энли ип. *Тушайилди тартип байлап, жугенди бӧшатип, тӯштен хамчини бассаң, беш минутта Бешбулақта бӧласан!*

*Тӯшайилдиң батқанин, егеси билмес, ат билер,*

*Ағайинниң азғанин, ағайин билмес, ят(душман) билер.*

Тӯше – [To'she] – туркий сӯз. Йӯл озиғи. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Садди Искандарий» достони (-Б. 138) да:

Яна ҳирфат аҳли тутуб гӯшае,

Маоши учун истаса тӯшае, - дейди.

*Жӧл тӯшеңди қӧйув қиб ал, кун сувуқ.*

Тӯшек – [To'shek] – туркий сӯз. Асосан ётиш учун ишлатиладиган хӯжалик анжомлари. *Кампир, тӯшекти қалин сал, бугун айлиқ ағанман!*

Тӯшенчи – [To'shenchi] – туркий сӯз. Ӯтиришга мӯлжалланган хӯжалик анжомлари(гилам, кийиз, кӯрпачалар). *Тӯшенчини саяға тӯшеп, шаптали териңер, мейманнар Қӧшқудухтан кегеннер!*

## У

Увиз, увуз – [Uviz, uvuz] – туркий сӯз. Туққан аёлнинг ва молнинг дастлабки сути. *Увиз сутиңди савуп тайла.*

Увув – [Uvuv] – туркий сӯз. Хамирни икки қӯлнинг аясига олиб, эзғилаб, кичик бӯлакчаларга бӯлмоқ. *Хамирди увип, умач аш қил, умач аш иссих бӧлади, балалариңа сувуқ тасир қиған бӧса, яхши пайда қилади.*

Увуллав – [Uvullav] – туркий сӯз. Овоз чиқариб, бақириб йиғламоқ, увламоқ. *Емес неңеге увиллап жилап атаңдикке жугиргиниңче, бир кампирдиң кӯңнини тапсаң, сениңем қулағиң тинч, мениңем қулағим тинч! Таң атқинча ийтме,*

*жандарма увиллап чихти!*

Увулув – [Uvuluv] – туркий сўз. Иссиқ овқатдан лаб ва тил териларининг яраланиши.

- *Жаш гўдек иссиқ биламихти касесимен симиремен деп авзи увилип, нан жеялмай қапти, дам салдирсамма?!*

- *Даррев ташбақаниң теззегини тавуп тилиминен лебиге сеп, вёниң дувасиям ичиде, ҳадемей сен кўр-мен кўр бёп тузелип, улиң яна бир табақ биламиқ сёрайди!*

Увуқ – [Uvuq] – туркий сўз. Ўтов қуришда керегенинг устида шангроқ орасидаги ёғочлар. Баъзи ўтовларда 70-80 та ҳам бўлиши мумкин. *Байбаба саксен увихли вётавида, сақи чақириб, қишлағекиге зияпат берди.*

Увуққап – [Uvuqqap] – туркий сўз. Кўчиш жараёнида, шунингдек ўтовлар бузилиб, увуқлар тахланганда увуқларнинг уч қисмига зарар етмаслигини таъминлаш учун кийдириладиган қоп. *Увуқларди жийип увуққапти кийгизип қёйиңар, маллар тепкилеп кетиб, увуқлариң шаңрақа жайлашмай жатмасин!*

Увуғув – [Uvug'uv] – туркий сўз. Бузоқча, қўзича ёки улоқчаларнинг онасининг увуз сутини кўпроқ эмиб ичи кетиб қолиши. *Бузавчаң енесиниң увуз сутини кўбрек емип увуғип қамасин, ағилға қамап қёй!*

Узайув – [Uzayuv] – туркий сўз. Чўзилмоқ. *Табистан бёп куннің кўзи узайип қалди.*

Узатув – [Uzatuv] – туркий сўз. 1. Қизни турмушга чиқармоқ. *Неберемди узаттиқ, уйлер халип қалди.* 2. Ниманидир чўзмоқ. *Қёлиңди узат, чуқурдан тартип чиғарсин!*

Узақ – [Uzaq] – туркий сўз. Олис. *Узақа қиз бергеннен, жувиқа берген яхши.*

Узақлав – [Uzaqlav] – туркий сўз. Олисламоқ. *Еки атли*

*узақлап, кўзге кўринмей кетти.*

Узағирақ – [Uzag'iraq] – туркий сўз. Олисроқ. *Ағайиннан бир алим узағирақ вўтирған яхши.*

Узде – [Uzde] – туркий сўз. Юган. *Аттиң уздеси узилипти.*

Узенги – [Uzengi] – туркий сўз. Отга оёқ қуйиб миниш ва отни ҳайдаш жараёнида оёқларни жойлаштириш учун эгардан икки томонга осилган от абзали. *Узенгиниң жибини узилатиған жиптен қимай, катапаңниң категидеги кандир жиптен қимадиңма, бекалле?!*

Узик – [Uzik] – туркий сўз. 1. Ўтовнинг увиғининг устига айлантириб ёпиладиган кийиз. *Узигиге гулли кийиз жаппасаям бўлади, гулли кийизди келининиң уйиге тўшесин.* 2. Узилган. *Жип узик, ешшек жўқ.*

Узиклев – [Uziklev] – туркий сўз. Ўтовнинг увиғининг устига кийиз ёпмоқ. *Вўтавди узиклеп бўлайиқ, сўң вўтирамиз.*

Узунқуйруқ – [Uzunquyruq] – туркий сўз. Ниначи. *Балалар узунқуйруқтиң қуйруғидан кўтерип вўйнаб жиредилер.*

Уйелев, уйишув – [Uyelev, uyishuv] – туркий сўз. Қўл-оёқнинг, шунингдек тананинг увишип қолиши. *Жаман жатиппан, тенем уйелепти, кампир қашип қўй!*

Уйир, уйур – [Uyir, uyur] – туркий сўз. 1. Йилқининг галаси, бир-неча уюр бир сурувни ташкил этган. *Бир уюр жилқи сайда вўтлаб жири. 2.* Йилқининг эркаги ва урғочисининг қўшилиши. *Байталиң уюрге кеттиме?* 3. Тўда, уруғ. *Ҳар кимге вўзиниң уюри яхши. Ат уюрин сағинса, туяғини қағинар, ер елини сағинса, белбевуни тағинар.* 4. Тез-тез кўзга кўринмоқ. *Тинчлихма, бизиң қишлақа тез-тез уйир бўп қалдиң!*

Уйи синув – [Uyi sinuv] – туркий сўз. Эркак кишининг аёлининг ўлиши. *Байқуштиң уйи синип, жаш балалариман қалди.*

Уйленув – [Uylenuv] – туркий сўз. Бирор қиз ёки аёлни никоҳига олмоқ. *Уйленсең уйлен, уйленмесең навбетти бер!*

Уйлентирув – [Uylentiruv] – туркий сўз. Никоҳ тўйини ўтказиб, оиласини ташкил қилиб бермоқ. *Вӧлам улини уйлентиремен деб, ҳавлисиде ҳаррам ийти қамади!*

Уймелев – [Uymelev] – туркий сўз. Бир жойда тўпланмоқ. *Уймелешмей уйлериңе бариңар, бугун пӧштада пул бӧмайди.*

Уйренчик – [Uyrenchik] – туркий сўз. Энди ўрганаётган кишининг иши. *Уйренчик чиразиңди сувға тайла, сувдай жимирлаған чебер бӧласан.*

Уйрулув – [Uyruluv] – туркий сўз. 1. Парвона бўлмоқ, айланмоқ. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Сабъаи сайёр» достони (-Б. 145)да:

Юзига меҳр бандау оти Меҳр,
Уйрулуб меҳридек бошиға сипеҳр, - дейди.

*Айналайин, уйрулейин, бӧйлариңнан айналайин!* 2. Ўгирилиб қарамоқ. *Уйрулип қарағинимча бир муш урди.*

Уйув – [Uyuv] – туркий сўз. 1. Сутнинг ачиб қатиқ бўлиши. *Сутиң уйиген бӧса, каселерге сап ке, баҳардиң қатиғи дари бӧлади.* 2. Қўл, оёқнинг увишип қолиши. *Саз вӧтир, аяғиң уюп қалади.*

Уйутқи – [Uyutqi] – туркий сўз. Сутни ачитиш учун солинадиган озгина қатиқ. *Сут сувипти, уйитқини апке, салайиқ.*

Уйутув – [Uyutuv] – туркий сўз. Сутга қатиқ солиб, ачитмоқ. *Сутти уйутқан бӧсаң, қатихтан пичи бер, уйге апарип чечеңмен бирге ичейик!*

Уйхули-вӧяв – [Uykhuli-voyav] – туркий сўз. Чала уйқу-

чала уйғоқ. *Қара қӧшқар касел бӧлди, башима байлап, таңди уйхули-вӧяв аттирдим.*

Уйқаш – [Uyqash] – туркий сӯз. Ўхшаш, яқин, қофиядош. *Укелериңниң ати уйқаш екен!*

… Вӧни кӯриб хатинлар
*Еримен сирдаш бӧсин.*
*Губнушкаларди алип*
*Леплерди бӧяш бӧсин.*
*Прическа қип, ериге –*
*Нағмаман қараш бӧсин.*
*Тулкилерге вӧхшатип*
*Қилиқлар уйқаш бӧсин.*

Ул – [Ul] – туркий сӯз. Ўғил. *Улдиң ати улуғ. Улим-улим ул пайда…*

*Арқаңнан қиз қаса изиң қалади,*
*Ул қаса вӯзиң қаласан.*

Ул бала – [Ul bala] – туркий сӯз. Ўғил бола. *Ул баланиң мижези иссиқ келеди.*

Улав – [Ulav] – туркий сӯз. Кӯлик. *Тавға барғидай улавиң барма? Бир улав гаплешиңер ағайиннардиң тӧйиға барип қулли бӧсин қип келейик! Улавиң бӧса питмайтиған ишиң питеди, улавиң бӧмаса питаған ишиңем житеди!*

Улама – [Ulama] – арабча сӯз. 1. Диний олим. *Вӧразани қайси кун башлашти уламалар айтади.* 2. Уланган нарса. *Улама чач тақмасаңам, вӯзиңниң чачиң тақимиңнан ашади.Улама чач қизлар кӯңил жаралайди,*
*Жигитлерден жигит сайлап саралайди.*
*Ҳаммесини улап-булап, силап-сийпап*
*Яна кеп гӯл бӧзбалани аллайди.*

Улақ – [Ulaq] – туркий сӯз. 1. Эчкининг бир ёшга тӯлмаган боласи. *Улахларди кӯгейилге бағип ке.* 2. Кӯпкари.

*Тӧйда зӧр улақ берди, баш салими машин екен.*

Улги – [Ulgi] – туркий сӯз. Ўрнак, нусқа олмоқ, ўрганмоқ. *Чиразиңнан улги алайин.*

Ултан – [Ultan] – туркий сӯз. Қорамол терисидан тайёрланиб оёқ кийиминнинг товон қисмига ўрнаштириладиган тагчарм. *Массиниң ултанини жамамасам, жиргенде ишқаланип жейилип қапти.*

*Бегана журтта султан бӧғинча, вӯз журтиңда ултан бӧл!*

Умач аш – [Umash ash] – туркий сӯз. Хамирни майдалаб, қилинадиган овқат. Умач сӯзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 144)да туққан аёлларда чақалоқнинг йўлдоши тарзида талқин қилинади. Умач ош ҳам туққан аёлларнинг белини қотириш учун қилинадиган овқат. Ушбу сӯз А.Навоийнинг «Садди Искандарий» асарининг 127-бетида: «Мубоҳот қилмас емакдин қулоч, Ғамин бўлмас ар топса ёвғон умоч» тарзида ишлатилган. *Чечеңниң қирқи чиққинча умач аш қип беребер!*

Умбар – [Umbar] – туркий сӯз. Уйнинг ён томони. *Уйдиң умбариға тӯшенчи тайла, шӧерге сая кепти!*

Умутув – [Umutuv] – туркий сӯз. Ютмоқ. *Ашиғиң жӧғеди, умиттиңма, кисең тӧлип қапти.*

Ун елев – [Un elev] – туркий сӯз. Тӯй маросимларидан олдинги дастлабки босқичлари. *Қишлахтиң хатинларини бугун ун елевге айт, чегелдекти пиширсек ертен қуданикиге жӯнетемиз, хатинлардиң қӧллариға байлашқа ахлиғам тайярлап қӧй!*

Унеми – [Unemi] – туркий сӯз. Бутунлай, жами, доимо, мудом. *Жериге унемиге буғдай қип, тарбиз-қавун қилалмади!*

Уңирейув – [Ungireyuv] – туркий сӯз. Елкасини кӯтарип,

бошини пасга қилиб юрмоқ. *Уңрейип жирмей, жигитке вӧхшап қай-қайип жир!*

Уңулув – [Unguluv] – туркий сўз. Кўзини айирмасдан қараб ўтириш. *Гапиргенниң бетиге уңилип вӧтирғинча, вӧчақа вӧт сал, чечең сабзи тураятир, аш қилади.*

Урелбе – [Urelbe] – туркий сўз. Тўнка. *Урелбедей бӧп жӧлда турмай, нари тур, ешшегим урксе, қавунпалегиңди қийратади.*

Уркек, ҳуркек – [Urkek, hurkek] – туркий сўз. Ҳар нарсадан қўрқиб, сесканувчи асов жониворлар. *Тайчағиң ҳуркек екен, минип чаптиребберсең тириң бӧлади.*

Уркув, ҳуркув – [Urkuv, hurkuv] – туркий сўз. Қўрқмоқ. *Трактириңди тириллатип, жатқан малларди уркиттиң!*

Урлав – [Urlav] – туркий сўз. Ўғирламоқ. *Авел тавухти урлаған, кейин туени урлайди.*

Урлиқ – [Urliq] – туркий сўз. Ўғрилик, ўғирланган мол. *Урлиқ қиған елден айрилади. Нархини арзан айтатир, урлих мал бӧмасин!*

Урпақ – [Urpaq] – туркий сўз. Уннинг қолдиғи. *Супрада урпағам қамапти, тийирман бармасаң бӧмайди, балам!*

Урпие – [Urpie] – туркий сўз. Оқ метал. *Илгери заргерлер урпиеден аппақ қип жузук қиғичеди!*

Урт – [Urt] – туркий сўз. Жағ суяк билан иякнинг оралиғидаги бўшлиқ, лунж. Бу сўз А.Навоийнинг «Хамса» асаридаги «Садди Искандарий» достони (–Б. 249)да «овурт» деб берилган:

Бижин толса ер то ичига сиғар,
Не қолса овуртиға барин тиқар.

*Уртиңди шиширме, сеңе жарашмайди. Бир уртқана ичемен деп, сувдиң ҳаммесини ичип қӧйипсан.*

Уртлав – [Urtlav] – туркий сўз. Уртини тўлдириб ичмоқ,

ҳўпламоқ. *Бöзбалаға вöхшап айранди уртлап-уртлап ичмейсеме?!*

Уртлам – [Urtlam] – туркий сўз. Бир ютум. *Ал, бир уртлам айран ичсең, иштаҳаң ачилади.*

Уруғ – [Urug'] – туркий сўз. Авлод. Лақайларда этник классификация уруғ, тайпа, қавм, улус, шахларга бўлинган.

Урчиқ, урчуқ – [Urchiq, urchuq] – туркий сўз. 1. Асосан суяк ва ёғочдан ишланиб, сопи узунроқ, бош қисми айлана тарзда бўлиб, пахта ва жун ийириш учун ишлатиладиган хўжалик асбоби. *Урчиқ ийиремен деп, иссихта ухлап қаппан.*

*«Хöшмöмин тав ғулама,*
*Урчуқ сабиң бурама.*
*Чиқ-чиқ десем чихмайсан*
*Сени енең урама?!».*

2. Ошиқли илик билан ўртан иликнинг жумир боши. *Урчиғим қахшаятир, вöтқа тапласам, тузелсе керек!*

Урғачи – [Urg'achi] – туркий сўз. Эркакка қарама-қарши бўлган жинс. *Урғачи малди кўбейт, тўлини аласан.*

Устахан – [Ustakhan] – форсий сўз. Суяк. *Бурунғиниң устахани пöлаттан дегичеди, ҳазиргилерем қалишмаятир, Рассияларда ишлеп машин ап қайтатирлар!*

Учевара, екевара – [Uchevara, ekevara] – туркий сўз. Уч ёки икки киши орасида ниманидир тақсимламоқ. *Шöрпа екев ара бир табақ еди, палавди учев ара бир табақ қöйиңарки, иссихта жейилмей қап кетеди!*

Учинув – [Uchinuv] – туркий сўз. Кўзикмоқ. *Балани тöйға апараман деп учиндирипсан!*

Учуқ, учиқ – [Uchuq, uchiq] – туркий сўз. Учунганда ёки сесканишдан лабга чиқадиган яра. *Сувухта кўп жирме, учиғиң газзек ап кетеди.*

Учуқлатув – [Uchuqlatuv] – туркий сўз. Яра ёки

касалликни қайтарув учун оғзаки эмлатув. *Лебиңдеги учуғиң қайтмаятқан бӧса, учухлат тез қайтади!*

Ушик, ушук – [Ushik, ushuk] – туркий сўз. Мевалар уйғониши ҳамда чорва молларининг тўллаши давридаги совуқлик. Ушик асосан кичик чилла(5-25 февраль)даги совуқликларга нисбатан айтилиб, бу совуқлар чорва молларидан тўл олиш мавсумига, уларнинг соғлигига ҳамда мевали дарахтларга таъсир қилади. Ушик эски туркий сўзлардан бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари(1 том, 102 бет)да ҳам учрайди. *Мир хил нажинс малларди ушик урди, баҳардиң вӧтиға авзи тийиши минен ҳилле пичақа жетти.*

Ушлапти – [Ushlapti] – туркий сўз. 1. Бирор нарса ёки предметни қўл билан ушламоқ. *Қайнаған чавдешти тутқичсиз ушлама!* 2. Зўрламоқ. *Жаш аялди ушлаған еркектиң еки дунйесием куеди!*

Ушкурув – [Ushkuruv] – туркий сўз. Қуръондан оятлар ўқиб дам солмоқ. *Мӧлла бабаңа апарип бир-еки ушкиртмесем, еки ахшамнан бери укең ийт бӧп ҳабалап талбешике таянтирип жатир!*

Уютув – [Uyutuv] – туркий сўз. Сутни ачитмоқ. *Сутти уютип қатиқ қиңар, ертең атаң аттапта ҳарип келеди!*

## Ф

Фӧльклӧр – [Folklor] – инглизча сўз. Халқ оғзаки ижоди. *Лақайдиң фӧльклӧри бай, ургенилмеген, ҳаммесини жийиш учун юз жиллап вахт, юзлеп мутахассис керек!*

## Х

Хайр-хӧш – [Khayr-khosh] – арабча+форсий сўз. Хайрлашмоқ. *Қудағий апаман хайр-хӧшлашип келейинки, кеткенимди ешитсе қабиримди арқамнан қазади!*

Хаки қилув – [Khaki qiluv] – форсий+туркий сўз. Ҳайдаб юмшатмоқ. *Жерди хаки қилип сӧң сабзини сеп!*

Халле – [Khalle] – форсий сўз. Эшшака миниб, ҳайдаш учун олиб юриладиган чўп. *Малле ешшеке ақ халле жарашмайди, ақ ешшеке малле халле жарашади, хумкалле!*

Халпе – [Khalpe] – арабча сўз. Диний уламо ёки эшоннинг ёрдамчиси, сафарда ҳамроҳлик қилувчи шахс. *Ешанимниң вўзи тӧқ, халпесимен иши жӧқ.*

Халпене – [Khalpene] – арабча+форсий сўз. Гаштакнинг шерикчилик асосида ташкил этилган усули бўлиб, бунда иштирокчилар мсаллиқ харажатларини тенг кўтарадилар ёки натура шаклида улуш қўшадилар. *Ахшам айнаңдикиде халпене, есиңнен чихмасин!*

Хамиртуруш – [Khamirturush] – арабча+форсий сўз. Хамирни илаш учун ачитилган хамир, ачитқи. *Хамиртурушти кимнен абең хамириң кемей жатир!*

Хампес – [Khampes] – форсий сўз. Шамолсиз, диққинафас кун. *Кун хампес бӧлди, арихтиң башиға жай саңар.*

Хамталаш – [Khamtalash] – форсий+туркий сўз. Молни сўйиб гўштини хомлайига худойи сифатида қўшни ва қариндошларга текин тақсимлаш.

*Гўшти куев жегинче, ийтке хамталаш бӧсын!*

Хамчи – [Khamchi] – туркий сўз. Терини ингичка этип кесип, ўриб, бош қисми ингичка ёғочга мустаҳкамланган отни ҳайдаш қуроли, қамчи. *Хам териден вўрилген хамчи хийли ваққа кетмейди, ашланған пишиқ териден тӧқилған хамчи хийли ваққа кетеди!*

Хамшӧрпа – [Khamshorpa] – форсий сўз. Хом гўштни сувга қайнатиб тайёрланадиган шўрва. *Тумавдиң ажели – хамшӧрпани аччи қип ичиш!*

Ханазат – [Khanazat] – форсий сўз. 1. Хўжаликнинг ўзида туғилиб ўсган мол. *Ақилли адам, вўзиниң ханазат малини биревдиң базардан аған малиман авуштирама?!* 2. Ақлли от. *Тарбие кўрген ханазат, намарт дӧсиңнан зият!*

Ханақиз – [Khanaqiz] – форсий+туркий сўз. Қалдирғоч. *Пишекти уйге қӧймаңар, ханақиздиң паренчилерини жейди.*

Хапебанд – [Khapeband] – арабча+форсий сўз. Хуфябанд, иштонбоғ.

*Тар кийимде тартишип хапебанди узилди,*
*Хапебандин табалмай кўзиден жаш сузилди.*

Хариш, харич – [Kharish, kharich] – форсий сўз. Ёпишқоқ ёввойи ўт. *Харишқа вӧхшап ишқаланмай нарақ вӧтир! Ахшами бӧса хариш, кундузи арамиз алтмиш қариш.*

Хасбақил – [Khasbaqil] – форсий+туркий сўз. Аксига олиб. *Хасбақил, жӧлда бирен илавам жӧлихмади, Ташрабаттан Қӧшқудуқачей пияда келдик.*

Хаскапе – [Khaskape] – форсий+туркий сўз. Қамиш ва хас-хашаклар ёрдамида иҳоталаниб солинган кўримсиз капа, уй.

*Ишлеп хатин ағинча,*
*Хаскапени сағинча,*
*Бўлек рузғар бӧғинча*
*Бӧйдақ жиргин вўгинче!* (Халқ ҳазилларидан)

Хатеп – [Khatep] – туркий сўз. 1. Қизлар ва келинчаклар қасабасининг пастки қисмидаги баргаклари тагига осилган «чачпати» қушининг бўйин патлари терилиб, унинг ўртасига, яъни пешонанинг марказида осилиб турадиган марварид кўзли олтин ёки кумуш тақинчоқ қисми. *Жирсең*

*қассабаңниң хатебием силкинеди.* 2. Асосан сув йўли атрофи ёки ариқ четларида баҳорда сув тошқини ёки сел келиши натижасида атрофга сув тошиб, кейин қатқалоқ бўлиб, қуёшнинг қизиши натижасида чор-чор бўлиб ёрилган ер, майдон. *Хатепти ҳайдатип маккейи егибем, ғумай басип кетти!* 3. Айрим ҳудудларда ёш ўғил болаларнинг осилиб турадиган аъзосига ва маякдонига ишора қилинган эркалаш тури (Бу ерда биринчи ва иккинчи ҳолатга ўхшатиш тарзида айтилса керак). *Чечесиниң қассабасиниң хатебидей бӧп силкинип жирген хатепбазардан айналайинки, хатептен ғумай вӧрип, сийирини тӧйдираятир, суттием шӧл ичсин, қатихтиям шӧл жесин!*

Хатин-халач – [Khatin-khalach] – туркий сўз. Аёллар. *Катте гилемди шӧ сая саңар, кеген хатин-халач шӧ ерде вӧтиради.*

Хатин харжи – [Khatin kharji] – туркий+арабча сўз. Никоҳ маросимида куёв томонидан тортиқ этилиб аёллар ўртасида тақсимланиб олинадиган мато. *Атлести хатин харжи қиңар, қизлар барибир буға кўнмейди, пул аладилар.*

Хиз қилув – [Khiz qiluv] – форсий+туркий сўз. Ҳаракат қилмоқ, шаст қилмоқ. *Улахти тақимима қисип жилавди қӧйберибем жанувар ат қӧраға қарап хиз қилди!*

Хийли – [Khiyli] – форсий сўз. Кўп, ортиқроқ, анча. *Таң атмасдан уринсаң тушкечей хийли жерди чавуп тайлайсан!*

Хили-хиш - [Khili-khish] – арабча+форсий сўз. Қариндошлар, бир уруғ вакиллари. *Вӧлар вўзи хили-хишиман бир тӧйди абат қиладилар!*

Хилхаси чиғув – [Khilkhasi chig'uv] – арабча+форсий сўз. Йиртилмоқ, тўзмоқ. *Кўрпечеңниң хилхаси чиғип қапти, ҳалием шуни мейманнардиң астиға тўшейсеме?!*

Хираж – [Khiraj] – арабча сўз. Бухоро амирлиги

шароитида суғориладиган ва лалми ер соҳибларидан олинадиган солиқ. *Елден закет деп жияди, хираж деп жияди, ҳар ай бомасаям ҳар уч айда бирев босағаңди бағип туради.*

Хитир – [Khitir] – русча сўз. Айёр. *Шеригиң хитир екен, ҳушяр бол.*

Хиш – [Khish] – форсий сўз. Қариндош. *Айнама хиш бўғинча, чечеме хиш бўлайин.*

Хиш-тебер – [Khish-teber] – форсий сўз. Қариндош-уруғ. *Хиш-теберлер жийилип, тойди қолма-қол қилип вўткездилер.*

Хияли – [Khiyali] – арабча+туркий сўз. Хаёлпараст, 99. *Вö хияли вöтирип вöйланғинча сен Сарсерекдеги сийириңди ё Сартезге, ё Саргазеңе сатип қайтасан!*

Хöжа – [Khoja] – форсий сўз. Оқ суяклар авлоди. *Ҳажге бариштан алдин мöлла-хöжани чақирип дува алди. Хöжаң берсе, хöржинға сал!*

Хöжайин – [Khojayin] – форсий сўз. Молу-мулкнинг мутлақ эгаси. *Хöжайин иштен кесин, сöрайин ижазат берсе, бараман.*

Хöжалиқ – [Khojaliq] – форсий+туркий сўз. Мулкка эга бўлган бирлик. *Хöжалиғимизда юз баш сийир бар. Нану-сувиң, қазаниң бўлек бöғаннан кейин, атаңниң хöжалиғиға ийек суемей, хöжалиғиңниң арабасини вўзиң тартебер!*

Хöра, қöра – [Khora, qora] – туркий сўз. Атрофи беркилиб, мол сақланадиган жой. *Қöйларди хöраға қама, ҳайгип кетмесиннер.*

Хöрезек – [Khorezek] – форсий сўз. Бўғма касаллик, дифтерия. *Қишлахта хöрезек илаң.*

Хöржин – [Khorjin] – форсий сўз. 1. Жундан ёки ипакдан тўқилиб, икки оғизли қилиб тикилиб, от ёки эшакка юк

ортишга мўлжалланган халта. *Халлеңди хөржиниңга жаширмай, ешшекти халлемен ниқип ҳайдамайсама, хўтиги уйде қаған сениң бу их-ихлашиңа намашамдаям насөстиң башиға жетмейсен.* 2. Аҳвол ёмон, ишлар чатоқ. *Ашна ишлер хөржин, юз дөллар бериб тур, чечеңе қурбан намазға қаср матириял амасам, қайнем қабримди қазади!*

Хөржинчөптара – [Khorjinchoptara] – форсий+туркий сўз. Хўржинга ўхшатиб, ўртаси кирадиган хона, икки томонида асосий хоналар жойлашган қишлоқ уйи. *Сениң қайнатаң райис бөмаса, камандир бөмаса, уйиңди хөржинчөптара қип сап қөй, жиресеме баш авур қилип!*

Хөш – [Khosh] – форсий сўз. 1. Мезбоннинг меҳмонларга мулозамати. *Хөш кепсиз тағайим, хөш кепсиз. Хөш кўрдик катапа, яна келиң!* 2. Қани… *Хөш, сўйле қана, қаерлерде бөлдиң, кимлерди кўрдиң?* 3. Хурсанд. *Ул тувасан дебем вахти хөш бөлип, бир кўйлек салди.*

Хөшлав – [Khoshlav] – форсий+туркий сўз. Танламоқ. *Хөшлаб ағар хатиниман уришип, алти айдан бери хатини атасиникиде, билам сөрайин демейди, вөлам келейин демейди, каттелериге айтсаң жерге қарайдилар.*

Хулпек – [Khulpek] – туркий сўз. Тўн ва аёллар кўйлагининг қўлтиғига тикиладиган мато. *Чарчи атлесиң жөхма, хулпек қилай!*

Хум – [Khum] – форсий сўз. Катта ҳажмдаги сопол идиш бўлиб, илгари асосан буғдой, ун ва арпа учун мўлжалланган. *Айнаң буғдайини хумларға жайлаб алди!*

Хурма – [Khurma] – форсий сўз. 1. Қисқа ва йўғон бўйинли, икки томонда дасталари бўлган семиз сопол идиш бўлиб, икки томондаги дасталар орасидан йўғонроқ ип ўтказиб кереге ёки увуққа илиб қўйилган. Асосан ёғ, қатиқ, сут учун мўлжалланган. *Ешигиңде тутиң бар,*

*Хурмачада сутиӊ бар.*
*Уялсаӊ уялмасаӊ*
*Сепкил басқан бетиӊ бар.*

2. Мева. *Хурманиӊ ватани Регарман Динав.* 3. Жанубий осиёда ўсадиган жийдасимон ширин мева. *Аребистаннан хурма апкеген екен мазза қип жедик!*

Хуруш – [Khurush] – форсиф сўз. Нордон. *Алма хуруш екен, енди бaччехўрек бӧпти.*

Хўрезек, хўррезек – [Kho’rezek, xo’rrezek] – форсий сўз. Тожихўрозга ўхшаб, қизил бўлиб, томоқнинг ичидан чиқадиган яра. *Хўррезекти хундар адамға тишлет!*

Хўрек – [Kho’rek] – форсий сўз. Озиқ-овқат, емиш. *Уч кунник жӧл жиремиз, хӧржинға хўрегиӊди саб ал!*

Хўшемет – [Kho’shemet] – форсий сўз. Мулозамат кўрсатмоқ. *Райисге хўшемет қисаӊ, жер алип жай саласан, хўшемет қимасаӊ жерсиз жиребересен!*

Хўширей – [Kho’shirey] – форсий сўз. Чиройли. *Хатинниӊ журеги хўширей бӧсин, раӊгиге шӧрпа қуйип ичесеме?!*

## Ч

Чабандаз – [Chabandaz] – форсий сўз. Улоқ чопувчи, чапдаст, моҳир киши. *Чабандазларди қишлақ-қишлағиман бўлек қӧшханаларға жайлаштириӊар!*

Чабира, чабра – [Chabira, chabra] – туркий сўз. 1. Дарахт шохлари билан тўсилган хора, қўра. *Қамаған қӧйлариӊ чабрани жарип чиғип кетти.* 2. Кўримсизгина қилиб ўралган ҳовли, уй. *Чабираӊда адам барма, айт бир касе чалап қисин!*

Чабиртув – [Chabirtuv] – туркий сўз. Яранинг кўпайиши,

болалаши. *Жараң чабиртип кетипти, аптиктен жашилдари апкеп жақ!*

Чабиштирув – [Chabishtiruv] – туркий сўз. Иссиқ ва совуқ сувни аралаштирмоқ. *Сувиңди чабиштирип чақалахти чўмилтирмасаң, сувиң иссиқрақ екен!*

Чабув – [Chabuv] – туркий сўз. 1. Учи ўткир қурол билан ниманидир чопмоқ. *Балтани алда вётиннарди чавуп тайла! Жанғириқти қӧйип, суеклерди чавуп тайла!* 2. Узун кийимларнинг ён томони, қўлтиғининг ости. *Чарчи беқасамиң бӧса бер, чабувиға қӧяйин!*

Чавгенди, чавкенди – [Chavgendi, chavkendi] – туркий сўз. Тўрт томони очиқ кичкина чайла, баъзи ҳудудларда кўримсизгина уйча. *Палектиң башиға бир чавгенди қип, шӧ ерде жатмасам, қавуннар сув апти.*

Чавдеш – [Chavdesh] – форсий сўз. Чойгум. *Асманда ай вӧйнайди,*

*Жерде чавдеш қайнайди.*
*Бу заманниң куеви*
*Гўш жемесе қӧймайди.*

*Кулге чавдеш қӧйдилар, қайнамасин дедилер,*
*Қизди чалға бердилер, жайнамасин дедилер.*

Чавли – [Chavli] – туркий сўз. Семиз ўт. *Мына чавлилерди вӧрип, сийирдиң алдиға тайла!*

Чажарғай – [Chajarg'ay] – туркий сўз. Молнинг чарвиси. *Чажарғайди тайламаңар, вӧлам яхши жав бӧлади!*

Чайла – [Chayla] – туркий сўз. Қуёшдан асраниш учун тўрт сутунни кўмип усти қамиш, маккажўхори пояси, лой ёки бошқа нарсалар билан ёпилган жой. *Мейман чайланиң астиға барип жанбашлаң, мен қавун узип келейин, кейин гуруңлешемиз.*

Чайхалта – [Chaykhalta] – хитойча+туркий сўз. Қиз ва

келинлар томонидан чой солиб осиб қўйиш учун кашталаб тикилган мослама. *Малиниң ҳисаби жөқ, чайхалтада чайи жөқ.*

Чайқақи – [Chayqaqi] – хитойча+туркий сўз. Чой ўт. *Ечкилерди чайқақиға жаймай, вөтли жерлерге ҳайдамайсама?!*

Чакеп – [Chakep] – форсий сўз. Чакки, сузма. *Кескен аш қилдим, пичи чакеп ез!*

Чакер – [Chaker] - форсий сўз. 1. Улов маъносида. *Айнаңниң чакери абжир екен!* 2. Айланиш, томоша қилиш. *Кабулди чакер уруп қайттим.*

Чаккемсав – [Chakkemsav] – туркий сўз. Гапга қулоқ солмайдиган, эринчоқ, дангаса, ишёқмас. *Мундейин чаккемсав бала бөсаң, байтал тувса тайини саңа емес, укеңе беремен!*

Чалап – [Chalap] – форсий сўз. Чакки ёки сузмага сув қўшиб, эзиб тайёрланадиган суюқ ичимлик. *Чалап қип қөй, ҳазир атаң иштен чарчап келеди.*

Чалата – [Chalata] – туркий сўз. Ота ёки онанинг отаси, бобо. *Чалатаң, чачиңа ен сап берген енчиңнен қөтан төла қөй бөлди, саңа ҳам суннет, ҳам нике төй бөлди, келинчегиң минен сиңниңе ғижим пидайи, каттенеңе худайи бөлди, қағаниға жай сап, машин миндиң ҳар намазда чалатаңниң башиға барип дува қилиш есиңнен чихмасин!*

Чалақурсақ – [Chalaqursaq] – туркий сўз. Тўйиб овқат емаган, ярим оч ошқозон. *Вөниң чалақурсақ келини чабиқа жарамайди.*

Чалбар - [Chalbar] – туркий сўз. Шаравар. *Қөйларди бағабер улим, вөқишиң башланаберсе Қөрған апарип чалбар апперемен!*

Чалдувар – [Chalduvar] – форсий сўз. 1. Кўримсизгина уй.

*Чалиӊ бай бӧғинча, чалдувар сап вӧтиребериӊер!* 2. Усти ҳали ёпилмаган уй. *Бу чалдуварди қим саған екен!*

Чалма, салле – [Chalma, salle] – туркий сўз. Салла. *Чалатаӊа чалма аппер, намазда вӧрасин.*

Чалпинчақ – [Chalpinchaq] – туркий сўз. Ўтов эшигининг пардаси. *Чалпинчахти ачиӊар, пичи аттап кирсин!*

Чалқараман – [Chalqaraman] – туркий сўз. Осмонга қараб, чалқанча ётиш. *Чалқараман жатип ухлатмай хӧриллағинча, жамбашлап жилитип жатмайсизма, раҳат қилип ухласақ!*

Чалғай – [Chalg'ay] – туркий сўз. Тўннинг устки қисми билан астарини бирлаштириб, четига тикиладиган мато, мағиз. *Чалғайди машинемен жугиртеғай, жиресеме ийнемен ийзелеп!*

Чалғи вӧрақ – [Chalg'I voraq] – туркий сўз. Ўроқдан каттароқ қўлда ўт ўриш асбоби. *Чалғи вӧрағиӊди чархла, ертен жӧӊишқани вӧрмасақ, гуллепти қатайип кетеди.*

Чанач – [Chanach] – туркий сўз. Кийик ёки майда молнинг терисини ошлаб тикиб, қилинадиган идиш-товоқ солиш рўзғор воситаси. Илгари қаландарлар ҳам топганини солиб, кўтариб юришганлар.

Чаӊгеллев – [Changgellev] – форсий сўз. Чангол урмоқ, панжа урмоқ. *Бир аяқ писте еди, улиӊ чангеллеп ярмини ап қачип кетти.*

Чаӊит – [Changit] – туркий сўз. Чанг кўтарилмоқ, олағуйин. *Сай чаӊит бӧп пада келаятирма?! Шамал башланип чаӊит кўтерилди, ешиклерди жап!*

Чандир – [Chandir] – туркий сўз. Гўштнинг каттиқ жойи. *Чалпиллап чандирди чайнаб жиргиниӊче туйур гўшлерден жемейсеме?!*

Чандув – [Chanduv] – туркий сўз. Ип, арқон ёки бошқа нарсани айлантириб-ўраб боғламоқ. *Буни чандип тайлапсан,*

*қайтип чечемиз!*

Чаннавуқ – [Channavuq] – туркий сўз. Омбур. *Чаннавуқман михларди суғурип тайла!*

Чанчув турув – [Chanchuv turuv] – туркий сўз. 1. Асосан совуқ таъсиридан қориннинг бураб оғриши. *Чапаниңди кийиб жир, чанчув турип вай-вайлап қаласан!* 2. Ўткир учли нарса билан бирор нарсани санчиб олмоқ. *Шахаман чанчип бир сатил балиқ ушладиқ.*

Чанқавуз – [Chanqavuz] – туркий сўз. Оғзига солиб чалинадиган мусиқали асбоб. *Илгери қизлар баҳарде тўбеге чиғип чанқавуз чалғичедилер.*

Чапан – [Chapan] – туркий сўз. Тўн. *Беқасам чапаниңди кийип кир қима, куевлегениңде киесен!*

*Тӧйда бакавуллерге басма чепкен, духаба чапан, кимхаб чапаннарди жаптилар!*

Чапақай – [Chapaqay] – туркий сўз. Асосан чап қўл билан ишловчи. *Дӧсиң чапақай бӧсаям, вӧңақайларди жӧлда қалдирип, жўрмени тез тигеди.*

Чапер – [Chaper] – туркий сўз. 1. Қамиш, тол, тут ёки бошқа дарахтларнинг юмшоқ шохларини тўқиб, михлаб ёки боғлаб қилинган панжара девор. *Чалатаңниң чаперини сийирлар қишшайтип тайлапти, тӧғирлап байла!* 2. Арпа, ғалла, шолини галагов қилиб донини тўкиш учун ишлатиладиган мослама. *Чалатаңниң чаперинием апке, галегевге қӧшамиз!*

Чаперлев – [Chaperlev] – туркий сўз. 1. Муайян ҳудудни тўсиш учун чаперлаш жараёни. *Ҳаятаңди чаперлемесең малдиң жабриден қавун тугул ҳанделегем алалмайсан!* 2. Ҳосилни йиғиб, донини ажратиб олиш жараёни. *Жӧлға қӧқитип тайлағинча ғаллани чаперлеп амайсаңарма, бирден қутилсаңар!*

Чапети – [Chapeti] – форсий сўз. Юпқа нон. *Табақа чапетини турап, бӧзбалаға вӧхшап қарувли жемейсеме, қарувли ишлесең! Таң атса чай-чапети, тушке чай-чапети, кешке чай-чапети, байқуш чалди кўтереӊ қип тайламай, уч-тўрт жумуртқаниям қайнатип берсең дав урама!*

Чапча – [Chapcha] – туркий сўз. Ҳали пишмаган хом қовун.

*Қӧрғантўбе қӧр салди,*
*Чапча қавун тӧр салди.*
*Бальшевиги қурисин*
*Мусурманға шӧр салди.*

Чаптирув – [Chaptiruv] – туркий сўз. 1. Отни, эшакни чоптирмоқ, югуртирмоқ. *Атиңди чаптир, хамчила, арқаңдаги байтал вўтип кетсе, шарменде бӧласан! «Ҳулкер минен таразй, Атчаптирим араси».* 2. Болаларни ёки бирор ҳайвонни етаклап, химчалаб югуртирмоқ. *Кўп чаптирма, чарчап журеги куйип қалади.* 3. Ёш ўғил болаларнинг шариллатиб сийиши. *Узақа чаптир, чаптирғаниңди мейманнар кўрмесин, бу ул беадеб екен деп қизларини бермейди.*

Чапқир – [Chapqir] – туркий сўз. Чопағон. *Ешшегиң чапқир екен, анавдиң атидан вӧзип кетти десем, байқуш хўтигиге қийилип чавуп жирген екенда!* .

Чара – [Chara] – туркий сўз. Йирик ҳажмдаги идиш, улкан товоқ. *Сут сувиған бӧса чараға қуйип ахлиқ сап қӧйгин! Тапқанда чара-чара, таппағанда бечара.*

Чариқ – [Chariq] – туркий сўз. Илгари мол терисидан этик ёки ярим этик шаклида тикилиб, кийилганда чилвир билан мустаҳкам боғланиб, асосан меҳнат жараёнида, жумладан қўш ҳайдашда кийиладиган учсиз оёқ кийими. Чариқ қўш ҳайдашда юмшоқ тупроққа кириб кетмаслиги учун таг

қисми энли қилиб тикилган. *Чаңгға батқан чариғиңди чечда, сөң тўрге вўт, қөрқма чариғиңди ҳич ким вөғирлап кетмейди!*

Чарс – [Chars] – туркий сўз. Йиғлоқи (чақалоқлар ва ёш болаларга нисбатан ишлатилади). *Баласи чарс, таң атқинча бешик тербетип чиғади.*

Чарчи – [Charchi] – туркий сўз. Тўрт томони тенг кичкина ёки бўлакча мато. *Читиң чап-чарчи екен, кўйлегиңе адипликкеем бөмайди. Аллағайтип қидирип барибең, катапаң бир чарчи вөрамалдиң теңи қилалмадима?!*

Чарчи вөрамал – [Charchi voramal] – туркий+форсий сўз. Кичкина рўмол. *Бөй жеткен қиз чарчи вөрамал жамилмай, каттерегиден жамилмайсама?!*

Чарчин – [Charchin] – туркий сўз. Рўзғорга керакли майда-чуйда анжомлар. *Чарчинпуруш кесе, ийнемен вөймақ алиң!*

Чарғуч, чарғич – [Charg'uch, charg'ich] – туркий сўз. Кўрпа-тўшакларни йиғиб, тушиб кетмаслиги учун боғланадиган тасма ип. *Чарғичман байласаң, мейманнар суенсеем жугиң авнамайди.*

Часпек – [Chaspek] – форсий сўз. Эшик ва деразаларга қоқиладиган ошиқ-маъшуқ. *Базар барсаң ешике часпек ал.*

Чат – [Chat] – туркий сўз. Икки оёқ сонининг бирлашган жойи. *Чақалахтиң чатлариға упа сеп, қизарип кетмесин.*

Чатан – [Chatan] – туркий сўз. Оёқнинг тиззадан юқори қисми.

Чатишув – [Chatishuv] – туркий сўз. Аралашмоқ, ўралиб қолмоқ. *Чачиң чатишип кетипти, қақратип жувип вўрмесең, кийиз бөп қалади!*

Чатув – [Chatuv] – туркий сўз. Вақтинчалик қилиб тикиб қўймоқ. *Жиртилған кисеңди чатип қөяйин, уйге барсақ*

*яхшилап тигип беремен!*

Чахмахташ – [Chakhmakhtash] – туркий сўз. Бир бирига урилганда ўт чиқарадиган қаттиқ тош. *Атаң базардан чахмахташ апкелди, енди ҳамсаялардан чӧх тилемеймиз!*

Чахчаюв – [Chakhchayuv] – туркий сўз. Бировга кўзини узмасдан без бўлиб тикилиб турмоқ. *Мениң бетиме чахчаймастан идиш-аяхларди жув!*

Чахчақи, чақчақи – [Chakhchaqi, chaqchaqi] – туркий сўз. Очиқ, гурунг берувчи киши. *Қайнағаң чахчақи адам екен.*

Чахчақлашув – [Chakhchaqlashuv] – туркий сўз. Гурунглашмоқ. *Вӧтир пичи чахчақлашайиқ, ишке ада бӧлув барма!*

Чахчек – [Chakhchek] – туркий сўз. Қатиқнинг ёғини ажратиб олиш учун ишлатиладиган мосламанинг умумий номи. *Чахчегимниң чўби синибеди чалим Чегемнен чахчекчўппен чахчекқайиш ап келди!*

Чахчек тартув – [Chakhchek tartuv] – туркий сўз. Қатиқнинг ёғини ажратиб олиш жараёни. *Чечең чахчек тартип бӧса, чалатаңа маске, айнаңниң алдиға айран апке!*

Чахчекчўп - [Chakhchekcho’p] - туркий сўз. Чахчек тортиш жараёнида асосий вазифани бажарувчи, яъни қатиқ билан сувни аралаштириб, айлантирувчи ёғоч мослама. *Чахчекчўпти хумниң ичиге салиб қӧй, чахчек тартишқа тайин турсин!*

Чахчекқайиш – [Chakhchekqayish] – туркий сўз. Ёғоч мосламани ҳаракатга келтириш учун икки учидан тортиладиган қайиш. *Чахчекқайишим узилип, чалимниң жишке қайишини чахчекқайиш қибем вӧлам узилип қалди, бетим айдиң жариғи, енди қайтемен!*

Чач – [Chach] – туркий сўз. 1. Соч. *Катте қиз бӧпсан, чачиңа жўмелек тағип жир!* 2. Боши ва бўйнидаги пати

садафдек товланадиган қуш. *Атам чач авлап кесе, енем шавдурақ тақия қип, чачтиң патини тақияниң пешанасиға тигип берсе, мен кийип сенердикке пайғозиға бараман!*

*Чачпат деген қуш бӧлар,*
*Тартсам пати бӧш бӧлар.*
*Пешанаси сип-силлик –*
*Кӯкреги кумуш бӧлар.*

Чач пати – [Chach pati] – туркий сўз. 1. Қушнинг ялтироқ пати. *Чачти атқан бӧсаң патини яхшилаб жул!* 2. Қиз боланинг бош кийимининг пешона қисмига тикилган қушнинг ялтироқ пати. *Сениң чач патиң чирайли!*

Чач сийпатар – [Chach siypatar] – туркий сўз. Никоҳ маросимида куёв томонидан келиннинг сочини сийпаш қадеси. Қадега мувофиқ куев қўл ушлатардан сўнг илк бор қўлини тегизишни келиннинг бошидан бошлаши ва уч марта сийпаши лозим. Бу қаде қозоқ ва қорақалпоқларда ҳам бор. *Келинчегиңниң чачини сийпамайсама тартишмай, жаңа ай қачан чиғади тӧй бӧса еди деп шу ваққачей асманға қарай-қарай есиң кетибеди, енди назланасама?!*

Чачав – [Chachav] – туркий сўз. Қизларнинг соч ўримига боғланадиган сочбоғ. *Мейман қиз маңнайиға чачпат, чачлариға чачав тағипти.*

Чачала – [Chachala] – туркий сўз. Келин ва куёвниң, уйда узоқ вақт бўлмаган кишиниң уйга қайтишида ёки бошқа хурсандчилик пайтлари сочиладиган пул ёки ширинликлар. *Чече, чачалани қӧйув чачиң, улиңиз уч жил дегенде Рассиядан келди-я!*

Чачақ – [Chachaq] – туркий сўз. Попук. *Чачахли вӧрамалиңди жамилсаң, жарашади!*

Чачбав, чашбав – [Chachbav, chashbav] – туркий сўз. Сочнинг учига боғланадиган турли мунчоқлар қадалган ип.

*Чачбавиңди тағиб ал, келинчек кўргели барамиз.*

Чачиратқи – [Chachiratqi] – туркий сўз. Ариқларнинг лабида ўсадиган фойдали ўсимлик. *Улиңди аттаб апти, чачратқини жибитип, улиңди чўмилтир!*

Чач тўй – [Chach toy] – туркий сўз. Ёш болаларнинг қорин сочини олиш учун қўй сўйиб, элга бериладиган тўй. Бунда боланинг яқин қариндошлари биттадан мол энчи бериб, навбат билан боланинг сочига қайчи солишадилар. *Улиңниң чачини желкесиге туширип, чали-кампир жерге қарап бўзарип жиребересеңерме, чач тўйини қачан жеймиз?*

Чашке – [Chashke] – форсий сўз. Қуёшнинг тик кўтарилган вақти, тушгача бўлган вақт. А.Навоий «Лисонут-тайр» асари (-Б 55)да:

Чоштгаҳ ер эди ўн ботмон таом,

Яна мунча айлар эрди қути шом, - дейди.

*Чашке бўлди, турип чайиңди ишда, чабиқа бар.*

Чашкелик – [Chashkelik] – форсий+туркий сўз. Қуёш кўтарилгандан кейин ичиладиган чой. *Чашкелике чиғип чай ичиб алайиқ, ишти кейин қилеберемиз, кампир!*

Чақан аяз – [Chaqan ayaz] – туркий сўз. Булутсиз кеча. *Илгери чақан аяз кечелери бачелер тўдайлашип гум вўйнағичек.*

Чақирувчи – [Chaqiruvchi] – туркий сўз. Хабар қилувчи. *Чақирувчи кеп тўйға айтип кетти, кампир тайяргарлигиңди кўр, тўйға апарип вўшеке тўйдирип келемен!*

Чағат, чағал – [Chag'at, chag'al] – туркий сўз. Тошлоқ, тиканли адирлик. *Ечкилерди чағатға ҳайда!*

Чебер – [Cheber] – туркий сўз. Чиройли кашта тикувчи, қўли гул аёл. *Қайнең чебер, қишлахтиң кийизини шўл қўяди.*

Чегелдек – [Chegeldek] – туркий сўз. Бўғирсоқнинг унга сут қўшиб иланиб пиширилган кичикроқ шакли. *Чегелдекти пиширген бӧсаңар енди пичи шакерсув қилип устиге чачратиңар!*

Чегелев – [Chegelev] – туркий сўз. Синган идишларнинг четини тунука қоқиб тузатмоқ. *Чайнекти устаға чегелетмесең, чай қуйғали бӧмай қапти.*

Чегем – [Chegem] – турк-мўғул тилидаги архаик сўз. 1. Сув тўпланадиган кўлли ҳудуд. *Чарва қиламан десең Чегемге бар.* 2. Муайян ҳududнинг тугаган жойи, охири, дарё ёки жарликлар боис у томонига ўтиб бўлмайдиган ҳудуд. *Пишектиң жугиргени сабанханағачей дегендейин, узақ барса Чегемгечей барип яна қайтип келебереди.*

Чеген, чегеннев – [Chegen, chegennev] – туркий сўз. Қудуқнинг ичига бирор нарса тушмаслиги учун оғзиза айлантириб қўйилган қўрғон. *Қудихти чегеннемесек, қайси нерсе тушип кетмесин!*

Чегене – [Chegene] – форсий сўз. Сирттан келган, бегона. *Қишлахтиң падасида чегене сийирлар ниме қарайди?!*

Чекич – [Chekich] – туркий-архаик сўз. Болға. *Чекичти ал, дастеклерди михла.*

Чекменташ – [Chekmentash] – туркий сўз. Бешта кичкина тошларни териб ўспирин қизлар ўйнайдиган ўйин. Ўйин усуллари турли ҳудудларда турлича номланади, жумладан: биремек (биртувдир), екемек (екитувдир), учемек (учтувдир), шавдур, тувдур, таппет, қарчек, (арқамачақ) жалатма, келин капе, тав ашти, куев қашти ва ҳ.к.

Чен – [Chen] – туркий сўз. 1. Ўлчов, чама *Алчаниң ченини билмесең, шакерди қайтип саласан, авел алчаңди вўлче!* 2. Нишонга олмоқ. *Ашихти ҳавайи атқиниңча, ченнеп атмайсама?!*

Чеп – [Chep] – туркий сўз. 1. Томорқа. *Чепке сабзи ектим.* 2. Қўйларнинг ёзги қўраси. *Қөйларди чепке қамап қөйиңар!*

Чепкен – [Chepken] – туркий сўз. Изғирин ҳаво ёки ёмғирда тўнниң устидан кийиладиган қалин кийим, чакмон. *Чепкениңизди чечиң, вөтқа таплап қуритип берейин!*

Чертек – [Chertek] – туркий сўз. Дўмбираниң тор ёки зийлари тагига қўйиладиган мослама. *Дөмбираңди яхши жөрласаң, черткениңде чертеги жөрғаламайди.*

Чече – [Cheche] – туркий сўз. Аканинг хотини, янга.

*Ҳава чим-чим жавади,*

*Чечем ийнек савади.*

*Айнам кеген ахшами*

*Абир кўрпе жабади.*

*(Афғөнистөнлик лақайлар термаларидан)*

Чечен – [Chechen] – туркий сўз. Гапга уста, моҳир, доно. А.Навоий «Маҳбубул-қулуб» асари (-Б. 102)да: Ўз олдида доно ва чечан ва ҳар номақбул қиладурғани анга маъқул ва мустаҳсан, - дейди.*Тағайим гапке хуп чечен еди!*

*Чечең гапке чеченекенмендеп ҳежеледиме,*

*Е алдиңа аш қөйип же-же-ледиме?!*

Чешлик – [Cheshlik] – туркий-архаик сўз. Мих суғуриш асбоби. *Чешликмен михларди суғур.*

Чешме – [Cheshme] – форсий сўз. Сувнинг ер остидан кичик ҳажмда сизиб чиқадиган жойи, булоқ. *Чешмемиз қишда жилиғана, табистан миздай.*

Чибич, чибиш – [Chibich, chibish] – туркий сўз. Урғочи ечки бир туққанича чибич дейилиб, сўнг эчки дейилади. *Ана чибичке қара, палекти камирип кетмесин.*

Чибичдей, чибиштей – [Chibichdey, chibishdey] – туркий сўз. Чибичга ўхшаш, кичкина. *Вўзи чибиштейгене бөлип,*

*буниң кўтерген вётиниға қара!*

Чибиқ – [Chibiq] – туркий сўз. Ингичка химча, дарахтнинг майда шохлари, пахта, жун ёки похолни текислаб, юмшатиш учун ишлатилинадиган қўша химча. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 361)да ҳўл навда сифатида талқин этилади. *Катапаңниң чибиғини апке, жунди сабап қоймасам, қоқиб жатир.*

*Салем бердим тал чибихдай тавланип,*
*Салемимди амай кеттиң айналип.*

Чибжиңлав – [Chibjinglav] – туркий сўз. Чидамсизланиб қилинган ҳаракат ёки жаврамоқ. *Чибжиңлап ериңе чағип екевини уриштирғинча, қолиңнан кесе жараштир, бирев барекелле десин!*

Чизиллавуқ – [Chizillavuq] – туркий сўз. Ниначи. *Верталёт қиламиз деп чизиллавуқтиң қирини бердиңер, қойиңар учип жирсиннер!*

Чий, чий қапқақ – [Chiy, chiy qapqaq] – туркий сўз. Кичик шаклдаги хамирни юмалатиб олиш (чегелдек қилиш) учун чийдан қилинган мослама. *Хамир илеп чийға чегелдек еш!*

Чийир – [Chiyir] – туркий сўз. Тугун. *Мейманнарди чиғарип аяғимниң чийирини жазип кемесем, бугилип вётирип уелеп қапти.*

Чийирван – [Chiyirvan] – русча сўз. Червонец, қирқ-эллик йил олдинги собиқ совет ўн сўмлиги. *Илгери беш чийирваниң бёса бир ат ала бергичең!*

Чийирмавуқ – [Chiyirmavuq] – туркий сўз. Чирмовуқ. *Палекти чийирмавуқ басип кетипти, жулип тайламасаңар, ҳасил алалмайсаңар!*

Чийратув – [Chiyratuv] – туркий сўз. Йигирмоқ, пишитмоқ, ўрамоқ, тугунни ёзмоқ. *Урчиғимди чийратип*

*алайин, чайимди кейин ичемен!*

Чил – [Chil] – туркий сўз. Оққуш. *Чил сувли жайларда кўп бөлади.*

Чил салув, ҳалик салув – [Chil saluv, halik saluv] – туркий сўз. Курашда оёқ ва қўл ёрдамида рақибини йиқитиш усули. *Ақмирза палван минан кўп ҳазиллешме, чил салиб атиб жибереди, шармендең чиғади!*

Чил-чил бөлув – [Chil-chil boluv] – туркий сўз. Синмоқ. *Төйда аяғи тайип кетип, чайнек чил-чил бөлди, набити чайнек ичидегиси кўзи ачиқ кетти, шөға ичим куеди!*

Чилапчин – [Chilapchin] – форсий сўз. Қўл ювиладиган идиш. *Чилапчинди апкеп мейманнардиң қөлиға сув ал, авқатам пишти.*

Чилбир – [Chilbir] – туркий сўз. Эчкининг жунидан ёки мол терисидан эшилиб ёки тўқилиб ҳайвонларнинг бошига боғланадиган арқон ёки рузғорда ишлатиладиган ингичка ип. *Чилбирди чешта, нөхтани сал. Сен даңгесениң чачиңнан чилбир ешип, атти арқаннайтиған. Чариғиңниң чилбирини тузув байла, судрелип амачқа илешип ҳўккиз вўзиңди судреп кетмесин!*

Чилдиң баласи – [Childing balasi] – туркий сўз. 1. Чумчуқнинг бир турининг боласи. *Чилдиң баласини ушлап ниме қиласан, қөйберт учип кетсин!* 2. Ёш боланинг бегонасиратиши. *Балаң чилдиң баласидай ҳич ел бөмайди!*

Чилик – [Chilik] – туркий сўз. 1. Бармоқ. *Чиликлериңди жалаңашлап жиргинче, куевиңе жузик алдирип тахмайсама?!* 2. Бир қарича келадиган ингичка ёғоч, чилик ўйин. *Илгери намашамларда чилик-дангел вөйнап бөзбалалар қишлахти башлариға кўтерип зувиллашип жиргичедилер!*

Чилле – [Chille] – форсий сўз. 1. Қишнинг энг совуқ,

ёзнинг энг иссиқ бўладиган кунлари. Ёз чилласи 25 июндан 5 августгача, қиш чилласи 25 декабрдан 4 февралгача қирқ кунликларни ўз ичига олади. Қиш ойидаги ушбу қирқ кунликни *«катекен чилле»* ҳам дейилади.. *Бу йил қишта чилледеем жавмади.* 2. Чақалоқнинг қирқи. Эътиқодларга кўра чақалоқ туғилгандан сўнг биринчи қирқ кунлик давомида унга ёвуз руҳлар ҳужуми эҳтимоли мавжуд бўлиб, чақалоқни бегона кўзлардан асраб, ит кўйлак кийгизадилар. Қирқ кун битгач ёвуз руҳлар ҳужуми эҳтимоли камайиб, ит кўйлак ҳам ечилади. *Чақалахтиң чиллеси чихсин кейин барамиз, айна.* 3. Никоҳ маросимидан кейинги қирқ кунлик. Ушбу даврда ҳам никоҳ қилинган ёшлар эҳтиёт қилинади. Улар шомдан сўнг якка ҳолда ташқарида юриши таъқиқланади. Чунки, ушбу даврда ҳам ёвуз руҳлар ёшларга зиён етказиши мумкин, деб ҳисобланади. *Кундузи айнаң ишке кетсе қирқи чиққинча чечеңди тақа тайлама, чечеңе жөлдаш бөп жирсең вөраза намазға вўзим бир яхши кўйлек қип беремен!* 4. Марҳумнинг қирқи. Мавжуд эътиқодларга кўра киши вафот этгач биринчи қирқ кун давомида унинг руҳи ўз хонадонидан кетолмай доимий мавжуд бўлади. Ушбу даврда марҳумнинг чироғи ўчирилмаслиги, унинг ҳақига атаб оятлар тиловат қилиниши, эзгу хислатлари эсланиши, хонадон аҳли бу давр мобайнида ортиқча кўнгилхушликларга берилмаслиги лозим. Ушбу жиҳатларга амал қилиш марҳум руҳининг ўз оила аъзоларидан розилигини, миннатдорлигини таъминлайди. *Қайнатаңңиң арвейини чирқиратиб намашамда кул тайлама, мағзаба тўкме!*

Чилтен – [Chilten] – форсий сўз. Қирқ авлиё. *Чилтеннерге сийинип жирсеңер, кам бөмайсаңар!*

Чимбат – [Chimbat] – туркий сўз. Келинчаклар юзига

ёпадиган юпқа мато. *Катапа бизикке бариң, бугун чечемниң чимбатини аламиз!*

Чимбат алар – [Chimbat alar] – туркий сўз. Келинчакни узатиб боргач, иккинчи куни қайнонаси мевали дарахтнинг новдаси билан чимбатни олиб, бошига элак кийип, супрани қўлтиғига қисиб келини билан кўришади ва элак-супрани «рузғорни энди сенга топширдим» деб келинига топширади. Ушбу қадеда куёв томонидан барча аёл қариндошлар тўйчилар иштирокида кўрмана ташлаб келин билан кўришади. Қаде давомида келиннинг қўли ёғланиб, супра ёзилиб кулча иланади ва иштирокчилар келиннинг кайвонилигига баҳо берилади. *Тӧйчилар кетмей келинниң чимбатини алиңар, тамашасини кўрип кетсиннер!*

Чимилдиқ – [Chimildiq] – туркий сўз. Келин ва куёв учун уйнинг бир четига боғланадиган мато. *Чимилдиғи чим кеште,*

*Аған яри вӧн беште.*

*Кележегин сӧрасаң*

*Вӧ дунйеде пейиште.*

*Чимилдихта бахти еки чечесимен,*

*Келинчекти ухлатмадим кечесимен.*

Чимиргув – [Chimirguv] – туркий сўз. Совуқдан қалтирамоқ. *Балам мактептен тенеси чимиргип келди, печкеге вӧт салайин, жилинсин.*

Чимири – [Chimiri] – туркий сўз. 1. Қарисаям юз кўриниши бир хил бўлиб турадиган одам. *Чимири адам, е қаримейди, е карисеем, қарилиги билинмейди!* 2. Хасис, пул сарфлаб қорнига нон емайдиган одам. *Вӧ чимири жездең базарда вўзиниң қарниға нан аб жемейди, саңа шашлик аппереме?!*

Чимирув – [Chimiruv] – туркий сўз. Бир қошини

кўтармоқ. *Қашиңди чимирме, жаман бөлади!*

Чиначақай – [Chinachaqay] – туркий сўз. Қўлнинг тирсаги. *Пах-пахламай төғри гапир, чиначақайим минан меш қарниңа қөйиб жиберемен, вай-вайлап қаласан.*

Чинақ – [Chinaq] – туркий сўз. Қулоғи кесилган молга нисбатан ишлатиладиган ибора.

*Бай бабам қара чинақ қөй беремен дейди,*
*Бай мамам бөхчадан бир төн беремен дейди!*
*Байға бареке, Яребезен!*

Чиндил – [Chindil] – русча сўз. Сиёҳдон (чернила). *Чиндилиңди вөртаға қөй, мениң чиндилимниң раңи ада бөлди!*

Чинтақ – [Chintaq] – туркий сўз. Ияк билан чакканинг қўшилган жойи, жағ. *Чинтағиңа салиб жиберемен, екинчи вўтирик айтмайтиған бөласан!*

Чираз – [Chiraz] – туркий сўз. 1. Кийимларнинг четига ва бошқа нарсаларни безаш учун бигизда ёки игнада турли нақшлар берилиб, майдалар санчиб тикиладиган узунчоқ тикув. *Башқа ишлериңди қөйда, айнаңниң куев чапаниға хўширейлеп чираз төқи!* 2. Балах чираз – жияк. *Балахчиразди базардан ал, уйхудан қалиб төқиб жатасама?!*

Чирақ айналтирар – [Chiraq aynaltirar] – форсий+туркий сўз. Никоҳ маросимида келин томонидаги аёллар чимилдиқнинг ичида куёвнинг атрофидан чироқни ёқиб уч марта айлантирадилар, бунда куёвнинг шериклари чироқ солинган товаққа пул ташлашлари лозим. *Чече, чирахти уч марте айналтирдиңиз бөлади, пул тайлайдиларекен деп айналтирип жатасизма?!*

Чирақи – [Chiraqi] – форсий+туркий сўз. Момоларга сиғиниб, чироқ ёқишга ҳавасманд шахс.

Чиркей – [Chirkey] – форсий сўз. Ачиган нарсаларга ташланадиган кичкина учувчи жонивор. *Халтаниң авзини байла, чакепти чиркей басади.*

Чиркўз – [Chirko'z] – туркий сўз. Ойдин кечада ўйналадиган ўйиннинг тури. *Чиркўз вӧйинда жуттирип мени бир арқаласанг еди!*

Чирмашув – [Chirmashuv] – туркий сўз. Юқорига ўралашиб ўсиб кетган ўсимликка нисбатан ишлатилади. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достони (-Б. 105)да:

Сайд жангал ичини қилди талош,

Йўли ҳам тор эдию ҳам чирмош, - дейди.

*Намашамгул тутқа чирмашип вўсип кетипти.*

Читинув – [Chitinuv] – туркий сўз. Тортинмоқ, кайфияти тушмоқ, ҳолсизланмоқ. *Кўк қӧшқар читинип жем жемей тури, қаш қараймай сӧйиңар, қӧй деген мӧрт бӧлади!*

Чығыл – [Chig'il] – туркий сўз. Панжара. *Ҳавлиңе чығыл вӧрнатмасаң мал басип кетеди.*

Чиғина – [Chig'ina] – туркий сўз. Юк ташиш учун ҳўккиз ёки йилқи тортиб юриладиган чархсиз арава. *Чиғина тартиб, зиғир жанчип, ғалла вӧрған ғайратли жигит едик, неберем!*

Чиғир салув – [Chig'ir saluv] – туркий сўз. Овоз чиқармоқ, бақирмоқ. *Чиғир сап елди жийип вӧтти вўчирмесе еди, кўп жай куйип кеткиченди!*

Чиғирчиқ, чиғириқ- [Chig'irchiq, chig'iriq] – туркий сўз. Пахтанинг чигитини ажратиб олиш учун қилинган мослама. *Айна, чиғирчихта чигитленген пахтам бар, апарип балалариңа кўрпе қип бер.*

Чиғити кўйлек – [Chig'iti ko'ylek] – туркий сўз. Келинчакни ота ҳовлисидан чиқариш учун енг, ёқа ва этаклари қайтарилмасдан игна билан кўклаб тикилиб

кийгизиладиган махсус кўйлак. *Чиғити кўйлектием тайярлап қойиңар, той куни шашилип қаласаңар.*

Чонқайув – [Chonqayuv] – туркий сўз. Қуйруқни ерга қўйиб ўтириш. *Чарчадиңарма, вўзиңем чонқайдиң, ийтиңем чонқайди, қаш боса қараятир, жолимиз жирақ.*

Чоптара – [Choptara] – туркий сўз. Пахса девор қилиб қурилиб, чўп ва қимишлар билан ёпилган кўримсизгина уй. *Айнаңниң чоптарасидан чотти ап чиқ, чўмич жоништи уйретемен.*

Чор-чор болув – [Chor-chor boluv] – туркий сўз. Тананинг ёрилиши. *Бейбахтиң аяғи пияда жириштен қабарип, табаннари чор-чор бопти.*

Чорчув – [Chorchuv] – туркий сўз. Сакрамоқ. *Кўп чорчиған е уринади, е суринеди!*

Чот – [Chot] – туркий сўз. Теша. *Ене, чотти бериң, атам усталиқ қиламан дейди.*

Чотлав – [Chotlav] – туркий сўз. Қулайламоқ, мўлжалламоқ. *Чотлап, вўзи уйиде екениде барсаң, ишиң питеди, бомаса саргарден боп жиребересен!*

Чот маңнай – [Chot mangnay] – туркий сўз. Дўнг пешона. *Маңнайи чоттай боған ана чот маңнайди, мениң алдима жибер!*

Чоччайув – [Chochchayuv] – туркий сўз. Керилиб ўтирмоқ. *Чориға ким қойипти, чоччайип вотириштι?!*

Чоғ вочақ, чоғ очақ – [Chog’ vochaq, chog’ ochaq] – туркий сўз. Хона(ўтов)ни иситиш учун чўғ солишга мўлжалланган ўчоқ. Илгари қиш мавсумида иззатли меҳмон ўтирган уйни тутатмаслик учун оловни бошқа хона (ўтов)да ёқиб, чўғини меҳмон ўтирган хона(ўтов)га олиб келиб солиш анъана бўлган. Ёки жапсарсиз кичик ўтовларда ҳам ўт ёқилмасдан бошқа ўчоқларга ўт ёқилиб чўғини бу ўчоққа

солганлар. *Бу вӧтавға бир чӧғ вӧчақ қимасақ, дут чиққидай жапсари жӧқ.*

Чубалаң – [Chubalang] – туркий сўз. Думли қўй. *Ана чубалаңди базарға апарсақ қанчаға кетеди?*

Чубатув – [Chubatuv] – туркий сўз. 1. Ўралган нарсани ёзиб, чуватмоқ. *Минча жипти чубатип ниме қиласан, бир сабахлиқ ал, жетеди.* 2. Гапни кўпайтирмоқ. *Гапти чубатип, екевини уруштирма, уят бӧлади.*

Чугул – [Chugul] – туркий сўз. Ортиқча аъзо, зиёти эт. *Бу қизчаниң бармағида хали бар екен вўз ати вўзимен, Чугулай қӧяйиқ!*

Чуйде – [Chuyde] – туркий сўз. Жонли организмнинг энг кичик суякчалари. *Тувилған чақалақ тетигу, чалаға вӧхшап каллесиниң чуйделери кўриниб жатир.*

Чуйделев - [Chuydelev] – туркий сўз. Суякли гўштни жуда майдалаб тўғрамоқ. *Қӧйдиң қабирғасини кўп чуйлелеп тайлама, мейманнардан уят бӧлади.*

Чукури – [Chukuri] – туркий сўз. Тоғда ўсадиган доривор ўсимлик. *Чукури асаң, ташқа бастирилғанидан ал, вӧниң маззаси башқача.*

Чулдирев – [Chuldirev] – туркий сўз. Ёш боланинг кўп гапируви. *Кўп чулдиреме, жағ-жағ екен деп ҳеч ким қизини бермейди!*

Чулдур – [Chuldur] – туркий сўз. Кичрайтириш маъносида. *Куевиң апкеген бу жузикти чулдур чумегиңе тахмасаң, башқа бармағиңа сиймайди! Чулдуриңе атаң қачан тӧй қилади, қазанниң башида вӧтирип бир гўшке тӧйсақ?!*

Чумек – [Chumek] – туркий сўз. Сув тўкиладиган мослама, жўмрак. *Самавардиң чумеги. Чайнектиң чумеги.*

Чумсетамақ – [Chumsetamaq] – туркий сўз. Овқатни кам

ёки танлаб ейдиган бола. *Улиӊ чумсетамақ екен, бачче деген қарувли жеп, қарувли ишлесе!*

Чунақ – [Chunaq] – туркий сўз. Урушқоқ, текканга тегип, тегмаганга теззагини отадиган бола. *Вӧниман вӧйнама, вӧл чунақ, уришип қаласаӊар. Чунақлиқ қимай саз вӧтир, бир табақ буламиқ ҳаммеӊе жетеди, дайим алдиӊнан кегенди шахлап, арқаӊнан кегенди тевип жиресен!*

Чурей – [Churey] – туркий сўз. Ўйинда захирадаги ўйинчи. *Чурей бӧп тур, навбетиӊ кесе сенем вӧйнайсан!*

Чурре – [Churre] – туркий сўз. Ортиқча, олиниши керак бўлган нарса. *Бу баччениӊ чурреси бар екен, духтурға кўрсетиӊер, давалайди.*

Чуруллав – [Churullav] – туркий сўз. Айланмоқ. *Ҳа бӧзбалалар, мейман қизлар кўбейгениге тӧйхананиӊ гирдини чуриллап қалдиӊар!*

Чучмел – [Chuchmel] – туркий сўз. Мазаси меёрига етмаган, тузи кам. *Авқатиӊ чучмел бӧпти, пичи туз сал!*

Чуччи – [Chuchchi] – туркий сўз. Аччиқ эмас. *Бу бадриӊ чуччи екен, алдинғиси аччи еди.*

*Аччи минан чуччини татқан биледи,*
*Алис минан жувухти жӧртқан биледи.*

Чуғул – [Chug'ul] – туркий сўз. 1. Кўплик маъносида. *Ел чуғул тартип кеп қӧлма-қӧл қилип марекени вўткездилер!* 2. Шовқин-сурон. *Гўдеклерди қазанниӊ башида чуғуллатмай, авқаттиӊ алдини шӧларга тарт, каттелерге сӧӊ тарта бересен!* 3. Ғийбатчи. *Шӧ дӧсиӊ чуғул, ҳаммени уриштириб жиреди!*

Чўкиртек – [Cho'kirtek] – туркий сўз. 1. Ёз мавсумининг охири ҳамда кузда йирикроқ пояли ўсимликларнинг қуриб, устидан юрганда чўп сингари оёқларга кириш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудуд, йўл. *Қудухтиӊ жӧли чўкиртек, етик*

*киймесең аяхлариңди қанатип тайлайди.* 2. Тахта ёки ёғочнинг кичикроқ ўткир учли қисми. *Чал базардан бир шибиртки ап кемесеңиз, шибирткимиз чўкиртек бӧп қапти!*

Чўл – [Cho'l] – туркий сўз. Сувсиз қақраб ётган кенг текислик. *Чўлде ниме бар, ичкели сувға зар бӧласаң, кўчсең суви бар абат жайға кўч!*

Чўллев – [Cho'llev] – туркий сўз. Сувсамоқ. *Чўллегендей, сувға жабишмай, авел қӧл-бетиңди жув.*

Чўмелев, чўмеленув – [Cho'melev, cho'melenuv] – туркий сўз. Қариган чоғда гавданинг кичрайиши. *Байқуш мамаңам чўмеленип қапти!*

## Ш

Шабдал, шаптали – [Shabdal, shaptali] – форсий сўз. Шафтоли. *Шабдал пишсе қишлахтиң ахсақалларини чақириб бир дува алайиқ!*

Шабдир – [Shabdir] – туркий сўз. Овоз, шарпа. *Кўзим мизғиған екен, гўдеклердиң шабдириман вӧянип кетиппен.*

Шабеки – [Shabeki] – туркий сўз. Қизлар тиккан мапремеч, айнахалта, қол, жукчариғич, серпе ва бошқа кашталарининг қуйи қисмидаги тупекларга осиш учун танга ва алюминдан ясалиб, ишлатиладиган чеварлик анжоми. *Шабекини шалдиратип вӧйнама, чечеңниң тупегиниң жибеклери жиңишке екен, узилип кетеди. Шабекиңди заргерге берсең тамахмӧнчақ қип береди!*

Шабике – [Shabike] – туркий сўз. Шўх, шаддод, ушбу атама кейинги йилларда салбий аттенка касб этиб бормоқда. *Апаң қизлиғида шабике қиз еди, акелериге қӧшилип улақ чапқичеди, ерге тийип баслиғип қапти!*

Шавдурақ тақия – [Shavduraq taqiya] – туркий+арабча сўз.

Манатдан тикилиб, атрофига сетора, маржон, туморча, тупек, ҳамда пешона қисмига қушнинг ялтироқ пати тикилиб, ёш қизлар киядиган бош кийим. *Шавдирақ тақияңди шалдиратип, чач патлериңди жилтиллатип арғиш бармайсама чихмайсама, айналариң пул қистирса!*

Шавулақ – [Shavulaq] – форсий+туркий сўз. Куёв томонидан келинникига никоҳ тўйи жўнатишда молларга қўшиб солинадиган куёв улоғи. Шавулақни келиннинг қишлоғидаги бўзболалар олишиб, қишлоқ оқсоқолларига зиёфат қилиб беришади. *Шавулахти алишқа алдиң, қачан сөйип елди чақирасан?*

Шадделев – [Shaddelev] – туркий сўз. Қочишга интилмоқ. *Сийир шадделеп қиған тапигиңди тепкилеп кетти!*

Шажере – [Shajere] – арабча сўз. Авлод-аждодлари. *Тавдағи шө чалға барсаң, кўп нерсени биледи, ҳаммениң авледини шө киши тугеннеп береди.*

Шай бөлув – [Shay boluv ] – туркий сўз. 1. Тузалмоқ. *Шай бөлдиңма, улим, барекелле!* 2. Тайёр. *Шай бөп туриңар, ҳазир машин келеди.*

*Ешшегим шай, атим шай чапсам тавға жетемен.*

Шайлав – [Shaylav] – туркий сўз. Яхши қилмоқ, тўғри қилмоқ, дурустламоқ. *Кече тийирман барип шайлапсаңар, бугунге қасаңар қарда қағичеңер!*

Шайланув – [Shaylanuv] – туркий сўз. Тайёрланмоқ. *Төйға шайланабериңер, машинем кеп қалади!*

Шайтан араба – [Shaytan araba] – арабча+туркий сўз. Велосипед ва қишлоқ хўжалик техникалари дастлаб кириб келганда, айрим одамлар томонидан берилган нисбат. *Шайтан арабаңди шиқиллат, биз шу чөлақ ешшегимизден қамайиқ!*

Шала – [Shala] – туркий сўз. 1. Ўтин ёки шох-шаббалар

уйими. *Ғӧзапаяни шала қип тайламасаңар, сийирлар тепкилеп тайлайди!* 2. Масхара қилмоқ. *Вўзиңнен бехабер тағин мени шала қиласан!*

Шалпи – [Shalpi] – туркий сўз. Дарахтнинг шалпиллаб осилиб турган шохи. *Шапталиниң енкейген шалписини кесип тайла, қайсиниң кўзиге туйрелмесин!*

Шалпиллатув – [Shalpillatuv] – туркий сўз. Ниманидир осиб қўймоқ. *Бу ниме иримиң, ешике чалиңниң калишини шалпиллатип асиб қӧйипсан?!*

Шамақ – [Shamaq] – туркий сўз. Намли жойларда ўсадиган курмакка ўхшаш узун пояли ўсимлик. *Пахтаниң решиден шамақ вӧрип кесең сийир кўбрек сут береди.*

Шаңрақ – [Shangraq] – туркий сўз. Ўтовнинг тепасидаги тутун чиқиш, қуёш кириши учун мосланган айлана ёғоч. *Шаңрақти ачип қӧйиңар, вӧтахтиң дути чихсин!*

Шапаҳат, шапаат – [Shapahat, shapaat] – арабча сўз. Мурувват. *Бай бӧсаң камбағалға шапаҳат қил! Сенем ағайинға бир шапаҳатиңди кўрсет!*

Шапирув – [Shapiruv] – туркий сўз. Аралаштирмоқ. *Сутти шапир, қаймағи аралашсин!*

Шаппе – [Shappe] – форсий сўз. Дарахтнинг ингичка хипчаси. *Ана шаппелерди тандирға сап, нан пиширебер, қишқа писте вӧтин ап келемиз!*

Шаппет – [Shappet] – туркий сўз. Кўзга кўринадиган жой. *Шаппетке қӧй, қайси илип кетмесин! Қӧзиларди шаппетке ҳайдап қӧй, қишлахта жандар бар, илип кетмесин!*

Шар – [Shar] – русча сўз. 1. Пуфакча. *Шариңди кўп дамлетме, жарилади.* 2. Ювош эмас, зом, ҳуркак, одамга ўрганмаган. *Танаң шар екен, жетелегенге жирмеди.*

Шардаз – [Shardaz] – форсий сўз. Пахта ёки жундан ешилиб, қилинган йўғон ип. Ўйинда ёш болалар йиғлаганда

масқаралаб, юпатиш учун айтиладиган ҳазил:

*Жилама, жилама жилан сөйип беремен,*
*ташбақаниң путиға шардаз тағип беремен!*

Шарғап – [Sharg'ap] – туркий, архаик сўз. Жанжал. *Шарғап бөса – бареке қачади.*

Шати, пайкечек – [Shati, paykechek] – туркий, форсий+туркий сўз. Зинапоя, нарвон. А.Навоий «Маҳбубул-қулуб» асари (-Б. 169)да: Ифлос машаққатин буржлуғунг йўқ шотидин унут, - дейди. *Шатиға чиғип, балаханадан хурма амасаң, мейманға апарғидай ҳич нерсе жөқ!*

Шатира - [Shatira] - туркий сўз. *Уйдиң арти шатира,*
*Шатира гуллеп жатира.*
*Мен айнамди сөрасам*
*Қанниқ вөйнап жатира.*

Шатте – [Shatte] – туркий сўз. Бақировуқ, шанг-шанглаган. *Хатинниң шаттесиден худа сақласин!*

Шах – [Shakh] – форсий сўз. 1. Молнинг шохи. *Қөшқардиң шахини арраламасаңар, қайтип каллесиге кирип кетаятир.* 2. Пахта агатларини суғориш учун тортилган шохариқ. *Шахқа чихсаң, мениң алдимди ап ке (жўегимди терип қайт).*

Шахариқ – [Shakhariq] – форсий+туркий сўз. Пахтага сув қўйиш учун ўқариқдан ҳар 100-150 метрда шохга ўхшатиб қийшайтириб тортилган ариқ. *Шахарихта сув бар, жирип бөмайди.*

Шахшайув – [Shakhshayuv] – туркий сўз. Бировга тишини кўрсатип, тикрайип қараб турмоқ. *Маңа тишиңди шахшайтқанча барип тавдан тарбиз апке!*

Шахшул – [Shakhshul] – туркий сўз. Очиқ эмас, хира. *Бу апкегениң қизға кўйлек бөмайди, раңи шахшул екен!*

Шақина, сақина – [Shaqina, saqina] – туркий сўз. Илгари

бойлар томонидан тутиб келинган қушларнинг оёғига тақиладиган безакли ҳалқа, қулф. *Шақинадай мениң авзумди бағип, гап гапиришке қўймайсан!*

Шева – [Sheva] – форсий сўз. Муайян ҳудуд ёки элатнинг ўзига хос муомала тили, маҳаллий тил, диалект. *Лақай шеваси ўзбек тилиниң қипчақ гуруҳиге киреди!*

Шекилли, шекилде – [Shekildi, shekilde] – арабча+туркий сўз. 1. Менингча. *Сенем кетибеӊ шекилде, даррев қайттиӊма?!* 2. Шаклда, ўхшаган.

«*Етек журтиң Кабулди,*

*Батирдиң жани сабилди.*

*Қайси йене тувдикен,*

*Шу шекилде қабилди*». («Авезханниң Гирдаб кўлиге сафар қилиши» достонидан).

Шенчўп – [Shencho'p] – туркий-архаик сўз. Ёғоч мих. *Ғаравдиң жиңишкесием яхши шенчўп бўлади.*

Шерикчилик – [Sherikchilik] – арабча+ туркий сўз. Биргаликда қилинган иш. *Шерики аши ийт жемес, дейдилер, шерикчилике жер ап тарбиз қибек, пулини бўлишалмаятирмиз!*

Шибанув – [Shibanuv] – туркий сўз. Билагини турмоқ, тайёрланмоқ. *Шибанип вўзиң бир авқат қимасаң, қаринлар дўмбра чалип кетти.*

Шибер – [Shiber] – туркий сўз. Жудаям намли жой. *Шибер жайда бургеем кўп бўлади.*

Шилаңлав – [Shilanglav] – туркий сўз. Тез ҳаракат этмоқ. *Келини чақан екен, шилаңлап идиш-аяхтиям жувиб алди, кўрпе-тўшектием қағиб алди.*

Шилдирим шўрпа – [Shildirim shorpa] – туркий+форсий сўз. Ичида масаллиғи кам бўлган гўштсиз шўрва. *Мейманға шилдирим шўрпа қўйип, уялмадиңма?!*

Шиллахлав – [Shillakhlav] – туркий сўз. Янги кийимни тартибсиз кийиш. *Айнаң Рассиядан алип кеген калишиңди судреп кийип жиртип, мениң намази кавушимди бенамаз қип шиллахлағинча, билтирғи қатти калишиңди кийсең, чалатаңниң чалдувариниң тамиға тирелгич бўйиңди жер жутама?! Улим, куевчапаниңди кийип шиллахлама, ҳали киятиған вахти келеди!*

Шилт – [Shilt] – туркий сўз. Алдаб кетувчи, кўнгли бузуқ. *Вӧ ашнаң шилт, вӧға берме, вӧннан алалмайсан.*

Шинек алув – [Shinek aluv] – форсий+туркий сўз. Жойлашмоқ, қур олиб ўтирмоқ. *Шу ерде пичи шинек амасақ чарчадиқ!*

Шипирма – [Shipirma] – туркий сўз. Ёлғон гапирувчи, ваъдабоз. *Шипирма қайниңниң габигеем ишенип бӧмайди, ваъдени берип, қарасини Қарабадамнанам кўрсетмей кетеди.*

Шипшитув – [Shipshituv] – туркий сўз. Айтмоқ, эшиттирмоқ, чақимчилик қилмоқ. *Кечеги гаплерди ериге шипшитқанда ери тумшуғини кўтерип вўтип кетти!*

Шираверхана, шинаверхана, шарбетхана – [Shiraverkhana, shinaverkhana, sharbetkhana] – арабча+форсий сўз. Тўй-тантаналарда ширинлик ва чачалалар сақланиб, қур, давра ва дастурхонларга тақсимланадиган хона. *Шираверханадан чачала ап чиқ, тӧйчиларға аш тартмастан алдин чачалани қӧйув қип тайлайиқ!*

Ширбаз – [Shirbaz] – форсий сўз. Ҳалиям онасини эмадиган катта қўзи. *Бир ширбаз қӧзини сӧйди, раҳат қип дам алдиқ!*

Ширдан – [Shirdan] – форсий сўз. Донни сақлаш учун даланинг бошида ковланган ўра. *Қишам келаятир, ширданди ачип, ғаллани қишлақа ендириңер!*

Ширини – [Shirini] – форсий сўз. Тарвуз ёки тутнинг шинниси. *Сувуқ таъсир қиған бӧса, басип ширини жейбер!*

Ширинкане – [Shirinkane] – форсий сўз. Олди-сотти жараёнида гувоҳларга бериладиган пул. *Чалата қавунди сатип, ширинканесини бермейсизме?*

Ширкади – [Shirkadi] – форсий сўз. Ошқовоқнинг сутда қайнатилиб пиширилган. *Кампир,кадиниң алдини бир ширкади қил.*

Ширғанек – [Shirg'anek] – туркий сўз. Сирпанмоқ, тоймоқ. *Баҳарде бачелер дўмсеке чиғип ширғанек вӧйнағичедилер!*

Ширғанув – [Shirg'anuv] – туркий сўз. Пастликка қараб сирпанқираб юрмоқ. *Еки ат мына кўтелден ширғанип енип кетипти!*

Ших – [Shikh] – туркий сўз. Чўп ва дарахт шохчалари билан тўсилган молларнинг қўраси, тўсин. *Шихтиң ешигини сазла, буқалар шахлашип, биреви шахиман шихтиң ешигини кўтерип кетти!*

Шихек қилув – [Shikhek qiluv] – туркий сўз. Бировнинг устидан кулмоқ. *Илгери, қараңа қишта пилте чирахтиң жариғида қизлар бир-бирини шихек қип кулишип таң атқинча кеште тиккичеди!*

Шиш тақия – [Shish taqiya] – туркий+арабча сўз. Учини шиш қилиб тикиладиган аёлларнинг бош кийими, дўпписи. *Катапаңа, жўрмесини енни қип, бир шиш тақия қип бер, вӧрамалиниң астидан кийип, саңа дува бериб жиреди!*

Шишек, тишек – [Shishek, tishek] – туркий сўз. Икки ёшли қўй. Тишек сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 368)да ҳам учрайди. *Еки шишекти сӧйғинча бир бӧрдақини авдармадиңмаки, ел тӧй жегендей бӧса еди!*

Шӧ, шӧл – [Sho, shol] – туркий сўз. Ўша. *Шӧ, ахмақа айт, бузавди саяға байласин.*

Шӧндайма, шундайма – [Shondayma, shundayma] – туркий сўз. Ҳали шунақами? *Ҳали шӧндайма, енди чида менем қиғанимди қиламан!*

Шӧр салув – [Shor saluv] – туркий сўз. 1. Чақиб бермоқ, эсига туширмоқ. *Шибанайдан шакер ап келди деп шӧ шумтаке шӧр салди, енди шуғана шакердиң башиға жетмесе бу кўнари чайнектиң башидан турмайди!* 2. Бошига оғир кун солмоқ, шўрини қуритмоқ. *Бальшевиги қурисин,*

*Мусурманға шӧр салди.*

Шӧтана, шӧтанақ – [Shotana, shotanaq] – туркий сўз. Шўх, ҳазилкаш. *Тағайиң шӧтана, вӧтирған давресини кулдирип вӧтиради.*

Шуйт – [Shuyt] – туркий сўз. Шундай қил. *Ағилиңниң устини жабиш учун шуйт: авел тӧлди тўшеда, устиден андава қил!*

Шуйтип, шўйтип – [Shuytip, sho'ytip] – туркий сўз. Шундай қилиб. *Шуйтип, мейманнарди шакереппен жўнеттиң, қайил!*

Шукум – [Shukum] – туркий сўз. 1. Эҳтимол тутилган фалокат, бирор кишининг бошига ёки оилага тушадиган офат. *Яна араз ураяпсама, араз бизге жахмайди, бирен шукумди башлайсан шекилли!* 2. Ёмон ният, бировга ёмон тилак билдириш. *Ешекти вўледи деп шукум қима! Кампир, қарипсиз, кейинги жилдан ҳич балаға жарамай қаласиз деп шукум қима, шукумиң вўзиңе бӧсин, ҳали сендейин нечи келинчекти қаритемен!*

Шулик, шуллик – [Shulik, shullik] – форсий сўз. Қон сўрувчи курт. *Қудухтиң сувидаям шулик бар, эҳтият бӧп*

*ичиш керек!*

Шулле – [Shulle] – туркий сўз. Гуручдан қилинадиган овқат. *Ахшам жедим шулле, ертемен турдим ҳилле.*

Шумғия – [Shumg'iya] – туркий сўз. Ўзга ўсимликлар томирларидан озиқланувчи ўсимлик. *Шумғиянин̧ шумлиғи шӧрди қуритади.*

Шуттик – [Shuttik] – туркий, архаик сўз. Жинчироқ. *Шуттикти жағип қӧй.*

Шўррек – [Sho'rrek] – форсий сўз. Таъм, маза. *Шӧрпаға гўштен сал, шўррреги чихсин! Қалашанға тўрт картишкеем тайла, шўрреги чиғади!*

## Э

Эмиграция – [Emigratsiya] - русча сўз. Ўз тарихий ватанидан ижтимоий-сиёсий факторлар таъсири натижасида бир миллат вакилларининг тили, маданияти ва психологияси тамоман бошқа бўлган миллат ҳудудига кўчиб ўтишидир. Ижтимоий-сиёсий факторлар қўйидагилар бўлиши мумкин:

1. Мажбурий кўчириш.
2. Миллатнинг бирор гуруҳига қарши қўлланилган сиёсат натижасида.
3. Ўз хоҳиши билан.

XX-асрнинг 20-йилларидаги Бухоро, жумладан шарқий Бухородан Афғонистонга кўчиб борган эмиграция ҳам аҳолига қарши қўлланилган ҳарбий-сиёсий таъсир туфайли кўчиб кетган эдилар. Уларнинг бир қисми қайтган бўлсаларда, бир қисми Афғонистонда қолиб кетишдилар.

## Ю

Юзбаши – [Yuzbashi] – туркий сўз. Бухоро амирлигидаги ҳарбий унвон. Тахминан катта лейтенант унвонига тенг. *Урушда қőрқахлиқ қиғани учун юзбаши юз дарре урдирди.*

## Я

Ябан – [Yaban] – форсий сўз. Ёвон, кенг дала, даштлик, чет ҳудуд. А.Навоий «Хамса» асаридаги «Садди Искандарий» достони (- Б. 136)да бу сўзни чўл, биёбон сифатида ифлдалаб:Фусун бирла юмронни шери жаён,

Гавазнни салобатда бабри ябон, - дейди.

*Ябанға барсам кеӊ жайда жадираб дам аламан!*

Яби ат – [Yabi at] – туркий сўз. Оддий, маҳаллий, наслдор эмас пастроқ, ишчи от. *Яби атини лўкиллетип, чал қараӊада қаерге баради екен!*

Суғд ичида ўлтурурлар ёбулар,
Ёбулар минган оти ёбилар.
Ёбуларнинг илгидан эл тинмади
Ёбулар турсун бу элда, ё булар.

 Яген-яген – [Yagen-yagen] – форсий сўз. Баъзан, камдан-кам, аҳён-аҳён. *Ярегим яген-яген кемесе кемейдием.*

Ягенде – [Yagende] – форсий сўз. Баъзида. *Ягенде лалепсатқичлар кеп қалади.*

Ягирен – [Yagiren] – форсий сўз. Нуқул, фақат, ҳамма. *Ягирен байлар жийилған екен, менем индемей вőтирабердим! Ягирен даӊгесе, иштиӊ кўзини билмейдилер!*

Якандаз – [Yakandaz] – форсий сўз. Узун кўрпача. *Тағайиӊа бахмал якандазди апкеп тўше, шайини амекилериӊе тўшейсен! (Айнама хиш бőғинча, чечеме хиш бőлайин).*

Ялғаба – [Yalg'aba] – туркий сўз. Ўгай. *Ялғаба қизини*

*егертип базарға кетти.*

Ярабезен – [Yarabezen] – форсий сўз. Рўзада айтиладиган рамазон қўшиғи.

*Ярабезен айтип келдим ешигиңе,*

*Қөшқардай ул берсин сениң бешигиңе!*

Яревленув, ерувленув – [Yarevlenuv, eruvlenuv] – туркий сўз. Шайтонлаш касали, тили тишланиб, кўзи олаймоқ. *Гўдек ҳаммемизди қөрқитиб, кўзи алайип хийли вахт яревленип қалди!*

Ярек, йарек – [Yarek] – форсий сўз. Дўст, дугона. *Жашлиғимизда ярегиммен вөқиштан кела салип, вөрақ вөришқа барғичек.*

Ярим-жарти – [Yarim-jarti] – туркий сўз. Тўлиқ эмас, ярим. *Сениң ярим-жарти ишиң жанима тийди, бирев адам деп тайиннади, питирип кемейсеме?!*

Яр-яр – [Yar-yar] – туркий сўз. Қизни узатишда айтиладиган қўшиқ, ёр-ёр.

Яхни гўш – [Yakhni go'sh] – форсий сўз. Қайнатилгандан сўнг дам берилган гўшт. *Қөйди сөйип яхни қип қөйиңар, никеде яхни гўшем жибериш керек!*

Яхшиғана – [Yakhshig'ana] – туркий сўз. 1. Яхшигина, ижобий. *Неберем чапанима чиразди яхшиғана қип төқипти. Авқати яхшиғана бөған екен, бас дегинче жедим.* 2. Ёшларга нисбатан қаду-қоматли, ақли расо, гўзал. *Катапаңниң қизиям яхшиғана, тартинмай келин қилабер!*

## Қ

Қабартув – [Qabartuv] – туркий сўз. Шиширмоқ. *Вўзиңнен каттелермен алишаман деп қабағиңди қабартип кепсен.*

Қабақ – [Qabaq] – туркий сўз. 1. Қош билан кўзнинг

ораси, қовоқ. *Ана шӧ, бадам қабақ қиз маңа жахти.* 2. Тавдинг қабағи – тоғнинг ёрилган жойи. *Бир жандар атибем, вӧқ тийдиме-тиймедиме тавдиң қабағиға кирип кетти.* 3. Юқори қисм, тепаликнинг пастлик билан юқорига нисбатан ўрта қисми. *Қаратавдиң қабағида кўп жилқи жайилип вӧтлап жири!*

Қабақли – [Qabaqli] – туркий сўз. Қовоғини солиб юрувчи. *Шу қабахли адамға гапиришгеем журегим батинмайди.*

Қабдал – [Qabdal] – туркий сўз. Эгарнинг ўтирадиган жойи, орқа қисми. *Егердиң қабдали енли бӧпти.*

Қабишув – [Qabishuv] – туркий сўз. Ёпишмоқ, бирикмоқ. *Авел қайнеңди жўнет, қабишиш бӧса қачмайди, ҳали безарам бӧп жайиңди бўлек салдирип жатқичам бӧласан! Ашқазан қабишип кетти, апке тезрек авқатиңди. Қабирғамиз қабишти, тилувзирге жабишмай ертерек қил авқатиңди!*

Қабув – [Qabuv] – туркий сўз. 1. Итнинг тишлаши, қопиши. *Қапқан ийт қутурған бӧмасин!* 2. Пахта, сомон, пахол солинган рўзғор буюмларини тикмоқ. *Ертен ҳамсаяларди ҳашерге айт, кўрпече қабув де, жувалдизлариман кесиннер!*

Қавдан – [Qavdan] – туркий сўз. Адир. *Малларди қавданға ҳайда!*

Қавуз – [Qavuz] – туркий сўз. 1. Доннинг пўсти, кепаги. *Апкеген сабаниң қавуз сабан екен, сийиримман екевмиз саңа дува бериб жатирмиз.* 2. Сабанқавуз – ичига сомон ва қавуз солиниб, бешикка ёш боланинг тагига солинадиган тўшакча.

*Сабанқавуз парчадан,*
*Катапаси Шӧрчадан.*
*Бешиклери тилладан,*

*Насибеси қибладан.*

Қавунқақ – [Qavunqaq] – туркий сўз. Пишган қонунни тилимлаб қуёшда куритиб олиш. *Қавунқахлариңди балентке илмепсен, ийт жеппе, тулки жепе, қирғини кесин, ҳайван бөмасаң, табистанда қақ жегинче қавун жемейсеме, де!*

Қавшаңлав, қавшаңнаған – [Qavshanglav, qavshangnag'an] – туркий сўз. Кўзлари, ҳаракатлари бежо, алдашга мойил киши. *Қуда деген қавшаңнамай, ҳич бөмаса елдиң қадесини берсе!*

Қадалув, қадалинқирав – [Qadaluv, qadalinqirav] – туркий сўз. Санчилмоқ. *Маңа мунча қадалип қарама, қөрқаман. Кўзимде бир нерсе қадалинқирап турипти, бир кўр.*

Қадаға – [Qadag'a] – туркий сўз. Кўз нури, кўрмоқ, қовоқ, нигоҳ. *Қадағамди тигип алти қатар тўшегини қавубем, қизиниң арқасидан қудағий қип жибермебеди, садағамдай бөп, барған қудағийлар сий кўрмей қайтип келдилер, хуп барсин! Қадағаңди қатти тикме, келиниң жаман бөсаям какуликдей бөған балаларди вөйла!*

Қадағалав – [Qadag'alav] – туркий сўз. Қарамоқ, кўз солмоқ, кузатмоқ, назорат қилмоқ . *Мал келди, барини қадағалап кел улим! Сенем адам бөп шө малларға бир қадағаңди сасаң!*

Қаде – [Qade] – туркий сўз. Тўй-маъракаларда амалга оширилиши шарт бўлган удум, урф-одат. *Қадесини қилип, харжисини апармасаң қайнең жөл береме?! Бийке қадемен, кампир вўлдини тайин қөй, керек бөғанда шашип қама! Елдиң қадесини бў десеңем тўлейсен!*

Қадирсинав – [Qadirsinav] – форсий+туркий сўз. Ўз қадрини синамоқ, ўзгалар олдида ўз мавқеини аниқламоқ. *Төйға чақирасизма деп қадирсинап жатиб-жатип, ахири чидамай бир кал ечкини хөржинға салип, кампиримди*

*миңгештирип келебердим.*

Қазан-вӧчақ – [Qazan-vochaq] – туркий сўз. 1. Овқат пиширишга мўлжалланган буюмлар. *Қазан-вӧчахлариңди бир хӧржинға тайин арт, жӧлда авқат қиламиз.* 2. Қозон осиладиган ўчоқ. *Қазан вӧчақа вӧт салип, туташтир, гўш қиздирмасақ жегидей авқатимиз жӧқ.*

Қази – [Qazi] – туркий сўз. Отнинг ичагига гўшти ва ёғини солиб қайнатиб истеъмол қилинадиган емиш. *Илгери елде қази минан қимиз бӧғичеди, енди ат ҳам жӧғалди, вӧ жемишлерем жӧғалди.*

Қазиқ – [Qaziq] – туркий сўз. Ерга ёки деворга қоқиладиган ёғоч ёки темир қозиқ. *Ҳадеп қазиғиңизди қаға берип, дувалди вӧйип тайладиңиз. Кўп зих бӧма, ат айналип қазиғини табади дейди, далип жирип ахири қайтип келеди.*

Қазиқбав чалув, қазиқчалув – [Qaziqbav chaluv, qaziqchaluv] – туркий сўз. Ипни, арқонни қозиққа боғлагандек қилиб, икки марта айлантириб чалиш ҳунари, ҳадиси, арқонни қозиққа солиш учун айлана қилиб боғлаш. *Жибиң калте екен, бир учини қазиқбав қип чалип байласаң, вӧтиниңди байлашқа жетеди. Арғамчини туйун қип тайламастан, қазиқчалув қип байламайсама?!*

Қайдағи – [Qaydag'i] – туркий сўз. Узоқ, бегона, яқин эмас. *Вӧл мениң қайдағи хишим, қайнатса қаним қӧшилмайди, амекимниң айхари, ешшегимниң тайхари!*

Қайим бӧлув, қайил бӧлув – [Qayim boluv, qayil boluv] – туркий сўз. Иқрор бўлмоқ, бўйнига олмоқ, тан бермоқ, мойил бўлмоқ. *Уккағардиң ули ахири пул ағаниға қайим бӧлди! Еки саҳат алишип ахири қайил бӧлип еки қӧлини кўтерди.*

*Ариғиңнан ирғиб вўтмеке қайим,*
*Сен минен бу ахшам жатмақа қайим.*

*Майли, бир пас яна гуруңнешейик* -
*Инсапсиз таң жарип атмақа қайим.*

Қайин – [Qayin] – туркий сўз. Эр-хотиннинг яқин қариндошларига нисбатан ишлатиладиган қариндошлик термини. 1. Қайната – қайнота. 2. Қайне – қайнона, 3. Қайнаға – қайноға. 4. Қайни – қайни ука, ёки қайин ини.

Қайнар – [Qaynar] – туркий сўз. 1. Ёвон жулгесидаги қишлоқнинг номи. *Қайнарға барип катапаңди кўрип кемесең, малал бөлади.* 2. Ердан отилиб чиқувчи булоқ. *Тав жулгесиде қайнар булақлар кўп, ҳар сайдан бир булақ атилиб жатир.*

Қайнаға – [Qaynag'a] – туркий сўз. Куёвнинг акалари келинчакка, келинчакнинг акалари куёвга қайнаға бўладилар. *Қайнағаң уллариға тӧй қилатир, шӧ қӧшқарди қӧшмасақ, хатиниң қиррайип, уйини жавуб жатиб алади, кейин кўресен тамашани.*

Қайне – [Qayne] – туркий сўз. Қайнона.

*«Чачларимди тарайман, кең кўчеге қарайман,*
*Ерим қачан келер деп, мен қайнемнен сӧрайман»!*[11]

Қайрав – [Qayrav] – туркий сўз. 1. Қайрамоқ. *Уста бабаңа бар, пичахларди қайрап бересиз екен, де!* 2. Бир-бирига қарши қайраб уриштирмоқ. *Жараштириштиң вӧрниға буларди қайраб, уялмайсама?!* 3. Баҳорда учиб келган қушларнинг ёйиладиган макони. *Кунлер қизип, қушлар қайравға қайтқанда бизиң тӧйимиз бӧбеди.*

Қайрахлав – [Qayrakhlav] – туркий сўз. Қайроққа ўхшаб чўзинчоқ бўлиб, чатдан чиқадиган дўмбал. Қайрахлавни сигир сўйилган пичоқ билан кесип, дам солинади.

Қайрақ – [Qayraq] – туркий сўз. Кесувчи ва чопувчи

[11] Ушбу сатрлар Россияга ишга кетип, йиллаб қайтмайдиган йигитларнинг умр йўлдошларидан ёзиб олинди.

буюмларни қайраб ўткирлаш учун ишлатиладиган узунчоқ тош ёки темир. *Ҳар нерсениӊ вўзи вўткирлейтиған қайрағи бўлади, қайрамасаӊ вўтмес бўп, ишлетилмей заӊ басип жатабереди.*

Қайрағич – [Qayrag'ich] – туркий сўз. 1. Қайраш асбоби. *Қайчимди қайрағичиӊизман қайрап турмасаӊиз заӊ басип қапти.* 2. Гап ташип уриштирувчи. *Ҳамсаяларди бир-бириге қайрамай, беш вах намазини вўқиса, бўмайма?!*

Қайсар – [Qaysar] – туркий сўз. Ўжар, терс. *Қайсар қайнатаӊ қайнеӊдием шаширип, қадеденем аширип алди.*

Қайталав – [Qaytalav] – туркий сўз. Олдинги касаллик билан қайтадан оғримоқ. *Еки куннен бери шамаллап жатибеди, шамалда Шўрчаниӊ базариға барип яна қайталап қалди.*

Қайтамға – [Qaytamg'a] – туркий сўз. Афсусланмоқ, пушаймон бўлмоқ. *Машин таяр еди, саӊа ишенип қайтамға менем Қўрған бармадим!*

Қайтар аттап – [Qaytar attap] – туркий+форсий сўз. Пешиннан сўнг қуёшнинг ғарбга оғиши. *Тўшенчини буяқа самасақ, ҳали замат қайтараттап уради.*

Қайтарма – [Qaytarma] – туркий сўз. Эскидан қўлланилиб, касаллик ўтказган шахсга нисбатан касалликни қайтариш ниятида амалга оширилувчи ирим. *Палчиға барған екен, бир кўк ечкимен қайтарма буюрипти.*

Қайтмасқара – [Qaytmasqara] – туркий сўз. Ғайратли, ботир, қайтмас ёш болаларга нисбатан қўлланилади. *Ана қайтмасқараӊди вўзиӊ қайтармасаӊ, атасиниӊ телпегини кийип ешшек минип улақа кирмекчи!*

Қайтейин – [Qayteyin] – туркий сўз. Нима қилай. *Пулиӊ бўмаса қайтейин, пул тапта, патир қилип катте-катте же!*

Қайқайув – [Qayqaluv] – туркий сўз. Тумшуғини кўтармоқ, гавдасини тик тутиб юрмоқ. *Машинге минсе, қайқайип атасиниям танимай қалади. Қайқайғанда вўзиниң хишини танимасаям, хатинниң хишини баладай танийди!*

Қайқи – [Qayqi] – туркий сўз. Тўғри эмас, ясси, бели пастга энкайган. *Қайқибел қўйиң желин сапти.*

Қалашан – [Qalashan] – туркий сўз. Шўрванинг оддийроқ, тез тайёр бўладиган, қорин тўйдирса кифоя қиладиган шакли. *Айнаң алар ач кетмесиннер, тезрек бирен қалашан қип қўй, жеб жўнесиннер.*

Қалағай – [Qalag'ay] – туркий сўз. Қолгин. *Бу ахшам бизикиде қалағай.*

Қалбеки – [Qalbeki] – арабча+форсий сўз. Қалбаки, ҳақиқий, табиий эмас, мажбурлаб қолипга солиб ясалган (қолипаки сўзининг лаҳжадаги кўриниши). *Қағази қалбеги екен, вўни қўймадилар.*

Қалин – [Qalin] – туркий сўз. 1. Куёв томонидан келинга бериладиган пул ва мол. *Қиздиң қалинини атаси пичсе аширади, тағаси пичсе таширади, енеси аралашса ҳаммени шаширади, кўпти кўрген чалатаси пичсе туширеди, худа деңер чалатаси пичсин!* 2. Юпқа эмас, қалин. *Қудағийлардиң астиға кўрпечени қалин сал!* - *Тураған қалин пиязиңди сийирдиң ахуриға самасаң, қудағийлардиң алдиға қайтип қўяман! – Шу қиған чизлеримен, кеген вўнеки қудағийға шў пиязам зият, вўннан сийир жесе сут береди, қудағий жесе вўшеке дут береди!* 3. Қўюв. *Жўлдаги қалин жантахтан жирибем бўмайди.* 4. Гап таъсир қилмайдиган одам. *Тағаңнинң териси қалин екен, вўн жил алдин вўн сўм абеди, вўтирсаям айтаман, турсаям айтаман, жўлда жирсеем айтаман, ҳич берей демейди! Тўйға чақирған жўқ деб қиррайип жиргеннен, терини қалин, бетти бетўн қип*

*бараберемиз, кампир!*

Қаллама – [Qallama] – туркий сўз. Қатлама. *Тӧй қиғич сениң хишиң бӧмаса, ериңниң емчекдеши бӧмаса, атаси атаңниң узенгижӧлдаши бӧмаса, енеси енеңниң яреги бӧмаса, қайнатаси қайнатаңниң қурдаши бӧмаса, қайнеси қайнеңниң сирдаши бӧмаса тўрт қаллама қилип, устиге бир ул кўйлек қӧйип улиңнан жиберда, вўзиң бир лаген картишкемен жумурқани қувурип меникиге вўрмек тӧқишқа кел!*

Қалтаңлав – [Qaltanglav] – туркий сўз. 1. Оёғида зўрға турмоқ, у ёқ, бу ёққа қимирламоқ. *Ериң қалтаңлап келишиден ичкенге вӧхшайди.* 2. Хасислик қилмоқ. *Уккағардиң чечеси қалтаңнамай, қапчани тӧлдириң, тапса айнам тавупти! Еки улиман чали Рассиядан пулди жибергенлериге қарамай, катапам дайим қалтаңлайди!*

Қалғип-мулгув – [Qalg'ip-mulguv] – туркий сўз. Уйқуси келип мулгимоқ, уйқусирамоқ. *Мулгиме мулгимей жайиңа жат, ҳадемей жамбашиңнан менем киремен!*

Қама – [Qama] – форсий-архаик сўз. Патли ручка, хома. *Илгери бабаларимиз қама минан хат язғичеди.*

Қанар – [Qanar] – туркий сўз. Камида ўн пуд буғдой (160 кг) сиғадиган улкан қоп. *Пахта терип, қанарға тўгип кетебер.*

Қанжилим – [Qanjilim] – туркий сўз. Совуқ ҳам, иссиқ ҳам бўлмаган илиқ сув. *Қан жилим сув апке қизим, таҳарет қилай!*

Қанжиға – [Qanjig'a] – туркий сўз. 1. Никоҳдан кейинги оқшом. *Айнаң қанжиғаға барип қанниқ вӧйнап кеген.* 2. Баъзи жойларда никоҳ қилиб қизни узатганда, куёвнинг мол сўйиб, қайнотасиникига келиб, кўришиб кетиши ёки қайнотанинг куёвни чақириши. *Қайнатаси куевини*

*қанжиғаға чақирған екен, мал сӧйипти.* 3. Отга бирор нарсани боғлаш учун эгарнинг орқа томонига боғланган қайиш ёки жундан тўқилган ип. *Хӧржиниң бӧмаса, авданиңди аттиң қанжиғасиға байла!*

Қанниқ – [Qanniq] – туркий сўз. Келин-куёв орасидаги никоҳдан кейинги дастлабки амалиётлар. *Қанниқ вӧйнап кеген куевдей гердеймесден, авел вӧтир кейин габиңди гапир!*

Қантарув – [Qantaruv] – туркий сўз. 1. Ўт-ўланларни кўп егизмаслик учун, отнинг оғзига сувлиғини солиб, юганни эгарнинг бошига илмоқ. *Атларди қантар, сувисин, сал дам алайиқ жўнеймиз! Аттиң жугенини егердиң қашиға илип қантарип қӧй! Қара жийрендием қантармасаң, ҳар жанувардиңам жемлеви бар!* 2. Тежамоқ, ризқисини қиймоқ. *Табистанда чўлде малларди вӧтман сувдан бенасип қип қантармай, жайлавға ҳайда, жадрап жирсиннер!*

Қанчиқ – [Qanchiq] – туркий сўз. 1. Урғочи ит. *Қара қанчиқ алти кучук тувупти.* 2. Ала қанчиқ – кун чиқиш ёки кун ботиш томондан есадиган қаттиқ бўронли шамол, довул. *Ҳавлиңди жий, ҳадемей алақанчиқ турип бар нерсеңди жумалатип жийип кетеди!*

Қаншар – [Qanshar] – туркий сўз. Икки кўз орасидан сал юқорироқ, пешонадан пастроқ  қисм, икки қош ораси. *Бир атти ҳудделеп миналмайсама, миңгизмесе урмайсама хамчиман қаншаридан аққан қанди жаласа!*

Қанув – [Qanuv] – туркий сўз. 1. Тўймоқ. *Чайхӧр чайден қандиңма?!* 2. Хумордан чиқмоқ, тўймоқ. *Атасини кўрмей сағинған екен, мейриге қанип келиб, ухлап қалди.*

Қанқ етув – [Qanq etuv] – туркий сўз. Айтилиши мумкин бўлмаган гапни айтмоқ, бировнинг сирини бировга очмоқ. *Қирғини кесин, шӧ қудағийиң қанқ еткенда, шӧннан башқа*

*ҳич-кимниң хабери жӧғеди, бирден қишлақа тарқап кетти.*

Қапи – [Qapi] – туркий сўз. Қўша эшикнинг ёки дарвозанинг шериги. *Ешигиңниң қапиниям жап, ийтиң қапқир жӧлға чиғип биреңтени қӧрқитмасин!*

Қапчиқ – [Qapchiq] – туркий сўз. Ҳамён ёки кичкина қопча, халтача. *Баба, қапчиғиңизди ачабермең, пулдиң жайиға дува берсеңиз бӧлади!*

Қара – [Qara] – туркий сўз. 1. Ранг, тус. *Қуйруғи қӧңир қара қулақ қулунди қабирғасини қабартирип қатти қамчилап чаптирип куйдирмесдан жӧрғалатип милайимғана жӧрттирсаң тез чарчамасдан алис чабади!* 2. Мол. *Қизиниң қарасиға алти қӧй бир буқа сапти.*

Қара уй – [Qara uy] – туркий сўз. Илгари кийиз ёпиб қилинадиган ўтов. *Илгери байлар елге улақ берсе, чабандазларға қӧшхана деп юзта қара уй тигер екеннер.*

Қарабайир – [Qarabayir] – туркий сўз. Мўғул ва туркман отларидан яратилган отнинг тури.

Қарабареӊ – [Qarabareng] – туркий сўз. Қорадан келган. *Чалатаң қарабареӊ, гавдели гўштенели киши еди!*

Қарабақал – [Qarabaqal] – туркий сўз. Ўмбалоқ ошмоқ. *Қарабақал, ечки сақал….*

Қаравулбеги – [Qaravulbegi] – туркий сўз. Бухоро амирлигида живачи ва мирохур оралиғидаги ҳарбий унвон. Тахминан капитан ёки майор унвонларига тенг. *Қаравулбегиси жӧқ ел қаравсиз қалади.*

Қаравут – [Qaravut] – туркий сўз. Тўқ ранг. *Қаравут қизил вӧрамалиңди жамилма, кампир, қариге вӧхшайшан, ахчил қизилди жамил – ачади!*

Қаражал – [Qarajal] – туркий сўз. Қора ёлли от. *Тӧриман тийирманиңди тартсаңам, қаражалди Қаратавдағи улақа бир сал!*

Қаражорға – [Qarajorg'a] – туркий сўз. Қора рангли йўрға от. *Қаражорғани жоғари-қуйи жорғалатмай, қантарип тайла, сувисин!*

Қарайлав – [Qaraylav] – туркий сўз. Орқа қилмоқ, умид қилмоқ. *Ағайин деп сенерди қарайлап кепти, қарашиңар, бу куннерем вўтип кетеди, данедей яхшилиқ кўзиге хирмандай бўп кўринеди, ийнениң кўзидей жаман гап бир вўмир журегиде армандай бўп кўринеди.*

Қарайув – [Qarayuv] – туркий сўз. Қараймоқ, шарпа. *Қошқудуқтиң кўтелиде бир ақ жигули қарайип кўринатир.*

Қаракулче – [Qarakulche] – туркий сўз. Қовуннинг юмшоқ гўштига ун аралаштириб қайнатиб, қовун пўчоқларига қуйиб, кулча шаклида қотириб олиш, туршек. *Енеңдикке барип бир-еки қапча қаракулче қайнатмасаң, ериңниң жириши бул боса, қишта балалариң ниме жейди?!*

Қарал – [Qaral] – туркий сўз. Хизматкор. *Журтқа жарар жигитлер, куннери учун байға қарал бўп жирилер!*

Қарала гилем – [Qarala gilem] – туркий сўз. Келинчаклар юкнинг тагига йиғадиган гилами. *Илгери сетахта минан қарала гилеми бомаса қизди узатмағичеди, енди еки паласман узатип жибереди!*

Қаралди – [Qaraldi] – туркий сўз. Қувват, бошпана. *Ийбадулла қаралди бўп турса, ҳич ким пишегиңди пиш деялмайди, пистени чолақ ешшегиң кўтергениче теребер! Шуғана хаскапеем қаралди, аттапта қасақ шуни қулайлап келемиз!*

Қаралўң – [Qaralo'ng] – туркий+мўғулча сўз. Туяли майдон, туялар юрадиган дала. *Қаралўңге сув чиғип абат боған жили, атаң енеңе жавчи қойибеди!*

Қарамилтиқ – [Qaramiltiq] – туркий сўз. Пилтали милтиқ.

Қараңалатув – [Qarangalatuv] – туркий сўз. Қоронғи

тушишини кутмоқ. *Жездең жарихта жарда жашинип, шамнан сөң қараңалатип, қөй қөтандаги қарахчидай, атир-упалар алип, ағилдиң арқасида пайда бөғичеди.*

Қарасан, аласан – [Qarasan, alasan] – туркий сўз. Сигирларнинг касаллиги. Бу касалликка учраган молнинг сони қорайиб кетиб, гўштини еб бўлмайди. *Малда қарасан бар дейди, сийирларди такит қиңар!*

Қараси – [Qarasi] – туркий сўз. Қизнинг қалинига солинадиган қорамол. *Қизиниң қарасиға алти қөй, еки қөшқар, бир тана сапти.*

Қарасувуқ – [Qarasuvuq] – туркий сўз. Ерда қор бўлмасдан, изғирин совуқнинг давом этиши. *Қөрғанниң қарасувуғи жанимизди аған, тав жағаламлар жили, бундай бала сувуқ емес!*

Қараталақ – [Qaratalaq] – туркий сўз. Йилқида бўладиган касаллик. *Атиң қараталақ бөпти, духтурға қарат.*

Қаратер – [Qarater] – туркий сўз. Кўп терламоқ, терга ботиб меҳнат қилмоқ. *Байқуш балаларим қара терге батип буғдай қибеди, буғдайға қара куе тушти.*

Қарахчи – [Qarakhchi] – туркий сўз. 1. Екинни пайҳон қилувчи, ёки тайёр ҳосилни еб қийратип кетувчи ҳайвонларни ва ўғриларни қўрқитиш учун одам шаклида қилинган қўрқитгич. *Қавунға қарахчи қимасаң жайра жеп кетаятир.* 2. Йўлдан ўтувчиларни қўрқитиб, пул-молини тортиб олувчи. *Қараңада жирме, жөлда қарахчи бар. Пайизман кеме, жөлда қарахчи бар, самалётман кел!*

Қарачирақ – [Qarachiraq] – туркий+форсий сўз. Илгари сополдан ясалиб, мой қуйилиб, чумагига пилта солиб ёқиладиган чироқ. *Кампир, лампучкеге кўп ишенебермесден, қараңада сам-самлап қамастан жарихтиң барида атаңнан қаған қарачирағиңдиям тайярлап қөй! Сөйилған семизгене*

*буқаниң қарнини абисиниңа берсеңем, чарби жавуман қарин жавуни сидирип ал, еритиб қарачирақа саламиз!*

Қарачириқ, қарачерик – [Qarachiriq, qaracherik] – туркий сўз. Бухоро амирлиги шароитида иррегуляр (доимий бўлмаган, вақтинчалик) ҳарбий аскар. *Амиргеем, беккеем зор кесе навкерге, қарачириқа деб бозбалалардиям, елге салиқ сап сурув-сурув атлардиям жийип кетеди.*

Қараши, қарашув – [Qarashi, qarashuv] – туркий сўз. Жаноза маросимида марҳумнинг яқин қариндошлари томонидан иштирокчиларга тортиладиган дастурхон, овқат. Чунки, ўлим бўлган жойда уч кунгача қозон қайнатиш таъқиқланади. *Ағайиннари мард екен, қарашиға мир тана апкеп сӧйдилар!*

Қарақалтаң – [Qaraqaltang] – туркий сўз. Эрта баҳорнинг кириши, тахминан 15-февраль билан 15-март оралиғи, бу даврда тўл олиш мавсими бошланиб, элнинг бош қашишга вақти бўлмайди. *Кампир, қишта қидирип амасақ, қарақалтаң кесе, қалтаңлап қаламиз!*

Қарақаталақ – [Qaraqatalaq] – туркий сўз. Жуда шўх, ашаддий ўйинқароқ бола. *Қарақаталақ ухлади шекилли, уй тинчиди.*

Қарақулақ – [Qaraqulaq] – туркий сўз. 1. Қора қулоқли ҳайвон. *Қара қулақ қулунниң жилавини шипирип уюрге қӧшилсин дебем, жардан учип гўшлери туйир бӧп кетти. Қара қулақ жийренге хамчи керек емес, жугенини сал бӧшатсаң бас!* 2. Хабарчи, агент. *Ана қарақулахти думиңнен иргештирмей жӧғат, екевмиздием басип байлап тапширатқан шӧл!*

Қарижилик – [Qarijilik] – туркий сўз. Молнинг орқа оёғининг иликли суяги. *Қӧйдиң қарижилигини бўлмеңер, қишлағеки найи қилади! Қудаларға қарижилик қӧйиңарки,*

*уят бўмасин тағин!*

Қарин чач – [Qarin chach] – туркий сўз. Чақалоқнинг она қорнида чиққан сочи. *Бу палван қарин чачиман жиребереме, атаси бир қўшқарди авдарип чач алар тўй қип, бабаларини чақирип алдирип тайламайма?!*

Қаришув – [Qarishuv] – туркий сўз. 1. Касаллик, оғизнинг очилмасдан тишланиб қолиши. *Бала беш минуттиң ичида шайтаннап-қаришип қағичеди, ешанбаба вўқиғаннан сўң шу адети қалди.* 2. Совуқдан дириллаб, тишларнинг шақиллаб қолиши. *Қишда ач, қўй бағаман деп қаришип жиргинче, ғариб жаниға бир қўшқарди сўйип гўшини жеб, жавуни ҳўплаб жирмейсеме, сувуқ тасир қимаса?!* 3. Совуқдан ўлиш. *Вўткен жили кичене чилле қатти келип, қўзилар ағилларда қаришип вўлип қалаберди.*

Қариқ – [Qariq] – туркий сўз. Ёш болаларда учрайдиган бурунни ишқалаш касаллиги. *Улиң тинмай бурнини ишилайди, қариқ бўпти, Ҳисардағи жўгилерге апарип қариғини алдир.*

Қарлағач – [Qarlag'ach] – туркий сўз. Қалдирғоч. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 479)да ҳам «қарлағач» тарзида учрайди. *Пишекти уйге қўймаңарки, қарлағачлар чўже ачипти.*

Қармалав, қармав – [Qarmalav, qarmav] – туркий сўз. Бирорта қолдирмасдан ишириб йиғмоқ. *Песе пистени қағип қармалап терип тўрт қапча қилип, сатип пулини хатинимниң қалиниға бердим. Пистени қармалап термесем, маңа хатин бармеди, бир вўмир пахтани қармалап терип бўйдақ бабай бўп вўлме-жаним қип жиребергичем!*

Қарта – [Qarta] – туркий сўз. Отнинг йўғон ичагидан тайёрланиб кўпинча яхна ҳолда ейиладиган емиш.*Қази жесин, қарта жесин,*

*Вӧмиртқани тарта жесин.*

Қартажал – [Qartajal] – туркий сўз. Ҳаддан ошган шўх, ҳеч нарсадан қайтмайдиган ёш бола. *Ана, қартажалиңизди жийиң, хамирларди тепкилеп кетти.*

Қартайув – [Qartayuv] – туркий сўз. Ёши ўтмоқ, қаримоқ. *Бабаңниң вўзи қартайсаям, журеги жаш, жӧлда вӧтирип вўткен кампирлерге гап атади.*

Қартаң – [Qartang] – туркий сўз. Қари. *Қара қартаң қӧйди вўтишиге сатта, пулиға майдарақ бир тӧхли ал, табистанда Тӧхлибайдиң чачиға тӧй қиламиз.*

Қарув, қарувли – [Qaruv, qaruvli] – туркий сўз. 1. Куч, қувват, қувватли. *Жиениң қарувли жигит, авқаттиям қарувли жейди.*

- *Қарувиңиз барма вўзи, арқалаң мына қапти!*

*-Ертан-ахшам чаймен чапети берип, ишлетип, қарувдиям Қаратавдан ашırип башиға жеттиң, кампир!* 2. Аралаштирмоқ. *Сийирға сабанман кунжарани қарип бермесең жемейди.*

Қарувланув – [Qaruvlanuv] – туркий сўз. Касалликдан сўнг оёққа турмоқ. *Тағайим, қарувланип кеттиңизме енди?!*

Қасмар – [Qasmar] – туркий сўз. 1. Қўлга чиқадиган замбуруғсимон яра. *Қасмарға салидӧрди жилитип байласа, жарани пиширеди.* 2. Замбуруғ. *Гале гачче, қасмарди қӧзиқуйруқ деб терип кепти.*

Қаснақ – [Qasnaq] – туркий сўз. Қозоннинг тагида қотган овқатнинг қириндиси. *Қазанниң қаснағини жеме, тӧйиңда қар жавади.*

Қаснақланув – [Qasnaqlanuv] – туркий сўз. Қозоннинг тагига олиши. *Вӧчақтиң чӧғини тарт, аш қаснақланади.*

Қассаба – [Qassaba] – қизлар пешонасига тақадиган четлари баргакли тақинчоқ бўлиб, «чачпатли» қора қушнинг

бўйин патидан соч ҳам чиқарилиб, баргакларнинг пастки ксмига ёпиштирилиб, унинг ўртасига марварид кўзли кумуш ёки олтиндан безак осилиб турган. Бу «хатеп» дейилган. *Кумуш қассабаниң маржан кўзлери маңнайиңда жулдуздай жалтиллап жарашип тури!*

Қассами – [Qassami] – арабча+туркий сўз. Алдамчи, маккор. *Қассами шеригиң айна деб уйимнен чихмағичеди, пулди ап қарасинием кўрсетмей жөғалди?*

Қат – [Qat] – туркий сўз. Асосан овқатларга нисбатан ишлатилиб, бир суюқликка иккинчи суюқликни аралаштирмоқ. *Шўрпаға қатиқ қатсаң тез сувийди.*

Қатаба – [Qataba] – туркий сўз. Тоғлик ва адирликлардаги тошлар қатлами. *Дамерде ана қатабаниң устиде аттаплаб вөтирибеди!*

Қатайув – [Qatayuv] – туркий сўз. Чақалоқ суякларининг қотиши. *Бўбегиң қатайдима, е ҳалием жўргеклеп кўтересеме?*

Қатал – [Qatal] – туркий сўз. Ўта-кетган, қаттиқ, даҳшатли. *Қөшқудухтиң қатал шамали барда, алдиңдағи ашти лагенимен апкетеди, саҳал бөш кесең лагенге қөшип вўзиңдием сайға қаратип диңгиретип кете-ди! Илгери қатал қиш бөғичеди! Вөниң бабаси қатал вөғри еди.*

Қаталав – [Qatalav] – туркий сўз. Ичнинг қотиши. *Бузавчаниң ичини жувмасақ қаталап қамасин!*

Қатарли – [Qatarli] – туркий сўз. Тенгдош. *Вўзи қатарли жигитлермен етеке ишлегели кетти.*

Қатирма – [Qatirma] – туркий сўз. Қозонда ёпилиб, пишириладиган нон. *Хамир қилип тўрт қатирмани қатирмасаң, ахшам бачелер ниме жейди?!*

Қатиқ – [Qatiq] – туркий сўз. Пиширилган сутнинг уютилган шакли.

*Жегени жузум бөсин, вўмири узун бөсин.*

*Жегени қатиқ бөсин, вўмири артиқ бөсин.*

Қатран – [Qatran] – туркий сўз. Яхшилаб тозаламоқ. *Қазаниңди куйдирип қатран қимасаң, кўрген адам бу қазанниң авқатини жемейди!*

Қатув – [Qatuv] – туркий сўз. 1. Юмшоқ нарсанинг қотиши. *Қөрғашинди еритип қуйиб амасаң, сувиди қатип қалади.* 2. Ёш болаларнинг қаттиқ йиғлаши. - *Балаң жилаб-жилаб қатип қалди, емизмейсеме, уйхиң башиңнан қасин сениң, буларди жаш деп ким айтади, бизем жаш едик, баламиз бың десе қаерде жатқан бөсағам ирчип турғичек, вөнда дуваллларда гилем емес, хамчи асувли турғичеди, булардиң заманиға е хамчи жөғалди, е хамчилағич еркеклердиң ғайрати жөғалди, худа берди буларға, уйхудан баш кўтералмайдилар.* 3. Қориннинг шамоллаб, ичакларнинг бураб оғриши. *Қалин кий, ешик сувуқ қатув турмасин тағин, пулдиң жөғида авруманар айна.*

Қатқалақ – [Qatqalaq] – туркий сўз. Баҳорда ёмғир ва жаланинг ёғиши сабабли ер бетининг қаттиқ бўлиб қолиши. *Қатқалахларди бөшатмасақ төпрахтиң астида ниш урған урухлар чихмай чирип кетеди.*

Қачинқирав – [Qachinqirav] – туркий сўз. Узоқлашмоқ, олислашмоқ. *Айнам қараңада қудухтиң башида қарабайир қашқани қантарип чечемниң чашбавудан ушлап, кисесиден нимедин чиғарип бератқан екен, чечем бизди кўрип қачинқирап вўзини панаға алди.*

Қачирув – [Qachiruv] – туркий сўз. 1. Кимнидир қочирмоқ. *Елди ашиңнан, кўпти қашиңнан қачирма.* 2. Урғочи уй ҳайвонини эркаги билан жуфтлаштирув. *Ийнек мўңреп жатибеди, бабаңниң буқасиға апарип қачирмадиңма?!*

Қашиқхалта – [Qashiqkhalta] – туркий сўз. Илгари қошиқ, чўмич ва бошқа идишларни солиб осиб қўйиладиган халта. *Қашиқхалтадан қашиқ алиб жувиңар, жулма аш пишти!*

Қаязғақ – [Qayazg'aq] – туркий сўз. Аёллар ва эркаклар сочларининг тагидаги теридан ҳамда жунли ҳайвонлар терисидан ажралиб чиқадиган оқ кепак. *Буниң башини қатихлап жувмасаң, қаязғақ басип кетипти!*

Қақ – [Qaq] – туркий сўз. 1. Ёмғир ва қорларнинг суви муайян муддат туриши учун қаттиқ жойда қилинган кичкина кўл, кичик сув омбори. *Қатти жерде қақ (х) турар, Ғайратли ерде бахт турар.* 2. Мева ва қовунни кесиб қуёшда қуритилган шакли. *Қавун қақ сасаң жиеннериңмен апаң жейди, самасаң апаңниң қулағини жездең жейди!* 3. Бирор нарсани қоқишға ундаш. *Қазиғини қатти қахмасам, жийрен қазиқти жулип, бегана ахурларға имтилади!* 4. Айни, тўғри. *Қақ(х) туште жаш баламан қаерге барасан? Кессек атибем, қақ маңнайидан тийди. Тарбизди тайлаб жибердим, қақ вӧртасидан бўлинди.*

Қақи – [Qaqi] – туркий сўз. Еса бўладиган ўсимлик. *Баҳерде Қӧшқудуқ барсақ қақи жеймиз, вӧннан Дӧңизадир енсек қавунниң қағини жеймиз!*

Қақира – [Qaqira] – туркий сўз. Деворлари қамиш ва лойдан солинган жой. *Қишқачей қақира тамда жатсағам, қишда жили жайға вўтмесек бӧмайди.*

Қақирав – [Qaqirav] – туркий сўз. 1. Чокидан, тикишидан сўкилмоқ. *Кўйлегиң тигишиден қақрапти, чеч тигиб берейин.* 2. Ўйламай бемаза гапларни гапирмоқ. *Буниң авзи қақрап кетипти, калишти алип бӧсағаға апарип емлемесем, вўчмейтиғанға вӧхшайди.*

Қақиратув – [Qaqiratuv] – туркий сўз. 1. Тикилган нарсани сўкмоқ. *Кўрпеңди қақрат пахтасини ахлап, қабини*

*жувайиқ.* 2. Ўрилган сочни қақратмоқ. *Чачиңди қақрат, вўзим қирқта қип вўрейин!*

Қақирув – [Qaqiruv] – туркий сўз. Томоғини қириб туфламоқ. *Сувдиң башида қақирма, вöбал бöлади!*

Қақшав – [Qaqshav] – туркий сўз. 1. Зирқираб оғримоқ, қақшамоқ. - *Аяқларим қахшап авруятир, кампир сандалға чöх сал аяғимди салай. – Аяқлариңиз тинмай қишлақма-қишлақ хатин қараштан қахшап авруйди, мен сандалға чöх сала ҳалек, сиз таң атмай чиғип хатин қарая ҳалек, сандалға садағам чöх салади!* 2. Бир нарсани қайта-қайта такрорламоқ, зорланмоқ. *Рассияға қишта бармаң деп зар қахшадим, қулақ самай қöтанимди қахшатип кетип, кисеңиздиң қахшағаниям майли, аяғиңиздиям, белиңиздием қахшатип келдиңиз!*

Қақшал – [Qaqshal] – форсий+туркий сўз. 1. Қурумсоқ, хасис. *Қайнең қақшал екен, базарға жиберип бир кўйлеклик пул бермедиме?!* 2. Бирор нарсанинг қуёшда ёки шамолда қаттиқ қуриб қолиши. *Бу қақшал наниңа мениң тишим вўтеме?!*

Қағанақ – [Qag'anaq] – туркий сўз. 1. Аёллар ва урғочи ҳайвонларда ҳомилани ўраб турадиган парда, туғиш жараёнида ёриладиган парда. *Қöйдиң қағанағи жарилди, қöзичақ тувади.* 2. Туққан қўйнинг датлабки сутидан тайёрланадиган овқат. *Қöйимиз тувса, ене, қағанақ қилиң жейик.*

Қаған-қутқан – [Qag'an-qutqan] – туркий сўз. Қолган қолдиқ. *Бизикке жириңер, тöйдан қаған-қутқаннарди жеймиз!*

Қағати – [Qag'ati] – туркий сўз. Юпқа пўчоқли, чақишга қулай ёнғоқ ёки бодом.

*Жанғақ чахтим қағати,*

*Еки вӧймақ, бир жузик –*

*Қизғананиң савғати.*

Қағитув – [Qag'ituv] – туркий сўз. Бировга текизиб гапирмоқ. *Қабағиңнан қар жавуп кегенимнен бери бир чайнек чай қӧйиштин вӧрниға, мунча қағитасан?!*

Қаҳат – [Qahat] – Очлик, озиқ-овқатнинг йўқлиги. *Қимбатчилиқ бӧсаям, қаҳатчилик бӧмасин!*

Қибжиңлав – [Qibjinglav] – туркий сўз. Ҳамманинг жаҳлини чиқариб, ноўрин қилиқ қилиб ўтирган аёл ёки қизнинг қилиғи.

Қидирув – [Qidiruv] – туркий сўз. Меҳмонга бормоқ. *Қайнем уйде жӧх деб хишлариңдикке қидирип жиребересеме, қайнең Кӧлаптан кесе қабириңди қазади!*

Қиз жаширар – [Qiz jashirar] – туркий сўз. Никоҳ маросимидан олдин қизнинг дугоналари томонидан келинни яшириш қадеси. Унда куев жолдашлар келиннинг дугоналарига пул бергач келин топилади ва никоҳ билан боғлиқ асосий қаделар бошланади. *Пулди қӧйув-қӧйув тайласаңар келин табилади, бӧмаса таң атсаям табилмайди.*

Қиз харжи – [Qiz kharji] – туркий+арабча сўз. Никоҳ маросимида куёв томонидан иштирокчи қизлар ўртасида тақсимланадиган пул ёки мато. *Қиз харжиға қизлар юз сӧмнан кам бӧмайди деб аяқларини тиреп турилар!*

Қиз қачирар – [Qiz qachirar] – туркий сўз. Никоҳнинг асосий қаделари (чирақ айналтирар, қол ушлатар, чач сийпатар) тугагач ташқарига ким олдин чиқиш мусобақаси. Бундаям ташқарига ким олдин отилиб чиқса рузғорда устунлик мавқега эга бўлади деган ақида ҳукмрон. Келиннинг олдин чиқиб кетмаслиги учун куёвнинг шериклари эшик ва деразани пойлаб туришадилар.

Жисмоний мавқенинг устунлиги боис ушбу қадеда асосан йигитлар ғолиб чиқишади. *Жигитлер, ешикмен тирезени бағип туриңар, қизлар алдин чиғип шарменде бӧмайиқ тағин!*

Қизилча – [Qizilcha] – туркий сўз. Қизамиқ. *Қизиңа қизилча чиққан бӧса, қӧй гўшмен, қӧй жавдан такит қил!*

Қизғанч, қизғанчиқ – [Qizg'anch, qizg'anchiq] – туркий сўз. Бахил. *Қизғанчиқ бӧма – енең қиз тувғич бӧлади!*

Қий – [Qiy] – туркий сўз. 1. Қўй ва эчкиларнинг қўрасида қалин бўлиб кетган тезаги. *Қайнатаң қийди қийса, бир машин апкесең, қишта раҳат қип жилинасан!* 2. Атамоқ. *Картишкени жеп, гўшини жемей, бавуриңа қимтияпсан, келинчегиңе қийдиңма (қийилдиңма)?*

Қийилув – [Qiyiluv] – туркий сўз. Овқат ейишда кимнидир эслаб томоғидан овқат ўтмаслик. *Кимге қийилдиң, авқатқа туйилип қалдиң?*

Қийирчақ – [Qiyirchaq] – туркий сўз. Майда тошли қум. *Қийирчақ қум апкеп ҳавлини тузет, ай тувса келинчегиңди туширеди.*

Қийиқ, қийинди – [Qiyiq, qiyindi] – туркий сўз. Матонинг кичкина қолдиғи. *Кўйлегиңниң қийиқларини тайлама, қурақ курпече қиламиз!*

Қиймаслик – [Qiymaslik] – туркий сўз. 1. Бермаслик. *Адам қаймағини апасиға қиймайма, қӧй апаңам жесин, бул қӧлидағини сениң авзуңа салади, сен қиймайсан, ахирзаманниң баласида.* 2. Қайчи билан қирқип ташламаслик. *Қийип тайлама, туташ турсин керек бӧлади.*

Қийратув – [Qiyratuv] – туркий сўз. Янчмоқ, қийратмоқ. *Ибрайимбек қизиллардиң атли армиесини қийратип, айрипланиға қағанда илажсиз қалди!*

Қийув – [Qiyuv] – туркий сўз. 1. Газламани майдалаб

кесмоқ. *Кўйлектен қаған атлести қийип тайлама, чечең қолпидайи тоқийди.* 2. Овқатни ёки бошқа нарсани кимгадир атамоқ. *Алмани жемей небереме қийдим, шол қой бағип чарчап келеди.*

Қийған – [Qiyg'an] – туркий сўз. Тоғ ён бағирлари, қияликлар ва ярим қияликларнинг атрофини чорва моллари киролмас даражада қийиб, ишлов бериб экин (буғдой, арпа, нўхат, зиғир, қовун-тарвуз) экиш учун мослаштирилган ҳудуд. *Жилқилариң қийғанниң гирдиде жирген екен, сайға ендирип жибердим.*

Қилий – [Qiliy] – туркий сўз. Ғилай. *Кўзи қилий қудағийиң қадесини тузув самапти!*

Қилихсиз, беқилиқ – [Qilikhsiz, beqiliq] – туркий сўз. Ёш болалар шўхлиқ қилганда бериладиган танбеҳ. *Қилихсизлиқ қисаң тойға апармайман!*

Қиличек – [Qilichek] – туркий сўз. Ловиянинг энди ҳосилга кирган қиличсимон шакли. *Лобиялар қиличеклепти, терип келип бир кескенаш қиңар ичейик!*

Қилғилиқ – [Qilg'iliq] – туркий сўз. Қиладиган иш (салбий маънода). *Қилғилихти қилип қирқ кун қиррайип, қалампир жеген қозидай маңреп келишиңе мен куймей ким куйсин?!*

Қимбатсинув – [Qimbatsinuv] – арабча+туркий сўз. Нархига оғринмоқ, нарсанинг қимматлик қилиши. *Гулистанниң базаридан қошқарди қимбатсинип амебек, Бағаранинг базарида вённанам қимбат екен!*

Қимиз – [Qimiz] – туркий сўз. Байтал сутидан ачитип тайёрланадиган ичимлик, қимиз. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 346)да ҳам учрайди. *Илгери елде саба-саба қимиз боғичеди, Хрушчўп келиб, атлардиңам башиға жетти, қимиздиңам*

*башиға жетти!*

Қимтим – [Qimtim] – туркий сўз. Ҳовуч. *Чечеңнең бир қимтим қури чай сöра.*

Қимтув – [Qimtuv] – туркий сўз. 1. Бир нарсани қисинқираб ушламоқ. *Жипти қöлиңа қимтип ушламасаң, ешип бöмаятир!* 2. Бирор нарсани ўғирламоқ. *Ҳушяр бöл, вўткен мартегидей, дöсиң қурчағиңди қимтиб апкетмесин, жилаб жирсең.*

Қинжир – [Qinjir] – туркий сўз. Эти суягига ёпишган одам. *Қинжир тöймайдиям, семирмейдием, қаримейдием!*

Қиржиңлав – [Qirjinglav] – туркий сўз. Нағмали ҳаракатлар қилмоқ, ўзгаларниң нигоҳини жалб этмоқ учун вужудини ортиқча қимирлатиб юрмоқ. *Қиржиңлаб кўрингенди арқаңнан иргештиргинче, тузув жирсең теңиңди табасан!*

Қирини берув – [Qirini beruv] – туркий сўз. Кўп харажат қилмоқ, тугатмоқ. *Айнаң Астраханнан кегеннен бери алтаяқ чечең базар қаннап пулдиң қирини берди! Ахшам катеке тулки кирип тавухлардиң қирини берипти.*

Қирма сақал – [Qirma saqal] – туркий сўз. Соқоли фақат иягида бир текис ўсган киши. *Бир серсақал, бир қирма сақал чал ҳавлилериңе кирди, хöржиннари тöла еди, жавчи бöса керек!*

Қирмизи – [Qirmizi] – туркий сўз. Тўқ қизил. *Тöйда арахти ах чайнеклерге, канякти қирмизи чайнеклерге қуйип давреге хуп ташидилар!*

Қиррайув – [Qirrayuv] – туркий сўз. Кеккаймоқ, писанд қилмаслик, қирраймоқ. *Қайниңниң қиррайғаниға қöйув қайғирма, қирраймаған қайни қайниме, қайнилердиң қиррайғани қартайғанда қалади.*

Қиршав – [Qirshav] – туркий сўз. 1. Томни ёпганда

қамишнинг девордан чиққан, ҳимоя қисми. *Тамниң қиршавини калте апсаңар, жавун-қар дувалға урғич бөлади.* 2. Қамишдан қилинган вақтинчалик капа, уй. *Сел жавуп қиршавдиям алип кетти.*

Қирқ қурмач – [Qirq qurmach] – туркий сўз. Туққан аёлнинг қирқи чиққач, тишини қотириш учун буғдой қовурилиб бериладиган қовурмоч. *Пичи буғдай тазалаңар, чечеңниң қирқи чихса, қирқ қурмач қип беремен!*

Қирғин – [Qirg'in] – туркий сўз. Уруш, қирмоқ, ўлдирмоқ. *Қирқ жил қирғин бөсаям, ажели жеткен вўледи!*

Қирғини кесин – [Qirg'ini kesin] – туркий сўз. Қарғиш, бировга ўлим тиламоқ. *Вөғирлағичтиң қирғини кесинки, беш жилдан бери елдиң кўкейини қуритиб жири!*

Қисирек – [Qisirek] – туркий сўз. Тоғларда бодом ёки писта дарахтига чирмашиб ўсадиган ўсимлик. Айтишларича ушбу ўсимликни қайнатиб сувини ичган аёл ҳомиладор бўлмас эмиш.

Қисирпая, паманда – [Qisirpaya, pamanda] – туркий+форсий сўз. Бир йил экин экилмаган майдон. *Қисирпаяңа нөхат ек, зөр бөлади!*

Қистирғич – [Qistirg'ich] – туркий сўз. Игнақадоқ, тўғноғич. *Қистирғичиңди бер қөлима тикен кирди!*

Қичқил – [Qichqil] – туркий сўз. Тахир. *Памедуриң яхши пишмеген екен, таматиң қичқилрақ бөпти.*

Қишлақ – [Qishlaq] – туркий сўз. Аҳолининг доимий яшаш, ёки чўпонларнинг қиш мавсумини ўтказиш пункти. *Қишта қишлахта, язда жайлавда яшап, қишлағекинием танимайман.*

Қишлағеки – [Qishlag'eki] – туркий сўз. Қишлоқдошлар. *Төйини қишлағекиси абат қилди, ашпазиям вўзиден, артисиям вўзиден, палваниям вўзиден, чөчах кесер устасиям*

*вўзиден!*

Қияқ – [Qiyaq] – туркий сўз. Адирда ўсадиган мевали ўсимлиқ. *Қияхтан терип кеңер, қайнатип ширини қилайиқ.*

Қөбиз – [Qo'biz] – туркий сўз. Ёғочдан ёки тунукадан ишланган мусиқа асбоби, чанқовуз. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 346)да ҳам учрайди. *Мен ниме деймен, қөбизим ниме дейди!*

Қөзи қарин – [Qo'zi qarin] – туркий сўз. Баҳор ёмғиридан сўнг тоғларда чиқадиган, айни пайтда маданийлаштирилган ўсимлик. *Қөзи қарин илгери баҳарде тавда табилғичеди, ҳазир жил вөн еки ай шаҳарлердиң базарида бижғиб жатади!*

Қөзи қуйруқ – [Qo'zi quyruq] – туркий сўз. Қўзи қориннинг қўзининг қўйруғига ўхшаб ёйилиб ўсадиган маззали тури. *Баҳарде тавға чиғип, пичи қөзи қуйруқ жеп кемесек, шаҳардиң шөрпасиям бадке урди!*

Қөл – [Qo'l] – туркий сўз. 1. Қўл. *Даррев тилиңмен қөлиңди ишлетмей, каллеңди ишлет!* 2. Келинлар юкини йиққанда серпенинг ўртасида осилиб турадиган зийнат. *Қөлдиң тупеклерини ким тўгибеди, текис кемей, мөнчахлари турли хил чиғипти, катте Қөрғаннан ах мөнчақ табилмадима, е келинчектиң енесиде парасат табилмадима?!*

Қөл ушлатар – [Qo'l ushlar] – туркий сўз. Никоҳ маросимида келин ва куёвнинг қўлларини ушлатиш қадеси. *Куев бачче келинчектин қөлини кўп тартип майип қип қөйма, ҳали бу қөллар саңа кўп керек бөлади!*

Қөл харжи – [Qo'l kharji] – туркий+арабча сўз. Йўлга чиқишда ёки қаергадир бориш учун ишлатиладиган маблағ. *Тағайиңниң қөл харжи жөқ, қөли жуқа, бөмаса Жарипқөлға жетти марте барип, келинини баҳарге қалдирмай кузек*

*туширип ағичеди!*

Қолайлав – [Qo’laylav] – туркий сўз. Чамаламоқ. *Айнаңниң уйде екенини қолайлап барип вўзиден сўрасаң жёх демейди, чечеңнен сўрап жатма, чечең ериниң хишиға битинием қиймайди!*

Қолбав – [Qo’lbav] – туркий сўз. Бешикда боланинг қўлини боғлашга мўлжалланган энли боғ, қўлбоғ. *Чўчағини жегир, қолбавуни бўшат улимниң, чибиннарини вўзи қорисин! Жаш гўдек гўшсирайди, қолбавларимди сатип гўш ап жейин дейди!*

Қолвўрамал, қолпидайи – [Qo’lvo’ramal, qo’lpidayi] – туркий+форсий сўз. Чўнтака солиниб, қўл артиш учун мўлжалланган рўмол. *Айнаңниң қол вўрамалини жувип, кисесиге сап қой! Куев жёлдашлар қури кетмесин, биртеден қолпидайи бериңер!*

Қолдиң хайири – [Qo’lding khayiri] – туркий+арабча сўз. Біровга ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, билмаган нарсасини бажариб бермоқ. *Балалари дириллеп жирген екен, чапан тигип бердим, майли балам, қолимниң хайири.*

Қоли қалп – [Qo’li qalp] – туркий сўз. Қўли эгри, ўғри. *Жёлдашиңниң қоли қалп, эҳтият бўп, пулиңди жашириб жир!*

Қолма-қол қилув – [Qolma-qol qiluv] – туркий сўз. Ўзаро ёрдамлашмоқ, кўпчилик бир-бирини қўлламоқ. *Қолма-қол қисаңар тўям яхши вўтип кетеди.*

Қолчилик салув – [Qo’lchilik saluv] – туркий сўз. Курашда қўл кучи ёрдамида йиқитиш усули. *Уккағардиң ули қолчилик салип жиғитти!*

Қомақай – [Qo’maqay] – туркий сўз. Чақалоқнинг онасининг кўкрагини иштаҳа билан эмиши. *Балаң ач қапти екен, қомақайлап емишиге қара!*

Қӧмпайув – [Qo'mpayuv] – туркий сўз. Тўмпаймоқ, кўпайиб-кўтарилмоқ. *Қӧйниң қӧмпайип турипти яна хирманнан пахта вӧғирладиңма?*

Қӧнағаши – [Qo'nag'ashi] – туркий сўз. Қўналға оши, қўноқ оши, меҳмон оши. Кейинги йилларда янги уйга кўчиб ўтган, янги янги жойга кўчиб келиб қўнган кишиникига ҳам «қонағаши» олиб бориш, одат тусига кирган. *Қӧнағашини қӧйув қилип ке, қайнағаң кеген!*

Қӧңир – [Qo'ngir] – туркий сўз. Тўқ жигарранг. *Қӧнгир қӧйиқ қатабаниң астида егиз қӧзи тувипти!*

Қӧңқайув – [Qo'ngqayuv] – туркий сўз. Кўзга ташланмоқ, улканлашмоқ. *Еки кишиниң жайини егелеп қӧнқайиб вӧтирмасдан, бир аяхлаб чӧнқайип вӧтир ел сийсин! Вӧртада қӧнқаймай бир жахли вӧтир!*

Қӧнув – [Qo'nuv] – туркий сўз. 1. Учадиган предмет ёки қушнинг қўниши. *Шу самӧлёт қӧнса, Рассияға кеткен айнам тушип, маңа кўйлек ап келеди!* 2. Меҳмон бўлмоқ. *Бек бӧмасаңам, бек қӧнатиған мейманханаң бӧсин!*

Қӧр – [Qo'r] – туркий сўз. Йирикроқ давра. *Мейманнарди қӧрға вўткезиңер!*

Қӧрбаши – [Qo'rbashi] – туркий сўз. 1. Даврабоши. 2. «Босмачилик» йиллари йирикроқ куролли гуруҳ бошлиғини ҳам қўрбоши дейишганлар. Иброҳимбек қўшинидаги ўрта қўмондон.

Қӧра, хӧра – [Qo'ra, kho'ra] – туркий сўз. 1. Атрофи беркитилиб, усти ёпиқ ёки очиқ бўлиб, чорва молларини қамашга мўлжалланган жой. *Қӧйларди қӧраға қама, палекти жеп кетеди! Қӧрани шипирда қумалақларди қирдан аширип тайла!* 2. Улоқ чопишда чавандоз улоқни олиб келиб ташлаши шарт бўлган ўра. *Қӧраға улақ тайлаған чабандаздай ҳампиясан!*

Қөриқ жер – [Qo’riq jer] – туркий сўз. Илгари ёки қачонлардир экин экинган, кейинчалик ташлаб қуйилган ёки ҳали ишланмаган, деҳқончилик қилинмаган, экин экишга яроқли, сувсизликдан қақраб, қуриб ётган асов текислик, улкан ҳудуд. *Ел ҳашермен қөриқ жерлерди абат қип, жаннетке айналтирди!*

Қөрув – [Qo’ruv] – туркий сўз. Асрамоқ, қаравуллик қилмоқ. *Буғдайиңди севуп бердим, буяғини вўзиң қөриб ал!*

Қөруқ, қөриқ – [Qo’riq, qo’ruq] – туркий сўз. Уюрда отларни ушлаш учун мослаштирилган арғамчи-сиртмоқ бўлиб, қоруқнинг ёғочи уч метр атрофида бўлиб, салма ва мустаҳкам арғамчидан ибоат бўлади. *Қөриқти алда, уюрдеги қара дўненди ушла.*

Қөрған – [Qo’rg’an] – туркий сўз. 1. Жанубий Тожикистондаги шаҳар, вилоят маркази - Қўрғонтепа. *Қөрғанниң барекети башқа, Қөрғанға фил авнаған!Қөрғантўбе қөр салди,*

*Чапча қавун төр салди.*

*Қизиллари қурисин,*

*Мусурманға шөр салди.*

*(Афғөнистөнлик лақайлар термаларидан).*

2. Уруш ва талончиликдан ҳокимиятни ва аҳолини ҳимоя қилиш учун шаҳар атрофига ўралган девор, қаъла. *Бурунғи заманда кўпчилик бекликлердиң қөрғани бөған.* 3. Бирор нарсанинг атрофига девор кўтармоқ. *Ҳавлиңди қөрғаннап апсаң ашна, қаерден киришимиздием билмеймиз!* 4. Суянчиқ, эга. *Қөрғани бардай қутурип алишмайсама, мөйниңди ичиге тартиб, даврени айналғанча!*

Қөтанлав – [Qo’tanlav] – туркий сўз. 1. Қўтонга қамаш. *Қөйлар қөтаннағанда қудухтан барип сув ап кемесең, сувимиз тамөм бөп қапти.* 2. Кечани ўтказмоқ, ётмоқ.

*Аттан тушип абзеллерини ап қойиңар, кеч болди, бугун шу ерде қотаннаймиз!*

Қотарув – [Qo'taruv] – туркий сўз. 1. Суюқ нарсани бир идишдан иккинчи идишга бирор пиёла ёки коса воситасида солиш. *Қазаннан жавди қотариб ал, сувипти.* 2. Ичмоқ, сипқормоқ. *Айранди ягдастемен қотар! Арахти шишесимен қотарғинча, товба қип, беш вахт намазиңди воқисаң бойма?!*

Қотир – [Qo'tir] – туркий сўз. 1. Жароҳат ёки яра туфайли қон ёки зардобнинг қотиб қолиши. Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достони (- Б. 178)да:

Ичимда ҳажр ўқи солганда ёра,

Қўтурдин анга захми ошкора, - дейди.

*Ечкини қотир жояди, унди патир жояди. Залимрек еркек боса: Қотир ечкини сояди, унди жойдиң деп хатинниң кўзини вояди!* 2. Бугунги кунда рус тилидаги «хутор» топониминининг маҳаллий лексиконда ифодаланиши сифатида қаралсада, лекин А.Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 97)да "қутр" сўзи "минтақа", "томон" сифатида берилиб:

Қуйию-юқори, ул тийру ул тор,

Фалак даврида қутр айлаб падидор, - дейди. Демак, "қутр" асли туркий сўз. *Қотирға айнаңдикке бариңар, айнаң қой сойипти, қой кечкен шорпаға тойип келесеңер!*

Қош – [Qo'sh] – туркий сўз. 1. Одамлар ўтириш, дам олиш ёки вақтинча яшаш учун қамишдан, каврекдан ёки бошқа ёғочлардан қилинган уй, айвон. *Адирда каврек кўп, қош қуриңар қошхана қимасақ, мейманнар мейманханада тиғилишип қалаятирлар!* 2. Икки ҳўккизни, икки отни ёки икки эшакни қўшиб, ерни ҳайдаш, қўш ҳайдаш. *Қош ҳайдағич жигитке хўшемет қимасаң, кимге қиласан!*

*Ҳўккизлерди сувитип, сөң қөшқа қөшиңар!* 3. Қўша, эгиз. *Ери-хатин қөш ҳўккиз. Қөша хатин алиб, ишлетип, вўзим қидирип жиримен деб, қөш хатинниң қарғишидан қачқали гўр таппай қалди.* 4. Қош-қош (қўйларни ҳайдаш). *Қирғини кегир қара қөшқарди қөш де, сари савлихти жиғитип тайлади.*

Қөшатар милтиқ – [Qoshatar miltiq] - туркий сўз. Ўқдонига қўш патрон жойлаштириладиган, икки зарядли милтиқ. *Жашлиғимизда қөшатар милтихти алип Қөшқарбулақтиң тўбесиге авға чиғип кийик атқичек.*

Қөшивуч, қөшиғич – [Qo’shivuch, qo’shig’ich] – туркий сўз. Икки қўлни қўшганда сиғадиган ҳовуч, сиғим, ҳажм. *Сувди қөшивучлап ичеберди-ичеберди байқуштиң жөл жиремен деб журеги куйип қаған екен. Еки туйирмен бир қөшивуч гуручти қайнатсаң, куевиң төяди, қайнатмасаң ертен уйига барип қизиңниң кўзини вөяди!*

Қөшкереге – [Qo’shkerege] – туркий сўз. Ўтовда устма-уст қўйилиб, боғланадиган девор. Яйловга кўчишда қўшкерегелар қўл келиб, улар нисбатан кичик ва ихчам қилиб ясалиб, ўтов тикишда устма-уст қўйилган. *Қөшкерегели вөтав балент келеди, улима қөшкерегели вөтав қип сөң келин туширемен!*

Қөшхана – [Qo’shkhana] – туркий+форсий сўз. Меҳмонларга аталган хона. *Қөшханаға чачаладан басип саңар, уятли мейманнар қөндилар!*

Қөшқар – [Qo’shqar] – туркий сўз. Қўчқор. *Тўл аламан десеңиз, сурувге Ҳисари қөшқар апкеп қөшиң, маҳаллий қөшқардиң тўли бөлама, тағайим?!*

*Ешитип қөй ағайин,*
*Жетмиш қөшқар бағайин.*
*Умиткашлер бөйниға*

*Гўштен мӧнчақ тағайин.*

Қӧянчиқ, қуянчиқ – [Qo'yanchiq, quyanchiq] – туркий сўз. Тўсатдан оёқ томири тортилиб оғрийдиган касаллик, баъзи ҳудудларда ушбу касалликни даволайдиган табибни ҳам шу ном билан атайдилар. *Қӧяниң бӧса, қӧянчиқа бар! Қӧянчиғиң бӧса Ташчечеңе бар, тўрт марте тамириңди уқаласа, тағайиңниң тайхаридан жӧрғалап кетесен!*

Қӧқув – [Qo'quv] – туркий сўз. Йиғиштирилмаган, тартибсиз. *Ким айтади буларди жаш хатин деп, кун туш бӧпти ҳавли қӧқип жатир, бизем жаш аял едик, таң атмастан катекте хӧразларди вӧятип, саккиз сийирди савуп сутини пиширип, ахлиғини салип, кечеги қатихти чахчек тартип, бу арада кеген хамиримди пиширип таң атти жаңа тартилған маске жавға қайнемниң алдиға жашмич жанчип қӧйип, партигимди алип пахтаға кеткичем, улим вӧянса қайнем арқамнан емиздиргели кўтерип барғичеди!*

Қуба – [Quba] – туркий сўз. Оқчил сариқ, бўз рангли. *Ақ қубали атли адам ҳавлиңизге кирди, улиңиздан пул апкелди, шекилли!*

Қуббе – [Qubbe] – арабча сўз. Гумбаз шаклидаги заргарлик анжоми, асосан қизлар тиккан мапремеч, айнахалта, қол, жукчариғич, серпе, чачбав ва бошқа кашталарининг қуйи қисмидаги тупекларга осиш учун танга ва алюминдан гумбаз шаклида ясатилиб, ишлатилади. *Шабекиси тазза теңгеден екенув, қуббелери алиминнен екен, қарайип қапти.*

Қувалав – [Quvalav] – туркий сўз. Орқасидан югурмоқ, қувмоқ. *Қувалайман деп қӧрқитмаң, қувалай-қувалай кўкейиңиз қурийди!*

Қувишқан – [Quvishqan] – туркий сўз. Отнинг

абзалларидан бўлиб, отнинг думининг тагидан ўтказиб боғланадиган нарса.

Қувурма – [Quvurma] – туркий сўз. Гўштнинг қовурилган шакли. *Қудағийға қувурма тартмасаң уят бөлади!*

Қувурма шөрпа – [Quvurma shorpa] – туркий+форсий сўз. Гўштни қовуриб хумларга босиб қўйиб, шунингдек, хом гўштни қовуриб тайёрланадиган шўрва. *Қувурма шөрпа қиған бөсаң, бир тарбиз сөй бөлади, қудағийди ҳар кегенде қувурма қөйип жаман уйретме!*

Қувуш – [Quvush] – туркий сўз. Муллага ўқитилган касал, чиллали ёки нозик жароҳатли уйга ташриф буюрган қўни-қўшниларнинг кийимидан олиниши лозим бўлиб, исириққа қўшиб тутатиладиган кичкина ип. Ташриф буюрган киши ўз касалини қолдирган тақдирда ҳам уни «қувиш» учун тутатилади. *Улиңниң қөлини ҳалаллаған бөсаң уч кунгечей устиге киргеннен қувуш алиб дутет!*

Қуда – [Quda] – туркий сўз. 1. Бир-бирининг ўғилларига қиз олиб, қиз берган эркаклар. *Қудамниң тили табилмайди, қудағийимниң жағи жабилмайди.* 2. Қизга келган совчилар. *Қудалар кесе, авзуңизди маккем аңда, алти кийимлик атлестиң е вўзини талеп қилиң, е пулини!*

Қудағий – [Qudag'iy] – туркий сўз. Бир-бирига қиз берган, ёки қиз олган аёллар. *Қудағий қиррайғаниман қудамиз қадрдан, март, еки төғиздан кечип жиберди!«Қудағийди айлағин,*

*Тал қазиқа байлағин.*
*Қадесимен кемесе*
*Тар ағилға жайлағин.*
*Хөшиң тутса алдиға,*
*Хам гундини шайлағин.*
*Хөш тутмаса жибитип*

*Сабан тӯгип тайлағин.*
*(Бу гаплер бари ҳазил,*
*Хишлихтиям вӧйлағин!)»*

Қудуқ – [Quduq] – туркий сӯз. Қудуқ. *Илгери Қӧшқудухта Али бабаниң еки қудуғи бӧлип, ел кӯчип кегеннен сӧң қудухларам кӯбейди!*

*Кимнер қазар қудухти, ким ичер сув-сувухти.*

Қуйишқан – [Quyishqan] – туркий сӯз. 1. Эгар-тӯқимнинг олдинга кетмаслиги учун от ёки эшакнинг қуйруғига боғланган қайиш, ёки ип. *Егерди алиш учун авел қуйишқанди бӧшат.* 2. Бир маромда ушланиб туриладиган тартиб. *Уке, ҳамме нерсениң чегараси бар, қуюшқаннан чихма!*

Қуймақ – [Quymaq] – туркий сӯз. 1. Хамир қорилиб, ёққа қовурилган қатлама, бӯғирсоқ ва чегелдекларнинг умумий номланиши. *Жав куйдирсең, пичи қуймақ қил, жейик, қалашан шӧрпаң ичимди жувип кетти!* 2. Қизни унаштириб, чегелдек жӯнатиш, фотиҳа қилиш. *Қиздиң аяғини байлап қуймағини жиберип қӧй, вӧяғи улиң Рассиядан кегенде бӧлебереди.*

Қуймич – [Quymich] – туркий сӯз. Бӯкса, думғаза. *Укал қилдираберип, қуймичимди алалмай қалдим!*

Қуйруқ – [Quyruq] – туркий сӯз. Думба. *Ҳайит вӯткеннен сӧнг хинани қуйруғиңа қӧй. Еплегени гӯш жесин,*
*Қуйруқ, бавур, тӯш жесин.*
*Еплемеген жигитлер*
*Саргерден бӧп таш жесин.*

*Алисдағи қуйруқдан, жувухтағи вӯпке яхши. Узақдағи қуйруқ деп, қарипдеги вӯпкеден қама! Қуйруқ жеймен деп ачиңнан қутурғиниңча, тайяр вӯпкени жеп, тӧйипқана қайқайип вӧтир!*

Қуйруқ жав – [Quyruq jav] – туркий сӯз. Думбанинг ёғи.

*Қөшқарди қайнеңе бергиниңче, қишда сөйип, ғарипкене жаниңа қуйруқ жавди еритипкене жесең, бөмағичедиме?*

Қулақ – [Qulaq] – туркий сўз. 1. Инсон ва жониворларнинг эшитиш органи. *Куевиң куевлеп жиргенде қулағиңа сирғани кўбейтип ал, узатип ап кетсе, башқа аппермейди, еркеклердиң ериши келинчегини узатип ағинча!* 2. Сувнинг қулоғи. *Қулахти жап, сув урип кетти.*

*Кимнер ачар булахти, кимнер бурар қулахти.*

3. Тикилган кашталарга ип ўтказиш ёки бошқа мақсадлар учун ёпиштирилган қўшимча қулоқли кашта. *Чимилдихтиң қулағидан мына жипти вўткезип, қазиқ қағип байлаңар!*

Қулин, қулун – [Qulin, qulun] – туркий сўз. Отнинг олти ойга тўлмаган боласи, олти ойлиги – жабағи, бир йиллиги – той бўлади. *Шу қулиниң бөлатиған, енесиден айрилса, маңа бер, бир дўнен ат беремен!*

Қулли бөсин – [Qulli bosin] – туркий сўз. Қутли, қутлуғ бўлсин. *Тағайим, төй қулли бөсин, жашларға бир дува бериң.*

Қулуп урув – [Qulup uruv] – арабча+туркий сўз. Қулф солмоқ. *Ашханаңа қулупти ур, бар буғдайдиң ҳаммеси шөниң ичиде!*

Қулқунтай – [Qulquntay] – туркий сўз. Синчалак қуш. *Қулқунтайди вўлтирмеңер вөбал бөлади!*

Қулқунтайдиң уяси – [Qulquntayding uyasi] – туркий сўз. Синчалак қушнинг уяси. Жун пайпоқ шаклида бўлиб, кўп дардларга даво ҳисобланади. Жумладан, аёллар кўзи ёришида ҳам қулқунтай уясини исириққа қўшиб тутатишади. Бадандаги яра-чақалар ва қон кетишни тўхтатишда ҳам аҳоли томонидан фойдаланишади. *Қулқунтайдиң уяси дари бөлади, апкеп уйиңе асип қөй!*

Қумалақ – [Qumalaq] – туркий сўз. Қўй ва эчкиларнинг

тезаги. *Қумалахти жийип чекменташ вӧйнағинча, қавунди тилип қақ қил, қишда қумалақ емес, қақ жейсен! Бир қумалақ бир қарин жавди саситади!*

Қумалақ ашув, тӧмақан ашув – [Qumalaq ashuv, tomaqan ashuv] – туркий сўз. Ёш болаларнинг ўйини. *Кўп қумалақ ашмаңар, бӧйиннариң қайтип кетеди.*

Қумартқи – [Qumartqi] – туркий сўз. Заҳарга синоним сифатида, кўп ҳолатларда заҳар сўзи билан параллел ишлатилади. *Туз арзан екен деп авқатқа қӧшимичлаб салип қумартқи қип жиберипсен. Сениң бу заҳар-қумартқи чайиңди қайтип ичемиз.*

Қур – [Qur] – туркий сўз. 1. Кўпчилик кишининг бир жойга тўпланиб туриши ёки ўтириш. *Бекевул қурға қараң, жаңа кегеннер бӧса, аш дең, апарайиқ! Кегеннер қур тутип, еркеклер бир бўлек, аяллар бир бўлек бӧп вӧтирдилар.* 2. Ўтовнинг кереге ва увиқларини жузигидан ўтказиб боғалайдиган жун ёки пахта ип. *Қурди қуватли жигит байламаса, сийир ишқалансаям вӧтав қимиллап жатади.*

Қуралқи – [Quralqi] – туркий сўз. Тенгдош, қурдош, қуролдош. *Вӧлар қуралқи, дайим шуйтип жейишип жиредилер!*

Қурақ – [Quraq] – туркий сўз. Турли матоларнинг қийиндиларидан тикилган нарса. *Қурақ кўрпечеңди қудағийға тўше, асти қалин бӧса, қабағи ачилипқана вӧтиради.*

Қурбанниқ, қурбанлиқ – [Qurbanniq, qurbanliq] – арабча+туркий сўз. Қурбон намози ўқилгандан сўнг садақа сифатида сўйиладиган мол. *Қурбанниқа сӧйилған мал гўшининг алдини ҳамсаяңа, сӧң ағайиниңа, вӧннан сӧң муҳтажларға  бер.*

Қурдаш – [Qurdash] – туркий сўз. Бир даврада ўтирувчи,

тенгдош. *Атаң вўлсеем, атаңниң қурдашлари вўлмесин, ҳарбирини кўргениңде атаңди кўргендей бөласан!*

Қурей-қурей – [Qurey-qurey] – туркий сўз. Қўйларни чақириш ибораси. *Қурей-қурей де, қөйлар арқаға қайтсин.*

Қуриқөл – [Quriqol] – туркий сўз. Бўш, ҳеч нарсасиз. *Жиениңниң төйиға қуриқөл барғинча бир ахлиқ апар!*

Қурлиқ – [Qurliq] – туркий сўз. Илгари қимизни питшитиш учун ишлатилган меш. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 439)да ҳам учрайди. *Айнамниң жаширип қөйған бир қурлиқ қимизи бир давре адамди төйдиради!*

Қурмач – [Qurmach] – туркий сўз. Буғдойнинг қовуриб пиширилган шакли. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари (Том 1. – Б. 454)да ҳам «қуғурмоч» сифатида учрайди. *Кампир қурмач қил, жумаҳа кун жайлавға жўнеймиз!Халтаңизға қурмач салдим – жесин деп,*

*Мен айнама хатлар яздим – кесин деп.*

Қурсақ – [Qursaq] – туркий сўз. Қорин, ошқозон, вужуд. *Байқуш қаратип-кўрсетип енди қурсағиға бала бөғанда балинсеге тушипти, худаниң вўзи қарасин! Уч куннен бери ач жатқан бөсаң, қурсағиңам қабишип қағандир.*

Қуртаба – [Qurtaba] – туркий сўз. Қурутни эзиб, сари ёғ билан аралаштириб ейиладиган овқат. *Катапамниң былтур қишта қиған қуртабасиниң тами ҳали авзумнан кеткен жөқ! Иссиқ патирди турап, қуртабани ғажиб жесең, шаҳардиң шашлиги вөниң алдида намақул қилади.*

Қурумсақ – [Qurumsaq] – туркий сўз. Қурумсоқ, хасис, бахил. *Қурумсақлиқ қимай қайнеңе бир жаңа даккене апперсең вўлесеме?!*

Қурчақ – [Qurchaq] – туркий сўз. Қўғирчоқ. *Никеде бир*

*бешикче алип, еки қурчақ қип сал, бу елдиң тамили, қимасаң қудағийлар куледи.*

Қутб, қутуб – [Qutb, qutub] – арабча сўз. Йўлчи юлдуз. *Ибрайимбек елдиң қутуби еди, вөннан сөң ел титилди.*

Қутухлав, қутихлав – [Qutukhlav, qutikhlav] – туркий сўз. Табрикламоқ, қутламоқ. *Катапалариңниң келиннерини қутихлап келейик, сөң Саргезен кетемиз.*

Қушнач – [Qushnach] – туркий сўз. Ирим-сиримлар асосида даволовчи шахс. *Қушначқа барип, чирақ жахтирип қайтарма қилдирипти.*

Қуюшқан – [Quyushqan] – туркий сўз. Узангининг товон қисми. *Улахта етигиң тузув бөмаса, аяғиң қуюшқаннан чиғип кеткидей бөса, вўзиң улақ тартилип кетесен!*

Қуянчиқ, қөянчиқ - [Quyanchiq, qoyanchiq] - туркий сўз. Оёқ касаллиги. *Сениңем қуянчиғиң бар балам, Ташичечең бөғанда еди, аяғиңди уқалап қуянчиғиңди жөғатғичеди!*

## Ғ

Ғабалақ – [G'abalaq] – туркий, архаик сўз. Қамиш ўрилгандан қолган қолдиғи. *Қөй баққуч бачелер ғабалақа вөт қөйиптилар.*

Ғавача – [G'avacha] – туркий сўз. Момиқ пахтанинг атрофидаги қобиғи, чаноғи, пахтаси терилган чаноқ. *Бир қанар ғавача ап кесең тўрт марте тандириң қизип, жижихли патир пиширсең балағаналариң раҳат қилади.*

Ғавурақ – [G'avuraq] – туркий сўз. Тиғисроқ, ғовроқ. *Маккейиң ғавурақ бөпти, ягене қимасаң думбул туйиши қийин.*

Ғажитув – [G'avuraq] – туркий сўз. Тўкиб-сочиб, тўзғитиб. *Катектиң авзуни байламапсаңар, бир тавухти*

*ийт ғажиб жепти.*

Ғайзалав – [G'ayzalav] – туркий сўз. Эзиб чайнамоқ. *Ахшам сӧйилған қӧйдиң терисини ийт ғайзалап тайлапти!*

Ғайзаң – [G'ayzang] – туркий сўз. У ёқ – бу ёққа югурмоқ, чаққон, ғайратли. *Ғайзаңнамай қӧйдиң қийини вӧчақа салиб вӧт жақ, қазандағи сув жилиса башиңди жуваман! Минав ғайзаң, авзудағини алдирмайди!*

Ғайғин – [G'ayg'in] – туркий сўз. Жанжалчи. *Ғайғин қайнеӊ яна қизини алдиға сап кеттиме?!*

Ғалминди – [G'almindi] – туркий сўз. Яхши пишган қовунни қириб, эзиб, ун қўшиб, қозонда ёққа қовуриб, юпқа билан булаб истеъмол қилинадиган овқат. *Илгери Ғаравутиниң ғалминдисини жеген адам, уч кун тӧйип, какирип Жиликўлдиң дайрасидан сувди жатип симирип кегичеди, енди е қавун бӧғич жерге кўз тийди, е қавун қиғич ерге кўз тийди.*

Ғана – [G'ana] – туркий сўз. …гина. *Жалғизғана байталим жардан учиб жӧғалди. Майдағана улақти уллар улақ тартшилар.*

Ғанек – [G'anek] – туркий сўз. Янчилмаган ғалла уюми. *Буғдайди вӧрип чиғинада ташип, ғанек урип тайладиқ, чаперлеп жанчибам асақ, қутилғичек!*

Ғарав – [G'arav] – туркий сўз. 1. Ёвон жулгесидаги аҳоли яшаш пункти. *Ғаравға катапаңдикиге барсаң ғарав қамиш апке, сабав қиламан!* 2. Ичи ковак, енгил. *Вӧрған қамишиңниң баригенеси ғарав екен, қамиштиң астидан шаппе тайламасаң бӧмайди!*

Ғарав қамиш – [G'arav qamish] – туркий сўз. Ичи ковак қамиш. *Ғарав қамиш сувдиң лебиде кўп бӧлади.*

Ғарав қашиқ – [G'arav qashiq] – туркий сўз. Россиядан келтириладиган гулли енгил ёғоч қошиқ. *Базардан жийирма*

*ғарав қашиқ абем, гўдеклер сут ичемиз деп лебини тишлеп синдирип тайлаптилар!*

Ғаравути – [G’aravuti] – туркий сўз. Ичи ковак лекин қаттиқ қамишлар ўт сингари ўсиб ётувчи ҳудуд. Илгари бундай қамишларнинг ингичкасидан мих сингари ҳам фойдаланишган. Жиликўл ноҳиясида Ғаравути мавзеси мавжуд. *Ғани айнаң Рассиядан ғарав қашиқ жиберген екен, шӧни Ғаравутидағи Ғулам жездеңдикиге жеткиз!*

Ғаре – [G’are] – туркий сўз. Сизга айтсам…, тўғрисини айтсам… *Ғаре чал, чин чидамсизсизда, асманға ай чиққинча чидамай, ширин уйхумнан вӧятип, қитихлап уйхумди қачирдиңиз, қайил. Ғаре, шӧ ашнаң чин галлида, галлеб алдидан семизгене саркесини вӧғирлап кетеди, сезмей қалади.*

Ғарез, ғарезли – [G’arez, g’arezli] – арабча сўз. Кўнгилга кир олмоқ. *Қайнеңниң журегиде ғарези бар екен, тӧйда мени талади.*

Ғарип, ғарипкене – [G’arip, g’aripkene] – арабча, арабча=туркий сўз. Мискин, ғариб. *Ғарипкене жаниңди абайласаң, бӧйма? Пулди дўлтедей жиймай, ғарипкене жаниңа кийиб-жемейсеме?!*

Ғарма палав – [G’arma palav] – туркий сўз. Гуручнинг майдасидан тайёрланган ош. *Ғармға барип ғарма палав жеп кеген бӧсаң зияпатиң тузув бӧмапти.*

Ғарпиллав – [G’arpillav] – туркий сўз. Қишлоқнинг тупроқли кўчаларида қадам босса тупроқнинг ғарпиллаши. *Ғарпиллаған тӧпрақ кечип тӧйға келдик!*

Ғашиғув, ғаш бӧлув – [G’ashig’uv, g’ash boluv] – форсий+туркий сўз. Душманлашмоқ. *Айиқ милтихлиман ғаш бӧлади. Чӧлақ тавуқ деп ҳамсаяман ғашиғип қалди.*

Ғиженде – [G’ijende] – туркий сўз. Мато ва кийимларнинг

тартибсиз ҳолати, ғижимланиши. *Жувилған кийимлерди ғиженде қип тайламангар!*

Ғижим – [G'ijim] – туркий сўз. 1. Текис эмас, ғижимланган нарса. *Газитти ғижимлама айнанг ахшамлари авдарип вөқипжатади.* 2. Рўмолнинг бир тури. *Қудағийға ғижим вөрамал қөйибем, ғижимлап алдима атти.*

Ғылақ – [G'ilaq] – туркий, архаик сўз. Тузлап шамолга хом ҳолида қуритилган мол гўшти. *Илгери вөн-вөн беш кунлеп бабаларимиз гўшти сан-сан қилип тузлап асиб қуритип, балталап авқатқа салиб пиширип жейберpredилер екен.*

Ғилбал – [G'ilbal] – туркий сўз. Доннинг элаги. *Ғилбалди тап, мина буғдайди ғилбаллап қапчаға салиб алайин!*

Ғилжирав, ғалжирав – [G'iljirav, g'aljirav] – туркий сўз. Қалтирамоқ, дирилламоқ. *Кампир кўп ғилжирамай жамбашимнан кир, жилитаман.*

Ғырма – [G'I'rma] – туркий, архаик сўз. Мотам. *Чаллар ғырмаға кетаятир шекилли.*

Ғиррек – [G'irrek] – туркий сўз. Ип ўралган ғалтак. *Қөл машинди ғиррексиз ғириллатма ийнесини синдирасан.*

Ғөзеки сирға – [G'ozeki sirg'a] – туркий, архаик сўз. Оддий сирға. *Илгери ғөзеки сирғани жаш қизлар таққучеди.*

Ғөла қазиқ, ғөри – [G'ola qaziq, g'ori] – форсий+туркий сўз. Отни боғлаш учун ёғочдан махсус қилинган қозиқ бўлиб, унинг юқори қисми йўғонроқ бўлади. *Атти уйдиң арқасидағи ғөла қазиқа байламасаң, байталдиң ийисини ағидай бөса темир қазиғини судреп куевлеп кетип қалади.*

*Жемди берип төриға, байлап қөйдим ғөриға,*

*Худайимнан айналай, қөшти қиздиң зөриға!*

Ғөра – [G'ora] – туркий сўз. Довучча. *Зардалиниң ғөрасини терип тайламаңар.*

Ғёраяқ, ғураяқ – [G'orayaq, g'urayaq] – форсий+туркий сўз. Катта мис, алюмин ёки сирланган коса. *Чалап езсең ғёраяқа ез, дёғабиниң чалаби жумирима жуғам бёмайди!*

Ғунажин – [G'unajin] – туркий сўз. Икки ёшдан ошган урғочи сигир. *Ғунажинди сёйма, сийир қиласаңар!*

Ғўлек – [G'ulek] – форсий сўз. Кичкина тош ёки лойдан юмалоқ шаклда қилинган дўлекни солиб, чумчуқ отиш мосламаси, палахмон. *Ғўлекти ап ке, тутқа чимчиқлар тайлатирлар.*

Ғўлиң – [G'uling] – туркий сўз. Қуритилган ўрик, баргак, туршак. *Тёйға бир қапча майиз, бир қапча ғўлиңем бёсин!*

Ғўнен – [G'o'nen] – мўғулча сўз. Уч яшар эркак от. *Тёри ғўненниң тёрбасиға тўрт қёшимич жем салиб, бёйниға ас! Ғўненди вўз ихтиярига қёймай жёңишқапаяни жазир қимасдан жугеннеп тайлаң!*

## Ҳ

Ҳавайи (қавайит) гапирув - [Havayi (qavayit) gapiruv] – арабча+туркий сўз. Лоф урмоқ, ошириб гапирмоқ. *Ҳавайи гапирип, ҳаддиңнен ашма, ебимен гапир!*

Ҳавар – [Havar] – арабча сўз. Текислик. *Кампир, бугун ахшам шу ҳаварға жай сал, шамаллапқана жатайиқ!*

Ҳаварлав – [Havarlav] – арабча+туркий сўз. Текисламоқ. *Шу дўңди ҳаварласаңар вётиришқа кеңиш жай бёлади!*

Ҳавгенек – [Havgenek] – туркий сўз. Тойғинчоқ. *Жашларға қёшилип ҳавгенек учаман деп, жарға учип, аяғим чиғип, уч ай қишти жатип вўткездим!*

Ҳавесек – [Havesek] – арабча сўз. Ҳавас, ўйин. *Рассияға бариш саңа ҳавесекме, жёл аззаби, гўр аззаби депти.*

Ҳавла, ҳалва – [Havla, halva] – арабча сўз. Ун ва шакарни

ёғда қовуриб тайёрланадиган пишириқ. *Ҳайитқа ҳавла қимасаң, ҳайит бөлама, ҳайиттиң зеби ҳавла!*

Ҳавлиқма – [Havliqma] – туркий сўз. Мақтанчоқ. *Вөл вўзи ҳавлиқма, емес неңеге махтанип-ҳавлиғип жатади.*

Ҳавлиғув – [Havlig'uv] – туркий сўз. Катта кетмоқ, кўтарилмоқ. *Вөға индеме, ҳавлиғип-ҳавлиғип баслиғади.*

Ҳавур – [Havur] – 1. Иссиқлик натижасида пайдо бўлган буғ. *Қазанниң қапқағини жап, авқаттиң ҳавури чиғип кетеди.* 2. Одамнинг қизишган ҳолати. *Ҳавуриңнен туш, авур бөл.*

Ҳадаҳа – [Hadaha] – форсий сўз. Тез, шошилинч, бир зумда. *Катапаңа айт, ҳадаҳа кесинки, авқатти тарттиқ. Гўдекти ҳадаҳа қима, шашилтирма! Енеси инқиллап башлабедием, чақалақ ҳадаҳа пайда бөлди.*

Ҳае, ҳаек – [Haye, hayek] – туркий сўз. 1. Ҳа (тасдиқ маъносида). *Ҳаек, сийирларди сувғарип, жилдирдим.* 2. Киноя маъносида. *Ҳае, сен уйде қарниңди қашип жатқаниңда мен чабиқа чиғаманма?!*

Ҳай барекелле – [Hay barekelle] – туркий+арабча сўз. Ҳорманг. *Ҳай барекелле, неберем, кучиңе барекет берсин!*

Ҳайбалең, ҳайбелең – [Haybaleng, haybeleng] – туркий сўз. Гап талашмоқ, тортишмоқ, айтишмоқ. *Вөниман ҳайбелең айтишип, беабийир бөб жиргинче, худа төвба деп, беш вахт намазиңди вөқисаң пайда емесме?!*

Ҳайбар – [Haybar] – арабча сўз. Улкан, йирик, катта. *Тавда ҳайбар жилан кўрдик.*

Ҳайбат – [Haybat] – арабча сўз. Гавда, жусса, нуфуз, обру, сиёсат. *Ҳайбатиға Ҳами дайра, ҳай-ҳайлап қаладии.*

Ҳайбатли – [Haybatli] – арабча+туркий сўз. Гавдали, нуфузли, сиёсатли. *Терекли тавдай ҳайбатли,*

*Ата керекдир жигитке.*

*Ҳами дайрадай келбетли*
*Ене керекдир жигитке.*
*Ҳар-бир ишке жӧлбашчи,*
*Аке керектир жигитке.*
*Суриңенде суенгич,*
*Ағайин керекдир жигитке.*

Ҳай берув – [Hay beruv] – туркий сӯз. Ўзини тӯхтатмоқ, аччиғини ичига ютмоқ. *Шайтанға ҳай бер, тағайиңман таяхлашма, таға қибла бӧлади-я, тағайиң вӧтирган уйдиң тамиға чихсаң гунаҳкер бӧласан-а!*

Ҳайгув, ҳайигув – [Hayguv, hayiguv] – туркий сӯз. Юриб адашип кетмоқ. *Маллариң ҳайгип Жузейбулақ енип кетипти.*

*Ақлли хатин ағайиннан ҳайиккен еркектиң алдини қайирар,*

*Ахмақ хатин ағайинли еркекти бир-бириден айирар!*

Ҳайда – [Hayda] – туркий сӯз. 1. Ниманидир ҳайдамоқ (феълнинг буйруқ майли). *Ешегиңди ҳайда, сувди ҳаррам қилади!* 2. Тӯйга қӯшиладиган ҳайдовдаги жонли мол. *Ҳайдасиға бир ечки қӧшқан екен, вӧ ечки егиз тувипти! Пул қӧшса ҳайда бӧмайди тӧяна бӧлади, мал қӧшса ҳайда бӧлади!*

Ҳайдар – [Haydar] – арабча сӯз. 1. Эркак кишининг исми. 2. Кокул билан туғилган чақалоқнинг кокули. *Тӯрт табақ нан қип чалларди чақириңарда, бӯбектиң ҳайдар какулини аңар!*

Ҳайек – [Hayek] – туркий сӯз. Ҳа, маъқул, маъқулламоқ. *Ҳайек, тӧғри айтасиз, мениң улимнан сизиң қизиңиз бир жаш кичене, неки мениң улима ҳазир хатиннан бир авуз нан яхши! Ҳайек, хатин тӧғри айтасан, ертен жумаҳа, есе жайди қалин сал!*

Ҳайитлиқ – [Hayitliq] – арабча+туркий сӯз.

Унаштирилган келин рўза ёки қурбон ҳайити давомида ҳали узатилмай, ўз отасиникида бўлса, ҳайитда куёв томондан жўнатиладиган совға. *Ҳайитлиқ жиберсең, келиниңмен енесиге қўйлек- лата сасаң бөлади, атасиға саламан деп режени бузма!*

Ҳайитқара – [Hayitqara] – арабча+туркий сўз. Йирик кечпишар тарвуз нави. *Юзта ҳайитқара тарбиз қишта бир тойди абат қилади.*

Ҳайкел, ҳайкелче – [Haykel, haykelche] – арабча+туркий сўз. Аёлларнинг тақинчоғи. *Ҳайкелчегниң мөнчахлари маңа маъқул бөмади.*

Ҳайлаҳа – [Haylaha] – арабча сўз. Ана олмоши. *Вөрақ ҳайлаҳа, алда вөтти вөр!*

Ҳаймиғув – [Haymig'uv] – туркий сўз. Ҳурмат қилмоқ, мавқеини тан олмоқ, қўрқмоқ. *Уйде атаси бөмасаям, бөзбалалар айналаридан ҳаймиғади!*

Ҳай-ҳайлав – [Hay-haylav] – туркий сўз. Бақир-чақир қилмоқ. *Латасини қөлиға ап, ҳай-ҳайлап ерини жөлдан қайтариб алди.*

*Ҳаккере – [Hakkere] – туркий, архаик сўз. Яхши ошланган чармдан тикилган қариялар маҳсиси.* Базардан чалатаңа бир ҳаккере масси ап ке.

*Ҳалбешик, салбешик – [Halbeshik, salbeshik] – туркий сўз. Икки томондаги мослама, тиргак ёки дарахтга арғамчини боғлаб, ёш болани тебратиб ухлатишга мослаштирилган арғимчоқ бешик.* Арғамчини алип ҳалбешик сазлаңар, байқуш балани бўлейик!

*Ҳалеже, ҳалежи – [Haleje, haleji] – туркий сўз. Пахтани чигитидан ажратиш мосламаси.* Катапаңниң ҳалежисини апкеп, пахталарди чигитлетип қишқа қалинрақ кўрпе қимасам бу кўрпе жилитмайди!

Ҳалек бөлув – [Halek boluv] – арабча+туркий сўз. Овора бўлмоқ. *Иссихта ҳалек бөлип бир вөймахти апкепсен, вўзиңде турсин еди. Узақ жөлда ҳалек бөлип барип қавун қибеди, палегини мал жеп кетипти!*

Ҳали замат – [Hali zamat] – арабча+туркий сўз. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан, ҳадемай. *Хатин амайман деп жер теппе улим, ҳали замат, еки жилдиң артиман сенем айнаңа вөхшап кавушиме сабзи-картишке сағич бөғаниңди вўзиң билмей қаласан!*

Ҳалиги – [Haligi] - туркий сўз. Сал илгари тилга олинган сўз, кўрган нарса ёки шахс. *Ҳалиги адам жамбашимиздан жавчидай бөп бир-бир тигилип вўтип кетти.*

Ҳалик – [Halik] – туркий сўз. Курашда полвонларнинг бир-бирини йиқитиш учун оёқларини ишлатиш ҳадиси, ҳийла. *Палванди палван қиғич куч емес, ҳалик!*

Ҳалинчек – [Halinchek] – туркий сўз. Арғимчоқ. *Келинчегем ел жатмай ҳалинчек учама, уч-қиң кесе намашамнан нармаған елди ухлатип куевиңмен чиғип уч!*

Ҳалласлав – [Hallaslav] – туркий сўз. 1. Қувониб тез ҳаракат этиш. *Айнаси Рассиядан кеген екен, ҳалласлап жугирип кеп суюнчи ап кетти.* 2. Халқ табобати, иримлар асосида даволамоқ. *Уйхусида чөрчип-чөрчип кетеди, бахши бабасиға апарип ҳалласлатип кемесем бөмайди. Қушначқа барип ҳаласлатип кемесем ахшам баслиғип чихтим.*

Ҳаллезат – [Hallezat] – туркий сўз. Сакраб-чопиб ўйнайдиган ўйиннинг тури. *Балаларди жийиңар, тўбеге чиғип ҳаллезат вөйнаймиз!*

Ҳалқа, ҳалқали сирға – [Halqa, halqali sirg'a] – арабча+туркий сўз. Йирик қилиб ишланган балдоқ. *Ҳалқаң авур екен, тахмай қөяқал, қулағам керек бөлади!*

Ҳалқум – [Halqum] – арабча сўз. Томоқ. *Қөй, шу бир авуз*

*нан ҳалқумимнан вўтсин!*

Ҳамсая – [Hamsaya] – форсий сўз. Қўшни. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида:

Чу шамъингнинг ўлди адам сояси,

Нечук бўлди бу соя ҳамсояси, - дейди.

*Ҳамсаяни чақириңар шакереп жейик.*

Ҳаңги – [Hangi] – туркий сўз. Эшакнинг эркаги. *Ҳаңгиңди ҳаңратмай, қараңа ағилға байла, вўткен ешшеклерге кўзи тушмесин!*

Ҳаннат – [Hannat] – арабча сўз. Алдамчи, муттаҳам. *Умидиңди уз, вӧ ҳаннаттан пулиңди қайтариб алалмайсан!*

Ҳанқи – [Hanqi] – туркий сўз. Ўпкасини босолмайдиган, мақтанчоқ. *Мал сӧйдиқ деп, ҳали шӧ ҳанқи иниңиз бир тӧда қип ашналарини жийип келеди!*

Ҳанқиллав – [Hanqillav] – туркий сўз. Ҳовлиқмоқ, мақтанмоқ. *Ҳанқиллама айна, ҳали балали бӧл, кейин кўремен, балаңди суймегениңди.*

Ҳапечек – [Hapechek] – туркий сўз. Терининг тагида сув ҳосил бўлмоқ. *Қӧли қайнақ сувдиң бувиға куйибеди, ҳапечек урип чиғипти.*

Ҳарасат, арасат – [Harasat, arasat] – арабча сўз. Олис, узоқ, кўп, маълум масофа. *Пияда Дӧңизадирға барип бӧлама, бир ҳарасат жӧл!*

Ҳариш – [Harish] – туркий сўз. Бировга ёпишиб, ишқаланиб ёки осилиб юрадиган ёш бола. *Ҳариш, нарақ вӧтирки, шире қӧлиңман устимди расва қилдиң!*

Ҳариғув – [Hariguv] – арабча+туркий сўз. Чарчамоқ.

- *Шалиға пал тартаман деп ҳарихтим, пичи чалаб қил кампир.*

*-Қарипсиз, чал! Бӧзбалалиғиңизда буннан авур ишлерди қип ҳарихмағичеңиз, енди сал уринсаңиз, емес неңгеге сиз ҳариға ҳалек, мен сизге чалап езе ҳалек!*

Ҳарне – [Harne] – форсий+туркий сўз. Шунисигаям шукур деган маънода. *Бир сӧм пулимиз жӧғеди, авзумизди асманға ачиб, жегенниң авзуға қарап жирибек ҳартугул улим Рассиядан юз дӧллар жиберип абийиримиз жабилди!*

Ҳартугул – [Hartugul] – форсий+туркий сўз. Хайрият, ҳар қалай. *Ҳартугул асман ачилди, бӧмасам ешшеклиге Жарипқӧлман Туемӧйинниң араси аз жӧлма?!*

Ҳасрет – [Hasret] – арабча сўз. Дард, қайғу.

*Ҳасретимнен тав қилай,*
*Кипригимнен бав қилай.*
*Дардимнен қамиш тӧқип*
*Енеме сабав қилай.*

Ҳачче – [Hachche] – туркий сўз. Тиргак, айрили тиргак. *Чайлаға ҳачче тиремесеңер, жузим яхши байлапти, авурлиқ қимасин! Гачче бӧмасаңиз, ҳай-ҳайлағиниңизча ҳаччеңизди тиремейсизме?!*

Ҳашекелле – [Hashkelle] – арабча сўз. Бирданига, дабдурустдан, ҳар қандай ҳолатда ҳам. *Мен ҳашекелле келинимди бериңер демеймен, нан синдирип қӧяйиқ, вӧяғи иссиқ-жилимда бӧлабереди! Ҳашекелле қарзиңди қистамай, ашнаңниң шараитиғаям қара-да! Ҳашекелле жай сал жатайиқ демей, вӧ яқ, бу яхтан гуруң берип, вахтимди хӧш қилип апкеген савғатлариңизди чиғариң!*

Ҳашер – [Hasher] – арабча сўз. Умум манфаати ёки муайян шахс манфаати учун биргалашиб бериладиган ёрдам. *Ҳашерге бармасаң, улиңниң кўзи кўк бӧлади!*

Ҳашиллав – [Hashillav] – туркий сўз. Ҳансирамоқ. *Еки қапчани бирден кўтерип, ҳашиллағиниңизча, биртелеп*

*кўтермейсизме?!*

Ҳаяллав – [Hayallav] – арабча+туркий сўз. Кечикмоқ. *Ҳаяллап кеттиң, ишиң питмедиме?*

Ҳаята – [Hayata] – арабча сўз. Атрофи ўралган, экин экиладиган ер, томорқа. *Ҳаятаңа ҳанделек қисаң, пулдиң астида қаласан.*

Ҳежелев – [Hejelev] – арабча сўз. 1. Сўзни ҳижжалаб, бўғинлаб ўқиш. *Ҳежелеб вөқисаң тез уйренесен!* 2. Гапни қайта-қайта эзиб, такрорлаш, маънили-маънисиз гапларни қайтаравериш. *Кўп ҳежелемей жашмич жанч, жейик! Кайвени же-же-лейди, дангесе ҳежелейди!*

Ҳилле – [Hille] – арабча сўз. Зўрға. *Ахшам жебем шулле, ертен турдим ҳилле! Ешшегиңе акең деб артипсан, қийшаңлап ҳилле жирип келаятир! Жөлда машин жөлихмади, пиядалап ҳилле жетип келдим!*

Ҳима берув – [Hima beruv] – туркий сўз. Руҳини кўтармоқ, ғайрат бермоқ. *Яш баччени қөрқитип ғайратини синдирғинча, ҳима бермейсеме, тенғурлариман алишаберсе!*

Ҳимерлев – [Himerlev] – туркий сўз. Эшиб, бураб пишитмоқ, маҳорат билан четини қайтариб, бор ҳунарини ишлатиб тикмоқ. *Белбевди ҳимерлеп тигипсен, куевиңе шекилли!*

Ҳимиллав – [Himillav] – туркий сўз. Ранг-тусини йўқотмаган, очилган. *Қудағий алмишқа барған бөсаям, еки бети қип-қизил, ҳимиллайди!*

Ҳисар – [Hisar] – форсий сўз. Илгари асосан қаълага нисбатан ишлатилган. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достони (-Б. 80)да:

Чу тош узра аёғин тепти маҳкам,
Ҳисор ичра садое тушти ул дам, - дейди.

*Бу ерлерге қаъле қурилип сөң атиям Ҳисар бөп кетти!*

Ҳисари – [Hisari] – форсий сўз. Ҳисорга оид. *Бу ел чарваниӊ пири, ат ҳам лақайдики, Ҳисари қӧям лақайдики!*

Ҳиштиме, ҳиштеӊге – [Hishtime, hishtengge] – форсий+туркий сўз. Ҳеч нарса, ҳеч нима. *Ҳиштимеден-ҳиштиме жӧқ авқатқа чақирсақ араз урип кемейди, яхшилиқа бӧсин!*

Ҳӧққи – [Hoqqi] – туркий сўз. Қўпол киши. *Шӧ ҳӧққини ҳӧқиллатмай, кубидеги айранди вўзиӊ пичи лӧқиллатсаӊ, маске жави айрилади!*

Ҳувуллав – [Huvullav] – туркий сўз. Бўшаб қолмоқ, ҳувилламоқ. *Байқуш кампирдиӊ ули Рассияға ишке кеткеннен келинием атасиникиге кетип, кампирдиӊ уйи ҳувиллап қалди! Уйде еркек бӧмаса, уйем ҳувиллап қалади!*

Ҳужре – [Hujre] – арабча сўз. Кичкина уйча. *Ҳужреге кир, жайнамаз ҳужреде.*

Ҳулкер – [Hulker] – туркий сўз. Сурайё юлдузи. *Ҳулкер жулдизи тувғанида енеси Ҳулкерайди тавубеди.*

Ҳут – [Hut] – арабча сўз. Шамсия йил ҳисобининг ўн иккинчи (22-февралдан 21-мартгача) ойи. *Яхши кесем Ҳутмен,*

*Кади-кади сутмен.*

*Жаман кесем жутмен*

*Керегеде путман.*

Ҳушиллевик, ҳуштек – [Hushillevik, hushtek] – туркий сўз. Ёш болаларнинг ҳуштаги. *Ҳушиллевигиӊди ҳушиллетме, бабаӊниӊ ешшегини уркитесен.*

## II. Фразеология

Ҳар бир тил ёки шевада ўзига хос ибора (фраза) лар мавжудки, бу жонли сўзлашув тилидаги имкониятларнинг даражасини билдирувчи омилдир. Лақай элати диалектидаги фразеологизмларнинг аксарияти анъанавий-тарихий моҳият касб этганлиги жонли сўзлашув тилимиз тарихий илдизларининг теранлигини билдирувчи омилдир.

Фразеологизм кенг маънодаги тушунча бўлиб, бунга маълум иборалар билан бир қаторда, мақол ва маталлар, шунингдек халқ оғзаки ижодида фаол қўлланиладиган назмий ифодалар ҳам киради. Бунинг эътиборли жиҳати шундан иборатки, битта ибора ёки назмий қаторда улкан маъно яширин бўлиб, бундай ишорани илғаш тингловчидан ўзига хос тафаккурни талаб этади. Асарда келтирилган айрим иборалар бошқа шеваларда ҳам учраши мумкин. Ушбу жиҳат туркий элатлар, жумладан тил ва лаҳжаларимиз шаклланиш жараёнининг умумийлигини билдирувчи омилдир. Умуман олганда ибора ва ихчам ифодаларнинг анъанавий шаклланиш жараёни ҳамда замонавий қўлланиш имкониятларини ўрганиш муҳимдир.

### А

Абийири жабилув – [Abiyiri jabiluv] – арабча+туркий ибора. Эҳтимол тутилган обрусизланишдан сақланмоқ. *Жӧғалғаним табилди, абийирим жабилди.*

Абийирини айрандай тўгув – [Abiyirini ayranday to’guv] – арабча+туркий ибора. Камситмоқ, масхара қилмоқ, обрусизлантирмоқ. *Кўпчиликтиң ичиде байқуштиң абийирини айрандай қип тўкти.*

Абийирдиң барида – [Abiyirding barida] – арабча+туркий ибора. Ўз вақтида. *Ашна, абийирдиң барида жайлавға жөғалайиқ, қишлахта жиреберсек маззамизди қачирадилар!*

Авзи ачилув – [Avzi achiluv] – туркий ибора. Ҳайрон бўлмоқ, қаттиқ ҳайратланмоқ. *Шаҳарге барип балент-балент уйлерди кўрип авзим ачилип қапти!*

Авзи ачиқ – [Avzi achiq] – туркий ибора. Анқов. *Авзи ачиқ бөма, қөли ачиқ бөл, қөли ачихтиң жөли ачиқ!*

Авзи бепашна – [Avzi bepashna] – туркий+форсий ибора. Тили ёмон. *Келининиң авзи бепашна екен, қайнеси бир гап гапиргидей бөса, вөн гап қип қайтаради.*

Авзи-бурни буришув – [Avzi-burni burishuv] – туркий ибора. Беписандлик, норозилик. *Жавчи бөп барғанимиздан енесиниң авзи-бурни буришип, атасиниң маңнайи тиришип қағанидан қизларини бермесликлерини сезибем!*

Авзи жийилмайди – [Avzi jiyilmaydi] – туркий ибора. Доим кулиб юрувчи, кўп куладиган ёки оғзи ёпилмай гапирадиган кишига нисбатан ишлатилади. *Вөниң авзи жийилмайди, бир гапирип вөн куледи!*

Авзидан бал татув – [Avzidan bal tatuv] – туркий ибора.1. Ширин ёки мазали нарсанинг таъми оғзида қолмоқ. *Кўкче қавун жесең авзиң бал татийди!* 2. Тили билан иззат-икром кўрсатмоқ, мазмунли гурунг бермоқ. *Катапамдикке барсам, айна деп, авзидан бал татийди!*

*Авзидан туширмеслик – [Avzidan tushirmeslik] – туркий ибора. кимларнидир доимий мақтамоқ ёки ёмонламоқ.* Қайнең катте куевини авзидан туширмей махтайди!

Авзидан чиғип жағасиға тармашув – [Avzidan chig'ip jag'asig'a tarmashuv] – туркий ибора. Айтганинг ўзинга қайтсин, ёмон ниятинг ўзингга бўлсин, маъносида. *Милисе вўзиңдикке кесин, бу габиң авзиңнан чиғип жағаңа*

*тармашсин!*

Авзидағи нанини берув – [Avzidag'i nanini beruv] – туркий+форсий+туркий ибора. 1. Яхшилик қилиб, борини баҳам кўрмоқ. *Ачарчилиқ жиллари ағайинди жийиб авзидағи нанини бериб бахти!* 2. Юмшоқкўнгиллиги туфайли ўз улушини кимларгадир олдирмоқ. *Авзиңдағи наниңди биревге алдирғинча, сал маккемрек бөмайсама?!*

*Авзим айтти мина-мина, ичим айтди қана-қана – [Avzim aytti mina-mina, ichim aytdi qana-qana] – туркий ибора. Тўймай ейилган овқат.* Узақ жөлдан төй деп барибек, тўрт адамға бир табақ авқат ап келди, авзим айтти мина-мина, ичим айтти қана-қана бөлип қайтип келебердик.

*Авзиңа таш – [Avzinga tash] – туркий ибора. Ёлғончилигига ишора.* Вөл вўшектен шайтанғаям дарс береди, төвба десе авзиңа таш, де!

*Авзини ачирмаслиқ – [Avzini achirmasliq] – туркий ибора. Жисмоний ёки маънавий тазйиқ асосида сўзлашга имконият бермаслик.* Бийкең беабийир екен, ери бир гап гапирсе, бул вөн гап гапирип байқуш ериниң авзини ачирмади.

Авзини ачмаслиқ – [Avzini achmasliq] – туркий ибора. Индамасдан, гапирмасдан ўтириш. *Қайнең камгап екен, төйға авзини ачмай келип, авзини ачмай кетти!*

Авзини бағув, авзиға қаравуллиқ қилув – [Avzini bag'uv, avzig'a qaravulliq qiluv] – туркий ибора. Қандай гап гапирар экан деб, бировнинг оғзига қараб ўтирмоқ. *Биревдиң авзини баққиниңча, қөрадан қөйларди чиғарип бақ! Авуз бахсаң таш жейсен, қөйди бахсаң ғўш жейсен!*

Авзини жумув, авзини жабув – [Avzini jumuv, avzini jabuv] – туркий ибора. 1. Кўп гапирмасликка даъват. *Авзиңди жумип жирмесең, ағайинди ағайиннан айирасан!* 2. Рози

қилиб, қўрқитиб ёки орага одам қўйиб даъвосидан кечтирмоқ. *Ниме қисаларам, барип авзини жавуп келдилер!*

Авзиға егелик қилув, авзиға бек бөлув – [Avzig'a egelik qiluv, avzig'a bek boluv] – туркий ибора. Ўринсиз гапларни гапиришдан ўзини тиймоқ, ёмон гап гапирмаслик. *Ҳар нерсе дей берместен, сен авзиңа бек бөл!*

Авзиға жилан жумуртқалав – [Avzig'a jilan jumurtqalav] – туркий ибора. Ёмон ният қилувчи кишига бериладиган танбеҳ. *Авзиңа жилан жумуртқаласин, улимди вөқишқа киралмайди деме!*

Авзиға кегенини айтув, авзиға кегенини сандирахлав – [Avzig'a kegenini aytuv, avzig'a kegenini sandirakhlav] – туркий ибора. Гапнинг маъносига эътибор бермасдан бефарқ сўзламоқ, бемаъни гапларни гапирмоқ. *Сенем авзиңа кегенини айта берместен, авзиңа қараб гапир!*

Авзиға кучи жетув – [Avzig'a kuchi jetuv] – туркий ибора. Жисмоний жиҳатдан имкониятсиз қолиб, жанжалнинг тарғибий усулини давом эттирмоқ. *Жағалаштиң бөмади, кучиң авзиңа жеттиме?!*

Авзиға таш салув – [Avzig'a tash saluv] – туркий ибора. Узоқ муддат жим ўтирмоқ. *Сенем авзиңа таш салиб вөтирмай, бир нерсе де!*

Авзиға тукиртирув – [Avzig'a tukirtiruv] – туркий ибора. Улуғ кишиларнинг йўлини берсин деб, ёш боланинг оғзига тукиртириб олиш удуми. *Ибрайимбек баба Авғанистанда екениде ақсақалдиң мейманханасидағи гуруңнен сөң, ақсақал кенже улини чақириб авзиға Бек бабаға тукиртирген екен.*

Авзиға чабув – [Avzig'a chabuv] – туркий ибора. Биров оғзини очиши билан ўн оғиз жавоб қайтармоқ. *Айнам Рассияда екен деп ҳадеп чечеңниң авзиға чабаберме, шу кун сениңем башиңда бар!*

Авзиға чўп вўлчев – [Avzig'a cho'p vo'lchev] – туркий ибора. Биров гапирганда иккинчи киши унинг ҳар-бир гапидан камчилик қидириб, юзига қайта-қайта солавериш. *Мен жаман гапирсем, яхшисини мина сен гапир, дайим меним авзума чўп вўлчейсен!*

Авзиға қараб гапирув – [Avzig'a qarab gapiruv] – туркий+туркий+форсий ибора. Оғзига эгалик қилмоқ, беъмани гапиришдан тийилмоқ. *Сўгинместен авзиңа қараб гапир!*

Авзиға қаратув – [Avzig'a qaratuv] – туркий ибора. 1. Чечанлиги ва гапининг мазмундорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини жалб этмоқ. *Дамулла амру-маъруф қилип ҳаммени авзиға қаратти.* 2. Жисмоний куч ишлатиб, қўрқитиб ўзига жалб этмоқ. *Зўр бўғаннан кейин, елди авзиға қаратади-да!*

Авлиеге таш атув – [Avliege tash atuv] – арабча+туркий ибора. Пок одамни ғийбат қилмоқ, гуноҳ иш қилмоқ. *Бегунани ғийбат қисаң, авлиеге таш атиш минан барабар!*

Авузға илинув – [Avuzg'a ilinuv] – туркий ибора. 1. Яхши ёмон хислатлари билан элга танилмоқ. 2. Мева, сабзавот ва полиз экинликларининг сув олиши, таъм кириши. *Қавун авузға илингеннен сөң гўдеклерди тўхтатип бөмайди!*

Ада бөлув – [Ada boluv] – туркий ибора. Тугамоқ, тамом бўлмоқ. *Вөйлай-вөйлай журегим ада бөлди. Ун ада бөпти, тийирманға барип буғдайди тарттирип кемесеңиз, ниме жеймиз?!*

Ажели жетув – [Ajeli jetuv] – арабча+туркий ибора. Вафот этмоқ. *Ажел жетсе, нарғи дунйе бир қадам!*

Ажинеси тутув – [Ajinesi tutuv] – арабча+туркий ибора. Аччиқланмоқ, ғазабланмоқ. *Вөға сўз қатип жатма, вөниң ажинеси тутти.*

Аззап тартув, аззап чегув – [Azzap tartuv, azzap cheguv] – арабча+туркий ибора. Қийналмоқ. *Рассияға барип иш тапқинча аззап тарттиқ.*

Айда-жилда – [Ayda-jilda] – туркий ибора. Камдан-кам. *Айда-жилда аллағайтип бир келесен, аш пишкинче чидамай яна қайтип жўнейсеме?!*

Айдиң вӧн беши қараңа бӧса, вӧн беши жариқ – [Ayding von beshi qaranga bosa, von beshi jariq] – туркий ибора. Яхши кунлар ҳам келишига умид қилиш учун ишлатиладиган ибора. *Кўп вӧйланма, бу куннерем вўтип кетеди, ҳали кўрмегендей бӧп кетесен, айдиң вӧн беши қараңа бӧса, вӧн беши жариқ.*

Айнамниң жилаву чечемниң қӧлида – [Aynamning jilavu chechemning qolida] – туркий ибора. Акамнинг ихтиёри янгамда. *Айнам кўнген минен чечем кўнмесе иш питмейди – айнамниң жилаву чечемниң қӧлида.*

Айрани ачимас – [Ayrani achimas] – туркий ибора. Бепарво, тепса-тебранмас. *Вӧ айрани ачимас кеген бӧса, саккиз чайнек чайиңди ичмесе турмайди.*

Айтқан габиде турув – [Aytqan gabide turuv] – туркий+форсий+туркий ибора. Бир гапда турмоқ, ваъдасида турмоқ. *Мен айтқан габимде турип жавчи жибердим, атаң бермеди.*

Айтқанидан танув – [Aytqanidan tanuv] – туркий ибора. Ваъдасида турмаслик. *Айтқанидан танип, бӧйниға амади, қури қӧл қайтип келебердим.*

Айтқанидан чихмаслиқ – [Aytqanidan chikhmasliq] – туркий ибора. Бировнинг йўл-йўриғига юрмоқ. *Хатиниңниң айтқанидан чихмайтиған нашуд бӧма-да!*

Акең дейув – [Akeng deyuv] – туркий ибора. Нафсини тиймаслик, орқа-олдига қарамаслик. *Хам зардалини акең деп*

*урғансизда?! Катте қанар буғдайди акең деп кўтерипсиз, белиңиз мертилсе тазза мӧмияни қаерден табаман?!*

Алагўмелек бӧлув – [Alago'melek boluv] – туркий ибора. Бесаранжом бўлмоқ, шошиб қолмоқ. *Қишлақа милисе аралади деп жӧлини жӧғатип алагўмелек бӧп қалди.*

Алакўз бӧлув – [Alako'z boluv] – туркий ибора. Бегоналашмоқ. *Беғанани тартаберсең ағайин бӧп келебереди, ағайинди туртебенсең ала кўз бӧп кетебереди.*

Алашақшақ – [Alashaqshaq] – туркий ибора. Кўп гапирувчи ўспирин қизларга нисбатан ишлатилади. *Вӧ алашақшақ чечелерини авзиға қаратип шақиллағинча, бузавлар енелерини емип қӧяди!*

Алақанат бӧлип жайлашув – [Alaqanat bolip jaylashuv] – туркий ибора. Ҳар жой-ҳар жойга, ҳар тепаликка келиб жойлашмоқ. *Аралари алисирақ, ала қанат бӧлип ҳар жай, ҳай жайға жайлашиптилар.*

Алдини алув – [Aldini aluv] – туркий ибора. Бирор воқеа юз беришига имконият бермаслик. *Вўзиңиз бариб, еки тамангаям насаҳат қилип жанжалдиң алдини амасаңиз бӧмайди.*

Алдидан вўтув – [Aldidan vo'tuv] – туркий ибора. Огоҳлантирмоқ, эҳтимол тутилган воқеадан хабардор қилмоқ, кўнглини ёрмоқ. *Қизиңа жавчи кеген бӧса ағайиннарди жийип бир алдиларидан вўт, ертен қизиң беганаға тушти деп гила қип жатмасиннар.*

Алдиға келув – [Aldig'a keluv] – туркий ибора. Бировнинг бахтсизлиги бошқанинг бошига ҳам тушмоқ. *Биревдиң бахтсизлиғиға кулиш керек емес, даррев алдиңа келеди!*

Алемди башиға кўтерув – [Alemdi bashig'a ko'teruv] – арабча+туркий ибора. Шовқин солмоқ, бақирмоқ. *Шаттеге бир авуз гап бас, алемди башиға кўтереди!*

Алем-жаҳан – [Alem-jahan] – арабча+форсий ибора. 1. Жуда кўп, ҳисобсиз. *Куевиңиздиң мали алем-жаҳан екен, сайға жайилса, жер кўринмейди!* 2. Улғаймоқ, ёши катта бўлмоқ. *Алем-жаҳан бўп, гўдеклерди жилатип, уялмайсама?!*

Алиб учув – [Alib uchuv] – туркий ибора. Нарсани олиб мўлжалланган манзилга тезда етиб бормоқ. *Пулди алда айнаң кетип қамасдан учиб жеткиз.*

Аллаға аманат – [Allag'a amanat] – арабча ибора. Яратганнинг паноҳига топширмоқ, соғ-саломат юришини яратгандан сўрамоқ. *Жигитлер Рассияда, ҳаммеси аллаға аманат!*

Алле бешик – [Alle beshik] – туркий ибора. Озиб (ариқлаб) кетмоқ, жудаям новча. *Табистаниман лайда ишлеймен деп байқуш алле бешик бўп кетипти.*

Алле тавур – [Alle tavur] – туркий+форсий ибора. Табиий ҳолатига ўхшамаслик, ўзгарган ҳолда. *Байқуш шу каселге жўлиғип аллетавур бўп қалди.*

*Аманат аман сақлайди – [Amanat aman saqlaydi] – арабча+туркий ибора. Омонатни етказувчи кишининг эсон-омон манзилга етиб келиши, соғ-саломат омонатни эгасига топшириш лозимлиги, омонатни етказиб, эгасига топшириш масъулиятининг юксаклиги.* Минген ати аманат еди, жандарлар қувсаям қутулип қишлақа кепти, аманат аман сақлайди дейди, чин!

*Аманат вўтирув – [Amanat votiruv] – арабча+туркий ибора. Туришга мойил тарзда ўтирмоқ.* Кампир, супаниң чеккесиге аманат вўтирмай кавушиңди чечип жамбашимнан жайлашки, башқа қўнатқан жеримиз жўқ!

*Анавдиң ичини ийт тирнап кетти – [Anavding ichini iyt*

*tirnap ketti] – туркий ибора. Бировнинг муваффақиятини кўра олмаслик*. Мен жаңа кўйлек кийип чиғибем анавдиң ичини ийт тирнап кетти.

*Анжемини жейув – [Anjemini jeyuv] – форсий+туркий ибора. Тайёрланмоқ, кeракли нарсаларни тахт қилмоқ.* Анжемиңди же, уч куннен сөң Рассияға жўнеймиз!

*Арази жазилув – [Arazi jaziluv] – арабча+туркий ибора. Аразлашгандан сўнг аслига қайтиш ҳолати, ярашмоқ, ўзаро келишмоқ.* Чечеңниң арази жазилипти шекилли, уйиден чиғип синиқ шибиркини алип ҳавлини шипирип тийишти!

*Араларидан қил вўтмеслик – [Aralaridan qil vo'tmeslik] – туркий ибора. Жуда яқинлик, иноқлик*. Қуда бөғинча араларидан қил вўтмегичеди, қуда бөлип қил тугул филем бемалал вўтатиған бөлди.

*Арани ачиқ қилув – [Arani achiq qiluv] – туркий ибора. Ҳисоб-китобни тенглаштирмоқ*. Бийтип жирместен, қанча ағаниңди, қанча бергениңди айтип арани ачиқ қил!

Араға вөт салув – [Arag'a vot saluv] – туркий ибора. Икки ёки бир-неча томонни уриштирмоқ. *Сен араға вөт сама, қөлиңнан кесе жараштир, кемесе тинч жир!*

*Арқав-ериш бөлув – [Arqav-erish boluv]* - *туркий ибора. Бир-бирига мадат бермоқ, ўзаро қўллаб-қувватлаш*. Арқав-ериш бөп бир-биримизди қөлламасақ, мақседимизге жеталмаймиз.

*Арқаси жер искемеслик – [Arqasi jer iskemeslik] – туркий ибора. Ҳордиқ чиқаришга, дам олишга имконият тополмаслик.* Таң атқаннан кандик тевуп арқам жер искеген жөқ!

*Арқасини тамға суегендей бөлув – [Arqasini tamg'a*

*suegendey boluv] – туркий ибора. Бирор жойдан қўшимча куч олмоқ, кимларнидир кўриб руҳланмоқ, ғайратига ғайрат қўшилмоқ.* Беганалардиң ичиде сенерди кўрип арқамди тамға суегендей бөлдим!

*Арқа қилув – [Arqa qiluv] – туркий ибора. Кимгадир ишонмоқ, кимгадир суянмоқ.* Вӧ ашнаң қайнағаларини арқа қилип гердейеди!

Арқаси қӧзув – [Arqasi qozuv]– туркий ибора. Аччиқланмоқ, кўтарилмоқ, қизмоқ. *Сениң шу габиңди атаң ешитсе, арқаси қӧзип екевмиздием бир бала қилади!*

Арғиш барув – [Arg'ish baruv]– туркий ибора. Ўйнамоқ, рақсга тушмоқ, даврага чиқиб сакра(ирғи)моқ. *Айнаңниң тӧйида арғиш бармасаң, қачан арғиш барасан?!*

Асман айналтируви – [Asman aynaltiruvchi]– форсий+туркий ибора. Ҳавонинг ёмонлашуви, ёмғир ёғишга мойиллик. *Асман айналтираятир, тўшенчилерди уйге киргиз!*

Асманди қаришиман қаришлав – [Asmandi qarishiman qarishlav] – форсий+туркий ибора. Хасислик, қаттиқлик, бировга бирор нарсани қиймаслик. *Қайнең асманди қаришиман қаришлайди, қудағийларға сарпай салама?!*

Асманниң қабағи ачилув – [Asmanning qabag'i achiluv] – форсий+туркий ибора. Ҳавонинг яхшиланиши, қор ва ёмғир ёғмасдан, булутларнинг тарқаши. *Бугун асманниң қабағи ачиқ малларди адирға ҳайдаңар!*

Астарлап гапирув – [Astarlap gapiruv] – арабча+туркий сўз. Асл мазмуни гап тапкибида яширилган суҳбат, қоғозга ўрап гапимоқ. *Бундай гаплерди астарлап гапириң айна, давреде яшларам бар!*

Астин-устин бӧлув (қилув) – [Astin-ustin boluv (qiluv)] – туркий ибора. Вайронагарчилик, алғов-далғовчилик,

аралаш-қуралаш бўлмоқ. *Жанжал бöп ҳамме жер астин-устин бöп, ийт егесини таппай қалди. Улиң пул қарап, уйди астин-устин қип тайлапти.*

Ат айланип, қазиғини табув – [At aylanip, qazig'ini tabuv] – туркий ибора. Ўзининг бошланғич нуқтасига қайтиб келуви. *Кўп куйинеберме, ериң Рассияға маслихтан кеткен жöқ, еки жил жиреди, уч жил жиреди, барибир қайтип келеди, ат айланип қазиғини табади, дейдилер!*

Ат вöйнатқан – [At voynatqan] – туркий ибора. Ўзига тўқ, муайян мавқега эга бўлган. *Алимтайда алчаңнап ат вöйнатип жирген адамниң баласиниң иши хам бöлама?!*

Ат чаптирим араси – [At chaptirim arasi] – туркий ибора. Унча олис бўлмаган, от бир чопишда етадиган масофа. *Ҳулкер минен таразии, ат чаптирим араси. Қöшқудуқ минан Дарвöзабулақтиң араси алис емес, ат чаптиримғана!*

Ат чаптирса жеткисиз – [At chaptirsa jetkisiz] – туркий ибора. Узоқ, олис, кўп. *Қöйлари сурув-сурув, бу башидан вö башиға ат чаптирса жеткисиз.*

Ат қöйув – [At qoyuv] – туркий ибора. Ёқалашмоқ, ёпишмоқ. *Қöрқмай ат қöй, ҳаллигиңди ишлетсең сен жиғитасан! Қöлиңа таяқ ал, ийт ат қöяди!*

Ата малим шерик – [Ata malim sherik] – туркий+форсий+арабча ибора. Бир отанинг фарзандлари ёки бир бобонинг невералари эканликларига, бир-бирининг мол мулкига ўзаро ҳақли эканликларига ишора. *Буғдайиң бöмаса, айнаңниң искалетини буғдай басип жатир, ата малим шерик деп бир қапчасини апкеп жейбермейсеме?!*

Атакалле – [Atakalle] – туркий+форсий ибора. Доимо отасига эргашиб юрувчи бола. Айтишларича илгари бир обруйли донишманд оқсоқол яшаб, уни барча ҳурмат қилиб, зиёфат ва ўтиришларда давранинг тўрига ўтқизиб, қўйнинг

пиширилган калласи ҳурмат тарзида доимо оқсоқолнинг олдига қўйилар экан. Оқсоқолнинг кичикроқ ўғли бўлиб, у ҳам зиёфатларда отаси билан бирга иштирок этиб, ёнида ўтириб қўйнинг калласини еб қайтар экан. Шу сабабли қишлоқда барча шу болани «атакалле» деб атар экан. *Ана «атакалле»ни қаяқа апарасиз, жаман уйретмең ҳар кун вўртейди!*

Атамнан нари – [Atamnan nari] – туркий ибора. Менга бари бир, нарироқ юрсин деган маъноларда. *Қудағий малал бөп кетсе атамнан нари, ел киймеген сарпайларди тўрт қабат қип алдиға қөйсам, жалғиз чөлақ ечкимди ертен ахшам қувурма қип алдиға сөйсам, дастарханға Масқөвский шакалетмен жөх жердеги мавелерди жөйсам, шуларди кам деген бөса, магерем яна бир кегенде калпалав қип еки кўзини вөйсам!*

Атаң базар, енең базар – [Atang bazaar, eneng bazar] – туркий+форсий ибора. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобли бўлишига, бугунги кунда мавжуд нарх бўйича келишишга ишора. *Атаң базар, енең базар, деген, базарға чиғайиқ, аттиң нархи қанча бөса, саңа шунча берейин!*

Атаңди кўрдим аттай ариқ, енеңди кўрдим табани жариқ – [Atangdi ko'rdim attay ariq, enengdi ko'rdim tabani jariq] – менсимаслик, камситиш маъносида. *Садағаси кетейин «Атаңди кўрдим аттай ариқ, енеңди кўрдим табани жариқ» дегендейин, вөниң каттелигиге қара, маңа ат тавуп кеңер деп ешшеке минмей наз қилади!*

*Атаңниң жағиға палав – [Atangning jag'ig'a palav]– туркий+туркий+форсий ибора. Ёш болаларга бериладиган танбеҳ.* Атаңниң жағиға палав аяқбавлариңа чаптирип таплапсаң-ку!

*Атаси башқа – [Atasi bashqa] – туркий ибора. Бегона,*

*бошқа уруғдан*. Кичене чечең дайим табахлариңниң башида, катекен чечеңди атаси башқа деп байқушти айирип тайлап чачалағаям айтмапсаңар!

*Атасиға қиймаслиқ – [Atasig'a qiytasliq] – туркий ибора. Қаттиқлик, хасислик*. Вӧл атасиға қиймайди, саңа береме?!

Ати тилиниң учида туруv – [Ati tilining uchida turuv] – туркий ибора. Унутмоқ, эсига келтиролмаслик. *Ати башидан қасин, ҳазир тилимниң учида еди!*

Ати чиғув – [Ati chig'uv] – туркий ибора. Номи ёмон томондан машҳур бўлмоқ. *Вӧни аралаштирма, вӧл қишлахтиң тавуғи барма, ечкиси барма, қӧйи барма вӧғирлап сатип, қӧлға тушип, шарменделер бӧлип, ати чиққан!*

Атини сатув – [Atini satuv] – туркий ибора. Бировнинг номидан ишини бажармоқ. *Ашнаң сениң атиңди сатип каттелик қип жири!*

Атини хамчилав – [Atini khamchilav] – туркий ибора. Ҳаракат қилмоқ, интилмоқ, бўш келмаслик. *Уке, атиңди хамчила, инстутқа кирип қасаң ҳаммемиздиң абийиримиз!*

Атини чиғарув – [Atini chig'aruv] – туркий ибора. Ижобий ёки салбий жиҳатдан аҳоли орасида танитмоқ, обруйига обру қўшмоқ ёки обрусизлантирмоқ. *Жигиттиң атини е ати чиғаради, е хатини чиғаради!*

Атиңиз жуйирик бӧсин – [Atingiz juyrik bosin] - туркий ибора. Илгари ўрмак тўқувчига айтиладиган сўз. Ҳашарга келган, ёки ҳашарчиларга овқат олиб келган келинчак: *Атиңиз жуйирик бӧсин, чече!* Уйнинг эгаси : *Келиң келинчек:*

Уйнинг эгаси ёки ёши улуғроқ аёл:*Вўмириңиз узун бӧсин,*
*Мингениңиз қулун бӧсин.*
*Қӧш бешикте ул бӧсин,*
*Ҳавлиңизде қул бӧсин.*

*Вӧчақ тӧла кул бӧсин,*
*Сандихларда пул бӧсин.*
*Қизлариңиз ай бӧсин,*
*Куевиңиз бай бӧсин. (ӧвмин).*

Атиға терс мингизув – [Atig'a ters mingizuv] – туркий ибора. Ёмонламоқ, ғийбат қилмоқ, обруйини тўкмоқ. *Алдида жулдиресеем, арқасида атиға терс миндирип жўнетти!*

Атти кўрип аяғи талув – [Atti ko'rip ayag'I taluv] – туркий ибора. Уловни кўрип, уловга минишга мойиллик. *Иниңиздиң атти кўрип аяғи талди, айнам матесекилини берсе пистеге бараман, бермесе бармайман, қари ешшекти қайси кўтелде жетелеймен, дейди! Бинзинини банкеге қуйип сўкирчектиң астиға жаширип, жамбашиға ахшамғи қапқанди вўлик чишқаниман қӧйиңки, иниңиздиң бурнини тихмаған тешиги жӧқ, вўлик чишқаннан вўлердей қӧрқади!*

Аттиң қабирғасиға тайлав – [Atting qabirg'asig'a taylav] - туркий ибора. Хўржинга солмоқ, ўзлаштирмоқ, ўзиники қилмоқ. *Кўптиң рисқисини аттиң қабирғасиға тайлағинча елди жийип тўрт табақ нан қип берсе, бӧмайма?!*

Аттиң қашқасидай – [Atting qashqasiday] – туркий ибора. Ҳаммага маълум, таниш. *Мал вӧғирлап аттиң қашқасидай елге танилған!*

Атчабардиң шамали – [Atchabarding shamali] – туркий ибора. Майин шабада. *Чайлаға чиғип жатсаң, атчабардиң шамалида раҳат қиласан!*

Атқа минер ақсақал – [Atqa miner aqsaqal] – туркий ибора. Бошлиқ, обрўйли киши, тўғри маслаҳат берувчи киши. *Қишлахлариңда атқа минер ақсақал жӧхма, маслаҳат сӧрасаңар!*

Атқа минув – [Atqa minuv] – туркий ибора. Мансабнинг эгаси бўлмоқ. *Қайнатаң атқа минипти, қуллихти қӧйув*

*қисаң сением бирен ешшеке миндирер!*

Ачиған хамир – [Achig'an khamir] – туркий+арабча ибора. Бўш, қўлидан иш келмайдиган. *Келиним ачиған хамир, тушкечей тўшеклери жийилмайди.*

Ачкўзлик – [Achko'zlik] – туркий ибора. Тўймаслик, қаноат этмаслик. *Кўрмегеннниң кўргени қурисин дегендей, ашнаң ачкўз шунча пулға қанаат қимаятир!*

Аччи-чуччини татув – [Achchi-chuchchini tatuv] – туркий ибора. Ҳаётнинг синовидан ўтмоқ. *Акең чачти бекарға ағартқан жӧқ, ҳаяттиң аччи-чуччисини татип, балент-пасини кўрип, бӧларини тақимиға басип, бӧмасини жавурнидан аширип кеген адам!*

Аширма гапли – [Ashirma gapli] – туркий+форсий ибора. Мақтанмоқ, қўшиб гапирмоқ. *Вӧ киши яхши адаму, пичи аширма гаплирек!*

Ашиғи алчи бӧлув – [Ashig'i alchi boluv] – туркий ибора. Иши ўнгидан келмоқ, иши юришмоқ, муваффақиятларга эришмоқ. *Қайниңниң ашиғи алчи бӧлип, уй алди, машин алди, инилерини уйлентирди.*

Ашке қатих бӧлув – [Ashke qatikh boluv] – туркий ибора. Ҳамма ишга бурнини тиқиб аралашиб юрмоқ. *Вӧни айтсаң, ашке қатих бӧп буғдай вӧримдаям шӧл, арпа вӧримдаям шӧл, қӧй қирқимдаям шӧл!*

Аяхтан айран ичув – [Ayakhtan ayran ichuv] – туркий ибора. Косада айрон ичмоқ. *Бир аяқ айран ичсең ҳавуриң басилади!*

Аяқ алуви – [Ayaq aluvchi] – туркий ибора. Юриш-туриши, ҳаракати, ишни эплаши. *Қизи аяқ алувидан хийли чақанға вӧхшайди, қана бӧзбала улиң бӧса, келин қисаң!*

Аяқ тирев – [Ayaq tirev] – туркий ибора. Ўз фикрини ўтказишга уриниш, ўз гапида туриш, ўзгаларни ўз ҳукмига

юргизиш. *Шу қизди аламан деп аяқ тиреме, атаси бермеймен десе пайдаси жöқ.*

Аяқдан тартув – [Ayaqdan tartuv] – туркий ибора. Ишларининг юришиб кетишига имконият бермаслик, юқори мансабга кўтарилишига қаршилик қилмоқ. *Иш яхши кетаятибеди, аяхтан тартқич ашнамиз бöлди!*

Аяққа вöралашув – [Ayaqqa voralashuv] – туркий ибора. Халақит бермоқ, бир ишни қилишга имконият бермаслик. *Сен ашна аяққа вöралашмай тур, биз шу ишимизди питириб алайиқ!*

Аяғи куйген тавухтай бöлув – [Ayag'i kuygen tavukhtay boluv] – туркий ибора. Бошига иш тушганидан тиниб тинчимаслик. *Байқуштиң башиға иш тушкен екенда кунде аяғи куйген тавухтан райан қаннап қалди!*

Аяғи тартмаслиқ – [Ayag'i tartmasliq] – туркий ибора. Бирор жойга боришга кўнгли чопмаслик. *Етеке баришқа аяғим тартмебеди мени шул ахмақ қилип уч жашар буқамди саттирип екевмизге жöлпули қип барибек, мен милисеге туштим, уч айдан сöң абигер бöп чиғип барсам ийт келдимеем демеди, шуйтип яна қишлағекиден қарз алип тақиям каллеме лап-лайиқ бöлип қайтип келебердим! Енди шö буқаниң енесиниеем сатсам ҳам қарзимнан қутуламан, қағанини етектен кегениме тöй қип беремен!*

Аяғи узеңгиде бöлув – [Ayag'I uzenggide boluv] – туркий ибора. Мансабда бўлмоқ. *Вöнда атаңниң аяғи узеңгиде еди, ҳар ай Данғараниң базаридан бир қöшқар ап сöйғичек!*

Аяғи-аяғиға тиймеслик – [Ayag'i-ayag'ig'a tiymeslik] – туркий ибора. Шошилмоқ, тез ҳаракат қилмоқ. *Келини чақан екен, байқуш аяғи-аяғиға тиймей шилаңлапқана хизмет қилиб жири!*

Аяғини (башини) байлаш – [Ayag'ini (bashini) baylash] –

туркий ибора. Вояга етган қизни унаштириб қўйиш. *Келин қилиш ниетиңиз бӧса, аяғини байлап қӧйиң, жавчилар жавилиб жатир, қайси илип кетеди!*

Аяғини жазув – [Ayag'ini jazuv] – туркий ибора. У ёқ, бу ёққа юрмоқ, сайр қилмоқ. *Мейманнар аяғимизди жазип келейик деп, ағайиннардикке кеттилер! Қӧйларди чиғарип бир аяғини жазип ке!*

Аяғини жерге тийгизмеслик – [Ayag'ini jerge tiygizmeslik] – туркий ибора. Бафуржа юришга имконият бермаслик. *Вӧниң вӧғирлағанини билсе, милисе аяғини жерге тийгизместен апкетеди!*

Аяғини тамахтан алув – [Ayag'ini tamakhtan aluv] – туркий ибора. Жон-ҳолимизга қўй маъносида. *Ашна аяғиңди бизиң тамағимиздан ал, бизге мунча аззап берме!*

Аяғини тирев – [Ayag'ini tirev] – туркий ибора. Бир гапида қатъий турмоқ. *Асамам шу қизди аламан, амасамам шу қизди аламан деп аяғини тиреп туриб алди.*

Ақилек – [Aqilek] – арабча ибора. Ақл ўргатувчи, маслаҳат берувчи, гап ўргатувчи. *Вӧлардиң ақилеги шӧл, маслаҳатти шӧннан аладилар, жавчи қӧйиштан алдин шӧниң кўңнини тап!*

Ақили енув – [Aqili enuv] – арабча+туркий ибора. Улғаймоқ, оқ-қорани тушунмоқ. *Гўдеклердиңем ақили енип қалди, енди вӧлардиң алдида урушиб жатмаңар!*

Ақ кўңил – туркий ибора. Хушчақчақ, меҳмондўст. *Ақ кўңил адамниң барекети башқа.*

Ағайиндики ағайинға куеме – [Ag'ayindiki ag'aying'a kueme] – туркий ибора. Қариндош-қариндошга бирор нарса берса зарар қилмайди, қайтади, деган маънода.

– *Худа раҳмет қисин катапажан, берген бир қапча шалилариңизди ахлап гуруч қилип жеп буғдайға жеттик,*

*қўлимиз калтелигиден сизлерди ирзаям қилалмадиқ.*

- *Ағайиндики ағайинға куеме, сениң қизиң бўй жеткен, мениң улим ер жеткен, менем шӧ хишлихти вӧйлап келдим, мениң бетус наскаш улима қизғанаңди берип, чалиң бир чӧптара сап, жамбашиға ап, адам қимаса, вӧни биз адам қилалмадиқ!*(Насиенинг габи кўп)

Ағайинниң бир қӧли жағасида, бир қӧли табағида – [Ag'ayinning bir qoli jag'asida, bir qoli tabag'ida] – туркий ибора. Қариндошлар орасида майда-чуйда гап ўтсаям аразлашмасликка ишора. *Қайниңмен абисиниңниң габини гап деб араз урип вӧтирасама, ағайинниң бир қӧли жағасида бӧса, бир қӧли табағида дейдилер, чақирсалар барабер, чақирмасалар чалиңди жиберип, мейманини уйиңе чақиртир!*

Ағайинға қиймаслиқ – [Ag'aying'a qiymasliq] – туркий ибора. Бегонапарастлик, ўзиникини кўзга илмаслик. *Вӧл беганаға жегизеди, ағайинға қиймайди!*

Ағаниминан қӧша қарув – [Ag'animinan qosha qaruv] – туркий ибора. Эру-хотиннинг умрларининг охиригача бирга яшаши лозимлигига ишора. *Куев жигит ағаниминан қӧша қарисин.*

Ағи вўзиден чиғув – [Ag'i vo'ziden chig'uv] – туркий ибора. Сигири туғиб, сут-қатиқли бўлмоқ. *Ҳадемей сийириң тувса ағиң вўзиңнен чиғади!*

## Б

Бавсиз кади – [Bavsiz kadi] – туркий ибора. Умумий бирлиги бўлмаган оила ёки гуруҳ. *Э, вӧлар бавсиз кади екен, вўндейин уйде бареке бӧлама?!*

Бавур басув – [Bavur basuv] – ўрганиб қолмоқ. *Жаш*

*гўдек, жили гапиргенге бавур басип қалади!*

Бавурига басув – [Bavurig'a basuv] – туркий ибора. 1. Ғамхўрлик қилмоқ. *Гўдеклерди бавурига басса, ертен вўзиге жöлдаш бöлади.* 2. Бирор нарсани ўзиники қилиб олмоқ. *Жаширип қöйиңар, келип кўрип қағидай бöса, шöниям бавурига басади!*

Бал татиған – [Bal tatig'an] – туркий ибора. Мазали нарсага нисбатан ишлатилади. *Баҳардиң қатиғи-да, бал татиған қатиқ!*

Балаңнан тап – [Balangnan tap] – туркий ибора. Барча ёмонликларни ўз фарзандингдан кўр, маъносида. *Балаңнан тап дегеннери шулда, улима бир гап гапиралмайман, жазиллап бетимнен алади!*

Балиқ сувға киргендей бöлув – [Baliq suvg'a kirgendey boluv] – туркий ибора. Бегонасиратиб турган ёш боланинг бирданига тил топишиб қўшилиб кетиши. *Улиң тағайларини беганасиратип тимрайип жирибеди, амекилери кегенге тил табишип, балиқ сувға киргендей бöп қабағи ачилип қалди!*

Барекелле шеремет – [Barekelle sheremet] – арабча ибора. Қандингни ур, азамат (кесатиқ, киноя). *Барекелле шеремет, кечеги айтқаннаримди ағизмай-тамизмай бирме-бир қайнеңе жеткизипсенда, абисин деп саңа сир қибем-а?!*

Барини айтта, бирини айт – [Barini aytta, birini ayt] – туркий ибора. Гапни қисқа қилиб, фақат мазмунини айтиш. *Кўп езмелеместен, ешиткениңниң барини айтта, бирини айт!*

Бас дегинче – [Bas deginche] – форсий+туркий сўз. Роса, меъёрдан ошириб. *Улақта аттан жиғилип, байқуш атти бас дегинсе хамчилади. Қуртабани бас дегинче урип кепсиз, чайге тöйдиралмай жатиппан.*

Бахти ачилув – [Bakhti achiluv] – форсий+туркий сўз.

Турмушга чиқмоқ, уйланмоқ. *Дува қиңизлар, жигитлер Рассиядан қайтип кесинлер, қизлардиң бахти ачилсин, тӧй жейик!*

Баш бӧлув – [Bash boluv] – туркий ибора. Йўл кўрсатувчи, маслаҳатчи бўлмоқ. *Енди шуларға баш бӧлиш сениң ҳақиң!*

Баши аққан жағиға кетув – [Bashi aqqan jag'ig'a ketuv] – туркий ибора. Ўз ихтиёри билан кетмоқ. *Ишлеген ҳақини берда, қарнини тӧйдир, баши аққан жағиға кетеберсин!*

Баши балаға қалув – [Bashi balag'a qaluv] – туркий+арабча+туркий ибора. Қийналмоқ, бошига иш тушмоқ. *Бир гапти айтип, башим балаға қалди, тӧдайлашип таладилар!*

Баши жерге жеткинча, баши гўрге киргинче – [Bashi jerge jetkincha, bashi go'rge kirginche] – 1. Туркий ибора. 2. Туркий+арабча+туркий ибора. умрининг охиригача, ўлгунча. *Вӧл енди баши жерге жеткинче шӧ қилиғини тайламайди!*

Баши таштан бӧлув – [Bashi tashtan boluv] – туркий ибора. Эсон-омон юриши учун билдириладиган тилак. *Жигитлер рузғар бағамиз деб Рассияда жирилер, башлари таштан бӧсин!*

*Насибең аш бӧсин, Башқанаң таш бӧсин,*
*Душманнар лаш бӧсин, Елиң тилекдаш бӧсин. ӧвмин!*

Башини суғув – [Bashini sug'uv] – туркий ибора. Ҳовлига ёки уйга кирмоқ. *Шам бӧмай, бир башини суғибеди, кейин қаяқа кеткенини сезмедим!*

Башини қӧшув – [Bashini qoshuv] – туркий ибора. Икки ёки бир-неча кишини бирлаштирмоқ. *Еки жаштиң башини қӧшмақ - саваб иш! Тўрт кишиниң башини қӧшип, елге еки табақ нан бермеген адамға қизиңди бергиниңче, вӧннан уйде*

*жиргени яхши!*

Башиға жетув – [Bashig'a jetuv] – туркий ибора. Бор нарсани йўқ қилмоқ. *Ишлетип, ишлетип байқуштиң башиға жеттиңер! Айнаң хатинини иргештирип базарға қатнап-қатнап бар пулдиң башиға жетти. Жездең машин аламан деп маллардиң башиға жетти.*

Башиға кун тувув – [Bashig'a kun tutuv] – туркий ибора. Бошига иш тушмоқ, мураккаб аҳволда қолмоқ. *Маллари жӧғалип башқуштиң башиға кун тувип қалди!*

Башиға қуш қӧнув, башиға бахт қӧнув, башиға давлет қуши қӧнув – [Bashig'a qush qonuv, bashig'a bakht qonuv, bashig'a davlet qushi qonuv] – 1. Туркий ибора. 2. Туркий+форсий+туркий ибора. 3. Туркий+арабча+туркий+туркий ибора. Яхши қизга уйланмоқ, ишлари юришиб кетмоқ, мол-дунёси улашиб кўпайиб кетмоқ. *Вӧниман ҳазиллешмеңер, вӧниң башиға қуш қӧнған!*

Барекети қачув – [Bareketi qachuv] – арабча+туркий ибора. Камайиб қолмоқ, шароитнинг ёмонлашуви. *Еркеклер кетип, қишлахтиңам барекети қачти! Санап бар нерсениңем барекетини қачирма!*

Баридан жӧғи, ачиған тӧғи – [Baridan jog'i, achig'an tog'i] – туркий ибора. Бефарқлик, бари-бир маъносида. *Жаман ағайинниң баридан жӧғи, ачидан тӧғи!*

Бармағини тишлев – [Barmag'ini tishlev] – туркий ибора. Иккиланмоқ, афсусланмоқ. *Айтқан гаплериңизди айтибем, вӧйланип бармағини тишлеп қалди!*

Башим жерге жеткинче, жаним чиғип кеткинче – [Bashim jerge jetkinche, janim chig'ip ketkinche] – туркий ибора, бу ерда фақат «жон» сўзи форсий. Умримнинг охиригача. *Мениң ақ сақалимди вӧйламади, башим жерге жеткинче*

*қарғайман!*

Башиға жетув – [Bashig'a jetuv] – туркий ибора. Дабдала қилмоқ, ўлимига сабабчи бўлмоқ. *Қошқарди семиртиб сатип Рассия бараман деп жемни тағаралап тўгип жемлетип башиға жеттиң, енди навбет еки тӧхлиғама?!*

Башиға кун тувув – [Bashig'a kun tuvuv] – туркий ибора. Бошига иш тушмоқ, ташвишланмоқ. *Башиға кун тувғанда ағайин бӧп жамбашида турмасаңар, бӧлама?!*

Бейбақ қизға бегатаси не қисин – [Beybaq qizg'a begatasi ne qisin] – форсий+туркий ибора. Қизининг бахти очилмаса отасининг обруйи ҳам иш бермайди, деган маънода. *Бейбақ қизға бегатаси не қисин дегендей, елбегиниң қизи ерге жалчимади.*

Бели бақувват бӧлув – [Beli baquvvat bolluv] – туркий+форсий+туркий ибора. Қўшимча, моддий, маънавий ёки жисмоний куч олмоқ. *Улим Рассиядан пул жиберип белим бақувват бӧп қалди!*

Бели синиқ – [Beli siniq] – туркий ибора. Ўтирмасдан, доимо ёнбошлаб ётадиган кишига нисбатан ишлатилади. *Жездеңниң бели синиқ, кадиге вӧхшап дайим жумалаб жатади.*

Белини беш жайидан байлав – [Belini besh jayidan baylav] – туркий ибора. Ишга киришмоқ, ғайрат қилмоқ. *Вўзиңиз белиңизди беш жайидан байламасаңиз, бӧзбалалардиң кучлери жетмаятир! Белиңизди беш жайидан байлап Бешкентме, Ташкентме, Чимкентме барип ишлеп қишқачей пул апкең!*

Бенарх буқаға кетув – [Benarkh buqag'a ketuv] – форсий+туркий ибора. Ёш молнинг бевақт қочуви. *Буқадев бенарх буқаға кеткен, есен-аман тувса - бир айлих сути садақа!*

Берсе берув, бермесе жӧлди берув – [Berse beruv, bermese joldi beruv] – туркий ибора. Асосан совчиликка жўнатиш учун қилинадиган маслаҳат жараёнида ишлатиладиган ибора. *Иниңе райистиң қизиға жавчилиқа бариңар, берсе береди, бермесе жӧлди береди!*

Бети ачилув – [Beti achiluv] – туркий ибора. Тортинмаслик, уялмаслик, гап қайтармоқ. *Кўп гапиребберсең, габиң жӧлға чачилади, келиниңниң бети ачилади, рузғариңнан барекетти бездиресен, шӧниң учун тилге такит бӧл!*

Бети табахтай – [Beti tabakhday] – туркий ибора. Семиз, тўлиқ. *Чилледиң иссиғида аченек хишлариникке қидираман деп бети табахтай неберемди аврутип, қах суек қип келди.*

Бети қашихтай – [Beti qashikhday] – туркий ибора. Озиб кетган, эти суягига ёпишган. *Гўдектиң бирен жери авруйма, жилаганнан рапидедей бӧған бети қашихтай бӧп қалди.*

Бетим айдиң жариғи, куевимниң чариғи – [Betim ayding jarig'i, kuyevimning charig'i] – туркий ибора. Уялиш, афсусланиш, койиниш, пушаймон бўлиш. *Ебий, бетим айдиң жариғи, бузавди яхши байламаған екенмен, бӧшалип енесини емип қӧйипти! «Куев келип қайнатаға тик бахса,*

*Келин, байқуш қайнесиге син тахса,*
*Нар жигитке етекдеги қиз жахса,*
*Бетим айдиң жариғи».*

Бетке тутар – [Betke tutar] – туркий ибора. Арзирли. *Бетке тутар балишимизам жиртилип пахтаси чиғип қапти!*

Бетлеялмай қалув – [Betleyalmay qaluv] – туркий ибора. Келишга ёки бирор ишни қилишга юраги дов бермаслик, тортиниш. *Вӧл билтирдан бери бизикке келишге бетлеялмайди!*

Бетжувар – [Betjuvar] – туркий ибора. Илинж, обруйини ёпадиган нарса, умид. *Бетжуварим бир ечки еди, шўниям жандар жеди!*

Бешавуз – [Beshavuz] – туркий ибора. Оғзида гап турмайдиган, кўп гапирадиган. *Бу гаплер бешавуз бийкеңе жетмесинки, қишлақа жаяди!*

Беш бетер бӧлув – [Besh beter boluv] – туркий ибора. Аҳволи илгаридан ҳам ёмонлашмоқ. *Қишта қар жавмади, баҳарием қури кесе, аҳвелимиз беш бетер бӧлади!*

Бешти тайла – [Beshti tayla] – туркий ибора. Якдил фикрни тасдиқлаш учун қўл, яъни беш бармоқ йиғиндисидан иборат қўлни ташлашиш одати. *Етеке барсақ сен иш тапсаң мени қабатиңа аласан, мен иш тапсам сени қабатима аламан. Келишдикме? Бешти тайла!*

Билегиге тамған жавди жалав – [Bilegige tamg'an javdi jalav] – туркий ибора. Қаттиқ, хасис, біровга нон бермайдиган одамга нисбатан ишлатилади. *Вӧл қишта қарди қалап, билегиге тамған жавди жалайди, вӧннан умит қима! Билегиңе тамған жавди жалама, қӧй тамсин, дастарханниңам ҳақи бар!*

Билгени ичиде – [Bilgeni ichide] – туркий ибора. Бировга сир бермаслик. *Ҳамменин билгени сиртида бӧса, вӧниң билгени ичиде!*

Бир айдиң арти – [Bir ayding arti] – туркий ибора. Бир ойдан зиёдроқ, икки ойга яқин. *Тӧхимиңди чаппа кийип жатиб ама, жугириб-жугириб ишлесең келинчегиң бӧса бир айдиң артиман туширип кеп беремиз!*

Бир аяғи жерде, бир аяғи гўрде – [Bir ayag'i jerde, bir ayag'i go'rde] – туркий ибора, фақатгина “гўр” сўзи форсий. Қартаймоқ, ҳолсизланиб қолмоқ.

*Бир-бириниң гўшини жейув – [Bir-birining go'shini jeyuv]*

*– туркий+форсий+туркий ибора. Ўзаро урушмоқ, талашмоқ, жанжаллашмоқ.* Бир-бириңнің гўшиңди жегинче, ағайинсаңар, бир табақ жашмичти жанчип тӧдайлашип жеп, вўткеннердиң ҳақиға тўрт қӧлдиң дувасини қисаңар, бареке қӧшилади, бӧмаса, арвелерди навази қип бириң еки бӧмай жиребересеңер!

*Бир вӧқ минан еки қуян атув – [Bir voq minan eki quyan atuv] – туркий ибора. Битта ҳаракт ёки харажат билан икки ишни битқазмоқ, бир нарсадан икки марта фойда кўрмоқ.* Вӧ ашнаң раса пухта, бир вӧқман еки қуян атади!

Бир еңсесиден турув, бир иниден турув – [Bir engsesiden turuv, bir iniden turuv] – туркий ибора. Бир нарсани ҳадеб қистайвермоқ. *Уйлениш бӧса қачмайди, авел атаң Рассиядан ишлеп кесин, сенем хатин аппериңер деп бир еңсеңнен турдиң!*

Бир жағидан кўтерув – [Bir jag'idan ko'teruv] – туркий ибора. Мол-нарса бермоқ ёки моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқ. *Вӧниң бир жағидан қайнатаси кўтерип вӧтири!*

Бир жумалақ чай – [Bir jumalaq chay] – туркий+хитойча ибора. Ўтган асрнинг етмиш-саксонинчи йилларда кичкина пачкаларга қадоқланган эллик граммлик қуруқ чойларга нисбатан ишлатиларди. *Магезиннен бир жумалақ чай апкебем бир кунгеем жетмеди.*

Бир иштанбавдан – [Bir ishtanbavdan] – туркий ибора. Асосан Афғонистон лақайлари томонидан ишлатилиб, бир отадан тарқалган авлод, маъносини билдиради. *Бир иштанбавдан бӧлатурип шӧлар жайлав талашмаса бӧлади!*

Бир калле кўрув – [Bir kalle ko'ruv] – туркий+форсий+туркий ибора. Куч синашмоқ. *Кўп катте кетаятипсан, бир калле кўремиз екенда!*

Бир кўйлек бурун тӧздирув – [Bir ko'ylek burun tozdiruv] – туркий ибора. Нисбатан ёши каттароқ киши. *Уке, ғабиме қулақ сал, ниме бӧғандаям сеннен бир кўйлек бурун тӧздирғанман!*

Бир майдан – [Bir maydan] – туркий+форсий ибора. Сал фурсат. *Бир майдан вӧтирип гуруң бер, уйиң бӧса барасанда!*

Бир пул бӧлув – [Bir pul boluv] – туркий+форсий+туркий ибора. Режанинг амалга ошмаганлиги, меҳнатнинг куйиб кетиши. *Қарам жавмади, жавунам бӧмади, буғдайлар қурип қалип меҳнетимиз бир пул бӧлди!*

*Бир тирнақ – [Bir tirnaq] – туркий ибора. Ёлғиз фарзанд*. Бир ата, бир енеден бир тирнақ қалди.

Бир тирнақа зар бӧлув – [Bir tirnaqa zar boluv] – туркий ибора, "зор" сўзи форсий. Фарзандсизлик. *Худайим, ҳич кимди бир тирнақа зар қима!*

Бир тутам бӧлув – [Bir tutam boluv] – туркий ибора. Вақт топмаслик, шароитининг оғирлиги. *Еки баласиям чарс, башқуштиң куни бир тутам бӧб жатир!*

Бир туяқ – [Bir tuyaq] – туркий ибора. Қорамол. *Менменлеп керилгени минен, ҳавлисиде бир туяғи жӧқ!*

Бир хиллар – [Bir khillar] – туркий+форсий ибора. Баъзилар, айримлар (киноя оҳангида). *Бир хиллардиң кўзини шире басип бизлерди танимай қаған.*

Бир чибихман ҳайдав – [Bir chibikhman haydav] – туркий ибора. Барчага бир-хил ўлчам билан ёндошмоқ (салбий маънода). *Қайнатаң тӧй қилип, ҳаммени бир чибихман ҳайдади, қишлағекинием, ақсақаллардиям, узақдан кеген уятли мейманнардиям бир давреге вӧтирғизип тақа палав тартти!*

Бир қайнави кам – [Bir qaynavi kam] – туркий ибора. Сал

етишмайдиган одамга нисбатан ишлатилади. *Дӧсиңниң бир қайнави кам, сен яна вӧни келин қилиң дейсен!*

Бир қашиқ қани қағинча – [Bir qashiq qani qag'incha] – туркий ибора. Ўлгунича. *Вӧл, мениң ҳақима қилатиғани қилди, бир қашиқ қани қағинча менем ушлашаман!*

Бир қулахтан кирип, екинчисиден чиғув – [Bir qulakhtan kirip, ekinchisiden chig'uv] – туркий ибора. Айтилган гап тезда унутилмоқ. *Яхшилап ешит, кечегидей бир қулағиңнан кирип, екинчисиден чиғип кетмесин!*

Бирбавур бӧлув – [Bir bavur boluv] – туркий ибора. Ҳамжиҳат бўлмоқ. *Ел бирбавур бӧса, ханниң атини басип сӧяди, ел бирбавур бӧмаса, кўринген келип елдиң устига ат қӧяди!*

*Бирев арқав, бирев ериш бӧлув – [Birev arqav, birev erish boluv]– туркий ибора. Ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига ёрдамлашмоқ.* Биревмиз арқав, биревмиз ериш бӧмасақ, бу ишти қилиш қӧлимиздан кемейди!

Бир-еки айдиң артидан – [Bir-eki ayding artidan] – туркий ибора. Бир-икки ойдан сўнг. *Тайяргарлигиңди кўр, бир-еки айдиң артидан тӧйиңам бӧп қалади.*

Битини сиғип қанини жалав – [Bitini sig'ip qanini jalav] – туркий ибора. Жуда қаттиқ, хасис, қорнига емайдиган кишига нисбатан ишлатиладиган ибора. *Битини сиғип, қанини жалаб жирген адам, биревге бир пияла чай береме?!*

Биғип қалув – [Big'ip qaluv] – туркий ибора. Дамлаб, ривожланмай қолмоқ. *Баласи ичиде биғип қаған екен, ери духтурға кўрсеткели апкетипти.*

Бӧй жетув – [Boy jetuv] – туркий ибора. Улғаймоқ, вояга, балоғатга етмоқ. *Қиз бӧй жетсе, ағайинға қариб вӧтир, ул бӧй жетсе ихтияриң!*

Бӧйи бир қариш бӧлув, бӧйи бир тутам бӧлув – [Boyi bir

qarish boluv, boyi bir tutam boluv] – туркий ибора. Кичкина, калта. *Бӧйи бир тутам бӧп, буниң бақирғаниға қара!*

Бӧйин(м) бермеслик – [Boyin(m) bermeslik] – туркий ибора. Менсимаслик, муросага кўнмаслик. *Танани вўзиң жетелемесең, улиңа бӧйим бермейди!*

Бӧйни бӧш – [Boyni bosh] – туркий ибора. Кўнгли юмшоқ, қалби очиқ, одобли, интизомли. *Улғаналари аталариға вӧхшап бӧйни бӧш, габағич жигитлер бӧптилар!*

Бӧйни жуван – [Boyni juvan] – туркий ибора. Димоғли, тумшуғини кўтариб юрувчи.

*Бӧйни жуван балаңа бӧй бергинче вӧй берсин,*
*Қизларди бавмут қимай биревиге тӧй берсин.*
*Қабирғаси саналған ариқ тӧхли берместен*
*Бӧрдақиға бағилған семиз-етли қӧй берсин!*

Бӧйнини (мӧйнини) ийув – [Boynini (moynini) iyuv] – туркий ибора. Илтимос қилмоқ. *Иниңиз бир қапча буғдай бериң деп мӧйнини ийип кеген екен, хатини кўйлектен - кўйлек сайлап ҳич базардан қамайди, гапирип-гапирип ярим қапча буғдай бердим, малал бӧса атамнан нари!*

Бӧйнини (мӧйнини) ичиге тартув – [Boynini (moynini) ichige tartuv] – туркий ибора. Тортинмоқ, ҳаракат қилмаслик. *Ел ишлеп улавли бӧлип кетти, бизиң балалар бӧйинларини ичиге тартип, бир ешшегем алалмайдилар!*

Бӧсағаға баш урув - [Bosag’ag’a bash uruv]– туркий ибора. Товба-тазарру қилмоқ, илтижо қилмоқ, ялинмоқ. *Куеви тӧвба қип, бӧсағасиға баш урип келди!*

Бӧтайиға бермеслик – [Botayig’a bermeslik] – туркий ибора. Фаросати етмаслик. *Вўзиниң бӧтайиға бермесе, мен вӧға қанча айтип қилдирай?!*

Бувини жӧқ – [Buvini joq] – туркий ибора. Мойиллик. *Иш десе вахти жӧқ, вӧйин десе бувини жӧқ! Бизиң бачелер*

*шундейин, хатинниң хишиға – бувини жӧқ, қайниси Рассиядан кеген екен, биргене тӧхлиси бар еди, сӧйип шӧни чақирипти, енеси қайта-қайта малерия бӧп дириллеп жатсаям биргене асма укал алип бералмайди шеремет, ҳўгиз егесиге кўтен жӧх деп шуни айтса керек-да, ул тувған хатинниң ҳали бир тутам бӧп тўшекте жатир, қайнемен бийкелери тўрге чиғип қабирғани қарсиллатип чайнап зияпат жеп, дап чалип давран сурип вӧйнаб жатирлар!*

Бувини қатув, қатайув – [Buvini qatuv, qatayuv] – туркий ибора. Чақалоқнинг сал улғайуви. *Укеңниң бувинлари қатайғинча жўргеклеп кўтер!*

Бувиниға тушув – [Buvinig'a tushuv] – туркий ибора. Қарзи эсига тушмоқ, масъулиятни ҳис этмоқ. *Кече тӧйда кўрип қарзи бувиниға тушти шекилли, таң атмай ешегини сатқали базарға ап жўнеди!*

Бузави қаған сийирдай – [Buzavi qag'an siyirday] – туркий ибора. Шошилган, хафа кишига нисбатан айтилади. *Бузави қаған сийирдай бӧп абисиниң арқасиға қарамастан жугиргилеп кетаятир?!*

Буйректен сийрақ чиғарув – [Buyrekten siyraq chig'aruv] – туркий ибора. Кутилмаганда ножўя иш қилиб қўймоқ. *Шунчаси жетмегендей, бул яна балаларман уришип, иши милисеге тушип, буйректен сийрақ чиғарип тури!*

Букри жумалақ – [Bukri jumalaq] – туркий ибора. Бирор ишни чала-чулпа бажармоқ. *Биргене кўрпени қабишқа берибем, шӧниям еплемепти, букри жумалақ қип жиберипти.*

Бурнидан чиғув – [Burnidan chig'uv] – туркий ибора. Еган ёки ўзлаштирган нарсаси учун бир неча баробар кўп харажат қилмоқ ёки жазосини тортмоқ. *Байқуш алти ай биргат бӧп жегением бурнидан чихти, худаниң куни*

*пуркурӧр чақиради!*

Бурнини жийирув – [Burnini jiyiruv] – туркий ибора. Писанд қилмаслик, назарга илмаслик. *Авулдиң қизларидан бурун жийирип, қизлар егели бӧғаннан сӧң пушайман бӧп, машинкира тӯлеп журтма-журт келин қараб жири!*

**В**

Вӧн гулиден бир гули ачилмаған – [Von guliden bir guli achilmag'an] – туркий ибора. Ҳали ҳеч нарса кўрмаган, ёш, келажаги олдинда. *Ҳали булардиң вӧн гулиден бир гули ачилмаған, ҳали Рассияғаям барадилар, ишлеп пул тапқичам бӧладилар, ҳали шашилмаң!*

Вӧтирса вӧпақ, турса сӧпақ – [Votirsa vopaq, tursa sopaq] – туркий ибора. Ҳар-бир ишидан камчилик ахтармоқ. *Келинниңем вӧтирса вӧпақ, турса сӧпақ деп, қайне бетини ачади!*

Вӧчағиниң кулини алув – [Vochag'ining kulini aluv] – туркий ибора. Куни учун бировнинг хизматини қилмоқ. *Биревдиң қабағидан қарап, вӧчағиниң кулини ағинча адирға чиғип бек бӧп яшағанға кемейди!*

Вӯз ати – вӯзи минен – [Vo'z ati - vo'zi minen] – туркий ибора. Мусулмон тақвимидаги айрим ойлар, кунлар ёки муқаддас ой ва кунларда туғилган чақалоққа ном қўйиш маросимида ишлатиладиган ибора бўлиб, ушбу жиҳатга қатъий амал қилинади. Масалан, Ашур ойи, Рўза ойи, Сафар ойи, Нос ойи, Рўза ва Қурбон ҳайити, жума ва бозор кунлари. Ушбу ой ва кунларда туғилган чақалоққа «Вӯз ати – вӯзи минен» ибораси қўлланилиб, ўғил бўлса - Ашур, Сафар, Насриддин; Вораз, Қурбан, Жума, Бозор; қиз бўлса – Ашурой, Ашургул, Сафарой, Сафаргул, Ойминос ва ҳ.к.

номлар қўйиш одати айни пайтта ҳам мавжуд.

Вўзи минен вўзи бўлув – [Vo'zi minen vo'zi boluv] – туркий ибора. 1. Ўзига тўқ. *Тағайиң вўзи минен вўзи, жуваз минан тийирманини ишлетип жатир!* 2. Ҳеч кимга оғири тушмаслик, ўзини ўзи эпламоқ. *Гўдеклердиң ҳич кимге авури тушмейди, ҳаммеси вўзимен вўзи бўп қаған!*

Вўзиден кетув – [Vo'ziden ketuv] – туркий ибора. Ҳаддидан ошмоқ, бошқаларни писанд қилмаслик. *Қайнатам райис бўлди деп, вўзиден кетип ағайиннаринияm танимай қалди!*

Вўзини жеп (ўзини жеп) вўйнав, жилав – [Vo'zini jep (o'zini jep) voynav, jilav] – туркий ибора. Росаям берилиб, авж пардаларида. *Тўйда вўйинчи пул beредилер деп, бўзбалалар минан вўзини жеп вўйнади. Жаңа кўйлек қимадиңар деп, қизиң мактепкеем бармай, вўзини жеп жилади.*

Вўзиңнен тап – [Vo'zingnen tap] – туркий ибора. Барча ёмонликларни ўзингнинг яқинларингдан топ, маъносида. *Байқушти бирев вўзиңнен тап, деп қарғаған екенда, ағайиннари тўдайлашип кунини бир тутам қилдилар!*

Вўй дейув, бий дейув – [Vo'y deyuv, biy deyuv] – туркий ибора. Ундай демоқ, бундай демоқ. *Вўй дедим, бий дедим, қудам кўнсеем, қудағийим саккиз қўйди санаб алди!*

Вўликтен капен тилев – [Vo'likten kapen tilev] – туркий+арабча+туркий ибора. Хасис, қаттиқ одамдан бирор нарса сўрамоқ. *Шўннан яримта чиғама, сенем вўзи вўликтен капен тилейтиған адамсан-да!*

Вўпке – [Vo'pke] - туркий ибора. Мақтанчоқ, ўзини кўрсатишга урунувчи, уруш чиқаришга мойил кишига нисбатан ишлатилади. *Вўпкеңди бас, айна, мунча зўр бўсаң лай қарип тепкилеп пишитип, чалатаңа бир жилиғана*

*чўптара сал!*

Вўре бастирмаслиқ – [Vo'pe bastirmasliq] – туркий ибора. Бирор жойга чиқишга ижозат бермаслик, боришга имконият бермаслик. *Вёниң ери жаман, вўре бастирғали қўймайди! Ули чарс, вўре бастирмайди.*

Вўрмек қурув – [Vo'rmek quruv] – туркий ибора. Икки нуқта орасида кўплаб маротиба бориб келмоқ. *Тёй деб екки куннен бери еки уйдиң арасида вўрмек қурдиң! Уйимизмен айнаңниң уйиниң арасида вўрмек қурип қалдиң десем, чечеңниң сиңниси кеген екен-да!*

## Г

Габиде жан бар – [Gabide jan bar] – форсий+форсий+туркий ибора. Тўғри айтади. *Вёниң габиде жан бар, мен вўз кўзим минен кўрдим!*

Габиңниң тузи жёқ – [Gabingning tuzi joq] – форсий+туркий ибора. Бемаъни ёки маъноси камроқ гап гапирилганда айтиладиган ибора. *Гапиратқан габиңниң тузи жёқ, сал вёйлаб гапир!*

Габиниң дами қачув – [Gabining dami qachuv] – форсий+форсий+туркий ибора. Маъносиз сўзламоқ, тушунарсиз сўзлар айтмоқ. *Бабайға такит бёңар, габиниңем дами қачипти!*

Гавдесиде жани келув – [Gavdeside jani keluv] – туркий ибора. Борган жойидан зўрға қайтмоқ. *Байқуш ишлеймен деп барип, касел бёп, зёрға гавдесиде жани келди!*

Гагирдегиге келув – [Gagirdegige keluv] – туркий ибора. Тўймоқ, бировдан оғир гап ешитиб, қаттиқ хафа бўлмоқ. *Вёниң нағмалари мениң гагирдегиме келди!*

Газзеги учун – [Gazzegi uchun] – форсий+туркий ибора.

Аламидан, алами учун. *Аттан жиғилғаниға газзеги учун уйдегилеримен уришип, кўрпе-тўшегини кўтерип капеге қарап енип кетти!*

Гангир-гунгир – [Gangir-gungir] – туркий ибора. Гурунглашмоқ, чақ-чақлашмоқ. *Ағайиннарди чақир, кечқурун бир гангир-гунгир қилайиқ!*

*Гап ташув – [Gap tashuv] – форсий+туркий ибора. Чақимчилик.* Гап ташиш гунаҳ, гап ташиғиштан периштелер қачади!

Гап қозғав – [Gap qozg'av] – форсий+туркий ибора. Суҳбат жараёнида бирор-бир салбий мавзуни ёки унутилган мавзуни ўртага ташламоқ. *Давреде гапти қозғағанам вўзгенеси, вўшек жеткизгенем вўзгенеси!*

Гапирер габини жоғатув – [Gapirer gabini jog'atuv] – форсий+форсий+туркий ибора. Шошиб қолмоқ, айтадиган гапини эсидан чиқармоқ. *Ешен бабамниң ҳайбатидан гапирер габимдием жоғаттим!*

Гапке аралашув – [Gapke aralashuv] – форсий+туркий ибора. Суҳбатга қўшилмоқ. *Гапириб вотирибек, вол вўзи келип гапке аралашти!*

Гапке жетер - [Gapke jeter] – форсий+туркий ибора. Тўғри маслаҳат берувчи. *Қишлахта бир гапке жетер адам жохмедики, араларига тушип екевини жараштирса?!*

Гапти кесиб айтув – [Gapti kesib aytuv] – форсий+туркий ибора. Гапни аниқ-лўнда қилиб гапирмоқ. *Гапирсең кесиб гапир, кесиб гапирилген гап есте қалади!*

Гапти созмаслиқ – [Gapti sozmasliq] – форсий+туркий ибора. Қисқа гапирмоқ. *Гапти созмастан, боларини айт!*

Гапти чайнаш – [Gapti chaynash] – форсий+туркий ибора. Очиқ гапирмасдан, гапни айлантирмоқ. *Чайналмай, дурус гапир!*

Гапти шамаллатмаслиқ – [Gapti shamallatmasliq] – форсий+туркий ибора. Айтилган нарсани сир сақлаш лозимлиги. *Кампир, ертен елеке чиғип гапти шамаллатип жирме, ешиткен габиң ешиткен жериңде қасин!*

Гаптиң белиге тебув - [Gapting belige tebuv] – форсий+туркий ибора. Суҳбатдошининг габини бўлмоқ, гапга бемаврид аралашмоқ. *Гаптиң белиге теппей аввел ешитишти уйрен.*

Гирдиден айналув – [Girdiden aynaluv] – форсий+туркий ибора. Эътиборини қозонмоқ, ишончига кирмоқ. *Тағайиңниң чирайли қизи бар, гирдиден айналабер!*

Гузери авув – [Guzeri avuv] – форсий+туркий ибора. Йўли тушмоқ. *Гузериң авуп яна бир кегениңде, маңа бир хамчи ала кегин, ата касим деп хамчини дувалға асип қөйип чечеңниң давуши қатти чиғаберсе дувалға бир қарап қөйсам, бас!*

Гум бөлув – [Gum boluv] – форсий+туркий ибора. Йўқолмоқ, кўзга кўринмаслик. *Иш буюрибем, вөлам гум бөлди! Гум бөл, кўзиме кўринме!*

Гунди берсе жарайди – [Gundi berse jaraydi] – туркий ибора. Боқса иш беради маъносида. *Вөниям егерт, гунди берсең кандик тебишке жарамасаям, мал бағишқа жарайди.*

Гуппи-меш – [Guppi-mesh] – туркий ибора. Семиз одамга нисбатан ишлатилади. *Гуппи-меш қайнең бир табақ гўшли жөрпаға патирди турап тўрт қалампирди езип урди-да, устиден алти чайнек чайди қөтарип, леби жуп-жуплап вө ҳамсаясини жаманлади, бу ҳамсаясини жаманлади, вөннан сөң катте қудасини жаманлап-жаманлап жумалап жатип ухлап қалди, вөянса вўшек қартаси кимнен алади екен?!*

Гўр кўтиге – [Go'r ko'tige] – форсий+туркий ибора.

Ноиложликдан рози бўлмоқ. *Бир мал бёса гўр кўтиге, енди вё милисе амаса қёймайди!*

Гўрге кирув – [Go’rge kiruv] – форсий+туркий ибора. 1. Йўқолмоқ. *Чёлақ хёраз ҳазир шу ерде еди, гўрге кирдиме, кўринмей қалди.* 2. Жойсиз қолмоқ, ҳеч жойга сиғмаслик. *Вё келинге сиймасам, бу келинге сиймасам енди магерем қара башимди ап ачиқ гўрге кирмесем башқа баратқан жерим жёқ!*

## Д

Дав урмайди – [Dav urmaydi] – форсий+туркий ибора. Ҳеч бало қилмайди. *Вё қайтмасқарани давем урмайди, тийирманнан тири чиғади!*

Давасини таппаслиқ – [Davasini tappasliq] – арабча+туркий ибора. Иложсизлик, чорасини топа олмаслик. *Улиниң давасини таппади, бёмаса енесиниң вё қизға вёнча кўңни чаппағичеди!*

Даву-даскени кўтерув – [Davu-daskeni ko’teruv] – туркий ибора. Кетишга ишора, нарсаларини йиғиштириб жўнашига ижозат. *Бугунге шунча гап жетеди, енди даву-даскеңди кўтер!*

Давуш чиғарув – [Davush chig’aruv] – туркий ибора. Азада ёки марҳум атаб бериладиган етти, қирқ, юз ва йилида яқин аёл қариндошлари томонидан товуш чиқариб йўқлаш маросими.

Дайди сарпай – [Daydi sarpay] – форсий ибора. Келин қалинидаги атрофдаги қариндош-уруғларга тарқатиладиган сарпо. *Дайди сарпайға тетрон аралашсаям тоғизға аралашмасин, уйиңе кўрпе-тўшек бёп қайтади.*

Дайра ташса тёбиғиға кемейди – [Dayra tashsa tobig’ig’a

kemeydi] – туркий ибора. Ўзига тўқ, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, қайғуси йўқ. *Вӧ киши шундай туташип кетгенки, дайра ташса тӧбиғиға кемейди.*

Дайрағa сувсиз апарип, сувсиз қайтарув – [Dayrag'a suvsiq aparip, suvsiz qaytaruv] – туркий ибора. Пишиқ, пухта, алдашга уста одам. *Вӧл екевмиздием, дайрағa сувсиз апарип, сувсиз қайтарип келеди!*

Дамиге патир пишеди – [Damige patir pishedi] – форсий+туркий ибора. Мақтанмоқ, кўтарилмоқ, манмансимоқ. *Вӧниң гаплерини ешитсең, дамиге тандир-тандир патир пишеди!*

Дамини еки иниден алув – [Damini eki iniden aluv] – форсий+туркий ибора. Касалнинг оғирлашуви, нафас олишининг қийинлашуви. *Мамайди хабер ап туриңар, мамайам таберик, бир-еки куннен бери дамини еки иниден алаятир!*

Дамлеген дўлтедей бӧлув – [Damlegen do'ltedey boluv] – форсий+туркий+туркий ибора. Бор нарсасини йўқ деб бермайдиган, қизғанувчан одамга нисбатан ишлатилади. *Дамлеген дўлтедей бӧп, вӧннан қишта қар алалмайсан!*

Данекер – [Daneker] – форсий ибора. Маслаҳатчи, малҳам, донишманд. *Каттенемиз данекер кампир вўткен екен, ел жийилип келип маслаҳат алар екен!*

Дарах вӧятар – [Darakh voyatar] – форсий+туркий ибора. Эрта баҳорда эсиб, дарахтларни уйғотадиган шамол.

- *Кампир, дарах вӧятар шамалға вӧхшап гирдимнен мунча айналдиң?!*

- *Шамал миң айналсаям, бир хил уйхучил дарахлар табистан кирмесе вӧянмайди!*

Дардан қачқан – [Dardan qachqan] – форсий+туркий ибора. Ҳеч бир жойда ҳеч нарсани ялчитмаган, безори.

*Дардан қачқан дарвешти қаерден тавуп келдиңиз, кун қизмасдан табақ-табақ чалапти симирип вўзини саяға тартади!*

Дарди (алеми) ичиде – [Dardi (alemi) ichide] – форсий+туркий ибора. Дард-аламини ҳали айтиб улгурмаган, барча аламларга чидайди, маъносида. *Вӧл дардини дастархан қимайди, вӧ байқуштиң алеми ичиде!*

Дардиң астидан қайтув – [Darding astidan qaytuv] – форсий+туркий+туркий ибора. Ўлим билан юзма-юз бўлмоқ, ўлимдан омон қолмоқ. *Биревдиң журтида манзилиңе жеткиниңче нечи марте дардиң астиға барип қайтасан!*

Дени савлиқ – ерен байлиқ – [Deni savliq-eren bayliq] – туркий ибора. Тан соғлиғи – эркаклар(эл)нинг буюк бойлиги. *Дени савлиқ ерен байлиқ дейдилар, жани аман бӧса ҳали машинем алади, уйем салади.*

Дик-дик жул – [Dik-dik jul] – туркий ибора. Сафардан қайтгач, отнинг эгарини олиб, терини қотириш, яъни совутиш учун устига боғланадиган енгилроқ жул. *Даҳанекийиктен Данғараға жӧртип кеген атти жалаңачлап тайламай тери қатқинча дик-дик жулини байлап қойиңар.*

Димағи куйув – [Dimag'i kuyuv] – туркий ибора. Хафа бўлмоқ. *Ишле дебеңиз иниңиздиң димағи куйди, чайгеем қарамай қайнатасинике қарап енип кетти!*

Димағидан дим сасув – [Dimag'idan sasuv] – туркий ибора. Хафалигини ошкор баён қилмоқлик, гила қилмоқлик. *Бийкең димағидан дим сасип қилип-қилип кетти!*

Димағини чақ қилув – [Dimag'ini chaq qiluv] – туркий ибора. Хурсанд қилмоқ. *Хатиниман қайнесини Қӧрған апарип, жӧх жердеги кўйлеклерди апперип шӧлардиң*

*димағини чах қилип жири, байқуш енеси қўли кесев, чачи шибиртки бўлип, вўларға балажубатқич!*

Дўңиздан тук тартув – [Dongizdan tuk tartuv] – туркий ибора. Ҳеч нарсадан қуруқ қолмаслик, барча имкониятлардан фойдаланиб нарсаларга эга бўлишга интилиш. *Вўл дўңиздан тук тартип жирген адам, буннан қури қалама?!*

Дўңиз-дўңизди жармайди – [Dongiz-dongizdi jarmaydi] – туркий ибора. Ўз яқинларига ёмонлик қилмаслик (салбий маънода). *Вўл вўзиникиге тиймейди, балаға қаған беганалар, дўңиз-дўңизди жарама?!*

Дувал минув – [Duval minuv] – форсий+туркий ибора. Ишнинг орқага сурилуви. *Бизиң ишем тазза дувал минди, ҳич саҳати кемаятир!*

Дум ушлатмаслиқ – [Dum ushlatmasliq] – форсий+туркий ибора. Қочиб юриш, кўриниш бермаслик. *Вў ашнаң бир айда қайтараман деп миң дўлларди ап кетип, алти айдан бери дум ушлатмайди!*

*Думи хўржинда – [Dumi kho'rjinda] – форсий ибора. Ҳали иши битмаган, чала, давомли, чувалган иш.* Ҳар кун милисе чақирип ишиниң думи хўржинда, вўзи Рассияға пайизға билет апти.

*Думини туйув – [Dumini tuyuv] – форсий+туркий ибора. Қочмоқ.* Аш жең десем мени суесиз, иш қилиң десем думиңизди туесиз!

*Дутке чабар – [Dutke chabar] – туркий ибора. Тутун чиқадиган ерда ҳозир бўладиган кишига нисбатан айтилади.* Вў дуткечабарға тўйма, худайима парқи жўқ, қаерден дут қўйув чихса, ел дарек таппасдан вўл шўерде!

*Душман кўзи – [Dushman ko'zi] – форсий+туркий ибора.*

*Рақибларга кўз-кўз қилиш маъносида.* Душман кўзи қип бир ат  амасам, пияда қалдим!

# Е

*Езуви еки қулағиға жетув – [Yezuvi eki qulag'ig'a jetuv] – туркий ибора. Қаттиқ кулмоқ, давомли кулмоқ.* Маселеңди ешитип, қайнеңниң езуви еки қулағиға жетти!

Езувини жийув – [Yezuvini jiyuv] – туркий ибора. Кулгидан тўхтамоқ. *Кегеннен кулиб вўтирибеди, сен киргеннен сөң вөниң езуви жийилди!*

Еки аяғини бир етике тиғув – [Yeki ayag'ini bir etike tig'uv] – туркий ибора. Ўз сўзида туриб олиш, бошқаларнинг таклифини инобатга олмаслик. *Базарда шу кўйлекти кўрип, еки аяғини бир етике тиғиб турди.*

Еки аяғи шал бөлув – [Yeki ayag'i shal boluv] – туркий+туркий+арабча+туркий ибора. Юришдан қаттиқ чарчамоқ. *Сайма-сай мал қарайман деб, еки аяғим шал бөлди!*

Еки жарти бир путин бөлув – [Yeki jarti bir putin boluv] – туркий ибора. Тана аъзолари мукаммал бўлмаган икки киши бирлашиб рўзғорни эпламоқ, уддасидан чиқмоқ. *Еки жарти бир путин бөп рузғар қурип вөтирилар!*

Еки жузли – [Yeki juzli] – туркий ибора. Ёлғончи, тилёғламачи. *Вөл еки жузли, сени кўрип вөндай десе, мени кўрип мундай дейди!*

*Екили бирли қилип гапирув – [Yekili birli qilip gapiruv] – туркий+туркий+туркий+форсий ибора. Ҳар-хил гапирмоқ, бир-бирига тўғри келмайдиган гап гапирмоқ.* Екили бирли қип гапирмей, бир хилда гапир!

Еки чайнап бир жутув – [Yeki chaynap bir jutuv] – туркий ибора. Овқатни тез-тез емоқ. *Биз бисмилла дегинче, вӧл еки чайнап бир жутип, табахти жалаб бӧлди!*

Еки қӧли жағасида бӧлув – [Yeki qoli jag'asida boluv] – туркий ибора. Кимдандир норозилик маъносида. *Пулди берсе берди, бермесе қиyaматдаям еки қӧлим жағасида бӧлади!*

Ел авзуға елек тутип бӧмайди – [Yel avzug'a elek tutip bomaydi] – туркий ибора. Эшитган киши бирови бўлмаса, бирови гапиради, деган маънода. *Ел авзуға елек тутип бӧмайди, чиққан гаптиң алдини алиш қийин.*

Елге бағар, асман бағар – [Yelge bag'ar, asman bag'ar] – туркий ибора. Кўз. *Елге бағариңди каттерек ачда, есиң барида етегиңди жавуп тӧвба қип, тағайиңның тайхарини вӧғирлап сатқан бӧсаң, бир тининием камейтмей апарипқана берда, сатилған тайхариниң жайини билинтирмей бир-еки ай қудухтан сувини ташип, палектен тарбизиман қавунини ташип, адирдан сабанини ташип бер!*

Елден-ереки – [Yelden-ereki] – туркий ибора. Урф-одатдан ташқари, элда мавжуд режадан ташқари. *Елден-ереки қип вӧн еки тӧғиз самай, елдин режесиден чихмасин, лақайда тӧғиз саккизден ашмаған!*

Елдиң авзуни байлав – [Yelding avzuni baylav] – туркий ибора. Гап-сўз тарқалишининг олдини олмоқ, элга ўзининг ижобий жиҳатларини намоён этмоқ. *Бир ечки сӧйип елди хатин-халачиман чақирип, елдиң авзуни байлади!*

Елдиң авзуға елек тутув – [Yelding avzug'a yelek tutuv] –

туркий ибора. Элнинг оғзини ёпмоқ. *Бир ечки сӧйип, елди чақирип, елдиң авзуға елек тутти. Елдиң авзуға елек тутип бӧлама, алдида гапирмесеем, арқасида ҳамме гапирип жири!*

Елдиң аяғи сиңув – [Yelding ayag'i sinuv] – туркий ибора. Жимжитлик, сокинлик, элнинг уйқуга кетуви. *Елдиң аяғи сиңсин, сӧң никени вӧқиймиз!*

Ел қатариға қӧшилув – [Yel qatarig'a qoshiluv] – туркий ибора. Тартибга келув, елдаги мавжуд урф-одатларга риоя этмоқ, камбағалликдан қутилмоқ. *Атаң аздағи бӧлдима, енди ел қатариға қӧшилип мачитте тареби вӧқиса. Буғдайимиз пишип ел қатариға қӧшилип қалдиқ.*

Емес неңге – [Yemes nengge] – туркий ибора. Арзимаган нарса. *Емес неңгеге чапаниңди чаппа кийип араз урип қаласан, бийкең жаман гап гапирген жӧқ, тушкече ухлашиңди гапирди, ериңди дӧхлашиңди гапирди, жаман гап дейишиңди гапирди, жатибап жейишиңди гапирди, базарлап жиришиңди гапирди, бийкелериң кегенде қайқайип туришиңди гапирди, жаман дедиме?!*

Ене сути авзидан кетмеген – [Yene suti avzidan ketmegen] – туркий ибора. Ҳали анча ёш маъносида. *Ене сути авзидан кетмей бизге ақил уйретеди.*

Енеден тувилғандай – [Yeneden tuvilg'anday] – туркий ибора. 1. Гуноҳсиз, покиза. *Ҳар жили зиятратқа барсам, енеден тувилғандай жеңил бӧп қайтаман!* 2. Яп-яланғоч. *Ҳамӧмға кирсем ҳамме енеден тувилғандай бӧп чӧмилиб жатқан екен.*

Енесини Каттеқӧрғаннан кўрсетув – [Yenesini Katteqorg'annan ko'rsetuv] – туркий ибора. Қўрқитмоқ, жазоламоқ. *Вӧниң енесини Каттеқӧрғаннан кўрсетмесем қӧймайман!*

Ертели кеч – [Yerteli kech] – туркий ибора. Эртамикечми, барибир. *Ертели-кеч қизиңди узатасан, нике қийған бөсаң, қөй куевиң куевлеп келеберсин, қайтарип ниме қиласан!*

Еси енув – [Yesi enuv] – туркий ибора. Ақли кирмоқ, нарсаларнинг фаҳмига етмоқ. *Улиңниң еси енип қапти, енди емизмей айирсаңам бөлади.*

Еси кетув – [Yesi ketuv] – туркий ибора. Сарсон бўлмоқ, чарчамоқ. *Шө чөлақ ечкиңе қарайман деп уч куннен бери есиң кетти, ке бир табақ айран ичиб ал!*

Еси килерли чиғарли – [Yesi kirerli chig'arli] – туркий ибора. Касалнинг оғирлашуви. *Кампирдиң еси киреpли чиғарли бөп қаған, бехабер қамаңар!*

Есиниң барида етегини жийув – [Yesining barida etegini jiyuv] – туркий ибора. Обруйини сақлашга ундамоқ. *Ҳамсаялар минан урушип жирместен, есиң барида етегиңди жий!*

*Ешанимниң вўзи төқ, халпесимен иши жөқ – [Yeshanimning vo'zi toq, khalpesimen ishi joq] – форсий+туркий+туркий, арабча+туркий+туркий ибора. Ўзига етарли бўлиб, ўзига қарашли одамларга нисбатан бепарво бўлган кишига нисбатан айтилади.* Ешанимниң вўзи төқ, халпесимен иши жөқ дегендейин, бабаң шалисини гуруч қилип бала-чағасиман жавли палавди жеб жатир, сенердиң авҳеллериңдием сөрамайди!

*Ешшеги жөрғалав – [Yeshshegi jorg'alav] – туркий ибора. Ишининг юришиб кетиши, омаднинг кулиб боқиши.* Бу йил қайнатаңниң ешшеги жөрғалади, жийирма төнна буғдайди камбайман вөрдириб алди!

Ешшеги сувдан вўтув – [Yeshshegi suvdan vo'tuv] –

туркий ибора. Иши битмоқ, ташвишдан қутилмоқ. *Енди келинимди тушириб алдим, ешшегим сувдан вўтти деп хабер амай қўйма!*

Ешшеги суринмеслик – [Yeshshegi surinmeslik] – туркий ибора. Моддий ёки жисмоний жиҳатдан суянчиғи бор кишига нисбан айтилади. *Вөниң ешшеги суринмейди, вөниң белием бақувват, арқасида адамиям бар!*

*Ешшегиге жем берув – [Yeshshegige jem beruv] – туркий ибора. Хизматини қилмоқ, қуллуқ қилмоқ.* Райистиң ешшегиге жем берип жирисен бирен дардиң бар шекилли?!

*Ешшекеем сақичма – [Yeshshekeem saqichma] – туркий ибора. Гапни уқмайдиган одам садқаи насиҳат кетсин ёки яхшиликни кўрмайдиган одамга ҳам бир нарсами маъносида.* Ҳам пулимди алди, ҳам аяғима тармашиб жири, ешшекеем сақичма деп бекарға айтмағаннар!

Ешшеке терс миңгизув – [Yeshsheke ters minggizuv] – туркий ибора. Ёмонламоқ, қўюв ғийбат қилмоқ. *Шунча хатинниң ичиде, байқушти ешшеке терс миңгизди!*

## Ж

Жав тамса жалағидай – [Jav tamsa jalag'iday] – туркий ибора. Топ-тозза. *Ҳавлини мениң қизим шипирса жав тамса жалағидай қип шипиради.*

Жаву қайнаған – [Javu qaynag'an] – туркий ибора. Иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай доимий ҳаракатда бўлган ёшларга нисбатан ишлатилади. *Жавуң кўп қайнамасин, сувуқ амекиң бөмайди, шамаллап қасаң аззабини тартасан!*

Жавун кўрген жандар – [Javun ko'rgen jandar] – туркий+туркий+форсий ибора. Анча пишиқ-пухта,

тажрибали. *Вӧ жавун кӯрген жандар паспурти жӧғам бӧса бир бала қип қутулади, сен вӯзиңди вӧйла!*

Жаздиң жуғиндиғи, қиштиң ашқатиғи – [Jazding jug'indig'i, qishting ashqatig'i] – туркий ибора. Ёзда ейилмаган нарсаларни қишга ғамлашга ишора. *Шапталилар кӯрпе бӧлип астиға тӯгилип жатир, жийип қақ қип қуритип асаң қараңа қишта балағаналариң камиреди, жаздиң жуғиндиғи қиштиң ашқатиғи дейдилер!*

Жайи кеңейув – [Jayi kengeyuv] – туркий ибора. Бир ўзига қолмоқ, кимнидир ҳайдамоқ. *Укеңди пашшаханадан ҳайдап жайиң кеңейдиме, ким айтади сенерди бир қариннан талашип тушкен деп?!*

Жайлавдағи жандардай бӧлув – [Jaylavdag'i jandarday boluv] – туркий+форсий+туркий ибора. Ушлаган нарсасини юлиб олувчи ғайратли ёшларга нисбатан айтилади. *Вӧ жигит кеткен бӧса, жайлавдағи жандардай бӧп, енмегенди ендирип қайтади!*

Жал таппағир – [Jal tappag'ir] – туркий ибора. Тинчимагур. *Сен жал таппағир қара қаталақ ҳар куни бир пияламди синдирип қачип кетесен!*

Жалатув – [Jalatuv] – туркий ибора. Юпқа қилиб солмоқ, суркамоқ. *Чақалахтиң кӯрпесига гартей пахтани жалатип, мағизлап қабидим! Жузигиң тилладан бӧмасаям, тилла жалатилған екен!*

Жалғиз аяқ жӧл – [Jalg'iz ayaq jol] – туркий ибора. Ёлғиз оёқ йўл. *Жалғиз аяқ жӧл минан жиребберсең, Жийдебулақа жетесен!*

Жамааге (жамаҳаге) жар салув – [Jamaage (jamahage) jar saluv] – арабча+туркий+туркий ибора. Кўпчиликка эълон қилмоқ, ҳаммага айтмоқ. *Жамааге жар самай тур, қӧй шӧ тӧй авел кесин! Вӯзи еки табақ авқатиң бӧса, жамаҳаге*

*жар салип ниме қиласан, вўзимизем ҳал қип тайлаймиз!*

*Жаман атли бөлув – [Jaman atli boluv] – туркий ибора. Номи салбий моҳият касб этмоқ.* Вўшек ташип вөни буға чақ қилип вўзием жаман атли бөп қалди!

*Жаман кўз минен қарав – [Jaman ko'z minen qarav] – туркий ибора. Бировни ёмон кўриш, муваффақиятларини кўра олмаслик.* Жаман кўз минен қарағаннардиң кўзи вөйилсин!

Жаманнан жарти авуз қалув – [Jamannan jarti avuz qaluv] – туркий ибора. Коса, лаган ёки тавақнинг тагида салгина овқатни қолдирув. *Жаманнан жарти авуз қалди қимай, табахти тазалаб жала!*

Жаманқиянинг жөлини урув – [Jamanqiyaning jolini uruv] – туркий ибора. Сарбанд ва Данғара оралиғида Бўлакдашт даштидаги юк (карвон) ўтадиган тор, қия йўл, довон (перевал)дан ўтадиган йўлни назорат қилмоқ. *Ниме, атаң жаманқияниң жөлини уруппа, бир кун ат аламан дейсен, екинчи кун машин аламан дейсен!*

Жаманға жер вөйилув – [Jamang'a jer voyiluv] – туркий ибора. Бировга ёмонлик қилган одамнинг бахтсизликка учраши. *Жаманға жер вөйилади дегендей, буниңам башиға тушатиған савда бар екен!*

Жаңа пичақ жан пичақ, кўне пичақ аш пичақ – [Janga pichaq jan pichaq, ko'ne pichaq ash pichaq] – туркий+туркий+арабча+туркий, форсий+туркий+туркий ибора. Янги нарсага эътиборнинг устунлигига ишора. *Еркектиң намарти шулда, хатин ағаннаң сөң катте хатиниға қарашмай қөйди: жаңа пичақ жан пичақ, кўне пичақ аш пичақ бөп қалди.*

Жандарға байланган улақтай бөлув – [Jandarg'a baylangan ulaqtay boluv] – форсий+туркий ибора. Иложсизлик билан

бирор нарсани кутмоқ, қийналмоқ. *Маскувада милисеханада департация қиғинча жандарға байланған улақтай бўп кўзимиз тўрт бўп жатебердик!*

*Жани жал табув – [Jani jal tabuv] – арабча+туркий ибора. Тинчланмоқ, азобдан қутулмоқ.* Сенерди кўрип жаним жал тапти! Улим Рассиядан кегинча жаним жал таппади!

Жан-ийманим қамади – [Jan-iymanim qamadi] – арабча+арабча+туркий ибора. Қаттиқ қўрқув. *Бир милиседен қачиб жирибем, алдимнан екинчиси чиғибеди, жан ийманим қамади!*

Жани кўзиге кўринув – [Jani ko'zige ko'rinuv] – арабча+туркий ибора. Қаттиқ қийналмоқ, қаттиқ қўрқмоқ. *Апирессе қилишта жаним кўзиме кўринип кетти!*

Жанини келиге қамав – [Janini kelige qamav] – арабча+туркий+туркий ибора. Кўзига кўрсатмоқ, қаттиқ азоб бермоқ. *Ушлаб алип вӧ ахмахтиң жанини келиге қамап, тӧвбасиға таянтирдим!*

Жанини қӧярға жай таппаслиқ – [Janini qoyarg'a jay tappasliq] – арабча+туркий ибора. 1. Оғрикдан қийналмоқ, аззоб тортмоқ. *Тиши авруп, жанини қӧярға жай таппай, таң атқинча ухламай жирип чихти.* 2. Қадрли меҳмонни кутиб олиш. *Бардиқ, байқуш жанини қӧярға жай таппай жугирипкене, гўштием қувурип келди, шӧрпаям қип келди, ахшамға аш асти, дастарханди тӧлдирип тайлади!*

Жарани газзек алдирув – [Jarani gazzek aldiruv] - туркий ибора. Озгина нарсадан муаммоли вазиятни юзага келтирмоқ. *Жарани газзек алдирмасдан қайнатаңниң алдида бӧйниңди егип турсаң еди, қизини атиңниң арқасиға миңгештирип қӧшип жўнеткичеди! Жарани вўзиң газзек алдирдиңма, шӧрпахтаям вўзиңнен!*

Жараси авур – [Jarasi avur] – туркий ибора. Муаммоли, ташвиши кўп. *Жездемниӊ жараси авур, сийири кетсе кетсин, вўзи беабийир бўмасин! Вўткеннер бекарға айтмаған: «Башқа кеген баладан, баштан қулақ садаға», - деп!*

Жаратқаннан е маӊнайиӊа сўра, е таӊнайиӊа – [Jaratqannan e mangnaying sora, e tangnayinga] – туркий ибора. Яратувчидан ё мол-давлат, ё тилига қувват сўрамоқ. *Бекар жиргеннен намаз башлада, жаратқаннан е маӊнайиӊа сўра, е таӊнайиӊа. Таӊнайиӊа берсе, маӊнайиӊам жаришади!*

Жараш табақ – [Jarash tabaq] - туркий ибора. Аразлаганлар ва жанжаллашганларнинг ярашув зиёфати. *Тўйдан алдин жараш табақ қип жеӊгеӊмен жарашмасаӊ қизиӊниӊ арқасидан қудағий бўп барув вўяқа турсин, тўйғаям келишини худа биледи.*

Жарқиравуқ тувди – [Jarqiravuq tuvdi] – туркий ибора. Салқин тушди, куз бўлди. *Жарқиравуқ тувди, кампир, енди жайди уйге салеберсенг бўлади!*

Жарға илинген жантахдай – [Jarg'a ilingen jantakhday] – туркий ибора. Қимирласа йиқилиб кетадиган, омонат. *Жарға илинген жантахдай бўп вўтирмасдан аяғиӊди чечип кўрпечеге чиғип тузув вўтирмайсама?!*

Жатибатар – [Jatibatar] – туркий ибора. Дангал гапирувчи. *Вў жатибатар, қудағий малал бўладиям деб вўтирмайди, авзиға кеген гапини тайлаб алади!*

Жатса-турса – [Jatsa-tursa] – туркий ибора. Доимо. *Мамам жатсаям-турсаям сизге дува бериб жатир!*

Жатқан жиланниӊ қуйруғини басув – [Jatqan jilanning quyrug'ini basuv] – туркий ибора. Ўзига зиёнсиз нарсага тегиб, ўзининг бошига бало орттирмоқ. *Вўға тийишкен*

*адам асанлихман қутилмаслиғини билсеңем, вӯз аяғиңман барип жатқан жиланниң қуйруғини бастиң-да!*

Жағ уриштурув – [Jag' urishturuv] – туркий ибора. Гурунглашмоқ, тортишмоқ. *Жетти намашамғачей қишлахтиң хатиннариман жағ уриштирғинча, сийирди ертерек савмадиңма, сутини ширбинич қип касел хаберап кесем.*

Жағам қаяхта (жағасини ушлав) – [Jag'am qayakhta (jag'asini ushlav)] – туркий ибора. Бирор нарсадан ҳайратланмоқ.

*Я тӧвба, бул ниме деятир, жағам қаяхта?!*

Жағама-жаға бӧлув – [Jag'ama-jag'a boluv] – туркий ибора. Жанжаллашмоқ, ёқалашмоқ. *Тағa-жиен жағама-жаға бӧп яна қайтип уялмай бир табахтан нан жейдилер?!*

Жағани жиберув – [Jag'ani jiberuv] – туркий ибора. Ушлаган ёқасини қуйиб юбормоқ. *Палван, жағани жиберда тикке турип алиш!*

Жағи жарда қалув – [Jag'i jarda qaluv] – туркий ибора. Ёмон гап гапирган кишига нисбатан ишлатиладиган ибора. *Вӧниң жағи жарда қасин, еки гаптиң бириде берген еки касе гуручини пеш қилади!*

Жағи-жағиға тиймеслик – [Jag'i-jag'ig'a tiymeslik] – туркий ибора. Кўп ва тез гапирувчи киши. *Вӧл ешитатиған адам тапса, жағи-жағиға тиймей гапиреди!*

Жағ уриштурув – [Jag' urishturuv] – туркий ибора. Гурунглашмоқ, тортишмоқ. *Барип ҳамсаяман пичи жағ уриштирип кемесем, жатишқа ҳали ерте!*

Жағи қаришқир – [Jag'i qarishqir] – туркий ибора. Қарғиш. *Жағи қаришқир жайлав апарип жандар алди деб жетти қӧйимди жеди!*

Желке тамири тиришув – [Jelke tamiri tirishuv] – туркий

ибора. Аччиғи чиқмоқ, норози бўлмоқ, ҳайратланмоқ. *Бир қапча буғдай сўрабем, желке тамири тиришип қалди!*

Желкеси тушув, ийни тушув – [Jelkesi tushuv, iyni tushuv] – туркий ибора. Хафа бўлмоқ. *Ашнамниң желкеси тушиб жирген екен, барип кўңниден чиғарип келдик.*

Желкесини зиғир жавман жавлаб жўнетув – [Jelkesini zig'ir javman javlab jo'netuv] – туркий ибора. Ўқишга, ишга киришда ёки бошқа даврага қўшилишда киришимли бўлиб, тезда ўз ўрнини топиб кетишига ишора. *Улиңди вӧқишқа жиберипсен, желкесини зиғир жавман жавлаб жўнеттиңме, ишқаланип тӧдаға кирип, кўпчиликке қӧшилип, вӧқишларға вӧйнаб-вӧйнаб кирип кетсе?!*

Желкесини қашув – [Jelkesini qashuv] – туркий ибора. Ўйланмоқ. *Ниме қилариңди билмей, желкеңди қашип вӧтирғинча, тавеккел қип танаңди сатта, Рассияға барип ишлеп кел!*

Желкесиниң чуқури кўрув – [Jelkesining chuqurі ko'ruv] – туркий ибора. Қайтиб бормасликка аҳд қилмоқ. *Шундай деген бӧса, енди шӧ уйди желкемниң чуқури кўрсин!*

Жеммен бағув – [Jemmen bag'uv] – туркий ибора. Отни емга олув. *Атти еки ай яхшилап жемге асанг, гўши таштай, арқаси тамдай бӧлади!*

Жеңил аяқ – [Jengil ayaq] – туркий ибора. Чаққон. *Келини жеңил аяқ екен, шипиллап ҳамме ишти вўзи қилиб жири!*

Жең шибанув, жеңини турув – [Jeng shibanuv, jengini turuv] – туркий ибора. Бирор нарсага тайёрланув. *Вӧл тӧйға бараман деп ерте куннен жең шибанип таппа-тайяр!*

Жер айта бармасин – [Jer ayta barmasin] – туркий ибора. Мархумлар хакида салбий гап гапирилганда ишлатиладиган ибора. *Жер айта бармасин, хударамети вӧ катапамам кайнесиге тузув хизмет киган жӧгеди.*

Жер бавурлап жатув – [Jer bavurlap jatuv] – туркий ибора. Кўкрагини захга бериб ётмоқ. *Байқуш балам жетти жил жер бавурлап жатип институтта вӧқип диплӧмини абедием, заман айнип, саюз бузилип, вӧқиғанниң қадри қамади.*

Жерден алип, гўрге салув – [Jerden alip, go'rge saluv] – туркий ибора. Сўкмоқ, қаттиқ койимоқ, қарғамоқ. *Дӧсиңди енеси жерден алип гӯрге салип жатир!*

Жердиң астида жилан қимилласа сезув – [Jerding astida jilan qimillasa sezuv] – туркий ибора. Жуда пишиқ деган маънода. *Дӧсиңди гӯл деме, жердиң астида жилан қимилласа сезеди!*

Жер жаҳанге вӧт қӧйув – [Jer jahange vot qoyuv] – туркий+форсий+туркий+туркий ибора. Ғийбатчилик қилиб қўшниларни бир-бирига қарама-қарши қилиш, уриштирмоқ. *Жер жаҳанге вӧт қӧйип, вӯзи тамаша кӯрди!*

Жер жутув – [Jer jutuv] – туркий ибора. Бирор нарсанинг йўқолиб қолиши. *Ийнени жер жуттима, сабахлайман деп қӧлимнан тушрибем жӧғалди.*

Жер жутқир – [Jer jutqir] – туркий ибора. Қарғиш. *Жет жутқир намашамғачей ашиқ вӧйнап, қараңада қалтирап сайда сийир қарағинча ертерек имтилмайсама?!*

Жерге қағар – [Jerge qag'ar] – туркий ибора. Оёқ. *Исқати шӧ жерге қағариңди қағип кирмейсеме, кийизимди чаңға батирип тайладиң!*

*Келин гӯшхӧр екен ахшам сӧйилған малдиң гӯшини таң атқинча жеп қӧйипти. Ертамен қайнилери турип:*

- *Ахшам сӧйилған гӯш қана,* - *деп сӧраптилар.*

*Чечелери аврувдиң алдини алип, айтқан екен:*

- *Келин жеди-жеди дейсеңер, келин нимени жепти?! Арқа мӧйинди жеди, вӧмиртқаман тӯшти жеди, қабирғали*

*гўшти жеди, асман бағар (калле)минан жерге қағар(пачче)ди жеди. Буларға қўшип вўпке бавурди жепти, ниме бўпти, шуғанағаям ата гўри қазиханама?!*

Жесең ҳарра ғияқ, жемесең жилғин таяқ – [Jeseng harra g'iyaq, jemeseng jilg'in tayaq] – туркий ибора. Еганинг олдингда, емаганинг орқангда, деган маънода.

Жил вўн-еки ай – [Jil von-eki ay] – туркий ибора. Доимо. *Вўниң ери бенамис, жил вўн-еки ай елден қариз ап, тийирманнан ун сатип ап жиреди!*

Жилавди бурув - [Jilavdi buruv] – туркий ибора. Таклиф қилмоқ, йўналишни ўзгартирмоқ. *Ақсақал жилавди биз таманға буриң, бир мал сўйип гуруң қилайиқ.*

Жиланниң жавини жалаған – [Jilanning javini jalag'an] – туркий ибора. Пишиқ, ўзига пухта, айёр. *Ашнаң жиланниң жавуни жалаған адам!*

Жилиги тўқ бўлиб вўсув – [Jiligi toq bolib vo'suv] – туркий ибора. Моддий жиҳатдан қийналмай ўсмоқ. *Жилиги тўқ бўлиб вўскен бала барибир ажралип туради!*

Жилқиси тавға чиғув, қулуни қирға чиғув – [Jilqisi tavg'a chig'uv, quluni qirg'a chig'uv] – туркий ибора. Ниятига етиб қувонмоқ, иши юришмоқ. *Сенем пал тартип шалини егип тайладиң, жилқиң тавға чихти, вўяғи ениш!*

Жилға куйген – [Jilg'a kuygen] – туркий ибора. Бир йилнинг арзимас улушини олиб қолган. Бу ибора кўпинча йилнинг охирги ойларида туғилганларга нисбатан ишлатилади. *Бу чақалақ жилға куйди, декабрдиң ахирида тувилди.*

Жипсиз байланув – [Jipsiz baylanuv] – туркий ибора. Ўз ихтиёри билан кета олмаслик, банд бўлиш. *Паспуртимизман пулимизди берип жипсиз байланип қалдиқ!*

Жир-жир аяқ – [Jir-jir ayaq] – туркий ибора. Уйида

турмасдан кўп юришга мойил одамга нисбатан ишлатиладиган ибора. *Жир-жир аяқ жиени тағайсиниям егертип Ташрабат жўнепти.*

Жир питув – [Jir pituv] – туркий ибора. Семириб кетмоқ, жон кирмоқ. *Желкеңе жир питти шекилли, жиралмай қалдиң!*

Жириң барма – [Jiring barma] – туркий ибора. Пулинг борми. *Жириң бöса жийрен минесен, бöмаса ҳайран жиресен.*

Жиғилдани қайнав – [Jig'ildani qaynav] – туркий ибора. Аччиқланмоқ, қийналмоқ, бировни ёмон кўрмоқ. *Шöниң гапларини ешитип, жиғилданим қайнап кетти!*

Жöл тартув – [Jol tartuv] – туркий ибора. Йўлбошчилик қилмоқ, олдинда юрмоқ. *Ақсақал жашиңиз улуғ екен - жöл тартиң!*

Жöл учуғи – [Jol uchug'i] – туркий ибора. Илгари узо сафарга чиан киши отининг бир оёғига “жол учуғи” деб кичкина қизил мато боғлаб олган. *Хрушчўп атлардиям жöғатти, “жöл учуғи” деген қаделерем жöғалди, енди ел атли бöлаятир, неки вö адетлер жöғалип кетти!*

Жöлди берув – [Joldi beruv] – туркий ибора. Бошқа томонга боришга имконият яратмоқ, асос яратмоқ. *Бир мартеге қишлақдаштикке жавчи бöп барайиқ, берсе қизини береди, бермесе жöлди береди, сöң тав ашип жавчилиқ қиламиз!*

Жöлдиң жöлучуғи бар – [Jo'lding jo'luchug'I bar] – туркий ибора. Улов ёки инсон узоқ масофани босиб ўтганда ҳориб ётиб қолишига айтилади. *Жездең Жарипқöлдан Қизилмазарга пияда келип жатип қаған бöса, бу жöлдиң жöлучуғи.*

Жöли ақ бöлув – [Joli aq boluv] – туркий ибора. Манзилга

эсон-омон етиб боришига тилак билдирмоқ. *Жӧлиң ақ бӧсин, жӧлдашиң ҳақ бӧсин, Ҳазрети Хӧжаи-Хидир жӧлдашиң бӧсин!*

Жӧли жиңичке – [Joli jingichke] – туркий ибора. Келажаги йўқ, ишониб бўлмайдиган, алдаб кетувчи. *Булардиң жӧли жиңишке, буларға қӧшилип вўзиңди беабийир қима!*

Жӧлиға қарав – [Jolig'a qarav] – туркий ибора. Кутмоқ. *Жетти айдан бери жӧлиңа қарап, жумуримнан жав вўтмейди.*

*Жӧртқанға жӧлдаш, қайтқанға қариндаш – [Jortqang'a joldash, qaytqang'a qarindash] – туркий ибора. Барчага эргашиб юрувчи бола.* Жабағиға вӧхшап жӧртқанға жӧлдаш, қайтқанға қариндаш бӧп кўрингенге иргешип жиребересеме?!

Жӧғал табақ, жӧл аяқ – [Jog'al tabaq, jol ayaq] – туркий ибора. Сафарга отланган ёки кўчиб кетаётган киши томонидан элдан дуо олиш учун бериладиган зиёфат. *Жӧғалтабахти жеп уйиңе жӧғалмай, ашнаңди пайизға миндирип кемейсеме?! Рассияға кетаятқан екенсен, жӧғал табағиңди қачан жеймиз?*

Жӧғари-қуйи чабув – [Jog'ari-quyi chabuv] – туркий ибора. Зарурликдан тинмай ҳаракат қилмоқ. *Чечем жӧғари-қуйи чавуп жири десем сийири дамлеген екенда!*

Жувилмаған қашихдай – [Juvilmag'an qashikhday] – туркий ибора. Кераксиз жойда пайдо бўлмоқ. *Дастархан жазилди, жувилмаған қашихтай вӧлам ҳазир!*

Жугирдек – [Jugirdek] – туркий ибора. Кимгадир қарам, ҳукмидан чиқолмайдиган, югурдак. *Жугирдеке нан қайғи, чӧлақ тавуқа дан қайғи.*

Жуз кўрмес бӧлув – [Juz ko'rmes boluv] – туркий ибора. Жанжаллашиб, бир-бири билан гаплашмаслик,

учрашмаслик. *Бир чўлақ тавухти деп еки ағайин жузкўрмес бӧп, биреви вӧтирип кеткен кўрпечеге екинчиси кесе кўрпечени авдарип вӧтиратиған бӧғаннар!*

*Жузиге (бетиге) қан жугирув – [Juzige (betige) qan jugiruv] – туркий ибора. Касалликдан турмоқ, ўзига келмоқ.* Байқуш хийли жатти, енди сал жузиге қан жугирипти.

Жузикке кўз қӧйғандай бӧлув – [Juzikke ko'z qoyg'anday boluv] – туркий ибора. Бирор нарсанинг ярашуви, ўз ўрнини топиши ёки ўз тенгини топиши. *Келинчекмен куев жузике кўз қӧйғандай бир-бириге жарашип тури!*

Жузиктиң кўзидей – [Juzikting ko'zidey] – туркий ибора. Келишган, қаду-қоматли. *Жузиктиң кўзидей бӧған буқадевимди, небереме енчи бердим!*

Жулдуз тӧлғанда – [Julduz tolg'anda] – туркий ибора. Ярим кечада. *Қашимизға қӧшилсин, кўкке жулдиз тӧлғанда!*

Жумурини жавлав – [Jumurini javlav] - туркий ибора. Сийламоқ, қарашмоқ, зиёфат бермоқ. *Жумирини жавламасаң, жамбашиңа жўгием жанашмайди.*

Журеги жал таппаслиқ – [Juregi jal tappasliq] – туркий ибора. Кўнгли ҳаловат топмаслик, хавотирланмоқ. *Ули Тереклитавдан писте терип қайтқинча, байқуш кампирдиң журеги жал таппади.*

Журеги жарилув – [Juregi jariluv] – туркий ибора. Қаттиқ қўрқмоқ. *Катменниң дастесига чапанди кийгизип қӧйған екенсизлер, қараңада кўрип журегим жарилди!*

Журегини кўтерув – [Juregini ko'teruv] - туркий ибора. Қўрққан кишини даволаш усули. *Қӧрқип журегиң тушипти, тавепке барип журегиңди кўтерт.*

Журегини сув қилув – [Juregini suv qiluv] – туркий ибора. Ғам бермоқ. *Табистан бӧса гўдеклер қишлақа барамиз деп журегимди сув қип жибередилер!*

Журегиниң қуртини вўлтирув – [Juregining qurtini vo'ltiruv] – туркий ибора. Юракнинг тафтини босмоқ, чанқовни қондирмоқ, томоқдаги чангларни ювмоқ. *Жир тавға барип бир-еки каседен қимиз ичип журектиң қуртини вўлтирип келейик!*

Журек алдирув - [Jurek aldiruv] – туркий ибора. Қўрқиб қолмоқ. *Пада́да мали жӧғалип байқуш мал ҳайдашдан журек алдирған.*

Журт аширув – [Jurt ashiruv] – туркий ибора. Маълум масофа, нисбатан олис ҳудуд. *Қӧшқарларини жувуқа сатмайди, журт ашрип сатади! Қайнатаң журт аширип қиз бермегичеди, сениң маңнайиң алти қариш, саңа қандай бӧп қизини берди-да! Байлар илгери журт аширип қӧчқар апкеп, сурувге қӧйбергичеди, енди вӧндай қимайдилар, шўйтип қӧйлар майдарип кетти!*

Журт кўмеч – [Jurt ko'mech] – туркий ибора. Бошқа жойга кўчиб кетаётган оиланинг юртдошларига дастурхон тортиб, дуо олиши. *Елдиң журт кўмечини жеп бир жерде вӧтиребересеме, жаңа жер ачилипти дейди, елге қӧшилип сенем кўчмейсеме?*

Журтта қағир – [Jurtta qag'ir] – туркий ибора. Асосан молларга нисбатан айтилади. *Журтта қағир, қара ийнек бугунем кемепти, барип адирдан ҳайдап кеңер!*

Журтти бузув – [Jurtti buzuv] – туркий ибора. Бақирмоқ, дод солмоқ, ёш болаларнинг қаттиқ йиғлаши. *Бу қайтмасқара айтқанини бермесең, бақирип журтти бузади!*

## З

Замбирдиң уясини қӧзғав – [Zambirding uyasini qozg'av] –

форсий+туркий+туркий ибора. Жалжанкаш одамга тегинмоқ. *Шунча ташвиш жетмегендей, яна барип замбирдиң уясини қўзғапсан-да!*

*Зарилде зардей бӧлув – [Zarilde zardey boluv] – арабча+форсий+туркий ибора. Зарур пайт азиз бўлмоқ.* Пишихчилиқ екен деп буғдайди тавухларға чашмай жийип қӧйиңар, ҳали қиштиң чиллесиде зарилде зардай бӧп таппай қаласаңар!

*Зарчўбидей ишлев – [Zarcho'bidey ishlev] – форсий+туркий ибора. Ранги сарғайиб, мадорсизлангинча ишламоқ.* Пилле қӧйиш асанма, зарчўбидей ишлейсен?!

*Заҳар аяқа сув берув – [Zahar ayaqa suv beruv] – форсий+туркий ибора. Ўч олмоқ, уялтирмоқ.* Байқуштиң тӧйға барғани бӧлдима, қудағийи заҳар аяқа сув берди!

*Зим-зия бӧлув – [Zim-ziya boluv] – арабча+туркий ибора. Бирдан йўқолиб қолмоқ.* Бир ҳаптадан бери шу ерде еди, шу гапти ешиттию, бирден зим-зия бӧлди.

Зиян кўрген савдагардай бӧлув – [Ziyan ko'rgen savdagarday boluv] – арабча+туркий+форсий+туркий ибора. Хафа, қовоғини солиб юрган кишига айтилади. *Зиян кўрген савдагардай бӧлип қабағиңди уйип жиргинче, қувурма жеген қулдай бӧп иржайип жирмейсеме?!*

## И

Изиден ат қӧйув – [Iziden at qoyuv] – туркий ибора. Орқасидан от билан қувмоқ. *Сурувге жандар аралаған екен, айнаң милтиғини алип изиден ат қӧйип кетти.*

*Изини сувитмай – [Izini suvitmay] – туркий ибора. Орқасидан, тезда.* Ваъде берген бӧса, изини сувитмай

арқасидан бариб апкеп қөй! Вөғрининң изини сувитмай арқасидан тушиңер!

*Ийегини тишлев – [Iyegini tishlev] – туркий ибора. Афсусланмоқ, ўкинмоқ. Рассияға кеталмай, иегини тишлеп вотири.*

*Ийек суев, ийек тирев – [Iyek suev, iyek tirev] – туркий ибора. Баҳслашмоқ.* Вөға ийек тиреме, вөлар бай. Ҳазирги бачелер ишлемей укелериге ийек суеп, пақат гап аңнийди!

Ийек қағув – [Iyek qag'uv] – туркий ибора. Ияги билан имлаб гапирмоқ. *Катте давреде еки дөс ийек қағишип вөтири. Бейбахтиң касели авурлашипти, ийек қағип қапти.*

Ийип кетув – [Iyip ketuv] – туркий ибора. Ўзидан кетиб сахийлик қилмоқ. *Дөсиң ийип кетип қөшқар сөйипти дейдилер?!*

Иймани алти бөлув – [Iymani alti boluv] – арабча+туркий ибора. Қаттиқ қўрқмоқ. *Қараңада келдим, уйде ҳич ким жөғ екен, ийманим алти бөлди!*

Иймани жөқ – [Iymani joq] – арабча+туркий ибора. Виждонсиз, инсофсиз. *Иймани жөқ беинсаф вўзи уйде жатип, қараңа қишта еки гўдекти вөтинға жиберипти!*

Ийне жеген ийттей – [Iyne jegen iyttey] – туркий ибора. Ориқлаб кетмоқ, ҳаддан зиёд озиб кетмоқ. *Бир сутли сийир амасалар, келини ийне жеген ийтттей тиришип баласини төйдиралмайди.*

Ийнини қисув – [Iynini qisuv] – туркий ибора. Маъқулламаслик, нейтрал мавқе. *Вөннан сөрасам вөлам билмеймен дегендей ийнини қисти.*

Ийт аззабини кўрув – [Iyt azzabini ko'ruv] – туркий ибора. Қаттиқ қийналмоқ. *Биринчи баришимизда Рассияға қишта барип иш табалмай ийт аззабини кўрдик!*

Ийт егесини танимайди – [Iyt egesini tanimaydi] – туркий

ибора. Тумонат одам, бировни топиш мушкил. *Базарда адамниң кўплигиден жиргели жўлиңди таппайсан, ийт егесини танимайди, сен атаңди қаерден табасан?!*

Ийт ийтке буюрди, ийт қуйруғиға – [Iyt iytke buyurdi, iyt quyrug'ig'a] – туркий ибора. Сенсалорлик, иш қилишдан қочиб биров-бировига буюриш. *Ийт ийтке буюрди, ийт қуйруғиға қимай, бир табақ чалапти вўзиң езсең есиң кетеме?!*

Ийт теззеги дари бўлди, Қизилсувдан нари бўлди – [Iyt tezzegi dari boldi, Qizilsuvdan nari boldi] – туркий ибора. Керакли нарсанинг ахтарганда топилмаслиги. *Ийт теззеги дари бўлди, Қизилсувдан нари бўлди, деб қалампирам бир нескеме, қишлахти сўрадиқ, табилмади!*

Ийт қўриған жерге вўч – [Iyt qorig'an jerge vo'ch] – туркий ибора. Бориш таъқиқланган жойга бориб қолмоқ. *Ийт қўриған жерге вўч дегендейин, ҳич тўйға бармағич, ҳамсаяниң тўйиға қайнеңмен бийкелериңниң келишини билип, устлериге басип кирип барғаниңа вўлейин-ме?!*

Ийтжан бўлув – [Iytjan boluv] – туркий ибора. Қаттиқ қийинчиликларга бардош бермоқ, чидамли бўлмоқ. *Рассияға барғаннан сўң ийт жан бўмасаң, тапқанимди катте-катте жеймен десең, ишлегениң қарниңаям бўмайди!*

Ийтим адашиппа – [Iytim adashippa] – туркий ибора. У ерда менга нима бор, нима қарайман, маъносида. *Рассияда ийтим адашиппа, сал қимилласам пулди шу ердеем табаман.*

Ийтке марижав жахмас – [Iytke sarijav jakhmas] – туркий ибора. Бировга бир нарса берса нозланиб олмаса ишлатиладиган ибора. *Гўш қувурдим жемеди, ийтке марижав жахмас деп шуни айтади-да!*

Ийтмен - пишек – туркий ибора. Қарама-қарши, ғаш. *Еки ашна ҳазир ийтмен-пишек!*

Ийттен нари қилув – [Iytten nari qiluv] – туркий ибора. Койимоқ, уялтирмоқ. *Бир нан тилеп кебеди, байқушти ийттен нари қип тайлади.*

Ийттен суек қариздар бөлув – [Iytten suek qarizdar boluv] – туркий ибора. Кўпчиликдан қарздор бўлмоқ. *Вөннан пул сөрама, вөниӊ вўзи ийттен суек қариздар!*

Ийттиӊ шериги бит – [Iytting sherigi bit] – туркий+арабча+туркий ибора. Ўхшатмасдан учратмас, кўр-кўрни қоронғида топади. *Ашнасиям вўзиге вөхшаған алкаш, ийттиӊ шериги бит деп шуни айтса керек!*

Инсапини ийт жейув – [Insapini iyt jeyuv] – арабча+туркий ибора. Одоб доирасидан чиқмоқ, инсофсизлик қилмоқ. *Инсапини ийт жегир қайнағаӊ суюнчиге қөтир улақ самай, бир қөй берсе, барекесиге вөт кетеме?!*

Интиғи қурув – [Intig'i quruv] – туркий ибора. Сабрсизлик, бетоқатлик. *Улиӊиздиӊ интиғини қуритмай, уйлентирсеӊиз бөмайма?!*

Ирге кўтерер – [Irge ko'terer] – туркий ибора. Келинчакни куёвникига узатиш маросими. *Катапа, ертен ирге кўтерер, төйға бариӊ!*

Ирес келдирув – [Ires keldiruv] – туркий ибора. Зўр бермоқ. *Гапке ирес келдиргинче айтқан гапти вўз вахтида қил!*

Иссиқ алув – [Issiq aluv] – туркий ибора. Қуёш таъсир қилиб касалланмоқ. *Табистанда писте теремен деп вўзиӊди иссиқ алдирипсан!*

Исқатиға қөйув, исқатиға берув – [Isqatig'a qoyuv, isqatig'a beruv] – арабча+туркий ибора. Одам ўлгандан сўнг,

унинг моли-мулкининг бир қисмига гуноҳларини бўйнига олиш эвазига эгалик қилишга талабгор шахсга бермоқ. *Исқатиңа, шу малиңди, байласаң бөйма, ухлап жатсам бөшалип палегимди жазир қип кетти!*

Исқатиға берейин – [Isqatig'a bereyin] – арабча+туркий ибора. Моли ўзига насиб қилмасин, деган маънода. Илгари диний ақидаларга кўра биров вафот этса, унинг молининг бир қисми бошқа кишига (исқотга) - марҳумнинг гуноҳларини ўз бўйнига олиши ҳисобига берилган. *Исқатиға берейин шө малини, сабзини жегенини жеп, жемегенини тепкилеп кетипти.*

*Ичиден тинув – [Ichiden tinuv] – туркий ибора. Қаттиқ афсусланмоқ.* Улиниң Рассияда хатин ағанини ешитип байқуш кампир ичиден тинип қалди!

Ичини ийт тирнап қалди – [Ichini iyt tirnap qaldi] – туркий ибора. Имкониятсизлик, пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ. *Төйға келалмағанидан апаңниң ичини ийт тирнап қалди!*

Ишлер хөржин – [Ishler khorjin] – туркий+форсий ибора. Дабдала, чатоқ. *Налөктан кеп текширип кетти, ишлер хөржин, райанға бармасақ бөмайди!*

Ишлери ахсап қалув – [Ishleri akhsap qaluv] – туркий ибора. Ишларининг юришмаётганлиги. *Чалиниң ишлери ахсап қаған екен, кампири таң атмастан палчиға пал ачирғали кетти!*

## К

Калле пишув – [Kalle pishuv] – форсий+туркий ибора. Кўп ухлаган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Тушкечей ухладиң, каллең пиштиме?!*

Камирув – [Kamiruv] – туркий ибора. Кўп гапирмоқ,

ниманидир қайта-қайта сўраб олмоқ. *Бир сём пулиға рузғарға чай абем, уч куннен бери гўшти-тенемди камирди. Ҳадеп меннен пул сёрап, камиргилеп вўртебеди, улахти жетелетип базар жўнеттим, сатип кесе бирен ҳапта қулағим тинади!*

Капесини куйдирув – [Kapesini kuydiruv] – форсий+туркий ибора. Аҳволини танг қилмоқ. *Бажаң зейил екен, қайнатаңниң капесини куйдирип, тақа ешшегини саттирип, қарзини ап келди.*

Кар салув – [Kar saluv] – форсий+туркий ибора. Бошқаларнинг гапини эшитиб эшитмасликка олмоқ. *Кар самай барип ағилди куре!*

Касели авур, жараси ҳавур – [Kaseli avur, jarasi havur] – арабча+туркий, туркий ибора. Иши муаммоли, ҳал этиш учун анчагина харажат талаб қилади. *Вёниң касели авур, бир тана сатип қутулсаям, яхши!*

Каттелиги кадиге сиймайди – [Katteligi kadige siymaydi] – туркий ибора. Имконияти камроқ бўлсада юқори чўққиларни кўзлайдиган, кўрпасига қараб оёқ узатмайдиган, шунингдек, ўзгаларни писанд қилмайдиган, менсимайдиган, мақтанчоқ одамларга нисбатан ишлатилади. *Вўзи бир ҳаррам ешшегини сатип, каттелиги кадиге сиймай, салемимизгеем алик амай, вёнинг атбазарди айналғаниға қара!*

Кессе қани чихмайди – [Kesse qani chikhmaydi] – туркий ибора. Зиқна, хасис одам. *Вёниң тенесини кессе қани чихмайди, саңа бир сём пул береме?!*

Кимниң дани (тариси) пишсе шёниң тавуғи бёлув – [Kimning dani (tarisi) pishse shoning tavug'I boluv] – туркий ибора. Тутуруғи йўқ, кимнинг қозони қайнаса ўшанинг хизматидаги одамга нисбатан айтилади. *Кимниң тариси*

*пишсе шўниң тавуғи бўлип жиргинче, уйленип рузғар қилип башқаларға вўхшап яшасаң бўмайма?!*

Киндик бўйи – [Kindik boyi] – туркий ибора. Баландлик ўлчови. *Қавунниң кандигини киндик бўйи қип тепсең қавун жейсен, бўмаса чапчани қавун деп жейбересен!*

Киндик қани тамған жай – [Kindik qani tamg'an jay] – туркий ибора. Туғилган жой, ватан. *Адам қаерде бўсаям киндик қани тамған жайди кусейди!*

*Киприги илинмеслик – [Kiprigi ilinmeslik] – туркий ибора. Ухламаслик.* Балаңниң кўзи чахчайип таң атқинча киприги илинмеди, бешикти ирғап чихтим!

Киререге тешик таппади, жер жарилмадики кирсе – [Kirerge teshik tappadi, jer jarilmadiki kirse] – туркий ибора. Қилмишидан ёки айтган гапидан кўпчиликнинг орасида қаттиқ уялмоқ. *Давреде екевини бетме-бет қибеди, дўсиң уялғанидан жер жарилмадики кирсе!*

Кисеси тешик – [Kisesi teshik] – форсий+туркий ибора. Чўнтагида пул турмайдиган одамга нисбатан ишлатилади. *Вўниң кисеси тешик, айлиқ аған куни пули бўладм, башқа кун вўннан пул алалмайсан.*

Куни бир тутам бўлув – [Kuni bir tutam boluv] – туркий ибора. Бош қашишга вақт топмаслик, қийналмоқ. *Чечең егиз чақалахтиң арасида куни бир тутам!*

Куни учун кул тайлав – [Kuni uchun kul taylav] – туркий ибора. Кунининг ўтиши учун ҳар қандай оғир меҳнатни ҳам бажармоқ. *Куниң учун кул тайла дейдилер, енди шўғана балалариңниң ач қамаслиғи учун ниме иш буюрса жўх деме!*

Кучи еки кўзиге жетув – [Kuchi eki ko'zige jetuv] – туркий ибора. Йиғламоқ, аламини йиғидан олмоқ. *Дардини биревге айталмай, кучи еки кўзиге жетиб жатир!*

Кўз ачиб жумғинча – [Ko'z achib jumg'incha] – туркий

ибора. Тезда. *Кўз ачиб жумғинча жамбашимдағи сўмкени бирев илип кетти!*

Кўз жаши жўлдаши бўлув – [Ko'z jashi joldashi boluv] – туркий ибора. 1. Бир умр хафачиликдан чиқмаган киши. *Байқушқа бир вўмир кўзиниң жаши жўлдаш бўп келди.* 2. Қарғиш.

Кўз жетер жер – [Ko'z jeter jer] – туркий ибора. Қараганда кўринадиган яқин жой. *Сийирларди сувғарип кўз жетер жерге арқанна!*

Кўз минен қаштиң арасида – [Ko'z minen qashting arasida] – туркий ибора. Яқин масофада. *Палекет кўз минен қаштиң арасида!*

Кўзге куйик – [Ko'zge kuyik] – туркий ибора. Ортиқча ташвиш. *Вўниң милисеге тушиши, кўзге куйик бўлди-да!*

Кўзге туртсе кўргисиз, кўзге туртсе белгисиз – [Ko'zge turtse ko'rgisiz, ko'zge turtse belgisiz] – туркий ибора. Ҳеч нарса кўринмайдиган қоронғулик. *Кўзге туртсе кўргисиз қараңада ниме қип жирипсеңер?!*

Кўзге чиққан суелдей – [Ko'zge chiqqan suyeldey] – туркий ибора. Кутилмаганда. *Биз вўннан қачиб жирсек, кўзге чиққан суелдей бўп алдимиздан чиғип қаса бўлама?!*

Кўзи тунув – [Ko'zi tunuv] – туркий ибора. Ҳолсизланиб кўз олди қоронғилашмоқ. *Дарманим жўқ, башим айналип, кўзим тунуп баратир!*

Кўзи тўрт бўлув – [Ko'zi to'rt boluv] – туркий ибора. Біровни интиқлик билан кутмоқ. *Келинчегиң сени келеди деб, уйде кўзи тўрт бўп вўтири!*

Кўзи учув – [Ko'zi uchuv] – туркий ибора. Меҳмон келганлигига ёки келишига ишора. *Вўзи кўзим учатибеди, аш пишишимен жетип келдиң!*

Кўзи чанчув – [Ko'zi chanchuv] – туркий ибора.

Бахиллик, кўра олмаслик. *Машин асаңиз бир хиллардиң кўзи чанчип қалади.*

Кўзи қиймаслиқ – [Ko'zi qiymasliq] – туркий ибора. Қизғанмоқ, бировга бергиси келмаслик. *Жийрен атти улақа сӧрабем, беришге кўзи қиймади!*

Кўзиге кўрсетув – [Ko'zige ko'rsetuv] – туркий ибора. Жазоламоқ, пушаймон қилмоқ. *Жилама улим, енең саңа бақирған бӧса, ҳазир бардан барип юз грам ичип бақуват бӧп келей, кўзиге кўрсетемен!*

Кўзиге чўп салув – [Ko'zige cho'p saluv] – туркий ибора. Хўрламоқ, хиёнат қилмоқ. *Ашнасиниң кўзиге чўп салип астидағи атини тартиб алди!*

Кўзини вӧйув – [Ko'zini voyuv] – туркий ибора. Кўзига кўрсатмоқ, жазоламоқ. *Ҳали вӧниң кўзини вӧяман!*

Кўзини хата қилув (билув), (кўрув) – [Ko'zini khata qiluv (biluv), (ko'ruv)] – туркий+арабча+туркий ибора. Пайт пойламоқ, кўзини шамғалат қилмоқ. *Қирғини шӧ вӧғриға кесин, кўзимди хата қилип урчуғимман ийирген жибегимди халтасиға салип кетипти, арқасидан жетип халтасини тартиб ап кавлесем қудағийимниң бир пай массиси, ҳамсаямниң бир пай калишием халтадан чихти.*

Кўзини шире басув – [Ko'zini shire basuv] – туркий+форсий+туркий ибора. Писанд қилмаслик, кўрса-кўрмаганликка олмоқ. *Вӧл машин аганнан бери кўзини шире басип башқаларди танимай қалди!*

Кўзиниң астиға алув – [Ko'zining astig'a aluv] – туркий ибора. Чамаламоқ, режалаштирмоқ, ният қилмоқ. *Кўзиңниң астиға аған бирен қиз бӧса қулағима айт улим, бӧмаса еки кила савғатти алип, хӧржинға салип, енеңмен екевимиз чӧлақ ешшеке миңгешип қишлахма-қишлақ қиз қарамасақ, жиртиқ калишиме бир кун картишке, бир кун сабзи, бир кун*

*пияз сала вўртедиң, бизем жаш едик, атамизман енемизге бир мартеге айтқичек, имтилмасалар сөң массисиге ҳанделек сағичек!*

Кўзиниң вөтини алув – [Ko'zining votini aluv] – туркий ибора. Қўрқитмоқ. *Вөлардиң кўзлериниң вөтини амасаң, қарта вөйнаймиз деб катеклерде тавухларди қийраттилар.*

Кўкейини кесув – [Ko'keyini kesuv] – туркий ибора. Қийнамоқ, азобламоқ, шўрини қуритмоқ. *Чақалағи чарс екен, байқуштиң кўкейини кести, таң атқинча уйху бетини кўрмей, баласини кўтерип чихти!*

Кўмечиге кул тартув – [Ko'mechige kul tartuv] - туркий ибора. Вазиятни ўз фойдасига бурмоқ. *Кўмечиңе кул тартма, сенем хийлиғана барсан!*

Кўңил жетер – [Ko'ngil jeter] – туркий ибора. Яқин қариндошлар, қўшнилар, ошна-оғайинлар. *Төй қилдим деп ташвиш қип вөтирасама, вөн-вөн беш кўңил жетерлерди айтсаң бөлади!*

Кўңни вўсув – [Ko'ngni vo'suv] – туркий ибора. Хурсанд бўлмоқ. *Кийим ап берсең гўдеке аппер, атам ап берди деп кўңни вўседи, хатинға кийим ап берсең жаман уйренип ҳар ай яна апперiң деп кўкейиңди кеседи!*

Кўңни тартув – [Ko'ngni tartuv] – туркий ибора. Ўзига яқин олмоқ. *Бир қишлақ адамниң кимдикиге бараятир, кўңни тартиб ағайин деп сеникиге кепти шукур қилип, бир қөтир ечкиңди сөйип, қувурма қип иззетини жайиға қөймайсама, бизем шөрланип қасақ?!*

Кўңни төқ – [Ko'ngni toq] – туркий ибора. Ўзига ишонган. *Вөниң кўңни төқ, арқасида тавдан бөған тағайси турипти, сениң кимиң бар, таваккелди Худаға қилебер!*

Кўңни тусев – [Ko'ngni tusev] – туркий ибора. Кўнглига ёққан, истаган, соғинган. *Небереме кўңни тусеген авқатини*

*қиппер!*

Кўңни ярим – [Ko'ngni yarim] – туркий ибора. Ўксик, хафа, мусибатли. *Вөниң кўңни ярим, кўңнини кўтерип вөях-буяхтан гуруң қисаңар, кўңни пичием бөса жазилармеди?!*

Кўңниде кири жөқ – [Ko'ngnide kiri joq] – туркий ибора. Хушчақчақ, кўнгли очиқ.

- *Қудағийниң кўңниде кири жөқ шалдираған хатин екен!*

- *Биревдиң дастарханиниң башида «айна-айна»лаб шалдирайди, уйиде кўрсеңиз қабағидан қар жавуп байқуш еки келиниге кун бермей, арабаниң кўне чарихидай бөп ғалдирайди.*

Кўңнини табув – [Ko'ngnini tabuv] – туркий ибора. Кўндирмоқ, рози қилмоқ. *Хатинниң кўңнини табиш асан, сал махтасаң ишенеди.*

Кўңнини қалдирув, кўңнини қара қилув – [Ko'ngnini qaldiruv, ko'ngnini qara qiluv] – туркий ибора. Хафа қилмоқ. *Адамниң кўңнини емес неңге минен қалдирип, емес неңге минен хурсан қилиш мумкин.*

Кўпти кўрген – [Ko'pti ko'rgen] – туркий ибора. Тажрибали, ҳаётнинг аччиқ чучугини тортган киши. *Кўпти кўрген ақсақаллардан дува алип иш башласаң яхши бөлади!*

Кўрпесиге қараб аяқ узатув – [Ko'rpesige qarab ayaq uzatuv] – туркий ибора. Имкониятига қараб иш қилмоқ. *Беш қөлиңди авзуңа тихмай, кўрпеңе қараб аяқ узатмайсама?!*

Кўсе бөлув – [Ko'se boluv]– туркий ибора. Асосан Афғонистон лақайлари томонидан қўлланилиб, уялиб қолмоқ, гапи ёлғон чиқмоқ, қилганига пушаймон бўлмоқ, маъноларини билдиради. *Габи вўтирик чиғип, катте жийинда кўсе бөп қалди!*

## Л

Леби жуп-жуплаған – [Lebi jup-juplag'an] – форсий+туркий ибора. Кўп гапирувчи. *Келининиң леби жуп-жуплаған екен, ҳали замат улини жилавлаб алади!*

## М

Мазар басти – [Mazar basti] – форсий+туркий ибора. Узоқ масофадан олиб келинган табаррук совға. *Чегелдеклерди чечелериңе бўлип бер, мазар басти, жесиннер савап болади.*

Маззаси қачув – [Mazzasi qachuv] – арабча+туркий ибора. Касал бўлмоқ. *Бабайдиң маззаси қачипти, хабер ап туриңар!*

Маззасини қачирув – [Mazzasini qachiruv] – арабча+туркий ибора. Зуғум қилмоқ, аҳволини ёмон қилмоқ. *Айтқанимди қимасаң, кечқурун келип маззаңди қачираман!*

*Макиен жавчи – [Makien javchi] – форсий+туркий ибора. Аёлларнинг совчилик қилиши.* Бир-еки абийирли ахсақаллардан жибермедиңерме, макиен жавчиман иш питеме?!

*Малдиң туяғини ҳисаплев – [Malding tuyag'ini hisaplev] – туркий ибора. Молининг кўпайишига ишқибозлик.* Вӧ киши, малға иргешип малдиң туяғини ҳисаплеп, қарниғаям жемейди, устигеем киймейди!

Малдиң қуйруғини қаришлав – [Malding quyrug'ini qarishlav] – туркий ибора. Молларини сўйишга ёки сотишга кўзи киймаслик. *Бажаң малдиң қуйруғини қаришлап жири!*

*Маңлайидан сийпав – [Manglayidan siypav] – туркий ибора. Ғамхўрлик, ичкуярлик.* Гўдеклердиң маңлайидан сийпасаң бавуриңа тиғилади, ийтерсең нарақ болип

кетебереди!

Маҳлайи жетти (алти) қариш бөлув – [Manglayi jetti (alti) qarish boluv] – туркий ибора. Ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ, ошиғи олчи бўлмоқ. *Шӧ қиз саңа тийсе, маңлайиң жетти қариш!*

Манзиретке матал бӧлув – [Manziretke matal boluv] – арабча+арабча+туркий ибора. Ишорага зор бўлиб ўтирмоқ. *Вўзиңем манзиретке матал бӧп вӧтирған екенсенда, бир имнағаннан жугирип келдиң!*

Машинкира, жӧлкира – [Mashinkira, jolkira] – русча+арабча, туркий+арабча ибора. Йўл харажати, пул. *Машинкирамди берсеңиз, Жалтиркапеминен Жарипқӧлам гаппе, Жирғатал десеңизем жавчилиқа кетеберемен, иш питеме, питмейме вӧяғини насибесиден кўрсин, жугирген амайди, буюрған алади, дейдилер!*

Мейманға аш қӧй, еки қӧлини бӧш қӧй – [Meymang'a ash qoy, eki qolini bosh qoy] – форсий+туркий ибора. Меҳмоннинг ҳурматини қилиб, дастурхон ёзиб зиёфатини олдига қўйида ортиқча мулозамат қилма, ортиқча мулозамат меҳмоннинг кўнглини оғритади, деган маънода. *Кўп алиң-алиң десең мейман табахтан қӧлини тартади, «мейманға аш қӧй, еки қӧлини бӧш қӧй, деген»!*

Мен апамнан шайирақ, халта-хулта тигемен – [Men apamnan shayiraq, khalta-khulte tigemen] – туркий ибора. Опам ёки дугонамга нисбатан шу иш менинг қўлимдан келади, деган маънода. *Мен апамнан шайирақ, халта-хулта тигемен дегендейин, катапа кўйлегиңизди вўзим пичип, вўзим тигип жумаҳа кун жездем жумаҳа намазға барғанда хӧржиниға сап жиберемен!*

Мӧйин (бӧйин) чӧзув – [Moyin (boyin) chozuv] – туркий ибора. Бирор нарсадан умид қилмоқ. *Кўп мӧйниңди чӧза*

*берме, тағайиң тўрт туруш қант апкеген екен, катапам сандиғиға салип килитини чачиға байлаб жири!*

Мөң-мөңлап жирув – [Mong-monglap jiruv] – туркий ибора. Катта қадам ташлаб юрмоқ. *Туеге вөхшап мөң-мөңлап жирмей, тузув жир.*

Мурут авлаш – [Murut avlash] – арабча+туркий ибора. Пирнинг ўз муридларидан назр йиғиб, дуо бериш одати. *Ешан баба узақ жөлдан мурут авлап кепти, ағайиннарди чақириңар, кеп пирдиң дувасини ап кетсиннер!*

Мурутини балта кесмеслик – [Murutini balta kesmeslik] – арабча+туркий ибора. Мол-дунёсининг кўпайиши, қўли узун бўлмоқ, етишмоқ. *Тағайиңниң тўрт ули Рассияда ишлеятир, ҳазир муритини балта кесмейди!*

Мурутини тавлав – [Murutini tavlav] – арабча+туркий ибора. Мақтанчоқлик. ман-манлик қилмоқ. *Ериң муритини тавлап елге гап бермейди, сен ешикме-ешик жав тилейсен!*

Муштек тайлав – [Mushtek taylav] – туркий ибора. Луқма ташламоқ. *Қудағийиңа муштек тайла қана, қизини кимге бермекчи екен.*

## Н

Назик хатин кунде аврув, тамағи сав, вўзи жавур, жиришием алле тавур – [Nazik khatin kunde avruv, tamag'I sav, vo'zi javur, jirishiem alle tavur] – 1-форсий+қолганлари туркий сўзлардан иборат ибора. Касалман деб баҳона қилип уйидан чиқмайдиган ёш аёлларга нисбатан ишлатилади.

Намус вўлимнен кучли – [Namus vo'limnen kuchli] – арабча+туркий+туркий ибора. Ор-номусли бўлишга ишора. *Намус вўлимнен кучли дегендей, касел бөсаям елге қөшилип жанини судреп Рассияға ишке кетипти!*

Нан синдирув – [Nan sindiruv] – форсий+туркий ибора. Ўзаро келишиш, бирор бир воқеанинг юз берганлигини тасдиқлаш. *Қизиға Қўшқудухтан жавчи кеген екен, нан синдириптилар!*

Нану-гўш – [Nanu-go'sh] – форсий ибора. Майдалаб ейишга мос, чўнтагини бўшатишга қулай. *Прапискаң бўмаса кўчеде кўп жирмеки, милисеге нану-гўшсен!*

Насибеге яраша – [Nasibege yarasha] – арабча+туркий ибора. Шум тақдирга ўхшаш, омадсиз ҳаётга мос маъносида. *Балаларам насибеге яраша, биревгенеси гапти амайди, еки саҳаттен бери байқуш ешшек тўхимлавлу аттапта турипти, еки пилакти артип сув апкелиш буларға қияматтанам қийин!*

Насиениң габи кўп – [Nasiening gabi ko'p] – арабча+форсий+туркий ибора. Бирор нарсани насия олма, бир умр қутулмайсан, маъносида. *Кучиң жетсе пулиңа ал, жетмесе малиға мал бер, вўғаям жетмесе қариз ал, қариз алатиған адамиң бўмаса қанаат қилки, насиениң гапи кўп бўлади, иним!*

Ниети жўлдаши бўсин – [Nieti joldashi bosin] – арабча+туркий ибора. Ниятидан топсин. *Бирев жўлға чиққанда ниме қилади шундейин ниет қилип, ниети жўлдаши бўсин!*

Нике қийув – [Nike qiyuv] – арабча+туркий ибора. Турмуш қурганликларини шаръий мустаҳкамлаш, тасдиқлаш. *Бугун ахшам никесини қияди, қаделери сўңғи ахшам!*

Нўхтасини узув, нўхтасини бўйниға турув – [Nokhtasini uzuv, nokhtasini boynig'a turuv] – туркий ибора. Эркинлик, умумий гуруҳдан қочмоқ, ихтиёри ўзида бўлмоқ. *Базарда жиенди ушлап кандик тебувге ап кебем, бир кун ярдам*

*берип, нӧхтасини бӧйниға турип ҳайдади! Сениң ериңем нӧхтасини узип Рассияға қаштима?!*

## П

Пада жатар – [Pada jatar] – форсий+туркий ибора. Чорвачиликда ишлатиладиган ибора булиб чошгохни, яъни пода бир туйиб, кавш кайтариб ётадиган пайтга нисбатан ишлатилади. *Танг атмай кангурт кетибеди, падажатарда кайтти.*

Пайи канде – [Payi kande] – форсий ибора. Салбий маънода, уйимдан оёғи узилсин маъносида. *Тӧйға чақирдиқ, кесе келеди, кемесе пайи канде!*

Пайини канде қилув – [Payini kande qiluv] – форсий+форсий+туркий ибора. Келишга ижозат бермаслик. *Ҳали кўрейин, вӧниң пайини шу уйден канде қимасам қӧймайман!*

Пайтабасиға қурт тушув – [Paytabasig'a qurt tushuv] – форсий+туркий ибора. Зарур иш чиқиш, тинмасдан югургилаб қолиш. *Вӧниям қӧймаятирлар шекилли, пайтабасиға қурт тушип гай район*ға *жугиреди, гай шаҳарге жугиреди.*

Палекет аяқ астида – [Paleket ayaq astida] – арабча+туркий ибора. К*утилмаган жӧйдан муаммӧ ёки фалӧкат чиқишига ишӧра. Асав тарланға келинчегиң минмесин, палекет аяқ астида дейдилер, тағайиңниң байталиға минсин!*

Парвейи палек – [Parveyi palek] – форсий ибора. Ҳеч нарсани ўйламаслик, ғамсизлик. *Сен дадайлап жирипсен, ашнаңниң парвейи палек, винӧ ичиб, елге гап бермей жири!*

Парини қӧқитув – [Parini qoqituv] – форсий+туркий

ибора. Қаттиқ жазоламоқ.

- *Айтқанимди қимасаң париңди қӧқитаман, кампир!*

- *Кўп махтанмаң, пар қӧқитишқаям жарамай қапсиз, чалбай!*

Патасти қӧзғама – [Patasti qozg'ama] – туркий ибора. Жанжални бошлама. *Сен патасти қӧзғамай тур, вўзи шуяғини басти-басти қиламиз деб кўкейимиз қуриди.*

Пақу-пейил – [Paqu-peyil] – туркий ибора. Ҳеч иккиланмасдан, гап-сўзсиз. *Неберем бӧй жетсе, пақу-пейил шу неберене беремен!*

Периштеси басим бӧлув – [Perishtesi basim boluv] – форсий+туркий+туркий ибора. Билими ошиб, юзи нурга тўлмоқ. *Бекар жиргениңнен мӧлланиң алдиға барип вӧқисаң, ҳам намазлиғиңди уйренесен, ҳам жузиңде периштең басим бӧлади!*

Пешанамниң дукури бармекен – [Peshanamning dukuri barmeken] – форсий+туркий+туркий ибора. Насиб қилармикан, пешанамда ёзилганмикан, бахтим бормикан маъноларида. *Пешанамниң дукури бармекен, улим Рассиядан хатининиң хишиға савғат ташимай, маңаям биргене жимпир апкесе?!*

Пушти камер – [Pushti kamer] – форсий ибора. Зурриёд, вужудидан пайдо бўлган. *Пушти камериден бӧған баласи еди, ишлеб атасини Ҳажге жўнетти!*

Пўстегини қағув – [Po'stegini qag'uv] – форсий+туркий ибора. Тартибга чақирмоқ, уялтирмоқ, жазоламоқ. *Сийири пахтаға тушкен екен, майлисте турғизип пўстегини қахти!*

## С

Садағаң кетей – [Sadag'ang ketey] – туркий ибора. 1.

Ҳурмат-иззат маъносида. *Садағаң кетей маңаям еки пилак сув апке, айна! 2. Пичинг ўрнида. Садағаң кетей, бӧзбаламан дейсен, бир қапча пахтани кўтаралмайсан!*

Салемиге барув – [Salemige baruv] – арабча+туркий ибора. Бориб кимнингдир ҳурмат-иззатини жойига қўймоқ, совға бермоқ, кўнглини олмоқ. *Райистиң салемиге бармасаң ишиң питеме?!*

Саңлахтиң ташидай – [Sanglakhting tashiday] – форсча+туркий ибора. Сонсиз-саноқсиз, ҳисобсиз. *Шу бийил тавда шундай тарбиз бӧлдики, саңлахтиң ташидай, ел ташип ада қилалмай сувуқ тушкеңге бари тайлап қишлақа қайтти, тарбиз жайраман малдиң раҳати бӧлди!*

Сани бар, сабағи жӧқ – [Sani bar, sabag'i joq] – туркий ибора. Мукаммал эмас, нимасидир кам, маънили эмас. *Келинимниң пейли яхши, енесиниң сани барда, сабағи жӧқ, ҳар кегенде қизиниң қулағиға гап қуйип туйинини тӧлдирип хайр-хӧштиям насийе қилип жўнейди!*

Сарсан бӧлув, авере бӧлув – [Sarsan boluv, avere boluv] – форсий+туркий, форсий+туркий ибора. Натижасиз ҳаракат қилмоқ, бекорга вақтини ўтказмоқ, бекорга қаергадир бормоқ. *Иним авере бӧпсанда, бир ечки бӧса, тайиннасаң вўзимиз апарғичек!*

Сақалли сағире – [Saqalli sag'ire] – туркий+форсий ибора. Ёши бошқаларга нисбатан каттароқ, лекин эрка, йиғлоқи болага нисбатан ишлатилади. *Мына сақалли сағирени ким урди, яна жилап уйлериге барса, енеси балағини турип башлариңа келеди!*

Селабадай бӧп – [Selabaday bop] – форсий+туркий ибора. Баҳорда Қизилсув тошиб, қирғоқдаги дарахтларни томири билан қўпориб оқизиб келган ва дарёниң қуйи оқимида аҳоли сувдан дарахт шохчалари ва кундаларини йиғиб олиб,

ўтин сифатида ишлатишган. *Селабадай бўмай, уйхуңди ачип, гавдеңди кўтер!*

Сер салув – [Ser saluv] – туркий ибора. Бировнинг гапини яширинча эшитмоқ, қулоқ тутмоқ. *Барип сер сал қана, чечең айнаңа мени жаманнаяппа?!*

*Сийини сийрағидан берув – [Sipiyini siyrag'idan beruv] – туркий ибора. Кўзига кўрсатмоқ, жазоламоқ.* Сениң шӧ бийкең кесин ҳали, сийини сийрағидан бермесем атимди башқа қӧяман!

Сийир сув алув – [Siyir suv aluv] – туркий ибора. Соғиш мавсуми тугамоқ, сутининг тортилиши. *Сийирим сув апти, буқадевим бенарх буқаға кеткен, тувса тузув еди!*

*Силлеси қурув – [Sillesi quruv] – туркий ибора. Чарчамоқ.* Иссихта вӧт вӧраман деп, силлем қурип қалди!

Сир бермеслик – [Sir bermeslik] – туркий ибора. Кўнглидаги гапни ёки бўлиб-ўтган воқеани ошкор қилмаслик, ҳеч кимга айтмаслик. *Вўзиңнен ешитмесек, қайнең сир бермейди!*

Сиркеси сув кўтермеслик – [Sirkesi suv ko'termeslik] – туркий ибора. Ҳазилни ёқтирмаслик, гап кўтармаслик. *Вӧға гапирип жатма, вӧниң сиркеси сув кўтермейди!*

*Сиртидан тӧн пичув – [Sirtidan ton pichuv] – туркий ибора. Ўзи йўқлигида бошқалар томонидан у ҳақда фикр билдирмоқ, яхши-ёмон гапларни айтмоқ.* Дӧсиңизға сиртидан тӧн пичмей, вўзиниң барида айтиңизлар, бирев айтсин – барекелле!

*Сув кўрмей, етик чечув – [Suv ko'rmey, yetik chechuv] – туркий ибора. Шошилмоқ, аниғини билмасдан таваккал қилмоқ.* Сув кўрмей етик чечкинче, қӧй авел тӧй кесин, елди кейин чақиребересен!

Сув жухмас – [Suv jukhmas] – туркий ибора. Шўх, гапларга парво қилмайдиган бола. *Бу сув жухмас улиңди ҳазир ҳайдабем, яна қайтип кепти!*

Сувди лайлатув – [Suvdi laylatuv] – туркий ибора. Имкониятни вужудга келтирмоқ, қулай шароит яратмоқ. *Сувди лайлатип екевини уриштирип, жерлерини жериге қӧшиб алди!*

Сувуқ (қиш) амекиң бӧмайди – [Suvuq (qish) ameking bomaydi] – туркий ибора. Қишнинг аяб ўтирмаслигига ишора. *Беқасам чапаниңди кийип белиңди був, сувуқ амекиң бӧмайди!*

Сувға тушген тулкидей – [Suvg'a tushgen tulkidey] – туркий ибора. Уялганидан бўйнини ичига тортмоқ, тиришмоқ, бошқаларнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилмоқ. *Вӧл сувға тушген тулкидей бӧп, ахшамлари бир чихмаса, кундузи елдиң кўзиге кўриналмайди!*

Суек сурув – [Suyek suruv] – туркий ибора. Ирсият билан боғлиқ омил. *Синиш минан чиғиштан башқа ҳамме каселлик суек суреди.*

Султан суегини сирқиратув – [Sultan suyegini sirqiratuv] – форсий+туркий+туркий ибора. Руҳларни норози қилмоқ, қариндошларни норози қилмоқ. *Мен султан суегимди*

*сирқиратип бегана елден келин қимайман!*

Супра қулақ – [Supra qulaq] – форсий+туркий сўз. Каттароқ қулоқли. *Супра қулақ улиңди жибер, жав беремен ап кетсин!*

Сурпақағар – [Surpaqag'ar] – форсий+туркий сўз. Кенжа фарзанд. *Шуғана сурпақағаримниң сурпақағариниям вөқитип уйлентирсем, арманим жөғеди!*

Сусти басув – [Susti basuv] – туркий ибора. Ботинолмаслик, тортинмоқ. *Райистиң сусти басип, гапирер габимдием жөғаттим!*

Сут етини тайлав – [Sut etini taylav] – туркий ибора. Ёш боланинг ариқлаб кетиши. *Улим жийинда кўзикдиме, төйға барип кегенимизден сөң сут етини тайлади!*

## Т

Табани (аяғи) тартмаслиқ – [Tabani (ayag'i) tartmasliq] – туркий ибора. Бирор жойга боришни истамаслик, эринмоқ. *Сенер вўзлериң барип кеңер, меним табаним тартмаятир!*

Табағи жөқ – [Tabag'i joq] – туркий ибора. Элга зиёфат бермаслик, доим дастурхони очиқ эмас, хасислик. *Тағайиң зөр чабандазу, неки табағи жөқ.*

Таби жөқ – [Tabi joq] – касал. *Бабаңниң таби жөқ, барип хабер ал!*

Тавди ашиб вўткендей бөлув – [Tavdi ashib vo'tkendey boluv] – туркий ибора. Ташвишдан қутилмоқ, оғир меҳнатдан сўнг енгил нафас олмоқ. *Келинди тушрип бир тавди ашиб вўткендей бөлдим.*

Тавди урса талқан қилув – [Tavdi ursa talqan qiluv] – туркий ибора. Кучли, қувватли. *Тўрт улиям тавди урса талқан қилади, ҳавлисиде тавухкетигем жөқ, тавухлари*

*дарахтиң устиге чиғиб жатқичеди, баригенесини ийт ап кетипти!*

Тавтешер - [Tavtesher] – туркий ибора. Текканга тегиб, тегмаганга теззагини отувчи бола. *Бу тавтешер балаң ҳаммени датқа келтирди.*

Тай тувлағандай қилув – [Tay tuvlag'anday qiluv] – туркий ибора. Тартибсиз ҳолатга келтирмоқ. *Уйди жийиштирки, укелеринг тай тувлағандай қип тайлаптилар, жийилмаған уйге жавчи келеди, деген гап кўнеден қаған!*

Тайли таяқ бӧлув – [Tayli tayaq boluv] – туркий ибора. Калтаклашмоқ, урушмоқ. *Тағайиңман тайли таяқ бӧлип қияматиңди куйдирме!*

Тамағи жаман - [Tamag'i jaman] – туркий ибора. Кўзига кўринган егуликка қизиқувчи, очофат. *Тамағи жаман жездеңе гўш қувурип қӧймасаң, яна димағи дим сасип кетеди.*

Тамағи тушув – [Tamag'i tushuv] – туркий ибора. Йўқ овқатдан умидвор қилмоқ. *Жӧқ жаламани жамааға жар сап жездеңмен жиениңниң тамағини туширдиң!*

Тамса жалағич – [Tamsa jalag'ich] – туркий ибора. Зиқна, хасис. *Тамса жалағич адам минан жӧлдаш бӧма!*

Танавини тартип келув – [Tanavini tartip keluv] – туркий ибора. Бирор нарса сўраб келмоқ, муҳтожликдан мурожаат қилмоқ. *Иниңизге пул керек бӧса танавуни тартип келеди, башқа вахт сӧрамайди!*

Танавуни қайирув (тартув) – [Tanavuni qayiruv (tartuv)] – туркий ибора. Шастидан туширмоқ, кўзини қўрқитмоқ. Вониң танавуни бир қайирип қоймасам, ниме гап, ҳар куни ичип келип уйди башиға кўтерип жанжал қилади!

Таң узақ, жил кузек – [Tang uzaq, jil kuzek] – туркий ибора. Юрт обод, кунлар иссиқ, мева-чева мўл, тўкин-

сочинлик, кўчада қолмайсан, кўчада қолган тақдирда ҳам совуғам урмайди, иссиғам урмайди, деган маънода. *Таң узақ, жил кузек, Жарипқӧлдан ерте жўнесең кечкечей Қӧшбулақ, Саргезен, Саңтӧда, Батрабат, Қӧрған, Қӧйбеш, Гулистан, Куйкенеклерди айналип Ташрабатқа чиғип Синакӧстиң селгесимен Калтешӧрдиң жӧлиман таң атмай уйге қайтасан!*

Таң уйхусини тўрт бўлув – [Tang uykhusini to'rt bo'luv] – туркий ибора. Уйқудан кечмоқ, ухламасдан ғамхўрлик қилмоқ. *Таң уйхисини тўрт бўлип сениң бешигиңди уч жил ирғаб жатқанман!*

Таңнайи тақиллав – [Tangnayi taqillav] – туркий ибора. Ейишдан умид қилмоқ. *Мал сӧйди деп ешитип, таңнайимиз тақиллап келебердик!*

Таңнайиға зӧр берув – [Tangnayig'a zor beruv] – туркий ибора. Гапининг тўғрилигини исботлашга уруниш, бир гапни қайта-қайта такрорлаш. *Сен таңнайиңа зӧр берме, мен кўргенимди айтаяппан!*

Таңниң тавуғи – [Tangning tavug'i] – туркий ибора. Эрта турадиган ёш болаларга нисбатан айтиладиган гап. *Мениң улим таңниң тавуғи, таң атмай вӧянип, авел қӧлбавдан қӧлларини суғиради, сӧң имтилип сумегини суғурип най қип нарғи бетке қарап чалип, ҳамсаяниң хӧразлариман ийтини вӧятади, сӧң берги яқа қарап чалип бу ҳамсаяниң ешшегини вӧятади, вӧннан сӧң бизди вӧятади, шӧндаям вӧянмасақ сумегини бизге қарап атиб вӧятади.*

Тапқани тапқаниға жетмеслик – [Tapqani tapqanig'a jetmeslik] – туркий ибора. Рўзғордаги етишмовчилик, моддий қийинчилик. *Рузғари авур, балалари киемен дейди, жеймен дейди, байқуш баламниң тапқани-тапқаниға жетмейди!*

Таредисини жейув – [Taredisini jeyuv] – арабча+туркий ибора. Тайёргарлигини кўрмоқ. *Улим, таредиңди жейбер, тувар айға келинчегиңди туширип беремиз!*

Тахтайи тик турув – [Takhtayi tik turuv] – форсий+туркий+туркий ибора. Аразламоқ. *Чечеңниң тахтайи тик турған бӧса вӧл бугун бизиң табақа қӧшилмайди!*

Таш бавур – [Tash bavur] – туркий ибора. Раҳмсиз. *Хишлари таш бавур екен, беганалар жилаб жатир, хишлари тамаша қип тури!*

Таш тутсин – [Tash tutsin] – туркий ибора. Сенга ҳеч нарса чидамайди, деган маънода. *Таш тутсин, балам, кече атаң апкеген саҳаттиң ичек-чабағини чиғарип тайлапсан!*

Таш тушкен жайида авур – [Tash tushken jayida avur] – туркий ибора. Ёш келиннинг тушган жойида сингип кетишига ишора. *Айна, ҳадеп атаңдикиге чапқилайберме, таш тушкен жайида авур!*

Таъм-татуви жӧқ – [Tam-tatuvi joq] – туркий ибора. Мазаси, мазмуни. *Авқатиниң татуви жӧқ! Тузув гапир, габиңниң таъм-татуви жӧқ!*

Таяхтай қурийин – [Tayakhtay quriyin] – туркий ибора. Лақайлар асосан чорвадор бўлганликлари учун чўпон таёққа ишора қилишиб, шундай қасам ичишган. *Байбаба, малиңизға хиянат қиған бӧсам шу таяхтай қурийин!*

Таяғини ийт ғайзав – [Tayag'ini iyt g'ayzav] – туркий ибора. Ишсиз уйида ётмоқ, кўчага чиқмаслик. *Вӧниң таяғини ийт ғайзап уйиде жатир!*

Тақимидан алув – [Taqimidan aluv] – туркий ибора. Довдираб юрмоқ, маст бўлмоқ. *Пахрабаттиң винӧсиман ҳазил вӧйнама, ичкенниң тақимидан алади!*

Тақир жерден чаң чиғарув – [Taqir jerden chang chig'aruv]

– туркий ибора. Сабабсиз жанжал чиқармоқ, йўқ жойдан гап чиқармоқ. *Тақир жерден чаң чиғарғинча сенем авзиңди қисип жирсең бойма?!*

Тақияпартек бөлув – [Taqiyapartek boluv] – арабча+туркий ибора. Кимнидир кўпчилик томонидан қаттиқ уялтирмоқ, озчиликнинг кўпчиликка тенг кела олмаганлиги. *Байқушти кўпчилик бөп давреде талап тақияпартек қип тайладилар!*

Тақияси каллесиге лаппа-лайиқ бөлув – [Taqiyasi kallesige lappa-layiq boluv]– арабча+туркий+арабча+туркий ибора. Нияти амалга ошмаганлигидан уялмоқ. *Жавчилиқа барибеди, қиздиң енеси кўнмеген екен, тақияси каллесиге лаппа-лайиқ бөлип қайтип келди!*

Тақиясини асманға атув – [Taqiyasini asmang'a atuv] – арабча+туркий+туркий ибора. Хурсанд бўлмоқ. *Тағайиң сением вўзиминен Рассияға ап кетсе тақияңди асманға ат!*

Тағдирге тан берув – [Tag'dirge tan beruv] – арабча+туркий ибора. Ўз ихтиёрини қўлдан бермоқ, вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, пешонада ёзилганига ишора қилмоқ. *Тағдирди такбир қип бөмайди дейдилер, тағдирге тан бермей илаж жөқ!*

Темирчи төғаға жалчимас – [Temirchi tog'ag'a jalchimas] – туркий ибора. Этикдўз этикка ялчимайди каби мазмунда. *Темирчи төғаға жалчимайди деп, жуваз тартқанниң минан ҳич уйиңде зиғир жавға палав қип жегениңди кўрмедим!*

Тепсе тербелмес – [Tepse terbelmes] – туркий ибора. Табиати оғир, қимирлаши қийин киши. *Вө тепсе тербелмес қимирлағинча тал туш бөп кетеди!*

Териси қалин – [Terisi qalin] – туркий ибора. Гап таъсир қилмайдиган одам. *Вөниң териси қалин, вөға гапиресеме, дувалға гапиресеме, барибир!*

Терме-терит – [Terme-terit] – туркий ибора. Паға-паға қорнинг ёғиши. *Вўтиннариңди вўчахтиң башиға уйип тайлаңарки, терме-терит қардиям жавуп башлади!*

Тиззе бўйи – [Tizze boyi] – туркий ибора. Баландлик ўлчови. *Жўңишқаң вўсип тиззе бўйи бўп данлеп жатир, вўрип амасаң қатайип чўп бўп кетеди!*

Тийгенге тийип, тиймегенге теззегини атув – [Tiygenge tiyip, tiymegenge tezzegini atuv] – туркий ибора. Кўрган одамга тегажоқлик қилиб, жанжал кўтаришга мойил одам. *Қайниң алдиннан айтувли, тийгенге тийип, тиймегенге теззегини атади!*

Тийирманнан тири чиғув – [Tiyirmannan tiri chig'uv] – туркий ибора. Чаққон, епчил одамларга нисбатан ишлатилади. *Вўл тийирманнан тири чиғади, қанида бар, вўниң бабаси Сибирден аристаннан пиядалап қачип келип, еки буқа сўйип елге бир ҳапта нан берген!*

Тикен кирген жайидан чиғади – [Tiken kirgen jayidan chig'adi] – туркий ибора. Муаммони туғилган жойида ҳал этишга ишора. *Тикен кирген жайидан чиғади дейди, праваңди аған гайимен гаплеш!*

Тикен тайлав - [Tiken taylav] – туркий ибора. Бировнинг қизига совчи қўйиб, қалиннинг бир қисмини бериб қўйиш. Олинган қалин тикан каби қизнинг ота-онасининг баданига санчилавериб, қизнинг ишига эътибор қаратади. Ҳамда кўрпа-тўшак ва бошқа камчиликларини битириб, тезроқ куёвникига узатишга ҳаракат қилишади. *Гап-гап тикен тайлағандики, тикен тайладиңма, қудаңман-қудағийиң бир жерде вўтиралмай, базар жугирип қаладилар.*

Тили бир қулач бўлув – [Tili bir qulach boluv] – туркий ибора. Маҳмадона, гапдан қолмаслик, гап қайтарувчи. *Тилиң бир қулач бўп гапиришти билесен, иштием епле!*

Тили минен қуш ушлав – [Tili minen qush ushlav] – туркий ибора. Мақтанчоқлик, кўп гапирмоқ. *Башқалар авға бариб аталмай қайтса, бизиң ашна уйде жатип тили минен қуш ушлайди!*

Тилим таштиң астида – [Tilim tashting astida] – туркий ибора. Гапиришдан юрак олдириб қўйганман, маъносида. *Мен ҳич нерсе деялмайманн, тилим таштиң астида, бир нерсе десем габим егесиге жеткинче егиз балалайди!*

Тилла жалатув – [Tilla jalatuv] – форсий+туркий ибора. Асосан заргарликда ишлатилиб, баъзи метал тақинчоқларнинг устига олтин қопламоқ. *Сирғаң асил тилла емес екен, устиге тилла жалатқан екен!*

Тинкеси қурув – [Tinkesi quruv] – туркий ибора. Оғир меҳнатдан чарчамоқ. *Шали қиламан деп айнаңниң тинкеси қуриди.*

Тири масқара бөлув – [Tiri masqara boluv] – туркий ибора. Обруйи тўкилмоқ. *Амекиң вўзиге жарашмаған ишти қилип елдиң ичиде тири масқара бөп жири!*

Тишини қайрав – [Tishini qayrav] – туркий ибора. Аччиқланмоқ, жанжал кўтаришга мойиллик. *Тишини қайрап вөтирған екен, қайнатаси кеп қап, уришишқа илаж таппай қалди!*

Тишиниң кирини сөрув – [Tishining kirini soruv] – туркий ибора. 1. Ўзига қиймайдиган, емас-ичмас киши. *Сай-сай мали бөсаям, бир вўмир тишиниң кирини сөрип жиреди.* 2. Оч қолмоқ. *Вөларға пул бермесең, бир ҳапта катте шаҳарде тишиниң кирини сөрамалар?!*

Тишлери сув уртлав – [Tishleri suv urtlav] – туркий ибора. Милки шамолламоқ. *Тишлерим сув уртлапти гўш чайнаялмай, куним буламиққа қаған!*

*Тиққан қанардай бөлув, тулуптай бөлув – [Tiqqan*

*qanarday boluv, tuluptay boluv] – туркий ибора. Жуда семизлик.* Қизлиғида жиңишке еди, ерге тийип тулуптай бӧп кетти!

Тиғиларға тешик таппаслиқ – [Tig'ilarg'a teshik tappasliq] – туркий ибора. Қаттиқ уялмоқ. *Айтқан габиден пушайман бӧп, тӧйханада тиғиларға тешик таппай қалди!*

Тӧвбасиға таянтирув – [Tovbasig'a tayantiruv] – туркий ибора. Пушаймон қилмоқ. *Ҳали кӯрей, шӧ қилиғиман тӧвбасиға таянтираман!*

Тӧйдан тӧпихча – [Toydan topikhcha] – туркий ибора. Хурсандчиликдан, тӯйдан совға, нишона. -*Тӧйдан тӧпихча дегендейин, шу желекти кийип, жиеннериңизге дува берип, жириң, айналайин тағайим! – Э, жиеним, бизге желек тугил ат берсеңем дувадамиз, тай берсеңем дувадамиз!*

Тӧйға барғидай бӧлув – [Toyg'a barg'iday boluv] – туркий ибора. Ясанмоқ, ижобий шаклга кирмоқ. *Тӧйға барғидай ешшегиң бӧлип, тийирманға ҳамсаяниң ешшегини тилеп жирипсен! Машининиң алди пачақ бӧп жатибеди, уста апкелип сазлап, тӧйға барғидай қип қӧйипти!*

Тӧлип ташув – [Tolip tashuv] – туркий ибора. 1. Айтадиган гапининг кӯплиги. *Журегимди тӯгейин деп тӧлип-ташип бардим, сенем уйинде жӧқ екенсен, яна қайтип келдим.* 2. Нарсаларни кӯп олмоқ. *Вӧйланма, ҳали замат куевиң тӧлип ташип Рассиядан келип қалади!*

Тӧхимини чаппа кийув – [Tokhimini chappa kiyuv] – туркий ибора. Аразламоқ. *Келиниме бир авуз гапирибем, вӧға қӧшилип улимам тӧхимини чаппа кийип, қиррайип гапирсем терс жавап қайтаратиған бӧп қалди!*

Тӧғайдағи тулкидей бӧлув – [Tog'aydag'i tulkidey boluv] – туркий ибора. Кӯрган нарсасини ӯзиники қилмоқ, айёрлик билан ӯзлаштирмоқ, ӯғирламоқ. *Тӧғайдағи тулкидей бӧп,*

*ҳамме қаламларимди вўзиңдики қип, сўмкеңе саб апсан!*

Тӧғиз тузев – [To'g'iz tuzev] – туркий ибора. Келин томонга бериладиган тўққиз кийимликдан иборат бирликни ташкил этувчи тўлиқ тўпламни вужудга келтириш, комплектлаштириш. *Тӧғиз тузаятқан катапаңниң қӧлиға ахлиқ байла!*

Тувилғаниға пушайман қилув – [Tuvilg'anig'a pushayman qiluv] – туркий+форсий+туркий ибора. Жазоламоқ, қилган ишидан пушаймон қилмоқ. *Ҳали вӧни кўрейин, тувилғаниға пушайман қиламан!*

Туениң думи (қуйруғи) жерге тийгенде – [Tuyening dumi (quyrug'i) jerge tiygende] – туркий ибора. Бирор воқеа-ҳодиса юз беришининг номаълумлиги, ҳали анча вақт борлиги. *Қачан тӧй жеймиз, сен туениң думи жерге тийгенде уйленесеме?!*

Туени туги минен жутув – [Tuyeni tugi minen jutuv] – туркий ибора. Нафси ёмонлик, порахўрлик. *Қанча берсеӊ вӧға кам, туени туги минен жутсаям, кўрдим демейди!*

Туениң устиде ийт қабув – [Tuyening ustide iyt qabuv] – туркий ибора. Ночор кишининг иши битмаслиги, бошига яна иш тушиши. *Камбағалди туениң устидеем ийт қабади деб, билети бӧсаям пайизға миналмапти!*

Тузиға ирза бӧлув – [Tuzig'a irza boluv] – туркий+арабча+туркий ибора. Берган нон-ошига рози бўлмоқ. *Берген тузиңизға ирза бӧлиң тағайим, биз таң саҳарде жўнемесек бӧмайди.*

Тузиға тапширув – [Tuzig'a tapshiruv] – туркий ибора. Кўплаб маротиба нонини еб, ёмонлик қилган кишиларга нисбатан ишлатиладиган ибора. *Башқа ҳеч нерсе демеймен, вӧни тузима тапширдим!*

Туйирлеп тушунтирув – [Tuyirlep tushuntiruv] – туркий

ибора. Бирор воқеа-ҳодисани гапириб беришда майдалваб сўзлаб беришига ишора. *Гапиңди жиликлемей, туйирлеп тушунтир, ҳаммесини ешитейик!*

Тукириги жерге тушмеслик – [Tukirigi jerge tushmeslik] – туркий ибора. 1. Қаттиқ совуқ. *Бу йил Маскувада қатти қиш бӧлди, туф десек тукиригимиз жерге тушмегичеди!* 2. Мансабдор, пули кўп одам. *Вӧнда атаң райис еди, туф десе тукириги жерге тушмегичеди, ҳамме хизметиде еди!*

Тумшуғи кўтерилув – [Tumshug'i ko'teriluv] – туркий ибора. Назарга илмаслик, писанд қилмаслик. *Машин ағанға тумшуғи кўтерилип қалди.*

Тумшуғини жийирув – [Tumshug'ini jiyiruv] – туркий ибора. Ёқтирмаслик, назар-писанд қилмаслик. *Яхшиғана қиз еди, улиға мақул бӧлди, енеси тумшуғини жийирди, ана, қиз егели бӧғаннан сӧң, пушайман бӧлдики, пайда жӧқ!*

Тусмаллап гапирув – [Tusmallap gapiruv] – туркий ибора. Тахминлаб гапирмоқ. *Тусмаллап гапирип елдиң журегини жарма!*

Туссиң қурисин – [Tussing qurisin] – туркий ибора. Сўкинмоқ, койимоқ. *Туссиң қурисин сениң, вўзиң пахта термей, мениң пахтамди апарип тартасама?!*

Туташип кетув – [Tutaship ketuv] – туркий ибора. Бойиб кетмоқ. *Уллар қӧлға кирип Рассияда ишлегеннериден бери бажаң туташип кеткен!*

Туяғини шиқиллатув – [Tuyag'ini shiqillatuv] – туркий ибора. Жўнаб қолмоқ, кетмоқ. *Сенем ашна, алатиғаниңди аған бӧсаң қарани кўбейтмей туяғиңди шиқиллатабер! Таң атти шекилде, куев ешик қалип тешиктен чӧрчип туяғини шиқиллатип жўнегенге вӧхшайди, ати кишнеятир!*

Тўбе чачи тикке бӧлув – [To'be chachi tikke boluv] – туркий ибора. Аччиқланмоқ, жаҳли чиқмоқ. *Душманиңди*

*тўриңде кўрип тўбе чачим тикке бӧлди!*

Тўрт тамани қибла – [To'rt tamani qibla] – туркий+туркий+арабча ибора. Қайси томонга кетса, кетаверсин, деган маънода. *Бугуннен башлап иштен бӧшадиң, тўрт таманиң қибла, устиңде Худа, қаяқа кетсең, кетебер!*

Тўшек шайлар, тўшек салар – [To'shek shaylar, to'shek salar] – туркий ибора. Никоҳ маросимида ёки илгари куёв куёвлаб келганда тўшак солинадиган маросим. *Тўшек шайлағич женгесиниң ҳақини тўшектиң астиға қӧйилади!*

## У

Узеңги жӧлдаш – [Uzenggi joldash] – туркий ибора. Тенгдош, шерик, ҳадди сиғадиган сирдош, қурдош. *Атаң атамниң узенгижӧлдаши еди, енең енемниң яреги еди, саңа нима бала бӧлди, вӧң жағиңнан жанашсам шахиңман ат қӧясаң, чап жағиңнан жанашсам жағиңмаң ат қӧясан, тикке тармашсам таяғиңман ат қӧясан, жатип тармашсам аяғиңман ат қӧясан, жӧлиққан бӧсаң вӧқитаман, жӧлихмаған бӧсаң париңди қӧқитаман!*

Уй устиге уйилип қалув – [Uy ustige uyilip qaluv] – туркий ибора. Рузғор ташвиши унинг зиммасига қолмоқ. *Ери Рассия кетип байқуштиң уй устиге уйилип қалди.*

Уйде бӧса кебектен вўзге жеми жӧқ, дашке чихса вӧн екиден ками жӧқ – [Uyde bosa kebekten vo'zge jemi joq, dashke chikhsa von ekiden kami joq] – бу иборада фақатгина «дашт» форсий, қолган барчаси туркий. Афғонистон лақайлари томонидан қўлланилиб, ўз уйида отига фақатгина кепак бериб юрган одам, меҳмонга борса, отига ўн икки

кафт арпа беришларини талаб қилувчи меҳмонга нисбатан ишлатилади.

Уйде қағанман жук артувчи бӧма – [Uyde qag'anman juk artuvchi boma] – туркий ибора. Сенга шерик бўлмаган одам билан юк ортма. *Уйде қағанман жук артувчи бӧма, деген, вӧниң пистеси ким биледи, қандейин, ӧратўбениң базарида биз қийналамиз!*

Улахтан чиғув – [Ulakhtan chig'uv] – туркий ибора. Чарчамоқ, қариликни бўйинга олмоқ. *Тӧри қаражалди улақа сап турмасаңиз улахтан чиғип қалади!*

Улиниң кўзи кўк бӧлув – [Ulining ko'zi ko'k boluv] – туркий ибора. Ёш йигитларни ҳашарда қатнашишга даъват этиш. *Ҳашерден қачма, улиңниң кўзи кўк бӧлади!*

Уллари қӧлға кирув – [Ullari qolg'a kiruv] – туркий ибора. Ўғиллари ишга ярамоқ. *Уллари қӧлға киргеннен сӧң тағайиң Ташрабатқа тарбиз қиғич бӧлди!*

Улустиң улуғ куни – [Ulusting ulug' kuni] – туркий ибора. Элнинг байрам ва муқаддас кунлари. Жумладан, рўза кунлари ва ҳайити, Қурбон ҳайити, Навруз куни, ҳар ҳафтанинг жума кунлари ва эл орасида йирик тадбирлар куни. *Жилбашиям улустиң улуғ куни, тавба қилип тиле тилегиңди, жаратқан Егем наумид қимайди!*

Урти кўмечдей – [Urti ko'mechdey] – туркий ибора. Семириб кетган кишига нисбатан ишлатилади. *Қизлиғида урти кўмечдей бӧп жиргичеди ерге тийип қизлихдағи етини тайлади.*

Усти хамир, асти темир – [Usti khamir, asti temir] – туркий+арабча, туркий ибора. Яхши пиширилмаган нонга нисбатан ишлатилади. *Нимепбала, ҳамсаяникиден бир нан апкемесем, қиған нанлариңниң усти хамир, асти темир бӧп жатир, уч куннен бери ичим ҳувиллап нан жегендей*

*бӧмайман!*

Устиге ат салув – [Ustige at saluv] – туркий ибора. Жанжаллашмоқ, писанд қилмасдан гап қайтармоқ, ёқасидан олмоқ. *Ағайинниң устиге ат сама, ертен кӱзиң кӱзиге тушсе уяласан!*

Учарға қанати жӧқ – [Ucharg'a qanati joq] – туркий ибора. Шошилмоқ. *Уйлериге бариш бӧса, учарға қанати жӧқ!*

Ушавуға яраша тушаву, капесиге яраша қиршаву – [Ushavug'a yarasha tushavu, kapesige yarasha qirshavu] – туркий ибора. Ўзига яраша, деган маънода.

Уятли мейман – [Uyatli meyman] – туркий+форсий ибора. Ҳурматли, азиз меҳмон. *Кампир, гӯштиң қул жемес жайидан яхшилап қувурки, мейманнар уятли!*

## X

Хамир келув – [Khamir keluv] – арабча+туркий ибора. Хамирнинг кўпшуви, зувала қилиш учун тайёр бўлиши. *Хамириң кепти, балаңди бавуриңда кӱп еркелемей, бешике бӱле!*

Хамчисидан (қамчисидан) қан тамув – [Khamchisidan (qamchisidan) qan tamuv] – туркий ибора. Зулм қилмоқ, қўрқувда ушлаб турмоқ. *Хамчисидан қан тамип рузғар башқарғич еркеклерем жӧғ емес.*

*Ханниң қизи хада ушламай қўли қабарған екен – [Khanning qazi khada ushlamay qoli qabarg'an eken] – туркий ибора. Дангаса, касалликни баҳона қилип уйидан чиқмайдиган келинчакларга нисбатан ишлатилади.*

*Хатиннан бир авуз нан яхши – [Khatinnan bir avuz nan yakhshi] – туркий ибора (нон-форсий). Уйланишга ҳали ёш маъносида.* Мениң улима ҳали хатиннан бир авуз нан яхши!

*Хатинқули – [Khatinquli] – туркий ибора. Хотинининг гапини ерга ташламайдиган, хотинидан қўрқувчи эркак.* Вӧл хатинқули, хатини бар деген жерге баради, барма деген жерге бармайди!

*Хӧш жахмас – [Khosh jakhmas] – туркий ибора. Дангаса.* Хӧш жахмасқа иш буюрибем, уйге кириб жата барди! Вӧ хӧш жахмасиңиз, сатқаи бир нерсе бӧсин!

*Худа бирди – [Khuda birdi] – форсий+туркий ибора. Оллоҳнинг ягоналигини ўртага қўйиб ичиладиган қасам.* Худа бирди сизди жаманлаған давреде мен жӧғедим!

*Худаниң куни – [Khudaning kuni] – форсий+туркий ибора. Ҳар доим.* Ниме бала, худаниң куни қантқа талашип укелериңди жилатасан!

*Хуш пейил – [Khush peyil] – форсий+арабча ибора. Оқ кўнгил, хушчақчақ.* Қайнеңди даврелерде кўрип хуш пейиллигиден қизини келин қибем, қудағий бӧбек кўз тийдиме қабағи ачилмай, бир куннен сӧң бир талайди, яхши синалмаған аттиң арқасидан вўтип тепкисини жеп жатиппан!

## Ч

Чамбилге чирағжав бӧмаслиқ – [Chambilge chirag'jav bomasliq]– туркий ибора. Камлик қилмоқ, тўймаслик. *Байбиче, бу езген чалабиң Чамбилге чирағжавам бӧмади, яна бир табақ ез!*

Чаң жӧқ жерден чаң чиғарув – [Chang joq jerden chang chig'aruv] – туркий ибора. Тинч жойдан жанжал чиқармоқ, гап чиқармоқ. *Қайнең ҳар кегенде чаң жӧқ жерден чаң чиғарип кетеди!*

Чаңини асманға учирув – [Changini asmang'a uchiruv] – туркий ибора. Додини бермоқ, азобламоқ. *Чечең сени уришқан бӧса, айнаң кесин айнаңа чағип чечеңниң пайини канде қип, чаңини асманға учирмасам атимди башқа қӧяман!*

Чатишув – [Chatishuv] – туркий ибора. Аралашиб кетмоқ. *Булар жетмиш жилдан бери қиз берип қиз алип, тағажиен, амеки-амекбачче бӧлип чатишип кеткеннер, ат сатсаям, сийир сатсаям вўз бириден артмайди!*

Чатти гапирув – [Chatti gapiruv] – туркий ибора. Ёлғон сўзламоқ. *Чатти гапирип абийириниям жӧғатти.*

Чачилған сувди жийип бӧмайди – [Chachilg'an suvdi jiyip bomaydi] – туркий ибора. Харажат қилинган нарсани асл ҳолига қайтариб бўлмайди, маъносида. *Чачилған сувди жийип бӧмайди, тӧйи қайтқан бӧса, бирев-биревимен малалчилиқ қимай, барекесини тилесиннер!*

Чачқа дах салиш – [Chachqa dakh salish] – туркий ибора. Ёш болаларнинг соч тўйида боланинг сочига қайчи солиш маросими. *Аввел чалатаси дах сасин, ат енчи береме е сийир енчи береме?*

Чашбав кўтерув – [Chambav ko'teruv] – туркий ибора. Гапига сув бермоқ, ён босмоқ, хизматини қилмоқ. *Шу ваққачей ийтли пишек едилер, енди бийкесиге чашбав*

*кўтерип қапти!*

Чизған чизиғидан чихмаслиқ – [Chizg'an chizig'idan chikhmasliq] – туркий ибора. *Вӧ байқуш қайнесиниң чизған чизиғидан чиғалмайди, қайнеси барма деген жерге бaралмайди.*

Чиндир мал – [Chindir mal] – туркий ибора. Қари, ариқ мол. *Қудағийларға сӧйған мали чиндир екен, кампирлер гўш жеялмай кеттилер!*

Чӧттан кемеди – [Chottan kemedi] – туркий ибора. Маъқул бўлмади. *Бир улақчи ат керек, базар бардим атлар чӧттан кемеди.*

Чӧчахли чӧри – [Chochakhli chori] – туркий ибора. Аёллар ва қизларнинг ишларига аралашувчи ёш ўғил болаларга дакки беришда ишлатиладиган ибора. *Чӧчахли чӧри, саңа ким қӧйипти кул алип, кул тайлашти.*

Чув-чув байтал – [Chuv-chuv baytal] – туркий ибора. Аёлларнинг тўп бўлиб юриши (киноя оҳангида). *Гале чув-чув байтал нариғи қишлақа енип кетти, е тӧй бар, е бирен жийин бар!*

## Ш

Шайдулла бӧлув – [Shaydulla boluv] – форсий+туркий ибора. Қаергадир боришга анчадан бери таппа-тайёр бўлмоқ. *Бул Ташкентке бараман деп бултурдан шайдулла!*

Шайтанға ҳай берув – [Shaytang'a hay beruv] – арабча+туркий ибора. Шастидан тушмоқ. *Шу габиңе авзума бир гап кебеди, шайтанға ҳай бердим-да!*

Шаштини қайирув – [Shashtini qayiruv] – туркий ибора. Олдини олмоқ, ғайратини синдирмоқ. *Жигиттиң шаштини қайирма, қӧй даврега чиғип алишсин!*

Шерикеки ашти ийт жемес – [Sherikeki ashti iyt jemes] – арабча+туркий ибора. Бошқалар билан ишлаб келишолмай юргандан, мустақил ишлашга даъват. *Шерикеки ашти ийт жемес, дейдилер, вӧннан шу ишти вӯзиӊ қисаӊ, пайдасиям вӯзиӊдики, залалиям вӯзиӊдики, зияти гап-сӯзем бӧмайди.*

Шимшитип кетув – [Shimshitip ketuv] – туркий ибора. Ўғирламоқ, қўлтиғига урмоқ. *Уйге кирип урчиғимди шимшитип кетипти!*

Шипирилип қачув – [Shipirilip qachuv] – туркий ибора. Сидирилиб қочмоқ. *Тӧхта, дегенимди билейин, кӯпчиликтиӊ ичиден шипирилип қачип уч айдан бери қарасиниям кӯрсетмейди!*

Шӧри қурип, шӧрпаси қайнав – [Shori qurip, shorpasi qaynav] – туркий+туркий, форсий+туркий ибора. Ҳаддан ташқари қийналмоқ. *Буяғи чабиқа баради, буяғи машин кесе қавун терип-ташийди, буяғи баласи чарс – байқуштиӊ шӧри қурип, шӧрпаси қайнап жатир!*

Шӧрланип қалув – [Shorlanip qaluv] – туркий ибора. Манфаат кўрмоқ, ичакларини шўрлатмоқ, ёғлатмоқ. *Уйиниӊ алди буғдай хирман бӧп, тағайиӊ шӧрланип қалди! Кампир, гӯшти қувур ашқазан бир шӧрлансин!*

Шумғия бӧма – [Shumg'iya boma] – бошқаларнинг ҳисобига кун кўрувчи бўлма. *Шумғия бӧма, қӧли ачихтиӊ жӧли ачих дейди.*

## Я

Яхшилиқа бӧсин – [Yakhshiliqa bosin] - туркий ибора. Ёмон туш кўрилса ёки кўнгилни сал хира қиладиган воқеа юз бериш эҳтимоли туғилса ишлатиладиган ибора. *Қӧрғанға бармахчи едим, аяғим тартмади, ишқилиб яхшилиқа бӧсин!*

# Қ

Қабағи ачилув – [Qabag'I achiluv] – туркий ибора. Илгариги ҳолатига қайтмоқ, кулимсирамоқ, оғриқдан тузалмоқ. *Бир ҳаптадан бери тумав бӧлиб жатибеди, кечеден бери қабағи пичи ачилди.*

Қабағидан қар жавув – [Qabag'idan qar javuv] – туркий ибора. Аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, қовоғини солмоқ. *Чалабиңди тайярлаки, ериң иштен қабағидан қар жавуп келаятир!*

Қабағиға қарав – [Qabag'ig'a qarav] – туркий ибора. Кўнглига қарамоқ, истак-хоҳишига қараб иш қилмоқ. *Чечениң қабағидан қарап жеген нани қурисин!*

Қабағини читув – [Qabag'ini chituv] – туркий ибора. Қовоғини солмоқ. *Сарплеген пули ҳалал екен, байқуш келини қабағини читмай жугиргилеп хизмет қип жири!* Кўчма маънода: *Кунниң қабағи жабилди, жавун жавмаса шай еди!*

Қабирини қазув – [Qabirini qazuv] – арабча+туркий ибора. Койимоқ, жазоламоқ. *Тез жӧғалки, енеси кўрсе қабириңди қазади!*

Қабирғаси қайишув – [Qabirg'asi qayishuv] – туркий ибора. Тер тўкиб меҳнат қилмоқ, қийналмоқ. *Байқуш келинмен қизлар қабирғалари қайишип ғӧзапаяни катменмен чавуп, арқалап ташидилар!*

Қадала қатип турув – [Qadala qatip turuv] – туркий ибора. Ялинмоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ. *Бармайман десемем башимда қадала қатип турди.*

Қадағасини қатти тигув – [Qadag'asini qatti tiguv] – туркий ибора. Ёмон кўрмоқ, доимий кузатмоқ, назорат қилиб ҳаракатидан камчилик ахтармоқ.

*өвмин: Келин қайнениң қаддини букмесин,*

*Қайне келинге қадағасини қатти тикмесин!*

Қазанға жанашсаң қараси жуғади – [Qazang'a janashsang qarasi jug'adi] – туркий ибора. Бировдаги хусусият унинг шеригига ҳам ўтиш эҳтимолининг устунлигига ишора. *Вөниң еки хатини бар екен, қазанға жанашсаң қараси жуғади деп вөға кўп жанашабермең!*

Қанатиға алув – [Qanatig'a aluv] – туркий ибора. Ҳимоясига олмоқ. *Рассияға барип бир яхши адамға жөлихтиқ, шөл қанатиға алип, ишем тавуп берди, жатақ жайам тавуп берди!*

Қантти «каке», нанди «папе» дейув – [Qantti «kake», nandi «pape» deyuv] – арабча+форсий+туркий ибора. Анча ёш, гўдак маъносида. Мен Жарипқолдиң базарида мал алиб, мал сатип жиргенимде сен қантти «каке», нанди «папе» деб жиргичең.

Қан қахшатув - [Qan qakhshatuv] – туркий ибора. Қаттиқ қийнамоқ, урмоқ, азоб бермоқ. Қирғини шо воғрилардиң кесин, уч жилдан бери елди қан қахшатип мал воғирлайдилар!

Қанини чачув - [Qanini chachuv] – туркий ибора. Қаттиқ жанжаллашмоқ, уришмоқ (асосан аёллар ишлатадиган ибора). *Хөразимди урип чөлақ қипти, қана таван тўлемесин, қанимди устиге чачаман!*

Қара, ҳайда – [Qara, hayda] – туркий ибора. Ҳайдовдаги қорамол. *Қарасиға саккиз қөй сапти. Ҳайдасиға бир ечки қөшибем малал бөлдима, алдима қувурмаям қөймади!*

*Қара терге батув – [Qara terge batuv] – туркий ибора. Қаттиқ терлаб ишламоқ.* Башқуш балаларим уч жилдан бери қара терге батип пал тартип шали егедилер, жöғаридағилар сув бермейдилер!

Қаражал – [Qarajal] – туркий ибора. Қора ёлли от.

*Жали қара, қаражал,*

*Маңа жöлдаш қарамал.*

Қарда жатар қайтмасқара – [Qarda jatar qaytmasqara] – туркий ибора. Иссиққаям совуққаям чидамли, тетик, ғайратли ўспирингa нисбатан айтилади. *Қарда жатар қайтмасқараң, муздиң устида жалаңаяқ вöйнаб жирипти!*

*Қари демей, жаш демей – [Qari demey, jash demey] – туркий ибора. Барчани бирданига.* Чабихтан чарчап дам алиб вöтирибек, райис келип қари демей, жаш демей баримизди уришти.

*Қарниға жемеслик – [Qarnig'a jemeslik] – туркий ибора. Қаттиқлик, хасислик.* Қарниға жемегич адам, елге нан береме?!

Қарға-қарғаниң кўзини чöқимайди – [Qarg'a-qarg'aning ko'zini choqimaydi] – туркий ибора. Ўзига маслакдош одамга, ўзининг одамига зарар еткизмайди маъносида. *Ағайин екенсен, ишиңди қилебер, қарға-қарғаниң кўзини чöқимайди!*

*Қассами – [Qassami] – арабча ибора. Ёлғончи, қассам ичиб, ҳаммани алдовчи.* Вöниң қассамиға ишенме, вöл тувилғаннан қассами.

Қассам ичув – [Qassam ichuv] – арабча+туркий ибора. Ўзини бу ишга алоқаси йўқлигига бошқаларни ишонтирмоқ, бирор ишни бажаришга сўз бермоқ. *Вöннан сöрасам, пулди аған жöхман деп қассам ичти.*

Қах суек – [Qah suek] – форсий+туркий ибора. Этсиз, озғин. *Бизиң хатин қӧш ийек, сизикичи қах суек!*

Қачан қарасам – [Qachan qarasam] – туркий ибора. Доимо. *Қачан қарасам ериңди жетелеп сен базардан қайтасан!*

Қачип қутулувға гӯр таппаслиқ – [Qachip qutuluvg'a go'r tappasliq] – туркий ибора. Қийин аҳволда қолмоқ. *Авел жанжалди башладию, кейин қачип қутулишқа гӯр табалмай қалди!*

Қаш қарайув – [Qash qarayuv] – туркий ибора. Қоронғи тушмоқ. *Қаш қарайғанда сувға бармастан, сувиңди ертерек апкесең, бӧйма?!*

Қил-қиллама Қултайжан – [Qil-qillama Qultayjan] – туркий ибора. Умид қилма, томоғингни тақиллатма маъносида. *Қил-қиллама Қултайжан деген екен, кундуз куни уят бӧлади, қаш қарайғаннан кейин қиласиз нағмаңизди!*

Қима-табасан – [Qima-tabasan] – туркий ибора. Ёмонлик қилсанг, ёмонлик топасан маъносида. *Қӧй вӧниң кӯзи вӧйилсин, байқуш қайнесини бир касе авқатман бир чайнек чайдиң теңи қимай, кампирди хишлариниң уйиге апарип тайлап вӯлгенде сандиғиға сайип бӧбеди, енди келини вӧниң тирилигиде давлетиге сайип бӧп вӯзини хирманға чиғарип тайлади, қима-табасан деген!*

Қисиб-қисиб берув – [Qisib-qisib beruv] – туркий ибора. Бирор нарсани бирданига бермосдан доналаб бермоқ, ялинтириб бемоқ, қаттиқлик қилмоқ. *Бератқаниңди бирдениге бермейсеме, қисиб-қисиб берип биздием ҳалек қимастан!*

Қӧйдиң авзидан чӯб амаған – [Qoyding avzidan cho'b amag'an] – туркий ибора. Бировга ёмонликни раво кӯрмайдиган, яхши кишига нисбатан айтиладиган ибора.

*Вöни жаманнама, вöл қöйдиң авзидан чўб амаған адам!*

Қöйдиң устиге тöрғай жумалав – [Qoyding ustige torg'ay jumalav] – туркий ибора. Эркинлик, тўкин-сочинлик, тўқлик. *Яна қайтип қöйдиң устиге тöрғай жумалаған кунлерди кўремизме екен-а?!*

Қöй кечкен шöрпа – [Qoy kechken shorpa] – туркий+туркий+форсий ибора. Қўй сўйилип тайёрланган шўрва. *Қöй кечкен шöрпадан яна бир каседен ичиб аңар, жигитлер! Қайнемдикке барибем, қайнем чапетини турап қöй кечкен шöрпадан басип апкелди, шöрпани урип уйге келдим, раҳатини қизи кўрди!*

Қöлдан вўтер – [Qoldan vo'ter] – туркий ибора. Ишни сифатсиз, қўл учида бажармоқ. *Қöйхананиң шихини жездең қöлдан вўтер қип байлап қöйған екен, сарке шахининг учиға алип кўтерип, қöйларди егертип жöңишқа паяға жайилип кетти.*

Қöли калте, қöли жуқа – [Qoli kalte, qoli juqa] – туркий ибора. Имкониятсизлик, пули ёки молининг йўқлиги. *Айнаңниң қöли калте, бöмаса кузеке келинини туширип ағичеди!*

- *Кампир, ҳазирче қöлим жуқа, пенсиямди алайин, алдиға саңа жалт-жулт кўйлек кийдирип, ешшегимди тöхимлап, сени арқама миндирип халлени ешшектиң мöйниға тиреп, ҳаңратип душманкўзи қилип қишлахтиң бу башидан вö башиға жöрғалатаман!*
- *Чалбай, ешшегиңизди кўп қатти жöрғалатмаң, тувлаганда жиғилип тушсем қасир куйлегим расва бöп, қишлағекиге тамаша бöламиз!*
- *Ғамини жеме кампир, қöй ешшек тувлап сени жиғитсин, қишлағеки жийилса кўйлегиң реклама бöлади, расва бöлишини вöйлама, яна бир кўйлек сеннен садаға,*

*кампир, саңа вөн қабат кўйлек кийгизмесем атимди башқа қөяман!*

- *Ҳар уч кунде сиз атиңизди башқа қөйғаниңиздан, атиңиздиң кимлигинием билмей қалдим, чал! Намашамнан нармаған апперген қасир кўйлеклериңизди кийип-кийип алайин, таң атти танимай қаласиз, киейин десем худайжани тетрөн кўйлегем таппай қаламан!*

Қөли тиймеслик – [Qoli tiymeslik] – туркий ибора. Вақти йўқ, банд бўлмоқ. *Айнаңизам төйға кемекчи еди, буғдайға вөрақ тушиб, қөли тиймей қалди.*

Қөлини жувуп қөлтиғиға урув – [Qolini juvup qoltig'ig'a uruv] – туркий ибора. Умидини узмоқ. *Қараңа қишта бир қапча буғдай сөрап барибем иним жерге қарап ҳаям демеди, жөғам демеди, қөлимди жувип қөлтиғима урип қайтабердим!*

Қөлини ҳалаллав – [Qolini halallav] – туркий ибора. Суннат қилмоқ. *Улиңниң қөлини ҳалалламайсама, ҳадемей мактепке баради, ашналариниң ичиде уялип жиреберсинме?!*

Қөлиға қаратиб алув – [Qolig'a qaratib aluv] – туркий ибора. Муттаҳам қилиб олмоқ, ўзига боғлиқ қилмоқ. *Байқуштиң камбағаллиғидан пайдаланип, қишда еки қапча буғдай берип қөлиға қаратип алди.*

Қөлиға илиңгенини ашируv – [Qolig'a ilinggenini ashiruv] – туркий ибора. Кўрген нарсасини қаергадир жўнатмоқ. *Келинниң қөлиға илиңгенини атасиникиге аширғани яхши емес!*

Қөлиға қаратув – [Qolig'a qaratuv] – туркий ибора. Ўзига боғлиқ қилиш, қарам қилиб олиш. *Қөли жуқалиғидан пайдаланип, қишта еки қапча буғдай берип вўзиниң қөлиға қаратип алди.*

Қӧлтиғиға кирув – [Qoltig'ig'a kiruv] – туркий ибора. Кимнидир орқа қилмоқ, хизматига кирмоқ. *Қайнатасиниң қӧлтиғиға кирип, ата-енесини сӧрамай қӧйди!*

Қӧли калте – [Qoli kalte] – туркий ибора. Моддий жиҳатдан имкониятсиз, пули кам. *Тағайиңниң қӧли калте, бӧмасам сени вӧраза кирмей туширип ағичеди!*

Қӧли қалп – [Qoli qalp] – туркий+арабча ибора. Қўли эгри, ўғри. *Ашнаңнан такит бӧл, қӧли қалп дейдилер, бирен нерсеңди шимшитип кетмесин!*

Қӧтан авуштирув – [Qotan avushtiruv] – туркий ибора. Меҳмонларнинг бир уйдан иккинчи уйга ўтиши. *Кампир, бир уйде бир ахшамнан зияти зият, абийиримиздиң барида бугун башқа ағайиндикке қӧтан авуштирайиқ!*

Қуйип қӧйғандай – [Quyip qoyg'anday] – туркий ибора. Айнан ўхшаш, қадди-қомати келишган. *Қизи қуйип қӧйғандай каттенесиниң вўзи. Ули қуйип қӧйғандай гавдеси вўзиге жарашқан жигит бӧпти!*

Қул бӧсаям қулағи жавли бӧсин – [Qul bosayam qulag'i javli bosin] – туркий ибора. Келиб чиқиши камбағал бўлсаям топармон бўлсин маъносида. *Қул бӧсаям қулағи жавли бӧсин дегеннер, пақир бӧсаларам улғаналари Рассияға барип ишлеп келаятирлар, бӧлади, қизинг вӧннан артиқ кимге тиеди!*

Қул жемес – [Qul jemes] – туркий ибора. Овқатнинг сараси, гўштнинг лахм жойи. *Мал сӧйған бӧсаң гўштиң қул жемес жайидан қувуртирип ке, бир раҳат қилайиқ! Аке, уйиме уятли мейманнар кеген, гўштиң қул жемес жайидан беш килла тартиң, пулиниям қул бермес қип беремен!*

Қулақти жейув – [Qulaqti jeyuv] – туркий ибора. Бир гапни қайта-қайта такрорлаб, қистамоқ. *Кампир қулахтиям жедиңку, кампирге ким қӧйипти вўкчели туфлини,*

*жиралмай аяғиң қайрилип кетсе, қаяхтан синихчи уста қарайман, саңа масси минен калиш алиб беремен, дедимку?!*

Қулахтиң баши – [Qulakhting bashi] – туркий ибора. Сувнинг боши, ернинг боши. *Қӧш хўккиз амачти судреп қулахтиң башиға барғанда биреви шадделеп кетип, путини пилик тилип кетти! Қишлахтиң еркеклери қавун сувғарамиз деп табистан кечесимен қулахтиң башини бағадилар!*

Қулағи авда – [Qulag'i avda] – туркий ибора. Бирор бир хабарни интиқлик билан кутмоқ. *Атам уйлентиремен дейме, деп жигитлердиң қулағи авда!*

Қулағиға жағув – [Qulag'ig'a jag'uv] – туркий ибора. Бирор гапнинг маъқул бўлиши. *Қишлахтиң қизларидан гапирсек, улиң ғимиңлапқана алдимиздан кетмейди, миндайин гаплер қулағиға жағип қапти!*

Қулағиға сирға – [Qulag'ig'a sirg'a] – туркий ибора. Эсингдан чиқарма. *Айтқан гаплеримди қулағиңа сирға қилиб ас! Ешиткениң қулағиңа сирға бӧсин!*

Қулағиға қуйув – [Qulag'ig'a quyuv] – туркий ибора. Бирор нарсани қаттиқ тайинламоқ, гап ўргатмоқ, уқдирмоқ, ғийбат қилмоқ. *Бийкеңниң қулағиға ҳазирден қуябер, қизини бегана қимасин! Ериңди ағилға жетелеп таң атқаннан бери қулағиға нимелерди қуйдиң?*

Қундуздан кеген қудағийдай – [Qunduzdan kegen qudag'iyday] – туркий ибора. Олисдан келган ҳурматли меҳмондек. *Қундуздан кеген қудағийдай сузилмей, чайнекти алдиңа алда, мейманнарға чай суз!*

Қури авуз – [Quri avuz] – туркий ибора. Ҳеч нарса емасдан. *Мейманнарди қури авуз қайтип жўнетемиз, малди билай-билай сӧйиң, мен қазанди асип жавди қиздираберей, мейманнар уятли, екевгенесием вўзимниң хишим, сизиң хишлариңиз кесе памедуршакереппен гапти қӧйув қип берип*

*жӯнетеберемиз!*

*Қури (бӧш) табақа патаҳа (дува) жирмейди – [Quri (bosh) tabaqa pataha (duva) jirmeydi] – туркий ибора, бу ерда “фотиҳа” арабча. Ишнинг битиши учун бирор нарса бериш кераклигига ишора.* Қури табақа патаҳа жирмейди, табағиң қӧйув бӧса ишиңем питеди!

Қури қӧл келув – [Quri qol keluv] – туркий ибора. Ҳеч нарса олиб келмаслик. *Чече қулли бӧсинға қури қӧл келдик, ахлиғини айнамнан алабересиз!*

Қуртжеңги – [Qurtjenggi] – туркий ибора. Ҳолсиз, мажолсиз, гавдаси кичик. *Сениң қуртжеңги қайнеӊ индемей енкейипкене вӧтирғаниман бир шақиллап қайнамасин, қайнаса термисге қуйған чайдей сувиши қийин.*

Қуюшқаннан чиғув – [Quyushqannan chig’uv] – туркий ибора. Тартибни бузмоқ, инсофсизлик қилмоқ. *Арақ ичиб қуюшқаннан чиққаннан сӧң, айнаси вӧтирғизип насаҳат қилди.*

## Ғ

Ғамини жейув – [G’amini jeyuv] – арабча+туркий ибора. 1. Тайёрланмоқ, йиғмоқ. *Қиштиң ғамини табистан же!* 2. Бошқалар ҳақида қайғурмоқ. *Вӧниң ғамини сен жейсеме, сенненем башқа ғам жегичи кӯп!*

Ғар какирув – [G’ar kakiruv] – туркий ибора. Доимо ошқозони тӯқ бӯлиб юрмоқ. *Атаң Маскувада ғар какирип жирипти!*

## Ҳ

Ҳа, деген туеге мадет – [Ha, degen tuyege madet] – туркий

ибора. Далда бермоқ, руҳини кўтармоқ, ғайратига ғайрат қўшмоқ. *Ҳа, деген туеге мадет дейдилер, бӧзбалалардиң алдиға бариб бир ҳайбарекелле берип келиң!*

Ҳабалав – [Habalav] – туркий ибора. Ёлғон гапирмоқ, гумон, ваҳима қилмоқ. *Кўрмеген нерсеңди ҳабалап жирме!*

Ҳавар бӧлув – [Havar boluv] – форсий+туркий ибора. Ҳовуридан тушмоқ, ўзини босмоқ. *Қайнең қизишқанда сен ҳавар бӧсаң, устиңнен дува жавади, қабағиңди уйсең устиңе ҳава жавади, ҳабаласаң устиңе жала жавади!*

Ҳай дирих – [Hay dirikh] – туркий ибора. Афсусланмоқ. *Ҳай дирих, самалётда учмаппан, пайизда жӧлда кўп пулим кетип қалди!*

Ҳалежиден вўткезув – [Halejiden vo'tkezuv] – туркий ибора. Қийнамоқ, азоб бермоқ. *Намашам бӧмастан уйиңе жетип алки, балаң учинғидай бӧса, қайнең сени ҳалежиден вўткезмесе қӧймайди!*

Ҳалек бӧлув – [Halek boluv] – форсий+туркий ибора. Овора бўлмоқ. *Ҳалек бӧп жиресеме, ҳали замат вўзлери келип қаладилар!*

Ҳал(л)игини аширув – [Hal(l)igini ashiruv] – туркий ибора. Бир сўзда қатъий турмоқ. *Асамам шу қизди аламан, амасамам шу қизди аламан деп ҳалигини аширип турғаннан сӧң, улимниң давасини таппадим.*

Ҳалик салув – [Haliq saluv] – туркий ибора. Курашда полвонларнинг бир-бирини йиқитиш учун оёқларини ишлатиш ҳадиси, ҳийласи. *Палван, шеригиңниң жағасиға жабишмай, ҳалик сал!*

Ҳар ким кулди вўзиниң кўмечиге тартади – [Har kim kuldi vo'zining ko'mechige tartadi] – туркий ибора. Барчада шахсий манфаат устунлигига ишора. *Ҳаммең кулди вўзиңниң кўмечиңе тартмастан, аввел аштi қурға тартиңар!*

Ҳар салаға кўнув – [Har salag'a ko'nuv] – туркий ибора. Ҳар қандай келишувга кўнмоқ, ҳар қандай ҳолатга кўникиб кетмоқ. *Қуда ҳар салаға кўнеди, қудағий жав тамса жалағич екен.*

Ҳулкерге қараған бузавдай – [Hulkerge qarag'an buzavday] – туркий ибора. Бировнинг қўлига қарамоқ, бировдан умид қилмоқ. *Ҳулкерге қараған бузавдай қайнатаңниң қолиға қарамастан, сенем Рассияға барип ишлемейсеме, катте-катте тишлесең!*

Ҳушини башиға алув – [Hushini bashig'a aluv] – форсий+туркий+туркий ибора. Калласини ишлатмоқ. *Ҳушиңди башиңа алип ишле, искалетти ҳар уч айда КРУдан ревизорлар басади!*

Ҳўкиз егесиге кўтен жоқ, кўтен бо́саям путин жоқ – [Ho'kiz egesige ko'ten joq, ko'ten bosayam putin joq] – туркий ибора. Мол ёки нарса эгасига насиб қилмайди, насиб қилса ҳам кам қисми тегади, деган маънода. *Ҳўкиз егесиге кўтен жоқ, дегеннеридей тал туште бир ҳарасат жолдан кўтерип кеген қавунимнан вўзиме бир тилигем тиймеди!*

# Хулоса

Лақай элати лаҳжасида кенг қўлланиладиган диалектал сўз ва ибораларнинг аксарияти умумтуркий тилнинг муҳим компоненти сифатида туркий оламда ўзаро муомала жараёнида қўлланиб келинаётганлиги эътиборлидир. Шу билан бир қаторда, лақай диалектида ишлатилаётган айрим сўзлар қадимги туркий тил бойликларини сақлаб, ворисийлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга узатиб келаётганлиги ушбу тилнинг тарихий моҳиятини белгилайди.

Охирги йилларда маданий жараёнларнинг конвергенциялашуви натижасида айрим сўз ва иборалар миллий тилимизда архаик шаклни касб этаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Лекин, бундай сўз ва иборалар лақай элати лаҳжасида фаол қўлланилиб келинаётганлиги бир томондан анъанавий лисоний имкониятларимизнинг кенглигини кўрсатса, иккинчи томондан ана шу имкониятларни рўёбга чиқариш – миллий тилимиздаги синонимик қаторларнинг бойишига хизмат қилади. Шу боис, диалектал бойликларни йиғиб, миллий маданият, жумладан умумлисоний манфаат нуқтаи назаридан ёндошиш тилшунослигимиз ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лақай диалекти миллий тилимиздаги қипчоқ лаҳжасига мансублиги боис, ушбу асарда ҳам “ж” ва “қ” ҳарфлари билан бошланувчи сўзлар бошқаларига нисбатан етакчи ўринни эгаллаётганлиги ҳам эътиборлидир. Ушбу асарда ҳар бир сўз ва ибораларнинг транскрипцияси, айрим сўзларнинг қайси тилдан ўзлаштирилганлигига ҳам эътибор қаратилганлиги ҳамда жонли сўзлашув тилида мисоллар келтирилганлиги ўқувчи тафаккурида яхлит тасаввурни

шакллантириш учун қўлланилди. Умуман олганда юқорида таъкидланган жиҳатларни илмий доираларда тарғиб этиш тилшунослигимиз, жумладан диалектология ривожида ҳам муҳим бўлиб, маънавий салоҳиятимизнинг теранлигидан далолатдир.

## Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар


1. Абдуназаров Хушвақт. Эл фарзанди. Қўрғонтепа, 1999.
2. Абдуназаров Х., Мўминова Ҳ, Абдуназарова М. Маърифат ўчоғи. – Душанбе: Ирфон, 2007.
3. Абдушукуров Б. «Қиссаси Рабғузий» лексикаси. – Т.: Академия, 2008. – 192 б.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I – IV томлар. – Ўзбекистон: “Фан” нашриёти, 1983.
5. Асқар Маҳкам. Оқ китоб. – Душанбе: Ирфон, 2008.
6. Донахонов Э. Қуюн (қисса) //Ўзбегим тўпламида. –Т., 1992. -Б.41-70.
7. Дренетюркский словарь. Изд-во “Наука” Ленинградское отделение. – Ленинград, 1969.
8. Жўрақул Ажиб. Сўнмас садолар. –Душанбе: Нафосат, 2005. -196 б.
9. Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. Т.: 1966.
10. Каримов Б.Р. Миллат, инсон ва тил: тараққиёт муаммолари. Қарши, 2003.
11. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976.
12. Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы южного Таджикистана. - Сталинабад. 1954.
13. “Лақай овози” ҳафтаномаси. 1991-1992 йй. № 1-17.
14. Малов С.Е. Памятники древнетюркской писменности. М-Л. 1951.

15. Мақсудов Т., Зикриёев Ф., Чалилов Ҳ. Дар бораи воҳидҳои фразеологӣ ва вазифаи синтаксисии онҳо. Душанбе, 1976.

16. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Том I-III. – Т.: Фан, 1960-1963.

17. Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. Т.: 1969.

18. Носир Афғон. Етолмаган армонларим. – Душанбе: Ирфон, 2007.

19. Олимов Омонулла. Қора унвон. //Замондош (Ҳафтанома). –Душанбе, 2006. №43-44.

20. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Т.: 1984.

21. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Т.: 2000.

22. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Т.: 1955.

23. Решетов В. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Т.: 1962.

24. Саййид Таваккалхон. Муҳаммад Иброҳимбек (тарихий қисса). –Душанбе, 2009.

25. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. I-IV тома. М.: 1974-1989.

26. Шафақов Х. Кўлоб ўзбеклари. – Душанбе: Нафосат, 2006.

27. Эназаров Т. Ўзбек диалектологиясидан амалиёт. - Тошкент, 1995.

28. Эназаров Т.Ж. Номшунослик масалалари. – Тошкент, 2010.

29. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-V томлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007-2008.

30. Ўзбек халқ шевалари луғати. Масъул муҳаррир Ш.Ш.Шоабдураҳмонов. -Т.: Фан, 1971.

31. Қазақ тилиниң диалектологиялық создиги. I. Алматы. 1996.

32. Қазақ тилиниң орфографиялық создиги. Алматы. 1988.

33. Қалендеров М. Қарақалпақ тили синонимлариниң қысқаша созлиги. Нокис. 1990.

34. Қарақалпақ тилиниң тусинтирме созлиги. I-IV. Нокис. 1982-1992.

35. Ҳабибулло Солиҳ. Нақшин ёзувлар. Боқий мерос //Ўзбекистон матбуоти журнали. 2003. №2. -Б.42-43. №3. -Б.34-35.

36. Ҳайдаров Н. Лақайим (шеърлар). – Душанбе: Нафосат, 2007.